
ПЕДАГОГИКА

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

I


2016/6-472

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т. Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ПЕДАГОГИКА

энциклопедия

Масъул муҳаррир
Р. Сафарова

I ЖИЛД

А – Ё

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент – 2015

УЎК 37.013.2(031)
КБК 74я2
П 29

Педагогик фаолият тамойиллари

Ўзбекистон

Педагогика: энциклопедия / тузувчилар: Жамоа. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2015, 320-бет.

УЎК 37.013.2(031)
КБК 74я2

Ko'makchi fond

2016/6
472
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-07-339-5

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2015

КИРИШ

Педагогикада «атама» тушунчаси остида илмий-амалий маънода педагогик тушунчаларнинг аниқ ифодаланган шакли тушунилади. Педагогик тушунчаларни ифодалашга хизмат қиладиган сўз ёки сўз бирикмалари ўзининг аниқ дефинициялари, яъни аниқловчиларига эга. Шунинг учун ҳам бундай аниқловчилар илмий-педагогик услуб доирасига киради.

Педагогик атамалар педагогикага оид илмий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар мажмуидир. Улар педагогика фанининг муҳим тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Ўзбек тилида педагогик атамалар ўзининг узоқ муддатли ривожланиш йўлига эга. Аждодларимиз баркамол авлод тарбиясининг педагогик, маънавий-ахлоқий асосларини яратиш жараёнида кўплаб педагогик атамаларни кашф қилганлар.

19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларига келиб дастлабки дарслик ва қўлланмаларнинг таржима қилиниши ва яратилиши б-н боғлиқ ҳолда педагогик атамалар кўлами кенгайди. Бундай атамалар ўша даврда яратилган дастлабки илмий мақола, газета ва журналларда ёритила бошланди.

20-асрнинг 20-йилларидан педагогик атамаларнинг миқдори кўпайиб, уларни истеъмол қилувчилар сони ҳам ортди, бироқ педагогик атамаларни тўплаш ва луғат шаклида тартиб бериш соҳасидаги ишлар амалга оширилмади.

Ўша йилларда педагогика соҳасида кўплаб янги атамалар рус тилидан ўзбек тилига кириб келиб, ўзлаштирила бошланди. Бу сўзлар рус тилидан тўғридан-тўғри қабул қилиш ва таржима қилинган ҳолда истеъмолга киритиш орқали ўзбек тили луғат бойлигидан ўрин олди.

Ўзбек педагог олимлари ҳам узоқ йиллар мобайнида 1925–2000 йилларда чоп этилган бир қатор луғат ва энциклопедиялардан фойдаланиб келишган. Мутахассислар 20-асрнинг 90-йилларида рус олимлари томонидан педагогиканинг алоҳида соҳалари бўйича чоп этилган луғатлардан ҳам унумли фойдаланишган. Лекин бу луғат яратиш соҳасида Ўзбекистонда ҳеч қандай иш амалга оширилмаган, деган хулосани келтириб чиқармаслиги керак. Узоқ даврлар мобайнида педагогикага оид атамалар турли луғатлар таркибида аралаш тарзда берилган.

Бугунги кунга келиб педагогикага кўплаб янги атама, тушунча ва иборалар кириб келди. Уларнинг маъноси турлича изоҳланиб, манбаларда турли-туман шаклларда берилмоқда. Бу, ўз навбатида, мазкур атамалардан фойдаланувчиларни баъзи ҳолларда чалғитмоқда. Айрим вақтларда эса фикрнинг ёритилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам педагогик атамалар мазмунига янгича контекстда ёндашиш педагогика фани олдида турган муҳим вазифалардандир. Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялашда янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда педагогик атамаларнинг янги мазмун-моҳиятга эга бўлишига асосланган ҳолда ёндашиш, бунда мазкур атамаларнинг бошқа тил-

ларда қай шаклда қўлланиши ва қандай мазмун-моҳият касб этишини ўрганиш ва ўзаро киёслаш муҳимдир. Бугунги кунга қадар кўпгина хорижий мамлакатларда турли даврларда педагогик атамаларнинг мазмуни бўйича изланишлар амалга оширилиб, турли луғат, маълумотнома ва энциклопедиялар тузилган. Жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек, рус тилида турли даврларда яратилган бир неча вариантдаги педагогик луғат ва энциклопедиялар мавжуд. Уларда айни бир атаманинг мазмун жиҳатдан ўзгариб кенгайганлиги тадрижий тарзда ўз ифодасини топган. Бироқ ўзбек тилида педагогик атамалар турли даврларда ҳар хил мазмун-моҳиятга эга бўлиб келаётган бўлса-да, улар махсус тадқиқ этилмаган ва унификациялаштирилмаган. Натижада айни бир атама мутахассислар томонидан турлича шарҳланмоқда. Аксарият ҳолларда эса уларнинг маъноси нотўғри талқин этилмоқда.

Педагогик атамалар илмий жиҳатдан тўғри тавсифланиши, уларнинг барча маънолари изоҳланиши лозим. Бу, ўз навбатида, педагогика илмининг ривожланиши ва оммалашишида муҳим аҳамият касб этади. Атамаларда педагогика фанида баркарорлашган билимлар, ёндашувлар, концепциялар ўз ифодасини топиши керак. Педагогик атамаларнинг шарҳ ва изоҳлари педагогик энциклопедия тарзида тизимлаштирилиши лозим. Педагогик энциклопедиялар илмий, ижтимоий, педагогик вазифаларни бажаради. Улар мутахассисларга муайян педагогик ҳодиса ҳақида ҳар томонлама мукаммал маълумот бериш функциясига эга. Уларни педагогикага оид сўзлар, тушунчалар, атамалар ва уларнинг илмий моҳияти ҳамда йўналишлари б-н таништиради. Мутахассисларнинг педагогика ва таълим-тарбия соҳасидаги сўз бойлиги ҳамда билим доирасини оширади. Бундай энциклопедиялар бугунги кунда педагогика ва таълим-тарбия соҳасида маълумот, ахборот тўплаш ҳамда уни мутахассисларга етказишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мустақиллик йиллари республикамизда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Мустақиллик: илмий-оммабоп луғат», «Фалсафа энциклопедик луғати», «Тарбия» энциклопедияси, «Хотин-қизлар энциклопедияси» каби бир қатор энциклопедия ва луғатлар, шунингдек, тармоқ луғатлари яратилди. Уларда айрим педагогик атамалар қисман шарҳланган. Бугунги кунга келиб илмий муомалада учрайдиган барча педагогик атамаларнинг мазмун-моҳиятини шарҳлашга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Ўзбек халқининг маданий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлган педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялашда 3 жилдли «Педагогика энциклопедияси»нинг яратилиши алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу энциклопедиянинг мазмун ва мундарижасини белгилашда жаҳон қомусчилиги анъаналаридан, бу соҳада мамлакатимизда орттирилган ижобий тажрибалардан фойдаланишга ҳаракат қилинди. «Педагогика энциклопедияси» педагогика фани, таълим-тарбия, педагогик психология, педагогик антропология, фалсафий педагогика, ижтимоий педагогика, педагогик диагностика, статистик педагогикага оид маълумотларни мухтасар тарзда ифодалаш билан бирга инсоният тамаддунининг муҳим ютуқлари ҳақидаги билимлар мажмуини ўз ичига олади. Педагогика ва таълим-тарбияга оид илмий маълумотлар энциклопедиянинг асосий қисмини ташкил қилади. Унда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда педагогика, таълим-тарбия соҳасида рўй берган улкан ўзгаришлар батафсил ёритилади. Ўзбек халқининг педагогика ва

таълим-тарбия соҳасидаги тарихий тажрибалари, шунингдек, собиқ тузум йилларида вужудга келган таълим-тарбиявий қарашлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, ютуқлари ҳамда камчиликлари ҳар томонлама таҳлил қилинади. Ўзбекистонда педагогика фанини ривожлантиришга ҳисса қўшган мутахассисларнинг илмий фаолияти, мазкур соҳага қўшган улуши ҳақида маълумот берилади. Унинг саҳифаларидан оила тарбияси, меҳнат тарбияси, халқ педагогикаси, таълимий қадриятлар, жаҳон педагогикасида эришилган ютуқлар, педагогика фанининг бугунги кундаги ҳолати, тарихи, янги методологик ёндашувлар, атамаларнинг шарҳлари, номлар ва ҳ.к.лар ўрин олади. «Педагогика энциклопедияси»да мустақил Ўзбекистоннинг таълим-тарбия ва педагогика соҳасидаги халқаро алоқалари билан боғлиқ мавзулар ҳам ёритилади.

Мазкур китобда тақдим этилаётган педагогик атамаларнинг мазмуни педагогик муомаладаги қийинчиликларни бартараф этиш имконини беради. Шу билан бир қаторда педагогик мазмундаги матнларни тушунишни осонлаштиради. Педагог ва тадқиқотчилар педагогик ҳодиса ҳамда вазиятларни тавсифлашда ушбу атамалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Ушбу атамалардан фойдаланишда уларнинг ҳар бири қандай маънода истеъмол қилинишидан қатъи назар ўқувчилар, талабалар, илмий-педагогик жамоатчилик, умуман, фойдаланувчилар учун қулай ва тушунарли бўлишига эътибор қаратилди.

Ҳар қандай нутқий хатоликларни бартараф этиш ҳар доим онгли тарзда амалга ошириладиган жараён ҳисобланади. Дидактик қонуниятлар таълимнинг асосий ҳолатва тамойилларида ўз ифодасини топади. Замонавий педагогикада ранг-баранг дидактик принциплар тан олинган. Мазкур принциплар таълим ҳамда педагогик ҳодисаларнинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам педагогик атамаларни танлаш ва уларни унификациялашда илмийлик ҳамда тушунарлилик, онглилик, фаоллик, мустақиллик, тизимлилик, изчиллик, мустаҳкамлик ва назария билан амалиётнинг алоқадорлиги каби принципларга таянилди. Бундай тамойиллар бошқа барча педагогик ҳодисалар каби атамаларга ҳам хосдир.

Таълим очиқ характердаги ривожлантирувчи жараён бўлганлиги учун ҳам уни алоҳида кўрсатмалар асосида такомиллаштириш мумкин эмас. Таълимнинг муваффақиятини таъминловчи асосий ҳолатлардан бири бу жараёнда қўлланиладиган педагогик атамаларнинг мақсадга мувофиқ тарзда танланиши ва улар мазмунининг таълим жараёни субъектлари учун тушунарли бўлишидадир. Педагогик энциклопедияга мақсадга мувофиқ тарзда тартиб берилишида атамаларнинг илмийлик тамойили асосида танланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу педагогик атамаларнинг моҳиятини назарий жиҳатдан асослашга хизмат қилади.

ПЕДАГОГИКА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР

авг. – август
ад. – адабиёт
акад. – академик
АЛ – академик лицей
апр. – апрель
а. – аср
араб. – арабча
ахб. – ахборот
АРМ – ахборот ресурс маркази
БА – Бадиий академия
библ. – библиографик
б-н – билан
биол. – биология
БКМ – билим, кўникма, малака
БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
БТ – бошланғич таълим
ва б. – ва бошқалар
вил. – вилоят
геогр. – география
дав. – давлат
ДТС – давлат таълим стандарти
дек. – декабрь
дисс. – диссертация
д-р – доктор(и)
доц. – доцент
ж-ят – жамият
ж. – жилд
жур. – журнал(лар)и
ижт. – ижтимоий
и.т. – илмий тадқиқот
инг. – инглизча
инн-он – инновацион
ин-т – институт
й. – йил
КТМД – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури
к.и.х. – катта илмий ходим(и)
КҲК – касб-ҳунар коллежи
каф. – кафедра
комп. – компьютер
лаб. – лаборатория
лот. – лотинча
МТМ – мактабгача таълим муассасаси
мат. – математика
мас. – масалан
мет. – метод(ика)
мил. – милодий
мил. ав. – милоддан аввалги
МДҲ – Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги
нем. – немисча
нояб. – ноябрь
окт. – октябрь
ОТМ – олий таълим муассасаси
ОЎЮ – олий ўқув юрт(лар)и
пед. – педагогик (педагогика)
ПККТМОИ – Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти
п.э. – педагогик эксперимент
проф. – профессор
сент. – сентябрь
тахм. – тахминан
т-я – тарбия
ТДПУ – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
техн. – технология(лар)
у.ў.т. – умумий ўрта таълим
ун-т – университет
ф-т – факультет
фал. – фалсафа (фалсафий)
ФА – Фанлар академияси
ф-ят – фаолият
фев. – февраль
филол. – филология
фор. – форсча
фр. – французча
ХТВ – Халқ таълими вазирлиги
ш. – шаҳар
эксп. – эксперимент(ал)
юн. – юнонча
янв. – январь
ЎзПФИТИ – Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти
кад. – кадимги
ҳоз. – ҳозирги

А

АБАДИЙ ҚАДРИЯТЛАР – инсоният, муайян миллат, ж-ят аъзолари ҳаёти ва ф-яти учун доимий муҳим саналган қадрият шаклларини ифодалайдиган тушунча. Оила, маҳалла, дав. ва ж-ят ин-тлари, она тили, дин, авлодлар ўртасидаги ворислик, тарих ва тарихий хотира, тинчлик, баркарорлик, озодлик ва фаровонлик каби инсон учун ҳамма вақт зарур бўладиган, ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайдиган энг юксак тушунча ва тамойил А.қ. сирасига киради. Мазкур қадриятлар асрлар давомида дунёдаги буюк маърифатпарвар аллома ва мутафаккирларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Хусусан, ўзбек халқининг бебаҳо маънавий мероси ҳисобланган «Авесто» китобидаги «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойили, Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Шайх Хованди Тоҳур, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимизнинг илмий-маънавий меросида ифодаланган адолатли ж-ят, баркамол инсон, тинчлик ва фаровонлик ғоялари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Барча замонларда ҳам А.қ.ни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш учун тинимсиз кураш олиб борадиган фидойи инсонлар б-н бир қаторда, бу йўлда тўсиқ бўладиган, А.қ.ни сохталаштириб, одамзодни асл инсоний киёфасидан маҳрум этишга уринадиган вайронкор кучлар, ғоялар ҳам мавжуд бўлган. Бизнинг мустақил давлатимиз ва ж-тимизда А.қ.ни авайлаб-асраш, ёш авлодга етказиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ (1878.12.7 – Тошкент – 1934.24.8) – маърифатпарвар журналист, педагог, дав. ва жамоат арбоби. Дастлаб Ўқчидаги бошланғич мактабда, сўнг шаҳар мадрасаларидан бирида таҳсил олган. А. замонавий билимларни мустақил ўқиб-ўрганишга алоҳида эътибор қаратган. Араб, форс, рус тилларини ўрганган. 19-а.да кенг қулоч ёйган маърифатпарварлик ҳаракатида фаол иштирок этган, хусусан, ўзи яшаган маҳаллада янги усулдаги мактаб ташкил этган (1908). Мактабдаги ўқув куролларини ўзгартирган, ўз қўли б-н доска ва партапар ясаган. Ўқувчиларнинг асосий қисми камбағалларнинг болалари бўлганлиги учун уларни кийим-кечак, озиқ-овқат, дафтар-қалам б-н таъминлаган. Янги усулдаги мактаблар учун дарслик сифатида 4 қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (1909–15), шунингдек, «Биринчи муаллим» (1911), «Иккинчи муаллим» (1912), «Мактаб гулистони» (1915), «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913) каби ўқиш китобларини тайёрлаб чоп эттирган.

«Биринчи муаллим» 1917 й.га қадар 4 марта нашр этилган. А. уни ёзишда мавжуд дарсликларга, биринчи навбатда Саидрасул Саидазизовнинг «Устози аввал»ига суянган ҳамда дарс бериш жараёнида орттирган тажрибаларидан самарали фойдаланган. «Иккинчи муаллим» китоби «Биринчи муаллим» китобининг узвий давомидир. Унинг би-

ринчи китобини, шартли тарзда, алифбе, иккинчи китобини хрестоматия-мажмуа деб аташ мумкин. Бу дарсликлар давр руҳига мос тарзда яратилганлиги б-н алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

«Иккинчи муаллим» дарслигидаги ҳикояларнинг аксарияти насрий бўлиб, уларнинг барчаси халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан фойдаланиб ёзилган. Ҳикояларда ота-онани ҳурмат қилиш, ҳалол меҳнат б-н шуғулланиш, илмли бўлиш каби маслаҳатлар берилган. Унда болалар савиясига мос содда, дидактик, ахлоқий-маърифий ҳикоялар, шеърлар берилган. Дарслик 40 соатлик сабоққа тақсимланган, унда ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш, бадиий асарни ёд олдириш, ифодали ва таъсирчан ўқиш малакаларини шакллантиришга эътибор берилган. А.нинг пед.га оид асарлари ичида «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари 20-а. бошларидаги пед. фикрлар тараққиётини ўрганиш учун қимматлидир. Бу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Аҳмад Донишнинг «Фарзандларга васият» асарлари каби ўзига хос т-явий аҳамиятга эга. А. мактаб маориф ишларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Жамияти хайрия» ж-ятини ташкил этиб, етим болаларни ўқитган. 1914 й. Хадра майдонида «Нашриёт», 1916 й. «Мактаб» ширкатларини тузиб, «Мактаб кутубхонаси» китоб дўконини очишга муваффақ бўлган. А. 1917 й.да «Турон» газетасини ташкил этиб, унинг саҳифаларида ўзининг илғор пед. қарашларини оммалаштирган. А. ўзининг маърифатпарварлик ф-ятини кенгайтириб, ҳарбий ўқув юрти, Ўрта Осиё давлат ун-тида ўзбек тили ва ад.идан ёшларга таълим берган, проф. илмий унвонига сазовор бўлган. Ахлоқий-пед. қарашларида миллатпарварлик, ватанпарварлик, илм-фанни севувчи, виждонли шахс т-ясига эътибор қаратган. Ўзбек ад.идаги маърифатпарварлик ғояларини педагог сифатида ўқувчи-ёшлар орасида кенг тарғиб қилган. Ўша даврда ўзбек халқини маърифат сари ундаш дастурига ўзининг амалий-пед. фаолияти б-н ҳам катта ҳисса қўшган.

А. педагог сифатида т-яланувчиларда ахлоқий сифатларнинг таркиб топиши учун ижт. муҳит, оилавий шароит ва т-яланувчининг атрофидаги одамларнинг дунёкараши ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

А. ўзбек пед.си тарихида биринчи марта пед.га т-яланувчи тарбиясининг фани, деб таъриф берган. Табиийки, бундай таъриф А.нинг пед. фанини яхши билганлигидан далолат беради. А. тарбияланувчилар т-ясини нисбий тарзда қуйидаги тўрт бўлимга ажратган: «Тарбия замони», «Бадан тарбия», «Фикр тарбияси», «Ахлоқ тарбияси». «Тарбия замони» бўлимида т-яни ёшликдан бериш зарурлиги, бу ишга барча (ота-она, муаллим, ҳукумат ва б.) масъуллигини таъкидлаган. Т-я хусусий иш эмас, балки миллий, ижт. иш эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтган. А. ҳар бир халқнинг тараққиёти, дав.нинг қудратли бўлиши кўп жиҳатдан авлодлар т-ясига боғлиқ, деб ҳисоблайди. Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичидаги мағиз. Уни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш, яъни чақиб уни пўчоғидан ажратиб олиш керак. А. ўтмиш мутафаккирлари каби ёшларни фойдали касб-ҳунар эгаллашга чақирган. Ўзининг пед. қарашларида сабр-тоқат, сабот ва ма-

тонат масалаларига алоҳида тўхталган. Интизомни инсон характерини т-яловчи, мукаммалаштирувчи манба деб билган ҳамда унга доим риоя қилиш кераклигини таъкидлаган.

А. ўз дарсликларида миллийликка таяниб ижодий изланиш, ўқиш ва ўқитишнинг янги шакл, услуб ва воситаларини қидириб топиш ўқитувчининг энг муҳим сифатларидан бири, деб ҳисоблайди. Унинг дарсликлари ўзбек миллий дидактикаси тарихида муҳим ўрин эгаллайди. У ўз дарсликларида оддийдан мураккабга бориш усулига амал қилади, ўқув материалларини оддий тилда, енгил, қизиқарли бўлишига эътибор беради, матн танлашда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олади. А. яратган дарсликларнинг ижобий хусусиятларидан яна бири шундаки, уларнинг аксариятида халқ оғзаки ижоди намуналари, мақол ва топишмоқлар келтирилган. Дарсликлардаги матнлар ёшларни одоб-ахлоқли, диёнатли, тўғрисўз қилиб т-ялашга қаратилган.

А. дарсликларининг яна бир жиҳати амалиётдан назарияга қараб бориш принципига асосланганлигидадир. А. халқ орасида илғор фикрларни тарқатишда, илм ва маърифатни тарғиб қилишда газета, жур.нинг ўрни ғоят катта эканлигини таъкидлаган. А. пед. фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир ҳисобланади. У асос солган янги усул мактаби инсонпарварликка асосланган эркин таълим-т-я ғояси асосида ф-ят кўрсатган. А. ўқувчиларга дунёвий илм-фан асосларини ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг мактаби ўқувчиёшларнинг ижт.-сиёсий савиясини таъминлай оладиган ҳақиқий халқчил мактабга айланди. А. томонидан яратилган дарсликлар 20-а. бошларидаги ўзбек маърифатчилигининг ноёб ҳодисаларидан саналади. Мазкур дарсликларда т-я ва ахлоқ масалалари илк маротаба 20-а.нинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёритилган. А. ҳулқларни яхши ва ёмонга ажратар экан, ўз қарашларини Гиппократ, Платон, Аристотель, Саъдий Шерозий, Бедил фикрлари б-н асослаган ҳолда замонавийликни асосий мезон қилиб олган. Ахлоқни ҳулқлар мажмуи сифатида тушунган. Ҳулқ эса эзгулик ёки ёвузликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шаклидир. Ҳар бир ҳулқ эзгулик ва олийжаноблик ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли сифатида намоён бўлади. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинади. Лекин у инсонларда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун эса муайян шароит, таълим-т-я зарур, деб ҳисоблайди. А. асарларида бола т-яси унинг туғилган кунидан бошланади ва умрининг охирига қадар давом этади, деган ғоя илгари сурилади. А. таълим-т-яга кенг кўламли ҳодиса сифатида қарайди. Уни биргина ахлоқ б-н чегаралаб қўймайди. Таълим-т-янинг фал. асосларига чуқурроқ киришга интилади. У бадан т-яси б-н фикр т-яси орасидаги уйғунликни тавсифлашга интилган.

А.нинг виждон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унингча, виждон – ақл ва тафаккур мезони. Инсон одобини ҳаё ва иффатсиз тасаввур қилиш қийин. А. ҳаё деганда амалда, кундалик ф-ятда одоб-ахлоққа риоя қилишни тушунади, уни инсонийликнинг муҳим белгиси сифатида тавсифлайди. Пед. қарашларида Ватан ва ватанпарварлик туйғусига алоҳида эътибор қаратади. Ватанни шунчаки севиш эмас, унинг дарди б-н яшаш, ютуқларидан қувониш, у б-н фахрланиш керак, деб ҳисоблайди.

А.нинг фикрича, тилга, маданиятга бўлган эътибор ўз халкига бўлган муҳаббатнинг таркибий қисмидир. Ростгўйлик, тўғрисўзликни инсоннинг олийжаноб сифатлари сирасига киритади. Адолатни, ҳар бир миллатнинг озод ва бахтли бўлиш ҳуқукини дунёнинг асоси деб билади. Унинг карашларида Навоийнинг инсон ҳақидаги машҳур «инсон – хилқат тожи» нуқтаи назари (концепцияси)нинг таъсири устувор ўрин эгаллаган. У ақл фақат инсонгагина хос сифат эканлигини таъкидлайди. А. инсоннинг илм эгаллаши зарурлигини ҳар томонлама асослаб берган. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида инсонликни белгиловчи дўстлик, садоқат, меҳнатсеварлик, мунислик каби ижобий сифатлар улуғланиб, уларнинг акси бўлган жаҳолат, ялқовлик, гийбат, ҳасад, хасислик, иккиюзламачилик каби иллатлар қораланган. Ушбу асар ўз даври ижт.-пед. фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаган. Олимнинг ушбу асарида маънавий т-яга дахлдор қарашлар ўз ифодасини топган. А.нинг пед. қарашлар бугунги кунда ҳам алоҳида илмий-амалий қийматга эга. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ҳам яққол тасдиқлайди: «Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», – деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир».

АБДУЛЛАЕВ Анваржон Абдуллаевич (1942.14.1, Шаҳрихон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Наманган пед. ин-тини тамомлаган (1967). 1965–98 й.ларда Шаҳрихон туманидаги 1-мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси (1965–76 й.ларда мактаб директори ўринбосари лавозимида ҳам бўлган). Меҳнат ф-яти давомида ижодкорликка алоҳида эътибор берган, техник воситалари, кўргазмали қуроллар, инн-он усуллардан унумли фойдаланиб, тасвирий санъат таълими самарадорлигини оширишга эришган. Мактабда «Табиатнинг ўзи рассом» мавзусида тасвирий санъат музейини ташкил этган.

АБДУЛЛАЕВ Рамазон (1945.11.9, Бойсун тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Қарши пед. ин-тининг БТ ф-тини тамомлаган (1973). Бойсун туманидаги мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси, директор (1967 й.дан). Шахсий жамғармаси ҳисобидан 180 ўринли мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширган. КТМДни ҳаётга татбиқ этишда алоҳида жонбозлик кўрсатган.

АБДУЛЛАЕВ Юсуф Негматович (1947.28.1, Самарқанд) – пед. фанлари д-ри (2000), проф. (2002). Самарқанд ДУнинг тарих ф-тини тамомлаган (1967). Ўзбекистон ФА Шаркшунослик ин-тида аспирант, кичик илмий ходим, к.и.х., илмий котиб (1967–85), ЎзР ХТ вазирининг биринчи ўринбосари (1989–92), Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкулодда ва мухтор элчиси (1992–94), ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Фан ва таълим бўлимининг мудири (1994), Самарқанд дав. чет тиллар ин-тининг ректори (1994–2003), Корея Республикаси Чоннам миллий ун-тининг проф. (2003–06), Самарқанд вилоят ПККТМОИ проф.и (2007–11), Тошкент ахб. технологиялари ун-тининг

Самарқанд филиали проф. (2011 й.дан). «Эроннинг Астробод вилояти: XIX а. 2-ярми – XX а. бошида Россия-Эрон муносабатларида унинг роли ва ўрни» ҳамда «Хорижий олий таълимнинг ижтимоий-пед. хусусиятлари: тажриба ва тараққиёт тамойиллари» мавзуида илмий тадқиқот олиб борган.

А. хорижий пед. ва халқаро муносабатлар масалаларига оид 230 дан зиёд илмий, илмий-мет. асарлар муаллифи. У АҚШ, Жанубий Корея, Италия, Англия, Финляндия, Миср, Туркия, Афғонистон ва б. мамлакатларнинг ОЎЮда талабаларга ўзбек, рус, форс-тожик, инг., корейс тилларида маърузалар ўқиган. Россия пед. ва ижт. фанлар академияси, Халқаро ижод академияси (Москва), Нью-Йорк фанлар академиясининг аъзоси. 1990–2003 й.ларда «Хорижий филология» жур.и бош муҳаррири ва бир канча жур.ларнинг ҳайъат аъзоси.

Унинг «Актуальные проблемы зарубежной высшей школы» (1998), «Хорижий олий таълим: тажриба ва тараққиёт йўналишлари» (1999), «Краткая история методики обучения иностранным языкам» (2000), «Иностранные языки в современном мире: эволюция методики обучения» (2000), «Коммуникативная методика обучения иностранным языкам и зарубежный педагогический опыт» (2001), «Жаҳон олий мактаби: киёсий таҳлил» (2001), «Язык и общество» (2002) каби ишлари пед. фани учун алоҳида илмий-амалий аҳамиятга эга.

А. Ўзбекистон Республикаси, Афғонистон, Россия орденлари ва 10 дан зиёд медаллар, Жанубий Кореянинг «Дўстлик элчиси» дипломи б-н тақдирланган.

АБДУЛЛАЕВА Барно Сайфутдиновна (1974.20.7, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (2006), проф. (2011). ТДПУнинг физ.-мат. ф-тини тамомлаган (1996). «Математика ва уни ўқитиш методикаси» каф. аспиранти (1997–2001), Тошкент дав. иктисодиёт ун-ти қошидаги Чилонзор АЛда мат. ўқитувчиси ҳамда илмий-услубий ишлар бўйича директор муовини (2001–04), й.ларда ТДПУда «Гуманитар факультетларда математика» каф. доц. (2006–08), каф. мудири (2008–11), «Бошланғич таълим методикаси» каф. мудири (2011 й.дан).

Академик лицей талабаларининг математик тафаккурини ривожлантириш (умумлаштирувчи дарслар мисолида) ва фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижт.-гуманитар туркумдаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида) мавзуларида илмий тадқиқот олиб борган. А. иккита монография, бешта дарслик, ўнта ўқув-услубий қўлланма ва саксондан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифи.

Унинг «Олий математика асослари» дарслиги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи – 2012» республика танловида ғолиб деб топилган.

АБДУЛЛАЕВА Ойдин Акрамовна (1952.20.3, Қамаши тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қарши пед. ин-тининг филол. ф-тини тамомлаган (1975). Яккабоғ ва Қамаши туман мактабларида дарс берган (1975–99), Қамаши туманидаги 3-касб-ҳунар мактабида ўзбек тили ва ад. ўқитувчиси (1999 й.дан). А. мактабда янги пед. техн.ни амалга оширишда, ўқувчиларга таълим-т-я беришда юкори натижаларга эришган.

АБДУЛЛАЕВА Қумри (1934, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (1992), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими (1990). ТДПИни тамомлаган (1956). Ўқитувчилик ф-ятини

1950 й.да бошлаган. ЎзПФИТИда кичик илмий ходим (1958), «Бошланғич таълим тизими бўйича экспериментал лаборатория» мудири (1967 й.дан). «Биринчи синф ўқувчилари нутқини ўстиришнинг илмий-амалий аҳамияти ҳамда ўқувчиларни ўқиш ва ёзишга ўргатишнинг илмий-педагогик асослари» мавзусида илмий тадқиқот олиб борган. А. «Нутқ ўстириш», «1-синф она тили», «1-синфда ўқиш дарслиги» каби методик қўлланмалар муаллифи. О. Шарафиддинов тузган «Алифбе» дарслигининг янги авлодини яратиш ишларида қатнашган ҳамда Ҳ. Убайдуллаев б-н ҳамкорликда 4-синф «Ўқиш китоби»ни яратган. 1996 й.да амалиётга жорий этилган лотин ёзуви асосидаги ўқув-методик адабиётларни яратишда фаол иштирок этган. Унинг раҳбарлигида яратилган 2-синф «Одобнома» дарслиги ва методик қўлланмаси 1-даражали дипломга сазовор бўлган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н тақдирланган (2005).

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ, тўлиқ исми Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий (1413.7.11–1482, Ҳирот) – ахлоқий т-янинг етакчи намояндаларидан бири, машҳур сайёҳ, элчи ва тарихчи. Бошланғич таҳсилни Ҳирот ш.да олган. Отаси самарқандлик бўлгани учун таҳсилни Самарқанд ш.да давом эттирган ҳамда узоқ муддат мазкур шаҳарда яшаб ижод қилган. Тафсир, ҳадис, фиқҳ, тарих, тил ва ад. фанларини пухта эгаллаган. А.С. Мовароуннаҳр ва Ўрта Шарқнинг 14–15-а.лардаги тарихига оид бой маълумотларни ўзида жамлаган «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») номли тарихий, ахлоқий асари б-н катта шуҳрат қозонган. Ушбу асар 1467–69-й.ларда форс тилида ёзилган бўлиб, унинг танқидий матни илмий изоҳлар б-н 1960–1969 й.ларда Тошкентда босилган. А.С. мазкур асарда ахлоқий т-я соҳасидаги ўз қарашларини баён қилган. Инсонпарварлик, дўстлик, меҳр-мурувват, инсоф, диёнат каби ахлоқий сифатларни улуғлаган ва уларга чуқур тавсиф берган. Ёшлар учун ростгўйлик, дўстлик, иноқлик, бирбирига ҳурмат-иззат кўрсатиш, барчага яхшилик қилиш зарурлигини уқтирган. Ёшлар т-ясига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган. Олимнинг мактаб, таълим-т-я соҳасидаги қарашларидан олий пед. таълим жараёнида фойдаланиш ниҳоятда зарурдир.

АБДУРАСУЛОВ Мамажон (1927.15.5, Шаҳрихон тумани, Найнов қишлоғи) – Халқ ўқитувчиси (1981). Фарғона пед. ин-тининг БТ мет.си фтини тамомлаган (1963). 1950 й.дан Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги 41-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Ўз меҳнат ф-ятида ўқитувчи одоби, айниқса, унинг гўзал нутқи бошқаларга ибрат бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратган. Бошланғич синф ўқувчиларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дарсларда ўйин элементларидан оқилона фойдаланиш натижасида синфидаги ўқувчиларнинг 95 фоизигача фақат аъло, колганлари яхши баҳоларга ўқишига эришган. Дарсларни кўргазмалилик асосида олиб бориш учун ўз пед. ф-яти давомида 7 мингдан ортиқ кўргазмали қуроллар тайёрлаган. Болаларни назарий билимлари б-н бир қаторда уларда ёзма нутқни ўстириш, саводли ва чиройли ёзишга ўргатиш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширган. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг ота-

оналари б-н ишлашга муҳим омиллардан бири сифатида караганлиги орқали ўз т-ясидаги боланинг руҳиятини, кизиқиши ва интилишини, оилавий шароитини яхши билган ҳамда пед. ф-ятида бунга алоҳида эътибор б-н караган. 40 й.дан ортиқ меҳнат ф-яти даврида унинг болаларни рағбатлантириш орқали таълим-т-яни юқори савияга кўтариш усули Ўзбекистон ва б. мамлакатларда кенг оммалаштирилган.

АБДУРАШИДОВ Комилжон (1937, Фарғона вилояти) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тининг филол. ф-тини тамомлаган (1967). Меҳнат ф-яти 1956 й.дан бошланган. Дастлаб Пахтаобод туманидаги 25-мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор ўринбосари, директор лавозимида ф-ят кўрсатган. 1973 й.дан Олтинкўл туманидаги 22-мактабда ўзбек тили ва ад. ўқитувчиси. А. дарсларни кўргазмали қуроллар, техник воситалар, янги усуллар ёрдамида ташкил этган.

АБДУРАҲМОНОВА Саломат (1944.11.1, Туркманистон, Карки ш.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). ТошДУнинг геогр. ф-тини тамомлаган. Сурхондарё вилояти сайёҳлик марказида услубиётчи (1962–65), Қашқадарё вилояти Яккабоғ, Ғузор туманларидаги мактабларда бош т-ячи, ўқитувчи (1965–82), Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 1-мактабда ўқитувчи (1982–93), маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари (1993 й.дан). А. мактабда «Экология ва саломатлик», «Табиат инъомлари» кўрик-танловларини ташкил этган, ўқувчилари вилоят микёсида фахрли ўринларни эгаллаган.

АБДУСАЛОМОВ Абдураҳим (1950. 4.12, Сўх тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Ленинобод (ҳоз. Хўжанд) пед. ин-тининг тарих ф-тини тамомлаган (1980). Сўх туманидаги 10-мактабда ёшлар етакчиси, тарих фани ўқитувчиси (1968–89), директор (1989 й.дан). У мактабда ташкил этган тарих фани ўқув хонаси вилоят кўрик-танловида ғолиб деб топилган.

АБДУСАМАТОВА Раъно Жабборовна (1939.10.1, Олтиариқ тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тининг рус тили ва ад. ф-тини тамомлаган (1962). 1962–71 й.ларда Фарғона туманидаги 4-, 19-мактабларда, 1971 й.дан 3-мактабда рус тили ва ад. ўқитувчи. А. мактабда ташкил этган рус тили ва ад. хонаси туман ва вилоят кўрик-танловларида ғолиб деб топилган.

АБДУҚОДИР ШУКУРИЙ Абдушукур ўғли (Абдушукуров) (1875–1943) – ўзбек маърифатпарвар педагоги. Самарқанднинг Ражабамин қишлоғида боғбон оиласида туғилган. Эски усулдаги мактабни тамомлаганидан кейин Самарқанддаги мадрасалардан бирида ўқиган, рус гимназиясига бориб, унинг ички тартиб-қоидалари ва ўқитиш усуллари б-н яқиндан танишган. 1901 й.нинг кузида у Самарканд вилоятида илк янги усулдаги мактабни очган. А.Ш. фақат ўқитувчилик қилиш б-н чегараланиб қолмасдан, мактаб учун дарсликлар ёзган ва уларни ўз маблағи ҳисобига нашр қилдирган. Мактаблар учун «Жомиъ ул-ҳикоят» (1907), «Зубдат ул-ашъор» (1907) каби ўқув қўлланмаларини яратган. М. Беҳбудий б-н биргаликда мактаблар учун дарслик ва дастурлар тузган. 1917 й. тўнтаришидан кейин ҳам халқ мактаблари ва ўқитувчилар курсларида муаллимлик қилган. Қизлар учун янги усулдаги мактаб ташкил қилган. Кейинчалик ўғил ва қиз болалар гуруҳини

бирлаштириб ўқита бошлаган. 1921 й.дан Самарқанд ш.даги 13-мактабда мудир ҳамда она тили ва ад. ўқитувчиси вазифасида фаолият юритган.

АБДУҚОДИРОВ Абдукаҳҳор Абдувакилевич (1946.2.2, Тошкент) – пед. фанлари д-р.и (1990), проф. (1992). ТДПИнинг физ.-мат. ф-тини тамомлаган (1969). ТДПИ мат. ф-тида ёшлар ташкилотчиси (1968–69), шу ф-т декани муовини (1977–79; 1984–87), «Халқ таълимини бошқаришнинг илмий асослари» каф. мудири (1992–93). Ўзб ПФИТИда илмий ишлар бўйича директор муовини (1993–96), ТДПУ проректори (1996–2002), ЎзПФИТИ директори (2002–03), Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истиқболли пед. ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси кошидаги Масофали ўқитиш маркази директори (2003 й.дан). «Бўлажак мат. ўқитувчиларини ҳисоблаш мат.си ва дастурлаш элементларини ўқитишга методик тайёргарлигини такомиллаштириш ва физ.-мат. ўқитувчиларини тайёрлашни жадаллаштиришнинг назарияси ва амалиёти» (ўқув тарбия жараёнида комп. техникасини қўллаш йўналишида) мавзусида илмий тадқиқот олиб борган.

А.нинг 360 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган. Улар сирасига «Теория и практика интенсификации подготовки учителей физико-математических дисциплин» («Физика-математика фанлари ўқитувчиларини тайёрлаш интенсификацияси назарияси ва амалиёти») мавзусида монография, у.ў.т. мактабларининг 8–9 ва 10-синф ўқувчилари учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарсликлари, АЛ ва КҲКлари учун «Ахборот технологиялари» дарслиги, ОЎЮ учун «Ҳисоблаш математикаси ва дастурлаш», «Ҳисоблаш математикаси ва дастурлашдан лаборатория ишлари» ўқув қўлланмаларини киритиш мумкин. А.нинг раҳбарлигида 11 нафар мутахассис номзодлик ва д-рлик дисс.ларини ҳимоя қилган.

АБЖАД – қад. араб алифбоси таркибидаги ҳарфлардан тузилган ва ҳар қайси ҳарфнинг сон қийматини эслаб қолиш учун ясалган саккизта сўзнинг биринчиси ҳамда шартли умумий номи. Бу сўзлар: А., ҳавваз, ҳутти, каламан, саъуфас, қаршат, саххаз, зазағ. Аслида, араб ҳарфларининг мазкур тартиби финикия ва оромий ҳарфларидан келиб чиққан бўлиб, улар муайян сонларни ифодалайди.

Финикия-оромий алифбосида 400 дан кейинги сонларни ифодалаш учун тав (400) ҳарфига бошқа ҳарфлар қўшилган. Мас., тавқоф (500), тавреш (600), тавшин (700), тавтав (800), тавтавқоф (900) ва ҳ.к. Араблар эса мазкур саккизта сўзнинг олдинги олтитасини 22 ҳарфдан иборат финикия-оромий алифбоси асосида тузиб, ҳарфларнинг сон ифодаларини 1000 га етказиш учун бу алифбода бўлмаган олтита араб ҳарфларидан А.нинг кейинги икки сўзини (саххаз, зазағ) ясаган. Ҳарфларни сонлар, сонларни ҳарфлар б-н ифодалаш А. ва жимал ҳисоби номлари б-н аталиб, қадимги вақтларда сонларни, мас., кўпайтириш жадвалини ёдлашни осонлаштирган. Бундан ташқари, Шарқ, шу жумладан, ўзбек мумтоз ад.ида бирор муҳим ҳодисанинг санасини эсда сақлашни осонлаштириш учун сонлар ҳарфлар б-н ифодаланган. Ўзбек ад.ида А.дан махфий ёзувлар ёзишда ҳам фойдаланилган. Ўзбек мумтоз ад.ида А. ҳисоби 20-а.нинг бошларигача қўлланилган. А. сўзи бошланғич, илк, дастлабки каби маъно-

ларга ҳам эга. А. мусиқа илмида товуш (парда, нағма)лар ёзилиши ва уларнинг нисбатлари аниқланишида қўлланилган.

АБИТУРИЕНТ (лот. abiturіens – кетишга отланган) – кўп мамлакатларда ўрта ўқув юртини тамомлаётган шахс. А. сўзи 20-а.нинг 50-й.лари охиридан янги маъно касб этиб, ОЎЮга кирувчи маъносида ҳам ишлатила бошланди.

АБСОЛЮТ ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИ – шахснинг айрим товушларнинг юқори даражаси, бошқа товушлар б-н муносабати, умуман, ҳар қандай овозни тўғри аниқлаш, идрок этиш лаёқати. Шахснинг А.э.қ. бу мусиқий овознинг мутлақ ривожланиши эмас, умумий тарзда товушларни идрок этишнинг абсолют шаклидир. Шахс мутлақ эшитиш қобилиятисиз муайян вазиятларда маромнинг юқорилигини яхши билиши мумкин. Мас., эшитаётган энг юқори товушни ўзининг шахсий овози б-н киёслаш лаёқатига эга бўлади. А.э.қ.га эга бўлган шахс овоз кўтарувчи муносабатларсиз мусиқий тонларни тўғри айтиб бера олиш малакасига эга.

Мутахассисларнинг таъбирича, одамларда товушлар баландлигини аниқлаш вақти жуда қисқа муддатлидир. А.э.қ.нинг аниқлиги юқори даражада ўртача, қуйи кўрсаткич доирасида эса охирги даражага эга.

Пассив ва рецептив эшитиш қобилиятлари фарқланади. Шахс эшитиш қобилиятидаги бундай фарқларни билиши мусиқа таълимини тўғри ташкил этиш имконини беради.

АБСТРАКТ ТУШУНЧА – нарса ва ҳодисаларнинг мавҳум белги, хусусият, сифат ва ўзаро муносабатларини акс эттирадиган тушунча.

АБСТРАКЦИЯЛАШ (лот. abstractio – мавҳумлик) – инсон тафаккурининг асосий мет.ларидан бири. А. сўзи икки маънони англатади: 1) инсоннинг ақлий билиш жараёни. Бунда шахс нарса ва буюмларнинг кўпгина жиҳатлари, хусусиятлари ва улар орасидаги ўзаро алоқадорликни хаёлан тасаввур қилади. Шу асосда уларни фикран бир-биридан фарқлашга муваффақ бўлади. Нарса ва буюмларнинг инсонларни қизиқтирган муайян жиҳатлари ўзаро бир-биридан ажратилади. Чунки нарса ва буюмларнинг ўзига хос жиҳат, хусусиятларга эгалиги уларни бошқа нарса ва ҳодисалар б-н узвий тарзда боғлаш имконини беради. Билиш жараёнида таълим олувчилар буюмларнинг барча жиҳатлари, хусусияти, уларнинг сифати, бошқа буюм ва ҳодисалар б-н ўзаро алоқадорлигини тўлиқ идрок қилишлари имконсиз. Нарса, буюм ва воқеликни яхлит ҳолда чуқур таҳлил қилиш орқали фикран парчалаб, бўлиб ташлаш асосида муҳим хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги ва нисбатларини аниқлаш мумкин. Бунда муайян буюмнинг алоҳида хусусиятларини унинг бошқа умумий жиҳатларидан фикран ажратиш талаб этилади. Шу асосда нарса, буюм ва ҳодисаларнинг асосий жиҳатларини аниқлаш ҳамда билиш имконияти вужудга келади. Худди шу ҳолатни А. деб аташ мумкин. А. умумлаштириш б-н ўзаро алоқадор бўлганлиги учун муайян буюмлар тизимидаги ҳар бир буюмга хос асосий хусусиятлар эътибордан четда қолиб, уларнинг барчасига хос бўлган жиҳатлар, белгилар алоҳида аҳамият касб этади; 2) инсон билиш жараёнининг натижаси, деган маънони ҳам англатади. Ушбу маънодаги А. инсон миясида дунёни билиш жараёнида вужудга келган тушунчалардан иборат. Демак, А. нарса ва буюмларнинг умумий жиҳатларини соф тарзда

камраб олади, яъни уларнинг объектив борлиқда алоҳида кўринишда мавжуд бўлмаган томонларини ифодалайди.

Шахснинг А. лаёкати абстракциялаштириш методлари, ижт. тажриба ва илм-фан тараққиёти таъсири остида ривожланади. А.нинг оддий шакллари инсоннинг ўқиш ва меҳнат ф-яти, нутқ ҳамда тилнинг ривожланиши б-н узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Амалий ф-ят таълим олувчиларнинг абстракциялаштириш лаёкатини шакллантиради. А. турли даражада намоён бўлиши мумкин. Мас., унинг энг содда шакли сезги, тасаввурлар даражасида ифодаланади. Мураккаб шакли эса объектларнинг яширин жиҳатлари ва хусусиятларини акс эттиради. Унинг ёрдамида таълим олувчилар нарса, буюм ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини англайдилар.

А. жараёни туфайли таълим олувчилар нарса, буюм ва ҳодисаларнинг муҳим жиҳатларини уларнинг бошқа кирраларидан фикран ажратишади. Шу боис ҳам таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда ўқувчилар ҳамда талабаларнинг А. хусусиятларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

АБСТРАКЦИЯЛАШ МЕТОДИ, абстракция (лот. abstractio – ажратиш, мавҳумлаш) – воқеликни аниқ ва изчил билиш воситаси, диалектик билиш усули: 1) бутуннинг муайян қисми, ҳолати, бўлаги, жиҳати, яхши ривожланмаган бир томонлама нисбий нарсалар; 2) билишда объектив воқеликдаги нарса ва буюмларнинг иккинчи даражали жиҳатлари, муҳим бўлмаган хусусиятларидан шахсни ҳаёлан узоқлаштирувчи ва шу асосда уларнинг энг муҳим, асосий томонларини бўрттириб кўрсатувчи фикрий моделлар. Нарса, буюм ва ҳодисаларнинг аниқ жиҳатлари, белгиларидан узоқлашиш ва муҳим жиҳат, белгиларини ажратиш жараёни абстракциялаш (мавҳумлаштириш) дейилади. Мазкур жараённинг натижаси, якуни, ҳулосаси эса абстракция сифатида англанади. Абстракция тушунча, категория сифатида намоён бўлади. Мавҳумлаштириш, асосан, тафаккурнинг муҳим хусусияти ҳисобланса ҳам тасаввурда ҳам абстракциянинг айрим элементларини учратиш мумкин. Абстракция жараёнида турли категориялар, қонун, қонуният, сабабият каби мавҳум тушунчалар вужудга келиб, бу тушунча ва категориялар оламни билишнинг муҳим натижалари ва воситаларини ташкил этади. Моддий борликни ўрганиш, ҳодисаларнинг моҳиятини очиш, улар ҳақида тўғри хулосалар чиқаришда абстракциянинг аҳамияти катта. Абстракция миянинг соф ички маҳсули эмас, у воқеликдаги ҳодисалар хусусиятини у ёки бу тарзда акс эттиришнинг ҳосиласидир. Воқеликдаги ҳар бир нарса, буюм, ҳодиса бевосита ёки билвосита бошқалари б-н боғлиқлик ва умумийликка эга. Шу боис ҳам ҳар бир нарса ва буюмнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари б-н бир қаторда, умумий жиҳатлари мавжудки, улар мазкур нарса ва буюмларни муайян тартиб, қандайдир умумий қонуниятга бўйсунишини ифодалайди. Натижада муайян нарса ва буюмларнинг барчасига хос бўлган хусусиятлар намоён бўлади. Буни фақат предметнинг айрим томонларини мавҳумлаштириш, улардан узоқлашиб, умумий томонларини аниқлаш орқалигина билиш мумкин. Абстракция жараёнида аниқ нарсалардан ажралиб қолиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу эса асосланган хулосалар чиқаришга эмас, балки хато натижа, формула, чизмаларнинг вужудга келишига асос бўлади. Аб.м. илм-фан, санъат, адабиёт-

да воқеликни аниқ, изчил, чуқур ва ҳар томонлама билиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Фал.да абстракция Аб.м.нинг моҳияти, мазмуни, табиати, аҳамиятини энг умумий шаклда ёритиб беради. Абстракциянинг ўзига хос жиҳатлари пед. ва пед.-психология нуқтаи назаридан ҳам чуқур таҳлил этилади. Абстракция, дидактик нуқтаи назардан ёндашилганда аниқликдан абстрактликка ва абстрактликдан аниқликка ўтиш, деган диалектик билиш усулларига асосланади.

Аб.м. мавҳумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат таълим методи сифатида алоҳида пед. кимматга эга. Шунинг учун ҳам пед. да Аб.м.дан кенг фойдаланилади.

АВАЗ ЎТАР [Аваз Полвонниёз (Ўтар) ўғли] (1884.15.8 – Хива – 1919) – ўзбек маърифатпарвар шоири. Дастлаб мактабда сўнг Хивадаги Иноқий мадрасасида таҳсил олган. 18 ёшида халқ орасида шоир сифатида танилган. 20-а. бошларида вужудга келган маърифатпарварлик ғояларидан руҳланиб, маърифий характердаги шеърлар ёза бошлаган. У ёшларни илм-маърифатни эгаллашга ундовчи, юксак инсоний фазилатларни улуғловчи шеърлар ёзган. Тилнинг софлиги ва тозалиги учун курашиш зарур деган фикрни илгари сурган. А.Ў. «Миллат», «Ҳуррият», «Топар эркан қачон?», «Халқ», «Замон» ва б. шеърларида миллат тақдири ва келажагини илм-маърифат эгаллаш б-н боғлайди. 2 девони («Саодат ул-иқбол», «Девони Аваз») ва қатор баёзларга киритилган ғазаллари етиб келган.

АВАЗОВА Шукурзя Авазовна (1939. 16.5, Урганч ш.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Хоразм пед. ин-тининг БТф-тини тамомлаган (1968). Урганч ш.даги 5-интернат мактабида т-ячи (1962–66), 5-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси (1966 й.дан). А. илғор пед. тажрибаларни оммалаштириш, бошланғич синф ўқувчиларининг билиш ф-ятини ривожлантиришда ўзига хос тажриба мактабига эга. У ўқувчиларнинг билим даражасини ривожлантириш мақсадида дарсларда кўргазмали ва техник воситалардан унумли фойдаланган. Мамлакатимизда КТМД қабул қилингач, мазкур дастур талаблари асосида ўқувчиларнинг билиш даражаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ – Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг ҳар йилги авг.да ўтказиладиган семинар характеридаги йиғилиши. Унда ўтган ўқув йилида эришилган натижалар ва янги ўқув йилида амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинади. Мактаб таълимининг долзарб масалалари бўйича маърузалар ўқилади. Бундай анъанавий кенгашлар туман, шаҳар ва вилоят боскичларида ўтказилади. Янги ўқув йили олдидан ўтказиладиган ўқитувчиларнинг анъанавий А.к.да таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижалари ва истиқболдаги вазифаларга ёш авлодни камол топтириш, уларни мамлакат равнақига ҳисса қўшишга тайёрлаш нуқтаи назаридан ёндашилади.

А.к.да халқ таълимини ривожлантириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида ўқитувчиларга батафсил маълумотлар берилади. Шунингдек, ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида амалга ошириладиган ишлар, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, КТМД ва б. меъёрий ҳужжатларнинг ижроси б-н боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинади. Устоз ва муаллимларнинг

2016/6 472 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда малакасини ошириш, ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни маънавий-жисмоний чиниктириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, таълимнинг интерфаол усулларидан кенг фойдаланиш долзарб вазифа эканлиги таъкидланади. Семинар ва шуъба йиғилишларида ўқув режа, дастурлари ва дарсликлардаги ўзгаришлар педагог ходимларга етказилади, илғор пед. ва замонавий ахб.-коммуникация техн.дан фойдаланиш тавсия этилади, ўқувчиларнинг мустакил билим олишлари ва мустакил ф-ят олиб боришлари бўйича тегишли кўрсатмалар берилади, ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжи, лаёқати, қизиқиши, иқтидори ва имкониятига яраша ўқув топшириклари тайёрланади, ўқитувчиларнинг замонавий ахб.-коммуникация техн., электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш бўйича билимлари оширилади. Шуъба йиғилишларида, шунингдек, мониторинг ва билимлар беллашуви натижаларини таҳлил этиш, таҳлиллар асосида ҳисобот тақдимотларини ўтказиш ва аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан кўрсатма ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади, пед. жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, ёшларни оммавий маданият ва турли ахб.лар хуружидан ҳимоялаш йўллари белгиланади. Ўқитувчилар таълимнинг янги замонавий усуллари б-н таништирилади.

А.к.нинг республика миқёсидаги ўқув-семинари қуйидаги йўналишларда ўтказилади: мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, илғор таълим муассасаларида эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифалар; у.ў.т. мактаблари ўқитувчиларининг пед. маҳорати ва касбий маданиятини юқори сифат даражасига кўтариш; фан олимпиадалари ҳамда билимлар беллашувларида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқлар, мураккаб мавзулар юзасидан тавсиялар; илғор пед. техн.ни тажриба-тадқиқотдан ўтказиш ва тавсия этилган техн.ни ўқув жараёнига татбик этиш; у.ў.т. мактаблари учун ўқув фанлари бўйича яратилган дарсликлар ва уларга киритилган ўзгаришлар; у.ў.т. муассасаларида таълим-т-я жараёнини самарали ташкил этиш, ўқувчиларнинг етукликка интилиши учун хизмат қиладиган соғлом муҳитни юзага келтиришга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчилар қоидасини амалиётга жорий этиш; ахб.-коммуникация техн.ини ўқув-т-я жараёнига татбик этишнинг самарадорлигини ошириш учун электрон дарсликлар, проекцион-мультимедиа ва интернетда ахб. излаш тизимларидан фойдаланиш; ўқувчиларни касбга йўналтириш, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш йўллари бўйича тавсия этилаётган янги механизмларни муҳокама қилиш; мактаб-маҳалла-ўрта махсус таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш йўллари; раҳбарнинг касбий билимлилиги, пед. маҳорати ва касбий маданиятини ривожлантиришга оид замонавий ёндашувлар.

Мазкур шуъбаларда иштирокчилар долзарб масалалар бўйича билимларини бойитиб, замонавий ахб. техн., пед. имиж, глобал аҳамиятга эга муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари борасида кўникмаларга эга бўлишади.

АВЕСТО, Авасто (парфиёнча apastak – матн; кўпинча «Зенд-Авесто», яъни, «тафсир қилинган матн» деб аталади) – зардуштийлик динининг мукаддас китоблари тўплами. А. Турон, Хуро-

сон, Озарбайжон, Ирок, Эрон, Кичик Осиё халқларининг мил. ав. даврдаги ижт.-иқтисодий ҳаёти, диний, ахлоқий қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одат ва маънавий қадриятларини ўрганишда муҳим ва ягона манба. А. Хоразмда мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган. Зардуштийлик динининг асосий ақидаларини ўзида мужассамлаштирган ушбу китобда ўша даврдаги устувор ғоялар, ахлоқий қарашлар, ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топган.

А. китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, балки миллатимизга хос бўлган қадрият ва маданиятнинг томирлари минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий манба сифатида ҳам қадрлидир. Китобда инсон ақлий тараққиётидаги тафаккур босқичи ўз ифодасини топган. Шу сабабли ундаги воқеалар баёни, пед. фикрлар ўзига хос тарзда талқин этилади. А.да ифодаланган Жамшид даври аждодларимиз маънавий-маърифий камолоти ва пед. фикрлар тараққиётининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Аждодларимизга хос юксак маънавият, маданият, ахлоқ, пед. қарашлар ривожи А.да ўз аксини топган. Ўша даврда илк шаҳар маданияти, таълим масканлари, яъни ибодатхоналар қошида мактаблар вужудга келган, гарчи асотир (миф) шаклида бўлса-да, А. одамларда илм ва иймон уйғунлигини шакллантиришга катта ҳисса қўшган.

А. мил. ав. 7–6-а.ларда вужудга келган пед. фикрларни ўзида мужассамлаштирган. Шу маънода, А.ни кад. даврларда аждодларимизнинг т-явий, табиий-илмий, маърифий қарашлари жамланган дастлабки пед. асар сифатида эътироф этиш мумкин. Китобда кишилардаги яхшилик улуғланади, одамларни тўғрисўз ва ҳалол бўлишга даъват этилади. Мазкур асарда шахснинг ахлоқий сифатларини шакллантириш асосий ўринга қўйилади. Инсонни камолга етказишнинг муҳим шарти т-я, маънавий-ахлоқий баркамолликни таркиб топтириш жараёни эканлиги А.да ўз ифодасини топган. Унда таъкидланганидек, тя умумлашган учта маънавий-ахлоқий тушунчалар – «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу амал»да мужассамлашган. «Эзгу фикр» деганда кишиларга меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёмонлик, ёвузликка қарши курашиш, кишиларнинг бахт-саодати, фаровон ҳаёт кечириши учун ҳалол меҳнат қилиш, аҳиллик, дўстлик, тотувликда яшашга интилишга оид қарашлар тушунилган. «Эзгу сўз» эса ширинсуханлик, лутф, ўз сўзи, гапи б-н бошқаларга далда бериш, кўнглини кўтариш, эзгуликнинг ёвузлик устидан, албатта, ғалаба қозонишига ишонтириш англашилган. «Эзгу амал» деганда лабзи (аҳдида)да туриш, бирсўзлилик, қатъиятлилик, берилган ваъданинг устидан чиқиш, яхши амалларга ундаш тушунилади. А.да таъкидланишича, ушбу сифатлар баркамоллик мезони ҳисобланган.

Инсон ахлоқи энг гўзал фазилатларнинг уйғунлашган кўринишидир. Унинг асосини билим ташкил этади. Одамлари ахлоқ-одобли ва маърифатли юрт равнақ топади, деган ғоя А.да марказий ўринни эгаллайди. А.да ёшларга т-я беришда қонун-қоидаларга амал қилиниши, болаларга жисмоний т-я беришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилган. Унга кўра, жисмоний т-я болаларнинг соғлом ўсиши ва ҳарбий ишга тайёрлашнинг муҳим омили ҳисобланган. Уларни ёшликдан отда чопиш, ов қилиш, қалқондан фойдаланиш, сувда сузиш, югуриш,

сакраш, найза отиш, қиличбозликка ўргатиш зарурлиги кўрсатилган. Ёшларга «эзгу сўз», «эзгу фикр» ва «эзгу амал» ахлоқий етуклик ва маънавий покликнинг асоси сифатида сингдирилиши зарурлиги эътироф этилган.

А.да таълим-т-я усуллари ҳам баён этилган. Унда кўрсатилишича, қизлар 7 ёшдан 15 ёшгача, ўғил болалар эса 7 ёшдан 17 ёшгача ўқиши мажбурий ҳисобланган. Ёшларнинг диний, ахлоқий ва жисмоний т-яси ҳамда ўқиш ва ёзишга ўргатишга алоҳида эътибор бериш кераклиги, уларга мат., астрономия, тиб илми, тарих, фал., ҳуқуқшунослик, гигиена сингари дунёвий фанлар ҳар жиҳатдан пухта ўқитилиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Мактабларда кичик ёшдаги болаларни ўқитишда кўргазмали қуроллар, ҳикоя, суҳбат, мулокот усулларидан кенг фойдаланиш тавсия этилган. Дарсларда ўқувчилардан ўтилган мавзуни шовқинсиз такрорлаш талаб қилиниши таъкидланган. А.да таълим-т-я жараёнида устоз ва шогирд бурчи, масъулияти ҳақида, ношуд т-ячилар, яъни билими саёз ўқитувчилар ҳақида алоҳида фикр юритилган.

2000 й. 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси А.нинг 2700 й.лигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, 2001 й.нинг окт.да Ўзбекистонда халқаро илмий конференция ва тантанали байрам тадбирлари ўтказилди.

Роҳат Сафарова

АВЛОД (араб. – бола сўзининг кўплиги) – 1) тор маънода алоҳида бир шахс, оила ёки сулоланинг давомчиси бўлган фарзандлар ва уларнинг зурриётлари, кенг маънода эса миллат, халқ, тамаддун ривожининг муайян босқичида ягона гоя, мақсад ва вазифалар б-н намоён бўладиган, ижт., маънавий, маданий ривожланиш жараёнида узвийлик ва давомийликни таъминлаб, ўз даврининг интеллектуал, маънавий, ахлоқий қиёфасини белгилаб берадиган, ижт. ҳодиса даражасига кўтариладиган кишилар гуруҳи. А.лар камолотида аждодлар тажрибаси ва тамаддунининг илғор ютуклари, халқнинг урф-одатлари, анъаналари, кадриятларини ўзида мужассамлаштирган таълим-т-я тизими муҳим аҳамият касб этади. А.лар тарихий даврлар, муҳим ижт.-сиёсий, тарихий воқеликлар, тоифалар, касб-кор ва ф-ят соҳасига мансублиги, ёш ҳусусиятлари, тараққиёт даражаларига кўра фарқланади. Мас., истиқлол даврига мансуб бўлган ёшларни қамраб олган баркамол А., собиқ совет даврига мансуб бўлган А., жисмоний ривожланган А., интеллектуал жиҳатдан тараққий этган А., катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кекса А. ва ҳ.к. А. таълим-т-яси асрлар давомида инсон ақл-заковати б-н яратилган маънавий, маданий бойликлар ҳамда табиат мўъжизаларини бир бутун тарзда улар онгига сингдиришни ифодалайди; 2) умумий аждодларидан қариндошлик муносабатлари б-н бир хилда узоқлашган кишилар гуруҳи. Мас., ота-оналар, фарзандлар, набиралар – кетма-кет келган уч А.; ота ва ўғил, она ва қиз фарзанд туғилиши оралиғидаги вақт бир А. даври (тахм. 30 й.) ҳисобланади.

АВЛОДЛАРАРО ВОРИСЛИК – аждодлар б-н авлодлар ўртасидаги қондошлик алоқалари, муносабат, анъана ва кадриятнинг давом этиши, наслий, маънавий-ахлоқий яқинликни англатадиган тушунча. Шарқ халқлари ҳаёти жамоавийлик тамойилларига асосланган. Бу муносабатлар ҳар қайси халқ яшаётган заминнинг ўзига хос ҳусусиятлари

б-н бевосита боғлиқ ҳолда шаклланиб, асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. А.в.ни маънавий-ахлоқий, таълим-т-явий жиҳатдан таъминлашда анъана ва қадриятларнинг давомийлиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қайси даврнинг талаби, ундаги ижт.-иқтисодий, таълимий-т-явий ва ғоявий-сиёсий омилларнинг таъсири остида анъана ҳамда қадриятлар шакли ривожланиб, ўзгариб боради. Мас., тил, дин, илм-фан, ёзув ва матнларда тарих, халқ, миллат ҳақидаги маълумотлар сақланиб, сайқалланиб, асрлар мобайнида аждодлардан авлодларга ўтади. Бу эса А.в.ни таъминлашга хизмат қилади. Ижт.-пед. мулоқот ҳам А.в.ни таъминлашнинг муҳим омилидир. Айниқса, оиланинг бу борадаги аҳамияти бекиёс. Бугунги кунда А.в.ни таъминлашда замонавий ахб. воситалари, жумладан, радио, телевидение, матбуот, ад. ва санъат намуналари, илмий-пед. манбалар муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шуҳрат Неъматов

АВСТРИЯ МАКТАБИ – онгнинг яхлитлиги назарияси бўйича ф-ят олиб борган гуруҳ (1880–1910 й.лар). Х. Эренфельс, С. Витасек, В. Бенуссий кабилардан иборат тадқиқотчилар гуруҳи файласуф ва психолог А. Мейнонг раҳбарлигида ф-ят юритган. 1894 й.да илк бор Австрияда эксп. психология лаб.си ташкил этилган. Мазкур гуруҳ аъзолари томонидан ишлаб чиқилган асосий назария онгнинг яхлитлиги назариясидир. Х. Эренфельс руҳий образ ва онгнинг яхлитлигини ифодаловчи сифатларни фанга олиб кирган. Ав.м.да бир қатор руҳий ҳолатларга хос бўлган яхлитлик назарияси ишлаб чиқилган. Бу мактаб психологияда элементар билиш стратегиясидан яхлит билишга ўтиш учун асос яратган. Ав.м. асосчилари яхлитликнинг сифати янги элементларни ҳис этиш имконини беради, деб ҳисоблаганлар. Бу эса маънавий ҳодисалар, меъёрларнинг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлади. Бундай ҳодисанинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигини Ав.м. асосчилари оптик-геометрик иллюзиялар б-н боғлайдилар. Ав.м. намояндалари томонидан шахс онгини таҳлил қилишнинг бошқа бирликлари тақдим этилди. Шахснинг яхлит тимсолларни яратишдаги фаоллиги ва яхлитликни ташкил этувчи омиллар орасидаги алоқадорлик ассоциатив психологиянинг етакчи масаласи сифатида талқин этилган. Шу б-н бирга Ав.м. намояндалари маконни идрок этиш муаммосини ишлаб чиқишга ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бунда улар гносеологик ҳамда ахлоқий масалаларга алоҳида эътибор каратганлар.

АВТОМАТИЗМ (юн. avtomatos – ўз-ўзидан ҳаракатланадиган) – психологияда онг назоратисиз бажариладиган ҳаракатлар. Бирламчи ва иккиламчи А.лар фарқланади. Нафас олиш, йўталиш, акса уриш каби ўз-ўзидан бўладиган ҳаракатлар бирламчи А.дир. Иккиламчи А. ҳаракатларнинг ҳаётий ф-ят жараёнида шаклланишини ифодалаб, муайян кўникмаларнинг эгалланиши б-н боғлиқдир. Иккиламчи А.нинг асосини вазиятлар орасидаги қатъий алоқадорликнинг шаклланиши ва хатти-ҳаракатларнинг изчиллиги ташкил этади. Бу, ўз навбатида, ҳаракатларнинг дастлабки онгли тарзда муайян мақсадга йўналтирилишини талаб қилади. Жумладан, ўқув материалларини ўзлаштириш мақсадида турли машқларни бажариш, комп. дастурлари б-н ишлаш кабилар.

АВТОМАТЛАШГАН ЖАРАЁНЛАР – ахб.ларга ишлов беришнинг англан-

маган жараёни. Бу жараён жуда тез ва сезилмаган ҳолда кучайтирилган тарзда амалга оширилади. Унинг қуввати инсоннинг ёши, жисмоний тайёргарлиги, қўшимча юкламалар ва юқори даражадаги индивидуал вариативлик б-н боғлиқ. Бу ҳодисани ихтиёрсиз диққат ва диққатолди ҳолати б-н боғлаш тенденцияси мавжуд.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – инсон турмуш тарзидаги иш-ҳаракатни кескин тезлаштиришга қаратилган ф-ят. Барча ахб. операциялари автоматлаштириш орқали амалга оширилади ва у ж-ятнинг илмий-техник тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Улар асосида автоматлаштирилган техника ва техн.дан фойдаланган ҳолда таълим жараёни ҳам автоматлаштирилади. Бунда аклий ф-ят функциялари қисман электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) зиммасига юкланади. А.а.т. таълим жараёнида ўқитиш ва ўзлаштириш даражаларини текшириш ҳамда назорат қилиш имкониятини берувчи дастурий ҳисоблаш воситалари тизимидан амалиётда кенг фойдаланишга эришилади. А.а.т. дейилганда, магнитли ва оптик дисклар ёрдамида катта ҳажмдаги ахб. ларни жамлаш; ер шарининг исталган жойидан ахб.ни қабул қила олиш ва тайёрланган алгоритмлар ҳамда дастурий таъминотга асосланган ахб.ларни ишлаб чиқариш, яъни билимларни жамлашга хизмат қиладиган махсус комп.лар яратиш; анъанавий усулларни доимо эътиборга олиш; замонавий ахб. техн. назарда тутилади.

А.а.т.нинг ривожланиш йўналишлари: матн бўйича муҳаррир б-н ишлаш; жадвалли процессор б-н ишлаш; маълумотлар базасини бошқариш тизими б-н ишлаш; графикли объектлар б-н ишлаш; мультимедиали тизимлар б-н ишлаш, гипер матнли тизимлар б-н ишлаш. А.а.т.нинг вазифалари: маълумотларни электрон усулда қайта ишлаш; бошқарув функциясини автоматлаштириш; қарор қабул қилишнинг оптимал вариантини танлашни кафолатлаш; электрон офисни ташкил этиш имкониятини яратиш ва ҳ.к. Кейинги пайтларда замонавий ахб. техн.и комп. ахб. технологияси деб юритилмоқда.

А.а.т.нинг мақсади барча ахб. операцияларини автоматлаштириш доирасида амалга ошириш, шу орқали ж-ятнинг илмий-техник тараққиётини жадаллаштиришни таъминлашдан иборат. Бунда маълумотлар электрон усулда қайта ишланади; бошқарув функциялари автоматлаштирилади; қарор қабул қилишнинг маъқул вариантларини танлаш кафолатланади; электрон офисни ташкил этиш имкониятлари яратилади. Натижада таълим-т-яга тегишли катта ҳажмдаги ахб.ларни магнитли ва оптик дисклар ёрдамида жамлаш имконияти вужудга келади. Исталган масофадан ўқув ахб.ларини қабул қила олиш имконияти таъминланади; тайёрланган маълумотлар ва дастурий таъминотга мувофиқ тарзда ахб.лаш ва билимларни жамлаш учун қулай шароит яратилади.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ – ахб.ларни тўплаш, сақлаш, йиғиш, кўпайтириш, излаш, узатиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган машина, автоматлашган манба. Ахб.ларни ишлаб чиқишда қўлланиладиган иқтисодий-мат. усуллар, моделлар ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишга мўлжалланган техник, дастурий, технологик восита ва мутахассислар мажмуини ўз ичига олади. А.а.т.нинг функционал

қисми унинг вазифаси, топшириқлари ва режалаштирилган мақсадга эришиш жараёнини амалга оширишга қаратилган бўлади. Бунда дастурий ва техник воситалар, шунингдек, бутун лойиҳани тўлиқ ишга тушириш жараёни аниқланади ва баҳоланади.

А.а.т.ни яратиш ва қўллашда қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади: мутахассисларнинг ахб.ни қайта ишлашни автоматлаштириш тизимида фаол иштироки зарурлиги; таълим объектини ўрганишда А.а.т.ни таъминловчи ва функционал қисмларининг кераклиги; А.а.т. учун мат. модель, алгоритм, тизим ва техник, дастурий таъминот зарурлиги; қўлга киритилган самарадорлик мезонлари ёрдамида бошқарув соҳасида оптимал вариантларни кафолатлаш лозимлиги ва б.

А.а.т.ни узлуксиз таълим жараёнига жорий этиш боскичлари лойиҳани асослаш; техник лойиҳалаштириш; мантиқий лойиҳалаштириш; қўлланмани лойиҳалаштириш; жорий этиш; амалда фойдаланиш кабилардан иборат.

А.а.т.нинг самарадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади: объект ва унда кечаётган жараён ҳақидаги маълумотларни ахб.лар кўринишида ифодалаш имконини беради; объект ҳақидаги барча омил ва ресурсларни ягона автоматлаштириш тизими шаклида ифодалай олади; ўқув жараёнини, ҳатто таълим муассасаси ёки пед. жамоа ф-ятининг муайян мақсадга йўналтирилган ахб. ли муҳитини ҳам бошқаришда ахб.ли техн. сифатида ф-ят кўрсатади; жараённи бошқаришдаги энг қулай вариантни танлаш имкониятини беради; ахб. оқими тузилмасини такомиллаштиради; ахб. маҳсулотига тўғридан-тўғри кириб борилади; истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатилади; лойиҳалаштириш вакти кискаради.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН КУТУБХОНА – ўзаро боғланган комп.лашган автоматик тизим. Асосий вазифалари: кутубхонадаги барча китоблар, жур. ва б. ҳужжатларни тўла қайд қилиш; классификатор бўйича индекслар қўйиш; библ. кидириш; танлаб олинган китобларнинг рефератларини кўриб чиқиш; кутубхонага аъзо бўлганларни рўйхатга олиш; буюртмаларни рўйхатлаштириш; каталог ва карточкаларни ҳамда қайта рўйхатга олиш варақаларини босмадан чиқариш, китобларни абонентларга бериш ва қабул қилишни қайд қилиш, муддатларни чўзиб бериш; молиявий ҳисоботлар; янги китобларни рўйхатга олиш ва ҳолатини кузатиш; марказлаштирилган буюртмалар бериш; кутубхонага тушган ҳужжатларни доимо кузатиб бориш ва б. А.к.да электрон каталогларни тузиш ва яратиш дастлабки қадам бўлиши зарур. Бу вазифаларни бажариш учун А.к. маълумотлар базаси камида 1 млн ёзма маълумотга мўлжалланган бўлиши керак.

А.к.да бир-бири б-н боғланган комп. лар тизимидан фойдаланилади. А.к.нинг ички комп. тизими бошқа шаҳар ва дав. нинг ўхшаш кутубхоналарига алоқа занжирлари орқали боғланади. Натижада янги ахб.ларни тезкор усулларда узатиш, қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларга ишлов бериш имкони мавжуд бўлади. А.к.да электрон каталоглар; турли соҳаларга доир ахб. базалари ва банклари; электрон каталогларнинг босма кўринишида тайёрланган аналоглари; ҳар ой ва йил чорагида чиқариладиган соҳалараро ад.лар кўрсаткичи; махсус электрон жур. ва б. ташкил қилинади.

Унинг функцияси, айниқса, кутубхона ахб. хизматини, асосан, автомат-

лаштириш, комп., серверлар, ташкилий-техник воситалари, дастурий комплекслар ва телекоммуникация воситалари ёрдамида барча ишларни амалга ошириш демакдир. Бундай кутубхонанинг бош мақсади – китобхонларга керакли ад.ларни бериш ва ахб. хизмати кўрсатишга йўналтирилганлигидадир. Агарда бу ишлардан бири бажарилмаса ёки қисман бажарилса, кутубхонада иш сифати пасайиб кетади, кутубхоначиларнинг ф-ят кўрсатиши кийинлашади, китобхонлар эса керакли ахб.ларни тезда ололмайди, зарур хизмат турларидан ҳам фойдалана олмайди. Кутубхона ф-ятининг самарадорлиги унинг таркибидаги таъминот бўлимларида ишнинг тўғри тақсимланишига боғлик.

А.к. шундай таркибий қисмлардан иборатки, уларсиз тизим ф-ят кўрсата олмайди. Агарда тизим таъминот қисмларидан бири бўлмаса ёки коникарсиз ишласа, у ҳолда кутубхона ўз олдига қўйган асосий вазифани бажара олмайди.

Тил таъминоти – А.к.да ишлатиладиган тил воситалари мажмуи. У ўз ичига атамалар, тушунчалар, юқори даражадаги тиллар, кодлаштириш тиллари ва библ. ахб.лар тавсифини камраб олади.

Ахб. таъминоти – ахб. бирликлари мажмуи, библ. ахб.лар таснифи ва кодлаштириш, библ. форматлар, маълумотлар базаси. Ахб. ва тил таъминотини бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Бу иккаласини ахб.-тил таъминоти сифатида уйгунлаштириш мумкин.

Техник таъминот – кутубхона хизматини автоматлаштиришга мўлжалланган техник воситалар (шахсий комп.лар, ташкилий техника, серверлар, принтерлар ва ҳ.к.) мажмуи. Кутубхонанинг техник таъминоти ўз ичига техник воситалар мажмуи (ЭҲМ, ташқи қурилмалар, терминаллар, абонент пунктлари, алоқа воситалари)ни камраб олади. Бу воситалар ёрдамида кутубхонада ахб.лар йиғилади, сакланади, ишлов берилади, кидирилади ва узатилади. Булардан ташқари, адабиётларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган техник қурилмалар ҳам техник таъминот таркибига киради.

Ташкилий таъминот – А.к.нинг ташкилий тузилиши ва лавозимлар учун йўрикномалар мажмуини ўз ичига олган ва кутубхонани бир маромда ишлаши учун лозим бўлган меъёрий ҳужжатлар.

Кутубхона ташкилий тузилмаси ундаги турли бўлимлар ф-ятини тартибга солади. Бу эса А.к. ташкилий масалаларини самарали ечишда муҳим ўрин эгаллайди. Кутубхонада автоматлаштириш воситалари пайдо бўлиши б-н у ерда янги бўлимлар (автоматлаштириш, электрон каталоглаштириш, комп.лаштирилган залларда китобхонларга хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) ташкил этилади.

Кадрлар таъминоти – А.к. ф-ятини таъминловчи ходимлар мажмуи. Кадрлар таъминоти ўз ичига кутубхоначилар тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш, А.к.дан фойдаланишнинг замонавий усулларини ўкитишни ҳам камраб олади. Кутубхоналарни автоматлаштириш кутубхоначилар хизмат вазифалари йўриқномаларига жиддий тузатишлар киритиш ва кадрлар малакасини янги техн. асосида оширишни талаб қилади. Кадрлар таъминоти ўз ходимларидан А.к. талаблари ва эҳтиёжлари асосида таълим олишни тақозо қилади.

Услубий ва ҳуқуқий таъминот – А.к. ф-яти учун зарур услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар мажмуидир. А.к.нинг бундай таъминоти кутубхоначилар ф-ятини ҳуқуқий

жиҳатдан аниқлаб беради. Услубий ва ҳуқуқий таъминот ўз ичига кутубхоналар ва унга яқин соҳалар (ахб. техн.и, интернет, электрон ресурслар, ахб.га эга бўлиш ҳуқуқи ва б.)ни ривожлантиришга мўлжалланган ҳукумат қарорларини қамраб олади.

Дастурий таъминот – кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий воситалар мажмуи. Бунга автоматлаштирилган кутубхона тизимини ташкил қилувчи дастурлар киради: ахб. қидирув тизими, штрих кодлаш тизими кабилар.

Иқтисодий таъминот – А.к.ни молиялаштирувчи воситалар мажмуи.

Комила Ҳожиева

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЎҚИТИШ ТИЗИМИ – компьютер технологиялари негизида лингвистик дастурлаштирилган ташкилий, техник, ўқитиш метлари мажмуи. Мазкур мет. лар ўқув жараёнини индивидуаллаштирилганлиги б-н алоҳида аҳамиятга эга. А.ў.т. ёрдамида қуйидагилар амалга оширилади: 1) ўқувчилар БКМлари ҳамда индивидуал хусусиятларининг дастлабки даражасини аниқлаш; 2) матнлар, иллюстрацияларни ўз ичига олган тушунтирувчи характердаги ўқув материалларини тайёрлаш; 3) ўқув материалларини мураккаблик даражаси ва ахб.ларни тақдим қилиш маромига кўра мослаштириш; 4) ўқувчиларнинг билиш ф-ятларини бошқариш; 5) ўқувчиларнинг ишчанлик лаёқатларини аниқлаш; 6) ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини якуний назорат қилиш; 7) ҳар бир ўқувчи ҳамда синфдаги барча таълим олувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражалари сифатини қайд қилиш ва статистик таҳлил этиш ва б.

А.ў.т. ўқув ахб.ларини ўқувчиларга тақдим этиш усулларини ўзгартириши мумкин. Шу орқали мазкур ахб.лар ўқувчиларнинг идрок этиш ва таҳлил қилишларини қулайлаштиради. Бунинг учун ўқув жараёнининг дастлабки босқичида ўзлаштириш ҳаракатлари доирасига кирадиган бир қатор операцияларни бажаради. Бу эса ўқувчиларнинг ўз-ўзларини назорат қилиш шартларини енгиллаштиради. Зарур ҳолатларда А.ў.т. ўрганилаётган ҳодисаларнинг соддалаштирилган моделларини ўқувчиларга тақдим қилади. Шу йўл б-н ўқувчиларнинг ўқув материалларини идрок этиш жараёнларини осонлаштиради.

А.ў.т. катта қўламда бир ёки бир нечта дидактик вазифаларни амалга оширади. Бу эса бошқа ўқитиш тизимларига нисбатан бир қадар самаралидир. Ўқувчилар б-н индивидуал мулоқотлар жараёнида автоматлаштирилган ўқитиш тизими йўналтирувчи вазифасини амалга ошириш орқали маърузага асосланган ўқув материаллари кўламини қисқартириб, ўқитувчининг ўқувчилар б-н мулоқотга киришиши учун вақт қолдиради. А.ў.т. ни қўллаш имконияти ўқувчиларни ўқув материаллари б-н таништириш каби амалий лаб. машғулотларини ўтказиш учун ҳам билимларни қабул қилиш орқали уларни ўзлаштириш орасидаги бўшлиқни тўлдиришда уларга мустақиллик беради. Ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини муваффақиятли бажаришлари учун қулай шароит яратиб, уларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилади ва йўл қўйган камчиликларини изоҳлайди. А.ў.т. ўқувчиларда ўқув ф-ятига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириб, сидқидиллик б-н ишлаш кўникмасини ҳосил қилади.

АВТОМОНИТОРИНГ – ўқитувчининг ўз касбий ф-ятига қай даражада тайёргарлигини аниклаш усули. Ўқитувчининг ўз-ўзини баҳолаши ва шу асосда ўзининг интеллектуал салоҳиятини мунтазам ривожланишини назорат қилиш жараёнини ифодалайди. Ўқитувчилар узлуксиз малака ошириш жараёнида ўз касбий билимларини ривожлантирадилар ва уни таҳлил қилиб борадилар. Шу асосда касбий ф-ятларидаги ютуқ ва камчиликларини аниклашга муваффак бўладилар.

АВТОРЕФЕРАТ (юн. autos – ўзим ва лот. refero – ахб. бераман) – илмий асар ёки тадқиқотнинг муаллиф томонидан тайёрланган қисқача мазмуни, баёни. У муайян и.т.ни амалга оширган муаллифнинг реферати, дис.нинг қисқартирилган ихчам шакли.

АВТОРИТАР ОНГ – янгиликларни идрок этиш ва ижодий фикрлашдан маҳрум бўлган бир қолипдаги тафаккур тарзи. А.о. ижодий онгга зид бўлиб, бундай онг соҳиблари бир ёқлама фикр юритади ва ўз фикрини исботлашда биргина тамойилга таянади.

АВТОРИТАР ПЕДАГОГИКА (лот. auctoritas – ҳокимият) – таълим-т-я жараёнини бошқаришда ўқитувчининг обрўсига асосланиш, ўқувчиларнинг эса унинг моҳиятини англамасдан бўйсунишлари. Авторитар техн. тарзида ҳам қўлланилади. Бундай пед.да ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикрлашлари, ўз фикрларини эркин баён қилишлари, ўқув жараёнида мустақил ф-ят кўрсатишлари бир қадар чекланган бўлади. А.п.да таълим жараёнида ҳукмронлик ўқитувчи қўлида бўлади ва асосий қарорларни ўқитувчи қабул қилади.

АВТОРИТАР ТАРБИЯ – ўқувчини ўқитувчига бўйсундиришдан иборат бўлган т-я усули. Шунингдек, у шахс т-ясида оила, мактаб ва МТМлари, ўрта махсус ва ОЎЮда катта ёшдагилар, ота-оналар, ўқитувчилар, т-ячиларнинг фикр ва қарорларининг устун бўлишини англатади. А.т. тарбияланувчилар ироласининг т-ячига бўйсундирилишини ифодалайди. А.т.да тарбияланувчи т-ячини сўзсиз тинглаши, унга ишониши, унинг ҳар қандай буйруқларини бажариши лозим. Шу б-н бирга т-яланувчи бундай ҳолатни тўғри ва ҳаққоний деб ҳисоблаши керак. А.т.нинг аксарият қонун-қоидалари таникли немис психологи ва педагоги И. Ф. Гербарт (1776–1841)нинг пед. назариясида ўз аксини топган. Унга кўра, А.т., асосан, болаларни бошқаришда ташаббускорликни инкор этиб, тўла бўйсуниш тизимини вужудга келтиришни назарда тутади. Унда т-яланувчиларнинг имкониятлари чекланади, т-ячи томонидан белгиланган топшириқ ва вазифалар маълум тартиб асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин шахсга йўналтирилган таълим-т-я тизимини вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда устувор мақсад ҳар бир ўқувчи-талабанинг инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда уларга ишонтириш йўли б-н таълим-т-явий таъсир кўрсатиш, таълим олувчиларнинг руҳий ҳолатини чуқур таҳлил этиш, ёш авлодни интеллектуал-маънавий, маънавий-ахлоқий, маданий-эстетик жиҳатдан камол топтиришда ўзбек халқининг бой миллий-маънавий, маданий, тарихий анъаналари, урф-одатлари, аждодларимиз мероси ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали, ташкилий, пед. шакллари, усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиб, амалиётга

жорий этиш, шахс эркинлиги ва кадр-киммати устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор каратилди.

Ўзбек халқининг т-явий мероси ва асрий қадриятларида ота-она, устоз-муаллимлар мавкеи, обрў-эътибори юксак даражада қадрланган. Таълим-тя жараёнида эса уларнинг фикрлари, қарашлари устувор ўрин эгаллаган. Лекин улар таълим олувчиларнинг акл-идроклари, лаёқатлари, ташаббуслари ва мустакил ижодий фикрларини ҳар доим қўллаб-қувватлашган, иқтидорларига юқори баҳо бериб, уни рўёбга чиқаришга интилишган. Шу асосда ўқувчи-талабаларга асрлар давомида тўпланган ижт. тажриба, ахлоқ-одоб меъёрларини сингдиришга астойдил ҳаракат қилишган.

Бугунги кунда худди мана шу пед. меросга мурожаат қилиб, уни мустақиллик ғояси б-н бойитган ҳолда шахсга йўналтирилган таълим-тя тизимига олиб кириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

АВТОРИТАР ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ўқитувчига дарс жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконини берадиган таълим жараёни. Мазкур жараёнда педагог асосий бошқарувчи сифатида намоён бўлади. Бундай техн. анъанавий таълим техн.си деб ҳам юритилади.

АВТОРИТЕТ (лот. auctoritas – ҳокимият, таъсир) – якка шахс ёки бир гуруҳ шахсларни куч ишлатмай ўз иродасига мос фикрлашга ундашни ифодалайдиган тушунча. Кенг маънода муайян шахс ёки ташкилотнинг ҳаёт ёки ж-ятдаги норасмий таъсири. Мас., таълим-т-я соҳасидаги ўқитувчи А.и, тор маънода муайян қонун ва қарорларни амалга оширишнинг бир тури. Аксарият кишилар томонидан А. қонун-қоида ёки ижт. меъёрларнинг тан олинганлигини англатади. А.нинг мавжудлиги ҳаётда учрайдиган муаммоларни ҳал қилишнинг мураккаблиги б-н боғлиқ. Бу борада А. эгасининг фикр-мулоҳазалари, ноёб истеъдоди ва салоҳиятига бўлган ишонч муҳим аҳамият касб этади. А. пед. ва таълим-т-я соҳасида ўқитувчилар ва таълим муассасалари раҳбарларининг обрў-эътибори ҳамда улар раҳбарлигида ўқув жараёнида эришилган ютуқлар б-н белгиланади. А. эгаси бўлган педагоглар ўзлари қарорлар қабул қилиб, унинг ечимларини назорат қиладилар. Бу жараённинг қандай амалга ошиши таълим жараёни ва пед. фанининг ривожланишига ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг А.и ўқув жараёнида муайян ютуқларга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Шу б-н бир қаторда, А. касбий иқтидорга эга бўлган педагог шахсияти б-н боғлиқдир. Бугунги кунда ўқитувчи А.и ҳақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, унда педагогнинг обрў-эътибори, ундаги ноёб хусусиятлар ва касбий маҳоратни улуғлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу маънода педагогнинг А.и ж-ят аъзолари ва дав. томонидан эътироф этилган обрўси, фазилати, унинг таълим олувчиларга таъсири ва қадрланиши тушунилади.

Ўқитувчининг А.и унинг ўз ўқувчиларига таъсиридан иборат бўлиб, таълим-т-я самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўқитувчи А.ининг моҳияти педагог шахсининг таълим-т-я жараёни самарадорлигига кўрсатадиган таъсири б-н белгиланади. Ҳар қандай низом, дастурлар таълим-т-я жараёнида ўқитувчи шахсиятининг ўрнини боса олмайди. Фақатгина ўқитувчи шахсияти уларнинг ривожланиши ва камол топишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Ўқитувчи А.и асо-

сини унинг ж-ят аъзоси сифатидаги ижт., сиёсий муносабатларида ўз ифодасини топади.

Собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган йилларда ўқитувчининг А.и унинг коммунистик ғояларга садоқати, ўқувчиларда совет ватанпарварлигини шакллантира олганлиги, ўқувчиларни ўзига кўр-кўрона бўйсундирганлиги б-н белгиланган. Мустақиллик йилларида ўқитувчининг А.ига инсонпарварлик принципи нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Бунда ўқитувчининг интеллектуал, маънавий-ахлоқий даражаси, касбий маҳорати муҳим ўрин эгаллайди. Бундай инсонийликка асосланган демократик ёндашув ёшларда ўқитувчилик касбига нисбатан катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўқитувчи А.и ҳақидаги замонавий нуқтаи назарлар илгари сурилмоқда.

Ўқитувчи А.и ҳақида фикр юритилар экан, унга жамоа ф-ятига раҳбарлик қиладиган ташкилотчи, ижодкор шахс сифатида ёндашиш керак. Ўқитувчининг А.и унинг алоҳида ўқувчига бўлган муносабати б-н эмас, биринчи навбатда, ўқувчилар жамоасига бўлган муносабати ва улар орасидаги обрў-эътибори б-н белгиланади. Ўқувчилар жамоасининг уни тан олиши ва қўллаб-қувватлаши ўқитувчи мавқеига куч-қувват бағишлайди.

Ўқитувчи А.и кўп жиҳатдан унинг шахсий инсоний сифатларига ҳам боғлиқ. Бу ўқувчиларга муҳаббат, характердаги қатъият, қувноқлик, ҳаётбахшлик каби сифатларда яққол намоён бўлади. Ўқитувчи А.и ўқувчилар жамоасидаги ички муҳит ва тартиб-интизомга сезиларли таъсир кўрсатади. Агар ўқитувчи етуклик даражасига эга бўлмаса, уни ҳеч қандай обрў-эътибор қутқара олмайди. Баъзан ўқитувчилар А. кучига таянган ҳолда касбий маҳоратларини ривожлантиришга эътибор бермай қўядилар. Ўз камчиликлари ҳақидаги танқидий фикрларга салбий муносабатда бўладилар. Уларнинг ўз хатоларига ҳаққоний ёндашган ҳолда танқидий фикрларни қабул қилишлари атрофдагиларда ўқитувчи А.ига нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотади. Ўқувчилар жамоаси таълим-т-янинг субъекти сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Улар ўқитувчи раҳбарлигида ўқув фтларини амалга оширадилар, ж-ят аъзоларига хос бўлган сифатларни ўзлаштирадилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи шахсий А.га эга бўлиши лозим. Шундагина ўқувчилар жамоаси ўқитувчи шахсида муносиб раҳбар қиёфасини кўра олади. Акс ҳолда, ўқувчи б-н ўқитувчи ўртасида бўшлиқ ва зиддиятлар вужудга келади.

Роҳат Сафарова

АГА-КЕЧИНМАЛАР – ҳиссий кечинма тури; муаммони бевосита тушуниш ва унга ечим топиш б-н боғлиқ ҳиссий кечинмалар. Мазкур атама К. Бюлер томонидан муомалага киритилган бўлиб, ўқувчиларнинг муайян муаммоларга мустақил ечим топиши натижасида ҳис қиладиган кечинмалари назарда тутилади.

АГНОЗИЯ (юн. а – инкор қўшимчаси, gnosis – билиш) – фаҳмлаш, тушуниш қобилиятига эга бўлмаслик. Бош мия ф-ятининг муайян даражада зарарланганлигини англатади. Айниқса, бош мия катта ярим шарлари пўстлоғи зарарланганда вужудга келади. Унинг бир қатор турлари фарқланади. Жумладан, кўриш А.си, эшитиш А.си, сезги-тактил А.си ва соматоагнозия кабилар.

АГНОСТИЦИЗМ (юн. а – инкор қўшимчаси, gnosis – билиш) – борлиқни, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни, улар-

нинг моҳиятини билиш мумкинлигини қисман ёки мутлақо инкор этувчи назария. А. антик скептицизм ва ўрта аср номинализмидан келиб чиққан. Мазкур атама 1869 й.да инглиз табиатшунос олими Т. Гекели томонидан илмий муомалага киритилган.

19–20-а.ларда мазкур таълимот содалаштирилди, унга инсон билиш ф-ятини инкор этувчи таълимот сифатида ёндашилди. Психолог ва педагоглар эса ҳодисаларни билиш мумкинлигини рад этмайди, балки қўллаб-қувватлайди. Бироқ улар инсоннинг билиш ф-ятида чекланишлар ҳам вужудга келишини эътироф этадилар. Дарҳақиқат, инсон оламни бир бутун, яхлит тарзда тўлиқ билиши мумкин эмас. Ушбу ғоя қад. юнон файласуфлари Протагор, Пиронлар талқинида скептицизм шаклида пайдо бўлган. Кейинчалик бу таълимот Д. Юм, И. Кант ва б. томонидан ривожлантирилган. Мазкур ғоянинг моҳияти инсоннинг билиш қобилияти доираси чекланганлигини тасдиқлашдан иборат. А. тарафдорлари воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини билиш мумкин деган таълимотларга қарши ўлароқ ҳар қандай моддий ҳодисанинг моҳиятини тўлиқ билиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, дунёни яхлит, бир бутун тарзда билиб бўлмайди. Ушбу фикрни улар оқибат сабабдан фарқ қилиши б-н асослашга интилганлар. Шу боис ҳам нарса, буюм ва ҳодисаларнинг моҳиятини оқибатда англаш мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. Уларнинг фикрича, оқибат сабабдан фарқланади, шунинг учун нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаш мумкин эмас.

19–20-а.ларда А.нинг хилма-хил кўринишлари баъзи файласуфлар томонидан қўллаб-қувватланди ва ривожлантирилди. Ҳақиқатан ҳам, дунёни мукаммал билиш мумкин эмас, инсон дунёнинг сиру синоатини қанчалик чуқур ўрганмасин, унинг тубига етиб боролмайди, олам ва одам, табиат, ж-ят ҳақидаги билимлар чексиздир.

АГОНИСТИК ХУЛҚ-АТВОР (инг. agonostic behavior) – урушқоқликка асосланган хатти-ҳаракат. Унинг синонимини сифатида тажовузкор хулқ-атвор атамаси ҳам қўлланилади. Шу б-н бирга, мазкур тушунча фаол ҳимояланиш маъносини ҳам англатади.

АГРАММАТИЗМ (юн. a – инкор қўшимчаси ва grammatike, gramma сўзидан – ҳарф, ёзиш) – тилнинг грамматик системасидан нотўғри фойдаланиш натижасида нутқ ф-ятининг бузилиши. А. фаол нутқнинг грамматик қурилиши ва грамматик яхлитликлар, флексия ёрдамида семантик муносабатларни ифодалаш, сўз тартибида учрайдиган хатоликларни англатади. А. катта ёшдагилар орасида нутқ қобилиятининг бузилиши – афазия тарзида намоён бўлади. Ўқувчиларда А. нутқ ривожланишининг дастлабки босқичларида кузатилади. Шу б-н бирга, ўқувчиларда эшитиш ф-ятининг бузилиши натижасида ҳам А. вужудга келади. Бу ўқувчиларнинг мураккаб грамматик бирликларни ўзлаштиришлари ва нутқий мулоқот жараёнига халақит беради. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқида ҳам, ёзма нутқида ҳам А.ни кузатиш мумкин.

АГРАФИЯ (юн. a – инкор қўшимчаси ва graphio – ёзаман) – ёзиш қобилиятининг йўқолишидан келиб чиқадиган нутқнинг бузилиши. Бош мия чап ярим шаридаги чекка ёки тепа-чакка қисмининг ривожланмай қолиши ёки зарарланиши оқибатида вужудга келади. Одатда, афазия (гапира олмаслик, сўзлаш

қобилиятининг бузилиши) б-н бирга кечади. А.га учраган бемор ўқувчи сўзда ҳарфларни қўшиб ўқиш қобилиятини йўқотади, ёзганда бўғинлар ўрнини алмаштириб қўяди ёки бўғинларни умуман туширib қолдиради.

А. қуйидаги шаклларда намоён бўлади: 1) А. товушни фарқлаш лаёқатининг йўқолиши сабабли вужудга келиб, ўқувчи нутқи, сўз ва бўғинлар таркибидаги товушларни фарқлай олмайди. Натижада ўқувчи ёза олиш лаёқатига эга бўлмайди, ўзаро яқин товушларни кориштиради, мураккаб характердаги товуш бирикмаларини таҳлил қилишга киймалади; 2) чап ярим шарлар ф-ятининг бузилиши оқибатида вужудга келган А. артикуляциянинг бузилишига сабаб бўлади. Мазкур камчиликка эга бўлган ўқувчилар сўзларнинг товуш таркибларини таҳлил қилишга қийналади. Натижада ёзма нутқда турли даражадаги имло хатоларга йўл қўяди; 3) чап ярим шарларнинг пастки ҳаракатланувчи қисми зарарланиши оқибатида вужудга келган А.да сўз ва бўғинларни бир-бирига қўшиш лаёқати йўқолади. Ўқувчи ёзма нутқида турли қийинчиликларга дуч келади; 4) бош мия қобиғининг зарарланиши натижасида вужудга келган А. ҳарфларнинг кўламдорлигини идрок этишда қийинчиликларни ҳосил қилади. Натижада ўқувчилар зарур ҳарфларнинг тимсолларини эслашга қийналади; 5) ҳаракатнинг бузилиши боис вужудга келган А. натижасида ҳарф ёки сўзларни ёзиш жараёнида ўқувчилар ортиқча ҳаракатларни амалга оширади.

А.ни махсус тикловчи характердаги ўқитиш машқлари орқали бартараф этиш мумкин. Ўқувчиларда А. уларни ёзишга ўргатиш жараёнида вужудга келиши кузатилади. Бунда ўқувчиларда нутқий ривожланмаганликнинг турли шакллари намоён бўлади. Ёзувдаги чекланишлар нутқнинг бузилишига олиб келади. Бу эса нутқ аппаратининг механик аномалиясига сабаб бўлади. А.дан эшитиш қобилияти заиф болалар учун характерли бўлган ёзувдаги чекланишларни фарқлаш лозим. Болалар ёзувидаги бузилишлар логопедлар томонидан бартараф этилади ва улар эшитиш қобилияти заиф бўлган болаларнинг махсус мактабларида таълим оладилар.

АГРЕССИВ ХУЛҚ – шахснинг маънавий бузуқликка асосланган, бошқаришнинг ички дунёсига очиқдан-очиқ салбий таъсир ўтказиб, тажовуз қилиб, уни издан чиқаришга қаратилган ғайриинсоний хусусиятлар, хатти-ҳаракатлар мажмуи. А.х.нинг шаклланиши, кучайиши ва намоён бўлиши аксарият ҳолларда ижт. муҳитга боғлиқ. Жаҳолатга ботган, жоҳилдик ва зўравонликни мақсадга эришишнинг асосий ва устувор воситаси деб билган шахсларда А.х. кучли бўлади. А.х. ахлоқий меъёрларга зид бўлган руҳий ҳолат ҳисобланади. Ҳар бир шахснинг хулқ-атвори унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. А.х. эгаларида ўз-ўзини ирода қилолмаслик, хатти-ҳаракатларининг салбий оқибатларини ўйламаслик ва шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилади. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар А.х.ни намоён қилишга кўпроқ мойилдир. Лекин улардаги бундай руҳий ҳолат ўткинчи характерга эга бўлади. Таълим-т-я жараёнида ўқитувчилар А.х.нинг салбий жиҳатлари ҳақида ўқувчиларга етарлича маълумотлар беришлари керак. Ўқувчиларда А.х. кўринишлари намоён бўлганда ота-она ва ўқитувчилар уларга босиқлик б-н муомалада бўлишлари лозим. А.х. эгалари бўлган ўқувчиларни т-ялашда оила,

маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

АДАБ – шахснинг т-яланганлик даражаси, ахлоқий киёфаси, маънавий баркамоллигининг асосий шарти ва мезони. «Одоб» А. сўзининг кўплик шаклидир. Инсон ўз адаби орқали эл-юрт ўртасида обрў-эътибор, иззат-ҳурмат топади. А. ўзбек халқи ҳаёти ва аждодларимиз тажрибасида азал-азалдан муҳим ўрин эгаллаб келганлиги учун ҳам шахслараро муносабатларнинг барча шакл ва кўринишларига шу нуқтаи назардан ёндашилади. Уларга ном ва баҳо беришда А. асосий мезон ҳисобланади. Шу асосда А.нинг турли даража ва кўринишлари шаклланган: бола адаби, қиз бола адаби, келинлик адаби, куёвлик адаби, шогирдлик адаби, касб-ҳунар адаби, мезбон ва меҳмон адаби, тижорат адаби, санъаткор адаби, спортчи адаби, юриш-туриш адаби, муомала адаби, сиёсат адаби, баҳс-мунозара адаби ва ҳ.к.

Ўзбек халқининг ахлоқ-одоб меъёрлари ўзининг менталитети ва қадриятларидан келиб чиққан ҳолда дунёдаги бошқа халқларникидан кескин фарқ қилади. Мустақиллик йилларида ўзбек халқи кўплаб қадриятлари қатори ўзининг адаб-ахлоқ меъёрларини ҳам қайта тиклаб, унга амал қилиш тажрибасини ўқувчи ҳамда талаба-ёшларга сингдира бошлади.

А.нинг зидди А.сизлик, ҳаёсизлик, маънавий тубанликдир. Ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда А.-ахлоқ икки йўл б-н шакллантирилади: 1) аждодлар тажрибаси орқали; 2) таълим-т-явий, маърифий, ибрат, намуна кўрсатиш, ж-ятдаги ахлоқий меъёрларни сингдириш орқали. Шу б-н бир қаторда А. ўзбек халқи пед. си ва маънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаган тасаввуф таълимотида сабоқ берувчи пир, яъни устоз ва сабоқ олувчи мурид, шогирднинг амал қилиши зарур бўлган қонун-қоидалари мажмуи сифатида ҳам тушунилади. Устоз-шогирд А.и тасаввуф таълимоти намояндаларининг асарларида алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Хованди Тоҳур, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарларида тавсифланган устоз-шогирд А.и асрлар оша ўз қимматини сақлаб келмоқда.

АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – 1) ад. таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича ўқувчи-талабаларга муайян БКМлар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) хусусий пед. нинг асосий соҳаларидан бири бўлиб, мактабда ўқитиладиган ад. фанининг мазмуни ва уни ўқувчиларга етказиш учун қўлланиладиган восита, усул, метод ва техн.ларини ўз ичига олади. А.ў.м. мунтазам тарзда ушбу йўналишда амалга ошириладиган тадқиқотлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда бойитилади. Таълим ривожланган мамлакатларда амалиётда яхши натижалар берган усул, метод, техн. илмий таҳлил қилиниб, таълим жараёнига жорий этилади. Бу, ўз навбатида, А.ў.м. фанини бойитиш имконини беради.

АДАБИЁТ ЎҚУВ ФАНИ – ад. таълими жараёнида ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув юкламаси, ад. фани асосларини мужассамлаштирган ўқув фани. А.ў.ф.дан таълим бериш ўқув дастури ва дарслиги асосида ташкил этилади. Мазкур дарслик ўқув фани таркибига кирган мавзулар бўйича ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг муайян қисмини ўзида мужассамлаштиради. Шу б-н бир қаторда, ўқув фани доирасида ад.дан тузилган хрестоматия

ва ўқувқўлланмаларидан ҳам фойдаланилади. А.ў.ф. бошланғич синфлардаги ўқиш дарсининг узвий давоми бўлиб, 5–9-синф ўқувчиларига ўргатилади. А.ў.ф. изчил тизимли курс бўлиб, ад. назарияси, тарихи ва дастурга киритилган ёзувчи ҳамда шоирлар ижодидаги сара асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, хорижий ёзувчиларнинг асарларидан намуналарни ўз ичига олади. Мазкур ўқув фани ўқувчиларнинг назарий билимлари, бадиий асар ҳақидаги амалий кўникмаларини ривожлантириш б-н бирга, уларни мустақил ҳамда танқидий фикрлашга ўргатиш, равон ва бадиий нутқ кўникмаларини таркиб топтириш, эстетик диди ва ахлоқини т-ялашга ҳам ёрдам беради. Ад. таълими жараёнида ўқувчиларнинг тафаккури ва ижодий лаёқатлари ривожлантирилади, зукколик, оламни яхлит тарзда идрок этиш кўникмалари таркиб топади, бадиий нутқ ривожланади. Ўқувчиларда ҳаётий идеаллар шаклланиб, ўз олдиларига қўйган мақсадлар сари интилишга одатланадилар.

АДАБИЁТ ЎҚУВ ФАНИДАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – ад. таълими мазмуни ва ушбу ўқув фани бўйича ўқувчилар эгаллайдиган БКМларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели. А.ў.ф.д.т.с. асосида ўқув юкламаси белгиланади ҳамда ўқув дастур ва қўлланмалари, дарсликлар яратилади. А.ў.ф.д.т.с.лари ҳар 4 й.да фан асосларида вужудга келган янгиликлар ва ижт. буюртма асосида такомиллаштирилади.

АДАБИЁТЛАР УСТИДА ИШЛАШ МЕТОДИ – ўқув материалини оғзаки баён қилишнинг асосий тури. Мактаб амалиётида муҳим ўрин тутади. У таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинадиган билимлар, ахб.ларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш ф-ятини ривожлантиришни назарда тутади. Таълим жараёнида ушбу мет.дан фойдаланиш ўқувчиларда кичик тадқиқотларни амалга ошириш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. А.у.и.м. икки йўналишда ташкил этилади: дарс жараёнида дарсликлар, ўқув ад.лари, хрестоматиялар б-н ишлаш; дарс мавзусига боғлиқ ҳолда синфдан ташқари шароитларда дарслик, ўқув ад.лари, қўшимча манбалар б-н мустақил ишлаш.

АДАБИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС – халқимизнинг аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ниҳоятда қадимий ва бой моддий-маданий бойликлари. У ўзбек халқининг урф-одатлари, расм-русумлари, байрамлари, қад. битиклар ва археологик топилмалар, халқ оғзаки ижоди намуналари, ёзма бадиий ад. ва фан соҳасида яратилган ноёб асарлар, тасвирий ва амалий санъат ҳамда мусиқа дурдоналари, бетакрор меъморий обидалардан иборат. Мустақиллик йилларида аждодларимиз томонидан яратилган бой Ад.-м.м.ни ёш авлодга тақдим қилиш, авайлаб-асраш, илмий тадқиқ этиш дав. сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Ўзбек халқининг Ад-м.м., биринчи навбатда, битмас-туганмас ақлий-маънавий т-я, пед. фикр манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни изчил тизим асосида ёш авлод онгига етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ад.-м.м. уни яратган халқ тарихи б-н изчил ва мустаҳкам боғланган бўлади; шу халқнинг қад. даврлардан ҳозиргача яратган ва сақлаб келган адабий-маънавий ёдномалари, моддий-маданий обидаларини ўз ичига олади.

Ўзбек халқининг бой Ад.-м.м. ёзма тариҳ бошлангандан кейин аҳамонийлар (мил. ав. 558–330), салавкийлар (мил. ав. 312–64), Ўрхун-Энасой тош битиклари, туркий (уйғур) кўлёзма ёдгорликлар, Турк хоқонлиги (552–745), Араб халифалиги (632–1258) ва кейинги даврлар, хусусан, Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, уч хонлик, Россия истилоси, шўролар тузуми даврларида ва ниҳоят, мустақиллик йилларида бунёд этилган оғзаки, ёзма ва моддий ёднома ҳамда ёдгорликлардан иборат. Булар ўзбек халқининг урф-одатлари, расм-русумлари, байрамлари, халқ ижоди намуналари, ад. ва фан соҳасида яратилган манбалар, тасвирий ва амалий санъат ҳамда мусиқа асарлари, қад. битиклар ва археологик топилмалар, рангбаранг меъморий обидаларни қамраб олади. Ад.-м.м. сақлаш ва ўрганиш ҳам тарихий, ҳам маърифий қимматга эга. Булар ўзбек халқининг миллий ифтихори ҳисобланади. Шўролар тузуми даврида, хусусан, қатағон йилларида Ад.-м.м.га нисбатан бутунлай нотўғри, мафкуравий муносабатда бўлинди. Ўтмишда яшаб ижод этган бир қанча шоирлар ижодини ўрганиш ман этилди, араб ёзувида битилган қўлёзмалар йўқ қилинди. Ад.-м.м.нинг зукко билимдонлари қувғин остига олинди; Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва б. адиб, шоир, олим ва зиёлилар қатл этилди, ўнлаб масжид ва мадрасалар бузиб ташланди, халқ маросим ва байрамларини ўтказиш тақиқланди. Бу борада турғунлик йиллари қатағон даврининг ўзига хос давоми бўлди. Истиқлол туфайлигина бу меросга муносабат тубдан ўзгарди, унинг ҳамма соҳаларини чуқур ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этиш ишлари йўлга қўйилди. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари ислом динини тарғиб қилиш йўлидаги хизматлари б-н дунёга танилган буюк ватандошларимиз дафн этилган жойлар ободонлаштирилиб, зиёратгоҳга айлантирилди. Уларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга бағишланган китоблар чоп этилди. Амир Темур ҳаёти ва ф-яти, темурийлар даври маданиятига оид китоблар нашр этилди. Ўрта асрнинг ноёб маданий ёдгорлиги «Усмон Қуръони» Ўзбекистон Диний бошқармасига қайтарилди. «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллик юбилейи ўтказилди. Халқ меъморлигининг ноёб намуналари бўлган бир қатор меъморий ёдгорликлар таъмирланди. Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Ҳусайний, Ҳувайдо, Беҳбудий ва б. алломаларнинг ижоди ҳақида тадқиқотлар олиб борилмоқда, асарлари нашр этилмоқда. Қуръон ва Ҳадис ҳам биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб оммалаштирилди, қатағон қилинган шоир ва адибларнинг асарлари кўплаб нусхаларда чоп этилди, унутилишга маҳкум этилган қатор ҳунармандчилик соҳалари қайта тикланди ва халқ байрамлари тантанали нишонланмоқда.

АДАПТАЦИЯ (лот. adabtatio – мослашув) – организмнинг турли яшаш шароитларга мослашиши. А. таълим-т-я жараёнининг барча босқичларида ҳосил бўлади. Инсон ривожланиши жараёнида вужудга келган мослашишлар йиғиндиси ҳаётий вазиятларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди. Шу б-н бир қаторда, А. ўқувчиларнинг таълим-т-я жараёнида содир бўладиган мослашиш жараёни натижаси ҳисобланади.

А. атамаси пед. ва психологияда, айниқса, пед.да таълим олувчиларнинг ўқув ф-яти, таълим воситалари ёрдамида ривожланишини тавсифлаш

мақсадида қўлланилади. Бунда таълим олувчиларнинг пед. муҳит б-н ўзаро боғланиш жараёни намоён бўлади. Бу жараёнда таълим олувчилар б-н пед. муҳитнинг ривожланишини таъминловчи муносабатлар вужудга келади. Пед. А. таълим олувчилар ҳаётининг пед.-психологик жиҳатларини камраб олади. А. пед. муҳитнинг таълим олувчиларга кўрсатадиган таъсирини акс эттирувчи тизимининг алоҳида ўзига хос тури бўлиб, улар б-н бир маромда ривожланувчи мувозанат ҳосил қилишга қаратилган. Бу мувозанат таълим олувчиларнинг ички ва ташқи пед. муҳит б-н уйғун муносабатини таъминлайди.

Шунингдек, А. ўқувчи ёки талабанинг ўзи учун янги бўлган муҳитга мослашиши ва унинг натижасини ҳам ифодалайди. Шахс улғайган сари унинг ижт. тажрибаси бойиб, оламни идрок этиш лаёқати ортади. Бу таълим муҳитида жадал тарзда амалга ошади. Шу маънода узлуксиз таълим тизими тўлақонли тарзда мунтазам А. жараёни ҳисобланади. Ўқувчилар томонидан таълим жараёнида ижт. меъёрлар, ж-ятга хос маънавий-маданий, ҳуқуқий асослар, қонун-қоидалар, анъаналар, қадриятлар, урф-одатларнинг ўзлаштирилиши ижт.-пед. А. жараёнининг мазмуни ва унинг самарадорлигини белгилайди. Пед. А.нинг самарадорлигини таъминлаш учун болаларни оила ва МТМда 6-7 ёшгача бўлган даврда тўғри т-ялаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан шу ёшда болалар ҳар томонлама шаклланиб, мактабдаги ўқув ф-ятига тайёрланади. Мактабгача таълим ёшида болалар ўзлаштирадиган жами маълумотларининг 70 фоизини эгаллашга муваффақ бўлади.

Ижт.-пед. А. инжиқ, тортинчоқ, асаби ва руҳий ҳолатида муайян нуқсонлар мавжуд бўлган болалар б-н қийин амалга ошади. Болалар янги шароитга дуч келганларида А. жараёни мураккаб кечади. Бугунги кунда МТМда болалар ижт.-пед. А. жараёнини ўтаб, ўқув ф-ятига киришишга тайёрланади. Ўспиринлик даврида эса ижт.-пед. А. жараёни янада мураккаброқ амалга ошади. Бу даврда ўқувчиларда учрайдиган қайсарлик қатъиятлиликдан фарқли тарзда ноҳуш вазиятларга сабаб бўлади. Шу боис ҳам бу даврда ўқувчилар учун зарур бўлган мураккаб характердаги ижт.-пед. А. жараёнида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Ижт.-пед. А. таълим олувчиларнинг маънавий-руҳий оламида кечадиган ўзига хос жараён бўлиб, уларнинг янги пед. вазиятларга мослашишини англатади. Ўқувчилар ҳаётида А.нинг самарали кечиши кўп жиҳатдан уларнинг руҳий, маънавий ҳолатларига боғлиқ. А.нинг қуйидаги турлари мавжудлиги кузатилади: сезгиларга асосланган А. Бу ўқувчиларнинг жисмонан ва руҳан турли хил субъектив ўзгаришларга мослашишини англатади; ижт. характердаги А. Бу ўқувчиларнинг ижт.-пед. муҳит талабларига узлуксиз тарзда фаол мослашишини ифодалайди. Ушбу жараён натижасида эса улар баркамол шахс сифатида шаклланади. Унинг муҳим жиҳатлари таълим олувчиларнинг ижт.-пед. талаб ва тартибларни қабул қилишини англатади. Ўқувчиларнинг А.си адаптив машғулотлар жараёнида амалга оширилади. Чунки адаптив машғулотлар ўқувчиларнинг пед. муҳит, таълим олувчилар жамоаси, ўқув вазифаларини бажара олишга мослашувини таъминлашга қаратилган машғулотдир.

Роҳат Сафарова

АДДИКТИВ ХУЛҚ-АТВОР – мойиллик, одатлар мажмуаси. Ўқувчилардаги

А.х-а. деструктив хулқ-атвор шакли сифатида муайян майлларга мувофиқ келадиган, реал тарзда ўзининг муайян рухий ҳолатидаги ўзгаришларга асосланган ҳолда ундан узоқлашиш жараёнидир.

АДДИКЦИЯ – мойиллик, шахсий одатларни англатувчи атама. У аддиктив хулқ-атворга нисбатан кучли мойилликни ифодалайди. Мас., муайян спорт турлари б-н шуғулланиш, расм чизиш, ташаббускорлик кўрсатиш шулар жумласидандир.

АДЕКВАТЛИК (лот.adaequatus – тенглашган, мос, айнан бир, ўхшаш) – билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хосса ҳамда алоқаларини уларнинг объектив мазмунига мувофиқ тарзда танлаш. Инсон онги объектив борликни ижт. амалиёт асосида адекват акс эттира боради. А. даражаси, яъни объектни акс эттиришнинг аниклиги, чуқурлиги ва тўлалиги ҳақидаги масала нисбий ва абсолют ҳақиқатлар б-н билимнинг тўғрилиги, мезони ўртасидаги ўзаро муносабат муаммосига боғлик.

А. мет. оркали и.т. иши натижасининг тадқиқот объекти, жараённинг кечиши текширилади. Бунда объект модели б-н тадқиқот натижаси модели ўртасидаги ўхшашлик, мослик ва улардаги конуниятларнинг нечоғлик тенг акс эттирилиши муҳимдир. Бу, айниқса, пед. соҳасидаги тадқиқотларга хос ҳолат бўлиб, тажриба-синов ишлари натижасида назарий хулосалар б-н таълим амалиётидаги ҳолатнинг адекватлиги таҳлил этилади. Ўқувчиларнинг шахс сифатида ривожланишларига мос тарзда уларнинг таълим олиши таълимнинг адекватлиги сифатида баҳоланади. Ўқитишдаги А. эса таълим мазмуни, унинг мураккаблик даражаси, характерига мос тарзда ўқитишни назарда тутади. Бунда ўқувчиларнинг муайян дастур бўйича билимлар ўзлаштиришларига эришилади. Таълим тизимидаги А. деганда эса ж-ят талаблари ва унинг ривожланиш тенденцияларига мувофиқ тарзда таълим жараёнини ташкил этиш тушунилади. Мунтазам тараққий этаётган ж-ятда таълим тизими етакчи ўрин эгаллайди. Чунки у ижт. ўзгаришларга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу жараёнда таълим олувчиларга ранг-баранг ф-ятнинг субъекти сифатида каралади.

АДИБ – одоб илмидан сабоқ берувчи муаллим. А. сўзи ибратга муносиб инсон, устоз тушунчаларини ҳам қамраб олади. Кейинчалик бу сўз ёзувчи, ад. илмидан хабардор киши маъноларида ҳам оммалашди.

АДИЗОВ Бахтиёр Раҳмонович (1960.16.11, Бухоро тумани) – пед. фанлари д-ри (2003), проф. (2006). Бухоро дав. пед. ин-тининг БТ ф-тини тамомлаган (1983). Бухоро дав. педагогика ин-ти «Бошланғич таълим педагогикаси» каф. ўқитувчи (1983–85), ЎзПФИТИ стажёр-тадқиқотчиси (1985–87), ТДПУ аспиранти (1987–91), Бухоро дав. педагогика ин-ти ўқитувчи (1991–93), доц. (1993–95), каф. мудири (1995–97), ф-т декани муовини (1997–2007), проректори (2007–12), ун-т ҳузуридаги ПККТМО минтақавий маркази директори вазифасини бажарувчи ва «Педагогика» каф. проф. (2012 й.дан). «Бошланғич синф ўқитувчилари малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари ҳамда бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари» мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борган. А. 100 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, «Дидактика» (1997), «Таълим технологияси»

(1997), «Она тили дидактикаси» (2005), «Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари» (2007) номли монография ҳаммуаллифи.

АДЛЕР Альфред (1870.7.2. Вена – 1937.28.5, Абердин) – австриялик врач, психолог ва педагог. Психоанализ соҳасида ўз изланишларини амалга оширган. Психоанализнинг индивидуал психология йўналишига асос солган. 1911 й.да А. психоанализ асосчиси З. Фрейд б-н биргаликда ўзининг психоанализ қарашлари вариантини яратган. Бу эса индивидуал психология учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бунда марказий ўринни инсон хулқ-атворининг мақсадли детерминацияси масаласи эгаллаган. Шахснинг ҳаётий мақсадлари, унда комплекс тарзда тўлақонли бўлмаган шароитларнинг вужудга келиши, етишмовчиликларни компенсациялаш воситалари ҳақида ўзининг қимматли фикрларини баён қилган. Шу тариқа А.нинг ижодий қарашлари, назарий ёндашувлари инсонпарварлик психологиясининг вужудга келишига сезиларли таъсир кўрсатган. Бунинг натижасида болалар психологияси ва дефектологиясида бир қатор йўналишларга асос солинган.

АДОЛАТЛИЛИК (араб. – одиллик, тўғрилик) – ижт.-фалсафий, ахлоқий-пед., ҳуқуқий-маънавий тушунча. А. ҳақидаги илк тасаввурлар жуда олис замонларга бориб боғланади. Қад. даврда аждодларимиз уни универсал қонун сифатида талқин этган. Мас., «Авесто»да Зардушт адолатни «арта» тушунчаси орқали ифодалаган ва уни оламдаги икки қутбдан бири деб ҳисоблаган. Платон (Афлотун) эса А. муаммосини тизимли тарзда ўрганишга интилган. Аристотель (Арасту) адолат ҳақидаги мавжуд қарашларни ривожлантирган. Форобий адолатни ижт. иерархия ва тартибнинг мавжуд бўлиши учун пойдевор яратувчи ҳуқуқий категория сифатида таърифлаган. 18-а.дан адолатни ижт. тенглик шарти сифатида баҳолаш анъанаси бошланди. А. шахснинг ижт.-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий онгида муҳим ўрин эгаллайди. А. ж-ятда ҳуқуқий меъёрлар амал қилишини англатади. А. тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижт.-иқтисодий муносабатлар б-н белгиланади. А.нинг ижт.-фал. жиҳати ж-ят аъзоларининг ранг-баранг муносабатларида ўзаро тенглигини назарда тутади. Ахлоқий жиҳати эса инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлиш, бир-бирининг иззат-нафсига тегмаслик, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишни ифодалайди. А.нинг ҳуқуқий томони қонунларга риоя этиш, сиёсий томони эса давлат адолат қоидалари асосида бошқариш, фуқароларга ғамхўрлик қилишни англатади.

Пед. нуқтаи назардан А. ўқувчиларга одилона муносабатда бўлиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳақиқатга асосланиб ёндашишда намоён бўлади. Ўқитувчилар, ота-оналар, атрофдагилар ҳар доим ҳам ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларига адолат нуқтаи назаридан ёндашавермайдилар. Улар айрим ҳолларда ўқувчиларнинг дунёқарашлари, нуқтаи назарлари, оламни идрок этиш тажрибаларини ҳисобга олмайдилар, улар ҳақида бир ёқлама қарорлар қабул қиладилар. Ота-оналар, ўқитувчилар ўз фарзандлари ва ўқувчиларга улар содир қиладиган хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий жиҳатлари, оқибатларини батафсил тушунтиришлари, уларни тўғри йўлни танлаш сари йўналтира олишлари керак. Ўқувчилар ўзларига нисбатан адолатсизлик қилин-

ганини сезганларида уни қабул қила олмайди, ўжар, қайсар, одамови бўлиб колади. Ота-она ва ўқитувчилар адолатсизликка йўл қўйганида ўз вақтида улардан кечирим сўрай олишлари лозим. Ўқувчиларга нисбатан адолатсизликка йўл қўймаслик учун ўқитувчилардан уларнинг ф-ятларини баҳолашга одилона ёндашиш талаб қилинади. Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини чуқур таҳлил қилиши, унинг сабаб ва оқибатларини аниқлаши, шу асосда таълим олувчиларга пед. таъсир кўрсатиши талаб этилади.

Ўқитувчи А. меъёрларига амал қилиши учун инсон ҳуқуқларининг конуний асослари, Бола ҳуқуқлари конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яхши билиши, ўз ўқувчиларига меҳр кўрсата олиши зарур. Ўқувчиларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш ўқитувчилар касбий ф-ятининг муҳим сифати ҳисобланади.

Ж-ятнинг шахсга, шахснинг ж-ятга, шунингдек, ўқитувчининг ўқувчиларга муносабатида намоён бўладиган А. худди шу муносабатларни баҳолаш мезонидир. А. маънавий қадриятларнинг олий кўриниши бўлиб, бахт, озодлик, тенглик, тинчлик тушунчалари каби шахс эркн ва иродасини ўзида мужассамлаштиради.

А. ўқитувчи касбий ахлоқининг ифодасидир. А.ка асосланган муносабатлар тенгликни вужудга келтиради. Ўқув-т-я жараёнида инсонпарварлик таъминланади. А. асосида ташкил этилган таълим жараёнида ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида ижобий муносабатлар ўрнатилади. Ўқувчиларнинг ўқув материалларини имкон қадар тўлиқ ўзлаштириши учун қулай шароит яратилади.

Пед.да А. қуйидаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади: 1) ўқитувчи б-н ўқувчилар орасида ўзаро тенгликка асосланган субъект-субъект муносабатларини вужудга келтиради; 2) ўқувчилар манфаатларининг ўзаро тенглик асосида бир хилда ҳимоя қилинишини таъминлайди; 3) таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлайди; 4) ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи восита сифатида хизмат қилади; 5) ўқув жараёнидаги турли зиддиятларни бартараф этилиши ва инсонпарварлик принципининг амал қилинишини таъминлайди; 6) ўқувчиларда ўз муваффақиятига ишонч туйгусини ҳосил қилади ва ривожлантиради.

Таълим жараёнида А. ўқитувчи б-н ўқувчилар орасидаги муносабатларнинг асосий мезони бўлганлиги учун ўзига хос ижт.-пед. аҳамият касб этади. Шунинг учун у ижт.-пед.кадрият сифатида алоҳида аҳамиятга эга. А. ўқув-т-я жараёнида демократиянинг таъминланганлиги, ўқувчилар ҳуқуқларининг ҳар томонлама ҳимояланганлиги ва уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиши, таълим жараёни субъектларининг ўзаро тенглигини ифодаловчи пед. ҳодисадир. А. реал қадрият бўлиб, ўқитувчи ф-ятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Демократия ўқувчиларнинг ўз қобилият ва иқтидорларини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратади. Бу эса таълимда А. таъминланиши учун қулай имкониятларни вужудга келтиради.

Таълим жараёнида А. тамойилига амал қилиш деганда, ўқувчиларга А., одиллик, холислик асосида муносабатда бўлиш тушунилади. Бу жараёнда ўқитувчи ҳақиқатни ўз ф-ятининг бош мезони сифатида қабул қилади. А. тамойилига амал қилган ўқитувчилар таълим-т-я жараёнида ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини олий қадрият сифатида эътироф этади. Педагогларнинг бундай ҳаракатлари натижасида таълим жараёни ўқувчилар шахсига йўналтирилади. Таълимда А. тамойили ўқувчиларга бир хилда ёндашиш имконини берадиган ноёб ижт.-пед. ҳодисадир. Бу жараёнда баъзан қарама-қаршиликлар, зиддиятли вазиятлар вужудга келса-да, охир-оқибатда ҳақиқат қарор топади. Ўқув-т-я жараёнида А. тамойили аниқ ижт.-пед. механизмга эга. У таълим жараёнида барқарорлик ва ўзаро ҳамкорликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

«АДОЛАТ ЎЛКАСИГА САЁҲАТ» УСУЛИ – ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини чуқурлаштиришга хизмат қиладиган ролли ўйин тури. Унинг мақсади – ўқувчилар ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, уларда ҳуқуқий тафаккур, идрок ва зеҳнни шакллантиришдан иборат. Шахсга йўналтирилган мазкур ўйин тури таълим жараёнига хос бўлиб, асосан беллашув, мусобақа шаклида ташкил этилади. Унда синфдаги ўқувчилар иккитадан тўрттагача гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этади. Ўйин жараёнида ўқувчилар бир қатор шартларни бажаради. Ролли ўйинлар шаклида ташкил этилган беллашувлар ўқувчиларда назарий-ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш, ҳуқуқий ф-ятни ташкил этиш эҳтиёжининг вужудга келишига туртки бўлади. Демак, ўйин техн.сининг шакллари турличадир. Бироқ уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра, ягона мақсад сари йўналтирилади. Яъни улар ўқувчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгаллаган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни ижт.-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларга киришишга тайёрлаш, ижт. фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикрлаш, кенг дунёқарашга эга бўлишларига кўмаклашади.

АДЪЮНКТ (лот. adjunctus – қўшилган, бирлашган) – ҳарбий олий таълим ёки и.т. муассасасининг адъюнктурасига белгиланган тартибда қабул қилинган ва ҳарбий йўналишдаги алоҳида дастур асосида маълум мутахассислик бўйича докторлик дисс. устида илмий изланишни амалга ошираётган олий маълумот ёки магистрлик даражасига эга бўлган ҳарбий мутахассис. Европанинг бир қатор мамлакатларида илмий стажировкани ўтаётган шахс, илмий муассасада кичик илмий ходим лавозимини эгаллаган мутахассисларга нисбатан ҳам қўлланилади. Шунингдек, ҳарбий академияларда ўқитувчилик ф-ятини бажаришга тайёрланаётган шахсларга нисбатан ҳам А. атамаси ишлатилади.

Олий ҳарбий таълим муассасалари ёки Олий ҳарбий божхона ин-ти, Солиқ академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Олий миллий хавфсизлик интини битирган мутахассислар А. сифатида ўқишга қабул қилинади. Улардан мутахассислик бўйича муайян иш стажига эга бўлишлари талаб этилади.

АДЪЮНКТУРА – ҳарбий олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида олий малакали ҳарбий илмий ҳамда илмий пед.кадрлар тайёрлашнинг асосий шакли. А.ни битирган мутахассислар ўз дисс.ларини ҳимоя қилгач, фан д-ри илмий даражасига эга бўлишади.

АЖДОД ВА АВЛОД – илгари ўтган насл ва насаб (аждод) ва ота-боболардан қолган насл (авлод). Бу тушунча бир бутун сулоланинг икки бўлагини англатади. Лекин тилда аксарият ҳолларда

мазкур тушунчалар қориштирилади. Аждодлар деганда ўтмишда яшаб ўтган ота-боболаримиз, авлодлар деганда эса уларнинг бугунги кунда ҳаёт бўлган насллари тушунилади. Аждодсиз авлод бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда улар ўртасидаги узвийликка путур етади. Шунингдек, авлод деганда келажакда дунёга келадиган насллар ҳам тушунилади. Авлод ота ва она авлодига бўлинади. Ота авлодига амаки-амакиваччалар, амма-аммаваччалар, ака-укалар ва улардан тарқалган кейинги насл; она авлодига эса тоға-тоғаваччалар, хола-холаваччалар ва улардан тарқалган насл, вакиллари киради.

Қадимда туркий халқларда аждодларга сиғиниш одати кенг тарқалган. Бу анъана бугунги кунда халқимиз томонидан янгича шаклда давом эттирилиб, аждодларимизнинг маънавий тафаккур дурдоналари эъзозланмоқда. Аждодлар, уларнинг қилган улуғвор ишларини билиш қадрият сифатида эъзозланади. Ота-она ва устозлар мазкур қадриятни улуғлаб ўқувчи-ёшларни ўз аждодлари томонидан яратилган маънавий меросни ўзлаштиришга даъват этишлари, уларнинг буюк ишларидан ғурурланиш туйғусини шакллантиришлари керак.

Мустақилликка эришганидан кейин мамлакатимиз ҳукумати маънавий соғлом, баркамол авлодни т-ялаш максадида аждодларимиз меросига мурожаат қилиш зарурлигини кун тартибига қўйди.

АЗИЗХОЖАЕВА Наиля Назировна (1946.7.9, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (1991), проф. (1995). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими (2004). Республика рус тили ва ад.и ин-тини тамомлаган (1968). Тошкент чет тиллар, пед. ин-тининг рус тили ва ад. каф. ўқитувчиси (1968–72), ТДПУнинг «Умумий педагогика» каф. ўқитувчиси (1972–86), каф. доц.и (1986–95), каф. проф.и (1995–96), каф. мудири (1996–2000), инн-он техн. маркази раҳбари (2001–06), «Педагогик технологиялар» каф. мудири (2006–10), Тошкент архитектура-қурилиш ин-ти «Касбий педагогика» каф. проф.и (2010–11),ТДПУ «Умумий педагогика» каф. проф. (2011 й.дан).

«Формирование активной профессиональной позиции будущего учителя» мавзусида номзодлик (1978, Тошкент), «Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане» мавзусида докторлик (1991, Москва) дисс.ларини ҳимоя қилган. Россия халқаро пед. ва социология фанлари академиясининг акад.(1995 й.дан).

А. Ўзбекистонда олий таълим тараққиётининг турли йўналишлари бўйича 300 дан ортиқ илмий мақола, қўлланма ва монографиялар, жумладан, «Педагогический словарь-справочник», «Педагогические технологии и педагогическое мастерство», «Научные основы педагогических технологий», «Педагогик технология ва педагогик маҳорат», «Инн-онные технологии в подготовке педагогических кадров», «Педагогические технологии в повышении квалификации и переподготовке кадров» номли монографиялар муаллифи. А.нинг 50 дан ортиқ илмий ишлари хорижда чоп этилган.

АЗИМОВ Саидмалик Акбарович (1946.10.7, Тошкент) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). ТДПУнинг дефектология ф-тини тамомлаган (1980). Меҳнат ф-ятини 1965 й.дан бошлаган. 1972 й.дан Юнусобод туманидаги 104-махсус мактаб-интернат-

нинг меҳнат таълими ўқитувчиси. А. ўз фани бўйича дарсларни ташкил этишда турли инн-он усуллардан фойдаланишга муваффақ бўлган. У дефектология бўйича республикада ташкил этилган бир қатор илмий ва амалий конференцияларда иштирок этган. Бир қанча ўқув дастур ва қўлланмалар муаллифи.

АЗЛАРОВ Турғун Раҳматович (1953. 02.08, Шайхонтоҳур тумани) – Ўзбекистон Қаҳрамони (2013), Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2008), физ.-мат. фанлари номзоди, доц., ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ) мат., ЭҲМларнинг мат. таъминоти ф-тини тамомлаган (1975). ТошДУ амалий мат. ва механика ф-тети ўқитувчиси (1975–88), Тошкент ш.даги 40-мактабнинг мат. ва информатика фанлари ўқитувчиси (1988–99), Тошкент Ислом ун-тининг информатика ва табиий фанлар каф. мудири (1999–2002), 40-мактабнинг мат. ва информатика фанлари ўқитувчиси (2002 й.дан). А. ўзининг 38 й.дан ортиқроқ пед. ф-яти давомида ўқувчи-талабаларни мат. ҳамда информатиканинг жозибадор оламига олиб кира олди, уларнинг билим ва дунёқарашларини бойитишга муваффақ бўлди.

А. катта тажрибага эга, юқори малакали, ўқитишнинг замонавий усулларини фаол қўлловчи ўқитувчи бўлиб, унинг мактаби информатика фанини ўкитиш бўйича Тошкент ш.да таянч таълим муассасаси ҳисобланади. А. 8–9-синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани бўйича дастур ва дарсликлар муаллифи. Унинг 70 дан ортиқ илмий-мет. рисолалари нашр этилган. Ўзининг пед. ф-яти давомида иқтидорли ўқувчилар б-н ишлаш соҳасида катта тажриба тўплаган. Унинг ўнлаб шогирдлари шаҳар, республика, халқаро олимпиадалар ғолиби ва совриндорлари бўлган. «Шуҳрат» медали б-н тақдирланган (1999).

АЖЗИЙ (тахаллуси, асл исми Саидаҳмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий) (1864–Самарқанд – 1927) – маърифатпарвар шоир, таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1926). Самарқанд, Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Араб, форс, озарбайжон тилларини мукаммал билган. Кейинроқ рус тилини ҳам ўрганган. Самарқанд ш. яқинидаги Ҳалвойи қишлоғида янги усулдаги мактаб очиб, ўқитувчилик қилган. 1908–10 й.ларда Л. Н. Толстой ҳикоялари, И. А. Крилов масаллари, Н. В. Гоголнинг «Шинель» повестини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилиб, дарслик мажмуаси сифатида тартибга солган ва шулар асосида болаларни ўқитган. Дарсликлар ёзиб, уларга таржима қилган асарларидан намуналар киритган. Ахлоқий мавзудаги достон ва шеърий тўпламларни чоп эттирган («Айн ул-адаб» – «Одоб чашмаси», 1916; «Ганжинаи ҳикмат» – «Ҳикмат хазинаси», 1914; «Миръоти ибрат» – «Ибрат ойнаси», 1914). У илмни улуғлаган, ёшларни илм сирларини эгаллашга даъват этган. Миллий уйғониш даврининг барча шоирлари сингари кенг оммани маърифатга бошлаш, ҳақ-ҳуқуқини англатишни адабиётнинг бош мавзуи деб билган.

А. 1917 й. фев. тўнтаришидан кейин ижт.-сиёсий ҳаракатда қатнашган. 1922 й.дан яна ўқитувчилик ф-ятини давом эттирган. Самарқандда ўзбек ва тожик тилларида «Машраб», «Мулла Мушфиқий» каби ҳажвий жур. ва «Зарафшон» газетасини чиқаришда фаол иштирок этган. 1903 й.да Ҳалвойи қишлоғида ўз ҳисобидан мактаб қурдирган.

АЙБДОРЛИК ҲИССИ – инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиши

натижасида вужудга келадиган туйғу, шахснинг виждони, ҳис-туйғулари ва бажарган нотўғри амаллари б-н чамбарчас боғлиқ бўлади. Шу маънода А.ҳ. инсоннинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини баҳолашини англатади. Бу жараёнда шахс ўзининг айбдорлигини ҳис этиши ва бунинг учун жазо муқаррарлигини англашини ифодалайди. Ҳар қандай шахс ўзининг нотўғри ҳаракатлари учун айбдорлик ҳиссини туйиши зарурлиги болаларга улар ўзини англай бошлаган даврдан сингдирилиши керак. Бу, ўз навбатида, шахснинг ўз-ўзини такомиллаштириши учун муҳим ахлоқий аҳамиятга эга.

АЙНИЙ Садриддин (тахаллуси; асл исми Садриддин Саидмуродзода) (1878.15.4, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани – 1954.15.6, Душанба) – ёзувчи, олим, жамоат арбоби. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1940), Ўзбекистон ФАнинг фахрий аъзоси (1943), Тожикистон ФАнинг акад. ва биринчи президенти (1951–54), филол. фанлари д-ри (1948), проф. (1950). Дастлаб эски мактабда (1884–87), кейин Мир Араб (1890–91), Олимхон (1892–93), Бадалбек (1894–96), Ҳожи Зоҳид (1896–98), Кўқалдош мадрасаларида (1899–1900) таҳсил олган.

А. маърифий-ахлоқий дунёқарашининг шаклланишида жадид намояндалари б-н бир қаторда, Аҳмад Дониш ва озарбайжон ёзувчиси Ҳожа Мароғийларнинг таъсири катта бўлган. А. Бухорода янги усул мактабларини очган, улар учун бир қатор ўқув қўлланмалари, дарсликлар ёзган. Ёшларни илм-маърифатга ундовчи шеър ва ҳикоялардан иборат «Ёшлар тарбияси» (1909) дарслигини тузган. «Одина», «Қиз бола ёки Холида» (1924) китоблари мактабларда дарслик сифатида фойдаланилган. «Дохунда» романини тожик тилида нашр эттирган(1927–29), ўзбек тилида «Қуллар» романини яратган (1934). А.нинг «Эски мактаб» (1935) асарида мазкур таълим даргоҳларидаги ўқиш ва ўқитиш ҳақида батафсил маълумот берилган бўлиб, бу маълумотлар мактаблар тарихини ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга. Ёзувчининг «Судхўрнинг ўлими» (1939) қиссаси унинг моҳир сатирик эканлигини кўрсатди. А.нинг «Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си ҳақида» (1934), «Камол Хўжандий», «Шайхурраис Абу Али ибн Сино» (1939), «Устод Рудакий» (1940), «Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий» (1942), «Алишер Навоий» (1948), «Зайниддин Восифий» (унинг «Бадое ул-вақое» асари ҳақида), «Мирза Абдулқодир Бедил», Муқимий, Ғафур Ғулом ва Саид Назар ҳақидаги илмий асарлари ўзбек ва тожик адабиётшунослиги ва танқидчилигида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларидаги бир қатор шаҳар, туман, қишлоқ, кўча, мактаб, кутубхона, санъат ва маданият муассасалари А. номига қўйилган. Самарқандда А. ёдгорлик уй-музейи очилган (1967).

АЙРАПЕТЬЯНЦ Леонид Робертович (1955.24.6, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (1992), проф. (1993), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер (1990) ахб.лаштириш халқаро Академиясининг мухбир аъзоси, волейбол бўйича халқаро тоифадаги ҳакам. Ўзбекистон дав. жисмоний т-я ин-тида Спорт ўйинлари каф. мудири (1978 й.дан). Ўзбекистон дав. жисмоний т-я ин-тида илмий ишлар бўйича проректор (2004–06). У 100 дан ортиқ илмий услубий ишлар муаллифи.

«Дўстлик» ордени (1999) ва Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишони б-н тақдирланган (2001).

АКАДЕМИЗМ (фр. academisme) – 1) таълим ва фанда анъанавий тарзда қарор топган соф назарий йўналиш; 2) фан, таълим ва санъатнинг ижт. ҳаётдан ажралганлигини ифодаловчи тушунча; 3) тасвирий санъатдаги йўналиш. 16–19-а.ларда бадиий академияларда шаклланган.

АКАДЕМИК – айрим мамлакатларда юксак илмий унвон. ЎзРда акад.лар ЎзФА, ЎзР БАда сайланади. А. унвони ЎзР ФА, ЎзР БА ва б. илмий ҳамда ўқув муассасаларининг олим ва ижодкорлари, шунингдек, айрим шахсларга берилади.

АКАДЕМИК (сифат) – академиянинг илмий муассаса ёки олий ҳамда ўрта махсус ўқув юрти маъносидаги тушунча. Мас., А. нашр, А. лицей, А. йил, А. соат. А. йил – ОЎЮда машғулотлар бошланишидан (одатда кузда) уларнинг тугашигача (келгуси йил ёзгача) бўлган вақт; акад. соат – ўқув юртларида битта машғулотни ўтказишга белгиланган вақт (одатда 45 минут).

АКАДЕМИК ГИМНАЗИЯ – Россиядаги биринчи дунёвий умумтаълим мактаби. 1726 й. Петербург ФА ҳузурида ташкил этилган. Гимназия ёшларни ун-тга киришга тайёрлаган. Гимназия 2 бўлимдан иборат бўлган: немис мактаби (ўқиш муддати 3 й.), лот. мактаби (ўқиш муддати 2 й.). 1758–65 й.ларда А.г.ни М. В. Ломоносов бошқарган. Белгиланган тартиб асосида Россия синфлари, лот. тили ва умумий асос синфлари ташкил этилган. Россия синфлари рус тили, рус халқи тарихи, нотиқлик санъати, шеърхонлик каби дастурлар асосида ф-ят кўрсатган. Лот. тили ва умумий асос синфлари табиатшунослик, мат., фал. каби бир қатор ўқув дастурлари асосида ўқитилган. Бундай синфларда ўқишлар параллел тарзда амалга оширилган. Бутун курс учта асосий туркумга бўлинган: қуйи, ўрта ва юқори. Ўқув жараёнининг охирги йилларида А.г.да тайёрлов синфлари ф-ят кўрсатган. Юқори синфларда тўлиқ бўлмаган ун-т дастурлари асосида ўқув жараёни ташкил этилган. Таълим тизимида ислоҳотлар ўтказилиши муносабати б-н 1805 й.да ёпилган.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ – узлуксиз таълим жараёнининг иккинчи босқичи таркибига кирувчи таълим муассасаси, ўрта махсус ўқув юрти. А.л. ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини, уларнинг жадал интеллектуал ривожланишларини ҳисобга олган ҳолда муайян фан ёки фанлар бўйича чуқур, ихтисослаштирилган билим олишни таъминлайди. А.л., асосан, ОЎЮ ҳузурида ташкил этилади. Мазкур таълим муассасаларининг битирувчилари ўзлари танлаган ОЎЮга кириш ҳуқуқига эга. А.л.га ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ у.ў.т.мактаби (9-синф) битирувчилари якуний давлат аттестациясига биноан ўқувчи томонидан йиғилган рейтинг кўрсаткичлари ҳамда пед.-психологик ташхис марказлари тавсиялари асосида қабул қилинади. Мазкур ўқув муассасасида таълим олиш муддати 3 й. А.л.да таълим олиш мажбурий-ихтиёрий характерга эга. Мажбурийлик – ўрта махсус таълимнинг икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттириш шартлигини ифодаласа, ихтиёрийлик ўқувчининг ўзи қизиққан ҳамда лаёқатига мос келадиган йўналишни эркин танлаш имкониятига эгалигини англатади. А.л.ни битирган ўқувчилар ўрта махсус маълумотга эга бўлишади. А.л.ларда ўқувчиларни жадал

тарзда интеллектуал ривожлантириш, чуқур ва табақалаштирилган билим бериш асосида муайян соҳага йўналтириш таъминланади. А.л.да ўқувчилар ўзлари танлаган таълим йўналишлари: ижт.-гуманитар, табиий ёки аниқ фанлар соҳасидаги билим асосларини чуқур эгаллашлари учун шароит яратилади. А.л. битирувчиларига дав. томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади. Мазкур диплом таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган ихтисослик бўйича ишлаш имконини беради.

АКАДЕМИК МУСТАҚИЛЛИК – ўқув усулларидан бири. Таълим ходимларининг муайян ҳуқуқлари асосида берилади (жумладан, проф.-ўқитувчилар, илмий ходимлар ҳамда ОЎЮ талабалари). Бу ўқитувчининг ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўқув предмети мазмунини мустақил баён этиш имконини беради. Бу жараёнда ўқитувчи мавзу ва и.т. мет.ларини танлайди. Талаба учун эса ўз эҳтиёжлари ва майлларидан келиб чиққан ҳолда билимларни эгаллаш учун шароит яратади.

АКАДЕМИК ҚАРЗДОРЛИК – ўқувчиларнинг ўқув йили давомида эгаллаган билимларини аттестация қилиш натижаларидан қониқмасликни ифодалайдиган тушунча. А.қ. навбатдаги ўқув йили давомида тугатилади. Умумий ўрта таълим жараёнидаги поғоналар орасида ўқув йили давомида дастурнинг ўзлаштирилмаган қисми икки ва ундан ортиқ ўқув предмети бўйича А.қ. мавжуд бўлганда ўқувчилар ота-оналарининг қабул қилган қарорлари асосида мазкур синфда такрор ўқиш учун қолдирилади. Бундай ўқувчилар компенсациялаш асосида ўқитиладиган синфларга ўтказилади ёки ўз ўқишларини оилавий таълим шаклида давом эттиради. Биргина ўқув предметидан А.қ.ка эга бўлган ўқувчи навбатдаги синфга шартли тарзда ўтказилади. Барча ҳолатларда ҳам синфдан-синфга ўтказиш у.ў.т. муассасаларини бошқариш органининг қарори асосида амалга оширилади. ҚҲК ва ОТМ таълим олувчилари агар биргина ўқув предмети бўйича А.қ.ка эга бўлса, таълим муассасасида ўрнатилган муддат ўтгач, ўқишдан четлаштирилади.

АКАДЕМИЯ (юн. Akademos – афсонавий қаҳрамон Академ номидан) – кўпгина илмий муассаса, жамоат ташкилотлари ва ўқув юртларининг номи. Мил. ав. 4-а.да Платон (Афлотун) асос солган юнон фал. мактаби (Платон академияси). Афина яқинидаги жой ҳам унинг номи б-н аталган. Шарқ мамлакатларидаги А. тарзидаги муассаса ва ж-ятлар 8–9-а.да ташкил топган. Араб халифалиги (Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги) даврида (786–809) «Байт ул-ҳикма» («Билим уйи»)га асос солинган. Халифа Маъмун ҳукмронлиги даврида (813–833) «Байт ул-ҳикма»нинг ф-яти ривожлантирилган, унинг расадхонаси ва бой кутубхонаси бутун дунёга машҳур бўлган. Бундай А.лар Бағдодда, шунингдек, Мисрда ҳам очилган. 1010 й.да Урганчда Маъмун А.си (ҳоз. Хоразм Маъмун А.си)га асос солинган. Абу Райҳон Беруний шу А.нинг раҳбари бўлган. Хоразм Маъмун А.сида кўплаб илм-фан даҳолари етишиб чиққан.

Мустақиллик йилларида Хоразм Маъмун А.сининг бекиёс аҳамияти Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан эътироф этилиб, унинг 1000 йиллиги кенг нишонланди.

17-а. 2-ярмидан дав. ҳокимияти ёрдами б-н бир қанча мамлакатларда миллий илмий марказ сифатидаги А.лар тузил-

ди; мас., Лондондаги Қироллик жамияти (1660), Париж ФА (1666), Берлиндаги Пруссия ФА (1700), Петербург ФА (1724). Ҳоз. вақтда кўп мамлакатларда комплекс турдаги ФАлари ёки уларга ўхшаш муассасалар бор. Бу мамлакатларнинг айримларида фан ёки маданиятнинг бирор тармоғини қамраган соҳа А.лари ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда ЎзРФА мамлакатнинг олий илмий ташкилоти ҳисобланади. Ўзбекистонда ЎзР БАси ҳам мавжуд. Ўзбекистон ва баъзи мамлакатлардаги айрим ОЎЮ ҳам А. деб аталади (мас., ЎзР Қуролли кучларининг ҳарбий А.си, ЎзР ИИВА.си, Тиббиёт А.си, Солиқ А.си, Банк-молия А.си). Шунингдек, республикамизда Давлат бошқаруви академияси ҳам ф-ят юритади.

АКБАРОВ Одилжон (1933.23.8, Баликчи тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1983). Андижон ш.даги 10-ҳунар-техника билим юрти (1951), Тошкент индустриал техникуми (1955), Андижон ДПИни тамомлаган (1971). 1955 й.дан Андижон ш.даги 10-ҳунар-техника билим юртида ишлаб чиқариш таълими бўйича уста, 1971–96 й.ларда Андижон машинасозлик лицейида махсус фанлар бўйича ўқитувчи. А. бошчилик қилган чизмачилик хонаси республикадаги энг намунали ўқув хонаси сифатида баҳоланган. Экранлаштирилган ушбу ўқув хонасидан турли хил кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар ўрин олган.

АКБАРОВ Озодбек (1946.19.4, Чимкент вилояти Қозоғистон) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Тошкент чет тиллар пед. ин-тини тамомлаган (1970). 1972 й.дан Тошкентдаги Ҳамза номидаги билим юртида ўқитувчи, ўқув бўлими мудири, директор ўринбосари, 1979–2004 й.ларда директор. Унинг раҳбарлигида коллежнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланган. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражалари сезиларли тарзда ривожланган.

АКБАРОВА Муножатхон Абдуразоковна (1941.22.4, Бекобод тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Андижон пед. ин-тининг тарих ф-тетини тамомлаган (1967). 1960–72 й.ларда Хўжаобод туманидаги 14-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1972 й.дан шу тумандаги 18-мактаб директори. А. раҳбарлик қилган жамоа «Йил мактаби-92» республика кўрик-танловида фаол иштирок этган. Унинг ташаббуси б-н мактаб музейи ташкил этилган, мактабнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланган.

АКВАРИУМ УСУЛИ – ўқитувчи ва ўқувчиларда айрим масалаларга нисбатан турлича ўзаро фарқли нуқтаи назарларнинг вужудга келишини ҳисобга олган ҳолда муҳокама жараёнини ташкил этишни ифодаловчи инн-он усул. Мазкур усулнинг асосини дебатлар ташкил қилади. Бу жараёнда турли зиддиятлар, қарама-қаршиликларнинг ечими, уларни бартараф этиш йўллари изланади. Ўқув жараёнини А.у. асосида ташкил этишнинг ўзига хос механизми мавжуд. Иштирокчилар икки ёки уч гуруҳга бўлиниб, ўқув хонасида доира шаклида жойлашади ва ўз етакчисини сайлаб олади. Етакчи гуруҳ аъзоларининг нуқтаи назарини ҳимоя қилади. Иштирокчилар муҳокама мавзусини дебат ўтказилгунга қадар билиб олишади. Шунинг учун ҳам улар дебат бошлангунга қадар 15–20 дақиқа ўзаро фикр алмашишга муваффақ бўлишади. Мавзу мунозара бошида эълон қилинади.

Гуруҳ етакчилари эса стол атрофига йиғилиб, ўз гуруҳи нуқтаи назарини ҳимоя қилишади. Гуруҳнинг бошқа иштирокчилари ўз фикрларини ёзма тарзда баён этиб, гуруҳ етакчиларига кўмаклашади. Гуруҳ етакчисига маълум муддат танаффус қилиш учун рухсат сўраб, ўз гуруҳи б-н маслаҳатлашишга йўл берилади. Дебат белгиланган муддатда якуний қарор эълон килиниши б-н тугайди.

АККОМОДАЦИЯ (лот. accomodatio – мослашув) – шахс хулқ-атворининг мослашиши, ж-ятнинг муайян талабларига мувофиқ келиши. Ж-ят талабларининг ўзгариши натижасида шахс хатти-ҳаракатлари ҳам ўзгариб ривожланиб боради. Шахс ўзининг интеллекти ёрдамида ж-ят талабларига мослашади. А. ассимиляция б-н биргаликда ягона меъёрни ташкил қилиб, мувофиқлашиш ва мослашишни ҳам англатади. Шунинг учун ҳам А. кўпроқ шахснинг ўзига хос мослашиш жараёни сифатида баҳоланади. Ўқувчилар мактабга келгач, таълим жараёнига мослашади. Бу улардан муайян даражадаги ақлий, жисмоний фаолликни талаб қилади. Мас., ўқувчи кўзларининг ҳарф ва рақамларни илғашга мослашиши, қўлнинг ёзувга мослашиши каби. Бунинг учун ўқувчилар биологик ҳамда билиш ф-ятларининг ўзаро мувофиқлашиши талаб этилади. Унинг ўзига хос жиҳати турли-туман талабларга мослашишдан иборат. Бу талаблар ўқувчилар олдига ўқув жараёни ва ўзлаштириш эҳтиёжлари б-н боғлиқ ҳолда қўйилади. А.ни ассимиляциядан ажратиб бўлмайди. Улар биргаликда муайян мослашиш жараёнининг асосини ташкил қилади.

АККУЛЬТУРАЦИЯ – гуруҳ аъзолари маданий онгининг ўзаро алокадорликда муносабатга киришиш жараёни. А. айни бир вақтнинг ўзида бир ёклама ва иккиёклама характерга эга. Мас., узоқ ўтмишда Шарқ халқлари маданий ҳаётида турли давлларнинг олимлари б-н ўзаро алоқа ўрнатилиши туфайли маданий уйғониш вужудга келган. Бу давр тарихда Шарқ Ренессанси номи б-н муҳрланган. Хоразм Маъмун а.сида турли миллат вакиллари бўлган олимлар орасидаги илмий ҳамкорлик туфайли халқимизнинг илмий-маданий мероси юксалган.

Мазкур атамани пед. маънода қўллаш ўқувчиларнинг ўзларини ўраб турган атроф-муҳит, ж-ятдаги маданий хулқ-атвор меъёрларини босқичма-босқич ўзлаштиришларини, шунингдек, таълим олиш ва ривожланиш маъноларини ҳам англатади. Бу маданиятларнинг ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш жараёни сифатида намоён бўлади. Бир миллатнинг идроки қисман ёки тўлиқ тарзда бошқа миллатларнинг маданиятига таъсир кўрсатади. Айниқса, бу муайян ж-ят (мас., Ўзбекистон)да турли миллат вакиллари ёнма-ён, ҳамжиҳатликда яшаганларида яққол намоён бўлади. Бундай вазиятда муайян гуруҳнинг табиий маданияти маълум даражада ўзгаришларга дуч келади. Бу ўринда А. б-н ассимиляцияни бир-биридан фарқлаш лозим. Ассимиляция жараёнида бир миллатнинг тили ва маданияти иккинчисининг таъсирида тўлиқ йўқолиши мумкин. Ушбу ҳолатда А. ассимиляция жараёнининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида ўқувчиларни миллатлараро мулокотга тайёрлашда А. жараёнига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

АКМЕОЛОГИЯ (юн. akme – етуклик, чўққи, камолот, юксалиш, logos – таъли-

мот) – шахснинг касб-ҳунарни эгаллашда юксак чўққига эришиши б-н боғлиқ масалаларни ўрганувчи фан. А. ҳақидаги дастлабки қарашлар 20-а.нинг 20-й.ларида вужудга келган. Пед. маҳоратга эришиш масалалари А.нинг таркибий қисми ҳисобланади. Пед. А.нинг мазмун-моҳияти ўқитувчи ва ўқувчилар касб-ҳунар сирларини билимлар орқали чуқур ўзлаштиришлари, касбнинг ж-ят тараққиёти, миллат равнақи, халқ фаровонлиги ҳамда ижт. тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини англашлари, ўз ижодий ф-ятларини бурч ва масъулиятни адо этишга сарфлаш мақсадида касбий мукаммалликка интилиш сифатларини бошқа фанлар б-н уйғунликда ўрганишдан иборат. Шунинг учун ҳам А. ўз характерига кўра пед., психология, фал., социология, генетика, этика, эстетика, маданиятшунослик фанлари б-н чамбарчас боғлиқ. А.нинг тадқиқот объекти – объектив қонуниятларга асосланган ҳолда касб-ҳунар эгалари ижодий ф-ятининг методологик, технологик ва гуманитар (инсонпарварлик) жиҳатларини қамраб олади.

А.нинг мазмун-моҳияти ва ижт.-фал. аҳамиятини англаш ҳар бир шахсдан илм-фан сирларини чуқур эгаллаш, ўз қобилияти, лаёқати, салоҳиятини чамалаган ҳолда касб-ҳунар танлаши, унинг сирларини ўрганишга масъулият б-н ёндашиши, ўз касбига меҳр қўйишни талаб қилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларнинг ривожланиши баробарида янги касб-ҳунарларни эгаллаш эҳтиёжи ҳам кучайди. Турли соҳаларни модернизациялаш ва технологиялаш жараёни, шахс ижодий ф-ятига бўлган эҳтиёжнинг тобора кучайиши касб-ҳунарни юқори даражада эгаллаш заруриятини вужудга келтирди. Бу соҳада аждодларимиз тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда таълим-т-я амалиётига татбиқ этиш зарурияти кучаймоқда. Аждодларимизнинг ёшларни баркамоллик сари ундаб, муайян касб-ҳунарга йўналтириш соҳасидаги миллий ва умуминсоний кадриятларга суянишлари ҳақидаги қарашлари, бу соҳадаги замонавий тажрибаларни ўрганиш, замонавий техника, техн. ва ахб. эгаллаш маданиятини ўзлаштириш масалалари А. ва пед.да бирдай қун тартибига қўйилмоқда. Шу жиҳатдан ҳам А. ва пед. инсон, унинг касб-кори, қизиқишлари ҳақидаги яхлит илмий қарашларни тадқиқ қилишга йўналтирилган фаннинг ўзаро алоқадор соҳаларидир. А. психологиянинг етук шахс муаммоларини ўрганувчи таркибий қисми б-н ҳам ўзаро алоқадорликда ривожланмоқда. Шунингдек, А. педология б-н ҳам ўзаро боғлиқдир.

АКСЕЛЕРАЦИЯ (лот. acceleratio – тезлаштириш) – болаларнинг жинсий етуклиги ва гавда ўсишининг тезлашиши. А. педагогика, пед. антропология ва психологиянинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Сўнгги йилларда болаларнинг бўйи ва оғирлиги ўсганлиги кузатилмоқда. Мамлакатимизда уч босқичли спорт мусобақаларининг жорий этилиши натижасида ўқувчи-талабаларни соғломлаштириш имкониятлари кенгайиб, А. жараёни ошди. Оналарни соғломлаштириш натижасида гўдакларда ҳам ўсиш ва ривожланиш тезлашди. 7–10 ёшли болалар бўйининг ўсишида жадаллик кузатилмоқда. Шу б-н бирга уларнинг вазни ҳам ортиб бормоқда. 13–15 ёшли ўқувчиларнинг

ўсиш мароми 2,5–3 см, вазни 2 кг ни ташкил қилмоқда.

Спорт мусобақаларининг бутун мамлакат бўйлаб бир хилда ташкил этилиши натижасида шаҳар ва қишлоқларда яшовчи болаларнинг А. жараёнларида сезиларли тафовутлар кузатилмаяпти. Ўқувчи-ёшлар, қизларнинг бўйи ўсиш жараёни ҳам жадаллашмоқда. Сўнгги йилларда баланд бўйли қизлар сони кўпайиб, уларнинг гавда тузилиши ихчамлашмоқда, ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг жинсий етилиш жараёни тезлашмоқда. Ўқувчиларнинг психологик ва жисмоний ривожланишларига уларнинг мунтазам тарзда спорт мусобақалари б-н шуғулланишлари ижобий таъсир кўрсатмоқда. А. жараёнининг вужудга келиши ҳақида бир қатор фаразлар мавжуд. Улардан энг асосийлари шахснинг ривожланишига комплекс таъсир кўрсатадиган омиллар – ж-т ҳаётидаги ижт.-иқтисодий ўзгаришлар, соғлом турмуш тарзининг қарор топиши, спорт мусобақаларининг мунтазам равишда ташкил этилиши кабиларни киритиш мумкин.

А. жараёнининг самарали кечишида ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини ўқувчилар орасида тўғри тақсимлай олишлари муҳим аҳамиятга эга.

АКСИОЛОГИЯ (юн. axia – қиммат, қадр ва logos – таълимот) – қадриятлар ҳақидаги фан. Мазкур атама 19-а.нинг 2-ярмида немис файласуфи Э. Гартман ва француз олими П. Лапи томонидан илмий истеъмолга киритилган. А. аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, аксиологик билиш, қадрлаш тамойилига таяниб тўпланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар тизимидир. А. бу тизимнинг ижт. тараққиётга боғлиқлиги принципи, ўзгариши ва такомиллашуви б-н боғлиқ аксиологик қонунларни ўз ичига олади. Инсоният янги тараккиёт босқичига ўтиш жараёнида шаклланадиган янги қадриятлар ҳам аксиологик ёндашувлар доирасида ўрганилади. Мустақиллик йилларида ж-ят аъзоларини, айниқса, ёш авлодни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида т-ялаш вазифаси долзарб вазифага айланди. Шу муносабат б-н қадриятшуносликдаги қонуниятлар, аксиологик жараёнлар диалектикаси, аксиологик профилактика, аксиологик прогноз, аксиологик экспертиза, аксиологик баҳолаш, аксиологик зиддият қонуни кабиларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу даврда пед. билимлар тизимига миллий қадриятлар б-н бир қаторда, умуминсоний қадриятларга ҳам кенг ўрин ажратилди. Бугунги кунга келиб ёшларда қадриятларга нисбатан ижобий муносабат тажрибаси қарор топмоқда. Айниқса, фуқаролик ж-ятини барпо этиш, оммавий маданиятга қарши курашиш муаммолари қадриятлар мавзусини янада муҳим мавзуга айлантирди. Ўзбекистонда мактаб дарсликларида берилаётган ўқув материалларида қадриятларга кенг ўрин ажратилмоқда. ОЎЮда эса «Қадриятлар фалсафаси» (Аксиология) фани ўкитилмоқда.

АЛАЛИЯ (юн. a – инкор қўшимчаси ва laia – нутқ) – ақлий жиҳатдан бир маромда ривожланган болалар нутқининг шаклланмаганлиги ёки етарли ривожланмаганлиги. А.нинг асосий сабаби бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги нутқ соҳасининг зарарланишидир. Бундай зарарланиш туғруқ вақтида, жароҳатлар ёки мия касалликлари натижасида келиб чиқиши мумкин. А.нинг сезгилар ва ҳаракатларга асосланган турлари фарқланади. Ҳаракатларга асосланган А.да бола кам ва

нотўғри гапиради, унга қаратилган нуткни тушунади, сезгиларга асосланган А.да эса у атрофдагиларнинг нутқини ёмон тушунади ёки мутлақо тушунмайди. А.нинг оғир шаклларида нутқ тўлиқ йўқолиши ёки ғулдираш, дудукланиш шакли сақланиши мумкин. А.нинг енгил ҳолатида нутқда сўзларнинг етишмаслиги кузатилади. Бундай ўқувчилар ёзиш ва ўқишда қийинчиликларга дуч келишади. А.ни аклий заифлик туфайли вужудга келадиган нутқ етишмаслигидан фарқлаш лозим. Бунда бош мия катта ярим шарларнинг локал қисмлари афазияга учрайди. Натижада боланинг сўзлаш ва тушуниш қобилияти йўқолади.

АЛГЕБРА ЎҚУВ ФАНИ – мат. ўқув фанининг таркибий қисми. У изоморфизм даражасидаги аниқликка эга кўплаб алгебраик операциялардан иборат. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари унинг бир-бирларидан фарқ қилмаслигидадир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга алгебраик усулларнинг бевосита ўзи ўргатилади. Алгебра учун хос бўлган жиҳатлардан бири унинг бинар характердаги ўзаро боғланган усулларни ўз ичига олганлигидадир. Бундай усуллар ёрдамида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш ҳамда билиш ф-ятлари кенгайтирилади.

Алгебра бўйича ўқув жараёни ДТСлари талаблари асосида тузилган ўқув дастурига мувофиқ тарзда ташкил этилади.

АЛГОРИТМ МЕТОДИ (лот. algorithmi, algoritmus) – муайян ҳаракатлар тизимини маълум тартибда бажариш ҳақидаги аниқ қоида. Бирор синфга оид мисол ва масалаларни ечишга имкон берувчи қатъий кетма-кетлик. Алгоритм дастлаб берилган маълумотлар ёрдами б-н чекли сондаги изчиллик орқали изланаётган натижага олиб келади. Бунда тақдим этилган маълумотлар муайян чегара доирасида ўзгаради.

Ўрта асрларда санокнинг ўнли тизими бўйича тўрт арифметик амал бажариладиган қоидани Ал.м. деб аташган. Бу қоидаларни мат.га 9-а.да ўрта осиёлик буюк мат. Муҳаммад ал-Хоразмий киритган. Европада бундай қоидалар унинг номи б-н аталиб, «алгоризм» дейилган. Кейинчалик бу ном «алгоритм»га айланган. Фанда «Евклид алгоритми», «Ғиёсиддин Коший алгоритми», «Лаурье алгоритми», «Марков алгоритми» деб аталувчи алгоритмлар маълум. Ал.м. тушунчаси тобора кенгайиб бориб, кибернетиканинг назарий ва мантиқий асоси – алгоритмлар назарияси пайдо бўлди. Қўшиш, айириш, қўпайтириш ва бўлиш каби арифметик амаллар, квадрат илдиз чикариш қоидалари, ҳар қандай икки натурал сон учун энг умумий бўлувчини топиш усули – алгоритмнинг энг оддий мисолларидир. Алгоритм буйруклар тизими сифатида расмий тусга эга бўлганлиги сабабли унинг асосида ҳамиша ҳисоблаш машиналари учун амаллар дастурини ишлаб чиқиш ва вазифани машина орқали ҳал этилишини амалга ошириш мумкин. Алгоритмнинг кенг қамровли вазифаларни ҳал этиши Алгоритмни аниклаш ҳамда Алгоритм назариясини ишлаб чиқиш, ҳисоблаш техникаси ва кибернетика тараққий этиб бораётган даврда долзарб аҳамият касб этмоқда.

ЭҲМ пайдо бўлгандан кейин (20-а. ўрталарида) одам б-н машина ўртасидаги сунъий тиллар яратилиб, улар алгоритмик тиллар деб ном олди. Дастлабки шундай тил 1958 й.Парижда яратилган ва инг. – «Algorithmic Janguage» деб аталган. Уни қисқартириб «algol» де-

йишган. Ҳозир жаҳонда 500 дан ортиқ алгоритмик тиллар мавжуд.

Ал.м.дан пед.да кенг қўлланилади.

АЛЕКСИТИМИЯ (юн. а – инкор қўшимчаси) – кайфият ва кечинма маъноларини англатувчи атама. 1) аффектив ва когнитив жараёнларнинг паст даражада ривожланиши. Умумий тарзда алекситимик интеллектуал жиҳатдан етарлича ривожланмаган шахсдир. Бундай шахс ўз ҳолатини тасвирлаш лаёқатига эга эмас. У ўзининг шахсий ҳис-туйғуларини етарлича қиёслаган ҳолда фарқлай олмайди. Бундай шахс энг оддий кўринишдаги ҳаётий нарсалар ҳақида ўйлайди; 2) тор маънода, ўз кечинмалари ҳақида гапира олмаслик, ҳиссиётлар хусусида фикр юритиш имконини берадиган сўз захирасининг ночорлиги, кечинмалар таҳлилий қисмининг етарлича ривожланмаганлиги.

АЛЕКСИЯ (юн. а – инкор қўшимчаси ва лот. lego – ўқийман) – бош мия чап ярим шарининг зарарланиши натижасида ўқиш қобилиятининг бузилиши. Бош мия катта ярим шари пўстлоғининг зарарланишига қараб А.нинг бир неча турлари кузатилади. Мас., бош мия ярим шари чакка қисмининг тепа пуштидаги пўстлоғи зарарланса, бемор ўзига нотаниш бўлган сўзларни ўқий олмайди; чап ярим шар ҳаракат майдонининг пастки қисми зарарланса, бемор ҳарфларни таний олса-да, уларни бирбирига қўшиб ўқий олмайди; бош миянинг энса қисмида ўзгариш юз берган бўлса, кўриш маркази заифлашиши ва ҳарфларни тўғри ўзлаштира олмаслик оқибатида бемор ҳарфларни алмаштириб юборади. Бундай ҳол литерал А., сўзларни чалкаш танлаш эса вербал А. деб аталади.

АЛЕЎОВ Ўсербой (1945.27.5, Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли тумани Айтеке қишлоғи) – пед. фанлари дри (1995), проф. (2000), ҚҚРда хизмат кўрсатган фан арбоби (2001). ҚҚ пед. ин-тининг тарих-фил. ф-тини тамомлаган (1967). Хўжайли туманидаги 8 йиллик мактабда ўқитувчи, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари (1967), ЎзПФИТИнинг ҚҚ филиалида илмий ходим, илмий котиб (1970–83), Қорақалпоқ ун-тининг пед. ва психология каф.да катта ўқитувчи (1983), доц. (1988), БТпед.си ва психологияси каф. мудири (1989), Нукус пед. ин-ти БТ пед. си ва психологияси каф. мудири (1990–92), мазкур ин-тнинг мусика ва мактабгача тарбия ф-ти декани (1992–95), пед. ва психология каф. мудири (1995–97), ҚҚ ДУнинг пед. ва психология каф. мудири (1997 й.дан). Бердақнинг педагогик қарашлари ва Қорақалпоғистонда таълим-т-явий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

А. 300 га яқин илмий ишлар муаллифи. Унинг «Бердақнинг ижтимоий-педагогик қарашлари» (1978), «Ажинияёзининг маърифатчилик ғоялари» (1983), «Қадимги Ўрта Осиё халқларининг педагогик фикрлари» (1987), «Қадимги турк ёзувларидаги таълим-тарбиявий қарашлар» (1989), «XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошидаги қорақалпоқ адабиётида маърифатчилик фикрлари» (1992), «Қорақалпоғистонда таълим-тарбиявий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши» (1993, 1996), «Амир Темурнинг ижтимоий-фалсафий ва таълим-тарбиявий қарашлари» (1997), «Аҳмад Югнакий мероси – маънавиятимиз сарчашмаси» (2002), «Қорақалпоғистонда педагогика фанининг шаклланиши ва ривожланиши» (2007), «Қорақалпоғистонда жадидчилик ҳаракати ва Сейфулғабит Маджи-

тов» (2010) каби ишлари Марказий Осиё халқлари ижт., таълим-т-явий ғоялари тарихини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

АЛИЕВ Мамат (1934.13.9, Самарқанд тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Самарқанд ДУ тарих ф-тини тамомлаган (1958). 1958–90 й.ларда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги мактабларда ўқитувчи, мактаб директори ўринбосари, директор. 1991 й.дан Тайлоқ туманидаги 11-мактаб директори. А. директорлик қилган даврда мактаб моддий-техника базаси мустаҳкамланган, мактабнинг янги биноси ишга туширилган, лимонарий қурилган.

АЛИЗОДА Саидризо (1887, Самарқанд – 1945, Россиянинг Владимир ш.) – маърифатпарвар олим, мураббий, журналист, таржимон. Асарларини ўзбек ва тожик тилларида ёзган. Илк таҳсилни Самарқанднинг Чорраҳа даҳасида Абулқосим Алганжийнинг жадид мактабида олган. Сўнг шу мураббий қўлида мадрасани тугатган. У мустақил мутолаа б-н шуғулланиб, рус, фр., араб, итальян, яҳудий, курд, арман, инг., урду тилларини ўрганган. А.С. 17–18 ёшларидаёқ «Низомнома» (1904), «Рисолатул-иттиҳодия» (1906) каби рисолалари б-н танилган. У 1905–1907 й.ларда Димуровлар босмахонасида ҳарф терувчилик қилган, мақолалар ёзган. Жадид мактаблари учун «Илми ҳисоб» (Самарқанд, 1906) дарслигини яратган. У «Баҳлул», «Замбур», «Коргар», «Ситамдийда», «Мулла Жамбул», «Ранжбар», «Боғишамолий» каби таҳаллуслар б-н туркум мақолалар ҳам ёзган. Беҳбудийнинг «Ойна» жур. ида мақолалари б-н иштирок этган (1913–15). Ўзбек ва тожик мактаблари учун «Алифбе» китоблари яратиб чоп эттирган (1917–20). 1924 й.дан «Зарафшон» нашриёти мудири сифатида ф-ят кўрсатган. 30-й.ларида Самарқанд пед. академиясида араб ва форс тилларидан дарс берган. Унинг «Бахтасри» романи ҳам бор. А. С. Пушкин («Дубровский», «Капитан қизи»), Л. Толстой («Тирилиш»), Мопассан («Дўндик»), Абдулла Қодирий («Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён») асарларини тожик тилига таржима қилган.

Самарқанд ш.да уй-музейи ташкил этилган. Мазкур шаҳардаги кўча, мавзе унинг номи б-н аталади. 1937 й.да қатағон қурбони сифатида камалган ва сиёсий маҳбусликда вафот этган.

АЛИМОВА Ҳабиба Турсуновна (1942.23.2, Тошкент) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ)ни тамомлаган (1967). Мирзо Улуғбек туманидаги 171 ва 241-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ф-ят кўрсатган (1962–73). А. ўзининг пед. ф-яти давомида БТ самарадорлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берган. Таълим жараёнини янги пед. техн.лар асосида ташкил этиб, кўргазмали воситалардан унумли фойдаланган. У дарс берган синфларда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари мунтазам тарзда юқори кўрсаткичларга эгалиги б-н ажралиб турган.

АЛИФБО – араб алифбосининг дастлабки икки ҳарфи – алиф ва бо номидан олинган) – муайян халқ тилининг ёзувида қабул қилинган ва маълум анъанавий тартиб берилган ёзув белгилари тизими (мас., кирилл А.си, лотин ёзувига асосланган ўзбек А.си). Бўғин белгилари ҳам А.ни ифодалайди. А. мил.ав. 2000 й.лар охирларида қад. Угарит ва финикий ёзуви товуш тизимидан келиб

чиққан. Ундан илгари Миср иероглифлари саноқ тизими мавжуд бўлган, деб тахмин қилинади. Туркий халқларнинг рун ва туркий (уйғур) ёзувлари бўлган. Аммо бу ўзига хос туркий ёзувлар А.си ҳақида маълумотлар сақланмаган. Уларга оид ҳарфлар жадвали товуш белгилари ҳақидаги манбалардаги маълумотлар ҳамда мазкур ёзув ифодаланган ёдгорликлар асосида тузилган. Мавжуд ҳарфий ва баъзан бўғин А.лари финикий, оромий (араб, яҳудий), юн. (лот.) ва б. А.лар асосида келиб чиққан. Араб А.сига барча араб мамлакатлари, шунингдек, Эрон, Афғонистон, Покистон, Шарқий Туркистон – Шинжон, 13–20-а. бошларида туркий халқлар ёзув тизимида амал қилинган. Лотин А.сига – Америка, Австралия қитъасидаги барча халқлар, аксарият европаликлар, Осиё ва Африкадаги баъзи халқлар (Индонезия, Туркия ва б.лар), кирилл А.сига эса Европа, Осиёдаги баъзи халқлар, ҳиндлар таянадиган бўғин алифбосига эса Ҳиндистонда яшовчи халқлар ва миллатлар ёзув тизимида амал қилинган.

Ўзбекистонда лот. А.сига асосланган ўзбек ёзувига амал қилинади. А. таълим муассасаларида «Алифбе» дарслиги ёрдамида ўргатилади. Дарсликларда ўзбек тилидаги ҳарфларнинг ёзилиши, мазкур ҳарфларга мос келадиган сўз ва товушлар муайян тартибда ўқувчиларга тақдим этилади. Алифбе ёрдамида ўқув йилининг биринчи чорагида ўқувчиларнинг ёзиш ва ўқиш саводхонлиги таъминланади, мустақил ишлаш ва мулоқотга киришиш кўникмалари ўзлаштирилади.

АЛИШЕР НАВОИЙ, Навоий (тахаллуси; асл исми Низомиддин Мир Алишер) (1441.9.2. – Ҳирот – 1501.3.1.) – буюк ўзбек шоири, мутафаккир, дав. арбоби, сўз мулкининг султони, юксак даражадаги пед. қарашлар соҳиби. 10–12 ёшларидан шеър ёза бошлаган. Унинг шеърларида ахлоқий т-я масалалари устувор ўрин эгаллаган. Шу маънода А.Н.дан келгуси авлодларга бой пед. мерос қолган. Унинг «Хамса»сига кирган достонлар – «Ҳайрат ул- аброр» («Яхшилар ҳайрати»), «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» («Етти сайёра»), «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий»да баркамол шахс т-яси асосий ўринда туради. Шунингдек, А.Н. «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»), «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили»), «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси»), «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгани»), «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»), «Бадоеъ ул-бидоя» («Бадиийлик ибтидоси»), «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Мажолис ун-нафоис» («Нафислар мажмуаси»), «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари»), «Вақфия», «Назм ул-жавоҳир», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва подшолар тарихи»), «Сирож ул-муслимин» («Мусулмонлик нури») ва б. асарлари, кўплаб ҳикматларида инсоний фазилатларни улуғлаган, унга эришиш йўлларини кўрсатган. Унинг барча асарлари ахлоқшунослик ва пед.га оид масалаларни ўз ичига олган.

А.Н. ўз қарашларида борлиқ ва унинг моҳияти, шахснинг нарса ва ҳодисаларни идрок этиш имкониятлари, инсон ва унинг ж-ятда тутган ўрни, етук жамоа, баркамол шахс, ахлоқ, ҳулқ-одоб ва т-я ҳақида ўз даври учун қимматли фикрларни илгари сурган. У ўзининг т-явий қарашларини мажозий, рамзий тимсоллар орқали ифодалашга ҳаракат қилган. Унинг дунёқараши ўша даврда Шарқда кенг тарқалган вахдат ул-вужуд (борлиқ ва ҳудонинг бирлиги) таълимотига асос-

ланган. А.Н. талқинида инсон бошқа мавжудотлар ичида аълоси, уларнинг гултожи ҳисобланади. Зеро, у сезги ва ҳиссиётлари орқали табиат ҳамда унинг сир-асрорларини билишга қодирдир. А.Н., айникса, инсон тафаккури, ақли ва уни билиш қобилиятига юксак баҳо берган. У инсоннинг ақл-заковати табиат ва ж-ят ҳодисаларини идрок қилиш, дав. ни бошқариш, ахлоқ ҳамда таълим-т-ясда фаоллик кўрсатиш имкониятига эга, деб ҳисоблайди. У ўзининг «Хамса» асарида мукаммал дав., инсонларни бахт-саодатга элтувчи фозил ва адолатли шоҳ тимсолини яратган, халқнинг эзгу орзуси, фикр-ўйларини баён этган. А.Н. тасаввуфнинг нақшбандийлик тариқатига эътиқод қилиб, ундаги меҳнатсеварлик, покланиш, ҳалоллик, имон-эътиқодли бўлиш каби ғояларни янада ривожлантирган. У «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Маҳбуб ул-қулуб» ва б. асарларида инсон ва унинг энг яхши фазилатларини тасвирлаб, баркамол инсон тимсолини яратган. А.Н. ҳақиқий инсонпарвар мутафаккир бўлган. Чунки у инсонни улуғлаб, уни юксакликка кўтарган, ўз асарларида адолатлилик, вафодорлик, дўстлик, севги, садоқатлилик, ватанпарварлик, тўғрилик, софдиллик, одиллик, сахийлик, мардлик, донолик, ширинсуханлик, олийҳимматлилик каби фазилатларни улуғлаган. У ёшларни илм-фан ва касб-ҳунар сирларини эгаллаш, ахлоқ-одобли бўлишга ундаган. А.Н. инсонлардаги салбий иллатлар, ж-ятга қарши хатти-ҳаракатлар, ахлоқсизликни қоралаган, инсонларни бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз курашга чақирган. Шоир миллий ва умуминсоний қадриятлар тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ўзбек тилини ривожлантириб, унинг имкониятларини рўёбга чиқарган. У салтанатда тинчлик ўрнатиш, ж-ят аъзолари орасида адолатни қарор топтириш йўлида тинмай курашган. Унинг инсонпарварлик ғоялари бугунги кун ёшлари учун ниҳоятда қимматлидир.

АЛЛАМУРОТОВ Елмурат Торемуратович (1960.1.3, Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). ТошДУнинг геогр. ф-тини тамомлаган (1982). Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида инспектор (1982–1986), Кегейли туманидаги 8 ва 4-мактабда геогр. фани ўқитувчиси (1986–87), Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 4-мактабда геог. фани ўқитувчиси (1987 й.дан). Геогр. фани ўқув режаси асосида ўқувчиларни Тошкент, Самарқанд, Хива ш.лари, Султон Увайс зиёратгоҳига олиб бориб, саёҳат дарсларини ўтган. А. «Қорақалпоғистон географияси» (8-синф) дарслиги муаллифларидан бири, «География фанини ўқитишни такомиллаштириш» ва «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш тўғрисида» номли услубий тавсиялар ишлаб чиққан.

А.нинг 50 дан ортиқ услубий мақолалари Қорақалпоғистон Республикаси матбуотида чоп этилган.

АЛЛОМА – илм-фаннинг бир ёки бир нечта соҳасини мукаммал эгаллаган киши, кашфиётлар яратган олим, билимдон шахс.

АЛМАИЙ НОМИДАГИ НАМУНА ИШ МАКТАБИ – Тошкент ш.нинг Бешёғоч даҳасидаги собиқ рус-тузем мактаби биносида маҳаллий аҳоли болалари учун 1918 й.да очилган мактаб. Унга Назир Иноятов раҳбарлик қилган. Дастлаб болалар уйи сифатида ташкил этилган. 1922 й.дан А.н.н.и.м.ига ай-

лантирилган ва Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги ихтиёрига ўтказилган. Мактабда меҳнат ва политехника таълимидан бошланғич тушунчалар берилган. Ўқувчилар ўз ишларини ўзлари бажарган, қишлоқ хўжалик ишлари б-н шуғулланган, этикдўзлик, тўқувчилик, тикувчилик, дурадгорлик, чилангарлик, муқовасозлик каби меҳнат турларини ўрганишган. Мактаб ҳузурида мусиқа ва драма тўгараклари ташкил этилган. Мактабда Теша Зоҳидов, Олим Шарафуддинов, Юнус Ражабий, Усмон Дадамухамедовлар ўқитувчилик қилишган. Бу мактаб республиканинг бошқа мактаблари учун ҳам ўзбек тили ва ад.ти ҳамда бошқа фанлардан ўқув дастур, методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, уларни тажрибадан ўтказишда катта ёрдам берган. Таниқли олим ва ёзувчилар Иззат Султон, Миртемир, Парда Турсун, Ҳасан Пўлат, Сулаймон Азимовлар шу мактабда таҳсил олишган. Мактаб 1929 й.да бошқа мактабларга қўшиб юборилган.

АЛОГИЗМ (юн. a – инкор қўшимчаси, logos – мантиқ, идрок) – инсонга хос акл ва мантиқнинг ўрни ва аҳамиятини инкор этадиган оқим. А. тарафдорлари табиат ва ж-т тараққиёти ҳеч қандай қонуният, тартиб ва заруриятга боғлик эмас, балки уларнинг негизида тартибсизлик ҳукмрон, деган қарашга таянади. А. сезги, ишонч, ақидаларни мантиққа карама-карши қўяди ва инсоннинг маънавий камолотига бир томонлама ёндашувга асосланади.

АЛОҚАДОРЛИК – муҳит, тизим ва унинг элементлари орасидаги моддий, ижт.-иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатдан ахб.лар алмашинувини ифодаловчи муносабат. Муҳит – бу тизимни ўраб турган ва ф-ят кўрсатишга таъсир этадиган ҳолат. А. жараёнининг кечишида тизим ва муҳит орасидаги узвийликни ҳисобга олиш керак. Чунки берилган тизимда бевосита ўраб турган муҳитнинг ўзи бошқалари б-н алоқадор бўлиши мумкин.

АЛЬБОМ (фр. album) – расм чизиш, дастхат ёздириш, марка тўплаш, фотосурат қўйиш учун мўлжаллаб муковаланган варақлар мажмуи. Фр. ва лот. тилларидан олинган бўлиб, «ёзув учун мўлжаллаб осиб қўйилган оқ тахта» маъносини англатади. Расмлар, портретлар, чизмалар, ўқув жадваллари ҳамда иллюстратив материалларни тўплаш имконини берадиган ўқув А.лари кўргазмали восита ҳисобланади. Тўпланадиган материаллар муайян мавзу доирасида танланган бўлади. А.лар муайян ўқув предметининг маълум қисми ёки ўқув курси бўйича тузилади. Бундай А.ларда ад., тарих, геогр., биол., хорижий тиллар, тасвирий санъат ва чизмачилик, меҳнат таълими, саноат ва қишлоқ хўжалиги асосларига оид материаллар алфавит тартибида берилиши мумкин. Бундай материаллар алоҳида варақларда шакллантирилади, намойиш қилиш учун фойдаланиладиган қўлланмалар сифатида тақдим этилади. Улардан ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун тарқатиладиган материаллар сифатида ҳам фойдаланилади. Таълим муассасаларида ўқувчи ва етакчилар томонидан мустақил тарзда тузилган турли А.лар ҳам мавжуд. Уларни тузиш учун ўқувчилар иллюстрациялар, газета ва жур.лардан киркиб олинган расмлардан фойдаланади. А.лар ўқувчиларнинг ўзлари яшаб турган ҳудуд табиатини ўрганишлари натижасида ҳам тузилади.

А. китоб шаклида нашр этилган репродукция, фотосурат, чизгилар ва шу каби тўплам шаклида ҳам бўлиши мумкин.

АЛЬТРУИЗМ (лот. alter, фр. altruisme – бошқа) – ахлоқий тушунча, инсоннинг ўз манфаатларидан кечиб, бошқалар манфаати, бахт-саодати йўлида бегараз хизмат қилишини англатади. Мазкур атамани муомалага илк бор 19-а.да фр. файласуфи О. Конт киритган. Бу тушунча Шарқда жўмардлик атамаси б-н бир неча аср аввал қўлланилган. Ўрта асрларда Шарқ халқларида жўмардлик инсонпарварлик ва ватанпарварликни тарғиб этувчи тасаввуф тариқатларидан бири сифатида ўзининг фал., т-явий асосига эга бўлган. А. шахснинг маънавий жиҳатдан ўз-ўзини баҳолаши, худбинликдан воз кечишини билдиради. А. инсон ахлоқини ташқи томондан баҳолаш оркали таъминланади. У ҳар бир шахсни ўз ф-ятига виждонан ёндашиш, уни холисона баҳолашга ундайди. А. жаҳоннинг кўплаб халқлари ахлоқий қарашларида ўз ифодасини топган. Ўз қадр-қимматини билиш, бошқалар ҳақида қайғуришга оид қарашлар, ғоялар А. Шопенгауэр томонидан ривожлантирилган.

Оила ва таълим муссасаларида ўқувчи-ёшларда жўмардликни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Унинг дастлабки кўринишлари оила аъзоларининг бир-бирларига ғамхўрлик қилишларида намоён бўлади. Кейинчалик у МТМ, у.ў.т. мактабида таълим олувчилар ахлоқий сифатларининг таркибий қисмига айланиши керак. Ж-ят аъзоларининг бир-бирларига ўзаро кўмаклашишлари, бир-бирларига ғамхўрлик кўрсатишлари А.нинг ёркин намунасидир. Аждодларимиз ф-ятида алоҳида ўрин эгаллаган А.ни жонли мисоллар ёрдамида ўқувчиларга сингдириб бориш талаб этилади. Бунда Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Паҳлавон Маҳмуд ф-ятига хос бўлган А.дан аник далил сифатида фойдаланиш максадга мувофиқдир. Атрофдагиларга яхшилик қилиш ва ундан ҳузур топиш туйғусини ўқувчилар онгига сингдириш улар маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

АЛҚОСИМОВА Одашхон Турғуновна (1957.19.2, Андижон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон ДПИ чет тиллар ф-тини тамомлаган (1979). 1979 й.дан Андижон вилоятининг Қорасув ш.даги 2-мактабда, кейинчалик 6-мактабда инг. тили ўқитувчиси. А. инг. тили хонасини замонавий пед. талаблар асосида жиҳозлашга муваффак бўлган. Унинг инг. тили дарсларида ноанъанавий усуллардан фойдаланиши, пед. тажрибалари шаҳар микёсида оммалаштирилган.

АМАЛИЙ ИШЛАР – ўқувчилар ўқув ф-яти турларидан бири. Максад ва вазифаларига кўра лаб. ишларига мувофик келади. Шунинг учун ҳам амалий-лаб. ишлари атамаси унга синоним тарзда қўлланилади. Бу атама, айникса, мехнат, тасвирий санъат ва касб таълими мет. сида кенг ишлатилади. Лаб. ишларида ўқувчиларда механизмларнинг монтаж ва демонтаж қилишига оид ўқув топшириқлари тақдим этилади. Шу асосда уларда техник курилмаларга хизмат кўрсатиш кўникмалари шакллантирилади. Бундай А.и. ўқув дастурида назарда тутилган бўлади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР – тахсил олувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шакли. Махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилади. Мазкур атама пед. асосий тушунча сифатида

қўлланилади. У ўз таркибига лаб. ишлари, машқлар, турли-туман семинар машғулотларини мужассамлаштиради. Аудиторияда амалга ошириладиган А.м. талабаларнинг эгаллаган БКМларни амалда қўллашларида муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда талабалар ўқитувчи б-н ҳамкорликда пед. вазифаларни ечади. Биринчи, иккинчи курсларда А.м. тизимли характер касб этади. Бундай машғулотлар бир, баъзан икки-уч маърузадан кейин ўтказилади. Деярли барча маърузалар машғулотлар б-н муайян изчилликда ташкил этилади. Агар маърузаларда илмий-назарий фикрлар умумлашган тарзда акс эттирилса, машғулотлар талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш, кисмларга ажратиш имкониятига эга. Шу асосда улар талабаларда касбий кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилади. А.м. талабаларнинг илмий тафаккури ва нутқини ривожлантиради, уларнинг билимларини текширишга йўналтирилади. Бундай текшириш машқлар, семинар машғулотлари, лаб. ишлари жараёнида амалга оширилади. Бу эса тескари алоқани ўрнатиш имконини беради. Машғулотларга муваффақиятли тайёрланиш учун талабалар маърузаларни батафсил тинглашлари лозим. Шу асосда режалаштирилган машғулот мавзусига оид мустақил ишлар олдиндан ташкил этилиши керак. Машғулотларнинг самарадорлигини таъминлаш учун талабалар конспект, дарслик, ўқув қўлланмалари устида олдиндан ишлашлари зарур. А.м. таркиби, асосан, бир хил бўлади. Бу ўқитувчининг кириш сўзи, талабаларнинг ўқув материаллари юзасидан саволлари (бу саволлар қўшимча изоҳларни ҳам талаб қилади), махсус амалий қисм ҳамда ўқитувчининг якунловчи сўзидан иборат. Махсус амалий қисмда реферат, маъруза, мунозара, тренинглар, топшириқларни ечиш, кузатиш, тажрибалар мужассамлаштирилади.

А.м.ни ўтказишдаги муҳим ҳолат – такрорлашга алоҳида ўрин ажратиш б-н белгиланади. Усуллар, безак материалларининг бир хилдалиги, такрорлашга бўлган субъектив муносабат талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини пасайтиради. Шунинг учун ҳам такрорлашни янгича вазиятларда амалга ошириш талаб этилади.

АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ – мавжуд ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол предметларини такомиллаштириш ёки янгисини яратиш б-н тавсифланувчи ижодий жараён. А.т.нинг мақсади фундаментал тадқиқот натижасида олинган билимларни моддийлаштиришдан иборат. Бунда кўпрок тадқиқотнинг дедукция усулидан фойдаланилади ва бевосита муайян тадқиқот объекти б-н иш кўради. Бу жараён ижт. соҳаларда инсон, жамоа, қатлам ва ж-ят б-н алоқадор бўлса, техника ва техн. соҳасида эса тадқиқот объекти механизм, машина, техн. ёки ташкилий структура, яъни «сунъий» табиат б-н боғлик ҳолда тавсифланади. Тадқиқот ишини амалиётга йўналтириш аник мақсадларга таянган ҳолда амалий тадқиқотдан назарда тутилган натижани қўлга киритиш эҳтимолини беради.

АМБИВАЛЕНТЛИК (лот. ambo – иккала ва valentia – куч) – 1) объектив нуктаи назардан вазиятнинг ўзига хослигини англатади. Унда ҳар қандай жонзот бир вақтнинг ўзида турли таъсирларга ўз ҳаракатлари б-н каршилик кўрсатади; 2) субъектив нуктаи назардан инсон онги ҳолатининг ўзига хослиги. Бу фикрлар, майллар, ҳис-туйғуларга қарама-каршиликнинг мавжудлигида намоён бўлади. Мойилликка асосланган А.ни

ахлоқий жиҳатдан нидерланд файласуфи Б. Спиноза асослаб берган. Истаклар, кўзғалишлар шу даражада бир-бирига зид келадики, бундай вазиятда инсон ўзини қўйишга жой тополмайди. Мойилликка асосланган А.нинг назарий асослари зиддиятли ҳолатларнинг вужудга келишини изоҳлайди. Зиддиятлар иккита ўзаро ўхшаш бўлган субъектлар орасида намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, аклий эксп. сифатида баҳоланади. Ҳиссиётлар А.даги инсон ички ҳолати, кечинмаларидаги зиддиятларини ифодалайди. Бундай вазият инсонлар, ҳодисаларга иккиёқлама муносабатда бўлиш натижасида келиб чиқади. Бундай кишилар айни бир вақтнинг ўзида муайян ҳолатни ҳам эътироф этади, ҳам инкор этади. Мас., рашқда муҳаббат ва нафрат уйғунлашган бўлади. Ҳиссиётлар А.даги атамаси шизофреникларда учрайдиган зиддиятли муносабат ва таъсирларни ўрганиш мақсадида илк бор швейцариялик руҳшунос Э. Блейлер томонидан муомалага киритилган. А.ка хос бўлган ҳолат ҳис-туйғу ва кечинмаларнинг мураккаб характерга эгалигидир. Бундай ҳолат инсонларда улардаги эҳтиёжларнинг ранг-баранглиги туфайли вужудга келади. У инсонда айни бир вақтнинг ўзида ҳам, ижобий ҳам салбий кечинмаларни уйғотади.

АМИР ТЕМУР, Темур, Темурбек (тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Баркул) (1336.9.4, Кеш (ҳоз. Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғи (ҳоз. Яккабоғ тумани – 1405.18.2, Ўтрор шаҳри, Самарқандда дафн этилган) – ўрта асрнинг йирик дав. арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган дав.асосчиси, илм-фан, маданият ҳомийси, маърифат, пед. фикрлар тараққиётига муҳим ҳисса қўшган зот.

А.Т. ўз ф-яти давомида таълим-т-я ва илм-фан ривожига алоҳида ҳомийлик қилган. Бағдодда мадраса қурдирган. У қурдирган кўплаб мадрасалар туфайли Кеш шаҳри «Қуббат ул-илм вал-адаб» унвонига сазовор бўлган. А.Т. саройида уламолардан Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳруддин Аҳмад, Мавлоно Нуъмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокий ва б.лар ф-ят кўрсатган. Алишер Навоий ҳам А.Т.нинг илм ва маърифат аҳлига кўрсатган ғамхўрлигини чуқур ҳурмат б-н эътироф этган. У бу ҳақда шундай деб ёзган: «Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, уларга иззат-икром кўрсатар, уларнинг т-ясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида надим (маслаҳатчи) сифатида ва бошқа лавозимларда фойдаланарди».

«Темур тузуклари», «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари»), «Воқиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») каби асаларда А.Т. фарзандлари ва набираларига айтган панд-насиҳатларида адолатлилик, ўзаро ҳурмат, инсонпарварлик, саховатлилик каби ахлоқий фазилатларни устун қўяди. «Темур тузуклари» А.Т.нинг ҳарбий, сиёсий, ахлоқий ва маърифий қарашларини ўзида мужассамлаштирган асардир. Мазкур асар «Тузуки Темур» ва «Тузукоти Темур» номлари б-н ҳам аталган. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда А.Т.нинг ҳарбий-сиёсий ф-яти тасвирланган бўлса, иккинчи қисми унинг фарзандларига аталган ўзига хос васият, панд-насиҳат ва ўгитлардан иборат. Унда дав.ни идора қилишда кимларга таяниш кераклиги,

вазир ва қўшин бошлиқларини танлаш, армиянинг тузилиши ҳамда жанг олиб бориш қоидалари, сипоҳийларнинг маоши, юртни бошқариш тартиби, дав. арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амир, вазир ва б. мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш йўсини ва ҳ. к. ҳақида фикр юритилган. Асарда А.Т.нинг ахлоқий-маърифий ҳамда ҳарбий таълим-т-яга оид қарашлари ўз ифодасини топган. Ватан мустақиллиги, ватанпарварлик, шахс бурчи ва масъулияти, генофондни тоза сақлаш ҳақидаги бугунги кун пед. амалиёти учун қимматли бўлган фикрлари баён этилган. А.Т.нинг маърифий-пед. қарашлари унинг бошқа асарларида ҳам ўз ифодасини топган. А.Т.нинг пед. қарашлари маърифий бойлик бўлиб, ёшларни баркамол шахс сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

АМОРАЛИЗМ, имморализм (юн. a – инкор ва moralis – ахлоқ) – маънавий ҳаёт ва шахслараро муносабатда ахлоқ меъёрларининг бузилиши, инкор этилиши, умумэътироф этилган ҳулқ-атвор меъёрларига эътиборсизлик ҳамда уларга риоя қилмаслик. Амалда А. муайян шахснинг маънавий жиҳатдан етукликка эришмаганлиги, шу б-н бирга ж-ятдаги айрим гуруҳларнинг маънавий тубанликка юз тутганлиги каби ижтимоий-руҳий ҳолатлар б-н ҳам боғлиқ бўлади. А. узоқ тарихга эга, унинг якка шахс, гуруҳлар даражасида ва ижт. жиҳатдан кенг тарқалган шакллари мавжуд. Мас., оммавий маданият кўринишидаги шакллар. Алоҳида бир шахсга хос бўлган А. бир кишининг ахлоқий бузилиши, унинг ҳулқ-атворидаги жиддий камчиликлар мажмуи тарзида намоён бўлади. Муайян гуруҳга хос бўлган А. эса ж-ятдаги бирор-бир қатлам, ижт.ҳаракат аъзолари орасида кенг тарқалган иллат тарзида кўзга ташланади (мас., бойликка ружу қўйиш, жамоавий бузғунчилик, наркомания, алкоголизм, ўзга халқлар маданиятига тақлид қилиш, ўз қадриятларидан узоқлашиш, миллий маданиятдан воз кечиш, миллий камситишларга йўл қўйиш, фоҳишалик, фоҳишабозлик ва б.).

Ижт. А. муайян даражадаги маънавий бузилишнинг ж-ятнинг аксарият аъзоларига хослигини ифодалайди ёки уни мажбурлаш тамойилларининг зўрлик б-н амалга оширилиши тарзида содир бўлади (мас., миллатчилик, экстремизм, терроризм ғояларининг зўрлик б-н ёйилиши, одамларни шу йўлларга ўтишга оммавий мажбурлаш ҳолати ва б.).

А.нинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий шакллари ҳам мавжуд. Унинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид, ёвуз шакли фашизм ва терроризмда ўз ифодасини топди. Аморал кишилар учун характерли бўлган ҳолат муайян шахсга сиғинишдир. Бу жараёнда виждон мезонлари инкор этилади. Ижт.-тарихий воқелик шундан далолат берадики, ж-ят аъзоларида муҳаббат, ҳурмат, виждон, ахлоқийлик мезонларининг бузилиши А.га олиб келади. Шунинг учун ҳам А. ва унинг турли кўринишларига қарши курашиш таълим-т-я жараёнида амалга оширилиши керак. А.ни белгилаш мезонлари мутлақ ёки нисбий бўлиши мумкин. Айрим шахс ёки гуруҳларнинг умуминсоний маънавият меъёрларига мос келмайдиган хатти-ҳаракати ва ҳулқи том маънода ғайри ахлоқий хатти-ҳаракатлар сифатида баҳоланади. Ўқувчиларга мактаб таълими давридан бошлаб ёлғон сўзламаслик, ота-онани хўрламаслик, тенгдошлари ва ўзидан кичикларга зўравонлик қилмаслик, тажовузкорлик ва

ўгриликка йўл қўймаслик, атрофдагиларга ёмонликни раво кўрмаслик каби инсоний-ахлоқий меъёрлар сингдирилиши, уларнинг зарарли окибатлари ҳақида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилиши керак. Маънавий мезонларнинг нисбийлиги яхшилик ва ёмонликнинг турли халқларда турлича тушунилиши б-н боғлиқ.

Бугунги кунда кўпгина Ғарб мамлакатларида маънавий бузғунчилик оммавий маданият остида кенг қулоч ёймоқда. У мазкур мамлакатлар чегараларини бузиб бутун дунёга таркалмоқда. Бир халқ учун ахлоқий меъёр ҳисобланган хатти-ҳаракатлар бошқа бир халқ ахлоқига зиддир. Мас., очиқдан-очиқ жинсий муносабатлар ўрнатиш, гиёҳвандлик, никоҳсиз оила қуриш, беҳаёликни тарғиб қилувчи турли клипларни намойиш қилиш, бир жинсли оилалар, зулм ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар намойиши Ғарб халқлари учун одатий ҳол бўлса, ўзбек менталитети учун ахлоқсиз, яъни А. ҳисобланади.

«АМРИҚО» (БУТУН СЎЗЛАР) УСУЛИ – 1) 20-а.нинг 20-й.ларидан Ўзбекистон мактабларида жаҳон тажрибасидан ўрганиб қўлланилган усул; 2) Америка мактаблари тажрибасида қўлланилгани каби ўқувчилар яхши биладиган ҳайвон ва паррандаларнинг расмини кўрсатиб, уларнинг расм остидаги номларини ўқувчиларга ўқитиш усули; 3) ҳарфларга шаклан ўхшайдиган буюм тасвири воситасида яхлит сўзлар ясаш усули; 4) савод ўргатишнинг илк даврида ўқувчилар диққатига бир қанча сўзлар ва уларнинг график ифодаси (ёзма шакли) тақдим этилиб, сўзлар бўғинларга бўлиб таҳлил этилмай, фақат ўқувчининг кўрув хотирасига таяниб савод ўргатишнинг аналитик методлардан бири. Мазкур усул дарсликнинг савод ўргатиш даврида 20-а. бошлари Америка мактабларида ўқитилгани каби 7-дарсгача сўзларни бўғин ва товушга ажратмай, яхлит ўқитишдир. 1-синф ўқувчиларига саводга ўргатишнинг илк даврида улар яхши биладиган ҳайвон ва паррандалар (мушук, сичқон, тўти каби) расмини кўрсатиб, расм остида берилган сўзларни ўқитиш усулидан фойдаланилади. Бу усулда Ўзбекистонда дастлабки алифбе Ҳасан Али томонидан яратилган бўлиб, ундаги матнларда бир қатор бутун сўзлар қўлланилган (мас., Қатор-қатор тош қўйдим, жайрон отни бўш қўйдим (тиш ва тил), Ялт-юлт этади, ямлаб ютади (олов) ва б.).

АМУЗИЯ (юн. а – инкор қўшимчаси, musikos – мусиқа) – вокал ва чолғу асбоблари ёрдамида ижро этиладиган мусиқани тушуниш, нотаналарни ўқиш ва ёзиш лаёқатининг бузилиши. У мия ўнг ярим шар пўстлоғининг зарарланиши натижасида вужудга келади. Бундай касалга чалинган кишилар мазкур касалга чалингунларига қадар ўзлари яхши билган мусиқий асарларни ҳам тушунмайдилар. Уларда бир вақтнинг ўзида товушлардаги оҳанг уйғунлигини идрок этишда қийинчиликлар туғилиши кузатилади. А. аксарият ҳолларда тинглаш агнозияси б-н уйғунлашади. Бундай ҳолларда А.га чалинган кишилар одатий шовқинларни бир-биридан фарқлай олмайди. Мутахассислар ҳаракат А.ларининг ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар. Бундай вазиятларда А.га чалинган шахс қўшиқ ёки рақс куйларини фарқлай олмайди.

АНАЛИЗ (таҳлил) – дарсни ёки ўқувчи ва талабаларнинг фанларни қай даражада ўзлаштирганликлари ҳамда касбий ф-ят даражасини таҳлил қилишга

йўналтирилган пед.фаолият. Унинг ёрдамида ўқувчи ҳамда ўқитувчилар томонидан амалга ошириладиган ўқув ҳамда пед.ҳаракатлар таркибий жиҳатдан таҳлил қилинади.

АНАЛИЗ ВА СИНТЕЗ (юн. analysis – ажратиш ва sythesis – бирлаштириш) – кишилар томонидан дунёни билиш жараёнида қўлланиладиган, ўзаро чамбарчас боғланган текшириш усуллари. Бутунни таркибий қисмларга фикран ажратиш анализ ва қисмлардан бутунни худди шундай тарзда қайта ҳосил қилиш синтездир. А. ва с. билиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга ва унинг ҳамма босқичларида амалга оширилади. А. ва с. қилиш ф-ятининг маркази бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидир. Мантиқий анализ тадқиқ қилинаётган объектни фикран таркибий қисмларга бўлишдан иборат бўлиб, янги билимлар олиш методи сифатида тушунилади. Ўрганилаётган объект табиатидан келиб чиққан анализ турли шаклларда намоён бўлади. Бутунни таркибий қисмларга ажратиш ўрганилаётган объектнинг тузилиши ва таркибини аниқлаш имконини беради. Нарса ва ҳодисаларни туркумларга бўлиш анализ шаклларидан бири сифатида намоён бўлади.

Ривожланаётган жараённинг таҳлил қилиниши унда турли босқичларни ажратиб ўрганиш имконини беради. Таҳлилий ф-ят жараёнида фикр мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Анализнинг мақсади – қисмларни мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида билиш ва улар ўртасидаги алоқа ҳамда қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Бироқ анализ моҳиятни ажратиб қарашга олиб келади, мавҳум ҳолда қолаётган бирлик хилма-хилликдаги бирлик сифатида ҳали очилмаган бўлади. Синтез эса аксинча, анализ воситасида ажратилган қисмлар, хоссалар, муносабатларнинг ягона бир бутунга бирлаштиришдан иборат. Синтез бирликдан тафовут ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган бўлиб, умумийлик ҳамда айримликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян жонли бутунликка бирлаштиради. А. ва с. ўқувчиларнинг билиш ф-ятларини кенгайтиришда қўлланилади. Улар тафаккурининг туркумлаш даражасига кўтарилишига кўмаклашади.

АНАТОМИЯ ЎҚУВ ФАНИ – айрим аъзолар, тизимлар ва бутун организмнинг шакли ҳамда тузилиши ўрганиладиган ўқув предмети. А.ў.ф. одам анатомияси ва физиологияси, гигиенаси ҳақидаги фан эканлиги, сиҳат-саломатликнинг ҳар бир одам ва ж-ят учун аҳамияти, одам саломатлигининг муҳитга, наслга боғлиқлиги, ҳукуматимизнинг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга, ёш авлодни соғломлаштиришга қаратилган тадбирлари, анатомия ва физиология фани ривожига ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳақида 8-синф ўқувчиларига бериладиган билим, маълумот, тушунчаларни қамраб олади. Анатомия бўйича ўқув жараёни ДТС талаблари асосида тузилган ўқув дастурига мувофиқ тарзда ташкил этилади.

АНБАР ОТИН Фармонқул қизи (1870 – Қўқон – 1906) – ўзбек маърифатпарвар шоираси. Дилшод отин мактабида таҳсил олган. А.О. шеърлар ижод қилиш б-н бирга маҳалласидаги ёш қизларга таълим ва т-я бергани туфайли Отин номига сазовор бўлган. Ўзбекча шеърлари (48 та)дан девон тузган (1905). Аёлларнинг оғир қисматидан ҳикоя қилувчи «Қаролар фалсафаси» асари

ҳам бор. А.О. ўз шеърларида маърифатни улуғлаб, ёшларни илм эгаллашга даъват этган. Шоира асарлари кўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқ кўлёзмалари марказида сақланмоқда (№1647).

АНГЛИЯ АНТРОПОЛОГИЯ МАКТАБИ – инсон онги тадрижий тараққиёти ғоясини ўзида мужассамлаштирган этнография мактаби. Асосий намояндалари – Э. Б. Тайлор, Д. Фрэзер. Дастлабки маданий ҳодисаларнинг талқини асосида урф-одатлар, ишонч, эътиқод, санъат, ахлоқийлик қабилар унинг асосини ташкил қилади. А.а.м. дастлабки одамлар б-н уларнинг замонавий авлодлари руҳияти орасида ўхшашлик мавжудлигини асослайди. Дастлабки одамлар онгида мавжуд бўлган анимистик тасаввурлар уларнинг замонавий авлодлари томонидан фикрий усулларнинг нотўғри қўлланилганлигидан далолат беради. Чунки ҳоз. одамларнинг дастлабки аждодларида ҳаётий тажрибалар чекланган бўлган.

А.а.м. вакиллари инсониятнинг бирлиги ғоясини ҳимоя қилган. Бунга турли даврларда яшаган одамларнинг маданий уйғунликлари ва алоқалари мисол бўла олади. Бу эса этнографик, маданий-қиёсий, тарихий тадқиқотлар учун муҳим илмий манба ҳисобланади.

АНДАЗА – ўлчов, колип. А.лар қоғоз, картон ва матолардан махсус тайёрланади. А.лардан меҳнат дарсларида ўқувчилар ясайдиган буюмлар, тикадиган ишларининг нусхасини яратиш учун фойдаланилади. А. кенг маънода бирор-бир яхши иш, яхши хулқ, яхши амалларга ижобий воқелик сифатида қараб, унга ўхшашга интилувчи меъёр сифатида ҳам талқин этилади. Шунингдек, муайян шахснинг фикр, ғоя, қараш, таълимотлари ёки етук мутахассисларнинг ф-яти намуна-андаза сифатида тақдим этилиши мумкин.

АНДИЖОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ – юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юрти.1955 й. Андижон ш.да ташкил этилган. Ин-тда даволаш, педиатрия, тиббиёт пед.си, олий тоифали ҳамшираларни тайёрлаш ва шифокорлар малакасини ошириш ф-тлари мавжуд. Ин-тдаги 59 каф.да 1030 тиббий-пед. ходим ф-ят кўрсатмоқда. 452 проф.-ўқитувчидан 4 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 3 нафари Нью-Йорк фанлар академияси ва 2 нафари Россия пед. фанлари академияси аъзоси, 54 нафари фан доктори ва проф., 180 нафари фан номзоди ва доц. Даволаш ф-тида 1295 нафар, педиатрия ф-тида 1210 нафар, тиббиёт пед.си ф-тида 46 нафар, олий малакали ҳамширалар тайёрлаш ф-тида 50 нафар талаба таҳсил олади. Ин-тда ички касалликлар, кардиология, жарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, педиатрия, психиатрия, болалар юкумли касаллиги, онкология, нейрохирургия ва болалар жарроҳлиги йўналишлари бўйича магистрлар тайёрланади. Ин-т бир қатор халқаро ташкилотлар б-н алоқа ўрнатган («Саломатлик» лойиҳаси, «ЮСАИД/Здравплюс», «ТЕМПУС», «СОРОС» ва б.). Ин-т клиникаси 700 беморни қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, замонавий диагностика жиҳозлари б-н таъминланган. Клиниканинг операция зали, базалар ва туғиш мажмуалари масофавий таълим тизимлари б-н боғланган.

Ин-тда вертебрология, лимфология, кардиохирургия, ахб. техн. марказлари ф-ят кўрсатади. Ахб. техн. маркази ва барча каф.лар 300 дан ортиқ замонавий комп., минибосмахона, сканер, рангли

принтер ва ксерокслар, 4 комп. синфлари ва 12 интернет тизимига эга. Ин-т ўзининг веб-сайтини мунтазам тарзда янгиликлар б-н тўлдириб бормоқда.

Ин-т кутубхонасида 286 000 дона асар сақланади. Кутубхона таркибида 5 та ўқув зали, 40 та лазер диск бор. Ин-тнинг марказий и.т. лаб.сида гастроэнтерология ва замонавий иммунология йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ин-тда илмий эксп.лар учун вивариум мавжуд. Ин-т олимлари хорижий ва МДҲ давлатларининг етакчи ин-тлари, жумладан, Россия тиббиёт ин-ти, Россия дипломдан кейинги таълими ун-ти, Киев тиббиёт академияси, Волгоград тиббиёт академияси, Новосибирск тиббиёт ун-ти б-н ҳамкорликда ўқув-услубий, и.т. ва даволаш ишларини олиб боришади.

Ин-тнинг бир гуруҳ олимлари Францияниг миллий илмий маркази мутахассислари б-н ҳамкорликда «Ҳимолайнинг шимол ва жануби» халқаро илмий-иммунологик тадқиқотларда иштирок этишди. Ин-т талабалари Россия ва Голландиянинг етакчи ин-тларида клиник ординатура бўйича таҳсил олиб, ўз илмий ишларини ҳимоя қилишга муваффақ бўлишди.

Ин-т олимлари Буюк Британия, Дания, Голландия, Исроил, Австрия, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон каби дав.ларда ўз тажрибаларини оширади. Мустақиллик йиллари ин-тда 5000 дан ортиқ юқори малакали мутахассис, жумладан, 452 клиник ординатор, 100 дан ортиқ тиббиёт фанлари номзоди ва 13 тиббиёт фанлари д-ри тайёрланди.

АНДИЖОН УНИВЕРСИТЕТИ, Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети – илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1992 й. 15 мартда Андижон пед. ин-ти (1936 й.да асос солинган) негизида ташкил этилган. 1990 й. 19 апр.да Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилган. Ун-тда 24 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 14 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. Ун-тда мустақил тадқиқотчилик, катта илмий ходим-изланувчилар ин-тида и. т. ф-яти амалга оширилади. Ун-т таркибида 7 та ф-т, 31 та ихтисослик каф.ларида 508 проф.-ўқитувчи, жумладан, 36 фан д-рлари ва проф., 170 фан номзодлари ва доц. ишлайди.

Ун-т таркибида 5 ўқув биноси мавжуд бўлиб, унинг умумий майдони 36 290 квм ни ташкил этади. 218 та ўқув аудиторияси, 52 та лаб. хонаси, 9 та лингофон хонаси, 11 та комп. хонаси, 532 та комп. мавжуд. Мазкур хоналар замонавий жиҳозлар б-н таъминланган.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ – машинасозликнинг кенг тармоқлари бўйича муҳандислар тайёрловчи олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ 2011 й. 29 июлда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт ин-ти негизида Андижон ш.да ташкил топган. Ин-тдаги техника, автоматика ва электротехнология, машинасозлик ф-тларида 3 ихтисосликка тегишли 12 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланади. 2013/14-ўқув йили ин-тда 2400 нафардан ортиқ талаба таҳсил олди. Ф-тлар таркибидаги 16 каф.нинг 10 тасида қуйидаги мутахассисликлар бўйича таълим дастурлари амалга оширилади: ишлаб чиқаришни бошқариш, логистика ва маркетинг; машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш; ахб.

техн.; электротехника, электромеханика ва электро-технологиялар; иқтисодиёт; машинасозлик техн.; умумтехника фанлари; ер усти транспорт тизими; машинасозлик жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни эксплуатация қилиш; материалшунослик ва янги материаллар техн.си.

Ин-тда 181 нафар проф.-ўқитувчи, жумладан, 60 нафар фан номзоди, 6 нафар фан д-ри ва проф. ишлайди. Ин-т проф.-ўқитувчилари томонидан кўплаб илмий мақола, монография, қўлланма ва дарсликлар яратилган.

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ – қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Андижон туманининг Қуйганёр ш.часида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 28 фев.даги фармонига биноан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари ин-тининг Андижон филиали базасида барпо этилган Андижон пахтачилик ин-ти негизида ташкил этилган.

10 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланади. Ин-т таркибида агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, иқтисодиёт ва бошқарув ф-тлари, 13 та каф. фят кўрсатади.

Ин-тда 5 та мутахассислик: деҳқончиликни механизациялаш, қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш, уларни тиклаш ва таъмирлаш, гидромелиорация, пахтачилик йўналишлари бўйича магистрлар тайёрланади.

АНДИША – окибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза, эҳтиёткорлик ҳисси. А. ўзаро муомалада шарм-ҳаё, босиқлик ва мулойимлик б-н муносабатда бўлишни талаб қиладиган ахлоқий тушунча. У шарм-ҳаё, уят, истиҳола, иффат, ибо каби ахлоқ-одоб тушунчалари б-н узвий боғлиқ. А.ли одам бировларнинг иззат-нафсига тегмайди, катталар, оқсоқоллар ҳурматини жойига қўяди; бирор ишни ўта босиқлик б-н фикр юритиб ҳал қилади.

А. ўзбек халқи менталитетига хос хислатдир. Алишер Навоий ҳам А., вафо ва ҳаёни ахлоқий фазилатлар ичида биринчи ўринга қўйган. А.ли одамлар ўз қадр-қимматларини ҳар доим юқори тутади ва бошқаларга ҳам шуни раво кўради. А.ли кишиларда миллий ғурур, миллий ифтихор, орият кучли бўлади. Улар ўз миллати, эл-улуси манфаати ва шарафини ҳимоя қилишни катта бахт деб билади. А. ҳар бир шахсда дастлаб оила, кейинчалик таълим муассасалари шароитида қарор топади. А. – иродалилик белгисидир. А. юксак маънавиятлиликка хос, т-я натижасида шаклланадиган маънавий-ахлоқий сифат бўлиб, кишидаги хулк-одоб, т-я ва маънавият б-н боғлиқ фазилатларни ифода этади. У инсон табиатида чуқур илдиз отган, тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган, илм ва ҳикматга бой ўзбек халқининг тафаккур булоғидан сув ичган маънавий ҳодиса ҳисобланади. А. асрлар мобайнида ардокланиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтмоқда. Ўзбек халқида А., одоб-ахлоқ, одамийлик каби сифатларнинг шаклланишида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Зайниддин Восифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аваз Ўтар, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон асарларининг т-явий таъсири катта. Авесто, Қуръони карим, Ҳадиси шариф, халқ ҳикматларида ҳам ёшларни

А.ли бўлишга ундайдиган фикрлар баён этилган.

АНДРАГОГИКА (andros – улғайган шахс, agoge – раҳбарлик қилиш, т-ялаш) – пед. фанининг катта ёшдагилар, жумладан ўқитувчиларнинг ўқиш, ўрганиш жараёнидаги ўзига хосликлари, касбий эҳтиёжлари ва қизиқишлари, таълимга тайёрлиги, БКМ даражаси, дунёқарашлари, ҳаётий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда улар б-н таълим-т-я жараёнини ташкил қилишнинг илмий, назарий, методик масалаларини ўрганишга йўналтирилган мустақил тармоғи. Илмий манбаларда А. атамаси б-н бир қаторда, катталар пед.си, катталарга таълим бериш назарияси, ўқитувчилар малакасини ошириш тизими каби атамалар ҳам қўлланилади.

Махсус пед. моҳиятини ифодалаш учун А. атамасини таникли нем. тарихчиси К. Капп қўллаган эди. У ўзининг Платоннинг пед. қарашлари (1833) номли китобида А. атамасини шарҳлаган.

А.ни тизимлаштиришга 20-а.нинг 2-ярмидан алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ўқув жараёни самарадорлигини таъминлаш учун ўқитувчи малакасини илмий асосда ошириш зарурияти бу даврга келиб янада кучайди. Шу тариқа, узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш ғояси янада долзарблашди. А.га оид тадқиқотларнинг кўлами, айниқса, Германияда кучайди. Х. Г. Гротхофф, Ф. Пеггелер, И. Виртларнинг ишлари бу соҳада муҳим қадам бўлди. Шунингдек, Нидерландия, Бельгия, Швейцария, Югославия, Польша, Венгрия каби мамлакатларнинг олимлари ҳам А. йўналишидаги изланишларга ўз эътиборларини қаратганлар.

А. назариясида изоҳланишича, у катталар таълим-т-ясининг қонуниятлари, ижт.-психологик асослари, пед., методик йўналишларини очишга сафарбар этилган пед. фанининг муҳим тармоғидир. Унда инсонларнинг 17–18 ёшидан бутун ҳаёти давомида билим олиш жараёнининг назарий-методик тизими татқик этилади. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларда катталар таълимига пед. раҳбарлик қилишнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилади. Улар характерининг ўзига хос жиҳатларини шакллантириш, уларнинг касбий, ҳаётий тажрибаларини бойитиш, маданий, таълимий, касбий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мустақил билим олиш ва ўз-ўзларини т-ялаш имкониятларини кенгайтириш йўллари кўрсатилади. А. назарияси б-н шуғулланадиган мутахассислар умумий ҳамда қиёсий А.ни ўзаро фарклайди. Шунингдек, унинг хусусий А., ишлаб чиқариш А.си, ҳарбий А., геронтология А.си каби тармоқлари мавжуд. Мазкур тармоқларда амалга оширилаётган изланишларда инсоннинг жисмоний ҳолати, саломатлиги, унинг лаёқати, эҳтиёжлари, майллари, қизиқишлари, йўналишлари, т-яланганлик ва ўқимишлилик даражаси, ҳаёт тарзи ва меҳнат фаоллиги орасидаги муносабатлар ўрганилади. Шахснинг ўқув ахб.ларни идрок этиш даражаси, турли манбаларга мурожаат қилиши ва улардан маълумотлар ола билиши, радио, телевидение ва б. ахб. манбалари воситасида ўз билимларини ошириш имкониятлари ҳам алоҳида ўрганилади.

А. атамаси пед.нинг кам қўлланиладиган тушунчалари сирасига киради.

АНДРИЯНОВА Валентина Ивановна (1935.11.2, Россия Федерациясининг Рязанск вилояти, Ермишинск тумани) – пед. фанлари д-ри (1997), проф. (2000). Ўрта Осиё дав. ун-ти (ҳоз. ЎзМУ)

нинг рус филол.си ф-тини тамомлаган (1958). Шу йилдан Тошкент вилоятидаги 24-мактабда рус тили ўқитувчиси, 1960 й.дан ЎзПФИТИнинг рус тили ва ад.ини ўқитиш назарияси ва мет.си бўлимида кичик илмий ходим, катта, етакчи илмий ходим, бўлим мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари. Тадқиқотлари ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш мет.сига бағишланган. 2009 й.дан ЎзПФИТИда лойиҳа раҳбари.

А. томонидан Ўзбекистон мактабларида рус тили таълими концепцияси, рус тилидан ДТС ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилган, ўзбек мактаблари учун рус тили дарсликларини яратиб, уларни муntазам тарзда такомиллаштириб борган.

Унинг раҳбарлигида 17 тадқиқотчи номзодлик дисс.ясини ҳимоя қилган. А. 600 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

АНЖУМАН (араб. – йиғин) – 1) кенг доирада ўтказиладиган мажлис, йиғилиш, тадбир, кеча, кенгаш; 2) бир даврда яшаб, бир соҳада ф-ят кўрсатган атоқли шахслар гуруҳи, ж-яти; 3) педагогларнинг бирор маслаҳатли масала юзасидан вақти-вақти б-н ўтказиладиган мажлиси, шогирдларни ишга ўтказиш маросими; 3) ҳаётнинг барча соҳасидаги маънавий, маданий, сиёсий, моддий-иқтисодий масала ва илмий-пед. муаммоларни ҳал қилиш жараёни, усули ва воситаси.

АНКЕТА МЕТОДИ – пед., социологик ва психологик тадқиқотлар методи. Анкеталар ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради: а) ўтказиладиган сўровлар ва уларнинг мақсадини ифодаловчи кўрсатмалар; б) анкеталарни тўлдириш қоидалари; в) саволлар ва тахминий жавоблар шакли, бундай ҳолларда тадқиқотчилар кўпроқ мос келадиган саволлар ва жавобларни танлайдилар. Саволларнинг мазмуни, уларга жавоб бериш усуллари сўровларнинг мақсади ва у қаратилган объект б-н боғлиқ. Анкеталарнинг кўлами 2–3 тадан 100 тагача саволларни қамраб олиши мумкин. Кам ҳажмли анкеталар қурилишига кўра, асосан, бир тизимли бўлади. Бундай вазиятда респондентлар ўзаро кетма-кетлилик асосида бир саволдан иккинчисига ўтади. Катта ҳажмли анкеталар турли бўлимлардан иборат. Махсус саволларни фильтрлаш респондентлардан унинг мавзусига алоқадор бўлмаган саволларни чиқариб ташлашни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, вақтни тежаб олинадиган натижаларнинг самарадорлиги ва сифатини таъминлайди.

Анкета сўровлари пед. тадқиқотларда учрайдиган сўраб билишга асосланган мет.ларнинг энг муҳимидир. Улар ёрдамида амалий характердаги маълумотлар тўпланади. Анкета сўровлари социология, психология б-н бир қаторда, пед.да ҳам кенг қўлланилади.

Анкета сўровларининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқотчи б-н ўрганилаётган объект орасидаги бевосита алоқадорликни таъминлашдан иборат. Тадқиқотчи анкеталар ёрдамида тадқиқот объекти б-н мулоқот ўрнатади. Бунда респондентлар уларга тақдим этилган саволларни бевосита ўқиб, ўз жавобларини қайд қилиш имкониятига эга бўлишади.

Анкета сўровларининг ишончлилиги: 1) анкета сўровларининг ж-ятда, айниқса, пед. жамоалар орасида кенг ёйилганлиги; 2) анкета саволлари йўналтирилган объектнинг тўғри танланганлиги; 3) анкеталарнинг респондентларни тўғри йўналтира олиши; 4) анкета сўровларининг тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқлиги; 5) анкета саво-

ларининг тўғри тузилганлиги ва жараён самарадорлигини таъминлаш имкониятига эгалиги; 6) анкеталарни тўлдириш ва кайтаришга оид кўрсатмаларнинг тўғрилиги; 7) анкета саволлари ва жавобларининг аниқлиги, тушунарлилиги, кулайлиги: 8) тақдим килинган жавоблар рўйхатининг тўликлиги ва ўзаро мувофиклиги; 9) анкеталар жараёнида очик ва ёпик, тўғри ва кўчма маънодаги, шахсга йўналтирилган ва муайян объектга каратилмаган, назорат қилувчи саволлардан фойдаланилганлиги; 10) кутилаётган жавобга ишораларнинг мавжуд эмаслиги каби омилларга боғлик.

Анкета сўровларининг тўлаконлилиги қуйидагилар б-н изоҳланади: а) қиёсий иқтисодийлик; б) катта ҳажмдаги респондентларни камраб олиш имконияти; в) инсон ҳаётининг турли қирраларини ўрганиш имконияти; г) натижаларнинг яхши шакллантириш имкониятини бера олишлик; д) тадқиқотчининг респондентларга минимум таъсир кўрсата олиш имконияти ва б.

Ан.м. ўкувчи-талабалардан муайян маълумотларни сўраб билиш усули сифатида ҳам кенг кўлланилади. Ундан ўкувчи-талабаларнинг билимлари тўғрисидаги зарур маълумотларни аниклаш, уларнинг фикр ва қарашларини ойдинлаштириш, керакли маълумотларни тўплашда фойдаланилади.

АППАМУРАТОВА Светлана Каримовна (1949.26.1, Россия Федерациясининг Камишлов ш.) – пед. фанлари д-ри (1991), проф. (1994), Россия Халқаро пед. ва социология фанлари академияси аъзоси. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (ҳоз. Ўзбекистон дав. санъат ва маданият ин-ти)нинг театртшунослик ф-тини тамомлаган (1971). Чилонзор туманидаги Глиэр номли маданият уйида педагог (1966–72), республика ижодий уйида театр репертуари бўйича методист (1972–73), Тошкент ш.даги 103-умумтаълим мактабида факультатив раҳбари (1973–75), ЎзПФИТИда кичик, к.и.х., лаб. мудири (1974–78), ТДПУ докторанти (1988–92), ЎзПФИТИда катта илмий ходим, етакчи илмий ходим, бўлим мудири (1992–2009), етакчи илмий ходим (2009 й.дан).

А. 200 дан ортик илмий ишлармуаллифи.

Унинг раҳбарлигида 11 нафар фан номзоди тайёрланган.

АНОМАЛ БОЛАЛАР – руҳий ва жисмоний ривожланишларида муайян етишмовчиликлар мавжуд бўлган болалар. Ушбу етишмовчиликлар таълим-т-я жараёнида тиклаш, т-ялаш, даволаш чора-тадбирлари ўтказишни талаб этади. А.б.га кар ва қулоғи оғир, кўр ва кўзи ожиз, нутк камчилигига эга бўлган, таянч-ҳаракат аппаратида нуксони бор, ақли заиф болалар киради. А.б.нинг айримлари руҳий ривожланишдан оркада қолади, бу ўткинчи характерга эга бўлиб, болалик ва ўсмирлик даврида кузатилади. А.б.даги руҳий ва жисмоний ривожланиш нуксонларига ирсий касалликлар, онанинг ҳомиладорлик давридаги касалликлари, ҳомиланинг зарарланиши, туғуруқ вақтидаги шикастланишлар ва боланинг илк гўдаклик давридаги касалликлари сабаб бўлиши мумкин. Турли тоифадаги А.б.да уларнинг нуксонлари б-н боғлик ўзига хос хусусиятлари кузатилади. Бироқ барча А.б.га хос умумий хусусиятлар ҳам мавжуд (мас., атроф-мухит б-н ўзаро муносабатда бўлишнинг қийинлиги, ахб.ни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнининг сустлиги, нутк нуксонлари).

А.б. мактабгача бўлган даврда ўйинларда иштирок этишдан бошлаб барча ф-ят турларида кийинчиликларга учрайди. Бундай кийинчиликлар жуда эрта аниқланиб, улар махсус ўқиш, меҳнатни ташкил этиш, турли техник воситаларни қўллаш йўли б-н бартараф этилади. Буларнинг барчаси махсус мактаб-интернат ҳамда инклюзив таълим муассасаларида амалга оширилади.

АНТАГОНИЗМ (юн. antagonisma – бахс, кураш) – бир-бирига карама-қарши кучлар, ғояларнинг кескин курашини ифодалайдиган зиддият. А. атамаси фал. тафаккур тараққиётида қарама-қарши кучларнинг курашини ифодалаш учун қўлланилган. Пед. қарашлар доирасида А. яхшилик ва ёмонлик, жаҳолат ва маърифат ўртасидаги курашда ўз ифодасини топади. Ўрта аср мутафаккирлари табиат, ж-ят ва инсон турмушининг барча соҳаларида А. мавжудлиги, уни бартараф этиш зарурлиги ҳақида фикр юритган. Ж-ят аъзолари орасидаги А.ни бартараф этишнинг асосий воситаси маънавий-ахлоқий таълим-т-ядир.

АНТИК ПЕДАГОГИКА (лот. antiquus – ибтидоий, қад.; юн. paidagogike – қараб туриш, кўз-қулоқ бўлиб туриш) – пед. фанининг мил.ав. 7–5-а.ларидаги қад. Юнонистон, Рим, қад. Хитой ва Ҳиндистон таълим-т-яси ҳақидаги таълимотларни ўрганувчи бўлими. Пед. фикр ва т-явий ин-тлар тизими дастлаб мил. ав. 4-а.да Юнонистонда ўзининг ҳақиқий шаклига эга бўлган. Римда эса мил. ав. 1-а. охирларида вужудга келган. Юнонистонда идеал тимсоллар афсона ва Гомер асарларида ўз ифодасини топган. Мазкур асарлардан маълумки, ўғил болалар югуриш, ов қилиш, лира чалишга ўргатилар, уларда қаҳрамонлик ва етуклик ҳақида тушунча ҳосил қилинар эди. Бу даврда т-янинг асосий методи – болаларни турли қаҳрамон, тимсолларга тақлид қилишга ўргатишдан иборат бўлган. Т-яга дав.нинг асосий вазифаларидан бири сифатида қаралган. Мазкур дав.ларда аҳолининг эркин қисмига таълим-т-я бериш масаласи кун тартибида биринчи ўринда турган. Мил. ав. 8–6-а.ларда диний байрамларда асосий т-я ин-тлари сифатида рақсга тушиш, мусиқа чалиш, бадиҳахонликни олдиндан ўргатиш талаб қилинган. Таълим-т-янинг бошқа асосий таркибий қисмлари ҳарбий тайёргарликдан иборат бўлган. Бу, асосан, Спарта т-яси сифатида маълум бўлган кенгайтирилган таълим-т-я тизимидир.

Мил. ав. 6-а. бошларида Спартада ҳарбий дав. тузилиб, у ўзининг аскар, аскар аёллари, аскар оналари деб номланган ҳарбий т-я тизимига эга бўлган. Спарта таълим-т-я тизимининг асосий йўналиши ахлоқий т-ядан иборат бўлиб, асосий мақсади шахс манфаатларининг ижт. гуруҳ манфаатларига бўйсундирилишини ифодалаган. Таълим-т-я дав. томонидан қатъий назорат қилинган. Дав.таълими амалдорпедоном (қад. Спартада қулдорларнинг болалари таълим-т-ясини бошқарувчи шахс) назоратида бўлиб, учта асосий йўналишни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, иккита йўналишнинг ҳар бири тўрт йилдан иборат эди. Бунда ўғил болалар 8 ёшдан 11 ёшгача, ўсмирлар 11 ёшдан 15 ёшгача ўқитилган. Учинчи йўналиш эса 5 йиллик ўқиш даврини қамраб олган. Бунда ёшлар 16 ёшдан 20 ёшгача таҳсил олган. Таълим жараёнининг асосини жисмоний т-я ташкил этиб, у болаларнинг куч-қувватини ривожлантиришга йўналтирилган. Қизлар ҳам жисмоний т-я б-н шуғулланган. Ин-

теллектуал таълим-т-я б-н, асосан, хусусий ўқитувчилар шуғулланган. Мусиқа чалиш, кўшиқ айтиш ҳарбий сафарбарликни таъминлашга йўналтирилган. Олимпия ўйинлари ва б. мусобақалар ҳам катта ўрин эгаллаган. Уларда олий табақа вакилларининг фарзандлари ғалабага эришган. Бундай мусобақаларнинг кенг тарқалганлиги юнон ёшларида мусобақалашиш руҳининг бекиёс даражада ўсганлигидан далолат беради. Бу интеллектуал соҳада ҳам яккол намоён бўла бошлаган. Мил. ав. 6-а. охирларида юнонлар интеллектуал етукликка эришишга ҳаракат қилган. Бу соҳада ёзув қоидаларининг киритилиши муҳим аҳамият касб этган. Натижада ҳуқуқий ишлаб чиқариш ва ҳуқуқий муомала тизими ривожланган. Мил. ав. 5-а.да муомала, мулокот кўникмалари ёшларни ўқитиш тизимининг асосий таркибий қисми сифатида намоён бўлган. Мил. ав. 560 й.да Афинада юнон шоири Гомер достонларини ўрганиш мактаб таълимининг асосини ташкил қилган. Шу б-н бирга тарихий наср жанри ҳам вужудга келган. Бутун антик давр мобайнида шоир ва тарихчилар тарихий ҳақиқатлар тимсолида бутун-бутун авлодларни т-ялашга интилган. Милодгача бўлган даврда космология, арифметика, геогр., астрономия, гармония каби фан соҳаларидан ёшларга таълим берилган. Шу тарика дастлабки мактаблар вужудга келган. Жумладан, мил. ав. 532 й.да Кротон ш.да пифагор фал. мактаби вужудга келган. Кротон ва Киреяда мил. ав. 6-а. да тиббиёт мактабларига асос солинган. Мил. ав. 6-а. охирларида юнон таълим ва маданияти ривожланишида Афина муҳим ўрин эгаллаган. Афина т-я тизими ўзида ақлий ва жисмоний т-яни мужассамлаштирган. Ўғил болалар 7 ёшдан палестралар, мусиқа ва грамматика мактабларига қатнашган. Мил. ав. 5-а. да 18–20 ёшдагилар учун ҳарбий таълим мажбурий килиб қўйилган.

Юнон пед. тафаккурининг асосий ғояси донишманд, билимдон одамлар томонидан илгари сурилган. Унинг асосини жисмоний ва ахлоқий такомиллашган шахсни шакллантириш ғояси ташкил этган. Улар фан ва санъат уйғунлигига эришган. Ёшларни, асосан, файласуф ва риториклар ўқитган. Улардан мифология, тарих, конуншуносликка оид билимлар талаб этилган. Софистлар ф-яти б-н баробар олий таълимнинг шаклланиши бошланган.

Мил. ав. 4-а.да Сократ (Суқрот)нинг шогирдлари Евклид, Федон, Антисфен, Платон томонидан фал. мактаблари вужудга келтирилди. Мил. ав. 390 йлар арафасида Исократ томонидан риторика мактаби ташкил этилган. А.п.да Аристотель муҳим ўрин эгаллаган. Унинг асарлари мантиқ, физика, метафизика ва б. фанлар бўйича амалга оширилган таълим жараёнида асосий дарслик вазифасини ўтаган.

Эллинизм даврига келиб мил. ав. 4-а.да Афинада академия ва лицейлар б-н бир қаторда Эпикур фал. мактаблари ташкил этилган. Буларнинг барчаси Афинанинг таълим марказига айланишида муҳим аҳамият касб этган. Шу б-н бир қаторда мил. ав. 3-а. да Александрияда янги илмий-маданий марказ вужудга келган. Машҳур Александрия кутубхонаси ва Пергамда «Пергам кутубхонаси» ўша давр илмий-маданий муҳитидан гувоҳлик беради. Вужудга келган эҳтиёж туфайли илм-фаннинг барча соҳалари бўйича ўқув қўлланмалар тайёрланган. Мазкур ўқув қўлланмаларнинг аксарияти файласуф-

лар томонидан ёзилган. Бу даврга келиб б.т.нинг характери ўтмишдагига нисбатан деярли ўзгармаган. Таълимнинг нисбатан юқори босқичи – грамматика мактабларида таълим янгича характер касб эта бошлади. Бу эллинистик таълим бўлиб, у юнон ва Миср маданиятининг уйғунлашиб, ривожланишидан ҳосил бўлган. Гимназияларда Гомер, Гесиод, Эсхил, Софокл, Еврипид, Менандр, Геродот, Демосфен асарлари ўқитилган. Муаллифларнинг кироат ва изоҳлари иншо ёзишга қаратилган машқлар б-н уйғунлаштирилган. Ўқувчиларга муомала маданияти риторика мактабларида ўргатилган. Эфебиядаги олий таълим тизими ўзида жисмоний ва ҳарбий тайёргарликни мужассамлаштирган. Ушбу таълим мактабларида грамматика, фал., риторика, мат., тиббиёт ўргатилган. Касбий таълим хусусий шаклда машҳур ўқув марказларида амалга оширилган.

Римда оила т-яси етакчи ўрин эгаллаган. Қуллар ҳам, эркин болалар ҳам оила бошлиғи (ота)га бирдай бўйсунган. Онанинг мавқеи эса ҳар доим юқори бўлган. Оилаларда қизлар оилавий хаётга тайёрланган. Ўғил болалар эса амалий жиҳатдан кундалик ф-ят тажрибасини ўзлаштирган. Бошланғич мактабда саводхонликка ўргатиш элементар характер касб этган. 15-16 ёшдаги болалар нотиқлар раҳбарлигида фуқаролик ҳуқукини ўрганиб, бир йил давомида ҳарбий хизматда бўлган. Юнонларнинг таъсири остида Гомернинг «Одиссея» достони лотин тилига таржима қилинган. 2асрдан ортиқроқ вақт мобайнида «Одиссея» лотин мактабларида асосий ўқув қўлланма сифатида ишлатилган. Бироқ римликлар юнон таълим-т-ясига хос элементларни узоқ вақт мобайнида қўллай олишмаган. Улар уят ҳисси б-н палестра ва спортдан воз кечиб, гладиаторлар жангини маъқул кўришган.

Шу тарика, илмий билимлар шаклланган. Мил. ав. 168 й.да Пергам филологи Кратет тил ва ад.дан маърузалар ўқиган. Мил. ав. 2-а.нинг 60-й.ларида бу заминда ҳам грамматика мактаблари вужудга келган. Юнон ва лотин мактаблари бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган. Мил. ав. 155 й.да Римда Афинадаги учта фал. мактаб намояндалари томонидан маърузалар ўқилган. Бадавлат рим оилалари ўз фарзандларининг таълим-т-ясиб-н шуғулланишлари учун Юнонистондан педагоглар ёлланган.

Мил. ав. 93 й.да дастлабки риторика мактаби очилган. Нотиқлар ўз ф-ятларини мил. ав. 85 й.гача давом эттирган. Машҳур «Геренния риторикаси» вужудга келган. Юнон анъаналаридан фаркли тарзда Рим мактабларида ўқувчиларга Рим тарихига оид аниқ далиллар тақдим этилган. Бироқ олий таълим юнон таълими намунаси асосида яратилган.

Таникли Рим энциклопедист олими Марк Теренций Варрон мил. ав. 33 й.да «Фан» номли ўқув қўлланмасини яратган. Шунинг учун ҳам Марк Теренций Варрон Рим таълимининг отаси ҳисобланади. Бу қўлланма ўзида грамматика, риторика, диалектика, мусика, арифметика, геометрия, астрономия, тиббиёт ва архитектурани мужассамлаштирган. Римнинг сиёсий арбоби, нотиқ, ёзувчи Цицероннинг таъбирича, инсоннинг билимдонлик даражасини унинг фал.-риторик билимлари ташкил қилади. Риторика мактабларида ўқувчиларга Рим императори Август даври ва мил. 1-ада Римнинг ривожланиши ўргатилган. Рим таълим тизимининг энг катта ютуқларидан бири ҳуқуқ мактаблари бўлган. Мил. 1-а.да гуманитар таълим тизими элементар,

грамматика, риторика мактаблари тарзида ташкил топган. Элементар мактабда 7–12 ёшли болаларга ўқиш, ёзиш ва ҳисоб ўргатилган. Грамматика тизимида эса 12–14 ёшли болаларга ўқиш ва мумтоз адибларнинг изоҳлари тушунтирилган. Риторика мактабида 15–18 ёшли ўсмирларга машқлар ечиш ва муомала, мулоқот маданиятидан сабоқ берилган. Грамматика мактабларида Цицерон, Вергилий, Овидий, Стаций, Теренций, Саллюстийларнинг юнон андазаси асосидаги асарлари ўргатилган. Риторика мактабларида ўқувчиларга нотиқлик санъатидан дарс берилган. Дастлабки лотин грамматикаси мил. 1-а.да Ремми Палемон томонидан яратилган бўлиб, мазкур грамматика бизгача етиб келмаган. Мил. 4-а. да Донат томонидан грамматика бўйича қўлланма тузилган. Мазкур қўлланманинг кискартирилган варианти ўрта асрларда ҳам машҳур бўлган. Грамматиканинг батафсил баёни 6-а. бошларида Присциан томонидан тақдим этилган.

Мил. 1-а.да Рим императорлари мактаб таълимини назорат қила бошлаган. Уларнинг аксарияти ўқитувчилар учун бир қатор қулайликлар яратган. Ҳар бир шаҳарда грамматика ва риторика ўқитувчилари 5 нафардан кам бўлмаслиги талаб қилинган. Марк Аврелий 176 й.да Афинада 4 та фал. ва риторика мактабларини тиклаган. 425 й.да Феодосий ҳамда Валентиниан мактабнинг дав. характерига эга эканлигини узил-кесил тасдиқлашган. Улар хусусий таълимни ман қилишган. 529 й.да Афинадаги грамматика мактаблари бутунлай ёпилган. Таълимнинг антик тизими ўрта асрларга келиб ўзлаштирилган. Пед. ғоялар эса гуманистик пед. асосида намоён бўлган.

Роҳат Сафарова

АНТИПЕДАГОГИКА – пед.да 20-а. нинг 70-й.лари Ғарбий Европа ва АҚШда вужудга келган оким. Мазкур оким инсонни максадга йўналтирилган шахс сифатида т-ялашни инкор килади. АҚШдан К. Берейтер, Франциядан М. Маннони, Германиядан Р. Шерер, Э. фон Браунмюль, К. Рутчки, Х. фон Шёнебек, Швейцариядан А. Миллер каби назариячилар мазкур ғоя тарафдорлари сифатида майдонга чикишган. А. намояндалари т-я соҳасидаги пед. ислоҳотларни инкор қилишган. Улар ҳокимиятсизлик ёки бўлинмаслик нуқтаи назарида туриб, мактабдан воз кечиш ва унинг ўрнини ёшларни ижт.лаштиришнинг ноанъанавий шаклларига бўшатиб беришни ёклашган. Бу 20-а.нинг 60–80-й. ларида вужудга келган либерал концепциялардан кескин фарқ қилган. Либерал концепция тарафдорлари эркин т-я руҳидаги пед. таъсирни афзал кўришган. Бу кейинчалик инсонпарвар пед. сифатида ривожлантирилган. А. бундай пед. ёндашувни обрўсизлантиришга ҳаракат қилган.

А. авлодларнинг бир-биридан узилганлиги ҳақидаги маданий-антропологик тасаввурдан келиб чиққан. А. тарафдорлари замонавий тамаддуннинг қутулиб бўлмас касаллигидир. Улар тезкор ижт.-маданий ўзгаришлар натижасида оталар б-н болалар ўртасида жуда катта фарқ вужудга келади, деб ҳисоблашган. Уларнинг таъбирича, катта ёшдагилар ёшларнинг максадга мувофиқ ривожланишлари учун таянч бўла оладиган маданиятни уларга тақдим эта олмайди. А. намояндалари т-я ўзини оқламайди, шунинг учун ҳам ундан воз кечиш керак, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, т-я шахснинг ўз-ўзини англашига имкон бермайдиган касалликни вужудга келти-

ради, ёш авлоднинг руҳий саломатлигини бузади, уларга тамаддуннинг таъсир этишига тўсқинлик қилади. А. психоаналитик концепцияга таянади. А. З. Фрейднинг неврозлар ҳақидаги таълимотига кўра, болалардаги кечинмаларни катталар улар б-н мулокот жараёнида англаб етмайди. Т-я жараёнида вужудга келадиган салбий кечинмаларнинг сақланиши натижасида катталар кек сақлаган ҳолда болаларнинг ишларига аралашади, деб ҳисоблайди. А. намояндалари болаликдаги руҳий жароҳатларнинг олдини олишга эътибор қаратади.

АНТРОПОГЕНЕЗ (anthropos – инсон, genesis – келиб чиқиш, вужудга келиш) – инсон жисмининг тарихий-тадрижий, маънавий шаклланиши, меҳнат фяти, нутқи ва ж-ятнинг дастлабки тараққиёти жараёни. А. ҳақидаги таълимот антропологиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Шунга кўра, у пед. тадқикотлар учун ҳам муҳим методологик манба бўлиб хизмат қилади. Инсоннинг келиб чиқиши ва маънавий ривожланиш жараёни ҳақида дунёвий ва илоҳий қарашлар мавжуд. Дунёвий қараш тарафдорлари бўлган Ч. Дарвин, Гексли ва Гегель инсон олий даражада тараққий этган одамсимон маймунлардан келиб чиққан, деган қарашни илгари сурган. Замонавий фан А.нинг ижт. меҳнат назариясини тасдиқламоқда. Онгли ва маънавиятли инсоннинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёни бир қанча босқичларни ўз ичига олади. Биринчи босқич, австралопитеклар (инсоннинг энг яқин аждодлари)нинг ер юзида яшаши, табиий жисмларни қуроллар сифатида ишлатиши, сўнгра бу қуролларни ясай бошлаши б-н изоҳланади. Бу ҳол икки оёкли антропоидлар – маънавиятли инсоннинг ҳайвонот оламидан ажралиб чиқишига шарт-шароит туғдирган. Иккинчи босқич А.нинг бошлангич поғонасидаги вакилларидан – энг қад. кишилар – питекантроп ва синантроплардан иборат ибтидоий одамларнинг шаклланиши б-н боғлиқ. Бу даврдаги энг қад. одамлар маънавиятли бўлиб, мунтазам суратда хилма-хил шаклдардаги кўпол тош қуроллар ясашган, биргалашиб ҳайвонларни овлашган, оловдан фойдаланишни билишган. Уларнинг аждодлари ҳисобланган палеантроплар ёки неандерталлар эса анча мураккаб қуролларни ясаб, дастлабки сунъий иншоотлар (шамол тўсиклар)ни яратишган, оловни ҳосил қилиш усулларини ўзлаштиришган. Вужудга келган ижт. ишлаб чикариш муносабатлари одамда онг ва нутқнинг пайдо бўлишига асос бўлган, инсон гавдасини шакллантирган. Инсоннинг таркиб топиши юз минг йиллар давом этган. Дастлабки одамлар жануби-шарқий, жанубий, Олд Осиё ва Африкада яшаган. Учинчи босқич – ибтидоий тўда шаклидаги одамзоднинг ж-ят, неандерталларнинг эса ҳоз. шаклдаги инсонга айланишидан иборат. Илоҳий дунёқараш намояндаларининг фикрича, инсонни Тангри тўрт унсурдан яратган. Дунёдаги жами динларда дастлабки одамнинг яратилиши ва унинг номланиши бир хил талқинга эга бўлган. А. табиий, ижт., иқтисодий ва маънавий ривожланиш жараёнидир. Мазкур жараён маънавий тараққиёт нуқтаи назаридан етарлича ўрганилмаган.

АНТРОПОЛОГИЗМ – инсон табиат ва ж-ятдаги энг олий қадрият, деган қарашга асосланадиган ғоя. Мазкур таълимотга кўра, инсон етук ва олий даражадаги мавжудотдир. Бутун борлиқ инсон ва унинг эҳтиёжлари учун яратилган. Ж-ятнинг етуклиги инсонга муносабат,

унинг учун яратилган шарт-шароитлар б-н белгиланади. Инсоният тарихида А. хилма-хил шаклларда намоён бўлган. Конфуций, Сукрот, Форобий, Беруний, Румий, Хожа Аҳрор Валий, Навоий, Бобур сингари мутафаккирлар, 17-18-а. француз маърифатпарварлари, Фейербах ва Ницше каби немис файласуфлари ижодида инсоннинг олий қадрият эканлиги ҳақидаги қарашлар ўзининг ёркин ифодасини топган.

Бугунги кунда А. умуминсоний ва миллий қадриятларни улуғлаш негизида ривожланмоқда. А. ғоясига таянган ҳолда пед. ёндашувлар доирасида амалга оширилаётган изланишларни уч қисмга бўлиш мумкин: а) табиий; б) ижтимоий; в) маданий йўналишдаги А.га асосланган пед. ёндашувлар.

Табиий йўналишдаги А.га асосланган пед. ёндашувлар таълим олувчиларнинг биология, ўлканинг қазилма бойликлари, ҳудудлардаги аҳолининг кундалик ф-яти ҳақида маълумот беришни назарда тутса, ижт. ва маданий йўналишдаги А.га асосланган пед. қарашлар кишилик ж-яти ва бевосита аждодларимиз томонидан яратилган маданий бойликларни ёш авлод онгига тизимли тарзда етказиш усулларини тадқиқ этиш б-н шуғулланади.

А. инсоннинг ўзлигини эътироф этади. Бунда инсон ф-ятига алоҳида эътибор қаратилади. Унга кўра, инсон бутун борлиқ, табиат, ж-ят, ҳақиқат, гўзаллик, бурч ҳақидаги тасаввурларнинг асоси ҳисобланади.

А.нинг асосий мақсади инсоннинг жонли ҳамда онгли ф-ятини тушуниш, унинг тажрибасини ҳар томонлама ўрганишдан иборат.

АНТРОПОЛОГИЯ (юн.anthropos – инсон ва logos – сўз, таълимот) – инсоннинг келиб чиқиши ва тадрижий ривожланиши ҳақидаги фан. Шахснинг ўсиши, шаклланиши ва унинг бир маромда жисмоний таркиб топишини ўрганади. А. мустақил фан сифатида 19-а. ўрталарида шаклланган. Кенг маънода А. инсон ҳақидаги таълимотларнинг мужассамлашган шакли бўлиб, шахснинг мавжудлиги, характери ва ўзига хослигини тадқиқ этади.

АНТРОПОСОФИЯ (юн. anthropoz – инсон, sophia – донишмандлик) – инсон донишмандлиги – теософиядаги йўналишлардан бири. 1909 й.да теософиядан ажралиб чиққан. У инсонни ҳиссий юқори таъсирчан мавжудот, яширин руҳий кучлар эгаси сифатида талқин этадиган мистик таълимот бўлиб, 1912 й.да немис олими Р. Штейнер (1861–1925) томонидан асос солинган ва «Яширин фан» (1910), «Антропософия тезислари» (1925) китобларида баён қилиб берилган. Бу таълимот олам марказига инсоннинг илоҳийлигини қўйган. Худо ўрнида илоҳийлаштирилган одамга эътиқод қилишни тарғиб этган. Буддизм ҳамда Шарқ оккультизмига таянган теософиядан фарқли равишда А.да христиан мистикаси ва Европа идеалистик анъаналари мавжуд.

А. концепциясига кўра, инсон тана, руҳ ва жон бирлигидан иборат, деб қаралади. А.бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни эволюцион тамойил деб ҳисоблаб, инсон руҳи реинкарнация (қайта тикланиш) қонунига амал қилади, деб кўрсатади. Алоҳида олинган ҳаёти давомида инсон руҳи ўзининг ўтмишда содир бўлган ҳис-ҳаяжонлари, тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини такрорлайди. Танани ворислик қонуни, руҳни эса унинг томонидан яратилган тақдир бошқаради. Ўлимдан сўнг жон ўзининг жисмоний борликка бўлган

якинлигидан халос бўлгунга қадар рух ва жоннинг боғлиқлиги сақланиб қолади. 1913 й.да Р. Штейнер томонидан антропософик ж-ят тузилган. А. ғоялари сўнгги пайтларда пед.да ҳам Вальдорф мактаблари тарзида намоён бўла бошлади.

АНТРОПОЦЕНТРИЗМ (юн. anthropos – инсон ва лот. centrum – марказ) – инсон – олам, коинотнинг маркази ва унинг пировард мақсади эканлиги тўғрисидаги қараш. А. нарса ва ҳодисаларни фақат мақсадга мувофиқлиги, яъни телеологик нуқтаи назардан кўриш, ўрганиш б-н боғлиқлигини ифодалайди. А. элементлари юнон файласуфи Сукрот қарашлари, Ўрта асрлар Европа фал.сида ҳамда радикал гуманизм таълимотида мавжуд бўлган. А.нинг бартараф этилишига Н. Коперник назарияси (гелиоцентризм), Ч. Дарвин таълимоти (эволюция назарияси) ва б. илмий кашфиётлар ўз таъсирини кўрсатган.

АНЪАНА (араб.) – маданий тажрибанинг у ёки бу унсурларини сақлайдиган, келажак авлодга ўтадиган, ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, ж-ят ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган, ижт. жараёнларнинг тарихий-генетик (наслий) узвийлигини боғлашга хизмат қиладиган моддий ва маънавий қадрият. А. – ижт. ва маданий мерос, узоқ вақтлардан бери аждодларимиздан ўтиб келаётган ва бизгача етиб келган, кўпчилик томонидан қабул қилинган тартиб ва қоидалар. «Анъана», «урф-одат», «маросим»лар бирбирига боғланиб, кўпинча, урф-одат тушунчаси асосида тарғиб қилинади. Халқ орасида миллий, маданий, маиший, ижт.-сиёсий, диний ва б. анъаналар мавжуд. А. ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиш жараёнида шаклланади. А. тараққиётнинг аввалги босқичидан кейинги босқичга қандай мерос қолаётганлиги ва ушбу жараён қандай амалга ошаётганлигини ифодалайди. А. инсон ҳаётининг барча маънавий-маърифий шаклларини сақлаш ва такомиллаштириш вазифасини бажаради. А. халқ, миллат маънавиятининг мавжудлик шакли ҳисобланади. А. воқеликни маънавий ўзлаштиришнинг энг қад. шаклларидан бири бўлиб, тарихий билимларнинг ўзига хослигини сақлайди. А.нинг шакллари сифатида афсона, эртак, ривоят, достон ва б.лар инсон ҳаётининг барча тарихий босқичларини акс эттирадиган кўринишларни ўз ичига олади. А. инсониятнинг тарихий, даврий воқеаларнинг маънавий-руҳий моҳиятини ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам таълим-т-я жараёнида бир авлоддан иккинчисига узатилади. Ҳар бир миллатнинг ёшлари А. ёрдамида камол топади.

Тор маънода А. – инсон ф-яти ва у б-н боғлик бўлган ижт. ахлоқ ҳамда ижт.-маданий тажриба. Кенг маънода эса А. инсонлар учун аҳамиятли бўлган маданият ва унинг шаклларини тартибга солиш ҳамда амалга ошириш усули. А. ўзининг мазмун-моҳиятига кўра салбий ва ижобий турларга бўлинади. А. тарихийлик характерига ҳам эга. Чунки А. муайян миллат ё элатнинг тарихий илдизларига алоқадордир. А. муайян қонуниятларга бўйсунади. Бу уларнинг умрбоқийлигида намоён бўлади.

А. замон руҳига мос бўлгандагина ж-ят тараққиётини жадаллаштиради ва ёшларнинг камол топишига хизмат қилади. А. ж-ятда ёш авлодни маърифатли қилиш, т-ялаш, ж-ят аъзоларига эстетик завқ бағишлаш, уларни ўзаро яқинлаштириш, ахб. б-н таъминлаш каби вазифаларни бажаради. А. ҳар бир

халқнинг ҳаёт тажрибаси, билими, ақл-заковати, зеҳн-идроки, донишмандлиги, руҳияти, ички кечинмалари, меҳнат кўникмаларида ўз ифодасини топади. А. ворислик характерига ҳам эга. Чунки ёш авлод ўз аждодлари томонидан яратилган маданий-маънавий бойликларни ўзлаштиради, ривожлантиради ва такомиллаштиради.

А. миллатнинг табиий-тарихий ривожи, ижт. турмуши, яшаш тарзи, ўтмиши, урф-одати, таълим-т-яси, кундалик машғулоти, диний қадриятлари, тили кабилар б-н ўзаро узвий боғланган. А. таъсирида табиий-тарихий, ижт., миллий бирликни таъминловчи қадрият – кон-кардошлик, маданий-маънавий мерос, она юрт туйғуси кабилар барқарорлашади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек халқи ўзининг асрий А.ларига мурожаат қилди. Улар ёрдамида ёш авлодда миллий ўз-ўзини англаш туйғуси ривожлантирилмоқда. Ўзбек халқининг қадимдан таркиб топган, ҳозир ҳам кенг амал қиладиган А.лари мавжуд. Булар жумласига кексаларга ҳурмат, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй б-н оқибатли, яқин алоқада бўлиш, эл-юртга садоқат, ҳашар, меҳмондўстлик, ота-онани, нонни эъзозлаш ва б. киради. Ўзбекистонда Наврўз, Мустақиллик куни, Конституция куни, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити ва б. халқ байрамлари яхши А.лар сифатида ҳаётга сингиб кетган.

АНЪАНАВИЙ ДАРСЛАР – дарсни бир маромда ўтиш жараёни. Ҳар доим давом этадиган айнан ўхшаш ўқув ҳолатлари. Анъанавий ўқитиш техн.лари, авторитар техн.лар асосида ташкил этиладиган ўқув жараёни ўқувчиларнинг ички дунёси б-н чуқур боғланмайди. Бу жараёнда ўқувчилар ўз индивидуал лаёқатларини намоён қилиш имкониятига эга бўлмайди. Улар ўзларини ижодий жиҳатдан кўрсата олмайди. Ҳар қандай таълим техн.си сингари А.д. ҳам ўзининг ижобий ҳамда салбий жиҳатларига эга. Унинг ижобий жиҳатлари сирасига, биринчи навбатда, ўқитишнинг тизимли характерга эгалиги, ўқув материалларининг мантиқий жиҳатдан муайян кетмакетликда тақдим этилиши, ташкилий жиҳатдан аниқлиги, оммавий ўқитиш жараёнида ресурсларни оптимал тарзда сарфлаш имкониятининг мавжудлиги кабилар киради.

Замонавий пед. фанида асосий эътибор шахсга йўналтирилган таълим жараёнини назарий-методологик жиҳатдан асослашга қаратилмоқда. Бундай таълимда ўқувчи ёки талаба шахсининг ютуқларини кўпайтириш ўқув жараёнининг асосий мақсадига айланди.

АНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАР – таълим беришда оғзаки баён этиш, тушунтириш, суҳбат, маъруза, ўқув ад.лари устида ишлаш. Ан.м. ўқитувчининг ахб.ли-иллюстратив ф-ятига таянади. Бунда ўқувчилар репродуқдив ф-ят кўрсатишади. Ўқувчилар ўзлари учун номаълум бўлган илмий далиллар б-н танишишади, қуруқдан-қуруқ муҳокамаларда иштирок этишади, ўқитувчилар томонидан талаб қилинган ҳаракатларни амалга оширишади. Ўқувчилар топшириқларни бажара туриб, улар устида ўйлайди ва амалда қўллайди. Бу жараёнда ўқувчи-талабаларда, асосан, боғланишли хотира ф-ят кўрсатади. Ан.м.нинг энг катта камчилиги таълим олувчиларда билимларни айнан кўчирилган ҳолда эгаллашга мослашганлигидадир. Шунинг учун ҳам улар ушбу билимларни тезда унутади. Шу б-н бирга улар ўзлари эгаллаган билимларни бир вазиятдан иккинчисига кўчира олмайди. Натижада мазкур

билимлар ёрдамида бошқа туркумдаги вазифаларни ечиш кўникмаларини эгаллай олмайди. Ишчан ўйинларнинг Ан.м.дан фарқи шундаки, таълим олувчилар ўйинлар жараёнида ўқув мавзусига хос бўлган асосий қонуниятларни ўзлаштиради ва амалий ф-ятларида қўллай оладилар. Таълим олувчилар амалий кўникмаларни Ан.м. ёрдамида ҳам ўзлаштирадилар. Бироқ бунинг учун амалий ф-ятни бажаришга мослашган шарт-шароитлар зарур бўлади. Бундай мет.лар ёрдамида кўп вақт сарфлаган ҳолда муайян кўникмалар ҳосил қилинади. Мазкур кўникмаларни ҳеч қандай мет.ларсиз ҳам эгаллаш мумкин. Таълим жараёнида самарадорликка эришиш учун ўқитувчи ўқитишнинг янги мет.ларидан фойдаланиши керак. Ан.м.нинг камчиликларидан яна бири – таълим олувчилар билимларининг ўзлаштирилиши устидан мунтазам назорат қилишнинг имкони йўқлигидадир. Одатда, ўқув материалларини тақдим этиш ва унинг ўзлаштирилиши устидан назорат қилиш оралиқ вақт ичида тақсимланган бўлиб, у.ў.т. мактабларида жуда қисқа жараёнда амалга оширилади. Бу жараёнда ўқитишнинг бир қатор мет.лари ўзаро боғланган ҳолда амал қилади (маъруза, муҳокама, намойиш қилиш ва б.). Ўқув курсларининг аксарият қисмида ҳар учала мет. ўзаро уйғунлаштирилади. Бу мет. лар таълим олувчилар муайян саволга жавоб бера олмаганда қўлланилади. Маълумки, Ан.м.дан фойдаланувчи баъзи ўқитувчилар яхши натижаларга эришади, ҳеч ким ўқитувчининг ўзаро алоқадорликдаги ҳаракатлари алгоритмини унинг ўзи каби туза олмайди. Шунинг учун ҳам энг яхши ўқитувчилар тажрибасини оммалаштириш орқали таълим жараёнида салмоқли натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Ан.м. сирасига семинар, ўқув фильмлари ва видеофильмлар намойиши кабиларни ҳам киритиш мумкин.

АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ – муайян муддатга мўлжалланган таълим жараёни. Таълимнинг анъанавий шакли, мет.и ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланган ҳолда таълим-т-я мақсадига эришишни англатади. А.т. атамаси, биринчи навбатда, ўқитишнинг синф-дарс тизимини ифодалайди. Бу тизимга буюк мутафаккирлар Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобийлар асос солган бўлсалар-да, 17-а.да дидактика принциплари доирасида кенг ёритилган. Унинг назарий жиҳатдан асосланишига Я. А. Коменский муносиб ҳисса қўшган. Анъанавий синф-дарс техн.сининг ўзига хос белгилари: 1) ёши ва тайёргарлик даражаси бир хил бўлган ўқувчиларнинг бир синфга жамланиши ва бу таркибнинг бутун мактаб таълими даврида сақланиши; 2) синфдаги барча ўқувчилар ҳамда ўқитувчининг ягона ўқув режаси, дастури ва дарс жадвали асосида ишлаши, шу асосда барча ўқувчиларнинг синфдан-синфга кўчирилиши; 3) машғулотларнинг асосий бирлиги сифатида дарс қабул қилинганлиги; 4) дарснинг ягона ўқув предмети, ўқув мавзусига бағишланганлиги, бунинг натижасида ўқувчиларнинг ягона ўқув материаллари устида ишлашлари; 5) ўқувчиларнинг ўқув ф-ятларига ўқитувчининг раҳбарлик қилиши; 6) дарсликларнинг, асосан, уй вазифаси сифатида ишлаш учун қўлланилиши. А.т. ўзининг фал. асосига кўра, зарурият пед.си ҳисобланади. Бунда таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларда ДТС талаблари асосида муайян билимлар тизимини шаклла-

тириш, уларнинг фан асосларини эгаллашларига шароит яратишдан иборат. Анъанавий техн.ларга амал қиладиган оммавий мактаблар билимлар мактаби сифатида ўз мавқеини сақламоқда. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг маданий ривожланишларини таъминлашга эмас, балки уларни ахб.лар б-н куроллантиришга қаратилган.

А.т.нинг асосини қуйидаги принциплар ташкил қилади: илмийлик, табиатни англашга қодирлик, изчиллик ва тизимлилик, қулайлик, мустаҳкамлик, онглилик ва фаоллик, кўргазмалилик, назария б-н амалиётнинг боғлиқлиги, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

АНЪАНАВИЙ ҚАРОРЛАР – таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш, таълим сифатини ДТС талабларига мувофиқлаштириш, педагог ходимларда зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда таълим муассасаси ф-ятини такомиллаштириш йўналишидаги иш режалари, турли дастурларни тасдиқлаш, шунингдек, одатий вазиятларда қабул қилинадиган қарорлар.

АПАТИЯ (юн. apatheia – бепарволик, лоқайдлик) – шахсдаги ҳиссий сусткашлик, бефарқлик, лоқайдлик кайфияти. Бундай ҳолатда шахс ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга эътиборсиз бўлади, ҳеч нарсага қизиқмайди, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий фаоллиги пасаяди. А. узоқ вақт давом этган руҳий бузилишлар туфайли юзага келади ва кечиш муддатига кўра, узоқ ёки қисқа муддатли бўлади. А. ҳолатини ақли заифлик ва ҳатто узоқ давом этган муайян касалликнинг асорати сифатида ҳам кузатиш мумкин. А.нинг илк босқичларида болаларда қизиқиш, хоҳиш ва интилишнинг бирмунча сусайиши, иштиёқ ва майлнинг пасайиши кузатилади. Кейинги босқичларда эса теварак-атрофдаги воқеаларга нисбатан уларда бефарқлик пайдо бўлади. Кўпинча, А. ҳолатидаги ўқувчининг мимикаси камаяди, ҳис-туйғулари совуқлашади, у ҳеч қандай кўнгилочар тадбирларда иштирок этмайди, атрофдагилар ва ўқув топшириқларга лоқайдлик б-н қарайди. А.нинг сўнгги босқичларида эса ўқувчиларда тўлиқ бефарқлик устувор бўлади. Ўқитувчилар А.нинг бошланғич даражаларидаёқ уни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари керак. А. ҳолатидаги ўқувчилар ўзининг ташқи кўриниши ва озодалигига ҳам эътибор бермайди. А. маънавий тушкунлик ва руҳий толиқиш натижасида ҳам келиб чиқади. Унинг олдини олиш учун ўқитувчи, т-ячи ва ота-оналар А.нинг келиб чиқиш сабабларини яхши билишлари керак.

АПЕЕССИЯ (лот. – ташланиш) – мавжуд қоидаларга қаршилик кўрсатишга мойилликни ифодаловчи деструктив хулқ-атвор. А.га учраган шахслар ўзлари ташланмоқчи бўлган объектга зиён етказишга ҳаракат қилади. Бундай муносабат, айниқса, жисмоний жиҳатдан заиф бўлган ёки уларга ноқулайлик туғдирадиган кишиларга нисбатан намоён бўлади. А. бир қатор кўринишларга эга: 1) жисмоний А. Жисмоний А.га учраган шахс ўзидан заиф бўлган ёки ноқулайлик туғдирган иккинчи бир кишига ташланади, ўзининг жисмоний куч-қувватини бошқаларга ҳужум қилиш жараёнида қўллайди; 2) вербал А. Вербал А.га учраган шахс ўзининг салбий ҳис-туйғуларини бақириб-чақириш шаклида намоён қилади; 3) муайян субъектга нисбатан йўналтирилган А. Унга учраган шахс муайян шахсга нисбатан

салбий муносабатда бўлади, натижада уни мунтазам таъкиб қилади; 4) душманликка асосланган А. Душманликка асосланган А.га учраган шахс ўзи ёмон кўрган кишиларга нисбатан тажовузкорона муносабатда бўлади, уларга ёмонлик қилишга интилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар таълим муассасаларида А.нинг ҳар қандай кўринишларига қарши зарур пед. чора-тадбирларни қўллаш тажрибасига эга бўлишлари керак.

АППЕРЦЕПЦИЯ (лот. ad – га ва perceptio – идрок, ўзига олиш) – психологик тушунча. А. шахс идрокининг умумий йўналганлигига боғлиқ. Бунда унинг ҳаётий тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. А. атамаси Г. В. Лейбниц томонидан муомалага киритилган. И. Ф. Гербартнинг таъбирича, ҳар қандай янги тасаввурлар шахснинг мавжуд тажрибасига алоқадор бўлгандагина тўғри англанади ва изоҳланади. Бирлашиш, уйғунлашиш жараёнининг айнан ўзи А. ҳисобланади. Айнан А. янги билимларни ўзлаштиришнинг аниқлиги, тўғрилиги ва идрокнинг мустаҳкамлигини англатади. И. Ф. Гербарт томонидан ривожлантирилган А. назарияси унинг билимларни ўзлаштириш ҳақидаги пед. таълимотига асос бўлди. Гербартнинг А. ҳақидаги таълимотини У. Жемс, П. Ф. Каптеревлар пед.га татбиқ этган ҳолда кенг фойдаландилар. А. тушунчаси В. Вундт тадқиқотлари туфайли психологияга кенг татбиқ этилди. А.га онг ф-ятининг изоҳловчи принцип деган маъно юкланди. В. Вундт А. б-н боғлиқ ҳолда онг ф-ятининг мураккаб жараёнларини, жумладан, диққат, тафаккур, ирода жараёнларини асослаган.

А. атамаси замонавий психология ва пед.да кўп қўлланилади. Бу шахс мавжуд тажрибасининг ҳар бир руҳий жараёнда иштирок этишини асослаш имконини беради. Инсоннинг дунёқараши б-н боғлиқ ҳолда кишилар айнан бир ҳодисани турлича идрок этади. Бунда шахснинг билим даражаси, касб-кори, миллий мансублиги ва ижт. тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Идрокнинг ҳаққоний механизмларини очишга хизмат қиладиган маълумотлар мавжуд. Бу идрокнинг табиий, ижодий билиш жараёни эканлигини асослаш имконини беради. Бунда нафақат кўплаб таъсирлар, балки шахсий тажриба ҳам ўз ифодасини топади. Пед. амалиётда А. қонуни қуйидагиларни талаб қилади: ўқувчилар олдига билиш вазифаларини қўйиш орқали янги билимларни изоҳлашга қизиқиш уйғотиш; ўқитувчи уларнинг билимларини аниқлаш мақсадида улар б-н ўрганиладиган янги мавзу доирасида суҳбатлар ташкил қилиши ва бу, ўз навбатида, янги билимларни идрок этиш учун талаб этилишини уларга англатиш; мустақил ва амалий ишларни ташкил этиш учун олдиндан кузатишлар ўтказиш. А. ҳодисасини таълимнинг дидактик принципларини татбиқ қилиш жараёнида алоҳида ҳисобга олиш керак. Айниқса, тизимлилик ва кетма-кетлилик принципларини қўллашда А. ҳодисасига эътибор қаратиш талаб этилади.

АПРОБАЦИЯ (лот. approbatio – тасдиқлаш, маъқуллаш) – назарий жиҳатдан асосланган метлар, жадвалларни ҳисобга олиш ва пед. жараёнлар моделини амалиётда текшириш. Тадқиқотлар А.си илмий ишлар натижалари ва мет.сининг табиийлигини тасдиқлаш, лаёқатли баҳолаш, асосли ва ижобий маънода танқид қилиш имконини беради. Бу эса унинг асослилиги ва самарадор эканлигининг муҳим шартидир. А. илмий

фараз, ёндашувлар, дидактик жараёнларнинг моделларини таҳлил қилиш ва текшириш асосида расмий равишда маъқуллаш, тасдиқлашни билдиради (мас., дарсликни А.дан ўтказиш ёки муайян таълим техн.сини А. қилиш ва б.).

АРАБ ЁЗУВИ – ёзув турларидан бири. Ғарбий Осиё, Шимолий Африка мамлакатларида қўлланилади. Ўнгдан чапга томон ёзилади ва ўқилади. Ҳоз. А.ё.да 28 та ҳарф ва 12 та ёрдамчи белги мавжуд. А.ё.нинг олдинги шакли куфий ёзув деб аталган. Фурот дарёси ёқасида жойлашган Куфа ш. олимларининг битиклари унга асос бўлган. А.ё.да 12 та ёрдамчи белгининг кашф этилиши, ҳарфларни бир-биридан фарқловчи нуқталарнинг қўлланилиши, уларнинг миқдори ва жойлашуви, яъни устки ёки остки нуқталар бўлишининг тайин этилиши бевосита Қуръони карим б-н боғлиқ. Исломшунос олимларнинг гувоҳлик беришича, ислом дини вужудга келиб тарқалгунга қадар арабларда қўлланилган ёзув ҳижозий деб аталган, уни қурайшийлардан Ҳарб ибн Умайя ўрганган ва ўргатган. Бу ҳам аслида анборий-ҳимёрий ёзув тури бўлиб, Ҳижозда тарқалган Қуръони карим илк оятлари шу ёзувда битилган. Абу Бакр саҳифалари, Усмон мусҳафлари турли ёрдамчи шакл ва нуқталардан холи ёзилган, унга жузълар, ҳизблар ва б. кўрсаткичлар аломати қўйилмаган. Қуръони карим ва б. ёзма асарлар куфий ёзувда ҳам битила бошланган. Чунки бу ёзув олдингисига қараганда мукаммал эди. Исломнинг Ажам мамлакатларига ҳам ёйилиши ёзувда киска унлиларнинг бўлишини заруратга айлантирган. Натижада мил. 688 й.да Ироқ валийси Зиёд ибн Абиҳи Абул Асвад Дувалийга наҳв (синтаксис) дарслиги яратишни буюрди. У киска унлиларни (а, и, у) ҳарф устига, ичига ва остига нуқта қўйиш б-н белгилаган. Иккинчи ислоҳ умавий халифалардан Валид ибн Абдул малик Марвон даврида амалга оширилган.

Ибн Халликон «Ат-тасҳиф» («Нотўғри талаффуз») китобида шундай ёзади: «Одамлар қирқ йилдан зиёд, то Абдулмалик ибн Марвон замонигача Усмон мусҳафларини ўқишда давом этдилар. Ирокда нотўғри талаффуз қилиш кучайиб кетгандан сўнг, Ҳаккож ўз китобларига шакли ўхшаш ҳарфларни бир-биридан ажратиш учун белгилар тайин килишни буюрди. Наср ибн Осим бу вазифани ўз зиммасига олди. Натижада, араблар ҳижрий 1-а.нинг 2-ярмидан, яъни умавийлар даврида нуқта ва ҳаракат белгиларини қўллай бошлади. Абул Асвад Дувалий ҳаракат белгиларини ва Наср ибн Осим нуқталарни жорий этишди».

Ҳоз. А.ё.нинг илк кўриниши куфий деб аталган. 18 шаклдаги ҳоз. А.ё. устки ва остки нуқталар ва уларнинг сони б-н фарқ қилувчи 28 ҳарфдан иборат.

Узоқ асрлар мобайнида аждодларимиз ўз саводларини А.ё.да чиқаришган, мактабларда ҳам дастлаб А.ё., кейинчалик А.ё.га асосланган эски ўзбек ёзуви ўқув-т-я жараёнидаги асосий ёзув сифатида амал қилган.

АРАБ ТИЛИ – Семит тиллар гуруҳининг жанубий тармоғига мансуб тил. Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Африка шимолидаги 20 дан ортиқ мамлакатнинг расмий дав. тили. А.т.да 200 млн дан ортиқ аҳоли гаплашади. Қад. А.т. мил. ав. 5–4-а.ларга тааллукли обидалар орқали маълумдир. У мумтоз А.т.нинг вужудга келишига замин бўлган. Мумтоз А.т.нинг лексик ва грамматик шаклланиши жоҳилия даври (5–7-а.лар) шоирларининг оғзаки ижодларида намоён бўла бошлаган. Қуръони

каримнинг нозил бўлиши натижасида мумтоз А.т. бадиий жиҳатдан янада бойиган ва грамматик меъёрлари мукаммаллашган. 8–9-а.ларда мумтоз А.т. грамматикаси ишлаб чиқилди. Ислом ёйилган ўлкаларда расмий ва илмий тил бўлиб қолди. Ибн Сино, Беруний, Хоразмий ва б.лар илмий асарларини А.т.да ёзган. мактабларда эса А.т. амал қилган. Мумтоз араб тили лексик жиҳатдан бироз ўзгарган ҳолда, ҳозирга қадар арабларнинг адабий тили бўлиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби араб дунёсини бирлаштириб турувчи Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва б. мўътабар манбалардир. Араб дунёсидаги вақтли матбуот, нашрлар, радио ва телевидение ҳозир шу тилда. Араб сўзлашув тили адабий тилдан кескин фарқланади, фонетик ва лексик жиҳатдан бир-бирига ўхшамайди. Миср, Судан, Сурия, Ироқ, Мағриб, Ҳасания (Мавритания), Шоа (Нигерия, Камерун, Нигер) лаҳжаларига бўлинади. Ушбу лаҳжалар, асосан, 3 сабабга кўра вужудга келган: 1) араб адабий тилига қурайш қабиласи (Макка) шевасида нозил бўлган Қуръони карим тили асос бўлган, зеро, ўша вақтлардаёқ Арабистон ярим оролида яшовчи қабилаларнинг тилларида турли тафовутлар мавжуд эди; 2) ҳоз. араб дунёсининг аксар қисми келиб чиқиши араб бўлмаган халқлардир. Улар ислом таъсирида араблашган. Уларнинг ҳоз. сўзлашув тилида исломгача мавжуд бўлган она тиллари унсурларининг бўлиши табиий; 3) араб дунёсининг аксар қисми ғарб истилочилари ҳукмронлиги остида бўлганлиги ҳудудий лаҳжаларнинг жиддий фарқланишига олиб келган. Туркистон, хусусан, ҳоз. Ўзбекистон ҳудуди Араб халифалиги томонидан бўйсундирилгач ва ислом дини маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилингач, А.т. ҳамда араб ёзуви мазкур ҳудудда илм-фан тили ва ёзувига айланди.

АРАБ ТИЛИ ХОНАСИ – араб тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга мўлжаллаб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

АРАБ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – 1) араб тили таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича ўқувчи ва талабаларга муайян БКМ ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) хусусий пед.нинг соҳаларидан бири.

АРАБ ТИЛИ ЎҚУВ ФАНИ – ихтисослаштирилган таълим муассасаларида араб тили асослари, унинг лексик, грамматик хусусиятларини ўргатишга хизмат киладиган ўқув фани.

АРАБ ТИЛИ ЎҚУВ ФАНИДАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – араб тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув фани бўйича ўқувчилар эгаллайдиган БКМларга қўйилган талабларни дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

АРАБОВА Карима (1932.20.3, Денов тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Самарқанд пед. билим юртини тамомлаган (1949). 1950 й.дан Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 3-, 1956 й.дан Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги 25-, 1969 й.дан Сурхондарё вилояти Қизирик туманидаги 28-, 1984 й.дан шу тумандаги 32-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси. Ф-яти давомида таълим самарадорлигини ошириш, дарсларни кўргазмали воситалар асосида ташкил этиш, КТМД талаблари асосида ўқувчиларнинг билим савияларини оширишга эришган. А.нинг илғор тажрибалари ҳамкасблари орасида кенг оммалаштирилган.

АРГУМЕНТ (лот. argumentum – далил, асос) – бирор фикр, мулоҳаза ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш, яъни кузатиш, тажриба-эксп. ва б. ёрдамида ёки ҳаққонийлигини ҳис этган ҳолда асослаб бериш.

Бевосита ва билвосита А.лар бўлади. Бевосита А. ҳиссий билиш, яъни кўриш, тажриба-эксп. орқали амалга оширилади. Билвосита А. эса ҳаққонийлиги аввалдан тасдиқланган бошқа фикр-мулоҳазалар ёрдамида амалга оширилади ва ҳулоса шаклида намоён бўлади. А.нинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. А.нинг хусусий кўриниши мантиқий исботлашдир. Мантиқий исботлаш деб, муайян фикр-мулоҳазанинг ҳаққонийлигини аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали асослашга айтилади. Исботлашдан мақсад бирор фикрнинг ҳаққонийлигини аниқлашдан иборат бўлса, А.дан мақсад фикрнинг аниқлиги, тўғрилигини аниқлаш, унинг аҳамияти ва муайян ф-ят учун қўллаш мумкинлигини кўрсатишдир. Исботлаш жараёнида қўлланиладиган ҳаққоний мулоҳазалар баён этилган фикрнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун хизмат қилса, А. далилланаётган фикрнинг бошқа шу каби фикрлардан афзалроқ эканлигини асослаш учун ҳам хизмат қилади. А. учун келтирилган фикрлар исботлаш учун баён қилинган далиллардан кўра ранг-баранг бўлади. А. шакллари б-н исботлаш шакллари бир-бирига айнан мос тушмайди. Исботлаш ҳулоса чиқариш кўринишида амалга ошади. А. кўпроқ суҳбат (диалог) кўринишида бўлиб, иштирокчиларнинг ҳар бири ўз фикри тўғрилигини исботлаш, рақиби фикрини рад этиш ва тингловчиларнинг ўзларини ҳам фикрлашга, ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилади. А. жараёнида тингловчиларда бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилади ва уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйғуси шакллантирилади. Далилловчи шахснинг сўз санъатини қай даражада эгаллаганлиги, яъни нотиқлик маҳорати тингловчиларда ишонч-эътиқоднинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, А. асос сифатида фикрнинг исботи учун қўлланиладиган мантиқий далилдир. А. ҳоз. замон гносеологияси, мантиқ ҳамда табиий фан соҳаларида кенг қўлланади.

АРИПОВА Шоҳида Раҳматовна (1958. 04.01. Бўка тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2007). ЎзМУни тамомлаган (1980). Термиз ш.даги 4-ихтисослаштирилган у.ў.т. мактаб-интернати директори. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика танловининг голиби (2006). «Шахсга йўналтирилган таълим» лойиҳаси бўйича республика танловининг голиби сифатида «новатор-ўқитувчи» сертификатига сазовор бўлган. Маҳалласида «Математика олами» тўгарагини ташкил этиб, унга 150 дан ортиқ ўқувчиларни жалб этган. А. «10-синфда геометрия», «11-синфда геометрия» номли методик қўлланмалар муаллифи. Унинг илғор пед. тажрибалари республика миқёсида кенг оммалаштирилган. «Фидокорона хизматлари учун» ордени б-н тақдирланган (2014).

АРИСТОТЕЛЬ, Арасту (Aristoteles) (мил. ав. 384/383, Стагира – 332/321, Халкида) – юнон файласуфи ва комусий олими. Кишилик ж-яти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган. 17 ёшидан Платон ташкил қилган академияда таҳсил олган ва 20 йил унинг ишларида иштирок этган. Кейинчалик Македония подшоҳи

Филипп таклифига биноан, шаҳзода Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) т-яси б-н машғул бўлган. У Афина ш.да лицей ташкил қилган. Ушбу таълим муассасаси перипатетик мактаб – файласуфлар мактаби деб аталган.

А. «Топика», «Метафизика», «Поэтика», «Риторика», «Жон ҳақида», «Органон», «Никомах ахлоқи», «Эвдем ахлоқи», «Сиёсат» ва б. асарлар муаллифи. Асарлари фал., этика, эстетика, психология, пед., мантиқ, табиатшунослик, тарих ва сиёсатга бағишланган. А. гарчи Платоннинг шогирди бўлиб, унинг ғояларидан баҳра олса-да, Платон таълимоти ва мутлақ ғоясини қаттиқ танқид остига олган. А. Платон ғояларининг сабабий боғланишини инкор этган. Борлиқ ҳақидаги таълимотида моддий нарсаларнинг объектив мавжудлигини тан олган. Материя умумий сабаб эканлигини, чунки усиз борлиқ бўлмаслигини таъкидлаган. Нарсаларнинг моҳияти ғояларда эмас, ўзидадир, деб ҳисоблаган. А. шахснинг билиш ф-ятини тажриба тўплаш ва ҳис қилиш манбаи сифатида эътироф этади. Унинг таъбирича, сезиш жонли мавжудотларга хос бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг инсон жисмида акс этишини ифодалайди. Сезги айрим нарсаларни ҳис этса, тафаккур нарсаларнинг умумий томонларини идрок этади. У сезгиларни тафаккурдан ажратади, тафаккурнинг манбаи мутлақ ақл, деган нуқтаи назарда туради. А. мантиқни билиш учун зарур бўлган тафаккур шакллари ва исботлаш тўғрисидаги фандир, деб кўрсатади.

А.нинг ахлоқ ва таълим-т-яга оид фикрлари ўз даврида ва кейинчалик пед. нинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. А. фан тараққиётининг ўзигача бўлган барча ютукларини умумлаштириб, фанларнинг ягона тизимини яратиш б-н инсоният маънавиятида из қолдирган. Унинг таъбирича, фанлар одамлар дунёқарашини ўзгартириб боради, бу ўзгаришлар фанларнинг ўзида ҳам, инсонларнинг оламга нисбатан муносабатлари, дунёқарашларида ҳам, улар томонидан таъсир кўрсатилган моддий оламдаги ўзгаришларда ҳам ўз аксини топади. А. биринчи бўлиб ахлоқ (этика)ни мустақил фан сифатида илмий-фал. билимлар тизимига киритган. А.нинг этикаси дунёвий, ҳар бир эркин кишини дав. фуқароси рухида т-ялаш масалаларига бағишланган. А.нинг фикрича, ахлоқ масаласини кенг ва атрофлича ўрганиш ҳамда унинг тизимини яратишдан аввал бахт-саодат нималигини аниқлаб олиш лозим. Шунга кўра, аллома фаровонлик, эзгулик, ирода эркинлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратган. А.нинг ахлоқ масалаларига бағишланган махсус асари – «Никомах ахлоқи»да озчиликка тааллуқли бўлган маънавий идеал таҳлил қилинади. Т-ядаги ютуқ турмуш тарзига боғлиқ. А.нинг фикрича, «эзгулик» аниқ мақсад ва унга доимий интилиш б-н боғлиқ. Эзгулик ҳар бир шахснинг ижтимоийлашиши жараёнида шаклланадиган фазилатдир. Унга таълим-т-я ва меҳнат орқали эришилади. А. эзгуликни чуқур таҳлил этишга ҳаракат қилган. У ўзининг назарий-пед. ёндашувларини амалий ф-ят б-н уйғунлаштиришга интилган. Унинг таъбирича, жасурлик ҳам эзгуликдир. У сохта қаҳрамонлик ва қўрқоқлик ўртасида туради. Чинакам қаҳрамон эса ўз олдидаги тўсиқларни енгиб, қўрқмай олға боради. Жасоратли киши азоб-уқубатга чидайди, меъёрида ва оқилона ҳаракат қилади.

А. ахлоқий фазилат ва иллатларни таснифлашга муваффақ бўлган. Жум-

ладан, ижобий фазилатларга жасурлик, довюраклик, сахийлик, ҳимматлилик, мулойимлик, тўғрилик, ҳақгўйлик, дилкашлик, меҳрибонлик, одиллик, ҳалолликни, салбий иллатларга эса қўрқоқлик, ўзини тия билмаслик, исрофгарчилик, хасислик, такаббурлик, пасткашлик, мақтанчоқлик, ҳимматсизлик, кўполлик, масхарабозлик, бемаънилик, тошбағирлик, адолатсизликни киритади.

Бугунги кунга қадар пед.лар шахсда учрайдиган ижобий ҳамда салбий сифатларни фарқлашда А. қарашларига таянадилар. А.нинг нуқтаи назарига кўра, ахлоқий сифатларнинг асосийси – адолатдир. У адолатсизлик деганда қонунларни бузадиган, барчага тенг муносабатда бўлмайдиган кишиларни тушунади. А. қонунга яраша иш қиладиган, барчага баробар қарайдиган кишиларни адолатли, деб ҳисоблайди. А.нинг пед. фикрлар тараққиётига кўшган муҳим ҳиссаси шундан иборатки, у илк бор эркинликка интилиш инсонга хос туғма хусусият эканлиги ва бу ҳол унинг маънавияти, ўзлигини англаши, юксак мақсад ва эзгу амаллар сари интилишлари б-н узвий боғлиқлигини асослаб берган. Алломанинг фикрича, инсон ана шу йўлда мутлақ эркин бўлгани боис ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатлари учун масъулдир. А.нинг фикрича, одамлар эзгулик ва ҳузур-ҳаловат тушунчаларини ўз ҳаёт тарзларига кўра белгилайдилар. Ҳақиқий бахт-саодатни маънавий юксак, оқилона фикрлайдиган кишиларгина англашга қодир бўлади. Маънавий баркамол инсон ақл б-н фазилат бирлигига амал қилади. Фақат ақлли ва фазилатли кишигина энг юксак ҳурмат-эътиборга лойиқдир. А.нинг пед. қарашлари жаҳон халқлари маърифий тафаккури хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. А.нинг фикрича, тафаккур ва фикрлаш айнан бир нарса бўлиб, ҳар иккиси ҳам материядан айридир. Худбинлик ўз-ўзини севиш б-н эмас, севгининг меъёрдан ортиб кетиши б-н белгиланади. Эзгулик қилишдан чўчийдиганларни ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Ҳамма яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал ҳам буза олмайдиган одамлар энг олийжаноб инсонлардир. Виждон олийжаноб инсоннинг одил ҳакамидир. А.нинг пед. қарашлари ёшларни ақл б-н иш кўриш, мустақил фикрлаш, ижт. фаолликка ундаши б-н ҳам қимматлидир.

Роҳат Сафарова

«АРРА» МЕТОДИ – пед. амалиётда қўлланиладиган мет. Ушбу мет.да кичик гуруҳлар 6–8 ўқувчидан ташкил топади, дарс давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул)ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан ўқувчилар бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлари тузилади. Ҳар бир ўқувчилар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича «мутахассис»га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) «мутахассиси» бўлиши шарт, мазкур «мутахассис»лар ўзлари эгаллаган билимларини худди «арра» тишлари кетма-кет келганидек навбат б-н ўртоқларига баён қилади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

1986 й.да Р. Славин «А».м.ни қисман ўзгартириб «Арра-2» мет.ни яратди. Мазкур мет.га кўра, кичик гуруҳ 4–5 ўқувчидан ташкил топади. Барча гуруҳ аъзолари ўқув материали юзасидан тузилган ягона топшириқ устида ишлайди. Гуруҳ ичида ўқувчилар топшириқларни

кисмларга ажратиб бўлиб олади. Ҳар бир ўқувчи ўзига тегишли кисмини пухта ўзлаштириб, «мутахассис»га айланади. Дарс охирида қайта ташкил этилган гуруҳларда ҳар бир кичик гуруҳдаги «мутахассис»лар учрашуви ўтказилади. Ўқувчилар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат килинади ва баҳоланади. Гуруҳ аъзоларининг баллари жамланади, энг юкори балл тўплаган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

АРХАИЗМ (юн. archaios – қад., кўҳна) – эскириб, истеъмолдан чиқиб колган сўз ёки ибора. Пед. соҳасида таълим-т-яга оид эскирган қад. атама, тушунча, қоидалар тушунилади. Маънавият нуқтаи назаридан эса эскилик сарқити, инкор этилган нарса ва ҳодиса сифатида англанади.

АСАДУЛЛАЕВ Тўрахон (1941.14.4, Касби тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Қарши ДПИнинг ўзбек тили ва ад. ф-тини тамомлаган (1966). 1972–75 й.ларда Касби туманидаги 13-мактабда етакчи, 1975 й.дан 20-мактабда, 1995 й.дан 2-мактабда ўзбек тили ва ад. ўқитувчиси. А. мактабда намунали ўзбек тили ва ад.и хонасини ташкил этган ва уни замон талаблари асосида жиҳозлаган. Унинг «Ўқитувчи ижодкорлиги дарс самарадорлиги» мавзуидаги методик кўлланмаси чоп этилган. А.нинг илгор пед. тажрибалари Қашқадарё вилояти ўқитувчилари орасида кенг оммалаштирилган.

АСОТИР (араб. – афсона) – 1) ибтидоий давр кишилари томонидан коинот, табиат ҳодисаларининг моҳияти, пайдо бўлиш сабабларини ўзларича изоҳлаш максадида яратилган оғзаки ҳикоялар; 2) миф, афсона, ривоятларни ўргатувчи фан соҳаси. А. барча халқларнинг ибтидоий даврдаги асосий дунёкараши шакли бўлиб, ўша давр кишиларининг оламни, ўзини қуршаб олган ташқи дунёни маънавий жиҳатдан ўзлаштиришга бўлган лаёкати, ўзига хос интилишлари, таълим-т-я тизимидан дарак беради. А. табиат кучларига руҳий тус бериш, уларни жонлантириш, аниқ ҳиссий образларга киритиш, тирик мавжудот (инсон, ҳайвон)лар образи, шакл-шамойилида тасаввур этиш орқали ҳам ифодаланади. А.нинг тарихий шакллари фетишизм, тотемизм ва анимизмдир. А.нинг асосий шакллари: этимологик – табиат ва борликнинг алоҳида жисм-ҳодисалари пайдо бўлишига доир қарашлар тизими; космогоник – оламнинг пайдо бўлишига доир; этногоник – авлодлар ва уларга дахлдор табиий-биологик жараёнларга доир қарашлар тизими; антропологик – одамларнинг пайдо бўлишига доир карашлар тизими; эсхатологик – инсонларнинг келажаги тўғрисидаги карашлар тизими. Абстракт тафаккурнинг ривожланиши натижасида А. абстракцияси вужудга келадики, унинг махсули – яккахудолик тўғрисидаги тасаввур ҳисобланади. А.нинг муҳим қонунларидан бири шундаки, унинг образ ва каҳрамонлари эпосларда акс эта бошлайди ва эпик умумлашмага хос янги хусусиятлар касб этади (мас., «Авесто»даги ҳикоялар, «Гўрўғли», «Алпомиш» каби халқ достонлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ва б.). А. образларисиз пед. фикр тараккиётини тасаввур килиб бўлмайди.

АСПИРАНТ (лот. aspirans – бирор нарсага интилувчи) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 й. 24 июлдаги «Олий малакали илмий ҳамда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармо-

ни қабул қилингунга қадар олий таълим ёки и.т. муассасасида и.т. ишлари олиб борган олий маълумотли шахс.

АСПИРАНТУРА – илмий ҳамда илмий-пед. кадрларни тайёрлаш шакли. ОЎЮлари ва и.т. ин-тлари ҳузурида ф-ят кўрсатган. Ўзбекистонда А. 1930 й.да ташкил этилган. Аспирантлар томонидан номзодлик дисс.ларини ҳимоя қилиш 1934 й.дан бошланган.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга ошириладиган кундузги А.да 35 ёшгача бўлган мутахассислар 3 й. таҳсил олишган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда амалга ошириладиган сиртқи А.да 45 ёшдан ошмаган мутахассислар 4 й. давомида ўқишган. 2000 й.нинг бошида сиртқи А. тугатилиб, мустақил тадқиқотчилар ин-ти амалда бўлган. А.га кирувчилар ўз мавзу ёки мутахассисликлари доирасида илмий маъруза ёки реферат тақдим этишган. Шу б-н бирга, ўзларининг нашр қилинган илмий ишларини ҳам тақдим этиш имкониятига эга бўлишган. Улар олий таълим дастурлари асосида мутахассислик фанлари, фал. асослари, Ўзбекистон тарихи ва хорижий тиллардан кириш имтиҳонлари топширишган.

Аспирантлар илмий раҳбар назорати остида шахсий режалари асосида ишлаганлар. Улар муайян амалиётни ўтаган ҳолда фан номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. тайёрлаганлар. Уларнинг илмий ходим сифатида аттестациядан ўтказишнинг дастлабки босқичи номзодлик минимум имтиҳонлари бўлган. Номзодлик минимумлари фал. асослари, хорижий тиллар, мутахассислик фанлари ва информатика асослари, мустақиллик мафкураси ҳамда демократик ж-ят қуришнинг иқтисодий, ижт.-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари (Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари асосида)дан топширилган.

Мутахассислик фанларидан имтиҳон 2 қисмли дастур – типовой ва қўшимча дастур асосида топширилган. Дисс.нинг муваффақиятли ҳимоя қилганларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарори б-н тегишли фан соҳаси бўйича «фан номзоди» илмий даражаси берилган ҳамда дав. томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 й. 24 июлдаги «Олий малакали илмий ҳамда илмий-пед. кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони қабул қилингач, А. расман тугатилиб, олий малакали илмий ҳамда илмий-пед. кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими жорий этилган. Мазкур тизимнинг ўзига хос жиҳатлари ва ҳуқуқий меъёрий асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 й. 28 дек.да қабул қилинган «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида ўз ифодасини топган.

АССЕРТИВЛИК – инсоннинг ўз ҳуқукларини қатъийлик б-н асосли тарзда ҳимоя қила олиши. Бу жараёнда бошқаларнинг ҳуқуқлари поймол қилинмаслиги керак. А. тўғридан-тўғри, қатъий, очиқ ҳулқ-атвор ифодасидир. У бошқа одамларга зиён етказиш мақсадини назарда тутмайди. Ижт.-психологик характердаги турли-туман тренинг дастурларнинг ишлаб чиқилиши

А.ни ривожлантириш ва тартибга солишга қаратилган. Уларнинг кўпи инсон хатти-ҳаракатлари ва хулқини яхшилашга қаратилган. Бошқа бир гуруҳ тренинглар эса гуманистик психология анъаналарига амал қилишга йўналтирилган. Уларнинг барчаси муайян даражада шахс лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилганлиги б-н характерлидир. Ассертив кишилар қатъиятли, ҳақгўй ва дўстларига садоқатли бўладилар.

АССИМИЛЯЦИЯ (лот. assimilatio – ўхшашлик, қўшилиш, ўхшатиш, баркарорлашув) – хулқ-атворнинг мавжуд колиплари асосида муайян материалларни ўзлаштириш. А. швейцариялик психолог Ж. Пиаженинг интеллектнинг ривожланиши концепциясида мослашиш жараёнининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. У шахснинг когнитив ф-яти таркибига асосланган ҳолда аниқ воқеликдан келиб чиқади. Ж. Пиаженинг таъбирича, билиш А.си биологик А.дан деярли фарқ қилмайди. Ҳар қандай мослашиш ва мувофиқлаштиришда А. аккомодациядан ажратилмайди. Ҳар қандай ақлий ф-ят усуллари ривожланишининг дастлабки босқичида А. ва аккомодация тенденциялари ўртасида ўзаро мувофиқлик амалга ошади.

А.ни дастлаб Ж. Пиаже шаклни ўзгартирувчи деб атайди. Чунки аккомодация натижасида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш усуллари ўзгаради. А. ва аккомодациянинг келиб чиқиши фикрни тўхтата олмасликни келтириб чиқаради. А. ва аккомодация бир-бирини тўлдира бошлаган ҳолларда эса ўқувчиларнинг фикрлаш тарзи ўзгаради. У объективликка қараб ҳаракатланади. Шу тариқа, А. ва аккомодация янгича, муайян даражада ривожланган ўзаро муносабатлар босқичига кўтарилади. Натижада ўқувчиларнинг фикрлари ривожланиб, улар худбинликдан қутула бошлайди. Ж. Пиаженинг таъбирича, ҳар қандай мантиқий қарама-қаршилик А. ва аккомодация ўртасидаги генетик зиддиятлар маҳсулидир. Биологик жиҳатдан бундай вазиятдан қутулиб бўлмайди.

АССИСТЕНТ (лот. assistens – ёрдам берувчи) – 1) мутахассис ёрдамчиси (мас., проф. ассистенти); 2) ОЎЮда ўқитувчилик лавозими. ОТМда А.лар лаб. ҳамда амалий машғулотларни ўтказади. Улар талабалар б-н доц. ва проф.лар раҳбарлигида ишлайди ҳамда каф.нинг и.т. ва мет. ишларида иштирок этади.

АССОЦИАТИВ ЭКСПЕРИМЕНТ – шахс майлларини тадқиқ қилиш мет. ларини ўзига хос тарзда лойиҳалашни англатувчи атама. У психология ва пед. да кенг қўлланилади. А.э. 20-а.нинг бошларида К. Г. Юнг томонидан муомалага киритилган. Айни шу вақтда бу атама М. Вертгеймер ва Д. Кляйн томонидан ҳам қўлланилган. Бунда респондентлар мойилликни ифодаловчи муайян сўзлар тўпламига жавоб бера олишлари, ўз мияларига келган ҳар қандай сўздан фойдаланишлари мумкин. Мазкур жараёнда вужудга келган ассоциация (боғланиш) ларнинг турлари қайд қилинади. Бунда яширин бурилишларнинг катталиги, хулқ-атвор кўринишлари ва физиологик муносабатлар алоҳида ҳисобга олинади. 20-а.нинг 20-й.ларида А. Р. Лурия томонидан аффектнинг ёпиқ изларини очиш максадида А.э.нинг мойилликни қўзғатувчи вариантлари таклиф қилинган. Унга кўра, синалувчилар бир вақтнинг ўзида сўзлар ёрдамида жавоб қайтариш б-н бир қаторда, ҳар иккала қўлларида муайян ҳаракатларни бажаришлари керак. Мас., ҳар иккала

қўлларининг кўрсаткич бармоқлари б-н телефон ёки комп. тугмачаларини босишлари лозим. Аффектнинг яширин изларини нафақат сўзлар воситасида кайтарилган жавоблар орқали ойдинлаштирилади, бу жавоблар б-н ҳаракатларнинг уйғунлиги ҳам мазкур изларни аниқлашга хизмат қилади. А.э.лардан таълим олувчиларнинг ф-ятларини ташхислаш ва тадқиқотлар мақсадида фойдаланилади.

А.э.нинг бир қатор турлари мавжуд. Улардан энг машхурлари: эркин А.э.; йўналтирилган А.э.; занжирсимон А.э.

АСТРОНОМИЯ ЎҚУВ ФАНИ – АЛ ва КҲКларида ўкитиладиган ўкув фани. Унинг мазмуни осмон жисмларининг тузилиши, ҳаракати, келиб чикиши ва ривожланиши, тизими ҳақидаги билим ва илмий маълумотлар мажмуидан иборат.

АТАМУРАТОВА Ойтош Маматовна, (1960.01.05, Ғузор тумани) – Ўзбекистон Республикаси халк ўкитувчиси (2013). Қарши ДПИни тамомлаган (1982). Ғузор туманидаги 34-у.ў.т. мактабининг бошланғич синф ўкитувчиси (1982 й.дан). А. «Йилнинг энг яхши фан ўкитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган (2011). Унинг «Бошланғич синф ўкувчиларини ўкитишда инн-он технологиялардан фойдаланиш», «Ихтисослаштирилган синфларда дарс ўтиш методлари» номли услубий қўлланмалари таълим жараёнига татбиқ этилган. Дарс жараёнида ўзи яратган 250 дан ортиқ кўргазмали куроллардан маҳорат б-н фойдаланиши натижасида ўкувчиларида ўзлаштириш самарадорлигининг ўсишига эришган. Мактабда «Ифодали ўкиш», «Чиройли ёзув», «Инсон ва табиат» каби тўгараклар ф-ятини йўлга қўйган.

АТАРАКСИЯ (юн. ataraxia – хотиржамлик) – юнон ахлокида руҳий осойишталик, хотиржамлик ҳолатини ифодаловчи сўз. Мазкур сўз шодлик, кайғуларга нисбатан бепарволик, ҳиссиётларга берилмасликни ҳам ифодалайди.

АТЕИСТИК ТАРБИЯ – ёшларни динсизлик, худосизлик руҳида т-ялаш. А.т. собиқ шўролар даврида т-янинг асосий шакли ҳисобланган ва фал.-материалистик таълимот сифатида кенг тарқалган. А.т. динлар вокеликни нотўғри акс эттиради, деб эътироф этади. А.т. ҳар қандай дин, ғайритабиий куч, худо, рухлар мавжудлиги, рухнинг абадийлиги ва бир мавжудотдан бошқасига ўтиши, дунё ва ундаги барча нарсаларни йўқдан бор бўлишини инкор этиш ахлокини шакллантиришга ҳизмат қилади. А.т. моддий дунёнинг абадийлиги ва яратилмаганлиги, табиат ва ж-ятнинг ўз қонунларига кўра ривожланиши, ғайритабиий кучларни инкор этиб, ҳаётнинг фақат бу дунёда мавжудлигини таъкидлайди. А.т. унинг тарихи, материалистик дунёқарашнинг шаклланиш усул ва воситалари ҳақида таълим олувчиларда билим, тушунча ва тасаввур ҳосил қилишга йўналтирилган.

Турли маданий-тарихий ёндашувларда А.т. деганда, диний ҳурфикрлилик, диний агностицизм, ёркин ифодаланган шаклдаги радикал А.т. деганда ҳоз. замон материализм тарафдорлари, айниқса, марксизм ва позитивизм ғояларини ёшлар онгига сингдириш тушунилади. Агностицизмга асосланган А.т. юнон файласуфлари томонидан асосланган бўлиб, Демокрит, Сукрот, софистлар (Протагор, Горгий), Эпикур ва унинг мактаби, илк киниклар ва скептиклар қарашларида акс этган. Ўрта асрларда ҳукмрон диннинг танқиди дисси-

дентлик, хурфикрлилик, у ёки бу диний акидаларни рад этиш ва шу асосда янги диний йўналишларга ишончни шакллантириш б-н ифодаланади.

20-а.да содир бўлган ижт. фалокатлар, 1-2-жаҳон урушлари ҳамда тоталитаризм жиноятлари окибатида турли антисциентистик ва диний-мистик таълимотлар қайта жонланди. «Дин – атеизм» антитезиси янги шаклларда намоён бўлди. Инсоний ақлнинг ижт. тараққиётни таъминлаб беришга қодир эканлигига ишонган рационалистларнинг таъсири кучайди. Шу аснода мазкур ғояларни ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш воситалари, йўллари, усуллари ва метлари ҳам кашф этилди. Турли диний-мистик, ибтидоий динларга хос таълимотлар, фанга қарши бўлган ва хурофотга оид тасаввурларга ёшларни ишонтириш ҳаракатлари кучайди.

Шўролар ҳукумати барҳам топгач, «Илмий атеизм» фан сифатида тугатилди. Бугунги кунда АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари аҳолисининг 8–10 фоизи атеист ҳисобланади. Бу мазкур мамлакатларда А.т.нинг амал қилаётганлигидан далолат беради.

Кўпгина халқаро ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари декларациясида: «Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир», деб ёзилган. Замонавий демократик ж-ятлар, шу жумладан, Ўзбекистонда фуқаролар учун ҳақиқий виждон эркинлиги ҳуқуқи, яъни хоҳлаган динни эркин танлаб олиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Шу б-н боғлиқ тарзда ёшларни диний бағрикенглик руҳида т-ялаш имкониятлари кенгаймоқда. Ўзбекистонда «Дунёвийлик – дахрийлик эмас» деган принципга амал қилинмоқда. Бу эса ҳуқуқий демократик дав. қуриш жараёнида диний ва дунёвий қадриятларни умуммиллий манфаатлар асосида уйғун ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

АТОЕВ Абдулла (1937.19.09, Ромитан тумани – 2011, Бухоро) – пед. фанлари д-ри (1984), проф. (1985), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси (1974). Миллий кураш бўйича Республика тоифасидаги ҳакам (1976). Ўзбекистон давлат жисмоний т-я институтини тамомлаган (1960). Ўз ф-ятини 1960 й.да Бухоро ДПИ жисмоний т-я каф. ўқитувчиси сифатида бошлаган. Бухоро ДПИда ёшлар ташкилотини бошқарган (1961–66), П. Ф. Лесгафт номидаги Санкт-Петербург жисмоний т-я ин-ти аспирантурасида таҳсил олган (1967–69). Бухоро ДПИ (1992 й.дан Бухоро ДУ)да жисмоний т-я назарияси ва гимнастика каф. мудири (1969), жисмоний тарбия ф-ти декани (1971–81).

Ўзбекистонда ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда миллий спорт элементлари, халқ ўйинлари ва махсус машқларни қўллаш самарадорлигини текшириш ва оилада болаларни жисмоний т-ялашнинг назарий ва амалий асослари мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

А. 300 га яқин илмий ишлар, жумладан, «Средства и методы подготовки подростков и юношей по борьбе кураш», «Болаларни чаққон, эпчил ва бақувват қилиб тарбиялаш», «Кураш», «Элга танилган бухоролик полвонлар» каби асарлар, «Узбекская национальная спортивная борьба – кураш» дастури муаллифи. Унинг раҳбарлигида 8 фан номзоди ва 2 фан доктори тайёрланган. У Кураш бўйича фахрий спорт устаси (1964), 1987 й.да Т. Н. Қори Ниёзий номидаги медаль б-н тақдирланган.

АТРИБУЦИЯ (лот. attributio – нисбат бермоқ) – шахс, нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим белгилари, хусусиятларини аниқлаш. Дастлаб мутахассисларнинг амалий тажрибаси, билими, ҳиссий хулосаларига асосланган А. 19-а. охиридан илмий-услубий таҳлил ва тадқиқотлар натижаларига таянмоқда. А. пед. тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эга. А. ижт. психология ва пед.да шахс хулқ-атворини аниқ, когнитив тушуниш жараёнидир. А.нинг моҳияти шахсни сифатларига кўра ажратиш бўлиб, бу белгилар ташқи жиҳатдан ёркин тарзда намоён бўлмайди. Улар ижт. перцепция натижаси сифатида эътироф этилади. Хулқ-атвор кўринишлари кузатувчилар учун қулай бўлиб, улар томонидан ҳис этилади. А. ижт. объектларни изоҳлашга уриниш, унинг хулқ-атворини зарур ахб. лар етарли бўлмаган шароитда фикрлаш орқали тушунишни англатади ва абстракт тушунтиришдан фарқ қилади. Бундай изоҳ психологлар томонидан берилиб, муайян когнитив жараёнларни ўзида намоён қилади. Шунинг учун ҳам у кўплаб кишиларга хос хусусият бўлиб, когнитив психологияда чуқур ўрганилади.

20-а.нинг 70-й.лари охиридан А. ижт. психология соҳасидаги тадқиқотларда кенг қўлланила бошланди. А. том маънода инсоннинг ўзи ва ўзгалар хатти-ҳаракатлари майлларини тушунтириш имконияти сифатида намоён бўлган. А.нинг мазмуни кенгайиши б-н у ўзи ифодалаган маъно чегарасидан чиқиб кенгроқ моҳият касб эта бошлаган. А.нинг ҳоз. мазмун-моҳияти муайян шахснинг кишилардаги турли ўзига хосликларини тасвирлаши, улар хулқ-атворидаги ўзгаришларнинг сабаблари ҳақидаги хулосалари, истиқболдаги ҳаракатлар ва уларнинг натижаларини башорат қилишни англатади. Шу аснода А. объектлари ҳам кенгайди. Шунга кўра, А. доирасида жараён ва унинг натижалари тушунилади. Бунда табиийлик б-н бир қаторда, сохталик ҳам намоён бўлади.

А.га оид вазифаларни ечишда америкалик психолог Харольд Келли томонидан тақдим этилган мезонлардан фойдаланилади. Кишилар хулқ-атворни фарқлашда ўз тажрибаларидан фойдаланади. Бунда улар хулқ-атвор ва бир хилдаги фикрлаш тарзи б-н келишадилар. Бу жараёнда хулқ-атворнинг муайян сабаблари муайян омиллар б-н изоҳланади. Аксарият ҳолларда инсонда фарқли жиҳатлар, бир хилдаги фикрлаш тарзи, келишувчанликни баҳолаш учун ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас. Бундай вазиятларда муайян ҳолатларни асословчи сабабларни топиш мураккаб кечади. Аксарият ҳолларда кишилар ҳаётий натижаларни бирлаштиришга интилади. Нотўғри А.ларнинг вужудга келиш сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) А.ларга оид фундаментал хатолар; 2) кузатувчилар ф-ятининг бир ёклама характерга эгалиги; 3) одамлардаги хулқ-атворнинг диспозицион характерга эгалигини изоҳлашлари; 4) диспозицияларга асосланган фикрга ҳаддан ташқари ишончнинг мавжудлиги ва б.

АТРОФЛИЧА ФИКРЛАШ – муайян масалани тафаккур воситаларидан фойдаланиб, атрофлича боскичма-боскич ҳал қилишдан иборат ақлий ф-ят жараёни.

АТТЕСТАТ (лот. attestor – гувоҳлик бераман) – 1) ўрта ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат. Етуклик аттестати – у.ў.т. мактабини битириб чиққан ўқувчиларга бериладиган дав. ҳужжати; 2) илмий ёки махсус унвон

берилганлик тўғрисидаги шаҳодатнома. Мас., проф.лик, доц.лик, к.и.х.лик аттестати.

АТТЕСТАЦИЯ (лот. attestatio – гувоҳнома) – 1) мутахассисларнинг ишга лаёқати, малакаси, билим даражаси ва ҳулқ-атворини аниқлаш ва шу асосда ишга тайинлаш ёки унвон бериш учун ўтказиладиган синов; 2) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида муайян таълим муассасаси ф-ятининг асосий йўналишлари: моддий-техник базаси, кадрлар б-н таъминланганлиги, ўқув-ғявий ишларнинг ташкил этилиши, бошқарув даражаси, ўқув-услубий таъминоти, ўқувчи ва талабалар билим даражаси ва б. кўрсаткичлар бўйича ДТСига нечоғлик мувофиқ эканлигини аниқлаб берувчи жараён.

Таълим муассасасининг А.си Ўзбекистонда таълим ф-яти натижаларини дав. томонидан назорат қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида таълим муассасалари ходимларини А.дан ўтказиш тизими такомиллаштирилган. А. узлуксиз таълим муассасалари битирувчилари тайёргарлик даражасининг мазмуни ва сифатининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш имконини беради. А. жараёнларига таълим муассасасини битирганлиги ҳақида дав. А.си намунаси асосида ҳужжат берадиган барча нодав. ташкилотлар ҳам жалб этилади. Барча иштирокчиларнинг ярмидан кўпи 3 йил давомида ижобий натижага эришган таълим муассасалари А.дан ўтган ҳисобланади.

Пед. ходимлар ҳамда раҳбар кадрлар А.си уларнинг касбий малакаси ва ф-ятини яхлит тарзда баҳолаш имконини беради. А. натижасида пед. ҳамда раҳбар ходимларга касбий тайёргарлик даражаси б-н боғлиқ ҳолда тоифалар бериш имконияти таъминланади. А. талабларида пед. ходимларнинг тайёргарлик даражасини қамраб олган кўрсаткичлар ўз ифодасини топади. Пед. ходимларга ҳақ тўлашни тўғри ташкил этиш мақсадида ҳар бир тоифа даражасини аниқлаш имконини берадиган талаблар жорий қилинган. А. махсус ташкил этилган А. комиссиялари томонидан ўтказилади.

АУДИТОРИЯ (лот. audio – тинглаш) – тинглаш хонаси. Олий, ўрта махсус ҳамда малака ошириш муассасаларида дарс ўтказиладиган хона. Радио ва телекўрсатувларнинг тингловчи ва томошабинларига нисбатан ҳам А. атамаси қўлланилади. Маърузаларни тингловчи субъектлар гуруҳига нисбатан ҳам А. атамаси ишлатилади (мас., ўқитувчилар А.си ва б.). Бу ўринда А., асосан, кичик гуруҳлар маъносини ифодалайди. Улар муайян хонада жамланиб тақдим этиладиган маъруза ва маълумотларни тинглаш б-н машғул бўлади. А.нинг 2 та муҳим кўриниши мавжуд: тўғри бурчакли А. ва доира шаклидаги А. Оралиқ шакллар ҳам амал қилади: айлана шаклидаги, ажралган шаклдаги, трапеция кўринишидаги ва б. А.да кишиларнинг бир-бирлари б-н танишишлари, уларнинг ўз-ўзларини баҳолашлари, мавжуд тажрибалари, фикр йўналтирилган шахсга муносабатлари, уларнинг манфаат ва кадриятларининг ўзаро мувофиқ келмаслиги, муҳокама мавзусининг аҳамиятлилиги ва долзарблиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.

АУТИЗМ (юн. autos – ўзим) – алоқалар бузилишини ифодалаш учун қўлланиладиган атама. Мазкур атама

швейцариялик психиатр ва психолог Э. Блейлёр (1857–1939) томонидан илмий муомалага киритилган. А.га учраган кишилар ҳаётий вокеликдан чекиниб, ўз кечинмалари гирдобига ғарқ бўлади. Мазкур шахсларнинг аутистик тафаккури асабий ҳолатларга бўйсунади. А. замонавий ёндашувларда руҳий бузилишлар, жумладан, шизофрения б-н боғлиқ ҳолда талқин этилади. А. атамаси кенг маънода ҳам қўлланилади. Бунда у шахснинг ўзига хос хусусиятларини ифодалашга хизмат қилади. Бундай кишиларнинг ҳолати ўзининг юкори даражадаги ички кечинмаларига йўналтирилган бўлади. Ихтиёрийликка асосланган бундай руҳий ҳолат одатдаги меъёрларга тўғри келади.

Эрта болаликда учрайдиган А. илк бор Л. Каннер (1943) томонидан клиник синдром сифатида таҳлил этилган. Бугунги кунда А. умумий кўпқиррали бузилиш, руҳий ривожланишнинг издан чикишини ифодалайди. Бу боладаги биологик жиҳатдан етишмовчилик туфайли вужудга келади. Унинг асосий клиник белгилари: 1) боланинг туғма тарзда эффектив алоқа ўрнатиш лаёқатига эга эмаслиги, бу унинг кўз карашлари, хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари орқали кириша олмаслигида намоён бўлади. Бунда мулокотдаги қийинчиликлар боланинг интеллектуал ривожланиши б-н боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади; 2) хулқ-атворнинг бир қолипга тушиб колганлиги, атрофдагиларга нисбатан қўлланадиган хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Болада бир қолипдаги ҳаракатлар ва силжишлар, қизикишлар такрорланади; 3) ҳиссий таъсирларга нисбатан ноодатий реакцияларнинг кайтарилиши; 4) интеллектуал тараккиёти даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мулокот жараёнида нуткий бузилишларнинг намоён бўлиши.

Руҳий ривожланишнинг ўзига хослиги, аномалликнинг намоён бўлиши 2,5 ёшгача давом этади. А.нинг намоён бўлиши кўркув, тажовузкорлик, салбий қарашларда ўз ифодасини топади. Бу болаларда 3–5 ёш орасида яққол намоён бўлади. Кейинчалик эса ривожланишдаги бузилишлар асосий ўринга чиқиб, боладаги шахсий ижт. етуклик лаёқатининг пастлиги намоён бўла бошлайди. Бундай болалар аксарият ҳолларда новербал соҳаларда кисман иктидорга эгаликларини намоён килади. Болаларда учрайдиган ва эрта намоён бўладиган А.ни тиббий-психологик ва пед. жиҳатдан тузатиш бундай болаларга бевосита пед.-психологик ёрдам кўрсатиш орқали улардаги руҳий бузилишларнинг олдини олиш мумкин.

АУТОГЕН МАШҚ, аутотренинг (юн.autogenes – ўзи бажарадиган) – ички аъзолар функцияси, харакат ф-яти бузилганда ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини бошкариш орқали шу ҳолатдан фориғ бўлишга олиб келадиган психотерапия (руҳий даволаш) усули. У немис олими И. Шульц томонидан таклиф этилган. А.м. бирор техник мослама (хотира, диққат тренажери) ёки шахснинг ўз хоҳиш иродаси б-н амалга оширилиши мумкин. Бунда машқ қилаётган шахсни оёк-кўлларини бўш қўйишга, ҳеч нарсани ўйламасликка, хотиржам бўлишига, фақат соғайиб кетишига ишонтиришга харакат қилинади. Бу усул бошка руҳий даволаш усуллари б-н уйғун тарзда амалга оширилганда кутилган самарадорликка эришиш мумкин. А.м. мактаб ўкувчилари, талабалар, ўкитувчи ва ота-оналар учун алоҳида соғломлаштирувчи ва тинчлантирувчи аҳамиятга эга. Бун-

дай ҳолларда А.м. дастури руҳий ўз-ўзини тартибга солиш, салоҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган машқлар б-н бойитилади. Мас., мактаб ўқувчилари учун ташкил этиладиган А.м.да ўзини ўзи т-ялаш мақсадида уларда ўз-ўзига ишончни қарор топтириш, муваффақият қозонишга интилиш, кийинчиликларни бартараф этиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилади. А.м. ёрдамида руҳий ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ўзлаштириш 3–4 ой мобайнида мунтазам ишлашни талаб қилади.

АФИНА ТАРБИЯСИ – мил. ав. 7–5-а. ларда қад. Афинада шаклланган т-я тизими. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар грамматика мактаби, кифарачилар ва палестра мактабида ўқитилган. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари машғулотларни 18 ёшгача гимназияда давом эттирган. 18–20 ёшдаги ўсмирлар т-яси Эфебияда шуғулланиш б-н якунланган. Маънавий т-я гимнастик т-я б-н қўшиб олиб борилган. Ўқиш даврида болаларнинг жисмоний меҳнат б-н шуғулланишларига йўл қўйилмаган.

АФФЕКТ (лот. affectus – руҳий ҳаяжон) – турли ташқи ёки ички таъсирлар асосида тез пайдо бўлиб, қисқа муддатли, аксарият ҳолларда «портлаш» тарзида бўладиган кучли ифодаланадиган ҳиссий ҳолат (қўркинч, даҳшат, ғазаб ва б.). А. кайфият ва эҳтиросдан фаркли тарзда, инсоннинг кучли, шиддат б-н кечадиган ва нисбатан қисқа муддатда ўтиб кетадиган ҳиссий ҳолати. А. инсон жисмининг кескин ифодали ҳаракатлари ва баланд овозда сўзлаш натижасида намоён бўлади. Баъзан эса А. вазиятида одам жимгина ҳаракатсиз қотиб қолиши ҳам мумкин. Ташқи ифода шакллари ички А. сингари, кўп жиҳатдан инсоннинг шахсий хусусиятлари, жумладан, унинг иродаси, т-яси, олий асаб тизими ф-ятининг типологик хусусиятларига боғлиқ. А.нинг йўқлиги маълум даражада инсоннинг ҳаётга мослашмаганлигидан дарак беради. А. мавжудлиги эса инсонни ҳаётга мослашганлигини билдиради. А. тушунчаси юнон, Шарқ мутафаккирларининг асарларида қайд этилган. А.ни тўхтатиш учун кучли ирода керак бўлади.

А. шахс учун муҳим ҳаётий вазиятларнинг тез ўзгариши б-н боғлиқ ички туғён ва кескин характерли ўзгариш тарзида намоён бўлади. У муайян шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмай қолишини ҳам ифодалайди. Ўта кучли А. ҳолатида шахс феъл-атвори, ўзини тутиши, муомала муносабати, объектив воқеликни акс эттиришнинг характер ва мазмуни ўзгаради. А. тушкун ва танг вазиятларда юзага келади. А. ҳолатида кишининг онг доираси тораяди, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қобилияти йўқолади. Тиббиётда физиологик ва патологик А. ҳолати кузатилади. Физиологик А.да киши ўз хатти-ҳаракатини идора эта олиши, кейинчалик барча воқеаларни хотирасида сақлаб қолиши мумкин. Патологик А. онг бузилишининг А.ив ҳолатларини ўзида мужассамлаштиради. Патологик А. кўпроқ руҳий касаллик жараёнида, баъзан эса руҳий соғлом одамларда ҳам кузатилади. Патологик А.да барча хатти-ҳаракатлар киши хотирасида сақланмайди, шахс ўз хатти-ҳаракатларини онгли тарзда назорат қила олмайди. А. субъектнинг кийин ҳолатларда кескин ва мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини топа олмаслиги натижасида вужудга келади.

АФФЕКТИВ БОЛАЛАР – ташқи ёки ички таъсирлар туфайли руҳий ҳаяжон, эҳтиросларга берилади-

ган. ўзларининг муайян эҳтиёжлари кондирилмаганлигидан мунтазам норози бўладиган болалар гуруҳи. Бундай болаларда етарли даражада оғир бўлган узоқ давом этадиган кечинмалар вужудга келади. Бунинг натижасида муайян хулқ-атвор шакллари ҳосил бўлади.

Бир гуруҳ болалар ўзларининг дастлабки баҳоларини сақлаган ҳолда муваффақиятсизликларини инкор этади. Бошқа бир гуруҳ болалар эса аксинча, имкон қадар осон эришишлари мумкин бўлган мақсадлар ёрдамида муваффақиятга эришишни хоҳлайди. Бундай болалар ўзларига ишонмасликлари б-н ажралиб туради. Улар имкониятларини намоён қилишга кўркишади, тез хафа бўлишади, уларда гумондорлик кайфияти кучли бўлади, адолатсизликка чидолмайди. Улардаги узоқ муддатли аффектив кечинма ва меъёрларнинг сақланиши улар характерининг муайян қирралари барқарорлашишига асос бўлади.

Пед. нуктаи назардан ички зиддиятларнинг тўғри ечилиши болаларнинг ўз-ўзларини баҳолашларига мувофиқ тарзда интилишлари даражасининг лаёқатларига мос келишини таъминлайди. А.б. б-н ишлашга оид пед. тажрибалар шуни кўрсатадики, агар уларга ўз вақтида пед. таъсир кўрсатилса, хулқ-атворнинг аффектив меъёрлари ривожланишини олдини олиш мумкин бўлади. Акс ҳолда аффектив кечинмалар бартараф этилган вазиятларда ҳам хулқ-атворнинг мустаҳкамланган шаклларига барҳам бериш мумкин бўлмайди. Бундай болаларни т-ялаш учун эса узоқ давом этадиган пед. чора-тадбирларни қўллаш талаб этилади.

АФФИЛИАЦИЯ – мулоқотга эҳтиёжмандлик, ҳиссий алоқаларни ўрнатишга мойиллик, дўстлик ва муҳаббатни ҳосил қилиш истагининг устунлиги. А. дўстлар орттиришга интилиш натижасида вужудга келади. Бундай болалар атрофдагилар б-н муносабат ўрнатиш, уларга ёрдам кўрсатиш, улардан қўллаб-қувватланишни кутишга мойил бўлади. Болаларда А. ота-оналари ва тенгдошлари б-н вужудга келади. Унинг вужудга келиши т-я услуби б-н бевосита боғлиқ. А. болаларда кўркув вужудга келган, ҳис-ҳаяжон уйғотадиган, ўзига нисбатан ишончсизлик туғилган вазиятларда кучаяди. Атрофдагилар б-н мулоқот бундай вазиятларда болалардаги салбий ҳиссий кечинмаларни юмшатишга кўмаклашади. А.ни тўхтатиш болаларда ёлғизлик, заифлик ва муваффақиятсизлик ҳолатини вужудга келтиради.

АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ МАДАНИЯТИ – ахб.лар б-н мақсадга мувофиқ тарзда ишлаш, уларни ўзлаштириш мақсадида қайта ишлаш, комп.ли ахб. техн.си, замонавий техник воситалар ва усулларни қўллаш. Фақат юқори даражадаги ахб. маданиятига эга бўлган кишиларгина табиий, ижт.-иқтисодий, экологик ва пед. ресурсларни аниқ ҳисобга олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса пед. бошқарув масалаларини жадаллик б-н ҳал этиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ УСУЛИ – таълим олувчилар гуруҳи ва пед. ходимлар ф-ятини мувофиқлаштириш жараёнида қўлланиладиган усул. Турли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат. Ахб.лар б-н ишлаш пед. жараён субъектлари ф-ятларини мувофиқлаштириш имконини беради. Бунда пед. жараён ташкилотчилари ҳисобланган раҳбар ва ўқитувчилар учун асосий восита ахб.лар ҳисобланади.

АХБОРОТ ЖАМИЯТИ – кўпчилик ишловчиларнинг (ахб.лар б-н шуғулланувчиларнинг) ахб., айниқса, унинг олий шакли бўлган билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш б-н банд бўлган ж-ят. Бу соҳадаги ишлар ривожи бевосита таълим-т-я ва илмий муассасалардаги олимлар, мутахассислар ижодий меҳнати б-н боғлиқ. Буларни янги ўқув ад.ларисиз ва ўқитишнинг инн-он техн. исиз, жумладан, ахб. техн.исиз тасаввур этиб ҳам бўлмайди. А. ж.да нафақат ишлаб чиқариш, балки бутун турмуш тарзи ва қадриятлар тизими ҳам ўзгаради. Бу жамиятда интеллект, билимлар ўзлаштирилади ва истеъмолга киритилади, натижада шахс мунтазам равишда ақлий меҳнат б-н шуғулланади.

АХБОРОТ ИЗЛАШ – ахб. кўламида олдиндан белгиланган излаш шарти, сўрови талабини қондирувчи ёзувлар борлигини аниқлаш, агар улар мавжуд бўлса, бундай ёзувлар жойлашишини текшириш жараёни.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР – талабаларнинг муайян йўналишдаги БКМларини такомиллаштиришда янги техник универсал дидактик восита. У таълим олувчининг амалий тафаккурини кенгайтириб ҳамда чуқурлаштириб, уларда муайян йўналишдаги БКМларни юқори даражага кўтаради.

АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ – таълим муассасаси ҳамда маънавият ва маърифат марказларида жамланган босма ва аудиовизуал материаллар мажмуаси. А.р.м. комп. ва алоқа воситалари ёрдамида қўшимча алоқа манбалари ва материалларига кириш имконини беради.

А.р.м.нинг асосий дастури таълим жараёни субъектлари томонидан ўқув дастурига мувофиқ тўпланган аудиовизуал материалларни ўз ичига олади. А.р.м. дастуридаги индивидуал ва техн. манбалар таълим берувчилар, медиатека мутахассислари ҳамда таълим олувчилар ўртасида ўзаро мунтазам алоқани таъминлайди.

А.р.м.нинг асосий вазифаси – таълим олувчининг билимини кенгайтириш ҳамда ўқув жараёнида ахб.ларни излаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида ахб.ларни қабул қилиш, сақлаш ҳамда ахб. истеъмолчисининг талабига биноан уни маълумот б-н таъминлашдан иборат. А.р.м. таълим муассасасидаги янгиликларни оммалаштиришда ўқув муассасаси б-н ж-ят ўртасидаги асосий алоқа тармоғи ҳисобланади ва шу орқали таълим олувчиларни зарур ахб.лар б-н таъминлайди. Таълим муассасасининг А.р.м. иш ф-ятига тегишли ад.лар (китоблар, даврий нашрлар, жур. ва ҳ.к), микрофильмлар, слайдлар, грампластинкалар, комп.ли тизимлар, аудио ва видео ёзувлар асосий манба бўлиб ҳисобланади.

АХБОРОТ РЕСУРСИ – ахб. тизими таркибида мавжуд бўлган электрон шаклдаги ахб., маълумотлар банки, маълумотлар базаси. У маълумотлар базалари ва банклари, турли хил архивлар, кутубхоналар, музейлар фонди ва б.ларни ҳам ўз ичига олади. Ресурс – бирор нарса ёки ҳодисанинг захирасини белгилайди. Шунга кўра, у ахб. тизимидаги алоҳида ҳужжат ва ҳужжатларнинг бутун бир мажмуидир.

А.р. алгоритм, модель, лойиҳа, дастур, билимлар банки ва шу кабилар асосида ф-ят юритади. А.р.ларини бошқариш деганда: ҳар бир даражада ва бошқариш функцияси даражасида ахб.

га бўлган эҳтиёжни баҳолаш; ҳужжатлар тури, шаклларини стандартлаш, ахб. ва маълумотларни тўплаш, маълумотларни бошқариш тизимини яратиш англанади.

А.р. кишилар томонидан бошқарилади ва улар манфаатларига хизмат қилади ҳамда объектни бошқаришда мустаҳкам илмий-техник асос бўлади. Бу тизимлар уларнинг ахб.ли жиҳатларини тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади ҳамда муаммонинг оптимал ечимини топиш имкониятини яратади.

АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИ – ўрганувчи, ўргатувчи (ўқитувчи) ва янги ахб. техн. воситалари ўртасидаги ўқув ахб.ли хатти-ҳаракатлар жараёнининг пайдо бўлиши, ривожланишига имкон берувчи шарт-шароитлар мажмуаси ҳамда аниқ бир ўқув курси бўйича таълимий жараённинг таркибий компонентлари (комп.га уланувчи турли хил ўқув, намойиш қилувчи жиҳозлар, дастурий восита ва тизимлар, ўқув кўргазмали воситалар ва б.) жамланган шароитда ўрганувчи ва ўргатувчининг фаол билиш ф-ятини шакллантириш жараёни.

А.т.м.нинг мақсади таълим жараёни субъектларининг ижодий ташаббускорликларини ривожлантириш асосида уларга билимларни мустақил эгаллаш ва сифатли ўзлаштириш учун шарт-шароит яратиш ҳамда ўқитиш натижаларини таҳлил қилишни автоматлаштиришни таъминлашдан иборат.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ахб.ни тўплаш, сақлаш, излаш ва унга ишлов бериш ҳамда уни тарқатиш учун фойдаланиладиган усул ва жараёнлар мажмуи. А.т.нинг таъминотлари унинг таркибий қисмларини ўз ичига олади. Улар дастурий, техник, ҳуқуқий, ахб., ташкилий, мат. ва лингвистик таъминотлардан иборат.

Дастурий таъминот – А.т. ишини амалга оширишда зарур бўлган комп. дастурлари тўплами. Техник таъминот – А.т.нинг ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида ишлатиладиган барча техник воситалар мажмуи. Математик таъминот – А.т.дан фойдаланишда амалий масалаларни ечишда қўлланиладиган мат. модель, усул ва маълумотлар базасини бошқариш алгоритмлари тўплами. Ахборот таъминоти – ҳужжат айланмаси ва ҳужжатлар шаклининг самарали тарзини ўз ичига олган ахб.ни жойлаштириш ҳамда ташкил қилиш бўйича услуб ва воситалар йиғиндиси. Лингвистик таъминот – инсон ва тизим орасидаги мулоқотни ишлаб чиқиш ҳамда таъминлаш учун ахб. ларга ишлов бериш ва фойдаланишнинг турли босқичларида ишлатиладиган тил воситалари мажмуи. Ташкилий таъминот – А.т.дан фойдаланиш, унга самарали ахб. хизматини кўрсатиш бўйича ташкилий тадбирлар ва бошқариш ҳужжатлари мажмуаси. Ҳуқуқий таъминот – А.т.ни яратиш ва жорий қилишни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАНИ – ахб.ларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва режалаштирилган мақсадни амалга оширишда, уларни узатиш ҳамда қайд этилган жараёнларни амалга оширишда техник воситалардан фойдаланишни ўргатадиган ўқув фани. А.т.ф. таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ахб.лаштиришнинг оптимал вариантларини топишда асосий интеллектуал манба ҳисобланади. А.т.ф. и. т. ва лойиҳалаш ишлари ҳамда таълимни бошқаришда, шунингдек, муайян соҳага оид янгиликлардан тезкорлик б-н хабардор бўлиш, тўғри ва истиқболли қарорлар қабул қилишда ишончли маълумотларга таяниш имкониятларини беради.

АХБОРОТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ – ахб.ни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитда ўзи ҳақида ахб. яратиш учун энг кўп маълумот олишга қодир бўлган жараён. Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти ж-ятини ахб.лаштириш б-н боғлиқ ҳолда ўрганилади, яъни инсоннинг ҳар бир ҳаракати ахб. олиш ва узатиш, ундан фойдаланиш, уни ўрганиш, ўзлаштириш, сақлаш ва бойитишдан иборат. Бу омил инсоният цивилизациясини А.ц. деб аташга олиб келади.

А.ц.нинг бош белгиси ахб.ни тўплаш, уларга аниқлик киритиш, таҳлил қилиш ва ундан ўз интеллектуал салоҳиятини бойитишда фойдаланишдан иборат. А.ц. ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишнинг шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириб боришга имконият яратади. Унинг негизида янги ахб. техн.лари юзага келади.

АХБОРОТЛАР БАНКИ – пед. соҳаси ва таълим олувчиларнинг билиш ф-яти бўйича ахб.ларни аниқ мақсад йўлида йиғиш, сақлаш, тизимларга ажратиш ва фойдаланишга мўлжалланган техник, дастурий, алгоритмик тиллар ва уларнинг ташкилий воситалари мажмуаси. А.б.нинг мақсади маълумотларни қайта ишлаб, таълим олувчиларни ундан фойдаланишга ўргатишдан иборат, вазифаси эса таълим-т-я жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш, таълимни бошқаришда ахб. таъминотига эришиш ва уларнинг самарадорлигини назорат қилишдан иборат. А.б. таълимни бошқариш, ўқув жараёнини зарур маълумотлар б-н таъминлаш ҳамда унинг кечишини назорат қилишда бошқарув алгоритмини тузиш имкониятини беради. А.б.дан таълим-т-я жараёнини бошқаришнинг ахб.ли таъминоти ва шулар асосидаги касбий комп.ли тизимлар яратишда фойдаланилади. Ахб.лашган таълим тизимининг барча боскичларида А.б.га мурожаат қилинади. Улар асосида замонавий таълим техн.и яратилади ҳамда ўқув-т-я жараёнларини оптимал бошқариш имконияти вужудга келтирилади.

АХБОРОТЛАР ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ – материални ўрганишда дастлаб тадқикот объектини ифодаловчи маълумотлар ва улар асосида ҳосил қилинадиган ахб.ларнинг қай даражада максадга мувофиклигини билиш жараёни.

АХБОРОТЛАР ТИЗИМИ – ахб.ни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган ахб. ресурслари, ахб. техн. ва алока воситалари. А.т. ўз таркибида комп.лар, комп. тармоқлари, ахб. ва дастурий таъминот ҳамда таълим олувчиларнинг ҳамкорликда ф-ят кўрсатиш жараёнини акс эттириб, у истеъмолчиларни ахб. б-н таъминлайди.

А.т.нинг асосий вазифаси – ҳодиса ва жараёнлар кечишини бошқариш имкониятларини яратиш; ахб.ларга асосланган, максади олдиндан белгиланган ва унга эришиш дастури ишлаб чиқилган бошқарилувчи пед. жараёнга таъсир кўрсатиш.

Таълим-т-я жараёнида ахб. тизимларининг асосий вазифалари – ўрганилаётган объектга тегишли барча ахборот ресурсларини оптимал бошқариш ёрдамида истеъмолчига керак бўлган ахб.ларни ишлаб чиқиш ва улардан таълим объектини бошқаришда фойдаланиш учун ахб.ли ва техникавий таъминот муҳитини яратишдан иборат. Мазкур тизимдан комп. тармоқлари, ахб. ва дас-

турий таъминот ва шу кабиларни яратишда фойдаланилади. А.т. – бошқарув хизмати ходимларининг ишини енгиллаштиришга самарали таъсир кўрсатади, яъни улар ёрдамида объект тадқиқот методологияси бўйича ахб.ларни жамлаш, сақлаш, тадқиқот мақсадига мос гуруҳларга ажратиш ва узатиш жараёнини самарали амалга оширади.

А.т.нинг ижро этувчи ахб.лар, қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимлари, эксперт тизимлари каби турлари мавжуд. А.т.нинг барча таркибий қисмлари, яъни техник воситалар – мат., дастурий, лингвистик таъминот, одамлар б-н ўзаро ҳамкорликда уйғун ҳолда ф-ят юритишни тақозо этади. Муаммонинг қўйилишига қараб ахб. тизимидаги ахб. лар ҳажми ортиб боради.

А.т.нинг мақсади тадқиқот манбаини маълумотлар ва А.т.лари нуқтаи назаридан ўрганиш; объектни ифодалаш ва ундаги жараёнлар кечиши қонуниятларини тадқиқ этишга бўлган ахб.лар эҳтиёжини аниқлаш; ахб.лар тўплаш, гуруҳларга ажратиш ва улардан кўрсаткичлар орасидаги алоқадорликни ўрганиш мақсадида ахб.ларни қайта ишлаш методологиясини яратишдан иборат.

Бундай тизимлар таълим-т-явий жараёнларининг ахб. эҳтиёжларини қондиради ва уларни оптимал бошқаришга имкон яратади. А.т. пед. ходимларнинг ишларини енгиллаштиришга самарали таъсир кўрсатади, яъни улардан объект ва тадқиқот методологияси бўйича ахб. ларни жамлаш, сақлаш, тадқиқот мақсадига мос гуруҳларга ажратиш ва узатиш жараёнида фойдаланилади.

А.т. қайта ишланган ахб.лардан фойдаланиш, тадқиқот максад-вазифаларини амалга оширишда уларнинг яроклилиги, қулайлиги, тўлиқлиги ва аҳамиятлилигини баҳолаш ҳамда баҳоланган ахб. асосида объектни тадқиқ этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишни назарда тутади.

Замонавий пед. тадқиқотларда ижро этувчи А.т., карорлар қабул килувчи А.т., эксперт тизимлар, автоматлаштирилган А.т.лари каби атамалар кенг қўлланилмоқда.

АХБОРОТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ – и.т. иши давомида маълумотларни тўплаш, уларни тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос тизимларга ажратиб, ахб.га айлантириш.

А.ў. синаш орқали уларни муайян мантиқий изчиллик, исбот ёки далилларга асосланган ҳолда оддий амалий мисоллар орқали кўриб чиқиш жараёнидан иборат. Ундан кўзланган мақсад и.т. ишининг амалий аҳамияти ҳақида хулоса чиқаришни англатади.

АХБОРОТЛАШТИРИШ – замонавий ахб. техн.и ёрдамида таълим жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш ва жадаллаштириш имконияти. А.нинг асосий мақсади сифат жиҳатдан янги ахб.лашган пед. муҳитни барпо этишдан иборат. Таълим тизимини А. ўқув жараёнининг ривожланиши ва ахб. ларнинг шахс билим даражасига ижобий таъсирини таъминлайди. Таълим тизимини А. жараёни ўқув вазифаларни жадаллик б-н бажариш имконини беради. А. муҳим пед. жараён бўлиб, унда техн., пед.-психологик жараёнлар уйғунлаштирилади. Бу эса таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини кескин оширади. Таълимни А.нинг асосини таълим-т-я тизимини А. ташкил килади.

А., комп.лаштириш, ҳисоблаш техникаси, ахб. техн.си, моделлаш, маълумотлар манбаи, дастурлаштириш, шахсий

комп.лар, дастур б-н таъминлаш ва б. илмий тушунчалар таълимни А. жараёнининг муҳим хусусиятларини ифодалайди. Таълимни А. ўқув жараёни динамикасини таъминлаш омили сифатида унинг натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу асосда таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш имконияти ортади.

АХБОРОТЛИ МОДУЛ – таълим мақсадини белгилаш ва режалаштирилган натижалар б-н чегараланган, фанлараро ҳамда ўқув фани ичидаги боғлиқликни ҳисобга олиб тузилган ва якуний назоратларнинг даражали тизимини қамраб оладиган, ўқув фани мазмунининг мунтазам ва тугалланган қисми.

АХБОРОТНИ ФАКСИМИЛЕ ШАКЛИДА УЗАТИШ – таълим жараёни субъектлари орасидаги ахб. алмашинуви, А.ф.ш.у. ёрдамида матн, газета кўлёзма, график, фотосурат ва б. ҳар қандай ҳужжатни бир объектдан иккинчи объектга етказиб бериш.

АХБОРОТНИНГ ВАЛИДЛИГИ – ахб. нинг ишончлилиги, бошланғич назарий асослар б-н боғлиқ хатоларнинг мавжуд эмаслиги. Мазкур атама бошланғич статистик ахб.га мувофиқ пед. тадқиқотлар жараёнида қўлланилади; пед.да – тест, анкета натижалари сифатини аниқловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

АҲЛИДДИНОВ Рустам Шеронович, (1955.20.3, Чимкент вилояти Еттисой тумани – 2014.22.03, Тошкент ш.) – пед. фанлари д-ри (2002), проф. (2007). Самарқанд ДУни тамомлаган (1977).А. Самарқанд ДУ стажёр-тадқиқотчиси (1977–79), Ўзбекистон Республикаси ХТВда бош методист, бош назоратчи, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи, ДТС бўйича Республика инспекцияси бошлиғи, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари (1979–2010), Тошкент ш. ПМОҚТИ проф. (2011–14), «Таълим тараққиёти» жур. маслаҳатчиси (2011–14). У умумий ўрта таълимни бошқаришнинг ташкилий-педагогик асослари ва умумий ўрта таълим сифатини бошқаришнинг ижт.-педагогик асослари («Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» материаллари мисолида)» мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

А. «Таълим юлдузлари», «Германия узлуксиз таълими хусусиятлари», «Баҳолаш тизими: муаммо ва ечимлар», «Таълим бошқарувида дарс технологияларидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари» каби 100 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. А. раҳбарлигида 3 фан номзоди тайёрланган. «Шуҳрат» медали (1994) ва «Мустақилликнинг 10 йиллиги», «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонлари б-н тақдирланган.

АХЛОҚ (араб.) – хулқ сўзининг кўплик шакли, кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос қоидалари мажмуи. У маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижт. онг шаклларидан бири, маънавият соҳасига оид тушунча ҳамдир. А.даги яхшилик, яхши одатлар инсоннинг ўз манфаатини ж-ят манфаатига мослаштиришига, айрим ўринларда ж-ят манфаатлари йўлида ўз ҳаётий мақсадлари, манфаатларини ўзгартиришга имкон беради. Кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солишнинг белгиланган ҳамда муайян ижт.-ташкилий тузилмалар ф-ятига асосланган (ҳуқуқий, диний) шаклларидан фарқли тарзда, А. кишилар хулқ-атвори, мулоқотлари, муносабатларининг ёзилмаган, бироқ ж-ят томонидан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватланадиган «олтин қоидалари»ни ифодалай-

ди. А.лилик. биринчидан, умумижт. аҳамиятга молик бўлган қадрият бўлиб, бошқаларнинг ҳуқукларини тан олиш, адолат, ҳалоллик, ишонч, садоқат, мулойимлик, бошқалар б-н келиша олиш, тил топишиш, жамоада ўзини тута билиш каби сифатларни камраб олади. Иккинчидан, А. кишиларга хос сифатларнинг муҳим томонини ифодалайди.

Кишилик ж-ятининг тарихий ривожланиши давомида А. дин б-н чамбарчас боғлик ҳолатда ривожланган. А. мураккаб тузилишга эга бўлган яхлит ижт.-пед. ҳодиса бўлиб, А.ий онг, А.ий хатти-ҳаракатлар, А.ий муносабатларни ўз ичига олади. Унинг таркибига А.ий ҳис-туйғу, кечинмалар, ирода, ақл-заковат, интуиция, хаёл, хотира кабилар киради. А.нинг субъекти инсон, унинг мезони, баҳоси – виждондир. А.ка доир хатти-ҳаракатлар, муносабатлар алоҳида олинган инсон, жамоа, ижт. гуруҳга хос бўлган хусусиятдир. А. кишилар орасидаги муносабатларнинг барча тур ва кўринишларига тааллукли бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатлар, алоқа ва муносабатлар ҳақида фикр юритишни англатади. А.ий баҳолаш жамоатчилик фикрига таянади. А. инсон ва ж-ят ҳаёти давомида шаклланиб, сайқалланиб, такомиллашиб борадиган ижт.-пед. жараёндир. Шахс А.ининг шаклланишида диний қадрият муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, А. муаммоларига катта эътибор берила бошланди. Кишилараро муносабатда, ўзаро муомалада унутилиб кетган исломий қадриятлар, шаркона ҳулқ-одоб коидалари, урф-одатлар, маросимлар қайтадан урф бўла бошлади.

Кишиларнинг феъл-атвори ва ф-ятида уларнинг А. меъёрларига нечоғлик амал қилиши ўз ифодасини топади. Бунда баъзи хатти-ҳаракат ва хулқ-атворлар А. доирасида, баъзилари А.сизлик сифатида баҳоланади. А. – ижт. онгнинг энг қадимий шаклларидан бири. Давр ўзгара боргани сари ҳар қандай ҳодиса каби А. меъёрлари ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўринишларидан бирига айланади. А.нинг фал. масалаларини А.шунослик тармоғи, шахс А.ини шакллантириш масалаларини эса пед. фани ўрганади. А.нинг «бурч», «виждон», «ор-номус» каби бир қатор категориялари мавжуд. Пед. жараёнларда уларни шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Инсон хатти-ҳаракати ва хулқидаги йўналишлар, энг муҳим белгилар мужассамлашиб, шахс ф-ятида, унинг камол топишида А.нинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўзбек халқи А.ий тафаккур бобида бой ва ибратли меросга эга. А.ка оид фикрлар «Авесто»да, қад. туркий тош битиклар ва аждодларимиз томонидан яратилган бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, халқимиз орасида кенг таркалган пандномалар, одобномалар, мақоллар, ҳикматлар, халқ пед.си, диний-фал. рисолалар ҳамда алломалар меросида А.-одоб масалаларига алоҳида ўрин ажратилган.

Роҳат Сафарова

«АХЛОҚИ ЖАЛОЛИЙ» – Жалолиддин Давонийнинг ахлоққа оид асари. Тўлиқ номи «Лавоми ул ашроқ фи макорим ил-ахлоқ» («Яхши хулкларда нурлар зиёси»). Асар Оқ қўюнли сулоласининг асосчиси Ҳасанбекнинг илтимосига кўра унинг ўғли Султон Халилга атаб ёзилган. Унда ахлокий муаммолар ижт.-фал., т-явий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Асарни ёзишда муаллиф Арасту, Афлотун, Ибн Мискавейх, Абу Наср Форобий,

Ибн Сино ва Насриддин Тусийларнинг ахлоқий таълимотларидан фойдаланган. Рисола 3 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида ҳулқий т-я ва ахлоқий хислатларни эгаллаш ҳақида фикр юритилган. Унда муаллиф ахлоқнинг асосий тушунчалари: дополик, адолат, шижоат ва иффатга муфассал тўхталган. Асарда ахлоқ илмининг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Иккинчи қисм оила ва оилавий ҳаёт масалаларига бағишланган. Унда болаларни т-ялаш ва камолга етказиш, касб-ҳунар эгаллаш, ҳулқ-одоб қоидалари, нутқ маданияти каби масалалар ёритилган. Асарнинг ижт.-сиёсий масалаларга бағишланган учинчи қисмида шаҳар, яъни дав.да яшовчи халқлар, дав. бошлиги ва фукароларнинг ўзаро муносабати, ж-ят ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўрин эгаллаган. У Эрон, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари, Мовароуннаҳр ва Хуросонда мактаб ҳамда мадрасаларда асосий қўлланма вазифасини ўтаган. Рисола кейинги даврларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалди.

«АХЛОҚИ МУҲСИНИЙ» – Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоққа оид асари. Султон Ҳусайннинг ўғли, темурий шаҳзода, Марв ҳукмдори Муҳсинга бағишланган. Бу асар шахсий, оилавий ва фукаролик ахлоқ асосларини ўз ичига олган 40 бобдан иборат. Асарда муаллиф адолат, сабр-тоқат, ёқимлилик, ҳаё, одоб, ишонч, ваъдага вафо қилиш, шижоат ва сиёсат каби масалалар ҳақида фикр юритган. «Ах. М.»ни Огаҳий форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган (1858). Асар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Унинг кўпгина нодир қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқ қўлёзмалари марказида сақланмоқда. 2011 й.да бу асар «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Дав. илмий нашриёти томонидан чоп этилди.

АХЛОҚИЙ АҚИДАЛАР – маънавий ҳаёт талаблари, инсоннинг юриш-туриши, хулқ-атвори, муомаласини тартибга солиб турадиган, бошқариб борадиган ахлоқий тушунчалар тизими. Ахлоқ ўзининг меъёр ва қоидалари ёрдамида инсон одобини бошқариб боради. Мас., яхшилик, бахт, адолат, бурч, виждон, ор-номус, меҳр-оқибат, шарм, ҳаё, меҳнатсеварлик, жамоа рухи б-н яшаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, тинчликсеварлик, баркамоллик каби тушунчалар А.а.нинг таркибий қисмларидир.

АХЛОҚИЙ БИЛИМ – ишончга айланган тақдирдагина ҳулқни тартибга солиб турадиган билим. А.б. ҳақиқий ахлоқнинг маънавий пойдевори сифатида хизмат қилади.

АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ахлоқ меъёрларига асосланган ҳулқнинг юксак даражаси, мукаммал ҳолати ҳақидаги тасаввур. У маънавий ҳодиса бўлиб, ахлоқий меъёрларнинг инсон орзу қилган ва юксак даражада шаклланганлиги б-н боғлик тасаввурлар мажмуини ифодалайди. А.и. инсоннинг реал ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисаларга муносабатида акс этган ҳолда, унинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва ҳаётий мавқеини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилади. У инсонни маънавий жиҳатдан юксалишга чорлайди, ўтмиш ҳаётини танқидий таҳлил этиш, ҳоз. кунда амалга ошираётган хатти-ҳаракатларини ибрат бўлишга муносиб инсонларники б-н солиштириш, келажакда эса ўз ҳаётини янада мазмунли ташкил этишга хизмат қилади. А.и. инсоннинг амалдаги ҳулқига нисбатан анча мукаммал турмуш тарзидир. А.и. ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Улар оила муҳити ёки таълим муассасасида, меҳнат, ўқиш, ўрганиш жараёнида ижт.

муҳитда ўзлаштирилади. А.и. шахснинг эътиқоди б-н уйғунлашиб кетади ва реал воқеликдаги ҳодисаларни баҳолаш мезони сифатида намоён бўлади. А.и.нинг ўта мавҳумлашиб кетиши инсон учун кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки идеалнинг реалликдан йироқлашуви ҳамиша зиддиятларга сабаб бўлиб келган. Шахснинг А.и.идаги айрим жиҳатларининг ўта кучайиши атрофдаги одамларга бўлган талабнинг ҳаддан зиёд ошиши, айрим қадриятларга нисбатан мутаассиблик даражасидаги муносабати б-н ҳам намоён бўлиши мумкин. Натижада инсон ён-атрофидаги одамлар б-н муроса қилиб яшай олмай қолади, ҳаётида низоли вазиятлар кўпроқ юзага кела бошлайди. Шу жиҳатдан А.и. атрофдагиларга бўлган талаб сифатида эмас, балки, биринчи навбатда, инсоннинг ўз имкониятлари даражасида ўз олдига қўйган мақсадига айланиши керак. Агар инсон ўз А.и.идаги асосий тамойил ва қадриятларга амал қилишда атрофдаги одамларнинг орзу-интилишларини ҳисобга олган ҳолда иш тутса, А.и. унинг учун камолот манбаига айланади.

АХЛОҚИЙ ИШОНЧ – таълим олувчиларнинг ахлоқ меъёрлари, ҳулқ-атворини шакллантиришга олиб келувчи категория. А.и. онгнинг узоқ муддатли ф-яти ва унинг юксак маҳсули сифатида вужудга келади.

АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ – ж-ятдаги ахлокнинг юксаклик даражаси, фуқароларнинг ахлоқий савиясини акс эттирувчи тушунча. У шахснинг ж-ятдаги асосий ахлоқ меъёрларини эгаллаши ва ўзгалар б-н шу асосда муносабатда бўлиши, ўзини ахлоқий томондан мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Ах.м.нинг энг муҳим кўринишларидан бири – муомала одобидир. Инсонлар бир-бири б-н ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, ўзаро таъсир кўрсатмасдан яшаши мумкин эмас. Бинобарин, мулоқот, муомала инсон учун асосий эҳтиёж, заруратдир. Ахлоқий етуклик муомала одобини эгаллашдан бошланади. Ах.м. муайян ҳолат учун фақат бир хилдаги қоидалаштирилган хатти-ҳаракатларни тақозо этади. Ах.м. кенг қамровли ҳодиса ҳисобланади. У оддий инсоний муносабатлар б-н бир қаторда халқаро микёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ҳам ўз ичига олади. Мас., ўқитувчи этикети, талаба этикети, ўқувчи одоби каби.

Ах.м.нинг замонавий кўринишларидан ташқари, унинг миллий-анъанавий шакллари ҳам мавжуд. Уларсиз Шарқ халқлари маданиятини тасаввур қилиш қийин. Мас., ширинсуханлик, лутф, меҳмон кутиш одоби ва ҳ.к.

Миллий характердаги Ах.м.нинг муҳим кўринишларидан яна бири – одоб б-н гўзалликнинг уйғунлигидир. Ах.м. шахснинг ж-ят ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар б-н бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ҳам ўз ичига олади.

Ах.м.нинг кўринишлари инсонпарварлик, ҳалоллик, ташаббускорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фаоллик, ижодкорлик, сахийлик, масъулиятлилик, камтарлик, поклик каби сифатлардан иборат.

АХЛОҚ МЕЪЁРЛАРИ – кишиларнинг хулқ, феъл-атворларини тартибга солувчи ахлоқий талаблар мажмуи.

АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТЛАР – кишилар ф-ятини муайян меъёрий талаб-

лар доирасида мувофиқлаштирувчи, уларни инсонпарварлик, эзгулик, ҳалоллик, адолатлиликка асосланган муносабатлари. Ах.м. асосида ж-ятда ўзаро мувофиқ келадиган муносабатлар қарор топади. Ах.м. ўзининг қуйидаги муайян кўринишларига эга: инсонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари, жумладан, таълим олувчиларни оила ва таълим муассасаларида шахслараро муносабатларнинг ахлоқий меъёрларидан хабардор қилиш; ҳар бир шахсда ёшликдан ўз Ватани ва халқига бўлган ижобий муносабатни қарор топтириш, шу мақсадда ўқувчи ҳамда талабаларни ватанпарварлик руҳида т-ялаш, уларда Ватан туйғуси, Ватан меҳри, Ватан соғинчини таркиб топтириш; ҳар бир шахснинг ўз оила аъзоларига бўлган муносабати, бунинг учун болаларни ёшлигидан ота-оналари ва оиланинг катта аъзоларини ҳурмат қилиш, кичикларга меҳр-шафқат кўрсатиш, адолатли ва ҳақгўй бўлиш, оилавий қадриятларни эъзозлаш каби ижобий сифатларнинг шаклланишига кўмаклашиш; ҳар бир шахсда ўзи яшаб турган ж-ятга нисбатан фуқаролик ҳиссини уйғотиш, бунинг учун ўқувчи ҳамда талабаларнинг ўзлари яшаб турган ижт. муҳитга нисбатан хайрихоҳликка асосланган муносабатларини таркиб топтириш; ҳар бир фуқаронинг ўз дав.ига бўлган муносабати, бунинг учун ўқувчи ҳамда талабалардан дав. томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва сиёсий тадбирларнинг моҳиятини тушуниб етишлари, уни тарғиб қила олишлари, ҳуқуқий-сиёсий билимдонликка эга бўлишлари, иқтисодий, маънавий, маданий ва маърифий тараққиётга муносиб ҳисса қўшишга тайёр бўлишлари талаб этилади.

АХЛОҚИЙ ОНГ – инсон онгида ахлоқий тамойилларнинг акс этишини ифодалаб, ахлоқий қарашлар, тушунчалар, ахлоқий эътиқод, ахлоқий хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари, ахлоқий тасаввур. Ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатлар А.о. асосида вужудга келади. А.о. инсонларни ўзаро, шунингдек, уларнинг ж-ят б-н муносабатларини, хатти-ҳаракатларини меъёрловчи тушунчадир. А.о.нинг мезонлари сифатида ахлоқий билимлар, тушунчалар, ахлоқий тафаккур, ахлоқ меъёрларини кўрсатиш мумкин. А.о.нинг бир қатор сифатлари меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳақгўйлик, адолатпарварлик, бурч, масъулият, виждон, ғурур каби инсоннинг ички руҳий кечинмалари тарзида намоён бўлади.

АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ – шахснинг ж-ят, одамлар, оиласига бўлган муносабатлар тизимини таркиб топтиришга йўналтирилган таълим-т-явий жараён. А.т.-т. ж-ят маънавий ҳаётидаги муҳим ижт. ҳодиса бўлиб, одоб-ахлоқ тизимини, ахлоқий фазилатларни замон талаблари асосида ёш авлод онгига сингдириш шаклидир. А.т.-т. педагоглар б-н бир қаторда, файласуфлар, ад.шунослар, руҳшуносларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб қилиб келади. А.т.-т. доирасида ёш авлодда хулқ-одоб меъёрларига мос келадиган, замон талабларига жавоб берадиган, инсоний сифатларни шакллантиришга қаратилган пед. ҳаракатлар тизими тушунилади. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг А.т.-т.си б-н чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнда пед.нинг асосий вазифаси – ахлоқий баркамол инсонни т-ялашнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб беришдан иборат. А.т.-т. шу йўлдаги узлуксиз амалий жараёндир. А.т.-т. ўзи-

нинг бутун ривожланиши жараёнида иккита муҳим масалани ечишга эътибор каратиб келмоқда: 1) инсон қандай яшаши керак; 2) қандай ишни бажариш ва нимадан тийилиш лозим?

А.т.-т. – инсонни баркамолликка ундовчи йўлдир. А.т.-т. икки хил кўринишга эга: анъанавий таълим-т-я, замонавий таълим-т-я. Улардан уйғун тарзда фойдаланиш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

А.т.-т.нинг дастлабки тушунчалари мактабгача таълим ёшидаги болаларда оила ёки МТМда таркиб топтирилади. Ўзларининг кузатишлари, катталарнинг таъсири остида улар ахлоқийликнинг дастлабки элементлари – яхшилик, одоблилик, катталарга нисбатан ҳурмат, оилада, боғчада белгиланган тартибларга риоя қилиш каби тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлиб боради. Мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий т-ялашда халқ оғзаки ижоди намуналари, жумладан, эртаклар, ривоятлар, панд-насиҳатлардан иборат бўлган пед. воситалардан фойланиш б-н бир қаторда, турли ўйин ва ўйинчоқлар воситасида ҳам уларда ахлоқий муносабатларни шакллантириш мумкин. А.т.-т. узлуксиз жараён бўлиб, унинг дастлабки босқичи – мактабгача таълим ёши ҳамда ўсмирлик даври муҳим пед. аҳамият касб этади. Айниқса, ўсмир ёшидаги ўғил-қизларни ахлоқий т-ясида ўзига хос пед. такт б-н ёндашиш талаб этилади. Чунки бу ёшда кўпгина ўсмирларда ўзларининг интеллектуал жисмоний ҳамда ижодий имкониятларини нотўғри баҳолаш натижасида ахлоқий меъёрларга зид бўлган айрим қусурлар – манманлик, ҳудбинлик каби иллатлар пайдо бўлиш хавфи туғилади. Бу жараёнда ахлоқий меъёрларга зид бўлган хатти-ҳаракатлар баркарорлик касб этишини олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Инсон А.т.-т. орқали ахлоқий қадриятнинг моҳиятини англаб етади ва уларни ўзлаштиради. Шу асосда ахлоқий тажрибалар, кўникма ва сифатларни эгаллайди, ахлоқий меъёр ва тамойилларга амал қилган ҳолда яшашга ўрганади.

А.т.-т.нинг муҳим мет.ларидан бири – намуна кўрсатишдир. А.т.-т.нинг ақлий-маънавий ва жисмоний т-я б-н уйғунлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Шахснинг А.т.-т.си унинг муомала ва касбий одоби, этикет қоидаларига риоя этиши ҳамда ўзгаларга нисбатан ижобий муносабатида намоён бўлади. А.т.-т. ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради: ахлоқий онг, ахлоқий кечинмалар ва ахлоқий муносабатлар. А.т.-т. жараёнида улар бир-бирини тақозо қилиб, яхлит тарзда шахс ахлоқини ифодалайди. Эзгулик, бурч, виждонлилик, сахийлик, ҳурмат, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик каби тушунчалар б-н иш кўради. Онгли тарзда қабул қилинган ҳар қандай ахлоқий қарор асосида ахлоқий кечинмалар намоён бўлади.

АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ – ахлоқий таълим-т-я вазифаларини амалий жиҳатдан ечиш йўллари ва усулларидан иборат мажмуа. Ахлоқий таълим-т-янинг мазмуни, мақсад, усул ва мет.лари таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларига асосан белгиланади.

А.т.-т.у. ва м.нинг асосий вазифаси – таълим олувчиларда ижт. хулқ-атвор ва муносабатлар тажрибасини ҳосил қилишдан иборат. Ушбу усуллар ва мет. лар сирасига ижт. хулқ-атвор шаклларини ўргатиш, машқлантириш, ўқувчиларнинг

турли-туман ф-ятларини ташкил этиш, уларнинг ф-ятларига раҳбарлик қилиш кабилар киради. Ўқувчи ва талабаларга ижт. хулқ-атвор тартибларини ўргатиш унинг меъёрларини сингдиришдан бошланади. Натижада ўқувчи ва талабаларда муайян кўникма, малака ва одатлар таркиб топади. Ахлоқ меъёрларини ўргатиш бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошланиши керак. Кичкинтойлар овқатланиш, ухлаш, мулоқот шакл ва қоидаларини ўзлаштириш, муайян ф-ятга киришиш кабиларга босқичма-босқич одатланади. Унинг асосий натижаси хулқ-атвор меъёрлари, талабларини ўзлаштиришга одатлантиришдан иборат. Ҳар куни муайян кўникма, малака ва одатларни такрорлаш натижасида улар хулқ-атворнинг одатий усулларига айланади.

МТМда болаларни жамоавий ҳаёт тарзига ўргатиш жараёни бошланади. Натижада улар ташкилий ф-ят кўрсатиш, мулоқотга киришиш ва хулқ-атвор кўникмаларини эгаллашга муваффақ бўладилар. Бошланғич синфларда ҳам ўргатиш мет.и кенг қўлланилади. 1-синфдан ўқувчилар ижт. хулқ-атворнинг янги меъёр ва шаклларини ўзлаштира бошлайди. Шу тариқа улар ўз ўқитувчилари ва тенгдошлари б-н янгича кўринишлардаги муносабатларга киришади.

Ахлоқий т-яни ўргатиш жараёни табиий ва самарали кечиши учун намойиш қилиш, жумладан, ҳаракатлар усуллари ёрдамида тушунтириш, назорат қилиш ва баҳолаш каби усуллардан фойдаланилади.

А.т.-т.у. ва м.нинг асосий вазифаси – ўқувчиларда ахлоқий тасаввур, тушунча, ишонч ҳамда йўналишни таркиб топтиришдан иборат. Анъанавий пед.да ишонтириш ўқувчиларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига пед. таъсир кўрсатиш усули сифатида уларда ижобий ахлоқий сифатларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш максадини назарда тутиб қўлланилади. Ишонч ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларда ахлоқий тасаввур ва тушунчаларни шаклллантиради. Унинг ёрдамида ўқувчилар аник ҳукмлар чиқаради, атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатлари, ижт. воқелик ва ўз-ўзларига нисбатан баҳоловчи муносабатда бўлишади. Улар кундалик турмуш ва ж-ят ҳаёти учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий кўникмаларни эгаллайди.

Ўқувчилар синфдан-синфга ўтганлари сари ишонч ахлоқий-маърифий т-яни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Унинг ёрдамида ўқувчилар ижт., сиёсий, ахлоқий, фал. тушунчаларни ўзлаштиришга муваффак бўлишади. Ишончнинг карор топиши таълим олувчиларда қатъиятлиликни вужудга келтиради. Ахлоқий ишончнинг шаклланиш мезони шахс хулқ-атворининг амалий кўриниши ҳисобланади. Ишонтириш мет. лари турли шаклларда амалиётга татбиқ этилади (тушунтириш, ишонтириш, ахлоқий суҳбатлар, ҳикоялар, ахлоқий мавзуларда маърузалар, диспутлар, ижобий намуналардан фойдаланиш ва б.).

Тушунтириш мет.идан ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ахлоқий онгининг ривожланиш даражалари б-н боғлиқ ҳолда фойдаланилади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда ахлоқий онг элементларининг шаклланиши, хулқ-атвор меъёрлари ҳамда қоидаларини тушуниш даражаси б-н боғлиқ ҳолда тушунтириш мет.и қўлланилади. Ўқитувчи ўқувчиларга нафақат тўғри хулқ-атвор қоидалари ҳақида маълумот беради, балки ҳар бир қоиданинг моҳиятини ҳам тушунтиради, таълим олувчиларни

уни бажариш қоидаларидан хабардор қилади. Шу тарика, ўқувчиларда ўз хулқ-атворларининг ижт. аҳамияти ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Тушунтириш жараёнида ўқитувчи муайян кўрсатмалардан фойдаланади. Чунончи, у қандай йўл тутиш, нима қилиш кераклиги ҳақида ўқувчиларга сўзлаб беради. Тушунтириш мет.идан ўқитувчилар, асосан, ахлоқий таълим-т-я жараёнида фойдаланадилар. 1-синф ўқувчилари янги шароитга мослашаётганида ўқитувчи ушбу мет.га қайта-қайта мурожаат қилади. Тушунтириш вақтида ўқитувчи янги коида, меъёрлардан ўқувчиларни хабардор қилиши лозим. Ўқитувчи тушунтириш мет.идан салбий ҳаракатларни муҳокама қилиш давомида ҳам фойдаланади. Шунингдек, тушунтириш мет. идан ўқувчиларнинг ҳаракатларини маъқуллаш, рағбатлантириш жараёнида эса уларда ижобий кечинмаларни ҳосил қилиш мақсадида фойдаланилади. Ўқитувчи тушунтириш жараёнида усуллар, муносабат ва ҳаракатларни намоён қилиш мет.идан ҳам фойдаланиши лозим. Шундагина ўқувчилар ушбу усулларни осонгина ўзлаштиради. Бу, айниқса, мактабгача ва БТ босқичлари учун ниҳоятда муҳимдир. Тушунтириш, кўрсатиш, намойиш қилиш ёрдамида ўқувчиларда ўз хулқ-атворлари моҳиятини тушуниш ва ишончни шакллантиради.

Ишонтириш узлуксиз таълим жараёнининг барча босқичларида таълим олувчиларни ахлоқий т-ялашда фойдаланилади. Мазкур мет.ни қўллашдан кутиладиган самарадорлик ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаларига қанчалик асосланганлигига боғлиқ. Ушбу мет. ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. Тушунтириш ва ишонтириш мет.лари ўқувчиларда тўғри хулқ-атворни шакллантиришда ўзаро алоқадорликка эга. Бу жараёнда ижобий хатти-ҳаракатларни шакллантиришда машқлантириш мет.и ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларда ахлоқий онгни шакллантиришда ахлоқий суҳбат, маъруза, конференция ва мунозаралар каби т-я мет.ларидан фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди.

Роҳат Сафарова

АХЛОҚИЙ ТУШУНЧАЛАР – муайян шахснинг бошқа шахсларга, ж-ятга нисбатан намоён этадиган ахлоқий муносабатларида акс этиб, ахлоқий категориялар сифатида қабул қилинадиган бирлик. А.т.га эзгулик, бурч, виждон, сахийлик, ҳурмат, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик кабилар киради. А.т.ни шунчаки ёд олиш эмас, балки англаб ўзлаштириш, ўз хатти-ҳаракатларига дастуруламал сифатида амал қилиш асосида ёшларда ахлоқий эътиқодни шакллантириш талаб этилади. А.т. муайян халқнинг турмуш тарзи, диний эътиқоди, яшаётган ж-яти, тарихий кадриятларининг мазмунига кўра бошқа халқларникидан фарқ қилиши мумкин. Инсоният тарихида ж-ят тараққиётига монанд тарзда А.т. ҳам ўзгариб боради. Шахснинг А.т.ини ахлоқий онг, ахлоқий эътиқодга айланишини таъминлаш, А.т.ни тизимли тарзда англаш баркамол шахс т-ясининг муҳим шартидир.

АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР – инсонни яхшиликка чорлайдиган, ёмонликдан қайтарадиган ахлоқий қарашларнинг доимий одати, амалий ф-ятга айланганини билдирадиган тушунча. У инсоний ахлоқ намуналарини ўзида мужассамлаштиради, шахс маънавиятининг ўзагини ташкил этади.

Маълумки, Шарқ халқларининг маданияти, дунёқарашида инсондаги А.ф. қадимдан улуғлаб келинган. Шу маънода, аждодларимиз пед. карашларининг асосини А.ф.ни улуғлаш ташкил этган. Шарқ мутафаккирлари – Муҳаммад Мусо Хоразмий, Рудакий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳофиз Шерозий, Фузулий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва б.лар А.ф.ни улуғлашни ўз илмий ва ижодий ф-ятларининг етакчи мавзуси деб билганлар. А.ф. орасида адолатлилик, бағрикенглик, вазминлик, вафодорлик, ватанпарварлик, виждонлилик, диёнатлилик, донолик, жасурлик, жўмардлик, зукколик, иболилик, интизомлилик, камтарлилик, кечиримлилик, лафзи ҳалоллик, матонатлилик, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, орасталик, олийҳимматлик, ростгўйлик, тежамкорлик, фозиллик, каби хислатларни Шарқ мутафаккирлари инсонни улуғловчи, юксалтирувчи фазилат сифатида таъкидлашган ва ўз асарларида бу ғояни илмий жиҳатдан асослаб беришган. А.ф. ж-ятдаги шахслараро муносабатларни ҳам мукаммаллаштиради. Ўзбек халқи А.ф. ёрдамида ўзининг бетакрор маънавий қиёфасига эга бўлиб келган. Мустақиллик йилларида бу фазилатлар янгича мазмун-моҳият касб этиб, шахс ва ж-ят маънавий тараққиётининг энг муҳим омилларидан бирига айланди.

АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР – ахлоқий меъёрлар таснифи, маънавий-ахлоқий ёндашувлар асосида шаклланадиган тафаккур категорияси. Тор маънода, пед., фал., социология ва маданиятшунослик фанлари соҳасида умуминсоний-ахлоқий тамойилларни ифода этадиган тушунча. Кенг маънода, инсониятга оид барча маънавий, т-явий ҳодисаларга ахлоқий ёндашувни акс эттиради. А.к.да умуминсоний қадрият, қадрлаш мезонлари, ижт.-пед. аҳамиятга эга бўлган маънавий қарашлар, руҳий ҳодисалар акс этади. Оила, қўни-қўшничилик одоби, корхона ва жамоа этикаси, фуқаролик бурч-вазифалари ҳамда уларни ўрганувчи мавзу, масалалар А.қ. сирасига киради. А.қ. ж-т ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий ва диний қарашларга таъсир кўрсатувчи тизимдир. А.қ. – оила, жамоа ва ж-ятдаги интизомнинг муҳим омилидир. Унинг воситасида интизомлилик сифати шаклланган киши ўз халқи ва Ватанига садоқат б-н хизмат қилади, ҳар бир ишни ўз вақтида сидқидилдан бажаради. Ж-ят аъзолари, айниқса, ёшларни «оммавий маданият» хавфидан огоҳ қилиш, мазкур масалага пед. жамоатчилик эътиборини тобора кўпроқ қаратиш, ёш авлодни маънавий соғлом ва баркамол этиб т-ялаш, уларда А.қ.ни шакллантириш муҳим ижт.-пед. аҳамият касб этмоқда. Ўз халқининг миллий, маънавий илдизларини яхши билган ҳар бир шахс ёш авлодни маънавий-ахлоқий т-ялашга ўз ҳиссасини қўша олади. Ж-ят маънавий ҳаётини мунтазам соғломлаштириш учун ўқувчи ҳамда талабаларни ахлоқ меъёрлари б-н мунтазам қуроллантириш лозим. Бунинг учун ҳаётий далиллар, фал. мушоҳадалар, инсоний кечинмаларни тасвирлаш, жонлантириш усулларидан фойдаланиш талаб этилади.

АХЛОҚИЙ ҲИССИЁТЛАР – ахлоқий тушунча ва меъёрларга асосланган ҳолда инсонда маълум хатти-ҳаракат ёки ҳолатга нисбатан вужудга келувчи ички кечинма сифатидаги муносабатлар мажмуи. А.ҳ мазмунан бой ва мураккаб тузилишга эга бўлиб, ижт. ф-ят маҳсули

сифатида инсон тараққиётининг юқори босқичида вужудга келган. Инсон ўз хатти-ҳаракатларини ахлоқий жиҳатдан англаб етган ҳолда ф-ят кўрсатади, англаб амалга оширилган ахлоқий қарор тубида А.ҳ. ётади. Шунинг учун ҳам узлуксиз пед. жараёнларда ўқувчи ва талабаларнинг А.ҳ.ини уйғотиш ва баркарорлаштириш ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда, айниқса, бадиий ад., санъат намуналаридан окилона фойдаланиш, буюк тарихий шахслар ҳаётига оид ибратли ҳикоялар ёш авлодда А.ҳ.ни т-ялашда муҳим аҳамият касб этади.

АХЛОҚСИЗЛИК – ахлоқ қонун-қоидаларига хилоф ишлар, хатти-ҳаракатлар тизими (яна қ. Бадахлоқ).

АҲМАДЖОНОВ Омил (1940.22.12, Тошкент ш.) – пед. фанлари д-ри (1995), проф. (1985). Ўрта Осиё давлат ун-ти (ҳоз. ЎзМУ)нинг физика-мат. ф-тини тамомлаган (1961). Ўз ФАнинг Ядро физикаси и.т. ин-ти илмий ходими (1961–66), Тошкент политехника ин-ти (ҳоз. Тошкент дав. техника ун-ти) ассистент, доц., проф., каф. мудири (1966–96). «Схемы распада радиоактивных ядер осмия А=181-185» мавзусида номзодлик (1970, М.,), «Физика курси» дарслигининг 2-нашри асосида «Ўзбекистон олий техника ўқув юртларида физика ўқитиш самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусида докторлик дисс. (1995, 3 жилдлик, Т.,) ни ҳимоя қилган.

А. 100 дан ортиқ илмий ишларнинг, жумладан, «Физика курси», «Физикадан русча-ўзбекча луғат», «Физикадан масалалар ечишни ўрганинг», «Физика» қўлланмалари муаллифи.

АҲМЕДОВА Лайлохон Толибжоновна (1957.1.10, Риштон тумани) – пед. фанлари д-ри (1012). Херсон дав. пед. ин-тининг рус тили ва ад. ф-тини тамомлаган (1980). А. Қува туманидаги 13-мактабда рус тили ва ад. ўқитувчиси (1980–86; 1988–89), Қува тумани халқ маорифи бўлими методисти (1986–88), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари унти аспиранти (1989–92), Тиллар ўқитиш мет. каф. ўқитувчиси (1992–94), катта ўқитувчи (1994–96), доц. (1996–98), Тошкент вилояти ПҲҚТМОИ доц. (1999–2001), Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари ун-ти доц. (2001–2003), каф. мудири ҳамда проф. (2003 й.дан).

А.нинг илмий раҳбарлигида 2 нафар фан номзоди тайёрланган. 110 дан зиёд илмий ишлар муаллифи (2 та дарслик, 2 та монография, 4 та ўқув қўлланма, 4 та методик қўлланма ҳамда илмий мақола ва тезислар). «Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов» (2009), «Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов» (2013), «Методика преподавания литературы» (2009), «Практикум по методике преподавания русской литературы» (2010), «Словарь-справочник по русскому языку и литературе» (2011) ва б. илмий китоблари нашр этилган. А.нинг «Инглиз тили ўқитиш методикаси практикуми» дарслиги 2013 й.да «Йилнинг энг яхши дарслик-қўлланмаси» номинацияси бўйича голиб бўлган.

АХСИКАТИЙ Абу Рошид Аҳмад ибн Муҳаммад (1073 – 1134) – тарихчи, олим, шоир. Лақаби – «Зулфазоил» («Фазилатлар соҳиби»). Марвда яшаб, султон саройида муншийлик қилган. А.нинг «Китоб ат-таърих» («Тарих китоби»), «Китоб фий қавлиҳим» («Уларнинг сўзлари ҳақида китоб»), «Китоб аз-завоид фий шарҳ Сақт уз-занд» («Чақмоқтош учқунлари достонига битилган шарҳ»)

номли асарлари сақланган. Ёшлигидан илм-фанга қизиқиб, араб, форс, юнон тилларини ўрганган. Заҳириддин Байҳақийнинг ёзишича, А. «Султон алфузало» («Фозиллар султони») лақаби б-н машҳур бўлиб, Озарбайжондаги отабеклар саройида шоир бўлган. А.га Абул Қосим Маҳмуд ас-Сўфий устозлик қилган. У мадрасаларда мударрислик қилиб кўплаб шогирдлар етиштирган.

АХСИКАТИЙ Абулфазл Муҳаммад Тоҳир Асириддин (1108 – Ахсикат ш. – 1189) – шоир, маърифатпарвар. А.нинг болалик ва ўқувчилик йиллари Ахсикатда, сўнгра Фарғонада ўтган. Ўқишни давом эттириш учун дастлаб Балх, сўнгра Ҳирот ва Марвга борган, бир қатор мадрасаларда таҳсил олган. У ўз даврининг тиббиёт, риёзиёт, кимё, нужум, фал., мантиқ илмлари ва педагогик фикрларини чуқур ўрганган.

Унинг бир қатор асарлари бизгача етиб келган бўлиб, уларда ахлоқий т-я устувор ўрин эгаллаган. А. томонидан ёзилган 13300 мисра шеърда ахлоқ, одоб, инсоний фазилат, Ватан туйғуси, ишқ-муҳаббат, илм-маърифат, ор-номус масалалари кенг ўрин эгаллаган.

АЪЛО (араб. – юқори) 1) сифатли, фазилатлари жиҳатдан энг яхши, энг юқори, асл; 2) мадраса талабаларининг юқори гуруҳи; 3) таълим муассасаларида ўқувчилар билимларини баҳолашнинг беш балли тизимидаги энг юқори баҳо (мас., «5» баҳо).

АЪЛОЧИ – барча ўқув фанларидан юқори даражадаги ўзлаштиришга эришиб аъло баҳо олишга муваффақ бўлган ўқувчи ёки талаба.

АҚИДА (араб.) 1) бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш, ишониш; 2) муҳокама қилмасдан бажариш, эътиқод қилиш лозим бўлган қоида ва таълаблар мажмуи. А. қандай шаклда бўлмасин, муайян ишонч ва эътиқод асосида шаклланади. Кишилар ҳаёти ва турмушининг барқарор ҳодисаси сифатида уларнинг маънавияти, таълим-т-яси ва хулқ-атворига таъсир қилади. А.га хос энг муҳим жиҳатлардан бири унинг ижт. хусусият ҳамда индивидуал зоҳирийликка эгалигидир. А. нафақат диний, балки дунёвий асос, объектив заминга эга.

АҚИДАПАРАСТЛИК – энг кўп тарқалган заҳарли мафкуравий оқимлардан бири. А. ҳам диний (ислом А.ги, христиан А.ги), ҳам дунёвий (собиқ шўролар давридаги коммунистик А.) шаклда намоён бўлади. У қайси шаклда бўлмасин, барибир эркин ҳаёт, ҳур фикр, техникавий тараққиётга тўсиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни А.дан огоҳ қилиш таълим жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

АҚЛ – инсондаги англаш ва тафаккур қилиш хусусиятини англатувчи тушунча. Исломда А. Аллоҳнинг инсонга берган энг улуғ неъматларидан бири ҳисобланади. А. икки хил бўлади: туғма, касбий, яъни билим ва тажриба асосида ривожланиб борувчи ақл. А. – кишининг ўз идроки, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз ф-ятида маънавий-инсоний нуқтаи назардан амал қилиш ифодаси ҳамдир.

А. – инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатини бошқариб турадиган ф-яти. А. объектив дунё нарса-ҳодисаларининг муҳим қонуний алоқа-муносабатларини акс эттириш ва шу тариқа воқеликни ижодий ўзгартириш имконини беради. Фикрнинг теранлиги, танқидийлиги,

уйғунлиги, тезлиги ва кенглиги А.нинг энг муҳим сифатлари ҳисобланади. А. яшаш шароити таъсирида, таълим-т-я жараёнида ривожланади.

А. шахснинг билиш, фикр юритиш қобилияти, заковат даражаси, фаҳмидроки, зеҳнлилиги, етуклиги, эс-ҳуши, мия ф-яти ифодаси, инсон учун ўйлаш, фикрлаш, англаш ва хотирлаш, хулоса чиқариш имконини берадиган қобилият, ноёб маънавий ҳодисадир.

«Ақл» ва «Ақлий ф-ят» тушунчалари қад. юнон фал.сига бориб тақалади. «Ақл» тушунчаси Афлотун ва Арасту фал.сида кенг қўлланилган. Арасту назарий ва амалий А.ни суст ва фаол шаклларга ажратган. Арасту талқинига кўра, А. аввалига илк моддий негизга ўхшаб шаклсиз бўлган. Воқеликни идрок қилиш жараёнида доимий фаол А. шаклланиб, тараққий этиб борган ҳамда воқеликни англашнинг самарали воситасига айланган. Ўрта асрлардаги Яқин ва Ўрта Шарқ фал. тафаккуридаги А. тўғрисидаги таълимотлар Афлотун, Арастунинг фал. меросидан таъсирланган ҳолда шаклланган. Ақл калом, тасаввуф ва перипатетик фал. таълимотларда турлича мақомларга эга бўлган. Калом илми ақлнинг чексиз имкониятларини инкор этмайди, чунки Арастунинг фикрича, Аллоҳнинг ўзи олий ақл ва донишмандлик ифодасидир. А. туфайли инсон ўз ҳис-туйғулари, олинган хабарларни тартибга солади, уларнинг чин ёки ёлғон эканлигини аниқлайди. Тасаввуф таълимотида А.нинг имкониятлари ташқи жараёнларни билиш б-н чегараланади.

Форобий А. абадий деган ғояни илгари сурган. Алишер Навоийнинг таъбирича, А.ли одамлар ҳушёр онг эгалари ҳисобланган. Унинг фикрича, А. кўпдаражали ва кўпсифатли тушунчадир. Шунга кўра у А.нинг 27 даражаси ва 27 сифатини асослашга муваффақ бўлган.

Ўрта асрларда Шарқ халқларининг фал.-пед. ёндашувларида «Ақл ал-фаъол» деган тушунча қўлланилган. Мазкур таълимот асосида инсон А.ининг қудрати, унинг объектив мазмуни, олам тараққиётидаги аҳамиятини исботлашга ҳаракат қилинган. Дунёвий А. б-н инсон шахсий А.ининг муносабати ҳақидаги таълимот ж-ят маънавий маданиятининг узлуксиз бойиб бориши, инсон А. заковатининг илм-маърифатга қўшган ҳиссаси б-н белгиланади. А. б-н жонли мушоҳада билиш жараёнининг зарур босқичи ва воситалари сифатида талқин этилади.

АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР МАКТАБИ – ақли заиф болаларни махсус мет. асосида ўқитадиган у.ў.т. муассасаси.

АҚЛИЙ МЕҲНАТ – одамлар орасида узоқ асрлар давомида вужудга келган меҳнатнинг асосий шакли. Ақ.м. инсон онгида шаклланган объектив борлиқ моделининг концептуал асосларига оид ф-ят тури бўлиб, у янги тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар яратиш йўли б-н улар асосидаги фараз ва назарияларни ҳосил қилишдан иборат. Ақ.м.нинг натижаси илмий-маънавий қадриятлар, ечимлар сифатида намоён бўлади. Ақ.м. турли шаклларда намоён бўлади. У асосан шахс онгидаги концептуал моделлар ва унинг олдида турган мақсадлар б-н боғлиқ. Унинг ўзига хос бўлмаган жиҳатларидан бири – ахб. ларни қабул қилиш ва қайта ишлаш б-н алоқадорлигидир. Ўзлаштирилган ахб. ларнинг киёсланиши ва инсон онгида сақланиши, унинг қайта шаклланиши, муаммоли вазиятларнинг ойдинлашиши, Ақ.м. мақсадининг шаклланиши

б-н боғлиқ тарзда муаммоларни ечиш йўлларининг ҳосил бўлиши, ахб.ларни қайта ишлаш турлари ва усуллари б-н боғлиқдир. Муаммоларнинг ечимига кўра, Ақ.м.нинг репродуктив ва маҳсулдор турларини ўзаро фарқлаш мумкин. Ақ.м.нинг репродуктив турини амалга оширишда олдиндан кайд этилган усулларга асосланган ҳаракатлар бажарилади. Ижодий ф-ят жараёнида эса қўлланиладиган усуллар номаълум бўлиши ёки ноаниқ шаклда ифодаланиши мумкин.

Инсон ўзини Ақ.м. субъекти сифатида баҳолаши, унинг ф-ят майллари, мақсадларининг аҳамиятлилиги, меҳнат жараёни Ақ.м.нинг ҳиссий кечинмаларга асосланган таркибий қисмларини ташкил этади. Унинг самарадорлиги шахснинг билим даражаси ва уни амалга ошириш имкониятлари б-н аниқланади. Бу инсоннинг қобилияти ва иродавий жиҳатларига боғлиқ. Юқори босимга асосланган Ақ.м. жараёнида, айниқса, вақт танқислиги шароитида ақлий чекланиш ҳодисаси вужудга келиши мумкин. Натижада марказий асаб тизимида толиқиш вужудга келади. Зеро, Ақ.м. инсон ф-ятининг мураккаб шакли ҳисобланади. Унинг мураккаблиги шундаки, кўриб, эшитиб бўлмаслиги ва алоқа қилиш имконияти йўқлигидир.

АҚЛИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК – ақлий сифатларнинг ривожланганлик даражаси. Таълим олувчиларнинг А.р. муайян вақт ичида шахснинг когнитив ф-ятида миқдор ва сифат ўзгаришларининг вужудга келиши б-н белгиланади. А.р. динамик тизимлилик характерига эга. Таълим олувчилар ўз ф-ятлари жараёнида ижт. тажрибани ўзлаштириш натижасида ақлий жиҳатдан ривожланади. Бу жараён ўз-ўзидан ҳамда режали тарзда амалга ошириладиган ўқув ф-яти ва ҳар бир шахснинг ўз устида ишлаши натижасида содир бўлади. Инсон жисмининг етилиши бир томондан ривожланиш учун қулай шароит яратса, бошқа бир томондан ф-ятни амалга ошириш жараёнида ҳосил бўладиган тизимларга боғлиқ. Ақлий ривожланиш босқичли характерга эга. Шахс ҳар бир ёш даражасида ижт. тажрибани ўзлаштириши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келади. Натижада у янги ф-ят усулларини ўзлаштиради, пировардида янги руҳий жараёнлар ҳосил бўлади. Ўқувчиларнинг ҳаётий шароитлари ва таълим-т-яси б-н боғлиқ ҳолда ақлий ривожланиш турли кўринишларда намоён бўлади. Ўз-ўзича ҳосил бўлган, махсус ташкил этилмаган ривожланишда ақлий тараққиёт даражаси паст бўлади. Бунда психик жараёнларнинг тўлақонли шаклланмаганлиги кўзга ташланади.

Пед. ва психологияда шахснинг А.р. даражаси ф-ят кўрсатишининг юқори сифатга эга бўлган ўзига хос тури сифатида талқин этилади. Бу сифат жиҳатдан янги характердаги шахсга йўналтирилган таълим тизимининг вужудга келганлиги б-н боғлиқ ҳолда изоҳланади. Натижада таълим олувчиларнинг руҳий тизимлари янгича ф-ят кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

А.р.нинг аниқ кўрсаткичларини излаш соҳасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. А.р. таълим олувчиларнинг ақлий ф-ятлари таҳлилига асосланади. Бундай таҳлил таълим жараёнида ўқитувчи ва психологлар томонидан амалга оширилиб, яхлит ўқув жараёнини тавсифлаш асосида намоён бўлади. А.р.нинг сифат кўрсаткичлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) ақлий ҳаракатлар доирасида ички

амалий ҳаракатларнинг кайта шаклланиши; б) ҳаракатланиш мароми б-н тавсифланувчи ўкимишлилик, билимлар ва иш усулларини ўзлаштириш лаёкати; в) янги шароитларда янги билимлар асосида фикрий операцияларни умумлаштирган шаклларда қўллаш ва б.

Ўқув ф-яти яхлитлигини ифодаловчи бошқа кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Мазкур кўрсаткичлар таълим олувчилар А.р.ининг тавсифини ифодалай олади. Кўпгина тадқиқотчилар А.р. кўрсаткичларини ўзига хос билиш ва руҳий жараёнлардан излашга интиладилар. Бу таълим олувчилар хотираси ва тафаккурига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Айнан кўрсатиб ўтилган руҳий жараёнлар тақдим этилган ахб.ларни ўзлаштириш ва шахсни ижт. муҳитга мослашишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, шахс когнитив соҳаси ф-ят кўрсатишининг асосий мақсадини ифодалайди.

АҚЛИЙ ТАРБИЯ – шахснинг ҳар томонлама тараққиёти, уни турмуш ва меҳнатга тайёрлашнинг муҳим таркибий қисми. А.т. билимларни тўплаш, муайян ҳодисаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, таққослаш, таснифлаш, абстрактлаш, уларни тизимлаштиришни назарда тутади. Боланинг А.т.си оиладан бошланади. А.т. ақлий ўйинлар жараёнида, уй вазифаларини бажараётганларида, ота-оналари ва оиланинг бошқа аъзолари б-н мулоқот давомида, атроф-муҳитни ўрганганда ривожланади ва чиниқади. Ота-оналар атрофдаги нарсалар, табиатда бўлаётган ўзгаришларга болалар эътиборини жалб қилиб, уларни таҳлил қилиш ва таққослашга одатлантиради. Натижада болаларнинг сўз бойлиги, дунёкараши, ижт. тажрибаси ортади.

Мактабгача ҳамда БТ жараёнида болаларнинг ақлий ривожланишида ўйин машғулотлари муҳим аҳамият касб этади. Шахсни ақлий жиҳатдан т-ялашда бадиий ад., тасвирий санъат намуналари муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналар, т-ячи ва ўқитувчилар болаларга эртак, ҳикоя, шеър ўқиб бераётганларида уларнинг эътиборини алоҳида сўз ва ибораларнинг маъноларига қаратишлари лозим. Дастлаб болаларни бадиий асарни тинглашга ўргатиш керак, кейинчалик улар катталар томонидан берилган саволларга жавоб қайтаради. Болани асардаги асосий фикрни топишга ўргатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Болаларни ёшликдан ҳамма нарсага уқувли, идрокли, зийрак қилиб т-ялашда ота-она т-ячи ва ўқитувчиларнинг яқин кўмакчилари бўлиб, уларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини муайян изчилликда ташкил эта олишлари керак.

Ўсмирлик даврида ўқувчиларни ақлий т-ялаш вазифаси уларда интеллектуал, ўқув, ўқиш, тинглаш, ўз фикрини оғзаки баён этиш, ёзиш, манба б-н ишлаш, мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Илмий дунёқарашни шакллантириш, яъни болаларга олам илмий манзараси, табиат ва ж-ят тараққиётининг асосий қонунларини тушунтириш ҳам А.т.нинг муҳим вазифаларидан биридир. А.т. таълим, ўйин, меҳнат жараёнида, ҳаётий вазиятларни ҳал этиш, ўқитувчи ва синфдошлари б-н бўлган мулоқотда, оммавий ахб. воситалари орқали олинадиган ахб.ларни қабул қилиш ва ўзлаштириш асосида такомиллашиб боради.

АҚЛИЙ ТЕСТЛАР – шахс ақлий захирасини намоён қилишга қаратилган психологик диагностика мет.си.

«АҚЛИЙ ҲУЖУМ» МЕТОДИ – муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган мет.

У машғулот иштирокчиларини муаммо устида кенг, ҳар томонлама фикр юритиш ҳамда ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланиш соҳасида маълум кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Бу мет. ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча табиий ечимларни топиш имконияти туғилади. «А.ҳ.»м. танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш ва уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Дарс жараёнида «А.ҳ.»м.дан фойдаланишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади: ўқувчиларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, уларнинг мантиқий фикр ифодалашларига эришиш; ҳар бир ўқувчи томонидан баён қилинган фикрларни рағбатлантириш, билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олиш, янги фикрларнинг туғилишига имконият яратиш; ўқувчининг ўз шахсий фикрларини умумлаштиришга кўмаклашиш, фикрларни гуруҳлашга қулай имконият, шарт-шароит яратиш; илмий асосланган фикрларнинг вужудга келишига замин яратиш; машғулот жараёнида ўқувчилар ф-ятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, уларнинг мустақил фикр баён қилишлари учун кенг йўл очиш; ўқувчиларнинг ўз шахсий фикрларини ҳимоя қилишларига имконият яратиш. Мазкур мет.ни қўллашдан кўзланган асосий мақсад – ўқувчиларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундашдан иборат.

АҚЛЛИЛИК – шахснинг ўз тафаккурини мустақил ишга сола олиши ва ундан эзгу мақсад йўлида фойдаланиши. Агар инсон ўз ақлини зарур даражада ишга сола олмаса ёки ундан салбий мақсадларда фойдаланса, ундай кишилар ақлсиз кишилар ҳисобланади. Ақлсизлик салбий оқибатларга олиб келади. А. тушунчаси ақли расолик, зукколик, етуклик, билимдонлик каби маъноларни ҳам англатади.

АҲИЛЛИК – ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қон-кардошлик, иноқлик ва хайрихоҳлик, бағрикенглик натижасида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик. А. фуқаролик ж-ятининг энг зарур шартидир. Бундай маънавий сифат ёрдамида ж-ятда миллий ҳамда диний бағрикенглик, шахслараро ижобий муносабатлар қарор топади. А. тушунчаси кенг маънода ж-ят аъзоларининг иноқлиги, бирдамлигини ифодалаб, байналмиллаллик, толерантлик, бағрикенглик, маънавий яқдиллик, муайян вазифани кўпчилик ёрдамида бажариш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби олийжаноб ғояларга яқин туради. А. ўзбек халқининг қони, руҳияти, менталитетига сингиб кетган муқаддас туйғу ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, пед.си, халқ оғзаки ижоди намуналари, ад.и ва турмуш тарзига сингиб кетган.

А. кенг маъноли тушунча бўлиб, унинг бир қатор кўринишлари мавжуд. Жумладан, ўзаро дўстлик ва тотувлик, оила, меҳнат жамоалари, қўни-қўшнилар, дўстлар, синфдошлар, ҳамкасблар орасидаги А., халқаро А. ва ҳ.к.

Мазкур тушунчанинг аҳамияти мустақиллик йилларида янада ортди. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларида ўқитувчилар ўқувчи-талабалар орасида ўзаро А. муҳитини вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратишлари керак.

Мамлакатимизда миллатлараро А.ни вужудга келтириш дав.сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда. Бунда таълим олувчилар, айниқса, ўқувчиларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш муҳим ўрин эгаллайди.

АҲМАД ДОНИШ Маҳдум ибн Носир (таҳаллуси Калла; 1826 – Бухоро – 1897) – маърифатпарвар, ёзувчи, олим, рассом ва хаттот. 19-а.да Бухорода тараққийпарвар, маърифатпарвар муҳитнинг вужудга келишида муҳим ўрин тутган. Бошланғич саводни онасидан олган, сўнг мактабда, мадрасада таҳсил кўрган. Ад., тарих, фал., тиббиёт, мат., астрономия илмини мустақил ўрганган. У жуда чиройли ҳуснихатга эга бўлган.

А.Д. ўзининг «Наводир ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») ва «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» («Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари»), «Манозир ул-кавокиб» («Сайёраларнинг жойлашишлари»), «Рисолаи дар назми тамаддун ва таовун» («Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола»), «Таърихи салтанати хонадони мангития» каби асарларида таълим-т-явий қарашларини баён қилган, ёшларни дунёвий илмларни ўрганишга даъват этган. А.Д. Бухоро мадрасаларида мударрислик қилган. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти А.Д.нинг «Рисола ёхуд мангитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи» асарини нашрдан чиқарди (2014).

А.Д. 19-а. миниатюра мактабининг ёркин вакилларидан бири бўлиб, ўз асарларида маърифатпарварлик ғояларини тасвирлашга интилган. Жумладан, у ўзининг «Мактаб» номли миниатюрасида хотин-қизларни ўқитиш ғоясини илгари сурган.

АҲМАД ЯССАВИЙ (Хожа Аҳмад Яссавий) (Ясси якинидаги Сайрам ш., тахм. 11-а.нинг 2-ярми – 1166) – тасаввуфнинг машҳур намояндаларидан бири, шоир. Отаси Шайх Иброҳим жавонмардлик тариқатига мансуб нуфузли зотлардан бўлган. А.Я. илк таълимни устози Арслонбобдан олган. Ботиний илм сирларини мукаммал ўзлаштирган. Ўша давр илм-маърифатининг Моваройуннаҳрдаги марказларидан бири бўлган Бухорода Туркистоннинг турли вилоятларидан толиби илмлар йиғилишган. Арслонбоб кўрсатмаси б-н А.Я. ҳам Бухорога бориб таҳсил олишни давом эттирган. Даврнинг энг пешқадам олими ва сўфийси Шайх Юсуф Ҳамадоний б-н учрашиб, унга мурид тушган. Бухорода у араб тили б-н бир қаторда форс тилини ҳам чуқур ўрганган, бу тилда яратилган тасаввуфга оид ад.лар б-н танишган.

А.Я.нинг «Девони ҳикмат» асарида илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати, ахлоқ-одоб тушунчалари кенг шарҳланган.

АҲМЕДОВ Рустам (1947.8.09, Нурота тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). ТДПУни тамомлаган (1972). 1971 й.да Нурота туманидаги 7-, 2-мактабларда геогр. ўқитувчиси, 2-мактабда директор ўринбосари, 1988 й.дан мактаб директори, 2001 й.дан геогр. ўқитувчиси. У геогр. таълими сифати ва самарадорлигини таъминлаш, янги пед.техн. ни қўллаш соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган. А.нинг илғор пед. тажрибалари туман ва вилоят микёсида кенг оммалаштирилган.

Б

БАДАХЛОҚ – юриш-туриши, ҳаракатлари ж-ятнинг ахлоқий меъёрларига зид бўлган, ахлоксиз шахс. Ахлоксиз, яхши т-я кўрмаган, ахлоқ қоидаларига бўйсунмайдиган, интизомсиз болаларга нисбатан қўлланилади. Ахлоксизлик ахлоқ қонун-қоидаларига хилоф иш, хатти-ҳаракат орқали баҳоланади.

БАДБИНЛИК – ёмон ниятли хатти-ҳаракатларга одатланиш, умидсизлик, гумондорликка берилувчи, бошқаларга ёмонликни раво кўрувчи, бузук ниятли, ж-ятдаги ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларни бажарувчи, ярамас, тушкунликка берилган шахс.

БАДЕН МАКТАБИ – 19-а. охири ва 20-а.нинг бошларида неокантчиликдаги йўналишлардан бири. У И. Кантнинг трансцендентал-психологик таълимотига асосланган. Ушбу таълимотга кўра, билиш психологик жараён бўлиб, тажрибанинг трансцендентал натижаси интенсивлиги ва экстенсивлиги б-н боғлик. Бу умумий ва зарурий билимларни ифодалайди. Мазкур мактаб намояндалари В. Виндельбанд ва Г. Риккерт Баден ери (Германия)даги Фрейбург ва Хейдельберг ун-тларида дарс берган. Б.м. вакиллари инсоният маданияти маънавий қадриятлар замирига қурилган, деган ғояни олға сурган. Улар фанларни табиат (табиатшунослик) ва маданиятшуносликка асосланган тарихий фанлар тўғрисидаги фанларга бўлиш керак, деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича, фанлар табиатшунослик ва тарихий фанлардан иборат. Б.м. вакиллари фанларни предметларига қараб эмас, балки тадқик қилиш услубиётига қараб таснif этишган, тарихнинг объектив қонуниятлари мавжудлигини рад этишган. Б.м.нинг ф-ятига немис файласуфи Э. Гуссерлнинг таъсири катта бўлган. Б.м. ғояларини М. Вебер социологияда, Г. Мюнстерберг психологияда қўллаган. 20-а.нинг 20-й.ларига келиб Б.м.нинг кўп вакиллари неогегелчилик тарафига ўтиб кетган (Й. Кон, Р. Кронер ва б.).

БАДИИЙ ТАРБИЯ – ёшларда санъатга нисбатан қизиқиш ва уни ўрганишга бўлган иштиёқни шакллантириш ҳамда уларда бадиий ф-ят кўникма ва малакаларини таркиб топтириш жараёни. Б.т. жараёнида ўқувчиларда санъат воситасида оламни идрок этиш кўникмалари шакллантирилади. Санъатни идрок этиш ўз-ўзича ва пед. йўналишда амалга ошиши мумкин. Б.т. ўқувчиларни уларнинг идроки орқали санъатнинг ҳар хил турлари б-н яқинлаштиради. Шу асосда уларда шахсий характердаги ижодий ф-ят тажрибаси шаклланади.

Маълумки, санъатнинг ҳар хил турлари объектив тарзда ўқувчиларни ўраб туради. Санъат бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб унинг ҳис-туйғулари, т-яси ҳамда ҳаётга бўлган муносабатига таъсир кўрсатади. Улгая бошлагач, бола санъат оламига онгли тарзда киришга интилади ва характерига яқин бўлган санъат турини танлаган ҳолда ижодий ф-ят кўрсатишга ҳаракат қилади. Таълим жараёнига Б.т.ни уйғунлаштириш ўсиб келаётган ёш авлодни маданият ва санъатнинг турли жиҳатларига яқинлаштириш им-

конини беради. Шу асосда ўқувчилар санъат асарлари устида фикрлашга ўрганадилар.

Б.т.нинг бошқа бир жиҳати – ўқувчининг шахсий ижодий ф-ятида намоён бўлади. Б.т. орқали ўқувчилар аждодлар ижодий меросининг вориси сифатида намоён бўлади. Б.т. ўқувчиларнинг кўриш, тинглаш, фазовий тасаввурлари, рангларни ҳис этиш, конструктив композициялаш лаёқатларини кенгайтиради. Бундай лаёқат истиқболда барча касб соҳиблари учун зарур ҳисобланади. Б.т.нинг вазифаси ўқув-т-я жараёнида ўқитувчидар ёрдамида ечилади. Бунинг учун ўқитувчилар гўзаллик олами б-н ўқувчилар орасида алоқа ўрнатиш лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Мақсадга йўналтирилган Б.т.нинг принциплари ва мет.ларини тўғри танлаш, бир томондан, бадиий асарнинг тури, жанр хусусиятлари, санъатнинг ижт. табақаланишини аниқлаш ва ойдинлаштириш б-н боғлиқ бўлиб, бадиий ижод соҳибининг ж-ятдаги ўрнини аниқлашга хизмат қилса, иккинчи томондан бадиий билимларни оммалаштиришнинг умумий принципларини аниқлашдан иборат.

18-а.даёқ Ф. Шиллер илмий онгни бадиий онгдан фарқлаш ҳақидаги гояларни ўртага ташлаган эди. Аждодларимиз ёшликдан бошлаб болаларнинг бадиий дидини т-ялаш соҳасида жуда катта тажрибага эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам аксарият болалар ёшликдан шеър машқ қилган, расмлар чизиб, куйлар чалишган. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод ва уларнинг кўплаб замондошлари ижоди бунга мисол бўла олади.

20-а.нинг бошларидан таълим муассасаларига Б.т.ни олиб кириш муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Бошланғич синфларда Б.т. мусиқа, тасвирий санъат дарсларида, турли экскурсиялар жараёнида амалга оширилади.

Илгари Б.т., асосан, дарсдан ташқари таълим-т-я жараёнларида амалга оширилган. Бунда турли музейларга уюштирилган саёҳатлар, бадиий кечалар, концертлар, театр томошалари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўқувчиларни санъат воситасида Б.т.лаш таълим жараёнида устувор аҳамият касб этади. Бугунги кунда Б.т. узлуксиз таълим жараёнининг таркибий қисмига айланган. Ўқувчиларни Б.т.лашда ад., мусиқа, тасвирий санъат дарслари алоҳида ўрин эгалламоқда. Б.т. дарсдан ташқари жараёнларда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда.

БАДИИЙ ТАЪЛИМ – узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми. Б.т., одатда, тасвирий санъат таълими сифатида талқин этилади. Чунки бадиий-эстетик туркум фанлари – «Мусиқа маданияти», «Адабиёт» ўқув фанлари негизида амалга ошириладиган таълим мусиқий таълим, адабий таълим сифатида талқин этилади.

Б.т. икки йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналиш бевосита бадиий касблар бўйича профессионал рассом, ҳайкалтарош, дизайнерлар, халқ амалий санъати усталари тайёрлашга ихтисослашган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган Б.т.дан иборат. 1997 й.да ЎзБА ташкил этилиши муносабати б-н профессионал Б.т.нинг янги узлуксиз тизими юзага келди. Бу тизимга Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти, Республика рассомлик коллежи, Ҳўжаев номидаги Дизайн коллежи, вилоятлардаги санъат коллежлари, БА таъсарруфидаги

ихтисослаштирилган лицейлар, мактаб-интернатларда узлуксиз профессионал Б.т. амалга оширилмоқда. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ун-тларининг «Санъат» ф-тларида ҳам профессионал Б.т. амалга оширилади.

Б.т.нинг узлуксиз тизими ХТВ тасарруфидаги таълим муассасаларида ҳам кенг қамровли тарзда амалга оширилади. Хусусан, МТМининг мактабга тайёрлов гуруҳида «Тасвирий фаолият» йўналишида мактабгача таълим ёшидаги болаларга расм чизиш (72 соат), лой ёки пластилиндан ҳайкал ясаш (36 соат), аппликация (18 соат), қуриш-ясаш (18 соат, жами 140 соат, мактабгача таълимнинг умумий юкламасининг 29,9 фоизи) бўйича Б.т.нинг биринчи босқичи сифатида дастлабки сабоқлар берилади.

У.ў.т. мактабларида Б.т. «Тасвирий санъат» ўқув фани негизида амалга оширилади. Мазкур таълим соҳасининг ДТС талабларига мувофиқ 1–7-синфларда ҳафтасига бир соатдан табиат ва санъатни идрок этиш (1–4-синфларда), натурага қараб тасвирлаш, композицион ф-ят (рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва амалий санъатда композиция) ҳамда санъатшунослик асослари (1–7-синфларда) каби ф-ят турларидан олиб бориладиган дарсларда ўқувчиларга Б.т.нинг асосий компонентлари, хусусан, атроф-муҳитдаги ва санъат асарларидаги гўзалликларни эстетик идрок этиш, санъатнинг ижт. аҳамиятини англаш; тасвирий, амалий санъат ва дизайн соҳаси ҳамда меъморликнинг ўзига хос хусусиятларини билиш; тасвирий ва амалий санъатнинг турли воситалари, техника ва қонуниятларининг дастлабки назарий асослари ҳамда амалий кўникмаларини эгаллаш воситасида ўқувчиларда эстетик дид, эстетик онг ҳамда бадиий тасаввур ҳамда тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган Б.т. жараёнлари амалга оширилади.

Тасвирий санъат воситасида ёш авлодга бадиий-эстетик таълим бериш тажрибаси узоқ тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёнини босиб ўтган. Б.т.нинг дастлабки мактаблари Юнонистон, Рим, Миср, Хитой ва Ҳиндистонда юзага келган. Мамлакатимизда Б.т. тизимининг шаклланиш тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, темурий шаҳзода Бойсунқур Мирзо даврининг ўзига хос Б.т. мактаби – «Нигористон академияси» Б.т.ни профессионал даражада ташкил этишнинг намунавий мактаби сифатида маданият ва санъат тарихидан ўрин олган. Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод айнан шу академияда Мирак Наққошдан мусаввирлик ҳамда наққошлик сабоқларини олган, Султонали Машҳадийдан эса хаттотлик сирларини ўрганган.

Б.т.ни тизимли тарзда амалга ошириш 16-а.да бир қатор Европа мамлакатларида бадиий мактаб-академиялар ташкил этиш орқали йўлга қўйилган. Айниқса, санъат тарихида алоҳида ўрин тутган Флоренция тасвирий санъат академияси (1563), Рим (1577), Болонья (1585), Париж рангтасвир ва ҳайкалтарошлик Кироллик академияси (1648), Вена (1692), Берлин (1696) ҳамда Петербург (1757) Бадиий академиялари Б.т. тизимини шаклланиш ва тараққий этишида муҳим роль ўйнаган.

Ўзбекистонда Б.т. соҳасида мунтазам таълим бериш 1918 й.нинг нояб.ида Тошкентда ф-ят кўрсата бошлаган тасвирий санъат мактаби б-н боғлиқ. 1919 й.да Ўзбекистонда Б.т. бериш амалиётини яхшилаш мақсадида Туркистон Маориф комиссарлигида тасвирий санъат бўлими

ташкил этилган. Бўлимнинг асосий мақсади Б.т. бўйича пед. кадрлар тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, кейинчалик 1920 й.да Андижон ва Бухорода очилган рангтасвир мактаблари, 1922 й.да Тошкентда иш бошлаган бадиий техникум, айникса, 1929 й.да Самаркандда очилган бадиий билим юрти профессионал рассомлар б-н бир каторда рассом-педагоглар тайёрлаш ишини сезиларли тарзда жонлантирган. Шу тарика 1923–24-ўқув й.идан «Биринчи боскич мактабларида бадиий тарбия» номли ўқув дастури жорий этилган. Мазкур дастур турли йилларда ҳар хил номланиб, Ўзбекистонда Б.т.ни меъёрий асосларини, мазмунини белгилаб берган. Жумладан, дастур 1937 й.да «Расм ва ҳайкалтарошлик», 1938 й.дан «Расм» ва ниҳоят 1967–68-ўқув й.идан ҳоз. кунгача «Тасвирий санъат» номи б-н ўкитиб келинмокда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли карорига мувофик барча умумтаълим фанлари қатори «Тасвирий санъат» ўқув фани ҳам мазмунан, ҳам шаклан ислоҳ килиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 16 авг.даги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиклаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган тартибда амалга оширилиб келинмокда. Мазкур меъёрий ҳужжат ва ўқув дастури ж-ятнинг ижт. эҳтиёжи, тараққиёт талаблари, таълим соҳасида амал қилаётган тенденцияларга монанд тарзда модернизациялаш, оптималлаштириш, узвийлаштириш воситасида босқичма-босқич такомиллаштириб борилмокда.

Республикамизда Б.т.нинг яна бир жабҳаси мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги бадиий-эстетик йўналишдаги тўгарак машғулотлари шаклида амалга оширилиб, таълим мазмуни белгиланган дав. талаблари асосида олиб борилади. Айнан мактабдан ташқари таълим муассасаларида Б.т.ни комплекс ташкил этиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 й. 8 июлдаги «Болалар мусика ва санъат мактабларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2008–14 й.ларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикасида Б.т.нинг янги, ҳар томонлама мукаммал моддий-техника базаси ҳамда таълим мазмунига эга бўлган тизимини юзага келтирди.

Асқарали Сулаймонов

БАДИИЙ ЎҚИШ МЕТОДИ – таълим усули, шеърий, насрий, публицистик жанрдаги адабий асарлар, драматик парчаларнинг ўкитувчи ёки ўқувчи томонидан тингловчиларга асар моҳиятини бадиий-таъсирчан тарзда ифодали ўкиш усули. Ўқувчиларнинг бадиий асарларни ифодали ўқиш таркибига кирадиган асосий мет.лар қуйидагилардан иборат: 1) ўкитувчининг китобдан ёки ёддан ўқиши. Бу ўқувчиларга матнни сўзмасўз етказишни назарда тутади. Ўкитувчи муаллифнинг фикрини сақлаган ҳолда ўқувчиларга унинг барча фикрларини тақдим этади. Шу асосда бадиий асар ўқувчиларнинг ақли ва идрокига таъсир кўрсатади. Бадиий асарларнинг асосий қисми китобдан ўқилади; 2) ўкитувчининг ҳикоя қилиб, сўзлаб бериши. Бу жараёнда ўқувчиларга бадиий асар матни эркин тарзда етказилади. Сўзлаб бериш орқали ўкитувчи ўқувчиларнинг фикрларини бадиий асарга жалб

этиш соҳасида катта имкониятга эга бўлади; 3) инсценировка усули. Бу мет. ўқувчиларни бадиий асар б-н иккиламчи таништириш усули ҳисобланади; 4) матнни ёд олиш усули. Ўқувчиларга бадиий асарни етказиш метлари унинг жанр хусусиятлари ва уларнинг ёши б-н боғлиқ ҳолда танланади.

Анъанавий тарзда МТМда болаларни нуткини ўстириш мет.сида уларни бадиий асар б-н таништиришнинг икки хил шакли мавжуд: а) бадиий асарни ўқиш ва сўзлаб бериш, машғулотларда шеърларни ёд олиш; б) дарсдан ташқари ф-ятнинг турли кўринишларида халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш.

Машғулотларда бадиий ўқиш ва сўзлаб бериш метлари асосида уларнинг бир неча турларга ажратиш мумкин: 1) ҳар бир гапни ўқиш ва сўзлаб бериш; 2) ягона мавзу ёки қаҳрамонга эга бўлган бир неча асарларни ўқиш ва умумлаштирган ҳолда сўзлаб бериш. Бу ўринда бир ёки бир неча жанрга мансуб асарларни бирлаштириш мумкин. Бундай машғулотларда янги ёки таниш бўлган материаллар бирлаштирилади; 3) санъатнинг ҳар хил турларига мансуб бўлган асарларни бирлаштириш: а) бадиий асарни ўқиш ва рассомнинг унга ишлаган иллюстрацияларини томоша қилиш; б) мусиқа б-н уйғунлаштириб ўқиш; 4) кўргазмали материаллар ёрдамида ўқиш ва сўзлаб бериш: а) ўйинчоқлар б-н уйғун тарзда ўқиш ва сўзлаб бериш; б) стол устида картон қоғозлар ёрдамида театр ташкил этган ҳолда ўқиш; в) кўғирчоқ ва соя театрлари ёрдамида ўқиш; г) диафильм, кинофильм, телекўрсатувлар шаклида ўқиш; 5) нутқ ўстириш дарсларининг муайян қисмида ўқиш: а) мазкур ўқишлар ўз мазмунига кўра дарс мавзуси б-н боғланган бўлиши, мас., куз фасли ҳақида суҳбатлашиш жараёнида шу мавзуда шеърлар ўқиш, мақол ва топишмоқлар айтиш мумкин; б) китобхонликни дарснинг мустақил қисми сифатида амалга ошириш, бунда дарсни мустаҳкамлаш сифатида ҳикоя ва шеърлар ўқиш назарда тутилади.

Бундай машғулотлар жараёнида ўқувчиларга қуйидаги топшириқлар б-н мурожаат қилинади: «Ўқиган бадиий асарларингиз ҳақида суҳбатлашинг», «Маълум парчаларни такрор ўқинг», «Иллюстрациялардан фойдаланиб ўқиган асарингизни сўзлаб беринг» ва ҳоказо.

БАДФЕЪЛЛИК – ёмон хулқлилик, феъли ёмонлик, ёмон ниятлилик, ёмон хаёлда бўлишлик каби тушунчалар синоними. Ёмонлик, жаҳолат ва жоҳиллик, ахлоқ-одоб қоидаларига зид феъл, ахлоқсизликни ифодалайдиган атама. Инсоннинг юриш-туриши ж-ятда қабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишига қараб инсоний сифатлари ҳақида хулоса чиқарилади. Ўз навбатида, Б. инсонларни бирлаштириб турадиган ижт. муносабатларнинг бузилишига олиб келади.

Б. энг ёмон иллат сифатида кишилик ж-ятида ҳамиша қораланиб келинган. Б.нинг баркамол шахс гяеига салбий таъсирини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ўқувчилардаги Б. кўринишларини бартараф этишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қўллаш лозим.

БАЁН (араб.) – 1) воқеа, ҳодиса, фикр, мулоҳаза ва ш. к.нинг оғзаки ва ёзма ифодаси; 2) матнни ўқиб ёки айтиб берилганлар асосида ёзиладиган иш тури. Ўзбекистон у.ўл мактаблари (асосан 2–8-синфлар)да ўқувчиларнинг фикр-

лашини ривожлантириш бўйича синф ўқув (ёзма) ишининг асосий турларидан бири сифатида қабул қилинган; 3) адабий асарнинг содир бўлган ёки бўлаётган воқеалар ҳамда воқеаларнинг бориши ҳақида ҳикоя қилинадиган қисми.

БАЙНАЛМИЛАЛЛИК (араб. – миллатлараро) – жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги; уларнинг бир-бирини тушунишлари ва ўзаро ишончи, маданиятлар, қадриятлар, билим ва техн. ўзаро сингиб боришининг асоси; миллатчиликнинг зидди. Инсоният тарихида турли миллат ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустаҳкамланиб бориш жараёни. Мазкур муносабатларсиз эса ижт. тараққиёт амалга ошмайди.

15-а. охиридан бошланган буюк географик кашфиётлар, саноат тараққиёти, фан ва техника соҳасидаги оламшумул ихтиролар дав. ва халқлар орасида бекиёс даражада кенгайган иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий ҳамда маънавий алоқаларнинг жадаллашувига олиб келди. Бу Б. алоқалари миллий онг ва ўз-ўзини англаш, миллий озодлик ҳамда мустақиллик ғояларининг шаклланиши, ёйилиши; илм-фан ва техника, маданият, маърифат соҳаларидаги ютуқларнинг айирбошланишига кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз ички ва ташқи сиёсатида Б. ғояларига содиқ тарзда жаҳондаги барча халқ ва миллатлар б-н дўстона алоқаларни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди. Шунинг учун ҳам байналмилал т-я ўқувчи ҳамда талабаларни миллатлараро муло-қотга тайёрлаш пед.нинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки миллатлараро мулоқот Б.нинг асоси бўлиб, ахлоқий қоида сифатида ўқувчи ҳамда талабаларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиради.

Б. фазилати – юқори ижт. сифатлардан бири бўлган умуминсоний маънавий қадриятдир. Бунда ёшлар бошқа халқ ва миллатнинг ўзига хос маънавияти, урф-одатлари ва маданиятини ҳурмат қилиб, уни қадрлайди. Бошқа миллатнинг маънавияти ва маданиятига бефарқ бўлган фуқароларда бағрикенглик етарлича шаклланмаган бўлади. Миллатлараро бағрикенглик Б.нинг муҳим кўриниши сифатида бутун дунёда тинчлик ва тотувликнинг қарор топишида катта аҳамият касб этади.

Б. сифатига эга бўлган инсонлар бошқаларнинг миллати, дини, урф-одатларидан қатъи назар, умуминсоний қадриятларни ҳамма нарсадан устувор тарзда қарайди.

БАЙНАЛМИЛАЛ ТАРБИЯ – ўқувчиларнинг миллати, ирқи, урф-одати, қаерда истиқомат қилишидан қатъий назар турли миллат болалари б-н аҳил, дўстона яшаш руҳида т-ялаш жараёни. Б.т. жараёнида турли миллат вакиллари бўлган ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар, дўстлик, ҳамжиҳатлик таҳлил қилинади ва унга риоя қилиш кўникмалари шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 дек.даги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли қарори Б.т. кўламини кенгайтириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди. Ўқувчи ҳамда талабалар хорижий тилларни ўзлаштириш орқали турли миллат вакиллари б-н якинлашиш, улар-

нинг урф-одатларидан хабардор бўлиш имкониятини кўлга киритади.

Б.т.даги муваффақиятнинг энг муҳим шарти – оила ва таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талабаларда бағрикенглик сифатларини шакллантириш, ўзга дин ва миллат вакилларига ҳурмат б-н қараш туйғусини қарор топтиришдан иборат.

Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг ф-ятини мувофиқлаштириш, маданиятини тарғиб этиш учун шароит яратиш мақсадида миллий-маданий марказлар ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 13 янв.даги қарори б-н Тошкент ш.да Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилган. Мазкур марказнинг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда миллий-маданий марказларга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, учрашувлар, таниқли маданият ва санъат арбоблари, олимлар, машҳур спортчиларнинг чиқишлари, семинарлар, конференциялар, кўргазмалар ўтказиб турилади. Буларнинг барчаси ёш авлодни байналмилаллик руҳида т-ялашда муҳим аҳамият касб этади.

«БАЙТ УЛ-ҲИКМАТ» (ёки «Хизонат ул-ҳикмат») – олимларни бирлаштирган илмий муассаса. Халифа Ҳорун ар-Рашид (766–809) томонидан Бағдодда ташкил этилган. Ўзбек тилидаги манбаларда «Билим уйи» ёки «Донишмандлар уйи» атамалари б-н юритилади. Муҳаммад Хоразмий халифа Маъмун даври (813–833)да «Билим уйи»даги жуда бой кутубхонага бошчилик қилган. Кутубхонада ҳинд, юнон, сурёний (сурия), араб, форс тилларида 400 000 жилд қўлёзма китоб сақланган. Хоразмий ўша китоблардан фойдаланиб, ҳинд усулида илми ҳайъат (астрономия)га оид «Зижи Хоразмий» асарини ёзган. Ҳинд рақамлари асосида ҳоз. араб рақамларини соддалаштирган, кенгайтирган ва биринчи марта ўз фикрларини араб тилида баён этиб, мазкур тилнинг кенг тарқалишига ҳисса қўшган. Таржима ишларида ўша даврнинг етук олим ва таржимонлари, жумладан, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Аббос ибн Саид Жавҳарий ва Аҳмад ибн Абдуллох Марвазийлар қатнашган. Бу ерда олимлар чет тилдаги мураккаб тушунчаларни беришга қодир араб атамашунослигини яратиш ва уни бойитишга катта ҳисса қўшишган.

БАКАЛАВР (лот. baccalaria – вассалнинг ер мулки) – кўп мамлакатларда дастлабки илмий даража. Ўрта асрларда Ғарбий Европа ун-тларида бу даража таълимнинг биринчи босқичини тугаллаган талабаларга берилган. Ўзбекистонда «Таълим тўғрисидаги»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ ун-т ва б. ОЎЮнинг 1-босқичи – бакалавриатни тугатганларга Б. даражаси берилади ҳамда дав. томонидан тасдиқланган намунадаги касб-ҳунар ф-яти б-н шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади. Баъзи хорижий мамлакатлар (мас., Франция)да ўрта маълумотга эга бўлиб, ОЎЮга кириш ҳуқуқини қўлга киритган шахс ҳам Б. деб аталади.

БАКАЛАВРИАТ – мутахассислик йўналиши бўйича фундаментал ва амалий

билим берадиган, таълим олиш муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълими. Б. кўп мамлакатларда олий таълимнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида Б. мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган таянч олий таълимдир. Тиббиёт ин-тларида ўқиш муддати 5–7 йилни ташкил қилади. Б. таълим дастури тугаллангандан кейин битирувчига бакалавр даражаси берилиб, дав. аттестацияси якунларига кўра дав. томонидан тасдикланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги диплом топширилади.

БАЛЛ (фр. balle – сокка, шар) – рақам б-н ифодаланадиган баҳо. Б. муайян ҳаракатларнинг тезлиги, ўқувчиларнинг билими ва ахлоқи, айрим спорт турларида мусобақалар натижалари, санъат фестивали ва кўрик-танловлари, фан олимпиадаларида иштирокчилар натижаларини баҳолашда шартли бирлик сифатида қўлланилади. Ўзбекистондаги мактаблар ва ўрта махсус ўқув юртларида 5 балли, ОЎЮда 100 балли баҳолаш тизими қабул қилинган.

БАНК МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ – иқтисодиёт соҳасида магистрлар тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси Банклар уюшмасига қарашли олий ўқув юрти. 1996 й. 2 майда Тошкент ш.да ташкил этилган. Б.м.а. Республика банк-молия тизими учун жаҳон талаблари даражасида мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган. Б.м.а.да банк иши, молия, солиқ ва солиққа тортиш, банк-молия ходимларининг малака ошириш ф-тлари мавжуд. Академияга 2 йиллик амалий иш стажига эга бўлган бакалавр мутахассислар танлов асосида қабул қилинади. 1997–98 й.ларда акад.га 153 киши қабул қилинган. Акад.да 11 та каф. бўлиб, 19 нафар проф.-ўқитувчи, жумладан, 5 нафар фан д-ри, проф., 11 нафар фан номзоди, доц. ф-ят кўрсатади (2000). Академия «Банк иши», «Молияни бошқариш», «Солиқ иши» мутахассисликлари бўйича магистр даражасини беради.

Б.м.а. таркибидаги Илмий марказда Ўзбекистон Республикаси банк иши ва пул тизимини ривожлантириш, республика умумий ва минтақавий молия бозорини комплекс ва уйғун ривожлантириш ҳамда уни халқаро молия бозори тизимига босқичма-босқич кириб бориши, банк ва молия механизмининг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини такомиллаштириш йўналишларида назарий ва амалий аҳамиятга молик и.т. ишлари амалга оширилади. Б.м.а. хориждаги етакчи ун-тлар, илмий марказлар, йирик банклар, молия компаниялари, халқаро молия ин-тлари б-н алоқа ўрнатган, уларнинг таниқли мутахассислари банк молия акад.сида дарс бериш учун жалб қилинади. Б.м.а. кутубхонасида 20 минг жилддан иборат нодир асарлар мавжуд (1998). Б.м.а. халқаро «Рейтер» ахб. тизимига боғланган.

БАРДОШЛИЛИК – чидамли, тўзимга эга, сабр-тоқатли, мустаҳкам иродали, баркарор фикрли, қатъиятли шахс маъносини англатадиган тушунча. Б. маънавиятли инсоннинг сифатларидан бири бўлиб, чидам, сабр, қаноат каби сўзларга синоним, матонат тушунчасига яқинроқ бўлган атама. Б. инсоннинг ўз ҳаракатларини максадга йўналтира билиши, қийинчиликларни енгиб ўтиши, ҳиссиётлар, жаҳлни назорат қила олиши, қийинчилик ва муаммоларга тўқнаш келганда қатъият б-н бардош бера олишни англатади. Бардошли бўлиш инсоннинг шахсий ҳаёти, ўз-ўзини англаши, маънавий юксалиши, ахлоқий сифатларининг

шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Б. тушунчаси масъулиятлилик, чидамлилик, ор-номус, қадр-қиммат, келажак сари интилиш каби фазилатларни ифода этиб, инсоннинг маънавий юксалиб боришига хизмат қилади. Айниқса, муайян мамлакатнинг ривожланиш босқичида ж-ят аъзоларидаги Б.ва қатъиятлилик алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ёшларни бардошли, қатъиятли бўлишга ўргатиш ниҳоятда зарур ҳисобланади.

БАРКАМОЛЛИК – балоғатга етган, жисмоний ва ақлий жиҳатдан камол топган, бекаму кўст, етук, мукаммал, маърифатли шахс маъноларини англатувчи тушунча. Б. инсоннинг ақлий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етуклиги, ўзи танлаган касб-ҳунарнинг устаси бўлиши, шахс сифатида шаклланиб, Ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар б-н бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлишини ҳам ифодалайди. Баркамол инсон бошқаларга ўрнак бўлади, уларни ўз ортидан эргаштиради. Бундай инсонлар канча кўп бўлса, ж-ят шунча баркамол бўлади, илм-фан, маданият ривож топади. Б. ватанпарварлик, жасорат, ҳиммат, қатъият, ирода мустаҳкамлиги каби фазилатларни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳукумати баркамол шахсни шакллантириш вазифасини узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган ижт. буюртма сифатида эътироф этади.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ – ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларга меҳнатсеварликни сингдириш, шунингдек, уларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишига йўналтирилган мактабдан ташқари таълим муассасалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 й. 28 фев.даги «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 50-сонли қарорига биноан ўтказилган ислоҳотлар натижасида мактабдан ташқари таълим муассасалари «Б.а.»б.м.ига айлантирилди. Шунингдек, республикамизда ф-ят юритган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг сони ва тузилмаси такомиллаштирилди ҳамда улар асосида жами 211 та «Б.а.»б.м. ташкил этилган. Уларнинг умумий ф-яти ЎзР ХТВ томонидан мувофиқлаштирилади. Ушбу марказлар ЎзРда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган ҳамда ўқувчиларга қўшимча таълим-т-я беришга мўлжалланган мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади.

«Б.а.»б.м. қуйидаги вазифаларни бажаришга сафарбар этилган: болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ҳамда бадиий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш;меҳнатсеварлик, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув кўникмаларини сингдириш, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ техник воситалар ва комп. техн.и ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш; болалар томонидан жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий меросни чуқур ўрганиш, мамлакатимизнинг табиий бойликлари б-н таништириш ҳамда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллашларига кўмаклашиш; мактабдан ташқари таълим тизимига

илғор пед. усуллар ва мет.лар, замонавий ахб.-коммуникация техн.идан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шаклларини кенг жорий этиш ва б.

«Б.а.»б.м.да ўқиганлик учун вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент ш.ларида ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ва республиканинг бошқа туманлари (ш.лари)да 5 фоизи миқдорида ота-оналар тўлови жорий этилган. Уларни тўғарак ишлари учун зарур бўлган материаллар ва хомашё сотиб олишга мақсадли йўналтириш белгиланган.

«Б.а.»б.м. кўп тармоқли муассаса бўлиб, у ф-ят юритилган ҳудуднинг хусусияти, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра, уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларини ўз ичига олган ҳолда ф-ят кўрсатади. «Б.а.»б.м. 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга уларнинг ҳар томонлама камол топишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кенг имкониятлар яратади.

«Б.а.»б.м. ЎзР ХТВ тизимидаги ХТПККТМОИ б-н ҳамкорликда ходимларнинг малакасини оширишни таъминлайди, илғор тажрибалар асосида тўғарак ўқув дастурларини тузиш ва такомиллаштиришга оид ишларни амалга оширади.

Марказлар ўқув йили натижалари бўйича тўғарак аъзолари БКМларининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган дав. талабларига мослигини сўровнома, семинар, кўрик-танлов, мусобақа, тестлар ва б. шаклларда мунтазам равишда назорат қилиб боради.

«Б.а.»б.м. ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар, ОТМ, н.т. ин-тлари, ижодий уюшмалар, жамғармалар, ташкилотлар, маҳаллалар (овуллар), ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) б-н узвий ҳамкорликда иш олиб боради.

Шуҳрат Исъматов

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ – Ўзбекистон Республикасидаги АЛ ва КҲКлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. 19 янв.даги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган ҳамда 2003 й. 3 июндаги «Ўқувчи ва талаба-ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан мусобақалар ҳудудий босқичларининг ғолиблари иштирокида 3 й.да бир марта ўтказилиши белгиланган республика миқёсидаги мусобақа. Мазкур мусобақаларнинг мақсади – ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими таркибидаги ўқув муассасаларидаги ўқувчи-ёшларни жисмонан етук, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол ва ватанга садоқат руҳида тялаш, иқтидорли спортчи-ёшларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш, ёшлар ўртасида жисмоний т-я ва спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат. «Б.а.»с.ў.да бадиий гимнастика, баскетбол, бокс, волейбол, гандбол, енгил атлетика, стол тенниси, сузиш, теннис, футбол каби олимпиада ўйинлари дастурига кирган ва шахмат, белбоғли кураш, кураш сингари оммалашган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Саралаш мусобақалари таълим муассасалари,

туман, шаҳар ва вилоятларда, республика финал босқичи танлаб олинган муайян ҳудудда тантанали равишда ташкил этилади. Республика финал босқичлари дастлаб Жиззах (2001), сўнгра Андижон (2003), Тошкент (2005) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (2008), Сурхондарё (2011), Наманган (2014) вилоятида бўлиб ўтган.

БАРКАМОЛ ШАХС – адолатли, виждонли, иймон-эътиқодли, меҳр-мурувватли, иродали, ор-номусли, матонатли ва чидамли, эркин фикрловчи, ўз халқининг равнақи учун курашувчи, ҳурфикрли ва истиқлол ғоялари б-н суғорилган, ўз Ватанига фидойилик б-н хизмат қиладиган, тадбиркор ва ташаббускор шахс.

Б.ш. – камолга етган, бекаму кўст, тўла-тўкис инсон. Билимли, ақлан ва ахлоқан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, ж-ятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидойи шахс маъносини ҳам англатади.

БАРТЛЕТ Фредерик Чарльз (1886–1969) – таниқли инглиз психологи, Кембридж ун-тининг биринчи проф., шахс хотирасини ўрганишга конструктив ёндашиш назариясининг асосчиси. Инсоннинг эслаб олиш ва қайта эслашга ижт.-маданий тажрибанинг таъсирини ўрганган. Хотирани тадқиқ этишнинг янги мет.ларини ишлаб чиққан.

Б. инсон хотираси ижт.-маданий ҳодиса, ижт. тажрибага таянган ҳолда материални фаол лойиҳаловчи жараён эканлигини тажрибада асослаб берган. У ўз тадқиқотлари натижаларни 1932 й.да яратилган «Припоминание» (эсга солмоқ) асарида мужассамлаштирган. Б. тафаккурнинг ижт. табиатини ўрганиш соҳасида ҳам изланишлар олиб борган. У шахснинг кундалик тафаккури б-н рассом ҳамда олимларнинг фикрларини қиёсий ўрганган. Мана шу хизматлари туфайли у 1958 й.да Америка санъат ва фан академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган.

БАРҚАРОРЛИК – доимий, мустаҳкам, амал қилувчи ҳолатга эришиш, шунингдек, ушбу ҳолатнинг мунтазамлиги, мустаҳкамлигини ифодаловчи фал., маънавий, ижт.-пед. тушунча. Б. ж-ятда ҳукм сураётган тинч-тотувлик, бирдамликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга асосланган хотиржам шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижт. қатлам, гуруҳ ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик; дав., жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик қарор топганини англатадиган атама. Хитой донишманди Конфуций: «Фаровонликка эришиш – орзу, ислоҳотлар – унга етишиш воситаси, барқарорлик бу – максадга эришишнинг асосий шарт-шароитидир», – деб таъкидлаган эди. Ўз вақтида, Т. Парсонс «ижтимоий тизим барқарорлиги коидалари»ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ҳар қандай ж-ятнинг барқарорлиги унинг ижт. тузилишини ташкил этадиган элементлар фаолиятининг ўзаро уйғун бўлиши б-н белгиланади. Ана шу уйғунлик доимий Б. омилидир. Бунда дав.нинг вазифаси ж-ятнинг энг кичик бўғинлари, жамоалар, ташкилотлар, идоралар орасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат. Тарихдан маълумки, ж-ят яхлитлигининг таянчлари бўлмиш иқтисодиёт, сиёсат, ижт. муносабатлар ва маънавий соҳаларда барқарорликнинг издан чиқиши одатдагидан кўра кучлироқ ижт. номутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бундай салбий жараёнлар маънавият

соҳасида ҳам содир бўлиши мумкин. Уларнинг сабабларини иқтисодий ёки сиёсий омиллар таъсири б-н изоҳлаб бўлмайди. Гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, инсон зотига ярашмайдиган бошқа ҳатти-ҳаракатлар ҳам Б.ка салбий таъсир этувчи омиллардир. Б. масаласи 1989 й.да Бразилиянинг Рио де Жанейро ш.да бўлиб ўтган Умумжаҳон Конференциясида илк бор сиёсий концепция даражасига кўтарилган. Б. концепциясида сиёсий жабҳанинг яққол устуворлиги кўзга ташланса-да, глобал муаммолар ечимини излаб топиш инсон маънавий дунёси, ақлий салоҳияти, улкан бунёдкорлик қудратининг тўлиқ сафарбар этилиши б-н узвий боғлиқ.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Б. ж-ят тараққиёти, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий шарти, маънавий юксалиш омилига айланди. Б. бу борадаги барча ислоҳотлар ва тадрижий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий шарти, мамлакатимиздаги тинч-тотувликнинг ажралмас ҳамроҳидир. Шу б-н бир қаторда, ж-ятнинг барқарорлиги, халқимиз тинч-тотувлигини асраш ва мустаҳкамлаш, ҳимоялашга тайёр бўлган ёш авлодни т-ялаб етиштириш, маънавий камол топтиришга ҳам боғлиқ. **БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ** – қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган; устуворликка эга, ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган, ўзгармас, мукимлик, мустаҳкамлик, ўзгармаслик ҳолати.

Б.р. дав., халқ, миллатларнинг ижт.-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ривожланиши ва экологик муҳитнинг бир-бири б-н узвий боғлиқлигини ифодаловчи атама. Бу тушунчани БМТ Ташки муҳит ва тараққиёт халқаро қўмитасининг раиси Г. Х. Брутланд 1987 й.да таклиф килган. Б.р. тушунчаси остида, биринчи навбатда, иқтисодий, маънавий-ахлоқий тараққиёт, ижт. ривожланиш, бизни ўраб турган муҳит алоҳида соҳалар эмас, балки улар бир-бири б-н узвий боғлиқ деган фикр ётади. Илм-фан, техника, таълим-тянинг ривожланиши, янги техн.нинг инсон ҳаётининг барча жабҳаларига кириб келиши, бир томондан ж-ят фаравонлигини таъминласа, иккинчи томондан табиий муҳитга салбий таъсир ўтказмоқда. Б.р. гоясига 1972 й.да Стокгольмда бўлиб ўтган инсониятни ўраб турган ташки муҳит масалаларига бағишланган биринчи Халқаро анжуманда асос солинган. 1983 й.да БМТнинг Ташқи муҳит ва тараққиёт халқаро қўмитаси тузилган. Орадан тўрт йил ўтгач, қўмита «Бизнинг умумий келажагимиз» деб номланган дастлабки ҳисоботида инсоният ўз ф-яти ва турмуш тарзининг кўп жиҳатларини ўзгартирмоғи керак, деб огоҳлантирган. Акс ҳолда, инсоният олдида оғир синовлар ва ташки муҳитнинг кескин ёмонлашуви кутилмоқда, деб таъкидланган.

Узлуксиз таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талабаларга Б.р. шартлари, вужудга келаётган экологик хавф-хатарлар ҳақида батафсил маълумот бериш, уларни мазкур хавфларга қарши тура олишга ўргатиш, экологик билимдонлиги ва онгини ривожлантириш талаб этилади.

БАТТОЛЛИК (араб. – бекорчи, ишсиз, ёмон, ёвузлик, ваҳшийлик) – берахм, ваҳший, разил, ярамас, ўзиникини тўғри деб туриб оладиган, тўғри йўл-йўриққа юрмайдиган, ниҳоятда ўжар, кайсар одамнинг хусусиятларига нисбатан ишлатиладиган атама. Б. жоҳиллик негизида пайдо бўлади. Зеро, баттол жоҳил, илм-маърифатдан йироқ, маънавият-

сиз, ёвуз, ваҳшийлик, ҳақни ноҳақдан фарқламайдиган, фақат ўзим ҳақман, деб ҳисоблайди ва ўзгаларнинг фикрига қулоқ тутмайдиган одамлар кишилик ж-ятида Б.нинг кучайишига сабабчи бўлади. Кайковус одамларни тўрт турга бўлади. Улар: олимлар, қобил кишилар, уйқудаги кишилар, жоҳил кишилар. Б.ни тўртинчи турга тааллуқли дейиш мумкин. Зеро, Б.га хос ўтакетган ўжарлик, қайсарлик, тўғри йўл-йўриққа кўнмаслик каби хусусиятлар жоҳиллик ва воқеликни нотўғри англашдан келиб чиқади.

Ўқитувчилар ўқувчилардаги Б. кўринишларини ўз вақтида пайқаб уни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари, бундай ўқувчилар б-н кенг кўламли т-явий ишларни амалга оширишлари керак.

БАХИЛЛИК – ахлоқий тушунча бўлиб, бирон-бир шахснинг ўсиши, обрў-эътибори ошиши, ютуғи ва истеъдодини ич-ичидан кўра олмасликни ифодаловчи атама. Б. шахсиятпараст, ҳудбин ва кўнгли кора кишиларга хос хусусият бўлиб, одамлар ўртасидаги ижт.-ахлоқий муносабатларга салбий таъсир қилади, уларни бузади, ж-ятдаги инсонпарварлик ва адолатга путур етказади, жаҳолатни кучайтиради. Бахил кишилар бошқаларнинг бахтсизлиги, нотинчлиги, муваффақиятсизлигидан мамнун бўлади.

Б. халқ оғзаки ижоди намуналари – ҳикоя, эртак ва достонларда ҳам энг ёмон иллат сифатида тасвирланган. Қуръони карим ва ҳадисларда Б.ҳаром ишлар ва ярамас хулққа етакловчи иллат сифатида қораланган. Б. маънавияти кемтик, бировга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган, қизғанчиқ, ҳасис каби атамалар б-н маънодошдир. Ҳадиси шарифда баён этилишича, «Одамларнинг энг ёмони ўз аҳлига бахиллик ва қизғанчиқлик қиладиганидир». Бахил киши ўз ҳулқи б-н Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ж-ятнинг бойиши, унинг маънавий тараққиётига тўғаноқ бўлишини ёш авлод онгига босқичма-босқич сингдириб бориш керак. Б. асосида инсоннинг ўзини бошқалар б-н таққослаши ётади. Агар бирор кимса ўзини муттасил «Мен ўзгалардан кўра ақллирокман», «Мен доимо ҳақман» деб ўйласа, у ҳолда ўзидан ақлли, бахтли одамларни кўрганда ҳасади келиб, уларга нисбатан бахиллиги ошади. Б. ҳасад ҳисси асосида юзага келади ва доимо у б-н ёнма-ён юради. Ҳасад – амалга ошмаган Б.дир. Б. эса кўнгилдаги мавжуд ҳасадни рўёбга чиқаришдир. Ўзгаларнинг ютуғини кўролмаслик оқибатидаги Б. одамларнинг янги марраларни забт этишига тўғаноқ бўлади, яъни бахил одамнинг ўзи ҳам янгиликка интилмайди, бошқаларнинг ҳам фаол бўлишига йўл қўймайди. Агар чинакам эркинлик инсоннинг ўз-ўзини бошқариши б-н белгиланса, кўнглида ҳиссиётлар устун турадиган ва ҳулқи ҳислари оркали бошқариладиган одам ҳеч қачон озод ва эркин бўла олмайди. Фақат ўзи ва ўз ҳулқини бошқариш қобилияти оркалигина инсон ҳақиқий эркинлик ва фаровон ҳаётга эришиши мумкин.

БАХТИЁРЛИК – маънавий-ахлоқий тушунча. Кишининг ўз ф-яти натижалари, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиши, яшаш тарзидан мамнунлиги, муайян мақсадга эришганлиги, орзу-умидининг ушалганлигининг ифодаси.

Б. нисбий тушунча. Б.ни кандай маънода тушуниш шахснинг ижт. ўрни, билими, ёши, дунёқарашига боғлиқ. Чинакам бахтли бўлиш учун ҳар бир шахс

эркин, тенг, ўз истеъдод ва қатъиятини ҳар томонлама намоён қилиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиши зарур. Шунингдек, бахтга эришиш учун ҳар бир шахс ж-ятда, оилада ўз ўрнини топган, бурч ва масъулиятни англаган бўлиши лозим. Инсон ўз онги, тафаккури, дунёкараши, хатти-ҳаракати, хулқи, ақл-заковати б-н бахтли бўлиш учун интилиши, қурашиши керак. Инсон ўз тақдирини халқ, Ватан тақдири б-н уйғунлаштиргандагина тўлақонли тарзда бахтли бўлиши мумкин.

Б.нинг зидди бахтсизлик ҳисобланади. Б. кўпинча «Бахт-саодат» тарзида ҳам қўлланилади ва барча замонлар ҳамда халқларда бир хил маънони англатган. Категория сифатида бахтнинг турлари, намоён бўлиш шакллари ва хусусиятлари кўп. Мас., Ватан бахти, шахс бахти, меҳнат бахти, оила бахти ва ҳ.к.

Б. кўпроқ маънавий ва субъектив жиҳатлар устувор бўлган категориядир. Аммо бу унинг объектив асослари йўқ, деган маънони англатмайди. Бахт кад. даврда эвдемонизм таълимотининг асосий тушунчаси бўлган. Унинг вакиллари бахтни ҳаётнинг асосий мақсади, кишилар интиладиган маъмурликка эришилган ҳолат, шод-ҳуррам бўлишнинг олий кўриниши сифатида талқин этганлар. Антик файласуф Эпикур бахтни ахлоқнинг негизи деб ҳисоблаган.

Инсоннинг Б. бўлиши унинг соғлиғи, иродаси, илмуҳунари ва касб-корига боғлиқлигини болаларга мунтазам тушунтириб бориш, улар онгига сингдириш лозим. Ёшлар бахтли бўлишлари учун ҳар доим жисмоний ҳамда ақлий камолотга интилишлари зарурлигини англаб етишлари керак. Б. инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган, унинг ф-яти, турмуши, шароитлари, ж-ятдаги ўрнига берилган ахлоқий баҳо бўлишини ҳар бир инсон ёшликдан тушуниб етиши ва унга ҳаракат қилиши лозим. Б. ижт. характерга эга бўлиб, инсонлар ўртасидаги муносабатлар асосида белгиланади. Кимки ж-ятда, инсонлар орасида ўзининг ҳалол меҳнати, ахлоқ-одоби, бошқалар б-н одилона, самимий муносабати асосида обрў-эътибор орттирса – ўша бахтли одам эканлигини ўқувчи-ёшлар онгига етказиш педагогларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

БАШОРАТ ҚИЛИШ МЕТОДИ (араб. – олдиндан кўра билиш) – илмий билишнинг бир шакли, ҳали фанга тўла маълум бўлмаган, имконият тариқасидаги ҳодисалар, турли жараёнлар тўғрисида олдиндан фикр айтиш. Башоратнинг кад. дунёда мавжуд элементлари 15–17-а.ларда фанлар ривожи б-н маълум бир тизимга солинган. Бу жараён, айниқса, 19-а. ўрталарида янада кучайган. Илмий башорат табиат ва ж-ят қонунлари ва далилларига асосланган, келажакда нимадир бўлиши ва қандай кашфиётлар қилиниши ҳақидаги билимлар бўлиб, у интуитив асосда, инсоннинг олдиндан сезиши, кундалик асосда инсон ҳаётий тажрибасига ўхшаш белгилар, диний-гайритабиий кучларга ишонишдан келиб чиқади. Башорат турли шаклларда, мас., тирик организмларга хос бўлган олдиндан сезиш, пайқаш, яъни инсон интеллектуал ф-ятида ўз тажрибаларига асосланган ҳолда келажак ҳақида фикрлаш сифатида юзага келади. Ўтмиш ва бугуннинг номаълум ҳодисаларини башорат қилиш, келажак ҳодисаларига муносабатни ўрнатиш мақсадида башорат қилиш, реконструктив ўтмиш

ҳодисалари, унинг баъзи сақланиб қолган бўлаклари асосида башорат қилиш, реверсив башорат (замонавий тенденцияларни ўтмишга қараб мантиқий давом эттириш), презентив башорат (мас., рақиб томонидан амалга оширилган ёки амалга оширилаётган ҳаракат башорати. Бу башорат ҳаракат субъектига ҳали маълум бўлмаслиги мумкин), имитацион башорат (у ёки бу метнинг ишончлилигини аниқлаш максадида ҳодисанинг узоқ ўтмишдан яқин ўтмишга ривожланиши ҳақида) шаклларида ҳам учрайди. Илмий башоратнинг фал.масалаларига башорат мантиғи ва гносеологияси ҳамда башорат ва гипотезанинг ўзаро муносабати, воқеликни инсон онгида олдиндан акс эттириш кабилар хосдир. Ҳоз. давр ж-ят ҳаёти ва муайян соҳаларни илмий башорат қилмасдан туриб ривожлантириш имконсиздир. Шу нуқтаи назардан пед.да ҳам ўз тараққиётида илмий башоратга эҳтиёж сезади.

Таълимда ижт. башоратнинг таркибий қисми сифатида социологик, экологик, демографик, этнологик, маданиятшунослик, тиббий, ҳуқуқий, психологик ҳолатларнинг башорат қилинишига эътибор каратилади. Таълимни башорат қилиш кўпқиррали ҳодиса бўлиб, истиқболдаги тараққиёт тенденцияларини кузатиш орқали юзага келаётган муаммолар, уларни бартараф этиш йўлларини башорат қилиш назарда тутилади.

20-а.нинг 2-ярмидан бошлаб бутун дунёда таълим жараёнида инқирозли ҳолатлар вужудга келган эди. Бунинг натижаси сифатида анъанавий ўқитиш тизимидан воз кечилиб, шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш концепцияси вужудга келди. Бироқ ж-ятнинг янги эҳтиёжларига мувофиқ тарзда шахсга йўналтирилган таълим жараёнининг имкониятларини кенгайтириш эҳтиёжи кучаймоқда. Бу эса ўқув-т-я жараёнининг янги шаклларини башорат қилишни тақозо қилмоқда. Бундай тизимларнинг шаклланиш жараёни ўзаро қарама-қарши вазиятларни вужудга келтиради.

Башорат қилиш фаразларни тузиш ва ишлаб чиқишни ҳам англатади. У муайян истиқболга йўналтирилган махсус илмий изланишлар, рўй бериши мумкин бўлган ҳодисалар ҳақидаги тахминлар, олдиндан билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда ўртага ташланади. Башорат қилиш олдиндан айтилган сабаб-оқибат боғланишларини ўзида мужассамлаштиради. Б.қ.м.дан ўқув режалари, дастурларни ишлаб чиқишда зарур инструментарий сифатида фойдаланилади. Шу тариқа муаммоларнинг ечимларига олиб борадиган йўллари ишлаб чиқилади.

БАЯНОВ Анатолий Викторович (1930. 20.4. Бекобод тумани) – Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ўқитувчиси (1995). ТДПУнинг рус филол.си ф-тини тамомлаган (1952). Наманган ДПИ, Хўжанд педагог ходимлар малакасини ошириш институти, Челябинск ва Тошкент ш. ҳамда туманидаги мактабларда ишлаган (1952–88), Тошкент туманидаги 4-мактабда рус тили ва ад. ўқитувчиси (1988–98). Б. ўз пед. ф-яти давомида кўплаб методик қўлланмалар яратган. Б.нинг серқирра пед. ф-яти ҳамда ўқувчиларга иккинчи тилни ўргатиш соҳасидаги тажрибалари республикамизда оммалаштирилган.

БАҒРИКЕНГЛИК, толерантлик – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенгфеъллилик каби маънавий фазилатларга эга кишилар-

ни ифодаловчи атама. Б. ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник мансублиги, хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-қўйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур атама турли дин, миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона дав. тарқибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади. Б. айрим шахслар ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин.

Б. – ўзбек халқининг энг олийжаноб фазилатларидан биридир. Б. миллий ҳамда диний кўринишларда намоён бўлади. Миллий Б. – миллатлараро тотувликни англатса, диний Б. – турли диний конфессияларга мансуб кишиларнинг ҳамжиҳатликда яшашини билдиради. Турли динларга эътиқод қилувчилар б-н ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат ҳам Б.нинг кўринишларидан биридир. Б. миллий ҳамда диний мутаассибликка зид тушунчадир.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ изчил амалга оширилаётган Б. сиёсати узлуксиз таълим тизимининг ажралмас қисмига айланган. Б. дунёдаги турфа маданиятлар, турли халқлар миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилишни англатади. Бундай Б. кенг дунёқараш, самимий муносабат, ҳурфикрлилик, виждонлилик ва эътиқод негизида вужудга келади. Б. шахснинг маънавий бурчигина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёжи ҳамдир. Б., энг аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Бу тамойил асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларида ўз ифодасини топган.

БАҲОЛАШ МЕТОДИ (форс. – баҳо, нарх, киймат) – ўқувчи ёки талабанинг эгаллаган БКМлари ҳамда шахсий сифати даражаларини белгилашдан иборат бўлган пед. жараён. Баҳо – таълим олувчилар БКМларини миқдорий баҳолашда балл ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланадиган ҳодиса. Таълим тизимида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари, ахлоқи ёки маълум ютуққа эришиш даражасини ҳисобга олган ҳолда қўйиладиган балл. Ижт. ҳодисалар, инсон ф-яти, ҳулқига бўлган муносабат, уларнинг аҳамияти, муайян ахлоқ меъёрлари ва тамойилларига мослигини белгиловчи даража ҳисобланади. Инсоннинг ижт. мавкеи дунёқараши, маданий савияси, ақлий ва ахлоқий камолотини ҳам ифодалайди. Бошқа томондан эса бажарилган ҳаракат сабаблари, воситалари, максадлари, унинг қандай шароитда бажарилганлиги, шахс ҳулқидаги ўрнини ҳисобга олиш унга тўғри баҳо беришнинг зарур шартидир.

Баҳолаш воситалари ва мезонлари – муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш учун савол ва тестлар, топшириқлар, лойиҳалар, баҳолаш метлари ва мезонлари мажмуидан иборат. Баҳо ўқувчи ҳамда талабаларнинг билиш ф-ятлари натижаларини ифодалайди. Бу ўқув жараёнида улар олдига қўйилган ўқув топшириқларини бажариш, тайёргарлик ва ривожланиш даражалари, ўзлаштирган билимларининг сифати, шаклланган БКМларининг даражаси каби дидактик бирликларни ўзида мужассамлаштиради. Таълим олувчиларга қўйилган баҳо ошкора,

ўқув-билув майлларини ҳосил қилувчи ва ишонтирувчи характерга эга бўлиши керак. Баҳонинг ўқувчилар жамоасининг ўз-ўзига қўйган баҳоси ва фикрларига мувофиқ келиши алоҳида аҳамиятга эга. Баҳонинг таълимий аҳамияти шундаки, ўқувчилар ўз ўқув ф-ятларининг натижалари ҳақида ишончли ахб.га эга бўладилар. У ўқувчиларнинг ўз-ўзига берган баҳолари б-н тўлдирилади. Бу эса баҳолаш жараёнидаги бўшлиқларни тўлдиради, хато ва камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатади.

Баҳо т-явий аҳамиятга ҳам эга. Унинг т-явий аҳамияти шундаки, ўқувчилар ўз ўқув ф-ятларини такомиллаштириш усулларини излаш ва ўзлаштиришга мажбур бўладилар. Шу асосда ўрганиш жараёнининг самарадорлигини ошириш имконияти вужудга келади. Сонли аломатлар баҳонинг миқдорий ифодаси ҳисобланади. Сонли аломатлар ўқувчиларнинг БКМларини муайян рақамларда ифодалаш имконини беради.

Ўзбекистон мактабларида ўқувчиларнинг БКМларини баҳолашнинг 5 балли тизими амал қилмоқда. Ўрта махсус ва ОТМда кўпбалли рейтинг тизими асосида баҳолаш амалга оширилади.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД, Муҳаммад бинни Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (кўпроқ Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин, Балогардон, Ҳўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари б-н машҳур) (1318, Бухоро вилояти, ҳоз. Когон тумани – 1389) – машҳур авлиё, нақшбандия тарикатининг асосчиси сифатида бир қатор пед. ғояларни ҳам илгари сурган. Б.Н. аввало меҳнатни улуғлаган, кишиларни меҳнатсеварликка ундаб ўз меҳнати б-н кун кўриш лозимлигини тарғиб қилган. Маънавий-ахлоқий т-я ҳақидаги нақшбандия таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолик Ғиждувоний назарияларига асосланган. Мазкур таълимотнинг асосини «Дил ба ёру, даст ба кор» («Кўнгил Худода бўлсину, қўл иш б-н банд бўлсин») деган ғоя ташкил этган.

Б.Н. ўз таълимотида инсонни зукколикка, донишмандликка чорлайди. Доно кишилар ж-ятдагина мавжуд масалалар юзасидан ҳақиқатга мувофиқ фикрлай олади. Б.Н. қоидалари, пед. қарашлари инсониятни идроки, донишмандлик мақоми оркали юксакликка интилтиради, барча ишларда илмийлик касб эттиради. Акл-идрок оркали инсон деган макомга эришиш, ўз-ўзини бошкариш мумкин.

Нақшбандия таълимотида инсоннинг хулк-атвори юксак даражада бўлиши, кенг фазл эгаси бўлишлиги, ҳар қандай ҳолатда ўзини тута олиши, адаб меҳр-муҳаббатнинг дарахти, уруғи ҳамда унинг самараси эканлиги, бу йўлда кичик хатога йўл қўйилса, бутун ф-ятни қайтадан бошлаши лозимлиги уктирилади.

Б.Н.нинг фикрича, мураббий доимо шогирдининг ҳолидан хабардор бўлиши, йўқлаб ёки сўраб-суриштириш б-н унинг аҳволини билиши зарур. Ҳар бир мураббий шогирдининг ўтмиши, бугунги ҳолати б-н қизиқиб, унинг келажагини олдиндан кўра олсагина унга тўғри таълим-т-я бера олади. Б.Н. шогирд муайян бир соҳада иш бошлаши учун аввал ўша соҳа мутахассислари б-н мулокотда бўлиши, муҳит б-н якиндан танишиши лозим, деб ҳисоблайди. Чунки бу ҳолат унда бу йўналиш, соҳага нисбатан қизиқиш ва қобилиятни шакллантиради. Шогирд суҳбатда камол топиши, бунинг учун қобилиятли, фаросатли, тиниб-тинчимас, кучли ирода эгаси бўлиш керак. У илм ўрганувчини дурга ўхшатса, мураббий(устоз)ни дурга

шакл берувчи устага ўхшатади. Аллома таълим-т-нинг ўзига хос хусусиятлари устоз ва шогирд ўртасидаги узвийлик, боғлиқлик бўлиши, ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш лозимлигини қайд этади. Унинг фикрича, агар ҳар қандай кишида илм эгаллашга хоҳиш-истак, қизиқиш бўлса, у ўз йўлига ўзи тўсиқ қўймайди, бунда унга устозидан амалий ёрдам сифатида ғамхўрлик ва меҳр келади. Устоз ўзининг бор билим ва тажрибасини интилувчан шогирдларидан аямайди.

Б.Н. инсон т-яси, унинг тафаккур ривожи ҳақида гапирар экан, ақлий т-яга катта баҳо беради. Шунингдек, аллома ўз пед. қарашларида ҳукукий т-я, нафосат т-яси, ахлоқий т-я, қалб, нафс т-яси, меҳнат т-яси ҳақидаги ғояларини мужассамлаштирган. Б.Н. ўз пед. ф-ятида онглилик, кўргазмалилик, тизимлилик ва изчиллик, асосланганлик, назарий фикрларнинг амалий ҳаракатлар б-н уйғунлиги каби тамойилларга амал қилган. Илм-маърифат ва касб-ҳунарни инсоннинг маънавий камолоти ва ж-ят тараққиётида кучли восита эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Роҳат Сафарова

БАҲС-МУНОЗАРА МЕТОДИ – таълим жараёнида муайян муаммоларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш, айрим ҳолларда бир-бирини инкор этувчи фикр-мулоҳазаларни илгари суриш орқали муаммонинг ечимини топишга қаратилган усул. Бу усул интерфаол тафаккур мет.и сифатида қадимдан эътироф этиб келинган. Мунозарани ўтказишдан кўзланадиган мақсадлар турлича бўлиши мумкин. Бундай мақсадлар сирасига ўргатиш, тренингларни ташкил этиш, ташхислаш, тескари алоқани амалга ошириш, кўрсатмаларни ўзгартириш, ижодий ф-ятни рағбатлантириш кабиларни киритиш мумкин. Мунозара мавзулари ранг-баранг (мас., ахлоқ-одоб, маънавий юксалиш, санъат ва ад. ривожи, фан, техника ва спорт, оилавий муносабатлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар, оммавий маданият ва б.) бўлади.

Ўқув жараёнида мунозараларни ташкил этиш, одатда, бир қанча ўқув мақсадларини кўзлайди. Улар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёнларини ташкил этиш учун қулай ҳисобланади. Бу жараёнда коммуникатив мақсадлар ҳам назарда тутилади. Мунозара мавзуси б-н унинг мақсади орасида алоқадорлик таъминланиши зарур. Агар мавзу кенг бўлиб, кўплаб маълумотларни ўзида мужассамлаштирган бўлса, мунозара натижасида ахб.ларни йиғиш ва тартибга солиш, муқобил фикрларни излаш, уларни уйғунлаштириш ва методологик жиҳатдан асослаш мақсади қўйилади. Агар мавзу доираси тор бўлса, мунозара жараёни қарор қабул қилиш б-н якунланади.

Баҳс-мунозара вақтида ўқувчилар бир-бирларининг фикрларини ўзаро тўлдиришлари, қўллаб-қувватлашлари ёки муқобил фикрлар баён қилишлари мумкин. Биринчи ҳолатда суҳбат вазияти вужудга келса, иккинчисида баҳс-мунозара етакчи ўринни эгаллайди. Таълим жараёнида мунозаранинг диспут-мунозара, конференция, телевидение, радио, матбуот орқали мунозара уюштириш, прогрессив мунозара, қиёсловчи мунозара каби турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Баҳс-мунозара жараёнида савол-жавоб, паст овозда муҳокама қилиш, клиника, лабиринт, эстафета мет.лари, эркин ҳаракатланадиган мунозара усулларидан фойдаланилади.

Баҳс-мунозара жараёни бир неча босқичда амалга оширилади. Улар йўналтирувчи, баҳоловчи, бирдамликка ундовчи, таҳлилий босқичлардан иборат.

Баҳс-мунозара жараёнида қатнашчиларининг фикрини тушуниш, унга ҳурмат б-н қараш; мунозара чоғидаги қарама-қаршилик муаммони ечишнинг самарали вариантини топиш имкониятини вужудга келтиришига эришиш; жараён раҳбари бўлган ўқитувчига ҳамкор сифатида ёндашиш каби натижаларга эришилади.

БЕБОШЛИК – эркинлик, шўҳлик, ақлсизлик, т-ясизлик, ўзбошимчалик, қонунсизлик маъноларини англатадиган тушунча. Бебош болалар ўйламай қарорлар қабул қилади, мақсадсиз хатти-ҳаракатларни амалга оширади, қонунларнинг моҳиятини тушунмайди ва уларга амал қилмайди. Бундай болаларни тартибга солиш учун педагоглар улар б-н алоҳида иш олиб боришлари, ж-ят талаблари, қонунларнинг моҳиятини тушунтиришлари ва уларга амал қилиш қоидаларини ўргатишлари лозим.

БЕГИМОВ Соатбай (1938, Амударё тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Амударё туманидаги 38-сонли мактабнинг ўқув т-я ишлари бўйича директор ўринбосари. Ўқувчилар б-н биргаликда 1,5 мингдан ортиқ кўргазмали материаллар тайёрлаган. Шеър ва мақолалари мунтазам равишда газеталарда чоп этилади. Мураббий ёш авлодни т-ялаш ва уларга пухта билим бериш соҳасида эришган ютуқлари туфайли эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган.

БЕДИЛ (тахаллуси; асл исми Мирзо Абдулқодир) (1644, Бенгалия, Азимобод ш. – 1721, Деҳли) – буюк мутафаккир ва шоир. У Шайх Камол, шоҳ Фозил ва Мирза Абдулқосим каби олимлардан таълим олган; форс тилида ижод қилган, араб, форс, ҳинд, урду тилларини мукаммал билган. Тасаввуф ва юнон фал. си, айниқса, Аристотель қарашларини чуқур ўрганган. Б. мураккаб ижт.-иқтисодий шароитда ҳиндлар ва мусулмонларнинг тинч-тотув яшашлиги, юртни обод, халқни тинч-осойишта, фаровонгатда, ҳамжиҳатликда кўришни орзу қилган. У инсон эркинлиги, тафаккури ҳақида фал.-ахлоқий қарашларни ифодалаган.

Б. «Ирфон» («Билим», 1711–12; «Комде ва Мудан», «Нукот» асарлари ҳам шунинг таркибида) достонида фал., тарих, табииёт, ад. ва илоҳиётнинг хилма-хил масалаларига тўхталган. Асарда борлиқ, материя, заррачалар, жонли мавжудот ва нарсалар табиати ва наботот тўғрисида сўзлайди. Борлиқ, йўқлиқ, фано, бақо сингари фал. масалалар ҳақида фикр билдиради. Тил ва тилнинг хизмати, аҳамиятини талқин этади, хиссий ва ақлий билиш манбаи, туйғу, тушунча, ақл ҳақида муҳокама юритади. Б.нинг «Тилсими ҳайрат» (1669), «Мухити аъзам» («Буюк океан», 1681), «Тури маърифат» («Маърифат тоғи», 1687), «Ғазалиёт», «Рубоиёт» ва б. асарларида ҳам ижт.-ахлоқий, т-явий масалалар ёритилган. Шеърларида т-я, хулқ-одоб, ахлоқ тўғрисидаги ўз фикрларини баён қилган, ж-ятдаги жабр-зулм, адолатсизлик каби иллатларни қоралаган.

Б.нинг ижт.-ахлоқий масалаларга оид қарашларида маърифатпарварлик, мурувват ва одамийлик асосий ўринни эгаллаган. Асарлари 19-а.дан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Улар фал. фикрга бойлигидан Б. Туркистонда «Абулмаъоний» («Маънолар отаси») деган ном олган. Унинг китобларини ўқиб берувчилар «бедилхонлар» деб аталган.

БЕЛЛ-ЛАНКАСТЕР ТИЗИМИ – ҳамкорликда ўқитиш мактаби. Бошланғич синфларда таълимни ташкил этиш тизими ва мет.ларини ифодалайди. Бунда катта ёшли, яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар устозлари раҳбарлигида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга таълим беради. Бу тизим оммавий саводхонликка ўргатиш зарурияти б-н боғлиқ ҳолда вужудга келган. У бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда инглиз педагоглари Э. Белл ва Ж. Ланкастерлар томонидан жорий этилган. Дастлаб бу тизимни 1791 й.да Ҳиндистонда Э. Белл жорий қилган. Кейинчалик эса 1801 й.да Ж. Ланкастер томонидан Англияда қўлланилган. 19-а.нинг бошларида бу тизим бир қатор мамлакатларда кенг таркалган. Улар сирасига Франция, Россия, АҚШ, Дания каби мамлакатларни киритиш мумкин. Бу тизим саводхонликка ўргатишнинг жадаллаштирилган камхарж усули ҳисобланган. 19-а.нинг ўрталарига келиб у ўзининг оммавийлигини йўқотган. Мактабларда ҳамкорлик асосида ёзиш, ўқиш ва ҳисоб машғулотлари ўтказилган. Ўқитишнинг мазкур мет.си стандартлаштирилган бўлиб, унинг асосини ўқув материалларини механик тарзда ёд олиш ташкил қилган. Бундай таълим жараёнидаги асосий жиҳоз столлардан иборат бўлиб, у 10 ўқувчига мўлжалланган. Ўқув залида катта чизмалар осилган бўлиб, мазкур хоналарда 500 нафарга яқин ўқувчилар таҳсил олган. Кичик ёшдаги ўқувчилар кумга, катта ёшдагилар эса тоштахталарда ёзганлар. Ҳар бир назоратчи ҳар куни ўқитувчидан кўрсатмалар олган. Бундай вазифани, одатда, яхши ўзлаштирувчи катта ёшли ўқувчилар бажарганлар. Стол атрофидаги ёзув машғулотлари тугагач, доска олдидаги оғзаки машқлар ўқитувчи томонидан қаттиқ назорат қилинган. Ўқувчиларнинг иш маромини кисман рағбатлантириш ва жазолаш орқали мустаҳкамланган ва баркарорлаштирилган. Бунинг натижасида ўқувчилар оммавий мактаблардагидан кўра, тезрок ёзиш ва ҳисоблаш кўникмаларини эгаллаганлар. Бирок ўқувчиларнинг билимлари схематик характерга эга бўлиб, таълимнинг кейинги боскичларида ўкишни давом эттиришлари учун етарли ҳисобланмаган. Ланкастернинг мазкур ҳамкорликда ўқитиш мет.ини юқори синфларда қўллашга оид уринишлари муваффакиятсизликка учраган. Худди шу пайтда Б.-Л.т.га зид тарзда ривожлантирувчи таълим назарияси вужудга келган.

БЕМЕҲРЛИК – инсоннинг бошқаларга нисбатан салбий ёки бетараф тус олган ҳиссий муносабатини ифода этувчи атама. Б.ни икки маънода талқин этиш мумкин: биринчидан, у одамларга нисбатан салбий муносабат, тажовузкорлик ва шафқатсизликни англатса, иккинчидан, бефарқлик, тошбағирлик кўринишида намоён бўлади. Бемехр одамда ўзгаларга нисбатан, кўпинча лоқайдлик, бефарқлик яққол кўринади. Мас., касал одамга қуюнмаслик, муҳтож одамга ёрдам қўлини чўзмаслик ёхуд ҳалокатли ҳодисани индамай кузатиб туриш Б. аломатидир. Б. маълум маънода инсон қалбининг ҳиссий олами, унда ўзгаларга нисбатан шаклланган эмпатия (ўзгалар ҳолатини ҳис этиш)га боғлик. Шу маънода, Б. шахеда ёшликдан оила муҳитида ота-оналарнинг болаларга нисбатан бепарволиги туфайли шаклланади. Бу даврда бола т-ясига эътиборсизлик, унга кўрслик қилиш ва кўпол муносабатда бўлиш, камситиш, ота-она ва фарзанд муносабатларидаги ҳиссий ночорлик уларда атрофдагиларга нисба-

тан меҳр хиссининг етарлича шаклланмаслигига асос бўлади. Оила аъзолари, қариндош-уруғлари, маҳалладошлари, касбдошларига нисбатан меҳр хиссини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай мақсадга қаратилган тадбирлар мактабларда, ўрта махсус ва ОЎЮда ҳам амалга оширилиши керак. Унда аждодларимиз ижод намуналари, бадиий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ пед.воситаларидан кенг фойдаланиш талаб этилади.

БЕОДОБЛИК – ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракат, инсоннинг ўз ф-ятида бошқалар б-н бўлган муносабатида иймон, инсоф, андиша, шарму ҳаё, инсонпарварлик каби ахлоқий мезонлар чегарасидан чиққанлигини англатувчи атама. У муайян мақсадга кўра ёки мақсадсиз амалга оширилиши мумкин. Б. англанган ва англанмаган хатти-ҳаракатлар натижаси сифатида ҳам намоён бўлади. Англанган Б. шахс томонидан кўра-била туриб атайин амалга оширилади. Англанмаган Б. эса инсоннинг ўз ахлоқий бурчлари, мажбуриятларини тушуниб етмаганлиги натижасида содир бўлади. Б. инсон томонидан амалга ошириладиган муайян хатти-ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти, уни бажариш б-н боғлиқ шарт-шароитлар, мазкур ҳаракатга ундаган майл ва ниятларга ҳам боғлиқ бўлади.

Б. – т-ясизлик маҳсулидир. Аждодларимиз узоқасрлар давомида ахлоқ-одоб қоидаларининг бутун бошли мажмуини яратиб, шу асосда фарзандларни т-ялашга ҳаракат қилганлар. Болаларга одоб илми улар ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб уқтирилган. Авесто, Қуръони карим, Ҳадиси шарифлардаги ахлоқий меъёрлар, мутафаккирларнинг асарларидаги ахлоқий қарашлар худди мана шу эҳтиёж туфайли вужудга келган.

БЕПАРВОЛИК – атроф-муҳитда, ж-ятда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар, ўзгалар ҳаётига нисбатан бефарқлик, эътиборсизлик, лоқайдлик. Айниқса, дав. ва ж-ят ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, Ватан тақдири ҳал қилинаётган вазиятларда ж-ят аъзоларидан юксак фаоллик, масъулият талаб қилинган шароитдаги бефарқлик нафақат ижт. иллат, балки жиноят сифатида ҳам баҳоланади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, фуқаролик ж-ятини барпо этиш ҳаракатлари кенг авж олган бугунги кунда Ватан тараққиётини масъулиятли, шижоатли, иродали, иймон-эътиқодли, Ватан тақдири учун курашадиган ёшлар белгилайди. Демак, Б. – иродаси заиф, қатъиятсиз одамларга хос хусусият бўлиб, инсонни маънавиятдан, умуман, инсонлик мартабасидан маҳрум этадиган иллатдир.

БЕРДИЕВ Эгамқул (1947.1.4, Бўка тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТДПИнинг табииётгеогр. ф-тини тамомлаган (1972). Бўка туманидаги мактабларда бош етакчи, биология ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари (1965–78), шу тумандаги 16-мактаб директори (1978 й.дан). Б. ўз иш ф-яти давомида геогр. дарсларини янги пед. техн. асосида ташкил этиш, мактабни инн-он усулларда бошқаришга эришган. Унинг иш тажрибаси ҳамкасблари орасида кенг оммалаштирилган. Б.нинг ташаббуси б-н мактабда туман халқ таълими тараққиёти ҳақида ҳикоя қилувчи музей очилган. Унда 700 га яқин экспонат мавжуд.

БЕРДИЕВА Бувигул (1954.18.3, Жомбой тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ

ўқитувчиси (1995). Самарқанд 1-пед. билим юртини тугатган (1974) Жомбой туманидаги 1-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси (1975 й.дан). Б. ўқувчиларга ДТС асосида кўргазмали қуролдан унумли фойдаланган ҳолда билим бериш тажрибасини чуқур ўзлаштирган. Унинг БТ сифати ва самарадорлигини ошириш соҳасидаги тажрибаси ҳамкасблари орасида кенг оммалаштирилган.

БЕРУНИЙ Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад (973.4.9, қад. Кот (Кат) ш. – 1048.11.12, Ғазна (ҳоз. Афғонистон) – улуғ ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан бири. У ўз даврининг ҳамма фанларини чуқур эгаллаш б-н бир қаторда, пед. соҳасида ҳам салмоқли ғояларни илгари сурган.

Б. ўз асарларида билиш назарияси ҳақида ўзига хос қарашларини баён қилган. Унинг фикрича, билишнинг асоси, бизнинг дунё ҳақидаги билимларимиз манбаи бўлмиш сезги аъзолари орқали олинган билимлардир. Умуман, илмий билимлар ҳақида гапирар экан, бу – ақл-идрок туфайли эришилган ютуқ, деб ҳисоблайди. Б. бу соҳада тажрибанинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Б. шахс ахлоқ-одоби ҳақида қимматли фикрларни баён этган. Шахснинг ахлоқи ж-ят олдидаги бурчини сидқидиллик б-н бажаришига хизмат қилиши лозимлигини уқтиради. Б. инсоннинг ташқи қиёфаси табиат инъомидир, уни ўзгартиришнинг имконияти йўқ. Бироқ ахлоқий қиёфасини ўзгартириш инсоннинг ўз қўлида, деб таъкидлайди. Демак, уни ёмон хулқдан яхши фазилатлар томон айлантириш имкониятлари чексиздир. Бунинг учун шахс ўз хулқ-атвори, ҳис-туйғулари устидан ҳукмрон бўлмоғи, руҳини т-ялаб бориши, уни ахлоқий жарроҳлик воситасида даволаши, ахлоқ-одоб борасидаги китобларда таъкидланган усуллар б-н камчиликларидан қутулмоғи лозим. Ана шундагина у ўзининг салбий одатларидан холи бўлиб, юксак ахлоқий фазилатлар соҳибига айланади.

Б. БТ ҳақида ўз даврида илғор ғояларни олға сурган. У болаларни 5–6 ёшдан ўқитиш тарафдори бўлиб, ўқитувчи ахлоқига қўйиладиган талаблар сифатида ўз фанини яхши билиш, покизалик, ростгўйлик, тоза-озода юриши зарурлигини кўрсатган. Таълим-т-я жараёнида ўқитувчининг ўрнак-намуна кўрсатишини дарс самарадорлигини оширувчи асосий восита сифатида қайд этган. У т-яни ақлий, ахлоқий, меҳнат ва нафосат т-яси каби турларга бўлиб, уларни БТ босқичидан бошлаб ўқувчиларга сингдириб бориш лозимлигини таъкидлаган.

Б.нинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳоз. давр учун ҳам долзарбдир. Ўқувчиларга билим беришда уларни зериктирмаслик, бир хил нарса ёки бир хил фанни ўргатавермаслик, изчиллик ва узвийликка амал қилиш, таҳлил қилиш ва таққослаш кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш, такрорлашга алоҳида ўрин ажратиш, мавзуни кўргазмали баён этишга эришиш кабилар муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаган.

БЕТАЙИНЛИК – бор-йўқлиги, юз бериши ёки бермаслиги аниқ бўлмаган, номаълум, тайинсиз, бир зайлда, бир гапда турмайдиган, тутуриқсиз, бурдсиз, бекарор одам маъносини ифодаловчи атама.

БЕТГАЧОПАРЛИК – ортиқча келганини қайтармасдан айтиб юборадиган, андишасиз, катталарнинг юзига тик қарайдиган одамдаги салбий ҳолатни ифодаловчи атама.

«БЕШИНЧИСИ (ОЛТИНЧИСИ, ЕТТИНЧИСИ, ...) ОРТИҚЧА» МЕТОДИ – таҳсил олувчиларнинг мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол мет. Уни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш керак: ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган тушунчалар тизимини шакллантириш; ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллукли бўлган беш, олти ва ундан ортиқ ҳамда тааллукли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш; ўқувчиларга мавзуга тааллукли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш; ўқувчиларни ўз ҳаракатлари моҳиятини шарҳлашга ундаш; мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида улардан тизимда сақланиб қолган тушунчаларга изоҳ бериш ҳамда ўзаро ўртасидаги мантиқий боғлиқлик асосларини талаб этиш ва б.

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни кўрсатиш ва асослаш ўқувчиларда мустақил фикрлаш, шахсий ёндашувларини асослай олиш, шунингдек, тенгдошларининг фикрлари б-н шахсий мулоҳазаларини ўзаро таққослаш кўникмаларини ҳам шакллантиради.

БЕҚАРОРЛИК – бир зайлда, бир ҳолатда турмаслик, ўзгарувчанлик маъноларини ифодаловчи тушунча.

БЕГАРАЗЛИК – 1) шахснинг маънавий қиёфасига хос хусусият, камтарлик, бошқаларнинг ҳаётига аралашмаслик, ўзгалар мақсадларига халал бермаслик, ҳасад, кўролмаслик, бахиллик, бузғунчилик, ўғрилик, ғийбатчилик, манфаатпарастлик ва б. иллатлардан холилик сифатини ифодаловчи атама; 2) бир инсон томонидан бошқа бир инсонга эзгулик, холис ният б-н қилинадиган моддий, маънавий ёки бошқа бирор бир турдаги ёрдам, кўмаги эвазига ҳеч қандай қайтимга умидвор бўлмаслиги, таъма қилмаслигини билдирувчи атама.

Б. ўзбек халқи тарихида азалдан муҳим аҳамият касб этиб келган. Энг кўҳна ёдгорлигимиз «Авесто»да ифодаланган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойилида Б. ғояси ўз аксини топган. Ўзбек халқи орасида кенг тарқалган Ҳотамтой тимсолида ҳам беғараз инсон фазилати намоён бўлади. Бобокалонларимиз бўлган кўплаб аллома-аждодларимизнинг ҳаёт тарзи беғаразлик асосида қурилган эди. Ўрта асрларда жуда машҳур бўлган жавонмардлик тариқатида Б., саховатпешалик ғоят муҳим мазмун касб этган. Б. ўзаро кўмак ва ёрдам тимсолида ҳам намоён бўлади.

БЕҲБУДИЙ Маҳмудхўжа (1875, Самарқанд – 1919.25.3, Қарши) – йирик маърифатпарвар, педагог, драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири. Аҳмад Яссавий авлодидан. 18 ёшидан қозихонада мирзалик қилган, қози, муфти даражасига кўтарилган. 1893 й.да дастлабки янги усул мактабини очишга муваффақ бўлган. Б. 1899–1900 й.ларда Арабистон, Миср, Туркияга саёҳат қилган чоғида унда янги мактаб (усули жадид) очиш фикри туғилган. Самарқанд якинидаги Ҳалвойи қишлоғида Ажзий, Ражабаминда Абдулқодир Шакурийлар б-н ҳамкорликда янги усул мактабини очади. Б. 1903–04 й.ларда Қозон ва Уфа ш.ларига бориб, у ердаги янги усул мактаблари б-н танишган, татар зиёлилари б-н алоқани йўлга қўйган. Шу аснода у янги мактаблар учун дарсликлар тузишга киришган. Жумладан, «Рисолаи асбоби савод» («Савод чиқариш китоби», 1904),

«Рисолаи жуғрофияи умроний» («Аҳоли географиясига кириш», 1905), «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий география», 1906), «Китобат ул-атфол» («Болалар хати», 1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) каби бир қатор дарсликлар яратиб чоп эттирган. Б. 1908 й.да Ражабаминдаги Шакурийнинг мактабини Самарқанддаги ўз ҳовлисига кўчирган.

Б. ўз ф-яти давомида 300 дан ортиқ мақолалар ёзиб, уларда миллат ва ватан, ж-ят ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини баён қилган. Ушбу мақолаларнинг аксарияти ўзбек халқида янгича тафаккур тарзининг шаклланиши, янгича нуқтаи назарларнинг вужудга келишига бағишланган (жумладан, «Туркистонда мактаб жарида», «Бухорода усули жадид», «Ёшларга мурожаат», «Эҳтиёжи миллат», «Икки эмас, тўрт тил керак» каби пед. характердаги мақолалар) қарашларида маърифатпарварликка ундовчи пед. ғоялар асосий ўринни эгаллайди. Б. илму маърифат халқ оммаси томонидан ўзлаштириб олингандагина ижт. тараққиётда ҳал қилувчи кучга айланади, деб ҳисоблаган. У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси б-н боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили эканлигига ишонган. Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил дав.ини ўрнатмагунча, ижт. адолатни тиклаб бўлмайди, деган хулосага келган.

Б. асарларида янги усул мактабларининг аҳамияти, ўқитиш тизими, маърифатга рағбат, комил инсон т-яси ҳақидаги пед. фикрлар устувор ўрин эгаллаган. У таълим-т-яда мактаб муҳим ўрин тутишини таъкидлайди. Б. ахлоқ ва т-янинг асоси – мактаб, барча илмларнинг боши ва ибтидоси – мактаб, саодат, фозил инсоннинг маънавий чашмаси – мактаб, деб уқтиради.

БИБЛИОГРАФИК БАЁН – белгиланган қоидалар асосида топилган ҳамда ҳужжат идентификацияси ва умумий тавсифи ҳақида маълумот берадиган ҳужжат тўғрисидаги библ. маълумотлар мажмуи.

БИБЛИОГРАФИК КАТАЛОГ – кутубхона фонди (унинг қисми) ёки бир неча ҳужжат фондлари таркиби ва мундарижаси ҳақида маълумот берувчи библ. қўлланма.

БИБЛИОГРАФИК ШАРҲ – 1) кутубхонага сўнгги пайтларда келиб тушган ёки ўқувчиларни у ёки бу мавзу, муаммо б-н таништирувчи ад.ларни оғзаки тарғиб қилиш усулларидан бири; 2) маълум ҳужжатлар гуруҳи мазмун-мундарижасини очиб берувчи библ. қўлланма.

БИБЛИОГРАФИЯ (юн. – biblion – китоб + grapho – ёзаман) – ўрганиладиган асарлар рўйхати, миқдори, илмий баёни тўғрисидаги зарурий кўрсаткичлар ифодаси. Шунингдек: 1) босма ва қўлёзма маҳсулотлар рўйхатини тузиш ҳамда улар ҳақидаги ахб.ни тўплаш б-н боғлиқ илмий-амалий ф-ят; 2) мавзуга оид ад.ларнинг тўлиқ ёки танлаб олинган рўйхати, шундай рўйхатларни ўз ичига олган махсус нашрлар (маълумотнома, каталог, шарҳ); 3) янги чиқаётган китобларнинг қисқача шарҳига бағишлаб даврий нашрлар таркибида ташкил этиладиган бўлим маъноларини ифодалайди.

БИЗНЕС-МАКТАБИ – бизнес ва бошқарув (менежмент) соҳасида мунтазам таълимни амалга оширувчи, тижорат асосида ф-ят юритувчи таълим муассасаси.

БИЗНЕС МАЪНАВИЯТИ (инг. – business) – бизнес маънавияти соҳасига

оид тушунча. Шунингдек, у бизнес б-н шуғулланадиган кишиларнинг бутун умри давомида кучига куч қўшиш, акл, идрок ва заковатини кенгайтириб, мустаҳкамлаб боришини англатадиган атама. Маънавият ва маънавий бойликлар дав., ташкилот, фирма, корхона ва бизнесменнинг бебаҳо хазинаси ҳамда тараққиёт манбаидир. Бизнес соҳасида маънавий-ахлоқий меъёрларни унчалик менсимайдиган баъзи тадбиркорлар кўпроқ муваффакиятга эришаман деб ўйлайди. Уларнинг назарида агар ахлоқий тамойилларга риоя қилинмаса, ютуқ ёки фойдани тезроқ қўлга киритиш мумкин. Мас., мижозлар ёки шерикларни алдаган тадбиркор ҳалол тадбиркорга қараганда кўпроқ фойда кўриши мумкин. Лекин бу фойда қисқа муддатли, бир ёки икки маротабалик бўлиб, ҳар доим ҳам шу йўл б-н фойда кўриб бўлмайди. Мижоз ва шериклар бундай тадбиркор томонидан бир-икки марта алдангандан кейин у б-н алоқани узади. Бу эса охир-оқибат унинг касодга учрашига сабаб бўлади.

Маънавий-т-явий муносабатлар кўп қиррали ва мураккаб ҳодисадир. Ана шу мураккаб тизимнинг пед. муносабатлар б-н бевосита алоқадор бўлган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, адолатлилик, виждонлилик каби жиҳатлари ж-ятдаги инсоний муносабатлар ва шахснинг ривожланиш даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

«БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ» МЕТОДИ – таҳсил олувчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беришга қаратилган интерфаол мет. Ушбу мет.ни қўллаш жараёнида ўқувчилар б-н кичик гуруҳларда ёки бутун синфдагиларни қамраб олган ҳолда ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган ф-ят таҳлил этилади. Гуруҳларнинг ф-ятлари бир неча кўринишларда ташкил этилиши мумкин: 1) ҳар бир гуруҳ умумий тартиб асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади; 2) гуруҳлар умумий режанинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажарадилар.

Мазкур мет.дан фойдаланишда ўқувчиларнинг янги мавзу ҳақида қай даражада тушунчага эга эканликлари аниқланади, мавзу бўйича ўз билимларини бойитиш эҳтиёжлари ҳисобга олинади ҳамда мавзуга оид маълумотлар б-н батафсил таништириладилар. Ушбу мет. бўйича амалга ошириладиган ҳаракатларни қуйидагича тавсифлаш мумкин: синфдаги ўқувчилар гуруҳларга бўлинадилар; ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси ойдинлаштирилади; ўқувчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар лойиҳанинг 1-бандига киритилади; ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжларининг даражалари аниқланади; уларнинг янги мавзуни ўрганиш эҳтиёжлари даражалари лойиҳанинг 2-бандида қайд этилади; ўқитувчи янги мавзуга оид билим ва ахб.лардан ўқувчиларни хабардор қилади; ўқувчилар томонидан ўзлаштирган янги билимларнинг даражалари аниқланади; баён этилган янги билимлар ва ахб.лар лойиҳанинг 3-бандига киритилади.

Машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

«БИЛАГОНЛАР КЎЧАСИ» УСУЛИ – дидактик ўйин тури. Бунда ҳар бир гуруҳ портретларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб олган варақаларда номлари ёзилган дав. арбоблари, олимлар, спортчиларнинг ҳаёти, ф-яти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак.

БИЛВОСИТА ҲАВОЛА ҚИЛИШ МЕТОДИ – ўқувчи-талабаларга эски ва янги маълумотларни солиштириш ва карама-карши қўйишда ёрдам бериш, қўшимча ҳаволалар учун матн эслаб колиш ва маълумотни такрорлашга кодир, лекин амалда уни қандай қўллашни билмайдиган ўқувчи-талабаларга кўмаклашишга хизмат киладиган мет.

БИЛИМ – борликни билиш жараёнининг амалиётда тасдиқланган натижаси, кишиларнинг табиат ва ж-ят ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари; воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши. Пед. нуқтаи назардан билим ўқувчи ва талабаларнинг табиат, ж-ят, фан-техника ютуқлари ҳақида ҳосил қилган ахб.лар, тушунчалар, уларга тақдим этиладиган назарий маълумотдан иборат бўлган бирлик ҳисобланади.

Б.лар объектив реалликнинг инсон онгида мос тарзда акс эттирилишидир. Б. кенг маънода тасаввур, тушунча, назариялар йигиндиси, тор маънода эса бирор предмет ҳақида тушуниш ва қўйилган мақсадга етиш имконини берувчи ахб. дан иборат. У кундалик, илмий, эмпирик, назарий Б.ларга ажратилади.

Кундалик Б. соғлом фикр ва кундалик амалий ф-ят шаклларига асосланади ҳамда инсоннинг атроф-муҳитга мослашуви, унинг хатти-ҳаракатлари ва воқеаларни олдиндан кўра билиши учун асос бўлиб хизмат килади. Илмий Б. – тизимли, асосли ва нарса, ҳодисалар моҳиятига чукур кириб борадиган бўлади. У эмпирик ва назарий даражаларга ажратилади. Эмпирик Б. – билишнинг кузатиш, ўлчаш, тажриба усулларини қўллаш натижаси. У нарса-ҳодисаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ифодалайди. Эмпирик кўрсаткичлар орасидаги алокадорликнинг мунтазам такрорланиши эмпирик конунлар ёрдамида ифодаланади. Улар, кўпинча, эҳтимоллик хусусиятига эга бўлади. Назарий Б. – эмпирик ҳолатларни тасвирлаш, тушунтириш, яъни нарса-ҳодисалар моҳиятини билиш имконини берадиган конунларни очишни назарда тутади. Воқелик ҳақида шахс ўзлаштирган маълумотлар Б. даражасига кўтарилиши учун бир катор шартлар бажарилиши, яъни маълумотларнинг воқелик б-н мутаносиблиги, етарли даражада ишонарлилиги ҳамда далиллар б-н асосланган бўлиши лозим.

Инсон ижт. тараккиёт жараёнида билмасликдан билишга, мавҳум Б.лардан мукаммал ва аник Б.лар ҳосил қилишга интилади. Инсоннинг моддий олам тўғрисидаги Б.лари нисбий характерга эга. Инсоннинг Б.лари мунтазам ривожланиб бойиб боради. Б. кундалик тажриба, кузатишлар натижасида тўпланади. Б.ларни тадқик этувчи таълимот – эпистемологияда перцептив (ҳиссий), ҳаётий – кундалик (соғлом ақл) ва илмий Б. шакллари ажратиб кўрсатилган. Илмий ад.ларда Б.ларнинг илмий ва ноилмий шакллари ҳам фарқланади. Ноилмий Б.ларга маданият, ад., санъат, мифология, дин ва ш.к. соҳаларга оид карашлар киради. Одатдаги фан соҳаларида тадкик этиладиган Б.лар экзотерик (кўзга ташланувчан) Б.лар деб аталса, астрология ва б.

соҳаларга оид Б.лар эзотерик (пинҳоний) Б.лар дейилади. Экзотерик Б.лар илм-фан қоидаларига зид келмайдиган бўлса, эзотерик Б.лар бундай қоидаларга зид келиши мумкин.

Б. – ижт.-тарихий, амалиётда такомиллашган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликни билиш жараёнида эришилган натижа; шу воқеликни инсон онгида тасаввурлар, тушунчалар, муҳокама ва назариялар орқали ифодаланган инъикоси; кишиларнинг табиат ва ж-ят ҳодисалари ҳақида тўплаган маълумотлари; воқеликнинг инсон тафаккурида акс этишидир. Б. тасаввурларимизнинг атрофимиздаги воқеа ва предметларга мос келишини англатиб, маълумотларни тушуниш ва муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ал.ларда илмий, фал., диний, шахсий, ижт., очиқ, яширин, кодланган ва кодланмаган, интуитив ва рефлексив, кундалик ва б. Б. турлари тавсифланади. Б. инсоний қадриятлардан биридир. Шу сабабли ж-ятда тўпланган илмий Б.лар ўз далиллари б-н биргаликда одамларнинг хилма-хил амалий ҳаракатларига асос бўлган умумий бойликни ташкил этади. Бутун ижт. амалиёт ва ижт. муносабатлар тизими кишилик ж-ятида мавжуд бўлган Б.ларнинг барчасини ўзида намоён этади. Тажриба эса Б. ҳаққонийлигининг ўлчови ҳисобланади. Буни кишилик ж-ятининг тарихий тараққиётида яққол кўришимиз мумкин. Кишилик ж-яти тарихий тараққиётининг асосини Б.лар концепцияси ташкил этади.

Б.ларга нисбатан техн. ва экзистенциал ёндашувлар мавжуд. Б.га экзистенциал ёндашув 20-а.нинг 2-ярмигача устувор бўлиб келган. Унда Б. қандай вужудга келади, у қандай шаклларга эга ва қандай ривожланади деган саволларга жавоб изланган. Б.га техн. ёндашув доирасида, уларни эгаллаш, сақлаш, қайта ишлаш ва намоён қилиш усуллари ўрганилади.

Роҳат Сафарова

БИЛИМ АЛМАШИШ – ўқувчиларда ўз билимлари, қараш ва фикрларини тарғиб қилиш эҳтиёжи ҳамда кўникмасини шакллантиришга хизмат қилувчи т-я усули. У дўстлар орасидаги кундалик тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боришга асосланади ва бунда жамоа т-явий иш субъекти сифатида аҳамиятлидир. Бу жараёнда педагог ёрдамчи ва маслаҳатчи вазифасини бажаради.

БИЛИМ ДАРАЖАСИ – белгиланган меъёр (таълим стандартлари) бўйича таълим олувчилар эгаллаган билимлар кўлами. Шахснинг Б.д.ни аниқлаш муаммоси пед.нинг етакчи масалаларидан бири ҳисобланади. Анъанавий ёндашувларда билишнинг иккита асосий даражаси ажратилади: назарий ва эмпирик билиш. Сўнгги йилларда билишнинг учинчи даражаси ҳақида ҳам фикрлар ўртага ташланмоқда. Бу билишнинг метаназарий билиш даражасидир.

Илмий билимлар, асосан, билиш жараёнининг ақлга мувофиқ келадиган босқичлари маҳсулидир. Илмий билимлар тушунчаларга асосланган ҳолда мантиқий фикрлаш натижаси саналади. Бу нафақат назарий билиш, балки эмпирик билишга ҳам хосдир. Бу ҳолат илмий кузатишлар, тажрибалар натижасида аниқланади.

Эмпирик билиш даражасининг табиатини тушуниш учун А. Эйнштейн ф-ятига мурожаат қилиш лозим. Бунинг учун турли объектларнинг учта турли сифатлар б-н боғлиқ турларини фарқлаш талаб этилади: 1) буюмларнинг ўз-ўзича ўзига хослиги; 2) ҳиссий маълумотлар

орқали уларни тасаввур этиш; 3) эмпирик жиҳатдан абстракт объектлар сифатида қабул қилиш ва б.

Инсон онгининг ташқи ахборларни саралаши билиш даражасининг ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга. Эмпирик характердаги ақлий билиш даражасида эмпирик объектларни ҳиссий объектлар негизида шакллантиришга асос бўлади. Унинг фарқи саралаш жараёнининг миқдори, онгнинг фаоллиги ва конструктивлиги, ҳиссий билиш даражасида жадал ривожланишидадир. Билишнинг эмпирик даражасида бундай саралаш вазифасини қуйидагилар ўтайди: а) билишга асосланган амалий қоидалари; б) тафаккурнинг таҳлилий имкониятлари; в) тил талаблари; г) эмпирик билимлар захирасининг тўпланиши; д) мавжуд назарияларнинг талқин қилиш қувватлари ва б.

Эмпирик билимлар эмпирик характердаги объектлар ҳақида айтилган фикрлар асосида аниқланади. Бунда айнан ўхшатишнинг узун занжири намоён бўлади. Бу шахснинг объектив борлиқ ҳақидаги билимларидир. Эмпирик билимлар ёрдамида бевосита объектив борлиқ тасвирланади.

Таълим олувчилар ҳар доим ҳам ўз Б.д.ини мақсадга мувофиқ тарзда баҳолаш имкониятига эга бўлмайдилар. Ўқувчи ҳамда талабаларнинг Б.д. ўзлаштирилган билимлар ва изчил меҳнат маҳсули ҳисобланади. Таълим олувчилар ўз имкониятларини тўғри баҳолай олганларидагина билишнинг юқори даражаларини эгаллашга интиладилар. Бунинг учун уларнинг билимлари бир даражадан иккинчисига ўтиш имконини бериши керак.

БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ўқитувчининг ўқув материалларини тақдим этиш жараёнида мустаҳкамлик принципини таъминлашга қаратилган махсус ишлари. Бунинг учун таълим тизимида назарий ва амалий йўналишда махсус дарс (машғулотлар), мустақил ишлар ташкил этилади.

БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ – Ўзбекистон фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида белгилаб қўйилган ҳуқуқи Ўзбекистонда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим олиш бепул. У.Ў.т.га эга ҳар бир шахс ўрта махсус ва олий таълим олиш ҳуқуқига ҳам эга. Олий таълим икки хил характерга эга: тўлов контракт усулида таълим олиш ва дав. бюджети ҳисобидан бепул ўқиш. Шахснинг таълим олишга бўлган эҳтиёжи узлуксиз таълим тизими орқали таъминланади.

БИЛИМДОН – катта назарий маълумотга эга бўлган ўқимишли, илмли, билимли шахс.

БИЛИМЛАР БАНКИ – ишлаб чиқувчилар томонидан бир неча йўналишлар бўйича комп. хотирасига киритилган назарий ва амалий маълумотлар тўплами.

БИЛИМЛАР ОМБОРИ – муайян бир соҳа (йўналиш, фан, боб, бўлим, мавзу, тушунча ва б.) бўйича тўпланган билимлар ва уларнинг комп. хотирасида мужассамлаштирилиши ва қайта ишланган ахборларни сақлашга мўлжалланган билимлар мажмуаси.

БИЛИМЛАР ХАЗИНАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ – маълумотлар омборини яратиш, унинг функционал вазифасини аниқлаш ҳамда улар асосида бошқариш ф-ятини амалга оширувчи амалий дастур ва алгоритмик тил воситалари мажмуи.

БИЛИШ – 1) таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларга тақдим этилган ўқув

материалининг ўзлаштирилганлик даражаси; 2) борлик ва унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, ўзлаштириш, эгаллаш шакли. Б. объектив борликни инсон онгида акс эттишининг олий шакли, ҳақиқий билимлар ҳосил қилиш жараёнидир. Б. бир нечта даражаларда намоён бўлади: ҳиссий Б. – сезгилар, идрок, тасаввур орқали ҳосил қилинади; рационал Б. – тушунчалар, мулоҳазалар, ақлий хулосалардан ўтиб назариялар тарзида намоён бўлади.

Б.нинг кундалик, бадиий, илмий даражалари ҳам мавжуд. Илмий Б. ҳам, ўз навбатида, табиат ва ж-ятни билишдан иборат бўлиб, улардан ҳар бирининг ўзига хос йўналишлари, мақсад ва вазифалари мавжуд. Б. – инсоннинг воқеликни ўз онгида акс эттириш жараёнидир. Агар Б. шахснинг ўзига қаратилган бўлса, ўз-ўзини белгилаш деб аталади. Б. жараёни сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби руҳий ҳолатларда намоён бўлади.

Б. – маънавий-руҳий ҳодиса, инсоннинг оламни англаш қобилияти, сараланган, муайян усул ёрдамида олинган, маълум мезон (меъёр)ларга мувофиқ тартибга солинган, ижт. аҳамиятга эга бўлган, одамлар ва ж-ят томонидан айнан Б. сифатида тан олинадиган ахб. ларни ўзлаштириш шакли ҳамдир. Мазкур мезонларга биноан Б.ни унинг амал қилиш даражасига кўра икки турга ажратиш мумкин: кундалик ёки одатдаги ва махсус (илмий, диний, фал. ва б.) Б. Турли соҳаларда намоён бўладиган касбий, амалий билиш жараёнлари ҳам мавжуд. Шахсга хос бўлган Б., ақлий Б., ҳиссий Б. каби Б. шаклларини ажратиш мумкин. Инсон Б. ф-яти оркали маънавий-маданий бойликлар, аждодлар мероси ва халқнинг ижт. тажрибаси ҳамда кадриятларини ўзлаштиради. Инсон томонидан ўзлаштирилган билимлар объектив борликдаги турли-туман алоқалар ва муносабатларни тушунчалар, қонунлар, принциплар, назариялар сифатида акс эттиради.

Инсоннинг Б. жараёни муайян босқичларга эга. Улар оламни акс эттириш даражаси, Б.нинг шакл ва метларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Инсоннинг Б. ф-яти ҳиссий ва ақлий билиш шаклларига ажратилади. Ҳиссий Б. жонли мушоҳададан иборат бўлиб, билимнинг дастлабки манбаидир. Унда нарса ва ҳодисалар бевосита акс эттирилади. Унинг сезги, ҳиссий қабул (ёки идрок), тасаввур каби шакллари мавжуд. Ҳиссий Б. босқичида нарса ва ҳодисаларни алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратилган ҳолда акс эттириш имконияти мавжуд. Шу сабабли бу босқичда нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш инсон назаридан четда қолади. Ҳиссий Б. жараёнида инсоннинг сезгилари ақлий Б. учун замин бўлиб, муайян далиллар тайёрлайди. Ақлий Б. эса муайян далилларга асосланиб, нарса ва ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари ўртасидаги ўхшашликни аниқлайди, уларни умумлаштиради ва объектив дунё қонунларини Б. сари йўл очади. Тафаккур нисбий мустақилликка ҳам эга, бу эса тафаккурнинг воқеликка бевосита мурожаатсиз, мантиқий хулоса чиқариш ёрдамида амалга ошишида кўринади. Ҳиссий Б.дан ақлий Б.га ўтиш сифат ўзгариши ҳисобланади. Ақлий Б. шакллари – тушунча, ҳукм ва хулоса тарзида намоён бўлади. Илмий Б. инсон ф-ятида эмпирик Б. б-н назарий Б.нинг уйғунлигини ифодалайди. Эмпирик Б. инсоннинг нарсаларга бевосита (ёки асбоблар ёрдамида) таъсир кўрсатиши жараёнида юзага

келади. Унинг мет.лари кузатиш, тасвирлаш, тажриба, ўлчовдир. Назарий Б. инсоннинг вокелик ҳодисалари моҳиятини чуқур англаб олишидир. Унинг шаклларн мавҳумлик ва муайянлик, моделлаштириш, формаллаштириш, назариялар яратиш кабилардан иборат. Б. жараёнида шахс турли мантиқий мет. (анализ ва синтез, дедукция ва индукция ва б.)дан фойдаланади. Бу мет. ўрганиладиган объектга назарий жиҳатдан такроран. яхлит ёндашув. нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнини акс эттиради. Б. жараёнида тил воситалари ва турли белгилар алоҳида аҳамиятга эга, чунки уларда инсон Б. ф-ятининг натижалари ўз ифодасини топади.

БИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ – ўқувчи ҳамда талабаларга янги билимлар, кўникмалар, усулларни излаш имконини берадиган ўқув топшириқлари тизими. Улар ёрдамида таълим жараёнида турли алоқалар, далиллар, муносабатларни фаол қўллаш имконияти вужудга келади. Б.в. тизими таълим жараёнининг барча босқичларида қўлланилади. Улар мазмун жиҳатдан муайян изчилликка эга бўлиб, мунтазам мураккаблашиб боради. Бунда Б.в.нинг ечиш усуллари муҳим аҳамият касб этади. Ўқув жараёнида турли-туман характердаги Б.в. ўқув предметларининг имкониятлари б-н боғлиқ бўлиб, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва таълим жараёни характеридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Б.в.нинг пед. жиҳатдан асосланган тизими ўқув жараёнининг барча вазифаларини амалга ошириш имконини беради. Шу боис ҳам ҳар бир Б.в.да нафақат унинг билимларни ўзлаштиришдаги аҳамиятини ажратиб кўрсатиш, балки ўқув материали мантиқи таркибида тутган ўрнини ҳам белгилаш талаб этилади. Бундай Б.в. таълим олувчиларнинг ўқув-билув ф-ятларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Б.в. тайёр намуналар асосида ечилмайди, балки таълим олувчилар янги ечимларни башорат қиладилар. Бунинг учун таълим олувчилар фаразларни илгари суришлари, билишнинг истиқболли йўналишларини чуқурлаштиришлари, мавжуд БКМларини такомиллаштиришлари керак.

Муаммоли ўқитиш жараёнида Б.в. алоҳида аҳамият касб этади. Бундай вазифалар ёрдамида ўқитувчи таълим олувчиларни қарама-қаршиликларга рўбарў қилади, улардан чиқиш йўлларини излашга ундайди, уларнинг билиш қувватларини фаоллаштиради. Б.в.ни бажариш жараёни таълим олувчилардан иродавий зўриқиш, интеллектуал босимнинг кучайишига олиб келади. Уларнинг ечими эса якунловчи билиш акти бўлиб, талабаларда қониқиш ва ижобий ҳистуйғуларни ҳосил қилади.

БИЛИШ ЖАРАЁНИ – инсоннинг ҳаёти учун зарур бўлган табиат, ж-ят ҳамда ўзи ҳақидаги билимларни узлуксиз эгаллашга йўналтирилган пед. жараён. Ўз мазмунига кўра кенг кўламли, кўпқиррали атама. У инсон учун зарур бўлган билимларни эгаллаш ва мунтазам янгилаш жараёнини англатади. Билиш, биринчи навбатда, ақлий ф-ят ҳисобланади. Унинг натижаси моддий оламдан хабардорликни ифодалайди. Билиш турли хаёллар, фантазияларнинг туғилишига ҳам асос бўлади. Бундай хаёллар баъзи ҳолларда объектив реалликка тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Билиш инсоннинг ўзига хос, беқиёс ф-яти ҳисобланади. Бу ф-ят уни ўраб турган муҳитнинг идеал моделини яратишга қаратилганлиги б-н ҳам ўзига хосдир. Бу жараёнда инсон фаол субъект сифатида намоён бўлади. Унинг

ф-яти объектив борликни тўла-тўкис ўзлаштиришга йўналтирилади. Мазкур субъектнинг ҳиссий ҳамда мантиқий фаоллиги билиш муносабатларига киришадиган объектга йўналтирилган.

Замонавий пед. ёндашувлар нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, Б.ж. билиш ф-яти натижасида субъект томонидан яратилган идеал модел бўлиб, у ҳеч қачон ўз объектига ўхшамаслиги б-н ажралиб туради. Билиш инсоннинг турли-туман эҳтиёжлари маҳсули сифатида вужудга келади. У инсон б-н объект орасидаги ўрнатилиши мумкин бўлган муносабат ҳисобланади. Унинг натижаси эса реаллик ҳақидаги муайян ахб. сифатида намоён бўлади.

Психологик-дидактик нуқтаи назардан мазкур атама инсоннинг ўйлаш, эслаш, кўра билиш лаёқатини ифодалайди. Билиш ва билим тушунчалари ҳар доим бир-бирини тақозо этади. Чунки билим Б.ж.нинг мақсади ва натижасини ифодалайди. Пед. ва психологияда Б.ж.нинг фаол, ижодий характерга эга бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланади.

БИЛИШ МЕТОДИ – билиш жараёни принциплари, қонун-қоидалари, талаблар тизими, услуб ва воситалари. Аждодларимиз, буюк мутафаккирлар ва файласуфлар Б.м.га алоҳида эътибор берганлар. Аристотель, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий каби мутафаккирлар ўз асарларида билиш жараёнида мет.нинг тутган ўрни ва аҳамиятини алоҳида ёритиб берганлар. Б.м. муаммосини ўрганиш масаласига 17–18-а. файласуфлари – Ф. Бэкон, Р. Декарт ва б.лар катта эътибор бериб, унинг яратувчанлик аҳамиятини таъкидлаганлар. Билиш жараёнида эмпирик ва ақлий мет.лардан қайси бирининг устуворлиги масаласи илмларни эмпиризм (Ф. Бэкон) ва рационализм (Р. Декарт) йўналишларга буриб юборди. Фан тараққиёти илмий билиш мет.ларини вужудга келтириб, билиш, ўз навбатида, икки – эмпирик билиш ва назарий билишмет.ларга бўлиниши, кузатиш, тажриба, тавсифлаш, ўлчаш ва б. эмпирик Б.м.лари сифатида ўрганилишини кўрсатди.

Назарий билиш мет.лари деганда абстракциялаш, формаллаштириш, моделлаштириш ва х. к.лар тушунилади.

БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – билим олувчиларнинг билиш ф-ятини бошқаришга йўналтирилган пед. мажмуа. Унинг таркибига мумтоз маъруза, техника воситалари ёрдамида ўқитиш, маслаҳат бериш, дарслик б-н ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш, репетиторлик хизмати кўрсатиш, дастурлаштирилган ўқитиш каби пед. техн. киради. Билиш ф-ятининг йўналиши, мазмуни ва б. хусусиятларига кўра уларнинг алоҳида ёки бир неча турлари қўлланилади.

БИЛИШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ – моддий олам ва ўз-ўзини билишга қаратилган руҳий жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва б.ларни ўз ичига оладиган тушунча.

БИНАР ДАРС – таълим олувчиларда билимдонликни шакллантириш имконини берадиган мужассамлашган дарс.

БИОГРАФИК МЕТОД – пед. тадқиқот усули, шахс келажагини лойиҳалаштириш, ташхислаш мет.и.

БИОИҚЛИМ АТЛАСИ – очиқ ҳавода ва метеорологик омиллар мажмуи муҳитида одамга таъсир кўрсатадиган иқлим кўрсаткичларининг муайян ҳудуд доирасида тақсимланишини акс эттирадиган хариталар тўплами, ўқув кўргазмали материал.

БИОЛОГИК МОДЕЛЬ – объектлар ва уларнинг қисмларига хос биологик тузилиши, уларнинг ташқилий тузилмавий кўриниши ва функционал вазифалари мажмуаси.

БИОЛОГИЯ ХОНАСИ – биология фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – 1) биология таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича ўқувчи ва талабаларга муайян БКМ ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) хусусий пед.нинг махсус соҳаси.

БИОЛОГИЯ ЎҚУВ ФАНИ – тирик организмларнинг келиб чиқиши, турлитуманлиги, тузилиши, ривожланиши, уларда содир бўладиган хаётий жараёнлар ҳамда ташқи муҳит б-н алоқаси, мослашиши ҳамда ўқувчиларга муайян билим берадиган ўқув фани. У ҳаётнинг барча кўринишларини қамраб олган. Б.ў.ф.ни ўқитиш жараёнида тирик организмларнинг тузилиши ва функцияси, тирик мавжудотларнинг келиб чиқиши ва таркалиши, уларнинг бир-бири ва нотирик табиат б-н ўзаро муносабатларини ўқувчиларга ўргатиш назарда тутилади. Биология ўқув курсининг асосий вазифаси тирикликнинг намоён бўлиш қонуниятларини ўқувчиларга ўргатиш, ҳаётнинг моҳиятини улар онгига етказиш, тирик организмлар тизимини идрок этиш, уларни авайлаб-асрашга оид БКМни ҳосил қилишдан иборат.

БИОЛОГИЯ ЎҚУВ ФАНИДАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ – биология таълим мазмуни ва ушбу ўқув фани бўйича ўқувчилар эгаллайдиган БКМга қўйилган талабларни дав. томонидан тасдикланган эталони, модели.

БИОЭКОСАН – Ўзбекистон ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-методик мажмуаси – Ўзбекистонда узлуксиз экология таълимини амалга оширадиган таълим-т-я муассасаси. Дастлаб 1929 й. Самаркандда ёш табиатшунослар станцияси номи б-н ташкил этилган. 1994 й. дек.дан экология табиатшунослар маркази, 1995 й. авг.дан юқоридаги номда. Б.нинг асосий мақсади – МТМ т-яланувчилари, мактаб, АЛ, КҲК ўқувчилари, ОЎЮ талабаларига биология, экология, саломатликдан таълим-т-я бериш, иктидорли болаларни танлаб, уларнинг ҳар томонлама камол топишларига кўмаклашишдан иборат. Мажмуа таркибида экология и.т. лаб. си мавжуд. Мажмуа республикада узлуксиз экологик таълим муаммолари ва уларнинг ечимларига бағишланган илмий-методик анжуманларни уюштиради ва ўтказади. Мажмуа ходимлари 1995 й.дан Тошкент ш. Юнусобод туманидаги 499-болалар боғчаси ва 288-мактабда боғча-мактаб тажриба майдони ташкил этиб, узлуксиз экологик таълим бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Мажмуа экологиядан ДТС, узлуксиз экология таълими концепцияси ва узлуксиз экология таълими бўйича методик тавсияномалар яратиш б-н шуғулланиб келмоқда. Б. ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 й. 20 июндаги 183-сонли қарорига асосан Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази б-н бирлаштирилиб, «Баркамол авлод» Республика болалар бадиий ижодиёт маркази номида қайта ташкил этилди.

БИОЭТИКА (юн. bios – ҳаёт ва ethos – хулқ, одат) – маънавият соҳасидаги илм-фан йўналишларидан бири; ҳоз. замон ахлоқшунослигининг муҳим соҳаси. Б.да инсон ҳаёти энг олий ахлоқий

қадрият сифатида талқин этилади, инсонлар ва шахслараро муносабатларнинг маънавий-ахлоқий омили сифатида қаралади. Инсоннинг табиат б-н узлуксиз алоқасини ахлоқий тамойиллар асосида таҳлил этиш негизида табиатни муҳофаза қилиш масъулияти Б.нинг маданий асосини ташкил этади. Б., ижт. масалалар б-н бир қаторда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Б.нинг мақсадларидан бири – инсон хатти-ҳаракати, онги, руҳияти ва ирсиятини ўзгартириш мақсадида ўтказилаётган тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат. Б.га тааллукли муаммоларнинг турли жиҳатлари файласуфлар, ҳуқуқшунослар, социологлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари ва ижт. ахлоқшунослар илмий изланишларида ўз ифодасини топмоқда. Б. муаммосининг долзарблашуви илмий-техника тараққиёти, биогенетика, ирсият техн.си ва ген инженериясининг ривожланиши б-н боғлиқ бўлиб, табиий муҳитни муайян мақсадга мос равишда ўзгартириш имконияти яратилмоқда.

Табиий эволюция жараёнлари млн йиллар мобайнида кечган бўлса, эндиликда инсон учун бу жараёнларни кескин жадаллаштириш имкони туғилди. Ирсият техн.си ва биотехн. усуллари воситасида ирсиятни ўзгартириш, тирик мавжудотлар, янги организмлар, биологик роботлар яратиш масалалари илгари сурилмоқда. Бу ҳол инсониятнинг яшаб қолиши ва истиқболи б-нбоғлиқ кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боис ирсиятга қандай ахлоқий мезонлар, мақсад-муддаолар, қайси қадриятларга таянган ҳолда ёндашиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Б. ҳоз. замон этикаси ва пед.синиг муҳим масалаларидан бири. Бу йўналишда инсон омили ва унинг ҳаётига олий қадрият сифатида қаралади. Инсоннинг табиат б-н узлуксиз боғлиқлигини маънавий таҳлил этиш асосида табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик Б.нинг маданий негизини ташкил этади. Б. ижт. масалалар б-н биргаликда қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади.

«БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» МЕТОДИ – ўқитиш мет.ларидан бири. 1987 й.да Миннесота ун-ти проф.лари Д. Жонсон, Р. Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Бунда синф ўқувчилари 3–5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ дарсда улар олдига қўйилган топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар томонидан бажарилган топшириқлар биргаликда умумлаштириб, вазифанинг тўлиқ бажарилиши натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур мет.нинг асосий принциплари – гуруҳни тақдирлаш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтиришдан иборат.

БИРДАМЛИК – кишиларнинг муайян ғояда якдиллиги, маълум бир ф-ятни амалга ошириш жараёнида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик. Б. бир гуруҳ кишилар маълумоти, меҳнати, малакаси, касбий маҳорати ва ф-ят кўникмаларининг ўзаро мутаносиблигидир. Ж-ят, умуман, кўпчилик учун фойдали бўлган, яъни унум, рағбат, фаровонлик келтирувчи омилларнинг барчаси ҳам Б. тамойилига мос келавермайди. Бунда кишилар ф-ят жараёнида умумий бирдамликка эришишлари шарт ҳисобланади. Шунингдек, ижт. бирдамликнинг қадри фақатгина моддий неъматлар б-н ўлчанмайди, балки маънавий эҳтиёжларнинг қондирилишида ҳам

унинг аҳамияти бекиёсдир. Кенг маънода, ижт. нуқтаи назардан қаралганда Ватанни ҳимоя қилиш, унинг фаровонлиги учун курашиш, юрт тараққиётини таъминлаш йўлида ҳаракат қилиш, тенгликка эришиш ва ижт. меъёрларга риоя этиш талаб этилади. Б. айрим ҳолларда ижт. адолатнинг эквиваленти сифатида қонун-қоидаларга риоя қилиш, муайян қоя ва режалар бошида ўзаро келишув ва илиқ муносабатлар замирига қурилади.

Б.нинг пед. муносабатлар доирасида ўрганиладиган қоидаларини ўқитувчилар яхши билишлари талаб этилади. Ўқувчилар орасидаги Б.ни таъминлашда «Камолот» ёшлар ижт. ҳаракати муҳим ўрин эгаллайди. Б.ни қарор топтириш асосида пед. жараён субъектлари манфаатларини уйғунлаштириш имконияти вужудга келади. Б. шахслараро муносабатларнинг муҳим меъёри ҳисобланади.

Халқимизнинг тарихан шаклланган қадриятларига кўра, ижт. Б. моддий фаровонлик ва маънавий бойлик уйғунлигини талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, фуқаролик ҳиссини қарор топтириш, турли миллат ва дин вакиллари орасида ҳамжиҳатликни вужудга келтириш, барча фуқароларнинг ўз имкониятлари ва қобилиятларини тўлиқ намоён қилиш, ж-ят аъзолари манфаатлари уйғунлигини таъминлаш каби муҳим демократик қадриятларга асосланади. Ўзбекистон ж-ятида Б.ни мустаҳкамлаш мақсадида ёш аводларда толерантлик сифатлари, миллатлараро ҳамкорликни қарор топтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Хабиба Юсупова

БИРЛАМЧИ МОДУЛ – пед. техн.ни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларбирлигини англатувчи тушунча. Амалда бундай кичик модулни ташкил қилувчи бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас деб ҳисобланади.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ (ЮНИСЕФ) – БМТнинг асосий жамғармаларидан бири. Узоқ вақт давом этган уруш натижасида катта қийинчиликларга дучор бўлган Европа болаларига ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида 1946 й.да тузилган. 1953 й.дан БМТнинг доимий тузилмасига айланган. Ер юзида, айниқса, ривожланаётган мамлакатлардаги болаларнинг соғлом ва баркамол вояга етишига кўмаклашиш унинг бош тамойилидир. Мазкур соҳадаги ф-яти учун ташкилот 1965 й.да Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ЮНИСЕФга аъзо бўлди ва у б-н яқин ҳамкорлик ўрнатди. Жамғарма томонидан болаларни иммунизация қилиш, бошланғич синф ўқувчиларини озиқ-овқат ва ичимлик суви б-н таъминлаш, вакциналар етказиб бериш бўйича узоқ муддатли дастурлар, Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш юзасидан махсус дастур, «Орол денгизи: минтақавий ва экологик ёрдам лойиҳаси» ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда ташкилот таълим сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор лойиҳаларни молиялаштирмоқда. Ташкилот томонидан ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, гендер тамойилини рўёбга чиқариш, инклюзив таълимни ривожлантириш, таълим сифати ва самарадорлиги маниторингини мунтазам амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишга

йўналтирилган кенг кўламли лойиҳалар устидаги изланишларга яқиндан кўмак берилмоқда.

БИР ЁҚЛАМА ТАФАККУР – шахс тафаккурининг чекланганлиги, унинг воқеликни тўлиқ ва холисона ифода эта олмаслигини англатувчи тушунча. Б.ё.т. моҳиятига кўра, инсон, ж-ят ва ижт. воқеликдаги ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни асл ҳолича акс эттирмаслик, уни бузиб талқин қилиш ёки аксинча, бўрттириб кўрсатиш шаклларида намоён бўлади. Б.ё.т. инсон маънавиятининг чекланган маҳсули ҳамдир. Зеро, инсон тафаккурга эга мавжудот сифатида дунёни нафақат англаши, балки уни тўғри талқин этиши орқалигина ф-ят юритиши мумкин. Шу маънода, Б.ё.т.га эга бўлган кишининг маънавий киёфаси, инсонларга, оилага, ж-ятга нисбатан муносабати адоват, ётсираш ёки бефарқлик касб этиши мумкин. Б.ё.т. ж-ятнинг муайян тарихий даврлари, мавжуд воқелик б-н чамбарчас боғлик.

Б.ё.т. ҳам ижт., ҳам индивидуал характерга эга. У алоҳида бир шахснинг қарашлари ва тафаккур тарзида ҳам намоён бўлади. Бунда инсоннинг ижт. келиб чиқиши, яшаётган муҳити, оилавий шароити, ф-яти, турмуш тарзи, маълумотлилик даражаси, маданий қадриятларга муносабати каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Аждодларимиз томонидан инсоннинг Б.ё.т.ини таълим-т-я, камолот сари интилиш, ўқиш, изланиш орқали бартараф этиш мумкинлиги таъкидланган. Мас., Абу Наср Форобий («Фозил одамлар шаҳри»), Ибн Сино («Тиб қонунлари»), Имом Абу Ҳомид Ғаззолий («Кимёи саодат»), Алишер Навоий («Маҳбуб ул-қулуб») инсон тафаккурини ривожлантиришда нафақат назарий билим, тажриба ва кўникмаларни шакллантириш, балки машқ қилиш орқали хотирани чархлаш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш, қироат, китобхонлик, мутолаа, мулоқот, ҳамкорлик ва б. муҳим ўрин эгаллашини таъкидлаганлар. Мустақиллик даврида баркамол авлодни вояга етказиш максадида таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ўзгаришлар мустақил фикрловчи баркамол шахсни шакллантиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таълим ва т-я соҳасида эришилган ютуқлар яккол кўрсатмоқда.

БИТ-ДАРС – таркибида суҳбат, ўйин ва ижодий машқларни камраб олган мусобақа характеридаги қизиқарли дарс.

БИХЕВИОРИЗМ (инг. – behaviour – хулқ-атвор, хатти-ҳаракат) – 19-а.нинг охирларида шаклланиб, 20-а.да ривожланган Америка психологиясидаги етакчи оқимлардан бири. Б. таълимоти асосида одам ва жониворлар хулқида ташқи муҳит таъсири, қўзғатувчиларга жавобан вужудга келадиган хатти-ҳаракат ва унга тааллуқли бўлган нутқий ва ҳиссий жавоблар мажмуининг ифодаланишини англатади. Б. интроспектив психология инқирози шароитида ва ҳайвонлар психикасини экспериментал тадқиқ қилиш таъсири остида юзага келган. Чунки бундай тадқиқотларда инсон психикасини ўрганишда етакчи бўлган ўз-ўзини кузатиш мет.идан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган. Шунинг учун жониворларга назорат қилиб туриладиган туркум таъсирлар кўрсатиш ва бу таъсирларга улар томонидан қайтариладиган жавоб реакцияларини қайд этиб боришга асосланган тажриба мет.си ишлаб чиқилган.

Кейинчалик мазкур мет. инсон психологиясини ҳам ўрганишга татбиқ

этилган. Позитивизм фал.си принциплари Б.нинг умумметодологик асоси бўлиб хизмат килган. Бу принципга кўра, фан бевосита кузатиб бўлмайдиган онгни эмас, балки кузатиш имконияти мавжуд бўлган ҳолатларни кайд этиши мумкин. Б. нуктаи назаридан хулк «стимул–реакция» (S–R) алоқаларининг мажмуи сифатида талкин килинган.

Б.га оид дастлабки қарашлар Э. Торндайк (1874–1949) асарларида ўз ифодасини топган. Б. дастури ва шу атаманинг ўзи илк бор Ж. Б. Уотсон томонидан таклиф этилган (1913). Б. илмий асосларининг шаклланишига В. М. Бехтерев ва И. П. Павловларнинг тадқиқотлари катта таъсир кўрсатган.

БОБОЕВ Бобо (1949, Касби тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Қарши ДПИнинг БТ ф-тини тамомлаган (1974). Касби туманидаги 2-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси (1979 й.дан). Б. БТ жараёнини янги пед. техн. асосида ташкил этиш, дарсларда кўргазмали куроллардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратган. У мустақиллик йилларидаги пед. ф-ятида БТни ислоҳ қилиш, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалиётга жорий қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатган. Б.нинг серқирра пед. ф-яти республика миқёсида оммалаштирилган.

БОБОНАЗАРОВА Санобар (1950.15.3, Наманган тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Наманган ДПИнинг филол. ф-тини тамомлаган (1973). Наманган туманидаги 8-мактабда ўзбек тили ва ад. ўқув фанидан таълим берган (1969 й.дан). Таълим жараёнида дарсларини кўргазмали куроллар, техник воситалар асосида ташкил этиб юкори самарадорликка эришган. У дарсларда ўқувчиларга ватан ва ватанпарварлик, миллий қадриятлар ва миллий гояга садоқат туйғуларини сингдиришда алоҳида эътирофга арзигулик натижаларни қўлга киритган. Б. мактабдаги «Ёш ижодкорлар» тўгарагига узоқ йиллар мобайнида раҳбарлик килиб келмоқда. Унинг ўқувчилари бир неча марта фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашга муваффак бўлган. Б.нинг шеърий китоблари нашр килинган бўлиб, уларда ёшларни эзгуликка ундаш гояси устувор ўрин эгаллайди.

БОБОХОНОВ Саломат (1930.18.3, Шўрчи тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Бухоро ўқитувчилар ин-тини тамомлаган (1954) Меҳнат ф-ятини 1954 й.да Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги 10-мактабда она тили ва ад. фани ўқитувчиси сифатида бошлаган. Турли йилларда 28-, 42-, 52-мактабларда она тили ва ад. фани ўқитувчиси, ўқув бўлими мудири лавозимларида ф-ят кўрсатган. У ўз ф-яти давомида таълим сифатини яхшилаш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини такомиллаштириш, КТМД талабларини амалиётга жорий килиш, дарсларни янги пед. техн. асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган.

БОБУР (тахаллуси; тўлиқ исми Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо) (1483.14.2, Андижон – 1530.26.12, Агра) – темурий шаҳзода, бобурийлар сулоласи асосчиси, саркарда, ўзбек мумтоз ад.ининг йирик намояндаларидан бири, улкан маърифатпарвар, фан ва маданият ҳомийси. У сарой муҳитида т-яланган, ёшлигидан илм эгаллашга алоҳида қизикиш б-н караган. Б. барча темурий шаҳзодалар каби махсус т-ячилар, йирик фозилу уламолар

устозлигида ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини ўрганган, кўплаб тарихий ҳамда адабий асарлар мутолаа қилган, илм-фан, шеъриятга қизиққан.

Б. асарларида илгари сурилган т-явий ғоялар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган. Унинг «Бобурнома» асари жуда қимматли адабий-тарихий асар бўлиб, у 15-а. охири 16-а. нинг 30-й.ларигача бўлган мураккаб тарихий даврни ўз ичига олади. Б. ушбу асарда Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистонда рўй берган сиёсий воқеалар, ўша даврнинг маърифий-маданий ҳаётига батафсил тўхталиб, қимматли маълумотларни келтирган.

Б. инсонпарвар, маърифатпарвар шахс бўлиб, унинг асарларида бахт-саодат, илм-фан, ватанни улуғлаш алоҳида ўрин эгаллаган. Б. маърифатни халқ орасига ёйиш, илмни ж-ят равнақи йўлида хизмат қилдиришга интилган.

Б.нинг араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида тузган «Хатти Бобурий» асари араб ёзувини, туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган. Бу ўша даврда ёшларнинг савод чиқаришини жадаллаштириш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган. Унинг тўнғич ўғли Ҳумоюн Мирзога аталган ижт.-ахлоқий масалаларни таҳлил этувчи машҳур мактуби ҳам Б. пед. карашларининг ёркин ифодаси ҳисобланади.

Б.нинг ижодида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси устувор ўрин эгаллаган. Асарларида ҳақиқий баркамол инсон тимсоли мадҳ этилган ва улуғланган. У доимо инсон қадр-қимматини юкори тутган, кишиларни камтарлик, ҳалоллик, покликка ундаган. Б. ижодий меросидан таълим жараёнида фойдаланиш орқали, аввало, ўқувчи-талабаларни ватанпарварлик руҳида т-ялаш, уларни Б. яшаган даврнинг ижт.-иқтисодий, маданий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар б-н қуроллантириш имконияти вужудга келади. Шоирнинг асарлари ёрдамида ўқувчи ҳамда талабаларда инсонпарварлик, камтарлик, имон-эътикод каби ахлоқий сифатлар таркиб топтирилади.

«БОБУРНОМА» – жаҳон адабиёти ва манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорлик; ўзбек ад.ида дастлабки насрий мемуар ва тарихий-илмий асар. Муаллифи Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Эски ўзбек (чиғатой) тилида ёзилган (тахм. 1518/19 – 1530). У «Бобурия», «Вокеоти Бобур», «Вокеанома», «Тузуки Бобурий», «Табақоти Бобурий», «Таворихи Бобурий» каби номлар б-н ҳам илмий жамоатчиликка маълум. Бобурнинг ўзи эса «Вақое» ва «Тарих» деган номларни ишлатган. «Б.»да 1494–1529 й.ларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий-сиёсий воқеалар йилма-йил ўта аниқлик б-н баён қилинган бўлиб, улар муаллиф ҳаёти ва сиёсий ф-яти б-н бевосита боғлиқ.

«Б.» ўзида баён қилинган воқеалар жараёнига кўра 3 қисмга: Бобурнинг Мовароуннаҳр (1494–1504), Афғонистон (1504–1524) ва Ҳиндистон (1524–1530) даги ҳукмдорлик даврига бўлинади.

«Б.»да келтирилган барча маълумотлар, хусусан, 15-а.нинг 80–90-й. лари ва 16-а.нинг 1-чорагидаги Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ҳисор, Чағониён ва Шимолий Афғонистоннинг сиёсий аҳволига доир хабарлар ўзининг батафсиллиги б-н шу хусусдаги бошқа ад.лардан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, асар муаллифининг муайян тарихий воқеа ҳақида ҳамда ўзаро душманлик

қилган темурийлар: Умаршайх, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Бойсунқур Мирзо, Султон Ҳусайн ва б.нинг хулқ-атвори, табиати хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари б-н ҳам аҳамиятлидир. Асарда ижт.-табиий фанлар, тарих, фал., фиқҳ, дин таълимоти, тилшунослик, жуғрофия, табиатшунослик, маъданшунослик, деҳқончилик, боғдорчилик ва б.га оид аниқ ва ҳанузгача ўз тарихий ва илмий аҳамиятини йўқотмаган маълумотлар, илмий асосланган хулосалар келтирилганки, бу ўқувчи ҳамда талабалар учун зарур маълумотларни олиш манбаи ҳисобланади. Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистон ўтмиши ва замонавий ҳолати, халқлари, кабилалари, уларнинг тили, маданияти, касб-ҳунари, урф-одатлари, расм-русумлари, анъанавий тадбир-маросимлари, шунингдек, ўша давр ж-ятига хос ижт. табақаларга тегишли маълумотлар баён этилганки, бу ўқувчи-талаба ёшларда миллатлараро бағрикенгликни шакллантиришга хизмат қилади.

«Б.»да Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфий Бухорий, Оҳий, Муҳаммад Солиҳ каби ўнлаб ижодкорлар, Хожа Абдулло Марварид, Қул Муҳаммад Удий, Шайх Ноий, Юсуф Али, Мулло Ёрақ, Шоҳқули Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Бехзод, Шоҳ Музаффар каби кўплаб санъаткорлар тавсиф этилиб, уларнинг ижодий ф-ятларига холис баҳо берилган.

«Б.»даги насрий матн ичида келтирилган халқ мақол-маталлари, иборалари, ибратли ўгитлар, шеърий парчалар унинг бадиийлигини янада оширган.

Бизгача «Б.»нинг нафис миниатюралар б-н безатилган нусхалари (8 нусха тўлиқ ҳолда) етиб келган. Улар жаҳоннинг нуфузли музей, кутубхона, галереяларида ҳамда шахсий жамғармаларда сақланмоқда. «Б.»га ишланган расмларнинг асосий мазмуни тарихий воқеалар, маиший манзаралар, жанг лавҳалари, ов ва спорт ўйинлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, турли сиёсий воқеалар, учрашувлар ва б.ларни тасвирлашга қаратилган. Ўқувчи ҳамда талабалар мазкур расмлар ёрдамида Бобур яшаган муҳит, ижт. вокелик б-н якиндан танишадилар, миниатюраларда тасвирланган гўзал манзаралардан эстетик завқ оладилар

БОЗОРБОЕВА Мунаввара (1956.3.3, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент чет тиллар пед. ин-тини тамомлаган (1979). 1979 й.дан Гурлан туманидаги 1-мактабда инглиз тили ўқитувчиси, кўни узайтирилган гуруҳ т-ячиси, 1981 й.дан бошланғич синф ўқитувчиси. У дарсларни янги пед. техн. асосида ташкил этиш, ўқувчиларнинг билим сифатини ошириш соҳасида бой тажриба тўплаган. Б.нинг тажрибалари ҳамкасблари орасида кенг оммалаштирилган.

БОЙМУРОДОВ Ибодулла (1940.25.3, Пастдарғом тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ДУнинг мат. ф-тини тамомлаган (1971). 1963 й.дан Пастдарғом туманидаги 9-, 74-мактабларда, 1976 й.дан Нуробод туманидаги 15-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Б. дарсларни кўргазмали қурол воситасида самарали ташкил этишга катта аҳамият беради, ҳар бир ўқувчи б-н якка тартибда ишлаб, уларнинг мустақил фикрлаш кўникмалари, оғзаки нутқини ўстиришга ҳаракат қилади. У «Бошланғич синф ўқувчиларини ўйинлар орқали т-ялаш»

мавзусида кўплаб мақолалар ёзган. Б.нинг пед. тажрибаси туман ўқитувчилари орасида кенг оммалаштирилган.

БОЙМУРОДОВ Маъмур (1942, Косон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1993). Қарши пед. ин-тининг геогр. ф-тини тамомлаган (1968). Шу йилдан Косон туманидаги 62-мактабда геогр. ўқитувчиси. Б. геогр. фанини чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиб, ўқувчиларнинг маънавий т-ясига алоҳида аҳамият беради, уларга бой миллий қадриятларни сингдиришда дарс ва дарсдан ташқари тадбирлардан унумли фойдаланади.

БОЙМУРОДОВ Эшболта (1957.18.4, Деҳқонобод тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). ТДПИнинг бадиий-графика ф-тини тамомлаган (1980), шу йилдан Деҳқонобод туманидаги мактабларда, 1982 й.дан Нишон туманидаги 12-мактабда чизмачилик ва тасвирий санъат ўқитувчиси. Б. дарсларда кўргазмали қуролдан унумли фойдаланади. У тасвирий санъат бўйича чуқурлаштирилган синф ташкил қилиб, иқтидорли ўқувчиларни жалб қилган.

БОЙТЎРАЕВ Нормамат (1950, Бандихон тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ДУнинг физика ф-тини тамомлаган (1972), шу йилдан Бандихон туманидаги 1-мактабда физика ўқитувчиси. Б. физика фанини ўқитишда бошқа фанлар ва маҳаллий материаллар, янги пед. техн., ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан самарали фойдаланиб, ўқувчиларга пухта билим беришга интилади. «Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда физика фанининг тутган ўрни», «Физика дарсларида муаммоли таълимни амалга ошириш» мавзуларида иш олиб борган.

БОЛАЖОНЛИК – кўп болалик, болалар учун яшаш, уларнинг ташвишларини ўзиникидан юқори қўйиш, улар учун кайғуриш, бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, уларга нисбатан кечиримли бўлиш каби сифатларга эга бўлган шахс маъносини англатади.

БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИДАГИ МАШҒУЛОТЛАР – МТМда махсус дастур асосида ўтказиладиган таълим-т-явий ишлар. Амалдаги дастур бўйича болалар боғчасидаги машғулотлар етти йўналишда олиб борилади. Жумладан: болаларни жисмоний ривожлантириш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена; болаларни ижт.-ҳиссий ривожлантириш; болаларнинг нуткини шакллантириш, ўқиш ва саводга тайёргарлиги; болаларнинг билиш жараёни, атроф-олам тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиши ва уни англаш; болаларда тасвирий ф-ятни ривожлантириш; болаларда мусиқий ф-ятни ривожлантириш; болаларда ўйин ф-ятини ривожлантириш йўналишларида машғулотлар ўтказилади.

Б.б.м.нинг мазмуни, давомийлиги болаларнинг ёш гуруҳларига мос тарзда белгиланади. Машғулотлар таркибида турли ҳаракатли ҳамда дидактик ўйинлардан кенг фойдаланилади.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ – мактаб ёшигача бўлган болаларга таълим-т-я берувчи муассаса. Б.б.лари илк бор 1837 й.да Германияда немис педагоги Ф. Фребель томонидан ташкил этилган. Б.б. халқ таълими тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланади. Ўзбекистонда одатдаги Б.б. 3–7 ёшли болаларга мўлжалланган. 2 ойликдан 7 ёшгача т-яланадиган боғчалар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, соғломлаштириш боғчалари, жисмоний ва ақлий нуқсонли болалар учун боғчалар, уй-боғчалари, мавсумий боғ-

чалар (асосан, қишлоқ хўжалиги ишлари кўпайган вақтда ташкил этилади), «болалар боғчаси–мактаб» мажмуи ҳам мавжуд. Б.б. ҳокимиятнинг ижроия органлари томонидан туман, шаҳар, муассаса, корхона, хўжаликда ташкил этилади. Б.б. қайси ташкилот қарамоғида бўлишидан қатъи назар, ЎзР ХТВ уни кадрлар б-н таъминлайди ва ф-ятига илмий-пед. жиҳатдан раҳбарлик қилади. Б.б.да таълимий жараёнлар МТМ учун тасдикланган дав. талаблари ҳамда «Болажон» таянч дастури (2010 й.дан) асосида амалга оширилади. Ўзбекистондаги боғчаларда болаларга чет тили, хореография, мусиқа ва тасвирий санъат, комп. саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган. Ўзбекистонда 6700 дан зиёд Б.б. ф-ят кўрсатади ҳамда уларда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг 22,4% и тарбияланади (2014).

БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ – болаларнинг мактабдан ташқари оммавий таълим-т-явий ишларини ташкил қилиш, ёш авлоднинг билим даражаси, қизиқишлари, ижодий қобилиятини ўстириш, касб танлашга ёрдам бериш, улар тайёрлаган ижод намуналарини кенг тарғиб қилишга қаратилган марказий ижодиёт уйи. Мазкур ижодиёт уйи ЎзР ХТВ тизимига қарайди. Б.и.у.да радиоэлектроника, ёғоч ўймакорлиги, бичиш-тикиш, видеостудия, тасвирий санъат, ад., лак миниатюраси тўгараклари, шахмат клуби, эстрада-вокал студияси, комп. синфлари ва б. тўгараклар мавжуд. Ижодиёт уйи Ўзбекистон «Баркамол авлод» болалар марказлари б-н якиндан ҳамкорлик қилади.

Б.и.у. биноси Тошкентнинг Эски жува майдонида қурилган (2005). Бино 2 каватли бўлиб, спирал бўйлаб юқорига чиқиладиган зинапоя шаклдаги ўзига хос меъморий счимга эга. Бино баландлиги 18 м, эни 42,9 м. 1-қаватда ижодиёт уйининг тўгараклари, шунингдек, конференция зали, маъмурият, 2-каватда кўргазма зали (галерея; майдони 480 м кв), томоша майдончаси (16,8 м кв) ўрин олган. Бинонинг марказий қисмидаги муҳташам кўргазма зали 12 м ли гумбаз б-н ёпилган. Мазкур гумбаз Самарканддаги Тиллакори мадрасаси гумбазидан андаза олинган безаклар б-н пардозланган. Миллий услубдаги безакларни «Усто» уюшмасининг Тошкент ва Самарканд корхоналаридаги моҳир ганчкор, наққош усталар – А. Илҳомов, А. Каримов, Х. Жалоловлар шогирдлари б-н бажарган.

БОЛАЛАР ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИ – мактаб ўқувчилари ижоди ҳамда уларнинг турли-туман ишларини ўрганиш ва таҳлил қилишга йўналтирилган пед. тадқикотнинг самарали мет.ларидан бири. Иктидорли ўқувчилар аклий қобилиятлари, олийжаноб ахлоқий қиёфалари, эстетик дидлари, синчковликлари ва қизиқувчанликлари б-н ажралиб турадилар. Пед. фани болалар ижодининг манбалари ва омилларини чуқур билиш ҳамда уларни янада тараққий эттириш ва такомиллаштиришнинг тўғри йўлларини кўрсатиб беришга қаратилган.

БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАРНИНГ БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТИ – ўқитувчи, ота-оналар, ака-опаларнинг болалар б-н биргаликдаги уларнинг шахсий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган таълимий ва т-явий фаолияти. Бу жараёнда катта ёшдагилар болаларда инсоний сифатларни таркиб топтириш, уларнинг таълим-т-я жараёнидаги фаоллигини таъминлаш бўйича ф-ят юритади. Ушбу жараёнда

дунёкараши ҳали тўла-тўкис шаклланмаган болалар учун катталарнинг ҳаётий тажрибалари, уларнинг шахсий ибратнамуналари катта т-явий таъсирга эга бўлади.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБИ – юкори малакали спортчилар тайёрлашга ихтисослашган ўкув-т-я муассасаси. Ўзбекистонда спорт мактабларининг 3 асосий тури мавжуд: Б.ў.с.м.лари, болалар ва ўсмирлар ихтисослашган олимпия захиралари мактаблари ҳамда олий спорт маҳорати мактаблари. Спорт мактаблари Халк таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, касаба уюшмалари ва б. ташкилот ва идоралар қошида тузилган. Тошкентда дастлабки спорт мактаби 1934 й.да очилган. Узоқ йиллар давомида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Чирчиқ ш.ларида спорт-интернатлари ф-ят кўрсатиб келган ва республика терма жамоалари учун кўплаб иқтидорли спортчиларни тайёрлаб бермоқда. Б.ў.с.м. олимпия захиралари спорт мактабларига айлантирилиши иқтидорли спортчи-ўқувчиларнинг маҳоратини тўлақонли рўёбга чиқариш учун кенг имкониятларга, хусусан, замонавий ўқув хоналари, тренажёр заллари, сунъий копламали спорт майдонларига эга. Спорт мактаблари ўқувчилари орасида юзлаб халкаро спорт мусобакаларининг ғолиб ва совриндорлари т-яланмоқда. Бугунги кунда республикамизда 1113 дан ортиқ ҳар хил турдаги спорт мактаблари ф-ят кўрсатмоқда (2014).

БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИ – мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар умумий фойдаланишлари учун хизмат кўрсатадиган муассаса. Б.к. китоб ёрдами б-н китобхонларга юксак ғоявий-ахлоқий сифатлар, эстетик дид, мехнатсеварлик, билимга интилиш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради, уларни толерантлик ва миллатлараро тотувлик руҳида т-ялашга хизмат қилади, умуман, болаларда китобга ҳавас уйғотади. Ёш авлодни давр талаби даражасида т-ялашда Б.к. мухим аҳамиятга эга. Б.к.нинг китоб жамғармаси таълим-т-я вазифалари ва китобхонларнинг ёш хусусиятига мувофик ташкил этилади. Б.к.да китобхонлар б-н ишлашда уларнинг ахлоқий-эстетик талаблари, тарихий воқеалар, ижт. ходисалар, кишилар тақдирига қизикишлари кенгайиб бориши ҳисобга олинади. Болалар дўстлик, бахт ҳақида, илмий кашфиётлар, ихтиролар тўғрисидаги саволларига жавоб излайдилар. Булар ҳақида кутубхоначи тавсия этган бадиий, илмий-оммабоп, маърифий китобларни ўқиб билиб оладилар. Китоб ўқиш юзасидан болаларга якка тартибда йўл-йўрик кўрсатилади, турли оммавий талбирлар ўтказилади.

Ўзбекистонда Б.к. оммавий равишда 20-а.нинг 30-йларида вужудга кела бошлаган. 1965 й.да Тошкент ш.да ташкил қилинган Республика Б.к. вилоятларидаги Б.к., болалар б-н ишлайдиган муассасаларнинг кутубхоналарига услубий раҳбарлик вазифасини бажармоқда. Республика Б.к. 250 мингдан ортиқ китобни ташкил этади. Бундан ташқари 300 дан зиёд дисклар тўплами (электрон энциклопедиялар, маълумотномалар), фанларга оид дарсликлар, чет тилларни ўрганиш бўйича дастурлар, 250 илмий-оммабоп фильмлардан иборат видеотекалар мавжуд. Кутубхона ўзининг ахб.-ресурс марказига эга. Марказда электрон видеотехника зали, комп. кутубхонаси ф-ят кўрсатмоқда. Қутубхона хизматига ахб. техн.ини изчил жорий

этиш ва Б.к.нинг иш жараёнида универсал ахб.-ресурслардан фойдаланиш (аудиовизуал, электрон ресурслар ва интернет ресурслари) Б.к.нинг кейинги йиллардаги асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ёшларни билимли, маънавий баркамол қилиб т-ялаш, уларда мутолаа маданиятини шакллантиришда Б.к.нинг олиб бораётган оммавий ишлари («Китобхонлар конференциялари», «Овозли ўқишлар», «Адабий эртаклар», «Китоблар ҳафталиги», таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, ноширлар б-н учрашувлар ва х.к.) алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада ота-оналарнинг вазифаси Б.к. б-н яқиндан боғланиб, яратилган шароитдан унумли фойдаланиш, фарзандларини кутубхонага фаол жалб этишдан иборат.

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ – бошланғич мусиқа таълимини берувчи махсус ўқув юртлари. Б.м.с.м.га. асосан, умумтаълим мактабларида ўқийдиган истеъдодли болалар ва ўсмирлар қабул қилинади. Мактабда мусиқа чолғу асбоблари (фортепиано, аккордеон, скрипка, виолончель, труба, кларнет ва б; ўзбек халқ чолғуларидан доира, қашқар рубоби, дутор, ғижжак, чанг, най ва б.)да чалиш ўргатилади; вокал, ракс, тасвирий ва амалий санъат бўйича билимлар берилади; мусиқа саводи ва элементар мусиқа назарияси, сольфеджио, мусиқа ад., хор қўшиқчилиги бўйича таълим берилади. Ўқиш муддати халқ, урма ва пуфлама чолғулари, вокал бўлимларида 5, Европа чолғу асбоблари бўлимида 7 й. Ўзбекистонда профессионал мусиқий таълим бериш Туркистон халқ консерваторияси (Тошкент, 1918), Халқ консерваторияси (Самарқанд, Фарғона, 1919)да амалга оширила бошланган. 1920 й. Бухорода Шарқ мусиқа мактаби очилиб, унда «Шашмақом» услублари ўргатилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 дан ортиқ 7 й.лик Б.м.с.м.лари мавжуд. Улардан ташқари Тошкентда Успенский номидаги, Глиэр номидаги, Ўзбекистон дав. консерваторияси қошидаги Республика махсус мусиқа АЛлари, Республика пуфлама ва чолғу созандаларини т-яловчи, шунингдек, Андижон, Каттақўрғон, Фарғона ш. Б.м.с.м.лари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 й. 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–14 й.ларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-910-сонли Қарорига мувофиқ тарзда тизимда қуйидаги ишлар амалга оширилди: янгидан Б.м.с.м. қурилди, мавжудлари қайтадан таъмирланди, замонавий мусиқа асбоб-анжомлари б-н таъминланди, мусиқа мактабларининг таълим мазмуни миллий мусиқа асослари б-н бойитилди, янги дарслик ва ўқув-методик мажмуалар яратилди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ – ўқувчиларнинг ёзги ва қишки таътил даврларида ф-ят кўрсатадиган, болалар дам оладиган, ҳордиқ чиқарадиган маскан. Оромгоҳ болалар учун ўз ҳовлисидан ташқаридаги дунёни ўрганиш ҳамда ота-она ғамхўрлигидан вақтинчалик эркинликка чиқиш имкониятидир. Оромгоҳлар болаларда мустақиллик ва ўзлигини ривожлантириш имкониятини таъминлайди. Улар оромгоҳларда бошқа тенгдошлари б-н муносабатга киришиш малакаларини, ўзаро мулоқот қилиш маданиятини эгаллайди, жамоавий ф-ят кўрсатиш, ҳамкорлик қилиш, ижт. ҳаёт

тажрибасини ўзлаштиради. Болаларни оромгоҳларда турли машғулотларга жалб қилиш орқали уларнинг ижодий имкониятлари кенгайтирилади. Оромгоҳларда болалар турли тўгарак ва тадбирларда иштирок этади, ф-ятнинг турли соҳалари бўйича ўз ижодий истеъдодларини намоён қилиш имкониятига эга бўлади. Улар оромгоҳларда тиббиёт ходимлари, педагоглар, психологлар назоратида бўладилар.

Б.о. санаторий, соҳавий, шаҳар ташқарисидаги марказлар, кундузги оромгоҳларга бўлинади. Б.о. республиканинг барча вилоятларида шаҳардан ташқаридаги сўлим жой ва тоғли ҳудудларда жойлаштирилган.

Соғломлаштирувчи Б.о. болаларнинг соғликларини мустаҳкамловчи, тикловчи дастурларга эга. Болаларнинг саломатликлари махсус санаторийларда ҳам тикланади. Шунингдек, болаларни кабул қиладиган санатория типидаги оромгоҳлар ҳам мавжуд.

БОЛАЛАР СПОРТИ – мактаб ёшидаги болалар жисмоний т-ясининг таркибий қисми. Турли жисмоний машқлар мажмуаси бўйича мусобақалар, жумладан, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», спорт мусобақалари ва ўқув-машқлари, машғулотларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тизимини ўз ичига олади. Б.с. болалар соғлиги ва умумий жисмоний ривожланишини мустаҳкамлаш б-н бирга мусобақаларда юксак натижаларга эришишни мақсад қилиб қўяди.

Ўзбекистонда болалар б-н спорт машғулотлари МТМда жисмоний машқларни бажариш, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш, у.ў.т. мактабларида жисмоний тарбия дарсларида, шунингдек, болаларнинг ўқишдан бўш вақтларида спорт тўгаракларида маҳоратларини ошириш, мусобақаларни ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 24 окт.даги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамгармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва шу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар болалар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар шуғулланадиган спорт иншоотлари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, янги замонавий спорт иншоотлари бунёд этилишига замин яратди. Натижада мамлакатимизда Б.с.ни ривожлантиришнинг замонавий инфраструктураси вужудга келди.

Айни пайтда, юртимизда 1 млн 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури б-н мунтазам шуғулланмоқда (2013). Бу рақам, 2003 й.га нисбатан олганда, 1,4 баробар кўп. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний т-я ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсган.

БОЛАЛАР ТЕМИР ЙЎЛИ – ёш темирйўлчилар ф-ят кўрсатадиган тўгарак. 1936 й. 5 авг. маҳаллий газеталардан бирида ўқувчиларнинг Марказий Осиёда биринчи Б.т.й.ни қуриш бўйича таклифи билдирилган мақоласи чоп этилган. Бу таклиф жамоатчилик орасида жуда катта қизиқиш уйғотган.

1940 й.да Тошкент ш.даги Ўзбекистон миллий боғида Б.т.й.нинг биринчи навбати тайёр бўлди. У S-симон шаклга эга бўлиб, аввалига узунлиги 1070 м га тенг бўлган. 1940 й. 5 авг. куни собиқ «Солнечная» (хоз. Навоий) бекатидан биринчи поезд қатнови йўлга қўйилган. 1955 й.да иккинчи навбатнинг очилиши ҳам муҳим воқеалардан бири бўлган. 1070 м лик йўлга яна қўшимча 650 м лик

рельс қўшилган. Янги тармоқ учун сув устига кўприк қурилган. 1988 й.да Тошкент Б.т.й. иккита янги ТУ-7А тепловозларига эга бўлган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, Б.т.й.даги икки бекатга буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳамда «Ёшлик» номлари берилди. Шундан бошлаб, Б.т.й. учун янги саҳифа очилди. 2000 й.да темир йўлнинг 60 йиллик тўйи арафасида йўллар капитал таъмирдан чиқарилди.

Бугунги кунда Тошкент Б.т.й.да 40 дан ортиқ ёш темирйўлчилар катнашади. Темир йўл таркибидаги «Ёш темирйўлчилар» клуби аъзолари бўлган болалар 5–9-синф ўқувчиларидир. 4 йиллик таълим даврида улар темирйўл соҳаси сир-асрорларини ўрганадилар. Б.т.й.да 21 мартдан 1 окт.гача ўқув-амалий машғулотлари ўтказилса, окт.дан эса назарий машғулотлар ташкил этилади. Ушбу тўгарак аъзоларининг 60–70 фоизи ўз келажакларини темир йўл б-н боғлашади. Тўгаракда ўқиш бепул. Мазкур тўгарак ўқувчиларга билим бериш б-н бир қаторда, уларни темирйўлчилик касбига ҳам йўналтиради. Б.т.й. ихтиёрида иккита тепловоз ва 5 та вагон мавжуд. Улар 132 нафар йўловчи сиғимига эга. Айниқса, байрам кунларида ушбу темирйўлга кўплаб болалар келишади. Темирйўл клуби аъзолари инструкторлар раҳбарлигида уларга хизмат кўрсатади.

БОЛАЛАР ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ – болалар ф-ятининг тури. Одатда, бу ф-ят моделлар, механизмлар, оддийроқ машиналар, асбоблар, радиоэлектрон қурилмаларни ясашдан иборат. Б.т.и. уларда техникага қизиқишнинг шаклланиши, ихтирочилик қобилиятларининг ривожланишига ёрдам беради. Ўзбекистонда биринчи Б.т.и. маркази 1930 й. техника ва қишлоқ хўжалик станцияси номи б-н ташкил қилинган. Республикамиздаги 142 техник ижодиёт марказида 8309 тўгарак ишлаб турибди. Тўгаракларнинг ишлари мунтазам тарзда болаларнинг ёш хусусиятлари ва тайёргарлик даражаларига кўра мувофиқлаштириб борилади. Болалар техника б-н «Баркамол авлод» марказларида ҳам шуғулланадилар.

БОЛАЛАР ЭКСКУРСИЯ ТУРИСТИК СТАНЦИЯСИ – болалар туризми ва экскурсиясини ташкил этадиган мактабдан ташқари таълим муассасаси. У 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг саёҳати ва экскурсияси жараёнини ифодалайди. Бундай ф-ят таътил даврида болаларни соғломлаштириш, билиш ф-ятларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Бундай саёҳат ва экскурсиялар Ўзбекистон шаҳарлари, Ҳамдўстлик мамлакатлари, Европа мамлакатлари, Туркия ва Арабистон ҳудудлари бўйлаб ҳам ташкил этилиши мумкин. Болалар туризми болалар туристик станциялари орқали амалга оширилади. Болалар туризмининг аҳамияти уларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилишидадир. Экскурсиялар, юришлар, саёҳатлар болаларнинг интеллектуал даражаси, кузатувчанлиги, моддий борлиқ гўзаллигини ҳис этиш лаёқати, мулокотга киришувчанлиги ва мустақил ҳаракат қилиш интизомини ривожлантириш имконини беради.

Билиш характерига эга бўлган болалар туризми мавзу доирасига кўра, этнографик, тарихий, археологик, геологик ҳамда экологик таълим-т-я бериш имкониятига эга. Экскурсия ва саёҳатларнинг мавзулари, асосан, мактаб ўқув дастурлари б-н боғлиқ бўлиб, ўқувчиларнинг

билимларни яхшироқ эгаллашларига кўмаклашади.

Бугунги кунга келиб болалар туризми соҳасида ҳам хорижий мамлакатларга уюштирилаётган саёҳатлар кўлами кенгайиб бормоқда. Болалар устозлари ҳамда ота-оналари ҳамроҳлигида Туркия, Франция, Англия, Араб мамлакатлари, Россия шаҳарларига саёҳат қилмоқдалар. Бундай саёҳатлар давомида болалар халқаро муносабатларга оид дастлабки тажрибаларни ҳам эгалламоқдалар. Мазкур мамлакат халқларининг тилларини ўрганишга ҳам алоҳида қизиқиш б-н карамоқдалар.

Дам олиш дастурлари болаларнинг дунёқарашини кенгайтиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, истеъдод ва иқтидорларини рўёбга чиқариш, ёш авлодни баркамол шахс сифатида ривожлантиришга қаратилган.

Болалар спорт туризми дам олишнинг фаол шакли сифатида кенг қулоч ёймоқда. У турли юришларни ўз ичига олади. Бу тадбирларнинг барчаси ёш туристлар станциялари орқали уюштирилади. Бу ташкилот мактаб ўқувчилари б-н амалга ошириладиган ўлкашунослик ҳам спорт туризмига оид тадбирларни уюштиришга хизмат қилади. Мазкур станция ёш туристларга ташкилий-методик ёрдам кўрсатади, болалар туризмига оид дастурларни амалиётга татбиқ қилишга оид ф-ятни амалга оширади.

Станция ф-ятининг асосий мақсади – ўқувчиларда туристик ва ўлкашунослик майлларини ривожлантириш, ижодкорликка ҳавас уйғотиш, уларни жисмоний-спорт ф-яти ва табиий илмий жараёнга қизиқтиришдан иборат. Шунингдек, ҳулқ-атворнинг ижт. меъёрларини эгаллашлари ва касбий йўналишни танлашларига кўмаклашади. Шу мақсадларга эришиш ёш туристлар станцияси таркибидаги қуйидаги бўлимларининг ф-ятига боғлиқ: ўқув секторлари; ўқувчиларнинг гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишларни ташкил этиш таянч маркази – юришлар ва экспедициялар сектори; информацион-методик сектор – мусобақалар ва слётлар сектори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 й. 28 фев. да кабул қилган «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 50-сонли Қарори асосида республикамизда Б.э.т.с. қайта ташкил этилиб, 211 та «Баркамол авлод» болалар марказлари қаторида Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази ҳам ф-ят кўрсата бошлади.

Қарорда болалар томонидан жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий мерос объектларининг чуқур ўрганилишини, уларни мамлакатимизнинг табиий бойликлари б-н таништириш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллаш шароитларини яратиш вазифалари белгилаб берилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 й. 11 майдаги «Баркамол авлод болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 130-сонли Қарорида Марказ тасарруфида сайёҳлик базалари ва ўқув тажриба-синов майдончалари ҳам ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Марказ тасарруфидаги «Ёш ўлкашунос» (Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 109-уй) сайёҳлик базаси 150 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб, Халқ таълими тизимидаги кўп сонли ўқувчилар ўртасида саёҳат ва экс-

курсиялар ўтказиш ҳамда республика миқёсида ўтказиладиган маънавий-маърифий ва оммавий тадбирлар, турли кўрик-танловлар ўтказиш учун қулай ҳисобланади.

Ҳар йили мазкур базага Қорақалпоғистон Республикаси ва вил.дан режа асосида Тошкент ш.га саёҳатга келган ўқувчилар ва т-яланувчилар, шу жумладан, Фарғона минтақасидан Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қарши ва Хива ш.ларига бораётган, ўз ўрнида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан Фарғона минтақасига саёҳатга бораётган ўртача 20 мингдан ортиқ ўқувчилар ёток жой б-н таъминланиши баробарида Тошкент ш.нинг диққатга сазовор объектлари бўйлаб 1–2 кунлик экскурсияларга ҳам жалб этилади. Марказ педагоглари томонидан Тошкент ш. ва республика миқёсидаги ўқув сайёҳлик маршрутлари ва қўлланмалари ишлаб чиқилган бўлиб, базага келган сайёҳ ўқувчилар Тошкент ш.нинг қадимий, ноёб архитектура ёдгорликлари ва диққатга сазовор замонавий объектлари бўйлаб ўқув экскурсияларини ўтказадилар.

БОЛАЛАР ЯСЛИСИ – узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим бўғинида 2 ойликдан 3 ёшгача бўлган болаларни т-ялайдиган муассаса. Ясли-боғчаларда болаларнинг жисмоний, руҳий, ақлий, ахлоқий ва эстетик ривожланишлари учун лозим бўлган шарт-шароит яратилади, шунингдек, уларда меҳнат қилиш кўникмалари, хотира ва тафаккур элементлари шакллантирилади.

Кенг тарқалган яслилар 1980 й.лргача амал қилган. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фарзанд кўрган оналар иш ўрнини 3 ёшгача сақлаб қолиш ҳақидаги қароридан кейин яслиларнинг камров доираси сезиларли даражада торайди. Оналар болаларни 2–3 ёшгача уйда т-ялаш б-н шуғулланиб бошладилар. Натижада болаларни комплекс т-ялашга мўлжалланган ясли-боғчалар кенг тарқалди ва улар болаларни 2 ёшдан қабул қилишга киришдилар.

БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ – болаларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик т-ялаш воситаларидан бири. Б.ў. уларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишларига имконият яратади. Ўйин вақтида сезги, идрок, тафаккур, хаёл, хотира, диққат, ирода, ҳиссиёт ва б. руҳий жараёнлар иштирок этади. Б.ў.нинг 3 асосий хусусияти бор: биринчидан, бола ўйин ф-ятини эркин, ўз хоҳиши б-н бажаради; иккинчидан, мазкур ф-ят жараёнида бола ижодкорлик ва фаоллик кўникмаларини намоён қилади; учинчидан, ўйин ҳаракатларидаги жўшқинлик, ҳиссий кўтаринкилик болалардаги қизиқишни орттириб, уларнинг кайфиятини кўтаради. Ўйин жараёнида болаларда завқ-шавқ, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик кайфияти вужудга келади. Б.ў. мазмунига кўра ўйинчоқли, воқеабанд (сюжетли), ҳаракатли ва дидактик ўйинларга бўлинади: 1) ўйинчоқли ўйинларга мактабгача т-я ёшидаги болаларнинг ўйинлари киради (содда ўйинчоқлар, мас., шиқилдоқ, кубиклар ўйнаш, кум б-н ўйнаш); 2) воқеабанд ўйинларда болалар катталар ф-ятига тақлид қилади. Бундай ўйинлар болаларнинг ижт. воқеликни идрок этишларига кўмаклашади (мас., «хола-хола», «овқат пиширш», «боғча-боғча» ўйнаш ва б.). Болаларнинг ёшига қараб ўйинларда акс этган воқелик ҳам мураккаблашиб боради; 3) ҳаракатли ўйинларнинг шартларини болалар ўзаро биргаликда ёки якка-якка тартибда бажаради (мас., «Оқ теракми, кўк терак?» каби миллий ўйинлар, коптоқ ўйнаш, тез

югуриш ва б.). Бундай ўйинлар, асосан, дарс ва дарсдан ташқари таълим жараёнларида ташкил этилади. Улар болаларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, ижтимоийлашишларини жадаллаштириш, иродасини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Болалар иштирок этадиган спорт ўйинлари ҳаракатли ўйинлар сирасига киради; 4) дидактик ўйинлар эса муайян мақсад, вазифа ва сценарийлар асосида ташкил этилиб, улар машғулотларнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда т-ячи ва ўқитувчилар томонидан танланади. Бундай ўйинлар МТМнинг тайёрлов гуруҳлари ва бошлангич синф ўқувчиларига мўлжалланган, мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлади. Мас., табиий-илмий билимлар, хорижий тиллар, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўргатиш каби мақсадларни кўзлайди. Мазкур ўйинлар болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, зехн, ҳаракатчанлик каби сифатларни ривожлантиради, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлайди ва жисмоний жиҳатдан чиниктиради.

БОЛАЛАРНИ ЖАДАЛ САВОДХОНЛИККА ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ – болаларни интенсив ўқитиш техн.си, очиқ пед. тизим. Интенсив ўқитиш техн.сининг асосини инн-он усуллар мажмуи ташкил этади. Бу барча ўқувчилар учун очиқ бўлган ўқитиш инструментарийсидир. Бундай инн-он техн.ни ишлаб чиқиш учун бир қатор принципларга амал қилинади. Бу принциплар, биринчи навбатда, интенсив ўқитиш талабларига асосланиши керак. Булар: дидактик тизимни ифодалайдиган техн.нинг яхлитлиги принципи; муайян пед. муҳитда қўйилган мақсадга эришиш имконини берадиган ифодаловчи техн. принципи; пед. структураларнинг номунтазамлилиги, пед. тизимларнинг мустақил бошқарилиши ва татбиқ этиш имконини берадиган механизмларга таяниш принципи; ахб.ларнинг тиғизлигини ҳисобга олган ҳолда умумлашган билимларни шакллантириш имкониятини яратишнинг зарурлиги принципи.

Мазкур принципларга ҳар томонлама амал қилиш ўқув жараёнини жадаллаштириш, ўқувчилар учун мос келадиган техн.ни танлаш имконини беради. Умумлашган, жадаллаштирилган таълимий техн. тизимини амалиётга жорий этиш учун бир қатор шартларга амал қилиш талаб этилади. Булар: ўқув жараёнида таъминланадиган пед. муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш; ҳар бир ўқувчи шахсини ўқув жараёнига мослаштириш принципига амал қилиш; ўқувчиларнинг умумилмий, ижт. БКМларини ифодалаш жараёнларини тезлаштириш, бунда уларнинг лойиҳачилик ва мантиқий фикрлаш лаёкатларини намоён қилишлари учун кенг йўл очиш ва б.

Ўқувчиларга жадал таълим беришнинг очиқ тизими таълим техн.ни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. У нафақат ўқувчиларнинг билимларни жадал ўзлаштиришларига, балки уларнинг мустақил билим олишлари ва ўз ф-ятларини долзарблаштиришлари учун замин яратади.

БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА РЕИНТЕГРАЦИЯЛАШ (реинтеграция – лот. – integratio, инг. reintegration, нем. reintegration – тиклаш, тўлдириш такрор бажариладиган ҳаракатни кўрсатувчи ишора) – 1) яхлит жараённи қайта янгилаш; 2) унинг бирор йўналишига таянган ҳолда муайян тажриба ёки

ҳодисани тўлиқ тиклаш. Б.о.р.нинг пед.-психологик дастурини ишлаб чиқиш алоҳида ижт. аҳамиятга эга. Бундай болалар ота-оналарнинг ғамхўрлигидан маҳрум бўлган фарзандлар бўлиб, уларни мактаб-интернатлардаги таълим-т-я муҳитига жалб этган ҳолда ўқитиш ва т-ялашнинг инн-он шакллари, усул ҳамда метларидан фойдаланиш назарда тутилади. Мазкур таълим муассасасида ф-ят кўрсатадиган ўқитувчилар, психологлар ва т-ячилар болаларни ижт. ҳимоялашнинг назарий асослари, амалий метларини яхши билишлари талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 1992 й.да ратификация қилинган БМТнинг Бола ҳуқуқлари Конвенцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, «Бола ҳуқуқлари кафолати ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ҳар бир боланинг ҳуқуқлари мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу ҳужжатларга кўра, ҳар бир бола ўз оиласида яшаши ва таълим-т-я олиш ҳуқуқи б-н таъминланиши зарур. Бола ҳуқуқларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг асосий ф-ят йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ишга Республика хотин-қизлар қўмитаси, Болаларни ижт. мослаштириш республика маркази, «Оила» илмий-амалий маркази, «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамғармаси, «Болалар» жамғармаси, «SOS – республика болалар шаҳарчаси» ассоциациялари ҳамда бошқа дав. ва нодав. ташкилотлари муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан ота-оналар ғамхўрлигидан маҳрум болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг ривожланиши ва билим олишлари учун қулай шароитлар яратилган бўлса-да, улар ота-она меҳри ва оилавий ҳаётни кўмсайдилар. Чунки болаларнинг етук шахс сифатида шаклланишлари учун уларга оилавий қадриятларни сингдириш ниҳоятда зарур.

Реинтеграция жараёнида бола ж-ятга фаол ва мустақил шахс сифатида қайтарилади. Реинтеграция натижасида шахс ж-ятда тўлақонли ф-ят кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

БОЛАНИ ТАБИИЙ ТАРЗДА ТАРБИЯЛАШ – болани атроф-муҳит таъсири, катталарнинг ҳаётий тажрибалари воситасида т-ялаш. Мазкур тажрибалар боланинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. 5–6 ёшгача бўлган даврда бола ўзи ҳақида муайян ахб.лар ёрдамида тасаввур ҳосил қилади. Бундай ахб.ларни ота-онасидан, атрофдагилардан олади. Бола МТМ, кейинчалик эса мактабда ўқиш жараёнида ўзи мустақил сайр қилиши, тенгдошлари ва катталар б-н мулоқотга киришиши натижасида, шунингдек, бошқа омиллар таъсирида унинг шаклланиб ва ривожланиш жараёни содир бўлади. Бола ўзлигининг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс. Б.т.т.т.да уни мақташ орқали рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мақтов ёрдамида болани ижобий ҳаракатларга ундаш имконияти вужудга келади. Бироқ ҳаётда ҳеч кайси боланинг хатти-ҳаракатлари фақатгина мақтовга сабаб бўлиши мумкин эмас. Ота-оналар ва оиланинг катта ёшдаги бошқа вакиллари ҳар доим болага ўз хатти-ҳаракатларининг салбий ва ижобий оқибатларини тушунтириш орқали уларни табиий тарзда т-ялашга эътибор каратишлари лозим. Кичик ёшдаги бола уни севишлари, унга ҳурмат б-н қарашларини ҳис эта олиши керак. Одат-

да, оиладаги катталар болага уни севишлари, қадрлашлари ҳақида гапирмайдилар. Натижада болада ўз-ўзини ижобий баҳолаш кўникмаси ҳосил бўлмайди. Боланинг ўзини оиланинг тенг ҳуқукли аъзоси эканлигини англаши кўп ҳолларда катталарнинг унга мустақил шахс сифатида ёндашишлари натижасида вужудга келади. Зеро, бола ўзини яхши, тартибли, зарур, севимли инсон сифатида ҳис эта олиши керак. Унинг бундай ҳиссиётларини қўллаб-қувватлаш учун умуминсоний қадриятлар, ахлоқий тартиб б-н яқиндан таништириш талаб этилади. Бола ушбу қадриятлар ва ахлоқий меъёрларни ўзининг кундалик ҳаётий ф-ятида қўллаш тажрибасини самарали ўзлаштириши учун ота-оналарнинг унга бўлган ижобий муносабати ниҳоятда зарур.

Бола ҳаётий муваффақиятларининг асосини унинг қандай ҳаракат дастурига эга бўлиши ташкил этади. Бундай муваффақиятли тадбирлар негизини эса боланинг ўз-ўзини ишончли баҳолаши ташкил қилади. Боланинг ўз-ўзини баҳолаши унинг ўзи ва шахсиятига бўлган ҳурмати ифодасидир. Чунки ўз-ўзини баҳолаш ўз-ўзини ҳурмат қилиш б-н ёндош ҳодисадир. Агар болада ўз-ўзига нотабиий тарзда юқори баҳо бериш кўникмаси шаклланган бўлса, у атрофдагилар б-н ижобий муносабат ўрната олмайди. Ўзига бўлган ортиқча ишонч туфайли бундай болалар атрофдагиларга нотўғри талаблар қўяди. Бундай болалар б-н мулоқотга киришишдан ҳеч ким қониқиш ҳосил қилмайди. Чунки у бошқалар б-н ҳамдардликка асосланган тўлақонли ижобий муносабат ўрната олмайди.

Боланинг барча муаммолари, муваффақиятсизликлари унда ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг паст даражада эканлиги маҳсулидир. Чунки бундай вазиятда бола ўзига бўлган муносабатни ўз вақтида англамаган ва ўзгартирмаган. Ота-оналар эса бундай болаларга ўзларини ишончли тарзда баҳолашлари учун кўмаклашмаганлар. Ота-оналар, биринчи навбатда, ўз фарзандларида меҳнатсеварлик кўникмаларини таркиб топтира олишлари керак. Бунда уларнинг қуйидагиларга амал қилишлари талаб этилади: болаларга синов ва хатолар оркали муайян ҳодисаларни ўрганиш имкониятини бериш, уларнинг ўз кўникмаларини амалий жиҳатдан намоён қилишлари учун қулай шароит яратиш; болаларга бирор иш буюришдан олдин уни қандай бажариш кераклигини кўрсатиб бериш; ҳаракат усулларини тушунтириш ва фарзандлари уни қандай бажаришини кузатиш; ўз талабларининг изчиллигига риоя қилиш; бола олдига вазифалар қўйишда унинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш; уй юмушларини жозибали ўйин вазиятларига айлантириш; болани бошқалар меҳнатини қадрлашга ўргатиш; бола меҳнати натижаларини эҳтиёткорлик б-н баҳолаш; болани мунтазам тарзда меҳнатсеварлиги ва тезкорлиги учун рағбатлантириш; бола меҳнатини ташкил этишда ранг-барангликкa эътибор бериш, бола дам олиши учун унга турли кўринишдаги ишларни буюриш; топшириқ бериш буйрук оҳангида бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратиш; болаларни мустақил ва ташаббускорликлари, бажарган ишларининг сифати учун тез-тез рағбатлантириш; ҳар доим болани уй ишларига жалб этиш; боланинг мажбуриятларини ҳар доим кўриб чиқиш ва кенгайтириш; болани меҳнат б-н жазолашга йўл қўймаслик.

Бахтли инсон болалик давридан бошлаб ўз ютуқ ва камчиликларини муносиб баҳолай олган шахсдир. Бундай болаларнинг атрофдагилар б-н ҳамкорлик қилишларига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсқинлик қилолмайди. Бундай болалар нохушликларни енгил қабул қиладилар.

Малоҳат Аъзамова

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ – болалар ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари кучига эга бўлган ҳамда келажакда улар ҳаётини янада яхшилашга қаратилган халқаро ҳужжат. У Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 1992 й.да ратификация қилинган.

Б.ҳ.т.к. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 й. 20 нояб.да қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларацияси қоидаларини ривожлантиради. Декларация «Инсоният ўзида мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини болаларга беришга мажбур» деган шиорни эълон қилган эди. Конвенция эса ушбу декларация ва б. халқаро ҳужжатлардаги болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларни ўзида мужассамлаштирган. Б.ҳ.т.к. дунёнинг барча минтақаларидаги халқлар учун тенг аҳамиятга эга. Унинг асосий максади болалар манфаатларини имкон қадар ҳимоя қилишдан иборат. У мукаддима, 3 қисм, 54 моддадан иборат. Конвенцияга асосан, агар миллий қонунларда балоғат ёши бирмунча эрта белгиланган бўлмаса, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади. Б.ҳ.т.к. инсоннинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижт. ва маданий ҳуқуқлари йиғиндисидан иборат. У болалар ўзининг ахлоқий, ақлий ва руҳий қобилиятларини эркин ривожлантиришлари учун бошқа нарсалардан ташқари соғлиги ва атроф-муҳитнинг хавфсизлиги, тиббий ёрдамга эга бўлиш ва овқатланиш, кийим-кечак, тураржой хусусидаги минимал меъёрлар б-н таъминланиши зарурлигини талаб этади. Конвенцияга кўра, болалар ўзларини камол топтиришга фаол интилишлари, ўз фикрларини эркин баён қила олишлари учун шароит яратилиши керак.

Конвенция боланинг яшаш ва соғлом ривожланиш, фарзандликка қабул қилиниш ҳуқуқини кафолатлайди. Шунингдек, Конвенция ақлий жиҳатдан норасо, кочок, ҳуқуқбузарлик содир этган болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи қоидаларни ўз ичига олади. Болаларга гамхўрлик қилиш ва уларни ҳимоялашда она ва ота-онанинг биринчи даражали мажбуриятларини тан олади.

Болаларни камситмаслик – Конвенциянинг муҳим тамойилларидан ҳисобланади. Болалар ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва б. эътиқоди, миллий, этник келиб чиқиши, мулкий ҳолати, соғлигининг аҳволи, ота-онаси ёки қонуний васийси ёки қандайдир бошқа ҳолатлардан қатъи назар, бирон-бир камситишларсиз ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши керак.

Б.ҳ.т.к. 1990 й. 2 сент.да кучга кирган. Унга Ўзбекистон Республикаси 1992 й. 9 дек.да қўшилган. Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган дав.лар уни бажариш юзасидан тадбирлар бўйича Бола ҳуқуқлари қўмитасига муntазам равишда миллий маърузалар юбориб туради. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияни бажариш бўйича биринчи миллий маърузани 1997 й.да тайёрлаган.

БОЛИЕВ Асра (1940.16.12, Нурота тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Бухоро ДПИнинг кимё-биол. ф-тини тамомлаган

(1967). 1967 й.дан Нурота туманидаги 17-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1975 й.дан Қўшрабод туманидаги 17-мактаб директори, 1989 й.дан Қўшрабод туман халқ таълими бўлимида мет. кабинети мудири, 2000–03 й.ларда Қўшрабод туманидаги 27-мактабда биол. ўқитувчиси. Б. ўзининг пед. ф-ятида биол. таълими самарадорлигини ошириш, мактабни замонавий мет. ёрдамида бошқариш, ўқув жараёнини мунтазам такомиллаштиришга эришган.

БОЛОНЬЯ МАКТАБИ – Италия тасвирий санъатидаги мактаблардан бири. Маркази – Болонья ш. Ака-ука Лодовико, Агостино, Аннибале Карраччилар томонидан 1585 й.да ташкил этилган бу мактаб таълимининг асосий принципи – академизм қонуниятлари асосида курилган ҳамда «Тўғри йўлга қадам қўяётганлар академияси» деб номланган. Бу ерда Европа академизми қоидалари ва келгусида шаклланадиган Б.м.лари ф-яти белгилаб берилган. Улар ўз концепцияларида 16-а. акад. тасвирий санъат анъаналарини давом эттириб, объект, борлиқ, гўзаллик қонуниятлари асосида идрок этилиши ва тасвирланишини ёқлаб чиққанлар. Карраччиларнинг тўнғичи – Лодовико тўғри ўқитиш ва т-ялаш оркали расм чизишга қобилияти бўлмаган ўқувчиларни ҳам яхши расм чизадиган мутахассис қилиб т-ялаш мумкин деб ҳисоблаган ҳамда ўз ф-ятида шу ғояга амал қилган. Бу тажриба асосида Италия ва б. мамлакатларда бадиий академия (мактаб)лар ташкил этилган. Б.м. вакиллари (ака-ука Карраччилар, Доменикино, Г. Рени, Гверчино) диний ва афсонавий мавзуларда безак композициялар, деворий расмлар яратган. Б.м. санъат тарихида бадиий таълим тизимини яратди, барокко га хос мехроб картиналар, маҳобатли безак расмлар, «қахрамонона» манзаралар турини ишлаб чиқди. Дастлаб асарлари (портрет ва маиший жанр)га туйғуларининг ҳаққонийлиги ва ғоянинг янгилиги хос бўлган. Б.м. академизми кейинчалик ҳаётдан ажралиб қолган бадиий вокеликка айланган.

БОЛОНЬЯ ТИЗИМИ – Европа олий таълим маконини яратиш максадида 1999 й. 19 июнда асос солинган ҳаракат. Замонавий Европада ягона касбий таълим маконининг яратилиши учун илк қадамлар 1949 й.да қўйилган. Худди шу йили асосий максади Европада ижт. ва иктисодий жараёнлар кечиши ва бирлигини таъминлашдан иборат бўлган биринчи халкаро ташкилот – Европа Кенгаши ташкил этилди.

Болонья жараёни ягона Европа олий таълими маконини яратиш максадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашуви жараёнидир. 1999 й. 19 июнда 29 мамлакат вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланган. Айни вақтда, мазкур тизим ўзига 1954 й.да Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган Европа маданияти Конвенциясини ратификация қилган (олий дав. ҳокимияти органи тасдиқлаган) 49 мамлакатдан 47 иштирокчини қамраб олган.

Б.т.нинг асосий максади – ижт. субъектлар томонидан олий маълумот олиш имконини кенгайтириш, Европа олий таълимининг сифати ва самарадорлигини таъминлаш, талабалар ҳамда ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлиги, фаоллигини ривожлантириш, шунингдек, акад. даража ва б. касбий малакаларнинг меҳнат бозорига йўналтирган ҳолда ОТМ битирувчиларини иш б-н таъмин-

лашдан иборат. Мазкур тизимни қабул қилган мамлакатлар олий касбий таълимни замонавийлаштириш, ОЎЮнинг Европа комиссияси томонидан молиялаштириладиган турли лойиҳаларида тенг ҳуқуқлилик, ҳамкорлик асосида қатнашиш, талабалар ва ўқитувчини ўзаро акад. алмаштириш учун янги имкониятларга эга бўлмоқдалар.

Тизимнинг умумий асослари Болонья ш.да имзоланган декларацияда ўз ифодасини топган. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Диплом иловасига кўра, фукароларни ишга самарали жойлаштириш ва Европа олий таълим тизимининг халқаро рақобатга бардошлилигини ошириш имкониятини яратадиган ўзаро мувофиқ келувчи акад. даражалар тизимини қабул қилиш. 2. Икки циклли: тайёргарлик ва битирув таълимига ўтиш. Таълимнинг биринчи цикли уч йил давом этади. Иккинчи цикл эса магистрлик ва докторлик даражаларини олиш учун йўналтирилади. 3. Кенг кўламда талабалар алмашинувини кўллаб-кувватлаш учун машаққатли синов бирликларини қайта топширишнинг Европа тизимига ўтиш. Мазкур тизим талабаларнинг ўрганиладиган фанларни танлаш ҳуқуқига эга бўлишлари учун имконият яратади. Бунинг учун асос сифатида «Умр бўйи таълим олиш» концепцияси доирасида кўллаш имконини берадиган тизим – ЕСБТ (Европа синов бирликлари тизими)ни қабул қилиш таклиф этилади. 4. Ўқитувчилар алмашинувини ривожлантириш. Европа ҳудудида ишга сарфланадиган вақт даврини ипобатга олган ҳолда ўқитувчилар ва б. ходимлар алмашувини кенгайтириш. Трансмиллий таълим стандартларини ўрнатиш. 5. Ўзаро мос мезон ва методологияларни ишлаб чиқиш ҳамда сифатини таъминлашда Европа ҳамкорлигини қарор топширишга кўмаклашиш. 6. ОТМнинг таълим сифатини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва ОЎЮ талабалари ҳамда ходимлари ф-ятини ташқи баҳолашга тортиш. 7. Олий таълимда ўқув режаларини такомиллаштириш, ОТМаро ҳамкорлик, талаба ва ўқитувчилар алмашинуви ҳамда биргаликдаги таълим дастурлари, и.т.ларни ўтказишга оид амалий тайёргарлик ва уларни олиб бориш борасида зарур европача нуқтаи назарларнинг шаклланишига кўмаклашиш ва б.

Европа ҳудудидаги аксарият мамлакатлар Болонья декларациясига қўшилган бўлиб, улар, айни вақтда, Европа таълим муҳитининг тенг ҳуқуқли аъзолари ҳисобланади. Европа таълим муҳитига аъзо бўлган мамлакатлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олганлар: 1) 2005 й.дан Болонья жараёнининг иштирокчи мамлакатлари барча битирувчиларга ягона намунадаги бакалавр ва магистр дипломини бепул бериш; 2) 2010 й.га қадар Болонья декларациясининг асосий талабларига мос келадиган миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш.

Болонья жараёнининг амалий ҳаракати доирасида ҳар икки йилда бир марта иштирокчи-мамлакатлар вазирлари иштирокида конференция ташкил этилади. Унда ҳар бир иштирокчи-мамлакатларнинг вазирлари олий таълим тизимида Болонья декларацияси шартларига риоя этилиши юзасидан расмий ахб. беради. Ўтган давр мобайнида Б.т. иштирокчилари бўлган дав.лар томонидан бир қатор конференциялар ўтказилган.

Биринчи Болонья форуми 2009 й.да Лёвенда, Иккинчи Болонья форуми 2010 й.да Венада ташкил этилган.

Гулчеҳра Сулаймонова

БОСТАНОВА Марияш (1945.3.1, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Нукус ДПИнинг филол. ф-тини тамомлаган (1967). 1967 й.дан Чимбой, Тахтакўпир туманидаги мактабларда т-ячи, қорақалпоқ тили ва ад. фани ўқитувчиси, 1976 й.дан Қораўзак туманидаги 5-мактабда қорақалпоқ тили ва ад. фани ўқитувчиси. Б. дарсларини кўргазмали қуроллар, техника воситалари ёрдамида ташкил этади. У таълим сифати ва самарадорлигини оширишга, ўқувчиларга қорақалпоқ халқининг миллий қадриятларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратади.

БОТАНИКА ХОНАСИ – ботаника фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

БОТАНИКА ЎҚУВ ФАНИ (юн. botanikos – ўсимликка тегишли; botane – ўсимлик, ўт, гиёҳ) – ўқувчиларга ўсимликлар тўғрисида маълумот бериб, муайян БКМларни ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани. Ботаника дарсларида ўқувчилар ер юзидаги ўсимликлар дунёси, ўсимликлар организмларининг яшаш ва ривожланиш қонуниятлари ҳамда уларнинг бу жараёндаги ўзаро алоқалари, ташқи муҳитга нисбатан муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганадилар. Б.ў.ф. орқали ўқувчилар ўсимликларнинг ҳаёти, ташқи ва ички тузилиши, тараққий этиши, тарқалиши, муҳит б-н боғлиқлиги, халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўсимликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш усулларини, уларнинг инсонлар ҳаётидаги ва табиатдаги ўрнини ўрганадилар.

БОТИРЛИК – хавф-хатарли ишга дадил киришиш ва амалга оширишда намоён бўлувчи хусусият. Ботир кишилар раҳмдил, саховатли, кўркувни бартараф эта оладиган шахслардир. Ўз вактида Аристотель Б.ни тизимли тарзда таҳлил килган эди. Унинг таъбирича, Б. жисмоний оғриқлар ва ўлимдан кўркишни бартараф этишга йўналтирилган шахсий сифатдир. Барча учун ваҳимали ва кўркинчли бўлган нарсаларни жасурлик б-н қабул киладиган кишилар ботир кишилардир. Кўркув меъёрида ривожланган ҳар бир шахс учун табиий ҳолдир. Уни енгиш эса шахснинг олийжаноб сифатларидан бири ҳисобланади.

Б. шахснинг муайян вазиятдаги онгли танловини ифодалайди. Ижобий хулқ-атворли кишилар Б.ни намоён этиш учун фақат ўз шахсий ҳаётлари ҳисобига таваккал киладилар.

Ботир кишилар яхшилик қилиш мақсадида хавф-хатарни бартараф этишга интиладилар ва унинг салбий оқибатларидан кўркмайдилар. Бундай вазиятлар, айниқса, уруш жараёнларида кўп учрайди. Б. шахснинг ахлокий фазилатларидан бири сифатида жанг вактида ўзаро ижт. муносабатларни сиповдан ўтказиш имконини беради. Шунингдек, Б. уруш вазиятларида шахснинг хулқ-атвори ва етуклигини аниклаш имконини беради. Б. ўзида кўркув б-н ақлсизларча жасоратлиликни ифодаласа-да, у кўпрок жасурликка яқин туради. Шунинг учун ҳам ботир кишилар жабрланишга тайёр бўладилар. Бундай шахсларда жасорат кўрсатишга мойиллик ва унга мувофик келадиган хулқ-атвор кўринишлари мавжуд бўлади. Ботир кишилар Б.ка асосланган хатти-ҳаракатларни муайян доирада намоён қилсалар-да, жасорат кўрсатишга кафолат бермайдилар. Ботирлар гўзал максадлар учун хавфсизликка ўзларини рўбарў киладилар. Бун-

дай шахслар учун Б. қимматли аҳамиятга эга бўлиб, халқ-атворларининг асосий йўналишини белгилайди.

Б. – ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг марказий гояси ҳисобланади. Шунинг учун достонлар, эртакларнинг марказида ботирлар образи туради. Шунга кўра, ўқувчиларни Б., жасоратлилик руҳида т-ялашда улар муҳим дидактик восита сифатида хизмат қилади.

БОТИРОВА Назира (1948.4.9, Шовот тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Хоразм ДПИнинг биол. ф-тетини тамомлаган (1970). Шовот туманидаги 5-, 32-мактабда директори ўринбосари (1970–83; 1991–93), 42-, 32-мактаб директори (1987–93). Б. биология дарсларини кўргазмали қуроллар ва янги пед.техн. ёрдамида ташкил этиш, таълим самарадорлиги, ўқувчилар билим сифатини ошириш, таълим муассасаларини намунали бошқаришда ўзига хос тажриба тўплаган.

БОТУ (тахаллуси; асл исми Маҳмуд Ҳодиев) (1904.15.5, Тошкент – 1938.9.5, Москва) – маърифатпарвар, шоир ва жамоат арбоби. Рус-тузем мактаби (1914–17), ўқитувчилар тайёрлов курси (1918–20), Москва дав. ун-тининг иқтисод ф-тида ўқиган (1921–27). Шундан кейин у Самаркандга қайтиб, ижт.-маърифий ф-ят б-н шуғулланиб, дастлаб ёшларнинг «Аланга» жур.ига муҳаррирлик қилган. Шу даврдан унинг шеър ва ҳикоялари, публицистик мақола ва очерклари «Билим ўчоғи», «Инқилоб», «Аланга», «Маориф ва ўқитувчи» сингари жур.ларида чоп этилган.

Б. республикада мактаб-маориф, фан ва маданиятни ривожлантиришда алоҳида жонбозлик кўрсатган. Б. ўзбек-араб алифбосини лотин графикаси асосидаги алифбога алмаштириш ташаббускорларидан бўлган (1920).

У кўпчилик ўзбек зиёлилари қатори 1930 й.да ноҳақ айбланиб қамоққа олинган вақтагоғ қурбони бўлган.

БОШЛАНҒИЧ КУРС – муайян ўқув фани йўналишидаги илк, бошлангич билимлар ва ушбу соҳага тегишли содда маълумотларнинг тизимли баёни ифодаланган ўқув мажмуалари.

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ – таълим олувчиларга бошлангич умумий маълумот берадиган умумтаълим муассасаси. Унинг вазифаси таълим олувчиларда ёзиш, ўқиш, ҳисоблаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, табиат ва ж-ят ҳақида илк билимлар бериш, халқ одобга ўргатишдан иборат бўлган.

Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки БТ муассасалари – мактабхоналар араб халифалиги томонидан Ўрта Осиё ерлари босиб олингандан кейин (7-а. бошларида) маҳаллий халқ ва уларнинг болаларини ислом дини ғоялари руҳида т-ялаш мақсадида очилган. Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин рус амалдорлари ва ҳарбийларининг болалари учун 1869 й.да Тошкентда дастлабки рус Б.м.и очилган. Туркистонда маҳаллий аҳоли болалари учун 19-а. охирларида очилган рус-тузем мактаблари ҳам ўз мақомига кўра Б.м.лар ҳисобланган. 1900 й.дан Ўзбекистон ҳудудида «жадид мактаби» номи б-н юритилган янги усул мактаблари ҳам иш бошлаган. Бу мактаблар Туркистон маҳаллий халқлари учун дастлабки миллий мактаблар бўлган. Янги усул мактаблари ҳам, асосан, 1–4-синфдан иборат Б.м.лари ҳисобланган. 1918 й. 13 дек.да Туркистон Маориф халқ комиссарлиги қарорига биноан рус-тузем мактаблари халқ мактабларига айлан-

тирилган. 1922 й.дан тайёрлов синфдан кейинги 1–3-синфлардан иборат мактаблар 1-босқич мактаб, яъни Б.м. ҳисобланган. 1918–24 й.ларда хоз. Ўзбекистон ҳудудидаги барча миллий мактаблар 1-босқичли мактаблар бўлган. Б.м.лар сони 1918 й.да 992 та бўлган бўлса, 1924 й.га келиб уларнинг сони 1271 тага етган. 1930–31-ўқув й.идан Ўзбекистонда умумий мажбурий бошланғич таълим жорий этилиши муносабати б-н Б.м.ларда таълим муддати 4 й.дан иборат қилиб белгиланган. 1969–70-ўқув й.идан рус мактаблари, 1970–71-ўқув й.идан ўзбек мактабларида 3 й.лик БТга ўтилган. Шу йиллардан бошлаб Б.м.нинг мавқеи ва аҳамияти тубдан ўзгарган. У умумий таълимнинг мустақил, тугал босқичи сифатидаги мавқеини йўқотиб, фан асосларини изчил ўрганишга тайёрланиш босқичи бўлиб қолган. 1991–92-ўқув й.идан Ўзбекистон Республикасида 4 й.лик БТга ўтилди ва у у.ў.т.нинг дастлабки таркибий қисми сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 й. 29 авг.)да БТнинг янги мавқеи белгиланиб, мазкур жараён олдига қўйилган ижт. буюртманинг кўлами аниқланди. 2000–2001-ўқув й.и бошида Ўзбекистонда 207 та Б.м. бўлиб, уларда 30684 ўқувчи таълим олган. Бу мактаблар, асосан, кичик комплектли мактаблар ва у.ў.т. мактабларининг узок ҳудудлардаги шохобчаларидир. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимига асос солишгач, бошланғич таълим у.ў.т.нинг муҳим таркибий қисми сифатида янгича мазмун-моҳиятга эга бўлди.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ – у.ў.т.нинг дастлабки босқичи. Ўзбекистон Республикасида Б.т. 1–4-синфларда ўқувчиларга илк таълим бериш, уларни маънавий камол топтиришнинг бошланғич даври ҳисобланади. Б.т.да ўқиш 6–7 ёшдан бошланади. БТмазмунини белгилашда ижт. буюртмага таянилади ҳамда бу буюртма ДТСда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида Б.т.нинг ДТС, ўқув режалари, ўқув дастурлари ва дарсликлари тубдан янгиланди. Мазкур босқичда таълим олувчиларда у.ў.т. олиш учун зарур бўлган саводхонлик асосларини ташкил этадиган муайян БКМ ҳамда шахсий сифатларни шакллантиришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилди. Б.т. жараёни ўқувчиларга «Алифбе»ни ўргатиш б-н бошланади. БТда ўқув режаси асосида она тили, ўқиш, мат., атрофимиздаги олам ва табиатшунослик, одобнома, мусиқа ва тасвирий санъат, жисмоний т-я, хорижий тиллар, рус тили, айрим ихтисослаштирилган мактабларда шарқ (араб, форс, хитой, ҳинд) тиллари ўқув предметлари бўйича ўқувчиларда БКМлар ҳосил қилинади. Шу б-н бир қаторда, саломатлик сирлари, Ўзбекистон Конституцияси, йўл ҳаракати қоидалари бўйича дастлабки амалий кўникмалар ҳосил қилинади.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – БТ мазмуни ва ушбу ўқув предметлари бўйича ўқувчилар эгаллайдиган БКМларга қўйилган талабларнинг дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

«БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ» ЖУРНАЛИ – ХТВ муассислигидаги илмий-методик, ахлоқий-таълимий оммабоп жур. Бошланғич синф ўқитувчилари, пед. коллежлари, пед. ин-тларининг БТ ф-тлари талабалари ва ота-оналар ҳамда илмий-пед. жамоатчиликка мўлжалланган.

Икки ойда 1 марта чикади. 1992 й. янв.дан нашр этила бошланган. Жур. саҳифаларида БТ ўқув режасидаги ўқув фанларини ўрганишга оид илмий-методик маколалар, илғор ўқитувчилар тажрибалари ёритилган материаллар, т-явий жараёнларни ташкил этишга оид фикрлар. БТ пед.сига оид янги ёндашувлар, бошланғич синфларда синфдан ташкари ўқиш учун бадиий асарлардан парчалар чоп этилади. Адади 18 000 нусха (2014).

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ – 1) пед. фанининг БТ жараёнида қўлланиладиган ўқитиш техн. ва ўқув жараёни мазмунини ифодаловчи соҳаси; 2) БТ пед.си ф-тларида талабаларга таълим-т-я бериш жараёнининг мазмуни, шакллари, усуллари, мет.лари ва техн. ҳакида маълумот берувчи ўқув курси. Ўқув курсининг асосий мазмуни замонавий БТ жараёни учун хос бўлган билимлар, тушунчалар, кўникмаларни камраб олади. БТ мет.си ўқув курси доирасида талабаларга қуйидаги асосий билим ва маълумотлар тақдим этилади: БТ жараёнида қўлланиладиган пед. техн., уларнинг пед. вазифаларга мослиги; БТ жараёни учун хос бўлган пед. вазифаларнинг характери, пед. вазифаларни лойиҳалаш ва уларни ечиш жараёнлари; пед. техн.нинг умумий тавсифи; касбий ф-ят жараёнида ўқитувчиларда шаклланадиган пед. техн.; ўз-ўзини ва ўқувчиларни бошкариш қоидалари; ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигини таъминловчи пед. техн.; ўқувчилар б-н ўзаро мулокот жараёнида ўқитувчи пед. маҳоратининг асослари; ўқитувчи ф-ятида актёрлик ва режиссёрлик маҳорати; БТ жараёнида қўлланиладиган замонавий пед. техн.; БТ жараёнида қўлланиладиган инн-он усуллар; кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга таълим бериш, ривожлантириш ва т-ялашга оид муаллифлик концепциялари; ўқитувчи пед. маҳорати шаклланишининг таркибий қисми сифатида мустақил билим олиш, ривожланиш, ўз-ўзини т-ялаш жараёнлари; мустақил ривожланиш ва билим олиш техн.си ва б.

Мазкур курс бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий кўникма ва малакаларни ҳосил қилади, ўзларини бўлажак ўқитувчи сифатида баҳолашлари ва қадрлашларига кўмаклашади. Натижада улар ўз лаёқатлари ва пед. ф-ятга тайёрлик даражаларини тушуниб етадилар. Кичик гуруҳлар ёрдамида алоҳида талабаларнинг пед. мулокот стереотипларини аниклашга хизмат қилади. Бўлажак ўқитувчиларда индивидуал, мослашувчан, мақбул пед. мулокот услубининг шаклланишига кўмаклашади.

Бўлажак ўқитувчиларда ўзига хос пед. услубнинг шаклланишида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга: маъруза машғулотларида диалог вазиятларини ҳосил қилиш; амалий ҳамда лаб. машғулотларини тренинглар ва ижодий машқлар б-н уйғунлаштириш; курс доирасида ўтказиладиган машкларни моделлаштириш; фаол амалиёт жараёнини вужудга келтириш.

Мазкур курсни ўқитишда пед., психология, хусусий мет. ҳамда т-явий ишлар мет.си каби ўқув курслари орасида алокадорликни таъминлашга эътибор қаратиш лозим.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ – 1) БТ назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларга муайян БКМлар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) пед.нинг БТ назарияси ва амалий асосларини ёритишга асосланган махсус бўлими. Б.т.п. ўқувчи шахсига йўналтирилиши, уларнинг

ички дунёсини ўргангган ҳолда интилишлари, эҳтиёжлари, майлларини ҳисобга олиши талаб этилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ички кувватларини очиш усуллари, йўллари, воситалари б-н қуроллантирилиши лозим.

Б.т.п.нинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи асосий тушунча ўқувчиларнинг муаммоларини излаб топишдан иборат бўлиши керак. Б.т.п. худди мана шу нуктаи назардан ўзининг янгиланиш ва ривожланиш жараёнини ўтамокда.

БОШҚАРУВ АЛГОРИТМИ – мактаб раҳбари бошқарув ф-ятининг изчиллигини ифодалаб, у етти босқични ўз ичига олади: 1) пед. жараённинг ҳолати тўғрисида ишончли ахб.лар тўплаш, уларни қайта ишлаш ва объектив баҳолаш; 2) бошқарув ф-яти максадини белгилаш; 3) бошқарув ф-яти натижаларини олдиндан кўриш (шиглаш) ва режалаштириш; 4) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш; 5) жамоа ф-ятини назорат қилиш ва ташхислаш; 6) жамоа аъзоларининг ф-ятларини мувофиқлаштириш; 7) мактаб ф-ятининг ривожланиш йўналишлари ва динамикасини аниқлашдан иборат. Мазкур босқичлар изчиллигида, бошқарув метлари: маъмурий, ижт.-психологик, иктисодий, шунингдек, ахб.лар тўплаш метларини қўллаш ёрдамида юқорида келтирилган вазифаларнинг бажарилиши таъминланади.

БОШҚАРУВ БОСҚИЧИ – бошқарув тизимига оид атама. Таълим тизимининг бошқарув органлари таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равишда жойлашиши, тузилишини ифодалаган ташкилий структураларни ҳосил қиладиган бир бошқариш бўғинининг иккинчисига, яъни қуйи бўғиннинг юқори бўғинга изчиллик б-н ўсишини кўрсатади. Ташкил этувчи қисмларнинг юқоридан қуйига қараб йўналган тартибда ҳамда раҳбарлар б-н ходимларнинг лавозими, бўйсунишига кўра юқоридан қуйига қараб жойлашуви юн. иерархия деб аталади. Иерархияни ташкил этувчиларнинг ўзаро бўйсуниш тартиби ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари тартиби бошқариш тизимини ташкил этади. Бу вертикал жиҳатдан бўлиниш ҳисобланади.

БОШҚАРУВ БЎҒИНИ – бошқаришнинг айрим ва катор функцияларини бажарувчи мустақил таркибий тузилишга эга бўлган бўлими. Таълим муассасасини самарали бошқариш нафақат кучли, мажбурий ва кенг камровли таъсир кўрсатиш каби бошқарув усуллари асосида амалга оширилади, балки ташкил этувчи қисмлари, локал, бўғинлар бўйича аниқ белгиланган тартибда таъсир кўрсатиш, таълим муассасаси барча бўғинларининг самарали ривожланишида яхши натижаларга эришишга асос бўлади. Бу бўлимлар ўртасидаги боғланиш ва алоқалар горизонтал характерга эга.

БОШҚАРУВ ВАКОЛАТЛАРИ – таълим муассасасини бошқаришда мактаб раҳбари ёки бошқа раҳбарлар томонидан ўз қўл остидаги ходимларга ўзи жавобгар бўлган вазифалар, маълум бир масалани ҳал этиш ёки ташкилий ишларни амалга оширишда раҳбарлик қилиш ҳуқуқини вақтинча берилиши.

БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИ НЕГИЗИ – бошқарув тизимига оид атама. Ҳар кандай таълим муассасасининг асосий вазифаси ҳисобланган таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва уни такомиллаштириш негизи бошкариладиган объект ва бошқарувчи субъект тизимларидан ташкил топади. Бу тизим

ўқитувчилар, педагог ходим, ўқитувчи (объект), раҳбар ва раҳбар ходим (субъект)лар ўртасидаги алоқа, яъни жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларидан ташкил топади.

БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ – бошқарув ва раҳбарлик соҳасида муайян мақсадга эришиш йўлида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар мажмуи ва уларни амалга ошириш жараёнининг намоён бўлишини англатувчи атама. Б.м. бошқарилаётган ҳар қандай таълим муассасасига нисбатан қўлланилади. Шунинг учун Б.м. таълим муассасасини бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга. Б.м. ўз моҳиятига кўра, таълим муассасаси ф-ятида иштирок этувчи барча бўлимлар ф-ятини ўзаро мувофиқлаштириш ва пед. жамоа миқёсида т-явий ишларни амалга ошириш вазифасини бажаради. Б.м. пед. ходимлар ф-яти, мақсад-вазифалари ва уларнинг қадриятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарувни амалга оширишдир. Оқилона тарзда ташкил этилган Б.м. таълим муассасасидаги мавжуд пед. ресурсларни жадаллаштириш ва шу орқали таълим самарадорлигини янада ошириш имкониятини яратади. Б.м. киска муддатларда кам сарфли ва салмоқли натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Б.м.ни такомиллаштириш орқали муайян таълим муассасаси ходимларининг ички имкониятлари – билимлари, тажрибалари, ижодий салоҳияти, уларнинг ўзини намоён этишга интилиши каби омилларни рўёбга чиқариб таълим сифатини ва самарадорлигини ошириш имконини беради. Шу маънода, Б.м. таълим муассасаси маданияти, педагог ходимларнинг хулк-одоб меъёрлари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг такомиллашуви, уларнинг касбий ф-ятига бўлган оқилона муносабатнинг шаклланишига хизмат қилади. Ж-ят тараққиётининг янги ривожланиш поғоналарига кўтарилиб бориши баробарида таълим муассасасини Б.м. ҳам такомиллашиб боради. Ҳоз. даврда таълим муассасаси ф-ятининг самарадорлиги, асосан таълим натижасининг сифати б-н белгиланади. Бундай шароитда таълим муассасасининг Б.м. пед. инновацияларни жорий этишга қаратилиши лозим.

Б.м. таълим муассасаси микёсида раҳбарият ва пед. ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг мазмун-моҳиятини ҳам ташкил этади. Шунга кўра, Б.м. ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб, мукаммаллашиб борадиган ҳодисадир. Хусусан, ж-ят тараққиётининг ҳоз. босқичида Б.м. кўпроқ демократик принципларга асосланмоқда. Таълим муассасаси микёсидаги Б.м. раҳбарнинг қуйидагиларга муносабатида намоён бўлади: пед. ходимлар; таълим муассасасида амал киладиган пед. техн.; ўқув жараёнига сарфланадиган вакт; таълим муассасаси ф-ятини режалаштириш; таълим муассасаси мақсадига эришиш услублари; пед. ходимларга нисбатан қўлланадиган рағбатлантириш ва жазолаш чоралари; таълим муассасаси микёсида пед. ходимларнинг касбий ривожланиш кўрсаткичлари ва б.

Таълим муассасасини Б.м. ж-ятдаги Б.м.нинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан муайян таълим муассасасидаги Б.м. дав. бошқарувида амал қилаётган маданиятнинг асосий жиҳатларини ўзида акс эттириши керак. Б.м.нинг асосий тамойилларини ишлаб чикишда мазкур ж-ят маданиятини белгиловчи асосий омиллар, айникса, миллий хусусиятларни ҳисобга олиш лозим. Пед., иктисодий,

ижт. ва сиёсий мақсадларни ҳам ўзаро мувофиқлаштириш талаб этилади. Бу таълим муассасаси тараққиётини таъминлашнинг асосий шартидир. Таълим муассасасини Б.м. ижт. назорат шакли сифатида мавжуд билимларни амалиётга мутгасил татбиқ этиб бориш жараёни бўлиб, узлуксиз ривожланиш, мукаммаллашиб бориш хусусиятига эга бўлиши ҳамда пед. фанининг сўнгги ютукларини ўзида мужассамлаштириши лозим.

Б.м.нинг субъектлари таълим муассасаларининг раҳбарларидир. Таълим муассасаларининг замонавий раҳбарларини тайёрлаш ва улар малакасини мунтазам оширишда мутахассисларнинг илмий-пед. салоҳияти, касб маданияти назарда тутилиши керак. Бугунги кунга келиб таълим муассасасини бошқаришда Б.м.нинг учта асосий тури мавжуд: 1) таълим муассасасини авторитар бошқариш; 2) демократик бошқариш; 3) либерал тарзда бошқариш.

Роҳат Сафарова

БОШҚАРУВ МАСЪУЛИЯТИ – таълим муассасаси олдига қўйилган мақсадларга эришиш, таълим-т-я жараёнини замонавий талабларга мос, илмий асосда ташкил этиш, пед. ходимлар ф-ятини мувофиқлаштириш ҳамда умумий манфаатларни кўзловчи натижаларга эришиш учун кабул қилган қарори, унинг ижроси, ўз хатти-ҳаракати ва ф-яти учун жавобгарликнинг раҳбарлар томонидан ҳис қилинишидир.

БОШҚАРУВ МАЪНАВИЯТИ – маънавият принципларининг таълим муассасасини бошқариш соҳасида намоён бўлиши, раҳбарга хос маънавий фазилатлар, ж-ят ва дав. ҳаёти, барча соҳалардаги бошқарувнинг маънавият талабларига мос бўлишини англатувчи атама. Таълим муассаслари раҳбарларининг Б.м. педагог ходимларнинг касбий маданияти ва маънавиятини ривожлантирувчи, шу оркали таълим олувчиларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишини таъминловчи асосий омилдир. Шунинг учун раҳбар маънавияти пед. жамоа ҳаёти ва бошқарувида қарор топган қадриятларга мос келмаган ҳолларда пед. ходимлар ва таълим муассасалари раҳбарлари ўртасида зиддият юзага келади. Айнан шунинг учун ҳам таълим муассасаси раҳбарлари ф-ятида ж-ятимизда қарор топган ҳуқуқий меъёрлар ва қадриятларнинг акс этиши таълим муассасасини бошқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилидир. Шунга кўра, таълим муассасасини бошқаришнинг барча йўналишларида маънавий қадриятларимиз ва миллий ғоямизга таянган ҳолда раҳбар ходимларнинг янги авлодини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

БОШҚАРУВ МЕТОДЛАРИ – таълим муассасасини бошқариш ф-ятини амалга ошириш усуллари ва йўллари мажмуи, бошқариш тизимига самарали, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш, яъни бошқариш вазифаларини амалга ошириш механизми. Замонавий ижт.-иктисодий шарт-шароитларда у.ў.т. муассасаларини бошқаришга кўп даражада мос келадиган мет. тўртта асосий гуруҳга бўлинади ва улар иктисодий, ташкилий-маъмурий, ижт.-психологик ва ахб.лар тўплаш мет.ини ўз ичига олади.

БОШҚАРУВ МУЛОҚОТИ – таълим муассасаси ф-ятини ташкил этиш, ходимлар ф-ятини мувофиқлаштиришда уларга раҳбарлик қилиш жараёнидаги мулоқот, яъни уларнинг фаолликларини таъминлаш, хатти-ҳаракатларини мақсадга йўналтириш ва мойилликни вужудга келтириш. Таълим муассасала-

ри раҳбарлари бошқарув вазифаларини амалга ошириш жараёнида пед. жамоа аъзолари б-н турли муносабатлар, яъни бажарилиши лозим бўлган вазифалар йўналишида турли шаклларда мулоқотда бўлади. Уларнинг ичида энг зарури самарали мулоқот бўлиб, мақсадни қисқа вақт ичида аниқ ва тушунарли қилиб етказишдан иборат.

БОШҚАРИШ ПЕДАГОГИКАСИ – пед.нинг таълим муассасаларини бошқаришнинг назарий-амалий асосларини ўз ичига олувчи таркибий қисми. Б.п.нинг вазифалари муайян таълим муассасасига раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган ф-ят турини назарий-амалий жиҳатдан ўзлаштириш жараёнини ташкил этишдан иборат. Бошқариш вазифалари ўзининг таркиби б-н бошқарув техн.сини вужудга келтиради. Бошқариш вазифаларининг таркиби ўзида иккита муҳим қисмни мужассамлаштиради: тизимда қандай иш бажарилиши зарурлигини белгилаш ҳамда уни қандай қилиб амалга оширишни ифодалайди.

БОШҚАРУВЧИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР – пед. жараённинг алоҳида қисмларини камраб оладиган, юқори даражадаги ижтлаштирилган пед. шарт-шароитларни таъминловчи техн. Улар сирасига ташхисловчи, мониторинг, коррекциялаш техн.и киради.

БРАЙЛЬ ШРИФТИ – кўзи ожизларга савод ўргатиш учун мўлжалланган бўртма нуқталардан ташкил топган ёзув тури. 1824 й.да француз мутахассиси Л. Брайль томонидан яратилган. Чунки Л. Брайль 3 ёшида кўриш қобилиятини йўқотган. У кучли эҳтиёж туфайли 15 ёшида бўртма нуқталарга асосланган ёзувни ихтиро қилишга муваффақ бўлган.

Б.ш. асосида 6 нуқтани турли вазиятда уйғунлаштириш ётади. Ихтирочи лотин алифбосидаги ҳарфлар тартибини қабул қилган. Алифбонинг олдинги ҳарфларини белгилаш учун 6 нуқтанинг юқори ва ўрта нуқталаридан фойдаланилган. Кейинги ҳарфларни белгилаш учун қўш нуқталар чандан, сўнг чап ва ўнгдан, ундан кейин ўнгдан қўшилган. Мазкур белгилар б-н ўзбек-кирилл ва ўзбек-лотин ҳарфлари ҳам ифодаланган. 6 нуқтанинг турли ҳолатдаги уйғунлашувидан сонлар, тиниш белгилари, мат., кимё ва нота белгиларини ҳам ифодалаш мумкин. Б.ш.даги дастлабки китоб Францияда 1837 й.да чоп этилган.

БРЕЙНСТОРМИНГ – таълим олувчиларнинг ижодий ишларини ҳамкорликда ташкил этишга оид махсус мет. Б. ақлий ҳужум усули бўлиб, гуруҳли ҳамкорлик қилиш учун мўлжалланган кенг тарқалган мет. ҳисобланади. Бу мет.дан таълимий вазифаларни ечишда кенг фойдаланилади. Ақлий ҳужум техникаси муайян муаммоларни ечишга йўналтирилган кўп сонли ғояларни мужассамлаштиришга йўналтирилган. Ақлий ҳужумни ташкил қилиш жараёни ўзининг муайян қисмларига эга: 1. Ечиш зарур бўлган вазифалар ёки муаммоларни илгари суриш. Бунда муаммолар аниқ ва лўнда қилиб шакллантирилган бўлиши лозим. Агар муаммо ўта катта бўлса, фасилитатор (ўқитиш мет.лари бўйича маслаҳатчи) уни қисқа-қисқа таркибий қисмларга бўлиши лозим. Агар саволни қисмларга бўлган ҳолда шакллантириш имконсиз бўлса, ақлий ҳужум бундай муаммони ечиш учун қулай мет. ҳисобланмайди. 2. Ақлий ҳужум жараёни иштирокчиларининг рўйхатини тузиш. Бунда фасилитатор иштирокчиларни қисмларга бўлган ҳолда уларнинг таркибини аниқлайди. Энг маҳсулдор гуруҳлар 8–10 нафар таълим олувчидан

иборат бўлади. Ўқувчилар гуруҳи таркибига кимлар кириши мумкин деган саволга жавоб бериш жуда ҳам муҳим. Жумладан: мазкур муаммо ёки вазифалар б-н олдиндан таништирилган иштирокчилар; шунга ўхшаш бўлган муаммолар б-н таниш бўлган иштирокчилар; муаммони тўпловчи бир иштирокчи бошқа барча ғояларни қайд этиб боради. 3. Ақлий ҳужум иштирокчиларига ахб.ли хатни тарқатиш. Мазкур хатда сессиянинг номи, ечиладиган муаммолар, ақлий ҳужум ўтказиладиган вақт, муддати ҳамда ўрни ўз ифодасини топган бўлиши лозим. Муаммо саволлар тарикасида тасвирланган бўлиб, бир қатор мисол ва ғоялар ҳам акс этган бўлиши керак. Янги ғояларни умумлаштириш мавҳумлашганда ёки мавзу доирасидан четга чиқилганда мисол тарикасида келтирилган ғоялардан ақлий ҳужум жараёнида фойдаланилади. Ахб. ли хатлар иштирокчиларга олдиндан тарқатилади. Чунки улар муаммо устида етарлича ўйлашлари ва аниқ хулосалар чикаришлари зарур ҳисобланади. 4. Мойилликни ҳосил қилувчи саволларни тузиш. Ақлий ҳужум ўтказиш жараёнида иштирокчиларнинг ижодкорлик ва яратувчилик даражалари пасайиши мумкин. Шунда фасилитатор келажакдаги саволларни мувофиклаштирган ҳолда иштирокчиларни янги ғояларни илгари суришга йўналтира олиши керак.

Ақлий ҳужумни ўтказиш босқичлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) ғояларни санаб ўтиш. Бу босқичда фасилитатор муаммони иштирокчилар ҳукмига ҳавола қилиб улар олдига оддий саволлар қўяди. Иштирокчилар ўз ғояларини баён қилишлари учун хавфсиз муҳитни вужудга келтиради. Агар ғоялар ўртага ташланмаса, фасилитатор йўналтирувчи савол ва мисоллардан фойдаланади: 2) ғояларнинг муҳимлиги ва қўйилган муаммони ечишда зарурлиги нуктаи назаридан баҳолаш. Ҳар бир ғоя иштирокчиларга тушунарли бўлиши керак. Бунинг учун иштирокчилар ўз ғояларининг моҳияти ва кимматини ҳар томонлама изоҳлаб беради: 3) тўпланган ғояларни тоифалар бўйича гуруҳлаш. Мазкур босқичда ўхшаш ғоялар ягона ғоя сифатида шакллантирилиб, муҳим бўлмаган, ноаниқ ғоялар аникланади. Қолган ғоялар аник шакллантирилиб, ҳар бир иштирокчининг тушунчалари ғояларнинг якуний рўйхатига киритилиши мумкин.

БРИГАДА-ЛАБОРАТОРИЯ МЕТОДИ – мактабдаги ўқув жараёнини ташкил этиш усулларидан бири. У Америкача далтон-планнинг бир кўриниши бўлиб, мустақил ўқув-лаб. ишларининг ўқувчилар бригадаси томонидан бажарилишига асосланган.

БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИММУНИТЕТИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ – уюшма, окимлар томонидан ф-ят йўналиши сифатида танланган ва умуминсоният ҳаётига хавф солувчи, ижт. тараккиётни таназзулга олиб борувчи, одамларнинг ҳукмронликка интилувчи кучларга тобе, қарам бўлишини таъминловчи қарашларга қарама-қарши таълимот. Бузғунчи ғояларнинг етакчи асослари: террор, фанатизм (бирор-бир ғояга кўр-кўрона, ўзликни унутиш даражасида берилиш – фанатиклар), иркчилик, буюк давлатчилик шовинизми, агрессив миллатчилик, диний адоват, маънавий бузғунчилик, ахлоксизлик, нашавандлик ва б.

Бузғунчи ғоялар инсоният ҳаётига хавф солиши б-н бирга ж-ят ҳаётини

издан чикаради, ж-ят аъзолари орасидаги муносабатларга зарар етказади. Шу сабабли ўкувчи ва талаба-ёшларда бузгунчи гояларга карши тура олиш кўникмасини хосил килиш, уларнинг таъсир доирасига тушиб колишларининг олдини олиш – мухим ижт.-пед. вазифалардан биридир. Ж-ятда мафкуравий бўшликнинг юзага келишига йўл кўймаслик, миллат ва умуминсоний манфаатлар уйгунлиги асосида миллий гоянн, мафкурани шакллантира олиш мазкур ижт.-пед. вазифани хал этишнинг мухим шартидир. Бузгунчи гоялар вайронкор интилишлар асосида пайдо бўлади. Мас., бугунги кунда мусулмон мамлакатларини бирлаштириб, умумий халифачилик давлати барпо этиш хакидаги гоя канчадан-канча уруш ва кон тўкишларга сабаб бўлмокда. Мафкуравий иммунитетни хосил килишни англатувчи атамалар сирасига «мафкуравий иммунитет», «гоявий профилактика», «гоявий иммунитет» кабиларни киритиш мумкин. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганида хоз. дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини ўкувчи хамда талаба-ёшлар онгига етказиш орқали уларда тасаввур ва иммунитетни шакллантириш мухим масалалардан бири хисобланади.

Мафкуравий иммунитет – шахс, ижт. гурух, миллат, жамиятни турли зарарли гоявий таъсирлардан химоялашга хизмат килувчи тушунча. Мафкуравий иммунитет – маънавий баркамол, иродаси бакувват, иймони бутун шахсни т-ялашда, хар кандай реакцион, бузгунчи характердаги гоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни т-ялашда кўл келади.

Иммунитет (лот. immunitas) бирор нарсадан халос, озод ва фориғ бўлиш, кутулиш, муайян касалликни кўзгатувчи вирус, дардга каршилик кўрсатиш кобилиятини (мас., инсон танаси иммунитети) билдиради. Шу маънода ўкувчи хамда талаба-ёшларда бузгунчи гояларга карши тура олиш кўникмасини шакллантириш пед.нинг мухим вазифаларидан бир хисобланади.

БУЛАТОВ Саидахбор Собитович (1952.28.11, Тошкент ш.) – пед. фанлари д-ри (1994), проф. (2002), Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси (1998), Россия халкаро пед. таълим академияси акад. (2006). ТДПИнинг чизмачилик, расм ва мехнат ф-тини тамомлаган (1976). Пед. ф-ятини Тошкент-даги 139-сонли техника билим юртида бошлаган. 1978 й.дан ТДПИнинг «Чизмачилик ва чизма геометрия» каф.сида ўкитувчиси, 1997 й.дан «Амалий санъат» каф. мудири.

Синфдан ташкари тўгаракларда ўкувчиларнинг тасвирий кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик асослари ва Ўзбекистон халк амалий санъатини ўргатиш орқали мактаб ўкувчиларини эстетик рухда т-ялаш мавзусида илмий тадкикот олиб борган.

Б. ўзининг илмий-пед. ф-яти давомида ўзбек халк амалий безак санъатини таълим тизимида самарали ўкитишдаги муаммолар б-н шугулланиб келмокда. Б. 400 дан ортик илмий ишлар, жумладан, монографиялар, дарслик ва ўкув кўлланмалар, луғатлар муаллифи. Унинг рахбарлигида 3 фан номзоди тайёрланган.

«БУМЕРАНГ» ТЕХНОЛОГИЯСИ – ўкувчини машғулот ва машғулотдан ташкари жараёнларда турли ўкув ад.лари, муаммоли вазиятларнинг мазмуни б-н таништириш, фикрни эркин баён этиш хамда муайян тажрибани бажариш давомида уни баҳолашга каратилган техн.

«Б.»т. дарс жараёнида янги мавзуни ўрганиш, дарсдан ташқарида кўшимча манбалар, матн ва ад.лар б-н ишлаганда қўлланиладиган техн.дан бири бўлиб, бу техн. ўқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллашлари ва уни бошқа ўқувчиларга ўргатишга қаратилган ф-ятларини ифодалайди. Натижада ўқувчиларда ўз билимини бошқаларга ўргатиш орқали эслаб қолиш қобилияти ва нутқ маданияти ривожланади.

«Б.»т. – ўқувчилар б-н ўқувчилар ҳамда ўқувчилар б-н ўқитувчи орасидаги тескари алоқани таъминловчи техн. бўлиб, у ўроқсимон отиш қуролига киёсланган ҳолда номланган. «Б.»т.нинг моҳияти ўқитувчи томонидан ўқувчилар олдига қўйилган муаммо ёки топшириқнинг улар томонидан ўзлаштирилган ҳолда ўқитувчига оғзаки ёки ёзма шаклда қайтишидан иборат. «Б.»т. қуйидаги тартибда қўлланилади:

1. Дарсда ўрганиладиган мавзу режаси 4 та кичкина мавзудан иборат таркибий қисмларга бўлинади. Шунга мувофиқ тарзда таълим олувчилар ҳам 4 гуруҳга бўлинади. Биринчи мавзу ўқитувчи томонидан тайёрланган жавоблар биринчи гуруҳ таълим олувчиларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тақдим этилади. Шу тариқа бошқа мавзулар ҳам гуруҳларга тақсимлаб берилади. Ҳар бир гуруҳдаги ўқувчи ва талабалар ўзларига жавоблари б-н тақдим этилган битта кичик мавзуни ўқитувчи томонидан белгиланган вақтда ўрганиб чиқадилар.

2. Шундан кейин 4 гуруҳ талаба-ўқувчилари аралаштирилиб, қайтадан янги таркибдаги 4 гуруҳга бўлинади. Уларнинг ҳар бирида бир нечтадан таълим олувчи иштирок этади. Натижада ўқув материалини яхлит тарзда ҳамкорликда ўрганиш имконияти вужудга келади ва таълим олувчиларда ўқув материали устида ҳамкорликда мустақил ишлаш, билим ва ахб.ларни ўзаро алмашиш кўникмалари ҳосил бўлади.

3. Белгиланган вақт мобайнида мавзу жамоа бўлиб ўрганилгач, таълим олувчилар ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар. Шундан кейин улар орасида савол-жавоб бошланади. Ўқитувчи раҳбарлигида саволлар барча гуруҳлар томонидан биринчи гуруҳдагиларга берилади. Жамоа ичидан танлаб олинган муайян бир таълим олувчи бошқа гуруҳдошларининг жавоб балларини ёзиб, жамлаб, натижаларини ўқитувчига топширади. Барча гуруҳлар худди шу тарзда ишлайди. Бунда қўйилган саволга тўғри жавоб берган таълим олувчига 3 балл, уни тўлдирганга 2 балл, тўғри лукма ташлаганга 1 балл қўйилади, гуруҳнинг мутлако фикр билдирмаган аъзоларига балл қўйилмайди.

4. Ҳар бир гуруҳ мавзу бўйича битгадан савол б-н бошқа гуруҳдагиларга мурожаат қилади. Тўғри жавоб берган гуруҳнинг умумий балига 3 балл қўшилади, бошқаларга эса балл қўйилмайди. Мутлако жавоб берилмаган саволни тузган гуруҳ аъзоларининг ўзлари жавоб берганлари тақдирда, уларнинг умумий балига ҳам 3 балл қўшилади.

5. Шундан кейин ҳар бир таълим олувчини баҳолаш учун уларга мавзу бўйича олдиндан тайёрланган тест топшириқлари тақдим қилинади. Бир гуруҳнинг жавоблари бошқа жамоа аъзолари томонидан тайёр жавоблар асосида текширилиб, ўқитувчи томонидан тақдим этилган шкала бўйича балл қўйилади.

6. Дарс ўқитувчи ва таълим олувчилар томонидан биргаликда мустаҳкамланади

ва умумлаштирилади. Таълим олувчиларга тўпланган баллар эълон қилиниб, улар ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади. Навбатдаги дарс учун белгиланган топшириқлар шакллантирилади.

Мазкур техн. ёрдамида айни бир машғулот давомида ўқув материалларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, пухта ўзлаштириш, моҳиятини англаш, оғзаки ва ёзма машқларни бажариш имконияти вужудга келади. Айни бир машғулот давомида таълим олувчилар турли топшириқларни бажаришлари, навбатма-навбат таълим олувчи ёки педагог мавқеини эгаллашлари уларнинг зарур баллни тўплашлари учун имконият яратади. Таълим олувчилар дарс ва дарсдан ташқари пед. жараёнларда турли ўқув материаллари устида ишлаш, билимларни эсда сақлаш, матнларни сўзлаб бера олиш, ўз фикрларини эркин баён эта олиш, шунингдек, айни бир машғулот давомида барча таълим олувчиларни бир йўла баҳолаш учун шароит яратилади.

БУНАКОВ Николай Фёдорович (1837–1904) – таниқли педагог. Вологодскдаги губернаторлик гимназиясини тамомлаган (1854). Пед. ф-ятини Воронеж ш.даги ҳарбий гимназия ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1867 й.да шу шаҳарда бошланғич мактабга асос солган. Бу таълим маскани кейинчалик намунали мактаб мавқеига эга бўлган. Б. 1872 й.дан Бутунроссия ўқитувчиларининг съездига, кейинчалик эса Воронеждаги губернаторлик халқ ўқитувчилари курсига раҳбарлик қилган. Пед. жур. б-н муайян даражада ҳамкорлик килган. У кўплаб пед. характердаги асарлар чоп эттирган.

Б. вафотидан кейин «Мен қандай қилиб ўқитувчилар ўқитувчиси бўлдим» (1905) деб номланган машҳур китоби чоп этилган.

1902 й.да Б. томонидан ташкил этилган Петин мактаби ва б. маърифий муассасалар ёпилган. Унинг ўзи эса ижт.-пед. ф-ят кўрсатишдан маҳрум килинган.

БУНЁДКОРЛИК – бунёд этиш, яратувчилик, ижодкорлик маъноларини англатувчи атама. Б. – илм ва ҳунарни эгаллаган, жисмоний жиҳатдан чиниққан меҳнатсевар, камтарин, мазлумларга ғамхўр, софдил, мард ва жасур, олийжаноб инсон ф-яти жараёнидир. Ж-ят тараққиётидаги туб бурилиш босқичлари, ўзгариш ва ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида Б.нинг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу максадлар сари сафарбар этиш имкониятларидан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Истиклол даври ва мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида Ватанни севиш, юрт тинчлигини асраш, халқ фаровонлиги йўлида курашиш, эзгу амаллар ва савоб ишларни амалга ошириш – мамлакатимиздаги Б.нинг мазмун-моҳиятини белгилайди.

БУНЁДКОР КИШИ (ШАХС) – халқпарварлик, тинчлик-озодлик учун курашувчи, ҳурфикрли ва багри кенг, дўстлик ва бирodарликни улугловчи ҳамда тараққиётни севувчи киши. «Эзгу ўй, эзгу фикр, эзгу амал» тамойилига амал қилувчи ва шу йўлда самарали ф-ят кўрсатувчи инсон.

БУНЁДКОР ҒОЯЛАР – инсонни улуғлайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида меҳнат, тараққиёт, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик каби эзгу максадларни мужассам этадиган ғоя.

Б.ғ. тизимида мазмун-моҳиятига кўра ўзаро муштарак бўлган озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари халқлар,

дав.лар тарихида, инсоният ҳаётида ҳамиша муҳим ўрин тутиб келган.

Б.ғ. энг олий инсоний қадриятларга асосланувчи, доимий тараққиётни ёкловчи, шахсни яратувчиликка ундовчи, инсоният истиқболи ва ж-ят равнақини таъминловчи ғоялардир. Б. ғ.нинг етакчи асослари: тинчликни сақлаш, урушнинг олдини олиш, миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни қарор топтириш, диний бағрикенгликни ёкловчи, ж-ятда баркарорликни таъминлаш, ижт. муносабатларнинг инсонпарварлик ва демократик тамойилларга асосланишини тарғиб этиш ва ҳ.к.

Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи ва талабалар ҳар бир дарсда Б.ғ. б-н қуроллантирилишлари керак.

БУРҲОНОВ Абдулвоҳид (тахаллуси Мунзим) (1875, Бухоро – 1934, Душанба) – Бухородаги маърифарпарварлик ҳаракати асосчиларидан бири. У 1908 й. окт.да Бухорода дастлабки янги усулдаги мактабни очган. Б. Самарқандга бориб Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдукодир Шукурийдан янги усул мактабларида ўкитиш тажрибасини ўрганган. Мукаммил Бурҳонов, Садриддин Айний б-н биргаликда «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») маҳфий ж-ятини тузишда қатнашган. Ж-ят бухоролик маърифатпарвар ва зиёлилар ўртасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халқнинг маърифий, сиёсий онгини шакллантириш учун курашган. Б. 1917 й.дан Ёш бухороликлар партияси МКнинг раиси, Бухорода Халқ республикаси ўрнатилгач, БХСР МИК раисининг ўринбосари, халқ маорифи нозири, соғликни сақлаш нозири (1920–24). Бухоролик 44 нафар талабани Германияга олиб бориб, Берлиндаги ўқув юртларига жойлаштирган(1921). 20-а.нинг 20-й. ларида илмий-пед. ва публицистик ф-ят б-н шуғулланган. 20-а.нинг 30-й.лари бошида эса «Тожикистони сурх» газетасида ишлаган.

БУРҲОНОВ Мукаммил (1884, Бухоро – 1938, Тошкент) – Бухородаги маърифатпарварлик ҳаракати намояндаларидан бири. У 1910 й.дан Ёш бухороликлар ташкилотининг аъзоси сифатида ф-ят кўрсатган. Бухорода мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиб, ёшларга замонавий таълим беришга ҳаракат қилган. Садриддин Айний, Абдулвоҳид Бурҳонов б-н биргаликда 1910 й. нояб.да «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») маҳфий ж-ятини тузишда иштирок этган. Ўз уйида яширин равишда янги усулдаги мактаб очган (1912), саводсиз ва чаласаводлар учун кечки курс ташкил қилган (1913).

Б. 1937 й.да қатағон қилинган ва акаукалари б-н биргаликда 1938 й. 24 сент.да сиёсий маҳбус сифатида отиб ташланган.

БУРЧ – шахснинг бирор киши, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча, инсон маънавиятининг таркибий қисми. Б. – қонун ва б. ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим ҳаракатларва муайян ҳаракатларни содир этишдан тийилишдир. Б.да объектив муносабатлар ифодаланади, яъни у ж-ятнинг ижт.-иқтисодий ва ахлоқий негизлари б-н белгиланади. Б.нинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини ифодалайди.

Б.ни бузиш жавобгарликларга тортиш ва жазолашга сабаб бўлади. Б. ихтиёрий бажарилганида ж-ят тараққиётига ижобий таъсир қилади. Б. ахлоқнинг

асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ҳар бир кишининг ўз вазифаларини тўлиқ бажарищи, одамларга тўғри муносабатда бўлиши каби фазилатларни ифодалайди. У шахснинг ж-ятга бўлган муносабатида намоён бўлади.

Б. шахснинг ахлоқий ф-ятини ифодаловчи масъулиятлилик, онглилик, виждон каби тушунчалар б-н чамбарчас боғлиқ. Ўз Б.ига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон-шараф келтиради. Ҳар бир инсоннинг ўз Б.ига содиқлиги ўзи, жамият, Ватан, меҳнат, оила, фарзандларига бўлган муносабатида намоён бўлади.

Б. иймон-эътиқод, онглилик, ҳалоллик, виждон каби ахлоқий-пед. тушунчалар б-н чамбарчас боғлиқ. Б. қандай вазифа ва кимнинг олдидаги мажбурият эканлигига қараб турлича бўлади. Б. ижт. ва шахсий характерга эга. Мас., оилада фарзандлик, ж-тда фуқаролик, таълим муассасасида ўқувчи ёки талабалик Б.лари фарқланади.

Б. – нисбий тушунча. У ижт. тараққиёт жараёнида мазмунан тарзда бойиб, шаклан ўзгариб боради. Б. – маънавий соҳада юксак масъулият, лафзи ҳалоллик, ваъдага вафо қилиш; ҳуқуқий соҳада қонун ҳужжатлари, шартнома, иш бўйича юкланган мажбуриятни ҳам англатади.

Инсон ахлоқи ва маънавий ҳаётида Б.нинг алоҳида аҳамият касб этиши ва унга эга бўлиш зарурлиги пед. етакчи масалалардан биридир. Ўз Б.ини яхши англайдиган, ўзига талабчан, иши, билими ва куч-қувватига ишонадиган, ўз қадр-қимматини сақлай оладиган баркамол авлодни т-ялаб вояга етказиш йўлларини излаб топиш ва тақдим қилиш пед.нинг энг муҳим вазифасидир.

БУРЧ ҲИССИ – шахс ахлоқининг асосий мезонларидан бири. Бурч – шахснинг ахлоқий ф-ятини ифодаловчи масъулиятлилик, онглилик, виждон каби фазилатлар б-н чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълим жараёнида ўқитувчилар ота-оналар б-н ҳамкорликда ўқувчи ҳамда талабаларда Б.ҳ.ни таркиб тортиришлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи ва талабаларнинг ўз бурчларини қай даражада англашлари уларнинг ўқув ф-ятларида ўз ифодасини топади (яна қ. Бурч).

БУРЧГА САДОҚАТЛИЛИК – ҳар бир кишининг ўз бурчига содиқлигини, одоби, ахлоқини ифодаловчи тушунча. Ўз сўзи устидан чиқмаган, бурчини бажармаган кишилар ж-ятда ўз ўрнига эга бўлмайди. Инсоннинг ўз бурчига содиқлиги ўзи, ж-ят, Ватан, меҳнат, оила, фарзандларига бўлган муносабатида яққол намоён бўлади. Бурч – мукаддас парса. Б.с. Ватанга содиқликдир. Шунинг учун ҳам пед.нинг муҳим вазифаларидан бири – ёшларда Б.с. бўлиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

БУРЧНИ АНГЛАШ – шахснинг ўзи мансуб бўлган жамоа, ж-ят олдида муайян талаблар асосида зиммасига юклатилган масъулиятни онгли ҳис қилиш. Бурч таълим-т-я жараёнида таркиб топади. Ўқувчи ҳамда талабаларда бурч ҳиссини шакллантиришда муайян қонуниятларга асосланади. Бурч шахснинг ўз-ўзига талабчанлиги тарзида намоён бўлади.

БУХОРИЙ, Имом ал-Бухорий (асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий) (810.21.7, Бухоро – 870.31.8, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи) – ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис. Муҳаддислар имоми, ҳадис илмининг султони деган эътирофларга сазовор бўлган. 5–6 ёшидан исломий илмлар, Муҳаммад (с.а.в)

нинг ҳадисларини ўрганиш ва ёдлашга киришган. Бухорий Макка ва Мадина ш.ларида ҳадис сабоғини олган. Кейинчалик у турли мамлакат ва шаҳарларга бориб ҳадисларни тўплаган, уларни таҳлил ва тадқиқ қилган. У Бухорога қайтиб, ҳадис илмини таргиб этиш б-н шуғулланган.

Б. бутун ф-яти давомида илм аҳлини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. У умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш б-н шуғулланган, уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайрисаҳиҳ (хато, заиф)га ажратган. Бу ишни ҳадис ровийларининг маиший ҳаёти, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бири б-н қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш б-нбоғлиқ ҳолда олиб борган. Б. жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайрисаҳиҳ» ҳадисни ёддан билган. Б. ўзининг ноёб қобилияти, иқтидори, қувваи ҳофизасининг ўта кучлилиги б-н илм аҳлларини лол қолдирган. Ҳадис илмига ўта фидойилик, ақл-заковатини бахшида этиш Б.га шон-шараф келтирди, уни ислом дунёсининг энг буюк аллоларидан бири сифатида танитди.

Б. 20 дан ортиқ китоб таснифетган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Б.нинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») деб номланган 4 жилд (жузъ)дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалидир. Асар бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган. Шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, 1991–96 й.ларда 4 жилдда нашр этилган.

Б. яратган «Ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асари катта пед. аҳамиятга эга бўлган бебаҳо манбадир. 1322 ҳадис ва хабар жамланган бу асарнинг ўзбекча таржимаси 1990 й. Тошкентда нашр қилинган.

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ – Бухоро ш.даги муҳандис-технологлар тайёрлайдиган ОЎЮ. Дастлаб Бухородa Тошкент политехника ин-тининг Бухоро филиали сифатида «Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти» номи б-н ташкил этилган (1977). Ин-т 2011 й.да «Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти» номи б-н қайта ташкил этилган. Мазкур ин-т Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 й. 15 апр.даги ПҚ–1954-сонли қарорига мувофиқ «Бухоро муҳандисликтехнологияинститути» тарзида янгидан ташкил этилган.

Бугунги кунда ин-т таркибида 4 та ф-т, 31 каф., минтақавий бизнес мактаби, ихтисослашган лицей-интернат ф-ят кўрсатмоқда. Ин-тда 282 проф.-ўқитувчи, жумладан, 20 фан д-ри, проф., 178 фан номзоди, доц. талабаларга таҳсил бермоқда. Ин-т таркибида магистратура, катта илмий ходим-изланувчилар ин-ти, илмий кутубхона (198 мингдан ортиқ асар), ин-т тарихи музейи мавжуд.

БУХОРО ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институти – юқори малакали тиббиёт ходимлари тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1990 й.да ташкил этилган. Ин-т таркибида даволаш, стоматология ва олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш ф-тлари мавжуд. Таълим муассасаси таркибида 39 каф., лицей, катта илмий ходим-изланувчилар ин-ти, клиник ординатура, марказий и.т. ва клиник лаб., ин-т музейи ва 2 ўқув музейи, тест маркази, кутубхона, ўқув зали, виварий ф-ят кўрсатади. Ин-т кутубхо-

насида 65 минг нусхадан ортиқ китоблар захираси мавжуд. Ин-тда 196 ўқитувчи (жумладан, 18 фан д-ри ва проф., 80 фан номзоди ва доц.) хизмат қилади. Ин-тда 1500 талаба таълим олади. Б.т.и. ўзининг даволаш клиникасига эга. Бухоро ш. касалхонаси, вилоят стоматология поликлиникаси, умуман, Бухородаги барча даволаш-профилактика муассасалари ин-тнинг клиник базаси ҳисобланади. Бухоро вилоят касалхонаси ин-т клиникасига айлантирилган. Ин-т қошида стоматология ўқув-даволаш илмий маркази ташкил қилинган (1997).

БУХОРО УНИВЕРСИТЕТИ, Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро давлат университети – халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар, ўқитувчилар, илмий ва илмий-пед. кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган ОЎЮ. У Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1992 й. 15 мартда Бухоро дав. пед. ин-ти (1930) негизида ташкил этилган. Ун-тда 8 ф-т (тарих, пед., ҳарбий, физика-мат., ижт.-иқтисодий, кимё-биология, филол., жисмоний маданият), битта ижт. ўқув маркази, 50 та ихтисослаштирилган каф., минтақавий тил маркази, ихтисослаштирилган АЛ, гимназия, тайёрлов курслари, кутубхона (нодир қўлёзмалар ва тошбосма асарлар бўлими б-н), ботаника боғи, планетарий, ҳисоблаш маркази, тест маркази, ун-т тарихи, ўлка зоологияси, археология-этнография музейлари, ўқув-спорт, спорт-ҳарбий тайёрлов, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маърифий-маданий ишлар клублари мавжуд. Ун-тда 23 ихтисослик бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади. 7 мингга яқин талаба таълим олади. Ун-тда 500 га яқин проф.-ўқитувчи (жумладан, 20 фан д-ри ва проф., 128 фан номзоди ва доц.) ф-ят кўрсатмоқда. Ун-тда кўплаб йўналишларда и.т. ишлари олиб борилмоқда. Б.у. Россия Федерацияси, Италия, Ирландия, Франция, Польша, Германия, АҚШ илмий муассасалари б-н илмий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ун-т ўтган давр мобайнида халқ хўжалигининг турли соҳаларига кўплаб малакали мутахассислар, фан д-рлари ва фан номзодларини тайёрлаб берган.

БЭКОН Фрэнсис (1561.22.1 – Лондон – 1626.9.4) – инглиз файласуфи, табиатшуноси, мантиқшуноси, сиёсий арбоб ва тарихчи. Кембриж ун-тини тамомлаган (1575). Судья, вазир, лорд-канцлер бўлиб ишлаган. Фал.га оид 2 та – «Янги Органон» (1620), «Янги Атлантида» (1627) асари бор. Биринчи китобида Аристотель «Органон»идаги дедуктив услубнинг ҳаётдан ажралганлигини танқид қилиб, индуктив услубга асос солган. Б. хусусийдан умумийга бориш имкониятларини кенгайтирадиган ягона мет. яратиш тарафдори бўлган. Б. томонидан асосланилган индукция мет.и мантиқий хулосалаш ва илмий кашфиёт мет.и сифатида тавсифланади. Б.нинг пед.даги хизмати шундан иборатки, у инглиз тилини ўқитишнинг кузатиш, эксперимент, тажриба ва б. усулларини ишлаб чиққан. Унинг таъбирича, бевосита тажрибага асосланган билимлар ишонарли бўлади. Б.нинг фикрича, билимнинг вазифаси табиатдан инсон манфаати йўлида фойдаланиш, яъни унинг устидан ҳукмронлик қилиш, инсон ҳаётини такомиллаштириш, ақлни янгилаши ва эски қарашлардан тозалаши лозим. Б.нинг «Янги Атлантида» асарида унинг ж-ят ҳақидаги фикрлари акс эттирилган. Б.ж-ятни фан ва ишлаб чиқариш асосида қайта ташкил этиш ғоясини олға сурган.

Б.нинг қарашлари пед. психология учун алоҳида аҳамиятга эга. У бирин-

чилардан бўлиб фанларни тарихий, сиёсий, фал. фанлар гуруҳларига ажратган. Б. бир қатор психологик мезонларни ҳам аниқлашга муваффақ бўлган. Билимларнинг тарихини аниқлашда инсон хотирасига таяниш зарурлигини таъкидлаган. Фал. билимлар негизида эса инсоннинг ҳукмлари, ҳулосалари ётишини тавсифлаган.

У инсоннинг барча тушунчалари тажрибада асосланиши керак деган ҳулосани илгари сурган.

БЎШ ВАҚТ – одамнинг табиий, ижт. ва иқтисодий мажбуриятларидан ташқаридаги, унинг шахс сифатидаги маънавий-жисмоний камолотини таъминлаш учун ўз ихтиёри б-н тасарруф қилиниши мумкин бўлган вақт. Ёши, ижт. мавқеидан қатъи назар ҳар қандай одамнинг кундалик ҳаётини иш вақти ва ишдан ташқари вақт тарзида иккига ажратиш мумкин. Иш вақти инсоннинг ижт.-ташкилий ф-ятда иштирок этган вақтини англатиб, иш куни, иш ҳафтаси, иш ойи, иш йили б-н ўлчанади. Балоғат ёшидаги болалардан ташқари кичик ёшдаги болаларнинг МТМ, ўқувчиларнинг мактабдаги, талабаларнинг ОЎЮдаги ф-яти ҳам иш вақти ҳисобланади. Ишдан ташқари вақтни шартли равишда уйқу, дам олиш, овқатланиш, ўзига караш, уй ишлари б-н шуғулланиш, Б.в. сингари турларга ажратиш мумкин.

Б.в. ҳар бир шахснинг ҳам жисмоний-биологик, ҳам маънавий-интеллектуал жиҳатдан камолотга эришишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга тушунчадир. Ҳар бир шахснинг маънавий-ақлий даражаси унинг Б.в.идан қандай фойдаланиши б-н белгиланади. Шахслар ва оилалардан таркиб топган ж-ятнинг ривожланганлик даражаси ҳам фуқароларнинг ўз Б.в.ларини мазмунли ўтказишлари б-н белгиланади. Шунинг учун ҳам тараққиёт йўлига кирган ва фуқароларининг маънавий юксалишини истаган мамлакатларда Б.в. миқдорининг борган сари кўпайишига алоҳида эътибор каратилади.

Ҳар бир оила ўз аъзоларининг Б.в.идан тўғри фойдаланишларига эришгандагина миллат, ж-ят савияси юксалиши таъминланади. Бунинг учун Б.в.ни шахснинг ижодкорлигини ошириш, маданий-маърифий савиясини кўтариш, ижт.-сиёсий фаоллигини кучайтириш, китобхонлик даражасини орттириш, санъат ва спорт б-н шуғулланишларини таъминлаш, болалар б-н бирга бўлиш мақсадида сарфлашларига эришиш лозим.

Турли маданий муассасалар, кинотеатрлар, оромгоҳлар, музейлар, сайилгоҳларга тез-тез бориб туриш оркали болаларнинг маънавий оламлари, дунёқарашлари бойиб боради. Оилавий сайрлар, табиат қўйнига чиқиш, эътиборга лойик тарихий обидалар ва муқаддас жойларни зиёрат этиш эса доимо уй б-н овора бўлиб қолиш оқибатида юзага келадиган кўнгилхиралик, чарчоқ ва асабийликнинг олдини олади. Оилада болаларнинг Б.в.ини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Уларнинг Б.в.да фақат турли ўйинлар б-н банд бўлиши ёки телевизор қаршисида хоҳлаганча ўтиришларига рухсат бериб қўйиш б-нигина чекланмаслик керак. Болаларни бундай вақтда ота-оналари, катталарга ёрдам беришлари, китоб ўқишлари, табиат қўйнида сайр қилишлари, спорт б-н шуғулланишлари, ижодий ф-ят кўрсатишлари учун кулай шароит яратиш талаб этилади. Болаларнинг мактабдан Б.в.ларида фақат кўчада ўйнаб юрмай, ўзларининг ҳар томон-

лама юксалишларига ёрдам берадиган иш ва машғулотлар б-н банд бўлишлари уларнинг турли ёмон одатларга ўрганишларининг олдини олади. Боланинг Б.в.идан фойдаланиб, у б-н т-явий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш, турли ҳикоялар, эртаклар, ҳикматли сўзлар айтиб бериш, уларда инсонийлик, эзгулик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Болаларнинг ўз ўртоқларини вақт-вақти б-н уйга таклиф қилишлари, уйда ўз дўстлари б-н турли ўйинлар ўйнашларига рухсат этиш керак. Бунда ота-оналар ўз фарзандларининг кимлар б-н ўртоқлашаётганидан хабардор бўлади.

Ўзбекистонда болалар Б.в.ини самарали ташкил этишда Баркамол авлод марказларининг алоҳида ўрни бор. Мазкур марказлар ўқувчи-ёшларнинг Б.в.и ва дам олишларини ташкил этиш, ж-явдаги барқарорлик, маънавий баркамолликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида ўқувчи-ёшларга таълим бериш ва уларни камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизмат турлари, мас., халқ ҳунармандчилиги б-н шуғулланадиган «Устоз-шогирд» гуруҳларини кўпайтиришга аҳамият берилмоқда. Ота-оналар бундай имкониятлардан фойдаланишлари зарур. Болаларнинг Б.в.ни тўғри ташкил этишда уларни оммавий спорт ва жисмоний т-я-соғломлаштириш тадбирлари, болалар туризмига жалб этиш б. в.ни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

БЎШ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР – ўқув дастурида назарда тутилган ўқув материалларини ўзлаштиришда ўз синфдошларидан орқада қолаётган, уни етарлича ўзлаштира олмаётган ўқувчилар. Бугунги кунга қадар барча таълим муассасаларида Б.ў.ў. б-н боғлиқ муаммоларни ечиш асосий масалага айланмоқда. Бўш ўзлаштиришнинг асосий сабаби боланинг руҳий жиҳатдан мактабда ўқишга тайёр эмаслиги ва ўқитиш мет.ларининг етарлича такомиллашмаганлигидир.

Бу масала мутахассисларнинг эътиборини тобора ўзига жалб қилиб келмоқда. Бўш ўзлаштириш – ўқитувчилар ва ота-оналарнинг эътиборсизлиги, бефарқлиги натижасидир. Пед. кузатиш ва тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг қийинчиликларини ўз вақтида бартараф этиш уларнинг талаб даражада ўқиши б-н бир қаторда, жисмоний ва руҳий ривожланишини ҳам таъминлайди.

Ўқувчиларнинг бўш ўзлаштиришлари онлавий шарт-шароитлар, пед. бўшлиқлар, ота-оналарнинг ўқимишлилик даражаси, боланинг билиш ф-ятидаги психологик етишмовчиликлар, мойилликлари, эҳтиёжлари, ўзига хос шахсий руҳий жиҳатлари, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ф-ятининг етарлича шаклланмаганлиги б-н ҳам изоҳланади.

Бўш ўзлаштиришнинг кўплаб сабаблари ўқитувчининг мазкур ҳолатни аниқлашга йўналтирилган ф-ятини мураккаблаштиради. Шунинг учун ҳам аксарият ҳолларда улар анъанавий иш услубларини танлаб ўқувчилар б-н қўшимча машғулотлар ўтказадилар. Улар, асосан, ўтилганларни такрорлаш б-н машғул бўладилар. Қўшимча машғулотлар бир йўла бир нечта Б.ў.ў. б-н ташкил этилади. Бу эса ўқитувчидан жуда катта вақт ва куч сарфлашни талаб қилади. Шу б-н бир қаторда мазкур усул самарасиз бўлиб қутилган натижани бермайди.

Б.ў.ў. б-н самарали ишлаш учун уларга билимларни тўлиқ ўзлаштиришлари учун халакит берадиган руҳий сабабларни аниқлаш лозим. Бу сабабларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) ўқувчилар билиш ф-ятидаги етишмовчиликлар; 2) ўқувчиларда ўқиш майлларининг етарлича шаклланмаганлиги; 3) ўқувчиларнинг нутқи, кўриш ва эшитиш қобилиятларининг етарлича ривожланмаганлиги.

Ўқувчилар билиш даражасининг етарлича шаклланмаганлиги туфайли улар ўқув материалларини тўлиқ тушунмайдилар, ўқув предмети мазмунини ўзлаштириш лаёқатига эга бўлмайдилар, ўқув ҳаракатларини етарли даражада бажара олмайдилар. Ўқув ф-яти ўқувчидан муайян кўникма ва ҳаракат усулларини ўзлаштиришни талаб қилади. Ёддан санаш, намунага қараб сўзларни ёзиш, шеърларни ёдлаш каби ҳаракатларни бир неча усуллар б-н бажаришлари мумкин. Бироқ барча ҳаракатлар ҳам тўғри ва самарали бўла олмайди. Ўқувчилар ўқув материаллари устида ишламасдан туриб уни ёдлашлари, қоидаларни ўзлаштирмасдан турли машқларни бажаришлари натижасида ўқув ф-яти самарадорлиги пасаяди.

Бўш ўзлаштириш ўқув ишининг ўзаро мувофиқ келмайдиган усуллар ёрдамида бажарилиши натижасида ҳам содир бўлади. Бундай ҳол, айниқса, алоҳида ўқув фанлари доирасида вужудга келади. Агар ўқитувчи ўқувчи томонидан бажарилаётган нотўғри ўқув жараёнларига ўз вақтида эътибор қаратмаса, бунинг натижасида унинг ф-ятида тўхташ вужудга келиб, ўқув материалларини бўш ўзлаштириш қатъийлашади.

Б.ў.ў. даражаси асосий психик жараёнларнинг етарлича шаклланмаганлиги б-н изоҳланади. Бўш ўзлаштиришга сабаб бўладиган мазкур психологик ҳолат аксарият ҳолларда яширин тарзда бўлади. Ушбу сабаб туфайли аниқланиши қийин бўлган хатолар содир бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи бўш ўзлаштиришга сабаб бўлувчи барча ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш тажрибасига эга бўлиши керак.

В

ВАЗМИНЛИК – инсонга хос бўлган шахсий сифат. В. – шахснинг ҳар қандай шароитда ҳам оқибатини ўйлаб, ҳиссаяжонга берилмасдан, фикр-мулоҳаза асосида иш юритиши, оғир-босиқлик фазилати. В. ўзини тута билиш, сермулоҳазалилик, шошилиб хулоса чиқармаслик, етти ўлчаб бир кесишни англатади. Сабр-токат, чидам, мулоҳазалилик, андишалилик ва ориятлилик вазмин одамга хос хусусиятлардир. Вазмин шахснинг асаблари мустаҳкам бўлади, у жиззакилик қилмайди. Ўзига ёкмаган бирор ножўя сўз, ёмон муомала, хато қилинган иш, хатто ҳақорат ҳам вазмин одамни руҳий мувозанатдан чиқара олмайди. Айрим луғатларда «оғирлик», «босиқлик» сўзлари В. сўзининг синоними сифатида келтирилади. В. икки хил бўлади: бири – туғма, табиат ато қилган вазминлик бўлса, иккинчиси, таълим-т-я орқали шакллантирилган В.дир. Туғма В. инсоннинг ёшлигидан, ҳатто гўдаклигидан маълум бўлади. Таълим-т-я орқали эришилган В. эса кейинроқ намоён бўлиши мумкин. Сукут сақлаш, шошма-шошарлик қилмаслик ҳам В.нинг бир кўринишидир. В. барча халқлар, миллатларда ижобий фазилат сифатида кадрланади.

ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШУВЧАНЛИК – бунёдкор ғояларга зид бўлган вайронкор ғоялар, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғояларга қарши курашувчанлик. Ўқувчи-ёшларда бундай сифатлар таълим жараёнида шакллантирилади. Вайронкор ғоялар ж-ятни қабиҳликка етаклаб, унинг аъзоларини ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар бўлиб, уларга қарши ўз вақтида курашиш талаб этилади. Вайронкор ғоялар инсонпарварлик принципларига зиддир. Уларнинг асосий мақсади бир миллатни иккинчисидан устун қўйиш, олий ирқ даъвоси б-н бошқа халқларни киргин қилишга ундаш, ж-ятни қарама-қарши кутбларга ажратиб, бўлиб ташлашга сабаб бўладиган ғоялар мажмуи бўлганлиги учун ҳам уларга қарши маърифат б-н курашиш лозим.

Ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк дав.чилик шовинизми ва ашаддий миллатчилик, фашизм, большевизм, терроризм каби мафкуралар вайронкор ғоялар жумласига киради.

Вайронкор ғоя деб, турли таъсирчан воситалардан фойдаланиб, одамларни сохта ва пуч ғояларга эргаштирувчи, уларнинг куч-қудратини бузғунчилик ва жиноятга йўналтирувчи, инсоният учун фақат кулфат келтирадиган ғояга айтилади. Бундай ғояларга қарши туриш учун ўқувчи ҳамда талабаларда соғлом дунёқарашни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларни четдан бўлаётган салбий таъсирлар, ғаразли кимсаларнинг вайронкор ғоялари, миллий мафкура ва қадриятлардан четлашиб оммавий маданият қурбонига айланмасликларини таъминлаш уларга етук кадр, малакали мутахассис, юксак маънавиятли инсон бўлиб етишишида яқиндан ёрдам кўрсатиш лозим. Шундагина уларда курашувчанлик сифатларини шакллантириш мумкин. Бунинг учун уларда жўшқинлик, ижт.

ҳаётга фаол аралашиш каби фазилатларни ривожлантириш талаб этилади. Бу борада республикамизда салмокли ишлар амалга оширилмокда. Ёшларда миллий гоя ва миллий мафкура тушунчасининг ривожланиши уларни чин маънода етуклик ва вайронкор гояларга нисбатан курашчанликка етаклайди.

Ёшларнинг ижт. фаоллигини ошириш бу соҳада қўйиладиган мухим кадам хисобланади. Ўзбек халқининг келиб чикиши, этник тарихи ва хусусиятлари ниҳоятда мураккаб ва узок даврни камраб олади. Антик замонларда юксак маданият яратган истеъдодли, заҳматкаш аждодларимиз колдирган бой меросни асраш ва келгуси авлодларга етказиш учун, биринчи навбатда, вайронкор гояларга карши курашиш лозим. Мамлакатнинг эртаси хисобланган ёшлар зиммасида миллийлик ва ҳакиқий ўзбекона кадриятларни жаҳон бўйлаб намоён қилиш ва унинг моҳиятини очиб кўрсатишдек масъулиятли вазифа турибди. Бунинг учун мустақил фикрлаш кўникмалари, мустаҳкам эътиқодга эга бўлган баркамол авлодни т-ялаб етиштириш талаб этилмокда. Бундай максадга эришиш учун узлуксиз таълим муассасалари б-н ижт. ин-тлар орасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарур.

«ВАКОЛАТЛИ ТАЪЛИМ» ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – гендер адолатлилик принципига таяниб, зўравонликка йўл қўймаслик асосида ташкил этиладиган ўқув жараёни, бевосита тажриба орқали таълим олиш йўли б-н гуруҳнинг ўзўзини ташкил этиш кўникмаларини хосил килишга каратилган техн. Мазкур техн. 1995 й. АҚШда «Аёллар етакчилиги» деб номланган тренинглардан бошланган бўлиб, халқаро таълим техн. сифатида 1997 й.дан Украинада ривожлантирилиб, сўнгра Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистонга тарқалган. 2002 й.да Афғонистон, Бирма, Индонезияда ушбу йўналишдаги тренинглар ўтказилган. Бошқа мамлакатларда ҳам ушбу техн.ни қўллаш жараёнлари амалга оширилмокда.

Ваколатлаш пед.си таълим дастурларининг бошқа турлари б-н ўқув жараёнига нисбатан умумий ёндашувни ифодалайди. Ўзаро ф-ят жараёнида улар бир-бирини бойитади ва ривожлантиради. Ваколатли таълимни қуйидагича ташкил қилиш мумкин: расмий ўқув режаси (айрим ўқув фани, интеграциялаштирилган ёндашувлар ёки мавзулар сифатида); расмийлаштирилмаган ўқув режа (мактаб томонидан ташкил қилинган ва расмий режа б-н боғланган синф ёки мактабдан ташқари иш); норасмий ўқув режаси (кутилмаган машғулотларни алоҳида режа орқали ташкил қилиш).

Машғулотлар махсус тайёргарлик кўрган тренерлар томонидан тренинглар шаклида ўтказилади. Тренер сифатида муайян таълим йўналишида машғулотлар ўтказадиган, муайян тайёргарликка эга бўлган педагоглар танланади. Тренинглар муайян йўналишда таълим олиш, машқлар бажаришга қаратилган машғулотларни ўз ичига олади.

ВАЛЕОЛОГИЯ ЎҚУВ ФАНИ (лот. va leo – саломатлик, logos – таълимот) – инсон, шу жумладан, ўкувчи саломатлиги ҳакида таълим берувчи ўкув фани.Валеология қад. римликларнинг одатига кўра, саломлашиш, яъни «Сизга саломатлик тилайман» деган маънони англатиб, соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг усул ва услубларини ишлаб чикувчи ҳамда уларни амалиётга жорий этиш асосларидан таълим олувчиларни хабардор киладиган ўкув фани.

Валеология атамаси 80-й.ларда И.И.Брехмантомонидан илмий муомалага киритилган. В.ў.ф. бир канча соҳалар б-н алоқадорликда ривожланмоқда (мас., одам анатомияси ва физиологияси, мактаб гигиенаси, инсон экологияси, экологик т-я асослари, жисмоний т-я, т-явий ишлар назарияси ва мет. ва б.). Ушбу ўқув фанининг вазифаси бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш услублари б-н таништириш; ўқувчи ҳамда талаба-ёшларнинг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш; таълим олувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ҳосил қилиш; ёшларни миллатнинг соғлом генефондини асраш ва уни кейинги авлодларга етказиш принциплари ва йўллари б-н таништириш кабилардан иборат.

Валеология – бўлажак педагогларни таълим олувчиларга ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш, тўғри овқатланиш, дам олиш гигиенаси, шахслараро муносабатлар маданияти, экологик маданият, ўз организмини физиологик жиҳатдан фаол ҳолатда сақлаш, бошқаларнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва турли зарарли одатлардан сақланиш каби тушунчаларни сингдириш йўллари ва механизмлари б-н қуроллантиради.

ВАЛИДЛИК (инг. valid – ишончли, асосланган) – тадқиқ этилаётган пед. ҳодисаларга оид маълумотлар ва уларни ташхислаш усулларини ифодаловчи мет.нинг мужассамланган тавсифномаси. В. – тест натижаларини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади. В. тушунчаси инсоннинг психологик хусусиятларини амалий жиҳатдан аниқлаш зарурлигини ифодалайди. Агар илгари В. тушунчаси тест б-н узвий боғланган бўлса, сўнгги йилларнинг тест натижалари талқинини англатади. Шунга кўра В. – биринчи навбатда, тест натижаларининг тестлаштириш б-н мослигини ифодалайди. Шунингдек, асосий тушунчаларнинг мазмуни ва тестлаштириш натижаларини ҳам англатади. В. тестлаштириш б-н унинг максади орасидаги мувофикликни кўрсатади.

ВАЛЬДОРФ ПЕДАГОГИКАСИ – шахс ривожланишининг антропософ концепциясига асосланган таълим-т-я тизими. Бу концепция доирасида инсоннинг жисми, қалби ва маънавияти б-н боғлиқ омилларнинг яхлит тарзда алоқага киришишига асосланган ҳолда ўқитиш назарда тутилади. В.п.нинг асослари Р. Штейнер томонидан ишлаб чиқилган. В.п. принциплари асосида эркин тарздаги вальдорф мактаблари. МТМ, «Кемпхилл» номидаги даволаш пед.ҳамжамияти ташкил этилган. Махсус хусусий характердаги таълим муассасалари қисман дав. томонидан молиялаштирилган. Дастлабки вальдорф мактаби 1919 й.да Германия (Штутгарт)да ташкил этилган. Ушбу мактаб «Вальдорф-Астория» фабрикаси ишчиларининг фарзандларига таълим беришга мўлжалланган. 1933–45 й.ларда фашистлар ҳукмронлик қилган рейх ҳудудларида бундай мактаблар ёпилган. Уларда ф-ят кўрсатган ўқитувчилар эса катагонга учраганлар. В.п. 20-а.нинг 60-й.ларида кўпгина мамлакатларда ривожлана бошлади. 20-а.нинг 90-й.ларига келиб эса мазкур туркумдаги мактаблар сони 500 та, МТМ сони 1000 тага етган.

В.п.нинг вазифалари маънавий жиҳатдан эркин шахсни т-ялашдан иборат бўлиб, бундай шахслар индивидуал ижодий ф-ят кўрсатиш, ж-ятдаги консерватив қарашлар, мавжуд ижт. тузумлар ва ҳулқ-атвор стереотипларини бартараф

этиш, тараққиёт мақсадларига хизмат қилиш лаёқатига эга бўладилар. В.п. тарафдорлари унга тизимлаштирилмаган, меъёрлаштирилган илмий соҳа эмас, балки инсонда яширин тарзда мавжуд бўлган табиий иқтидорларни очишга хизмат қиладиган санъат сифатида ёндашадилар. Мазкур санъат негизида Штейнер ишлаб чиққан кўпёклама қарашлар, И. В. Гёте ва Ф. Шиллернинг эстетик ёндашувлари ётади. В.п.да ижодкорлик қонунлари табиат қонунларидан ҳосил бўлувчи ҳамда инсоннинг маънавий тажрибасида ўз ифодасини топувчи ҳодиса сифатида баҳоланади. Ижодий хаёлот пед.ф-ятнинг бир қатор асосий принциплари негизида илгари сурилади. У табиийлик ва мардлик б-н уйғунлашган ҳолда масъулиятлилик ҳисси сифатида намоён бўлади.

В.п.да асосий шахс – синф ўқитувчисидир. Унинг зиммасидаги асосий мажбуриятлари сирасига 8 й. мобайнида ўз ўқувчилари б-н ўқув-т-я жараёнини ташкил этиш киради. Синфдаги ўқувчилар сони 30 нафар бўлиши лозим. Синф ўқитувчиси асосий умумтаълим предметлари мазмунини ишлаб чиқади ва шу асосда ўқувчиларга таълим беради. У ўқувчилар б-н ўқитувчилар, мактаб б-н ота-оналар орасида таълим-т-я манфаатларини назарда тутган ҳолда мустаҳкам алоқадорликни вужудга келтиради ва қўллаб-қувватлайди. В.п.да ўқитувчи қатъий режа асосида ишламайди. Мазкур режа ҳар бир ўқувчи томонидан ўқиб чиқилган бўлиши лозим.

Штейнер ўзининг дидактик-мет. ёндашувларини Гётенинг тасаввурларига таянган ҳолда ишлаб чиққан. В.п. доирасида инсоннинг ривожланиши имманент, яъни қандайдир буюм ёки ҳодисанинг ички табиатидан келиб чиқувчи босқичли тармоқ сифатида талқин этилади. Бу эса, ўз навбатида, биогенетик конуниятлардан келиб чиқади. Унинг ҳаракатлари ҳар томонлама ривожланиш босқичида бартараф этилади. Натижада инсон юқори даражадаги маънавий мустақилликка эришади. Бундай тўлақонли мустақилликни вужудга келтириш В.п.нинг асосий мақсадидир.

ВАНДАЛИЗМ (лот. Vandali – қад. шарқий герман қабилаларидан бирининг номи) – маданий ва моддий бойликларни мақсадсиз йўқ қилиш. В. тушунчаси 455 й.да герман қабилалари Римни талон-тарож қилиб, кўплаб антик маданият обидаларини вайрон этганлиги тарихига бориб тақалади. Кейинчалик у жоҳиллик, маданиятсизлик маъноларида ҳам кенг қўлланила бошлаган. Ҳоз. вақтда В. атамаси жамоат тартибини бузишнинг айрим турлари, хусусан, жамоат, хусусий ва коммунал мулкка шикаст етказиш, таълим-т-я масканлари, транспорт воситаларидаги асбоб ва жиҳозларни ишдан чиқариш, деворларга ғайриахлоқий ёзувларни ёзиш, бир сўз б-н айтганда, бузғунчиликка қаратилган ҳаракатларни англатади. В.нинг барча шакл ва кўринишлари статистикада тўлиқ акс эттирилмаётган бўлсада, мавжуд маълумотларнинг ўзиёқ бу иллат баъзи мамлакатларда ғоят кенг тарқалганлигидан далолат беради. Мас., АҚШда бундай хатти-ҳаракатлар оқибатида ҳар йили 200 мингга яқин, жумладан, 15 минг киши атайлаб ёнғин содир этгани учун ҳибсга олинади. Огайо штатидаги 899 оилада ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, улардан 15,5 фоизи бир йилда камида бир марта, 40 фоиздан ортиғи эса икки ва ундан кўпроқ ҳолатларда В. кўринишларига дуч келган. Афғонис-

тонда «Голибон»ларнинг В. доирасидаги ҳаракатлари натижасида кўплаб тарихий-маданий обидалар, жумладан, якин ўтмишдаги буддизм тимсоли бўлган Бомиён қоятошларидаги баҳайбат санам ҳайкаллари вайрон қилинган. Бундай хатти-ҳаракатлар ж-ятга жуда катта моливявий ва маданий-маънавий зарар келтиради. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълим муассасаларида дарс ва дарсдан ташкари таълим-т-явий жараёнларда ўқувчи-талабаларда В.нинг келиб чикиши, унинг зарарли оқибатлари, мазкур йўналишдаги ҳаракатлар ҳакида маълумот берган ҳолда таълим олувчиларда унга нисбатан нафрат, муросасизлик туйгусини т-ялаш лозим. Шу мақсадда В.нинг турлари ҳакида тушунча ҳосил қилиш талаб этилади. Жумладан, иқтисодий зарар етказишга қаратилган, шухратпарастлик мақсадини кўзлаган, нарх-навони оширишга қаратилган, ўч олиш мақсадида уюштирилган В. ҳаракатлари мавжудлигини улар онгига етказиш ва уларнинг зарарли оқибатлари ҳакида тасаввур ҳосил қилиш алоҳида пед. аҳамиятга эга. Бунинг учун ўқитувчилар В.га карши курашишнинг ғоявий асослари, инн-он усул ҳамда техн.и б-н куролланган бўлишлари лозим.

ВАРВАРЛИК – к. Ваҳшийлик.

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК (араб. – васиятни бажарувчи, ҳимояловчи) – вояга етмаган болаларнинг, руҳий касаллиги ёки акли заифлиги туфайли суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг дав. томонидан ҳимоя қилиниши, ҳимоя қилиниш ҳолати.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижт.-моддий кўмак бериш, уларни т-ялаш, таълим бериш, шунингдек, уларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Васийлик 14 ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган болаларга нисбатан қўлланилади.

В. ва ҳ. ўртасидаги фарқ фақатгина боланинг ёши б-н боғлиқ эмас, у бошқа жиҳатлари б-н ҳам фаркланади. Васий васийликка олинган бола номидан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширса, ҳомийлар ўз қарамоғларидаги шахсларга уларнингҳуқуқларини амалга оширишлари ва мажбуриятларини бажаришларига кўмаклашадилар. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суиистеъмол қилинишидан ҳимоя қилади. Соғлигининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёкатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

В. ва ҳ. органлари Ўзбекистон Республикаси ХТВ томонидан тасарруф этилиб, В. ва ҳ. мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васий ёки ҳомий тайинлайди. Ўзбекистонда В. ва ҳ., унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 1997 й.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (3.22) ҳамда 1998 й. 1 сент.дан амалга киритилган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси»нинг 6-бўлим 21-бобида ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатларга кўра, васий ва ҳомий қарамоғидаги болаларни т-ялаш, уларнинг таъминоти, таълим-т-яси, саломатлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳакида ғамхўрлик қилиш ҳамда ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаши керак. Васий ва ҳомий ўз қарамоғидаги

вояга етмаган шахслар б-н бирга яшаши шарт. 16 ёшга тўлган ҳомийликдаги боланинг ўз ҳомийсидан алоҳида яшаши, башарти бу унинг т-яси ҳамда ҳуқук ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир қилмаса, В. ва ҳ. органининг розилиги б-н йўл қўйилади.

Васий ва ҳомий ҳуқукларини амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан В. ва ҳ. органлари назорат қилади. Васий ёки ҳомий ўз зиммасига қонун б-н юклатилган мажбуриятларини етарли даражада бажармаса, В. ва ҳ. органлари васий ёки ҳомийни бу мажбуриятларни бажаришдан четлатади.

ВАТАНПАРВАРЛИК (юн. patriotes – ватандош, patris – ватан) – туғилиб ўсган юрт, ватанга муҳаббат, садоқат, ўз хатти-ҳаракатлари б-н унинг равнақи учун хизмат қилиш, Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишни ифода этадиган ижт. ҳамда маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатини англатадиган атама. В. кўп маъноли сўз бўлиб, тарихий, маънавий, ижт., сиёсий, маданий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, янгича маъно-мазмун б-н бойиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, қадр-қиммати, тақдири, истиқболи, она юртга муҳаббат туйғуси қанчалик чуқур англанса, В. туйғуси шунча юксак бўлади. Тарихий, ижт.-сиёсий, маънавий-маданий тараққиётнинг турли босқичларида В.нинг янги-янги қирралари намоён бўлади. Ҳақиқий В. Ватанга, она заминга, ўз халқига муҳаббат б-н яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш ҳамда курашиш зарурати туғилганда жонини фидо қилишни назарда тутади. Ёш авлодда Ўзбекистоннинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларидан кувониш, унинг истиқболи учун қайғуриш, ўз юрти б-н ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, табиий бойликлари, қад. обидалари ва замонавий иншоотлари, тарихий кадриятлари, илм-фан ва санъатдаги ютуқлари, моддий ва маънавий бойликларини кўз қорачиғидекасраб-авайлаш туйғуларини шакллантириш орқали узлуксиз таълим-т-я жараёнида уларда В. туйғуси таркиб топтирилади.

Бугунги кунда ҳам ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда В. туйғусини шакллантириш, учун уларга аждодларимиз мероси, Ўзбекистоннинг эришаётган ютуқлари, ўтмиши ва келажаги, бой маданияти, маънавияти, илмий салоҳияти ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш талаб этилади. Инсондаги В. уч йўналишда намоён бўлади: 1) билиш – Ватан тушунчасига хос кадриятларни эгаллаш; 2) эътиқод – кадриятлар соҳасида ўзлаштирган билимларини эътиқодга айлантириш; 3) ҳаракат – ўз эътиқодини амалий ф-яти орқали намоён этиши.

В. – она-Ватан, мустақил Ўзбекистон тушунчаларини ўз онгига сингдириш ва унга содиқ бўлишга эришишдир. В. ўзбек халқи, унинг анъаналари, тили, маданиятига муҳаббат ва ҳурмат б-н караш, уларни чуқур ўзлаштириш ҳамда ривожлантиришга ҳисса қўшиш, юртимизнинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш демакдир. В. – ўзбек халқининг маданий мероси, санъат, меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш, уларнинг тарихи ҳамда бугунги кундаги аҳамиятини билишни ҳам ўз ичига олади.

В. – шахснинг она-юрти, ўз Ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган

тушунча эканлиги б-н ҳам алоҳида пед. кимматга эга. В. барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири ҳисобланади. Тарихий жиҳатдан В. кишиларнинг ўз ватани тақдири б-н боғлиқ ижт. ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулари мажмуидир.

Роҳат Сафарова

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ – оила ва таълим муассасаларида болалар, ўқувчи ҳамда талабаларни ўз юрти, она Ватанига муҳаббатли ва садоқатли қилиб т-ялаш. Ватанпарварлик барча кишилар, халқлар, миллатлар учун умумий бўлган,асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири.

В.т. – Ватанни севиш, уни жонудили б-н ҳимоя қилиш туйғуларини илк ёшлигидан бола онгига сингдиришни назарда тутади. Ватан ҳиссси – муқаддас туйғу. Бу туйғу шу Ватаннинг эгаси бўлган халқни билиш, унинг қадрига етишдан бошланади. Ватан ва халқ муштарак тушунчадир. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билиш талаб этилади. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушуниш лозим. Ватан ҳар бир халқнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажагидир. Бу халқнинг маданияти, маънавияти, тили, дини, фезл-атворида намоён бўлади. Ҳоз. ўзбек ватанпарварлиги ота-боболаримиз яратувчилик ишининг бевосита давомидир.

Оила ва таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда В.т.ни юксалтиришда мустақиллик омилига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. 1991 й. 31 авг.да Ўзбекистоннинг Дав. мустақиллиги эълон қилингач, В.т.нинг қўлами кенгайди, Ватан тушунчаси конкретлаштирилди.

Ватанга муҳаббат, уни қадрлаш ҳиссси шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг қалби ва онгига сингдирилиши керак. В.т., аввало, аждодлар ёди, уларнинг хотирасини эслаш ва қадрлаш, олис ва яқин теварак-атрофларда бўлаётган воқеаларни сезгирлик б-н кузатиб бориш, Ватан ҳимояси учун доимо шай туриш, ўзининг келажак насллар олдида масъул эканини ҳис этишдан бошланади. Ватан туйғуси таълим-т-я жараёнида таркиб топтирилади. В.т. фақатгина таълим муассасасида эмас, оилада ҳам амалга оширилади.

Ўзбек оилаларида болалар ўз Ватани ҳимоясига ҳамиша тайёр ўғил-қизлар сифатида т-яланган. Бу жараёнда ота-оналар халқ оғзаки ижоди намуналари, тарихий мерослан унумли фойдаланганлар. В.т.нинг асосини бадиий ад., она тили бойликлари, миллий гоя ва маънавият асослари ташкил этишини ҳар бир ота-она ва педагог яхши билиши лозим. Ўқувчи ҳамда талабаларни ватанпарварлик руҳида т-ялашда ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни она-Ватанга муҳаббат, уни севиш, эъзозлашга ўргатиш; ўқувчи-ёшлар онгига мустақил Ватан тушунчасининг моҳиятини сингдириш; ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни ўзбек халқининг анъаналари, удумлари, тили ва маданиятига ҳурмат б-н қарашга ундаш; ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни буюк аждодларимиз қолдирган маънавий меросни асраб-авайлаш ва қунт б-н ўрганишга одатлантириш; ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда соғлом дунёқараш, тафаккур, иймон-эътиқодни таркиб топтириш; Ватан олдидаги масъулиятни ҳис этиш,

миллий манфаатлар йўлида курашишнинг моҳиятини чуқур англашларига кўмаклашиш кабиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Таълим олувчиларни ўзбек халқи генофондини асраш, жаҳон микёсида спорт, санъат, илм-фан соҳасида эришилган ютуқлардан ғурурланишга ўргатиш В.т.нинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Чунки оиланинг мустаҳкамлиги, насл-насабнинг поклиги, Ватан равнақининг асосини ташкил этади.

ВАФОДОРЛИК – юксак маънавий фазилатлардан бири ҳисобланиб, садоқат, ўз аҳду паймонида, сўзда, ваъдада қатъий туришни англатади. Буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг «Турайин, борайин, юрайин, оламни кезайин, оламда вафоли одам бўлса, мен уни кидирайин» деган сўзларида В.нинг инсон учун нақадар буюк қадрият эканлиги ўз аксини топган. Вафодор одам тилини ёлғон, ғийбат ва бўҳтон сўзлардан сақлайди. Инсоннинг вафоси дили ва тилида бирдек намоён бўлади.

Алишер Навоийнинг таъбирича, вафо ва садоқат ғоялари, аввало, ҳар кимнинг қонида бўлмаса, унга ўргатмок мушкулдир. Вафо ва садоқат бир-бирини тўлдирадиган юксак инсоний фазилатдир. Шунинг учун ҳам халқимизда «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деган нақл бор. Айтган сўзининг устидан чиқиш, ваъдани бажариш, ўз олдига қўйган режани адо этиш В. белгисидир. В., энг аввало, оила ва ж-ятни безайди. В. устувор бўлган ж-ятда фарзандлар эркин, соғлом ва ақлли кишилар бўлиб вояга етадилар, қут-барака, тотувлик, инсоф, меҳр, ҳамжиҳатлик барқарор бўлади. Шунинг учун ҳам оилалар ва таълим муассасаларида ёшларга В.нинг мазмун-моҳиятини англатиш, В. тимсоли бўлган инсонлар, бадиий образлардан ўрнак олишга ундаш, ўзида собитлик сифатларини таркиб топтириш алоҳида аҳамиятга эга.

ВАҲОБОВ Нажмиддин (1940.10.9, Ургут тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Самарканд пед. ин-тининг пед. ва БТ ф-тини тамомлаган (1979). Меҳнат ф-ятини 1963 й. Ургут туманидаги 55-мактабда бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлаган. 1976 й.дан шу мактабда илмий бўлим мудири, 1978 й.дан директори. В. мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув-т-явий ишларни талаб даражасига етказиш, услубий ишларни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, узлуксиз таълимни ривожлантиришда юқори натижаларга эришган.

ВАҲОБОВА Ойгул (1936.5.8, Тошкент ш.) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Тошкент чет тиллар пед. ин-тини тамомлаган (1961). Тошкент ш. Юнусобод туманидаги 51-мактабда француз тили ўқитувчиси (1964 й.дан). В. кенг кўламли маънавий-пед. ишларни амалга оширган. У ўқувчиларга чет тилини ўргатиш баробарида ўзга юртлар ҳаёти, кишилар турмуш маданиятини ҳам таништириб боради. Бу усул ўқувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотган. В. дарсларни ноанъанавий усулларда ўтишда ҳам алоҳида тажрибага эга. В. француз тили бўйича ташкил этилган тадбирлар, шеърхонлик кечаларида ўз ўқувчилари б-н фаол иштирок этган. Дарсларининг жонли, ҳаётий бўлишига алоҳида эътибор қаратиб, таълимнинг илғор мет.дан фойдаланган. В. француз тили хонасини давр талаблари асосида жиҳозлаган. Шунинг учун ҳам мазкур ўқув хонаси «намунали» ўқув хонаси си-


фатида баҳоланган. Унинг ўқувчилари Республика фан олимпиадаларининг ғолиби бўлган.

ВАҲШИЙЛИК (варварлик) – 18–19-а.лар фанида қабул қилинган маданий-тарихий даврлаштиришга кўра, инсоният тарихи 3 даврининг (ёввойилик, В., цивилизация) ўртанчаси. 18-а.нинг 60-й. ларида шотланд файласуфи А. Фергюсон таклиф этган (1767, «Фукаролик жамияти тарихи бўйича эссе»). Унга кўра, ж-ят тараққиётининг цивилизацияли босқичи ёввойилик ва В. босқичлари негизида вужудга келган. Бу хилда даврлаштиришни америка тарихчиси ва этнографи Л. Морган (1818–81) асослаб берган. Унинг фикрича, В., тарихий маънода ж-ят ривожидаги ибтидоий жамоа тузумининг ёввойиликдан кейинги ва цивилизациядан олдинги иккинчи даврини ифодалайди. Кўп тадқиқотчилар бундай даврлаштиришни қўлламайдилар. Ҳоз. замон фанида ибтидоий тарих янгича даврлаштирилмоқда. В. атамаси тажовузкор сиёсат олиб борган дав. ёки уруш тарафдорларига нисбатан ҳам ишлатилади. Бугунги кунда баъзи Ғарб мамлакатларида ёшлар томонидан содир этилаётган бузғунчи хатти-ҳаракатлар, турли шаҳарларда уйлар, транспорт воситаларининг ёқиб юборилаётгани, тобора кучайиб бораётган одам савдоси кабилар В.ка яққол мисол бўла олади. Шунинг учун ҳам, В. тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, мазкур ҳаракат натижасида вужудга келадиган салбий оқибатлардан таълим олувчиларни муттазам хабардор қилиш, уларда мазкур тушунча ҳақида тасаввур ҳосил бўлишига эришиш пед. жараённинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

«ВЕН ДИАГРАММАСИ» СТРАТЕГИЯСИ (МЕТОДИ) – мат.ни ўқитиш мет.ларидан бири. Унинг асосини Эйлер-Вен диаграммаси ташкил қилади. Леонард Эйлер топшириқларни ечишда кўплаб доирачалардан фойдаланишни таклиф қилади. Шунинг учун ҳам мазкур мет. «Эйлернинг доиралари методи» сифатида номланган. Мазкур усул мантиқий топшириқларни ечишда жуда қулайдир. Чунки доиралар ёрдамида фикрни ифодалаш мумкин.


Ушбу мет.дан математиклар Эйлергача ҳам фойдаланганлар. Жумладан, Лейбницнинг ишларида шундай доирачалардан фойдаланилганлиги аниқланган. Эйлернинг хизмати шундан иборатки, у мазкур мет.ни етарли даражада ривожлантирган. Эйлердан кейин ушбу мет. бошқа олимлар томонидан яна такомиллаштирилган. Айниқса, инглиз мантиқшуноси Жон Веннинг ишларида чизмалар мет.и кенг кўламда ривожлантирилган. У ўзининг бу соҳадаги қарашларини «Символическая логика» (Рамзий мантиқ) китобида батафсил баён этган. Шунинг учун ҳам бундай чизмалар «Эйлер-Вен диаграммаси» номи б-н аталади. Эйлердан кейин ушбу мет.ни чех математиги Бернард Больцано (1781–1858) ҳам ривожлантирган. Эйлердан фарқли тарзда у доира шаклида эмас, балки тўртбурчак шаклидаги чизмалар чизган. Эйлернинг доиралар мет. идан, ўз навбатида, немис математиги Эрнст Шредер (1841–1902) ҳам фойдаланган. Диаграммалар орқали ифодаланган барча фикрлар доиралар шаклида намоён бўлади. Унинг инкори эса доирадан ташқаридаги текислик орқали акс эттирилади. Уни қуйидагича тасвирлаш мумкин.

Агар X ва Y шаклида икки хил фикр мавжуд бўлса, диаграммада турли рангдаги иккита доира б-н ифодаланади.




1-чизма

Ушбу стратегия таҳсил олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш, умумлаштириш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. Мазкур стратегия кичик гуруҳларни шакллантириш асосида чизма бўйича амалга оширилади. Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги кўринишда чизма чизилади:



2-чизма

Стратегия ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро якин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга кўмаклашади. Ушбу стратегиядан таълим мазмуни таркибига кирган муайян мавзу ёки бўлимлар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



3-чизма

Стратегия қуйидаги босқичларда қўлланилади: синфдаги ўқувчилар тўрт гуруҳга бўлинадилар; ёзув тахтасига топшириқни бажариш тартибини ифодаловчи чизма чизилади; ҳар бир гуруҳга ўтилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида-алоҳида топшириқлар берилади; топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан етакчилар танланади; етакчилар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар.

Ф-ятнинг моҳияти дастурда кўзда тутилган муайян бўлимларни ўтиш жараёнида очиб берилади.

ВЕРБАЛ МУЛОҚОТ ШАКЛЛАРИ (лот. verbalis – оғзаки) – сўз, маъруза, суҳбат, савол-жавоб, насиҳат, мунозара, баҳс, хабар, табрик, танбеҳ, саломлашиш-хайрлашиш кабилардан иборат бўлган оғзаки мулоқот тури.

В.м.ш.да қўлланиладиган нутқ интонациялари сўзловчининг фикрларидаги унинг мақсадига мувофиқ бўлган мазмун-моҳиятини чуқурлаштириш, ёркинроқ ифодалаш имконини беради.

Ўқитувчи ўқувчилар учун маълум бўлган тушунчаларга асосланган ҳолда янги ахборларни уларга тақдим этиб тушунтиради. Бу жараёнда ўқувчилар диққатни жамлаш, тинглаш, эшитиш, англаш, тушуниш, идрок қилиш, мантиқий фикрлаш (таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш), хотирада сақлаш, қайта эслаш ф-ятини амалга оширадилар. Бунда ўқувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, манфаатлари, қобилиятлари, истеъдодлари, иқтидорлари улар эришган муваффақиятларнинг асосини ташкил этади.

ВЕРТИКАЛ ПЕДАГОГИКА – юқори синф ўқувчиларининг қуйи синф ўқувчиларига ёрдам кўрсатишини ташкил этиш шакли. Бунда ҳар бир ўқувчининг айрим фан бўйича ўзидан бир синф юқорида ўқийдиган ўқувчилардан илмий раҳбари ва бир синф қуйида ўқийдиган ўқувчилар орасида оталиқдаги ўқувчиси бўлади. Ўқувчиларга ўзларидан қуйи синф мавзусини такрорлаш, кейин қуйи синф ўқувчисидан синов варақасини (саволлар, мисоллар, топшириқлар ва ш.к.)

тайёрлаш топширилади. Синов ҳафтада бир марта ўтказилади. Синов жараёнида қуйи синф ўқувчиси мавзуни тўлик ўзлаштирмагунича ўзаро мулокот давом этади. Натижада бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг мавзуни билиб олишига эришилади. Бунда таълим-т-я жараёнини оптимал бошкариш имконияти яратилади ва, айникса, ўқувчилар ўртасидаги топшириккa нисбатан жавобгарлик хисси шаклланади ҳамда улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Мазкур атамани нафакат мактабда, балки ОЎЮда ва ўрта махсус таълим муассасаларида ҳам қўллаш мумкин. Айникса, бу интегратив илмий-пед. тадқиқотларни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

В.п.дан таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликдаги ҳолатларда фойдаланиш максадга мувофик. Т-яда, айникса, оммавий-т-явий тадбирларни уюштиришда фойдаланиш ҳам кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

В.п. ўқувчиларга мат.ни ўргатиш мет.и сифатида дастлаб Р. Г. Хазанкин томонидан 20-а.нинг 70-й.ларида илмий муомалага киритилган. Мазкур мет. учун 1990 й.да муаллифга дав. мукофоти берилган. 2006 й.да эса Россия ҳукуматининг таълим тўғрисидаги мукофотига сазовор бўлган. Ушбу мет. Р. Г. Хазанкин ва унинг издошлари томонидан кенг қўлланилган. Мет.нинг афзаллиги шундаки, у таълим-т-я жараёнида юқори даражадаги баркарор натижаларни қўлга киритиш имконини беради.

В.п.нинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини вертикал тарзда шакллантириш имконини беришини назарда тутган ҳолда режалаштириш, бундай вертикаллик 5–9-синф ўқувчиларини камраб олиши. Бунда ўқув жараёни юқори синфларда таҳсил оладиган ҳар бир ўқувчи ўқитувчининг фаол кўмакчиси бўлишини назарда тутган ҳолда курилиши ҳамда ўзидан пастки синфдаги ўқувчини ўқитиш кўникмаларини эгаллашларига эришилади.

2. Дарснинг анъанавий таркиби ўзгариши, чунки анъанавий ўқитиш жараёнида 45 дакикалик дарс бир нечта кисмларга бўлинади. У уй вазифаларини текшириш, янги ўқув материалларини тушунтириш, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашга бағишланади. Дарсда юқорида айтилганларга тўлик улгуриш учун ўқитувчи баъзан шошилади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда ф-ят кўрсатишларига бағишланган В.п. жараёнида эса қуйидагилар амалга оширилади: йирик блоклар таркибидаги янги мавзуларни ўрганиш учун маърузалар ташкил этиш, янги материалларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг тафаккурини фаоллаштириш, уларнинг мунтазам ижодий ф-ят кўрсатишлари учун вақтдан унумли фойдаланиш; ўқитувчи мавзуга оид асосий вазифалар, топшириқларни ечиш учун дарсларни ташкиллаштиради, ўқувчилар б-н ҳамкорликда минимал топшириқлар миқдорини қисмларга ажратади. Бундай топшириқларни бажариш жараёнида улар назарий материалларни ўрганадилар, таянч топшириқларни таниш ва ечиш усулларини ўзлаштирадилар; маслаҳат дарсларини ўтказиш, уларда ўқувчилар саволлар берадилар, ўқитувчи эса жавоб қайтаради; ўқувчиларга индивидуал ёрдам кўрсатиш максадида синов дарсларини ўтказиш, ўқувчиларни боскичма-боскич мураккаб вазифаларни ечишга ўргатиш, ўтилган

мавзуни ўзлаштирилганлик даражаларини назорат қилиш ва б. Шу б-н бир қаторда, оралиқ дарслар ҳам ўтказилади. Бундай дарсларнинг таркиби ва миқдори ўтилган мавзунинг мураккаблиги ҳамда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига боғлиқ.

3. Ўқувчиларнинг ижодий лаёқатларини ўстириш мақсадида тизимли тарзда мазмунан ўзаро узвийликка эга бўлган синфдан ташқари машғулотлар ташкил этилади.

ВЕСТЕРНИЗАЦИЯ (инг. Western – Ғарб. вестернизация – ғарблаштириш) – евроцентризм ғоясининг замонавий кўриниши бўлиб, инсоният эришган барча ютуқларни ғарблаштириш, Ғарб дунёсининг ўзига хос тафаккури ва турмуш тарзи натижаси деб кўрсатишга уриниш, Ғарб мамлакатларини илғор ва етакчи куч, идеал ҳодиса сифатида тарғиб этишга қаратилган назария ва амалиёт. В. тушунчаси 19-а.нинг 50-йиларидан ошкора айтила бошлади. Бугунги кунда В. тушунчаси «космополитизм» («жаҳон фуқаролиги»), «глобаллашув», «оммавий маданият» тушунчалари б-н бир қаторда ишлатилмоқда. Узоқ йиллар мобайнида Шарқ пед. тафаккурининг илғор ютуқларини Ғарб педагогларининг ютуқлари сифатида баҳолаш анъанаси урфга айланган. Ғарбда В. сиёсатини қўллаб-қувватловчилар ҳам, унга мутлақо қарши бўлган гуруҳлар ҳам мавжуд.

19-а.га келиб жаҳонда мустамлакачилик ҳаракатларининг кенгайиб бориши Осиё, Африка, Австралия ва Америкадаги кўплаб янги-янги халқларнинг бўйсундирилишига олиб келди. Забт этилган ҳудудларда «Европа – маданиятлар ўчоғи» деган ақидага асосланган евроцентризм ғояси, ирқчилик ва миллатчилик авж олди. Жаҳондаги барча халқлар Ғарбнинг дини, маънавияти, маърифати, урф-одатлари ва турмуш тарзидан ўрнак олиш лозим деган ақида мустамлакачиларнинг асосий ғоясига айланган. Евроцентризм ғоялари турли ҳудудларда зўравонлик йўли б-н татбиқ этилди. Бу ғоя асосида европалаштириш (ғарблаштириш) жараёни авж олди. Ғарбча дунёқараш ва турмуш тарзи кенг тарғиб этила бошлади.

19-а.нинг 2-ярмида дунё харитаси иқтисодий ҳамда ҳарбий жиҳатдан устун мамлакатлар ва уларга қарам бўлган, аҳолиси қашшоқ, мустамлака ўлкаларга бўлиниши таъсирида Ғарб халқларининг бошқа халқларга нисбатан устунлиги ғояси илгари сурилган. Бу каби интилишлар 19-а. ва, айниқса, 20-а.нинг бошларига келиб янада авж олиб, Ғарбдаги сиёсий куч ва марказлар Шарқ жамиятларига «эркинлик ва демократияни олға силжитиш», «адолат ва тартиб ўрнатиш», «цивилизацияга ошно бўлиш», «очиқ ж-ят барпо қилиш» ниқоби остида амалга оширилаётган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадлари, аввало, муайян мамлакатларни ўзига тобе этиш, уларнинг ер усти ҳамда ер ости бойликларини эгаллаб олиш, миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан маҳрум этишга қаратилган. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларда ўқувчи ҳамда талабаларга евроцентризм, оммавий маданият, В. каби ғояларнинг туб моҳиятини англатиш, бунга қарши уларда миллий қадриятларни эгаллашга эҳтиёж ва иштиёқ ҳосил қилиш алоҳида пед. аҳамиятга эга.

«ВИДЕОТОПИШМОҚ» МЕТОДИ – турли ахб. воситалари (комп., телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёнининг ташкил

этиш ва ўқув топшириқларини тақдим қилишга қаратилган мет. Сўнгги йилларда пед. ф-ятда турли ахб. воситалари ёрдамида таълим жараёнининг ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнида турли ахб. воситаларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди.

В.м.дан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: ўқувчилар эътиборига ўргатилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеолавҳа намойиш этилади; ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайдилар; жараёнларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этадилар; ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар.

ВИЖДОНЛИЛИК (араб. – эҳтирос, ҳис-туйғу, инсоф, диёнат) – шахснинг юксак маънавий фазилати, ахлоқий тушунча, яхши-ёмоннинг фаркини ифодалайдиган ички ишонч, шахснинг хатти-ҳаракатлари учун ахлоқий масъулиятни англаши.

Виждон – бу кишининг кундалик ф-яти, қилмиши, феъл-атвори учун оила, жамоат, Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Шу юксак ахлоқий тушунча шахсни ижобий хатти-ҳаракатларга ундаб, шунга мойил қилиб, ўз ф-ятига ўзи баҳо беришига олиб келади. Виждонли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғазабланади, уларга қаршилик, норозилик билдиради. Ўз ф-ятининг яхши томонларидан қаноатланиб, хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, яъни виждони азобланади.

В. шахснинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қила олиши, ўзида ахлоқий бурчни мустақил шакллантириши ҳамда ўзидан уни адо этишни талаб қилиши ва ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бера олишини ифодалайди. В. дастлабки ахлоқий майл бўлиб, ташқи таъсир туфайли ривожланиши ёки сўниши мумкин. У эҳтирос, ҳиссиёт шаклида шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари учун уялиш, пушаймон бўлиш ёки ахлоқий қониқиши сифатида намоён бўлади. В. яхшилик, бурч, бахт, ҳалоллик ва б. ахлоқий тушунчалар б-н боғлиқ. Ж-ятнинг ривожланиши, маънавий, ахлоқий юксалиши б-н виждон тушунчасининг мазмун-моҳияти бойиб боради. Унинг моҳияти ижт. муҳит б-н белгиланади.

Болаларда ёшликдан бошлаб В. туйғусини шакллантириш оила ва таълим муассасасидаги ахлоқий т-янинг асосини ташкил қилади. В. туйғусини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш ота-оналарнинг бурчи ва таълим муассасасининг асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун болалар, умуман, таълим олувчиларнинг руҳиятига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Уларнинг руҳияти ижобий кечинмаларни қабул қилишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳам, ёшлигидан бошлаб ҳар бир одамда виждон деган одил, ички назорат тушунчаси борлигини уқтириш лозим.

Виждонли инсон фақат ўзини эмас, балки кўпчилик манфаатини ўйлаб ҳаракат қилади. Ж-ятнинг ривожланиши, маънавий, ахлоқий юксалиши б-н виждон тушунчасининг мазмун ва моҳияти бойиб боради. Унинг моҳияти ижт. муҳит б-н белгиланади.

Виждоннинг шаклланишида ижт. муҳит, оила ва ж-ятдаги таълим-т-я, атрофдаги кишиларнинг маданияти, ахлоқ-одоби, дунёқараши муҳим аҳамият касб этади. Бу юксак маънавий-ахлоқий фазилат шахсни эзгу-мақсад ва амал-

ларга ундаб, ўз ф-ятига холисона, тўғри баҳо беришига хизмат қилади. Ёшларда В.ни т-ялашда аждодларимиз мероси, халқ оғзаки ижоди намуналари алоҳида аҳамиятга эга.

В. инсоннинг билим даражаси, моддий аҳволи, ижт. мавқеи б-н белгиланмайди, у юксак маънавиятлилик, камолот ва таълим-т-я маҳсулидир. В.нинг шахс маънавиятига таъсири кенг қамровлидир. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи муҳит, ж-ятга боғлиқлигини ифодаласа, В. унинг ботиний оламини, қалб туғёни, ички руҳий изтиробини намоён этади. Баъзан ж-ят талаблари б-н шахснинг виждони ўртасида зиддиятлар вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолларда ж-ят талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскиргани яққол намоён бўлади. Зеро, В. кўзга кўринмас, лекин таъсири ва аҳамияти жиҳатидан улкан маънавий-ахлоқий ҳодисадир. Баъзи ҳолларда, В. тушунчаси ўрнида иймонлилик тушунчаси ҳам қўлланади. Иймон ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида қўлланади. Мас., «иймонли одам» деганда, унинг нафақат эътиқоди, балки, аввало, виждонли, ҳалол, ростгўй инсон эканлиги назарда тутилади. Шу маънода, виждон ва иймон ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Диний эътиқодга муносабат «Виждон эркинлиги» деб юритилиши ҳам бу икки тушунчанинг ўзаро муштараклигидан далолат беради. Баъзи ад.ларда виждон тушунчасининг «субъектив» ҳодиса сифатида талқин этилиши ҳамда адолат, бурч, номус сингари тушунчаларнинг унга нисбатан устунлигини асослашга уринишларни учратиш мумкин. Ваҳоланки, виждонсиз одамнинг адолатпарвар, садоқатли, ор-номусли инсон бўлиши амримаҳол. Виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни теран ҳис этишни тақозо қилади.

Роҳат Сафарова

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – 1) фукароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи; 2) ижт.-фал. тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур ж-ятда мавжуд ижт. меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имкониятини ифодаловчи атама.

Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади. Сиёсий жиҳатдан виждон эркинлигига демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади. Юридик нуқтаи назардан В.э. инсоннинг асосий шахсий ҳуқуқлари сирасига киради ва демократик эркинликлардан бири ҳисобланади. В.э. ҳуқуқи БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1981 й. 25 ноябрда қабул қилинган 36–55-сонли Резолюциясида белгиланган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

В.э. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда (1991 й. 14 июнда қабул қилинган, 1998 й. 1 майда янги таҳрири тасдиқланган) назарда тутилган. Конституцияга кўра, «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон ҳоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга» (31-модда). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Айни вақтда, янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга кўра, динга муносабатидан қатъи назар, фукароларнинг тенглиги таъминланади (4-модда). Ушбу Қонунда таъкидлани-

шича, ҳеч бир дин ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Қонун муайян ёшга етган фуқароларнинг ўз диний эҳтиёжларини қондириш учун диний ташкилот тузиш, олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш тартиб-қоидаларини ҳам белгилаб берган. Айни вақтда, диндан дав. ва Конституцияга қарши тарғибот олиб бориш, миллатлараро адоват уйғотиш, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳам дав., ж-ят ва шахсга қарши қаратилган бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди (5-модда).

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонунда Ўзбекистон фуқаросининг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари янада кенгроқ ифодалаб берилган. Мазкур ҳужжатларда белгиланган қоидалар Ўзбекистоннинг дунёвий демократик дав. сифатида дин ва шахс эркинликларига бўлган муносабатини намоён қилади. Зеро, Ўзбекистонда мустақиллик кўлга киритилганидан кейин барпо этилган миллий дав. бу – дунёвий дав.дир.

ВИКТОРИНА УСУЛИ, викторина (лот. victoria – ғалаба) – ўқувчиларга ўқув материали юзасидан жумбоқли топшириқлар беришга асосланган машғулот тури, билимининг муайян соҳасига доир саволларга жавоб беришга асосланган дидактик ўйин шаклидаги таълим усули.

Викторина тушунчаси 20-а.нинг 20-й.-ларида шаклланган. У таниқли ёзувчи М. Кольцов томонидан асосланган. В. сўзи газета бўлимининг сарлавҳаси сифатида тақдим этилган. Мазкур бўлимга материалларни газета ходимларидан бири – Виктор тайёрлаган эди. Унинг исмидан викторина сўзи келиб чиққан.

Викториналар бир-биридан жараённинг бориши, саволларнинг турлари ва мураккаблиги б-н фарқланади. Шу б-н бир қаторда ғолибларни аниқлаш тартиби, тўғри савол учун рағбатлантиришлар ҳам ўзига хос тарзда кечади.

Викторина – ўйиннинг алоҳида тури бўлиб, унда тўғри жавобларни топишга йўналтирилган ҳаракатлар амалга оширилади. Викторинанинг ҳар хил турлари бир-биридан қоидалари, мавзуси, типлари, саволларнинг мураккаблиги, ғолибларни аниқлаш тартиби ва шартлари б-н ўзаро фарқланади. Тўғри жавоб учун мукофотлаш тури ва қиммати ҳам турлича бўлади.

Викторинанинг интернетда ўйналадиган турлари б-н бир қаторда, стол устида ўйналадиган викторина ўйинлари ҳам мавжуд. Бундай ўйинларда кўплаб таянч ва қўшимча саволлар иштирокчиларга тақдим этилади. Бир жойда ўйналадиган стол ўйинларини танлашда айни бир викторинанинг турли вариантлари тақдим этилади. Улар саволларнинг мураккаблик даражаси б-н бир-биридан фарқланади. Ўйинга қўшимча тарзда тўлдирувчи саволлар ҳам берилади. Бу саволлар викторинанинг тарихи ва саволларнинг келиб чиқиши б-н боғлиқ бўлади.

Сўнгги йилларда викторина дарсларига кенг ўрин ажратилмоқда. Бундай дарсларнинг асосини савол-жавоб ташкил қилади. Викторинанинг пед. қиммати шундан иборатки, билиш майлларида ўйинга қизиқиш, унга берилиб кетиш руҳи мужассамлашган. Викториналар ўқув предметлари ёки дастурдаги муайян мавзулар асосида

ҳам ташкил этилиши мумкин. Бу жараёнда ўқувчилар жамоаларга бирлашган ҳолда ёки якка тартибда ҳам иштирок этишлари мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам дарсларда вақт чегараси б-н боғлиқ ҳолда ўқитувчилар В.у.дан ўқувчиларда муайян мавзу доирасида ҳосил қилинган билимларни умумлаштириш мақсадида фойдаланадилар. Викториналар давомида ўқувчилар саволларга жавоб бериш мақсадида янги билим ва маълумотларни ҳам тақдим этишлари мумкин.

Бугунги кунда ўқитувчилар онлайн В.у.дан фойдаланмоқдалар. Ўқувчилар саволларга жавоб бериш учун зарур материалларни излайдилар ва уларни ўқишга муваффақ бўладилар. Натижада уларда билиш майллари ҳосил бўлиб, билиш имкониятлари кенгаяди.

ВИРТУАЛ ПЕДАГОГИКА – таълимни ахб.лаштириш шароитида замонавий мактабларда билишга оид теледастурлар туркумини инфокоммуникатив техн. га асосланган ҳолда, электрон таълимни фаол татбиқ этиш мақсадида амалга ошириладиган пед. жараён.

Маълумки, таълим муассасаларида дарслар ахб.-коммуникация техн.дан фойдаланилган ҳолда ташкил этилмоқда. Анъанавий ўқитиш тизимида ўқитувчи ўқув топшириқларини доскага бўр б-н ёзиб чиқар, бу вақт ичида ўқувчилар бир-бирлари б-н гаплашиб ўтиришар эди. Улар ўз кундаликларига мунтазам тарзда тузатишлар киритишган. В.п. амал қилаётган шароитда эса ўқувчилар бундай имкониятга эга бўлишмайди. Чунки ўқув жараёни янги техн. ёрдамида амалга оширилади. Натижада дарслар ўқувчилар учун тобора қизиқарли, жозибали бўлиб бормоқда. Ўқитувчилар комп. ёрдамида самарали ишлаш имкониятига эга бўлишмоқда. Улар дарсларга уйда тайёрланишади. Шунинг учун дарсларда вақтни кўпроқ иқтисод қилиш имконияти мавжуд. Улар комп. ва видеопроекторлар ёрдамида ўқув материалларини экранда намойиш қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу жараёнда ўқитувчилар лойиҳа ва тақдимотларни мустақил ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлишмоқда.

Замонавий таълимнинг ўзига хос қулай шаклларидан бири – масофадан туриб ўқитишдир. Муайян сабабга кўра дарс қолдирган ўқувчи аввалларида ўзлаштиришда орқада қолар эди. Замонавий шароитдаэса мазкур муаммо масофадан туриб ўқитиш имкониятининг яратилганлиги туфайли бартараф этилади. Ўқувчилар қолдирган дарслари устида электрон манзиллар орқали ишлайди. Ўқитувчи ўқувчиларни ўтилган дарс ҳақида қаердан материал олиш ва қайси саволларга жавоб бериш лозимлиги ҳақида хабардор қилади. Ўқувчилар эса мавзу устида мустақил ишлашади ва ўзлари бажарган топшириқларни электрон манзил орқали ўқитувчига юборишади. Бу соҳада видеоалоқа имкониятларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

ВИРТУАЛ СТЕНДЛАР – ҳақикий объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг электрон модели. В.с.ни яратишдан асосий мақсад – техник мутахассислар тайёрлаш жараёни самарадорлигини таъминлашдан иборат. Стендлар шахсий комп. лар таркибида яратилиб, термодинамика, теплотехникага оид и. т.лар натижаларига таянади. Улар ёрдамида ўрганилган илмий назариялар, маълумотлар ҳаётий ҳақиқатга якинлаштирилади. Шунингдек, улардан кенг кўламда ўзгарувчан шароитларда фойдаланиш назарда тутилади. Техника ва техн. соҳасидаги мутахассисларни ўқув режасига мувофиқ келадиган ўқув фани бўйича ўқув дастурлари асо-

сида ўқитиш, талабаларнинг илмий изланишларни амалга оширишларини ташкил этиш, ўқув лаб.ларида бўлгани каби интернет ёрдамида техн.дан фойдаланишга ўргатиш максадида қўлланилади.

В.с.нинг ахб.ларни мобил тизими қуйидагиларни ўзида мужассамлаштиради: ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг иш жойи; маълумотлар базасини тўлдириш тизими; масофавий иш жойи. Мазкур тизим В.с.ни ўзида сақлайди. У ҳақиқий лаб. жиҳозларига мувофик келади. В.с.нинг дастурий лаб. жиҳозларини ифодаловчи мат. моделларининг тасвирловчи бирликлар, лаб. жиҳозларининг ўзаро алоқаси, элементлари, ҳолати орасидаги алокадорлик ва уларни бошқариш тизимининг тасвиридан иборат бўлади.

В.с. – ахб.ларни кўргазмали тарзда тақдим қилишнинг услубларидан бири ҳисобланади. Унинг афзаллиги шундаки, бунда таълим жараёни субъектларининг вақти тежалиб, ахб.ларни ўзлаштириш кулайлиги таъминланади. Уларни пед. ф-ят жараёнида қўллаш натижасида ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган кизикишлари ортади.

В.с. мультимедиа воситаси сифатида пед. жараён субъектлари учун алоҳида кулайликка эга. Чунки у ахб.ларни тақдим этишнинг энг қулай ва кенг тарқалган воситасидир.

ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ – ўқув жараёни субъектларининг ахб.-коммуникатив техн.и ёрдамида вужудга келган ҳамкорлиги. В.т.ахб.-коммуникатив техн.ни амалиётга татбиқ этиш орқали анъанавий ўқув жараёнини масофавий таълимга алмаштираётган ўқув муассасалари сони ортиб боради. Чунки кўпчилик ўқувчи ҳамда талабалар ўзларининг шахсий комп. ларига эга. Шунинг учун ҳам уларда ўқув материалларини интернетдан олинган ахб. лар ҳисобига бойитиш имконияти мавжуд. Чунки ўқувчилар ва талабалар турли китоблардан ахб.ларни излашдан кўра уни интернетдан олишни афзал кўришади.

В.т. муҳити тушунчаси кенг кўламли бўлиб, у ахб.ли таълим муҳити тушунчасидан келиб чикади. Бу ўқув жараёни амалга ошириладиган умумий тарздаги таълим майдонидир.

Виртуал ўқитиш муҳити – комп. воситалари ва техн.и мажмуи бўлиб, субъектлар орасидаги алоқа ва таълим муҳитини бошқаришни амалга оширишни англатади. В.т. муҳити – жадал ривожланувчи, кўпдаражали, кўпвазифали тизим бўлиб, бир қатор ҳолатларни мужассамлаштиради. Улар: 1) ўқув жараёни субъектлари ҳамкорлиги учун хос бўлган пед., дидактик, мет.техн.; 2) ахб. ресурслар: маълумот ва билимлар банки, кутубхоналар, электрон ўқув материаллари; 3) замонавий дастурий воситалар: дастурий воситалар, электрон алоқа воситалари ва б.

В.т. муҳитининг вазифалари: а) ахб. ли ўргатувчи, унинг таркибига зарур ўқув ахб.лари киради; б) алоқа ўрнатувчи, бунда диалог ўқув жараёни иштирокчилари орасида амалга оширилади; в) назорат килувчи-бошқарувчи, БКМни назорат килиш ҳамда бошқаришга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

В.т. – таълим жараёни субъект ва объектлари орасидаги ҳамкорликнинг натижаси бўлиб, В.т. таълим муҳитини яратиш орқали бошқарилади. Унинг ўзига хос жиҳатларини таълим жараёни субъектлари ва объекти белгилайди. В.т. жараёнининг мавжуд бўлиши ўқитувчи, ўқувчи ва таълим объектларининг ўзаро алоқасисиз амалга ошмайди. В.т. муҳити ўқув жараёни иштирокчилари бўлган объект ва субъектлар ёрдамида вужудга келади.

Янгича характердаги ўқув жараёнида таҳсил олиш мавжуд таълим шаклларига зид тарзда амалга оширилмайди. Мавжуд таълим анъаналарини инкор килмайди, аксинча, мазкур тизимни тўлдиради, ривожлантиради ва янги анъаналар б-н бойитади.

ВИРТУАЛ ЎҚУВ КУРСИ – айрим фан бўйича тайёрланган ўқув материаллари тўплами.

ВИРТУАЛ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИ – ўрганилаётган объект, воқеа-ҳодиса, жараёнларни тушунтириш ва тушуниш учун қулайлаштирилган ҳолатда тасвирлаш ҳамда ифодалаш асосида тайёрланган ўқув воситаси. Улар комп. воситасида турли фан ва мавзуларга доир анимациялаштирилган, мультипликациялаштирилган, реал ёки стиллаштирилган тасвирлар кўриниши ҳамда зарур бўлган овоз, мусиқа иштирокида тайёрланади.

ВИТАГЕН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ – таълим олувчилар шахсининг ҳаётий тажрибаларини фаоллаштириш, уларнинг интеллектуал-руҳий қувватларини ўқув максадларига йўналтиришга хизмат қиладиган таълим техн.и. Бу жараёнда ўқувчиларга тақдим этиладиган витаген ахб.лар пед. инструментарийга айлантириш усул ва мет.ларидан фойдаланилади. Витаген таълим – дидактиканинг йўналишларидан бири бўлиб, таълим олувчиларда мавжуд бўлган ижт. тажрибаларни долзарблаштириш асосида ташкил этилади. Бунда шахснинг витаген тажрибасидан таълимий максадларда боскичма-боскич фойдаланиш назарда тутилади. Витаген таълим – шахснинг ҳаётий тажрибасини долзарблаштиришга қаратилган ўқитиш тизими бўлиб, унинг интеллектуал-руҳий кувватларидан таълимий максадларда фойдаланишни назарда тутади.

Анъанавий таълим тизимида билимларни узатиш ва ўзлаштириш жараёни амалга ошади. Ўқитувчи билимларни ўқувчиларга узатади, улар эса билимларни ўзлаштирганликларини намоён киладилар. Бундай вазиятларда жараён марказида билимларни узатиш туради. Ушбу жараёнва шу асосдаги тескари алока асосий пед. кадрият ҳисобланади. Бундай ўзаро муносабатнинг салбий жиҳати шундаки, ушбу тизимда билимлар кадриятга айланмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчи ўқув жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида баҳоланмайди. Чунки у алоҳида кимматга эга бўлган билимларнинг ташувчисига айланмайди. Бу ўринда билимлар, асосан, максадга эришиш воситаси сифатида хизмат қилади. Бирок кам даражада кадриятларни ўзлаштириш имкониятига айланади. Ўқувчи ўзи учун шахсий аҳамиятга эга бўлган билимларни ўзлаштиргандагина улар ҳақиқий кадриятга айланади. Ўқувчи ўзи ҳис этган, билган ва амалий ф-ятида қўллай оладиган билимларгина улар учун алоҳида аҳамият касб этади. Шундай билимлар ўқувчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланади. Шу тарика, шахснинг ҳаётий тажрибасига таянган ҳолда таълим жараёнида тақдим этилган билимларни кадриятга айлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Витаген ахб.ларни пед. инструментарийга айлантиришнинг дастлабки шарти ўқувчиларда илмий билимларга нисбатан кадриятли муносабатларни, иккинчи шарти эса ўқувчиларда билмасликка нисбатан кадриятли муносабатларни шакллантиришдан иборат. Билмаслик муайян ахб.ларга эга бўлмаслик демакдир. Бу ўринда билмасликни англаш орқали таълим жараёнида тақдим этилган билим ва ахб.ларни билишга интилиш назарда тутилади.

ВОЛЮНТАРИЗМ (лот. – voluntas – ирода) – фал., пед. ва психологиядаги инсон иродасининг устуворлиги ғоясига таянадиган таълимот. В. атамаси 1883 й.да немис файласуфи Ф. Тённис томонидан илмий муомалага киритилган. В.нинг етук вакили А. Шопенгауэр воқеа-ҳодисаларнинг асосини ташкил қилган нарса бирламчи, ҳеч нимага боғлиқ бўлмаган «оламий ирода»дир, деб даъво қилади. Унинг фикрича, барча тирик мавжудотларни ҳаракатлантирувчи куч – стихияли инстинктив характерга эга бўлган «яшашга интилиш иродаси» б-н белгиланади. Онгли ирода кўр-кўрона, инстинктив индивидуал ирода маҳсулидир. В.га хос қарашлар ўрта асрларда Августин, Дунс Скотт таълимотларида ҳам яққол ифодаланган.

В. таълимотида инсоннинг иродаси биринчи ўринга қўйилади. Қад. давр фал.сидаги ақл-идрок, рационализмдан фарқли равишда ўрта аср фал.сида, мас., А. Августин таълимотида ирода биринчи ўринга чиқади. Унинг фикрича, барча инсонлар иродадан иборатдир. А. Шопенгауэр амалий идрокни илгари сурган И. Кант фал.сига таянса ҳам, лекин ундан фарқли равишда иродашинг ақл-идроқдан устунлигини ёқлаб чиқди ва бу б-н Кант фал.си, классик фал.дан ўзгача йўл тутди. Ф. Ницше ҳам Шопенгауэр таъсирида фал.нинг марказига инсон иродасини қўяди. Лекин унинг талқинида ирода ҳокимликка интилишни билдиради. Ҳокимликка эришиш учун иродани ишга солиш инсон ф-ятининг ҳал қилувчи ҳамда энг асосий қобилиятидир, деб талқин қилинади. У мутлақ ҳокимликка, ҳокимиятга эришиш учун ўта кучли ирода эгалари бўлган «олий шахс»га сиғинишни фал. асослашга уринади. Тарихий жараёнларнинг объектив қонуниятларига риоя қилмасдан, жамоатчилик б-н ҳисоблашмасдан, ўзбошимчалик б-н сиёсат юритиш, ўз ҳоҳиш-иродасини ҳамма нарсадан юқори қўйиш ҳам В.нинг бир кўринишидир.

В. руҳий жараёнларнинг кечишини ифодалайди. Инсон ҳаётида ироданинг устуворлиги ғояси антик дунёкараш маҳсулидир. Инсоннинг асосий маънавий қуввати унинг ақл-идроки ва тафаккурида намоён бўлади. Ирода инсон қалби ва жисмининг ҳаракатларини бошқаради. Уни қалбан ўз-ўзини англашга ундайди. Инсонга хос бўлган ҳаракатнинг мақсади ва усулларини мустақил танлаш имконияти ҳамда унга эришиш, шунингдек, қарорлар қабул қилиш лаёқати унинг шахсий ва қатъий эътиқодини ифодалайди. В. ушбу ҳодисалар орқасида турувчи ҳаракатларнинг самарасини изоҳлайди.

ВОРИСЛИК (араб. – меросхўр, мерос қилиб олувчи) – умумфал. тушунча, воқеа ва ҳодисаларнинг тадрижий боғланишини ифодалайдиган атама: 1) табиат, ж-ят ва билиш тараққиёти жараёнида ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик; ж-ятда ижт. ва маданий қадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтиши ҳамда ўзлаштирилиши; анъаналарнинг амал қилишини англатади.

Пед. соҳасида В. – фан тараққиётининг бир босқичи (даража)дан иккинчи босқичи (даража)га ўтишининг асосини ташкил этади. Бунда вужудга келган ва бойитилган билимлар пед. тафаккур тараққиётининг зарур шарти ҳисобланади.

В. – тарихий тараққиёт жараёнида янги пед. билимлар б-н эскилари ўртасида вужудга келадиган зарурий, қонуний алоқа ва боғланиш усулидир. Бу қонуният диалектик алоқадорликдан эски таълим-

т-явий қарашларнинг янгилари томонидан инкор қилиниши ва ривожлантирилишининг маҳсулидир. Бу ўринда ривожланиш эски пед. билимларни инкор қилишдан эмас, балки аждодларимизнинг бу соҳада эришган ижобий ютуқларини бойитган ҳолда ривожлантиришдан иборат. Шу асосда пед. фикрлар тараққиётидаги В. вужудга келади.

В. бир томондан, ўтмишда пед. ва таълим-т-я соҳасида эришилган барча ижобий ютуқлар, улардан кейинги авлоднинг фойдаланиши, ўзлаштиришида намоён бўлиб, иккинчи томондан, эришилган барча ютуқларнинг кейинги давр талаблари нуқтаи назаридан танқидий баҳоланиши ва ижодий жиҳатдан қайта ишланиб, бойитилишида ўз аксини топади.

Пед. соҳасида В.нинг тадрижий жиҳатдан ривожланувчи шакллари мавжуд. Бундай В. пед. билимлар тараққиётининг зарур шартидир.

В. муаммоси Ўрта Осиё файласуфлари ва айниқса, суфийлик таълимоти намояндалари томонидан кенг қўлланилган. В. тушунчаси моҳиятининг ҳар томонлама назарий таҳлилини Гегель тараққиётнинг диалектик концепцияси асосида кўрсатиб берган. Гегелнинг «кўчириб олиш» жараёнида В.нинг конунийлиги ҳақидаги хулосаси унинг «Логика (мантиқ) фани» асарида баён этилган.

Пед. қарашлардаги В. ўтмишдаги ёндашувлар, тажрибаларга таянган ҳолда пед. ни янги босқичга кўтариш ва бу соҳадаги назарий ва амалий билимларнинг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Худди мана шу узлуксизлик таълим-т-янинг тараққиёти, унинг шаклан ва мазмунан такомиллашишини таъминлайди. Пед. билимлар орасидаги В.ни чуқур англаш, у б-н боғлиқ ҳолда шахс тафаккури ва ж-ят ҳаёти тараққиётини таҳлил қилиш, ўтмишдаги пед. меросга тўғри ва холисона муносабатда бўлиш имкониятини яратади. Пед. билимларнинг узлуксиз ривожланиши ж-ят тараққиётининг илк даврларидан ҳоз. кунгача узлуксиз давом этмоқда. Худди мана шу жараёнда инсон тафаккури мукаммаллашди ва юксак илмий ютуқларга эришди. Ж-ят ҳаёти эса маданий-маънавий жиҳатдан юксалди, шахслараро муносабатлар янги тараққиёт босқичига кўтарилди.

Мустақиллик йилларида ж-ятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданоқ миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, аждодларимиз тафаккури ва даҳоси б-н яратилган бебаҳо илмий, маданий-маърифий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ҳамда бойитиш, авлодлар ва аждодлараро В.ни таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. В. ҳаракатлари пед. фанини ривожлантириш б-н бир қаторда, замонавий талабларга жавоб берадиган баркамол авлодни шакллантириш, илмнинг мазкур соҳасини келажакда самарали ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишни назарда тутади.

Баркамол авлод шакллантириш концепциясининг муҳим хусусияти шундаки, у халқимизнинг энг гўзал ва олийжаноб анъаналари, тарихий-маданий қадриятлари ва гносеологик тажрибаларига таянади. Бу ўринда миллий т-явий жараёнлардаги тадрижийлик, узвийлик ва В. таъминланади.

Роҳат Сафарова

ВУНДЕРКИНД (нем. wunderkind – ажойиб бола) – зўр ва фавқулодда ноёб қобилиятлари, ф-ятнинг бирор турига лаёқатини барвақт намоён этувчи бола. В. сўзи киноялы маънода ҳам ишлатилади. Бундай болалар таълим тизимида тан олинган бўлиб, ўз тенгдошларига

нисбатан интеллектуал жиҳатдан анча ривожланганлиги б-н ажралиб туради. Улар ўз лаёқатларини жуда эрта намоён этади. Уларнинг бундай лаёқатлари интеллектуал ф-ятнинг ҳар қандай турида намоён бўлиши мумкин. Мас., мат., тасвирий санъат, мусика, комусий билимларни ўзлаштириш, чет тилларини ўрганиш каби соҳаларда. Шахмат соҳасида иқтидорга эга бўлган болалар жуда эрта чемпионлик унвонига сазовор бўлишади. Мусиқий иқтидор эгалари эса турли халқаро танловларда ғолиб бўлишлари мумкин. Бундай болаларнинг иқтидорлари махсус тестлар ёрдамида аниқланиб, уларнинг интеллект коэффициентлари баҳоланади. Бироқ сўнгги йилларда бундай тестларнинг чекланганлиги болаларнинг интеллект даражасини белгиловчи мутахассислар томонидан аниқланмоқда. Иқтидорли болалар кўплаб имкониятларга эга. Уларнинг бундай иқтидорларини ДТС талаблари асосида ташкил этиладиган таълим жараёнида тўлақонли намоён қилиш имконияти чекланган. Шунинг учун ҳам кўплаб ривожланган мамлакатларнинг мактабларида иқтидорли ўқувчилар б-н ишлаш дастурлари мавжуд.

Бугунги кунга қадар психологияда иқтидорлиликнинг табиати ҳақида умумий тарздаги илмий тасаввур мавжуд эмас. Иқтидорликнинг табиатини изоҳловчи икки хил ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашув доирасида ҳар бир инсоннинг ўзига хос тарзда иқтидор эгаси эканлиги таъкидланади. Мазкур ёндашув илмдаги инсонийлик тенденциясини ифодалайди. Ушбу ёндашув узлуксиз таълим тизимининг ғоявий негизини ташкил қилади. Шу асосда ҳар бир боланинг ўз лаёқатларини ривожлантириш ҳуқуқига эгалиги тан олинади. Мазкур ёндашув доирасида иқтидорлилик тушунчасини тавсифлаш учун иқтидорнинг ўзига хос жиҳатларини билиш зарурлигини англашилади. Боланинг иқтидорига қалит топгандагина уни самарали ривожлантириш мумкин. Бундай нуқтаи назардан ёндашганда иқтидорли болаларни аниқлаш мантиқий асосга эга эмас.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, иқтидорли болалар улғайганларида ўзларининг барча лаёқатларини сақлай олишмайди. Бу, биринчи навбатда, болаларнинг ўз тенгдошлари б-н мулоқотга киришишлари учун номувофиқликнинг мавжудлигидадир. Бундай болаларни аксарият ҳолларда педагоглар ҳам тўғри тушуниб етишмайди.

Иккинчи ёндашув иқтидорли болаларнинг олий неъмат эканлигини таъкидлайди. Бундай ёндашув доирасида иқтидорли болаларни аниқлаш алоҳида долзарблик касб этиб, иқтидорлиликни истиқболда ривожлантириш масаласини шубҳа остига қўяди. Бундай ҳолат иқтидорли болаларга тааллукли бўлиб, келажакда улардан ижодкор, интеллектуал ривожланган етук мутахассисларни тайёрлашга хосдир. Иқтидорли болаларни аниқлаш ва ривожлантириш б-н боғлиқ муаммони кенг муҳокама қилиш ва пед.-психологик жиҳатдан батафсил тавсифлаш эҳтиёжи мавжуд. Бундай болалар б-н ҳамкорлик қилиш, уларнинг иқтидорларини баҳолаш учун кенг кўламли башоратлаш ва ташхислаш мет. ларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Роҳат Сафарова

Г

«ГАЛЕРЕЯ» МЕТОДИ (фр. – galerie – пешайвон, бостирма) – кичик гуруҳларда бирданига бир нечта масалани муҳокама қилиш имконини берадиган усул. Бунда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси барча таклиф этилган масалалар муҳокамасида иштирок этиши ва унинг ечимига ўз ҳиссасини қўшиши талаб этилади. Бу усул бир нечта босқичда амалга оширилади: 1) масаланинг қўйилиши. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳга маълум муаммо ёки масалани беради; 2) ҳар бир гуруҳнинг ўз олдига қўйилган масала устида ишлаши. Масалалар устида ишлаш кичик гуруҳларда амалга оширилади. Бунинг учун, одатда, 5–10 дақиқа вақт сарфланади; 3) ҳар бир гуруҳ иккинчи гуруҳнинг олдига қўйилган масалани етказишга ўтиши. Ҳар бир кичик гуруҳ ўз ғояларини ёзган катта варақни олмасдан доира бўйлаб силжийди. Вариант сифатида гуруҳ силжиши ўрнига доира бўйлаб ишланган ғоялар ёзилган катта варақни узатиш мумкин; 4) ҳар бир гуруҳ иккинчи гуруҳ олдида масалани охиригача ечиши. Ҳар бир кичик гуруҳ иккинчи гуруҳнинг варақада ёзилган ғояларини ўрганади; олинган жавобдан қониқмаганларини сўроқ белгиси б-н ажратиб кўрсатади; айни гуруҳ таклиф қилаётган ечим бўйича ўз фикрларини ёзади. 5 дақиқадан кейин гуруҳлар доира бўйлаб кейинги кичик гуруҳга ўтиб, яна ўзаро ўрин алмашадилар. Силжишлар сони кичик гуруҳлар (қўйилган масалалар) сонига тенг бўлиши лозим; 5) ҳар бир гуруҳнинг ўз олдига қўйилган масаласига қайтиши. Масаладан масалага доира бўйича ўтиш давомида ҳар бир кичик гуруҳнинг ўз олдига қўйилган дастлабки топшириқ устида ишлашга қайтиши б-н якунланади; 6) тақдимот ва олинган натижаларнинг муҳокама қилиниши. Ҳар бир гуруҳ навбат б-н ўз варақаларида тўпланган натижалар, ғояларни тушунтириш ва шарҳлаш асосида тақдимот қилади. Бошқа гуруҳлар эса айни шу варақадаги ўзлари томонидан ёзилган ечимларни тушунтиради ва шарҳлайди. Зарурият туғилганда ғояларни умумий гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш мумкин.

ГАРМОНИК РИВОЖЛАНИШ (юн. harmonia – боғланиш, мутаносиблик, уйғунлик) – шахснинг жисмоний ва маънавий сифатларини уйғун тарзда ривожланиши, унинг тафаккури, хатти-ҳаракатлари ҳамда ф-ятининг турли қирраларини қатъий тарзда мувофиқ бўлиши. Г.р. пед.нинг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Гармоник т-я ва ривожланиш ҳақидаги таълимотлар антик даврдан буён тарихий шароитларнинг қандай бўлишидан қатъи назар инсоннинг идеал ҳолати тариқасида талқин этиб келинади. У инсонга хос сифатларнинг уйғунлигини ифодалайди. Бу эса, ўз навбатида, инсон ақли, иродаси ва ҳиссиётларининг ўзаро уйғунлигини белгилайди.

Пед. нуқтаи назардан гармония шахс ривожланишининг муайян даврида руҳий жараёнларнинг ўзаро мутаносиблигини англатади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида шахснинг интеллектуал, маънавий, маданий, жисмоний тараққиётининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш орқали уни ҳар томонлама ривожлантириш назарда тутилади.

Г.р. нафақат инсоннинг ижт. мавжудлиги ва сифатларини белгилайди, у инсоннинг ж-ятда мавжудлиги, унинг ижт. хусусият ва сифатлари мажмуини ҳам намоён қилади. Бу хусусият ва сифатларни инсон таълим-т-я ва ҳаётий ф-яти жараёнида эгаллайди. Таълим-т-я ва ҳаётий ф-ят жараёнида ҳар бир шахснинг уйғун ривожланиш жараёнида миқдор ва сифат ўзгаришлари вужудга келади. Бу инсоннинг етуклигини таъминлайди. Шу б-н бир қаторда, унинг асаб тизими ва руҳияти ҳам такомиллашади, билиш ва ижодий ф-ят кўлами кенгаяди ва ривожланади. Натижада унинг дунёқараши, ахлоқий сифатлари, ижт. нуқтаи назари ва эътиқоди бойийди.

Ж-ятдаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар, иқтисодиётнинг ривожланиши инсоннинг ўқиш, билим олиш ва меҳнат қилишга бўлган муносабати ўзгариши баробарида ёшларни Г.р. масаласини янада долзарблаштиради. Натижада мактаб таълими давридаёқ ўқувчилар ўз касбий танловлари ва улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб боради. Бироқ уларнинг ўз ҳаёт йўлларини тўғри танлашларига кўмаклашиш, ота-оналари, ўқитувчилар ва мактаб маъмурияти зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

ГАСПРИНСКИЙ (Гаспрали) Исмоилбек (1851.21.3, Боғчасарой якинидаги Ажикўй кишлоғи – 1914.11.9, Боғчасарой) – жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, маърифатпарвар-педагог. Г. кишлоқ мусулмон мактаби, Оқмачит (ҳоз. Симферополь) гимназияси ва Воронеж, Москва кадетлик корпусида таҳсил олган (1864–67). Кримга қайтгач, рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1867–70). Истанбул ва Сорбонна (Париж) ун-тларида ўқиган (1871–75). Жазоир, Тунис, Миср, Грецияда бўлган. Г. «Русия мусулмонлиги» (Симферополь, 1881) деб номланган илк рисоласида Европа цивилизациясидан кўр-кўрона андаза олишга қарши чиқиб, уни танқидий қабул қилган ҳолда, мусулмонларни илм-фанни эгаллашга ундаган. Г. Россия мустамлакасидаги барча мусулмон халқлар маорифини тубдан ислоҳ қилиш, дунёвий фанларни ўқитиш масаласига алоҳида эътибор берган. Боғчасаройда дастлабки «Усули жадид» (янги усул) мактабини очган (1884). Туркистон генерал-губернатори Н. О. Розенбахга мусулмон мактабларини ислоҳ қилишга доир лойиҳасини тақдим этган. Рад жавобини олгач, 1893 й.да унинг ўзи Туркистонга келган, Бухоро, Самарқанд, Тошкентда бўлиб, тараққийпарвар зиёлилар б-н учрашувлар ўтказган. Г. таълим олишда ўғил болалар б-н қизларнинг тенг ҳуқуққа эга эканлигини таъкидлаб, аёллар учун бошланғич ва касбий таълим мактабларини очган. Ўзи очган таълим муассасаларида Г. умумпед. ҳамда методик принципларидан фойдаланган. Мазкур принциплар рус пед.сида ишлаб чиқилган бўлиб, халқона т-я, таълим ва т-я бирлиги, БТнинг она тилида амалга оширилиши кабилардан иборат.

Г. жадидчилик ғояларини кенгроқ ёйиш учун «Таржимон» (1883 й. 10 апр.), «Миллат» (1908), «Болалар олами» (1908–15), «Уйғониш» (Қоҳира 1908, араб тилида) газеталари, «Аёллар олами» жур.и (1908–10), «Ха-ха-ха!» ҳажвий ҳафтаномасини чиқарган. Жадид мактаблари учун «Хўжаи сибён» («Болалар муаллими») дарслиги, «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» (1898) китобини ёзган.

Г. товуш усулига асосланган савод ўргатиш дарслигини ёзган. У мактабларга рус тили, мат., геогр., тарих,

табиатшуносликка оид бошланғич маълумотларни тақдим этувчи ўқув фанларини киритган. У янги усулдаги мактабларда араб ва турк тилларини ўргатиш тарафдори бўлган. Г. синф-дарс тизимига алоҳида эътибор қаратган. У ўқитишнинг синфдан ташқари шакллари бўйича имтиҳонлар қабул қилишни бошлаган. Г. томонидан тузилган ўқув режалари рус БТ мактабларининг оммалаштиришга асосланган. Г. ўзининг пед. ва методик қарашларини дарсликларга татбиқ қилган («Учитель ребенка» – Боланинг ўқитувчиси, 1888; «Турецкая хрестоматия» – Турк хрестоматияси, 1894 ва б.). Шунингдек, «Книга для учителей» (Ўқитувчилар учун китоб, 1896) методик қўлланмасида ҳам ўз ғояларини ёритган. Г. ўз китобларида мумтоз ад., халқ оғзаки ижоди намуналари, эртак ва миниатюраларни жойлаштирган. У мусулмон ўқув-методик мажмуаларида кўрсатмалар мет.идан фойдаланган.

«Дор ул-роҳат мусулмонлари» илмий-фантастик асари, «Юз йилдан сўнг. 2000-сана» бадиий-публицистик романи, «Туркистон уламоси» китобининг муаллифи.

ГЕГЕМОНЛИК (юн. hegemonia – раҳбарлик, ҳукмронлик) – ҳукмрон бўлиш, бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга интилишга асосланган хатти-ҳаракат. Г. – шахслараро тенг ҳуқуқлиликнинг инкор этилишидир. Пед. жараёнда ўқитувчи гегемонлиги ҳамда муайян ўқувчиларнинг синфдошлари орасидаги ҳукмролигидан воз кечиш шахсга йўналтирилган дўстона пед.нинг муҳим талабларидан биридир.

Пед. соҳасида таълим-т-я жараёнида устунликка эришиш, ўз ҳукмини ўтказишни англатувчи атама. Таълимдаги Г. ўз моҳиятига кўра ўқув жараёнида баркарорлик ва дўстона муносабатларни йўлга қўйиш ёки уни мустаҳкамлашга қаратилган интилишларга зид ҳодиса бўлиб, таълим муассасасидаги баркарорлик ва пед. жараёнларни издан чиқаради. Айрим ўқитувчилар ва синфдаги баъзи ўқувчиларнинг устунликка эришишга интилишлари ўқув-т-я жараёнида салбий окибатларнинг вужудга келишига асос бўлади. Г. бирон-бир кудратли кучнинг манфаатларини устувор даражада, бир томонлама таъминлаш мақсадини кўзлаганлиги сабабли у бошқа томоннинг манфаатларига зид бўлиб, пед. жараёнлар ривожланишига путур етказади. Натижада ўқувчилар орасида ҳукмрон ўқитувчи ёки синфдошларига нисбатан нафрат ва қарама-қаршилик ҳисси кучаяди.

Шахсга йўналтирилган концепцияга асосланган ҳолда ўқув-т-я жараёнини ташкил этиш орқали пед. тизимдаги Г.ка барҳам бериш имконияти вужудга келади.

ГЕДОНИЗМ (юн. hedone – роҳат, ҳузур, лаззатланиш) – ҳузур-ҳаловат, лаззатланишга интилиш инсоннинг олий мақсади деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот. Унга кўра, ҳузур-ҳаловатга интилиш инсонга табиатан хос, унинг бутун хатти-ҳаракати, мақсади шунга қаратилган. Г. бахт-саодатга эришиш ахлоқнинг асоси деб таълим берувчи эвдемонизмдан фарқланади. Г. юнон фал.сида кенг тарқалган бўлиб, унинг асосчиси Аристипп Киренский ҳисобланади. Кирен мактаби вакиллари лаззатланишни инсон ҳаётининг бирдан-бир мақсади сифатида талқин қилиб, хулқ-атворидаги ахлоқий беқарорлик ва тубанликни шахсий фазилатлар тарзида тарғиб қилган. Эпикур бахтли ҳаёт руҳий хотиржамликдан иборат деб ҳисоблаган. Берунийнинг фикрича, ҳақиқий лаззатланиш – бу илм лаззат-

ти, чунки қанча кўп илмга эга бўлмайлик, у инсонни қаноатлантирмайди, унга янада кўпрок эҳтиёж сезади, ўзидан бездирмайди. Бошқалари эса вақтинча, нисбий, бекарордир. Шундай экан, илмдан ташқаридаги эҳтиёжларни қондиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар ҳақикий лаззатланиш бўла олмайди.

Европада Уйғониш даврида гедонистик таълимот ривожланган. Инсон ўзининг табиий эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун интилишга ҳақлидир деган ғоялар илгари сурилган. Кант Г.га карши чикиб, уни соғлом акл маҳсули эмас, балки ақлга зид ҳиссий туртқилар ҳосиласи, деб баҳолаган. Ахлоқ-одоб соҳасининг вакили Г. Уильяменинг фикрича, айрим шахслар лаззатланиш мақсадида одамларга нисбатан зўравонлик ишлатмасликлари лозим, акс ҳолда, уларнинг ҳаракатлари умуминсоний ҳуқуқ, ахлоқий меъёр ва тамойилларга зид бўлади. Г. гояси янги давр утилитаризмида ўз ифодасини топган.

Аристипп инсон рухининг икки ҳолатини – роҳатланиш ва огриқни фарклайди. Биринчисига юмшоқлик ва майинлик хос бўлса, иккинчиси кўпол ва рухиятнинг кучли силкинишларидан иборат. Унинг фикрича, инсон огриқдан қочиши ва иложи борича роҳатланишга интилиши окибатида бахтга эришиши мумкин, жисмоний эҳтиёжларни қондириш эса инсон ҳаётининг мазмунмоҳиятини ташкил этади. Бу таълимотга биноан ҳузур-ҳаловат, роҳатланиш бахш этмайдиган ҳаракатга эътибор қаратиш ва куч сарфлаш арзимайди. Дарҳақиқат, инсон ҳаётини роҳатланиш ва танага завқ бериш сифатида талқин этиш маълум асосга эга. Роҳатланиш бир канча омиллар орқали ҳис этилиши ва моҳияти жиҳатдан турлича бўлиши мумкин: а) шахснинг ўз устида ишлаши натижасида бирон-бир нуқсонни бартараф этиши; б) бировнинг тазйики ва таъсиридан қутулиш; в) бирон-бир эзгу ишни амалга ошириш орқали инсоннинг юксаклигини намоён қилиш; г) ўз-ўзини намоён этиш.

Роҳатланиш инсоннинг жисмоний ёки рухий зўриқиш ҳолатининг мўътадиллашуви, зарур ҳаётий функцияларининг тикланишида ифодаланади. Г. роҳатланишнинг айнан ана шу талқини негизида кейинчалик юзага келади. Г.нинг моҳияти йиллар давомида ўзгариб ва ривожланиб борган. Натижада Г. ҳақидаги барча маълумотлар психологик ва ахлоқий-этик Г.га ажратилган. Г.нинг психологик талқинида инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч – завқланиш ва роҳатланишга интилиш, дея эътироф этилади. Ахлоқий-этик Г. эса инсон ўзининг ёки ўзга кишиларнинг роҳатланиши учун яшаши керак деган ғояни тарғиб этувчи турли хил фал., ахлоқий, пед. ёндашувларни ўзида мужассамлаштирган. Мас., Г.ни роҳатланиш сифатида тарғиб этувчи ёндашувлардан бирининг асосчиси Эпикур инсоннинг ётсираш ва жирканишдан халос бўлиши – хоҳиш-истакларни қондириш демакдир, деб талқин этади. Бу ёндашувда инсон эҳтиёжларининг қондирилиши эмас, балки азоб ва бахтсизликдан халос бўлиш мақсади ифода этилган.

Инсон ҳаётини гедонистик ёндашув асосида талқин қилиш фал. тарихида марказий масалалардан бири бўлиб келган ва кўплаб файласуф-мутафаккирлар ижодида ўзига хос тарзда ифода этилган. Айниқса, Уйғониш даври (17–18-а.) фал.-ахлоқий таълимотида (Т. Гоббс, Б. Спиноза, Д. Юм, К. А. Гельвеций) Г. гояларини тарғиб қилувчилар бўлган.

Француз файласуфи И. Бентамнинг ёзишича, «Табиат инсонни икки асосий борлик: азоб ва роҳат гирдобига туширган. Улар бугун биз нима қилишимиз ва эртага нима б-н шуғулланишимизни белгилаб беради. Ҳатто ҳақиқат ва ёлғон, сабаб ва окибат мезонлари ҳам ана шу икки асосий негизга таянади».

Г. таълимотида инсоннинг майл ва эҳтиёжлари ж-ятда ўрнатилган ижт. меъёрларга қарама-қарши қўйилади, инсон эркинлигини чекловчи ва унинг ўзига хос хусусиятларини намойиш этишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ижт. шарт ва меъёрлар инкор этилади. Г. таълимотининг ижобий жиҳати шундаки, у ўрта асрлар фал.сида диний догматизмга, ахлоқни соф диний талқин этилишига қарши чиққан эди. Ҳоз. даврда ҳам инсоннинг ҳаёт мазмуни шахсий эҳтиёжларни қондиришдангина иборат, деган ғояни ёқлаб чиқадиганлар оз эмас. Улар бу йўлда мавжуд ижт. қонун-қоидаларга беписандлик б-н қараш, ҳатто уларни инкор этишгача боради. Замонавий гедонистларнинг «Ишлагинг келмаса – ишлама, энг яхши нарсага эга бўлмоқчимисан, уни кўлга кирит» шиори уларнинг ҳаёт мазмунига айланган. Бундай қарашларнинг маънавий қадриятларга зид жиҳати шундаки, гедонистлар ҳар қандай йўл б-н роҳатланишга эришади, бу йўлда бошқалар манфаатини суиистеъмол қилади, ж-ят талабларини назар-писанд қилмайди, умрини айш-ишрат б-н ўтказишга интилади. Айниқса, катта шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларга хос бўлган турмуш тарзи гедонистик қарашларнинг кенг тарқалишига имкон яратади. Айрим олимлар Г.нинг моҳиятини инсоннинг жинсий майллари б-н боғлиқ ҳолда талқин этишга интилади. Уларнинг назарида, жинсий роҳатланиш асосида юзага келадиган ҳиссиётлар жинсий майлни янада кучлирок қондиришга ундайди ва шу тарика асосий эътибор факат роҳатланиш, лаззатланишга қаратилади. Шунинг учун ҳам ўқувчи ҳамда талабаларни Г. қарашларнинг асл моҳиятидан хабардор қилиш, уларга инсонга лаззат берувчи асосий нарса билим олиш, ўз-ўзини мунтазам ривожлантириш, ж-ят манфаатлари йўлида хизмат қилишдан иборат эканлигини тушунтириб бориш лозим. Бу соҳада аждодларимиз мероси ва тажрибасидан унумли фойдаланиш максадга мувофикдир.

Роҳат Сафарова

ГЕЛЬВЕЦИЙ (Helvetius) Клод Адриан (1715.31.1 – Париж – 1771.25.1) – француз файласуфи, психологи, пед. фикр тараққиётига ҳисса қўшган шахс. Г. фикрича, олам моддий, вакт ва фазода чексиз, доимий ҳаракатда; тафаккур ва сезги материянинг хоссасидир. У инсоннинг онги ва эҳтиросини ижт. ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблаган. Г. билиш назариясида *агностицизм*га қарши, материалистик сенсуализм тарафдори бўлган. У ҳотирани билишнинг иккинчи қуроли, тафаккур сезгилар йиғиндиси, деб таъкидлаган. Г. худонинг мавжудлиги, оламнинг яратилганлиги, жоннинг абадийлиги ғояларини танқид қилган. Г. ижт. муҳит деганда сиёсий ҳаёт, қонунчиликни тушунган. Ижт. ҳаёт юридик қонунларга боғлиқ деб, тенгликни кишиларнинг қонун олдидаги тенглиги маъносида талқин этган. У умумий тенгликни инкор қилган. Г. кишиларнинг интеллектуал ва ахлоқий киёфасини шакллантиришда муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатиб берган. У этикада диний ва спиритуалистик қарашларни танқид қилиб,

ахлоқий тасаввурларнинг тажрибадан келиб чиқиши, уларнинг шахс манфаатлари б-н уйғунлашганлигини асослаган. Унинг «Ақл тўғрисида» (1758), «Одам, унинг ақлий кобилиятлари ва уни тарбиялаш тўғрисида» (1773) асарлари мавжуд бўлиб, улар пед. фикр тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Г.нинг фикрича, т-ячинг бирдан-бир мақсади – бутун ж-ятнинг бахт-саодатли бўлишига интилишдан иборат. Барча одамлар илм олишга баб-баробар лаёқатлидирлар, чунки улар бир хилдаги маънавий қобилиятларга эга бўлиб туғиладилар. Г. доимо одамларнинг табиий тенглигини тарғиб қилган.

ГЕНДЕР МУНОСАБАТЛАР (инг. gender – тур) – инсон жинсининг ижт.-маданий ва маънавий жиҳатини ифода этувчи тушунча. Гендер атамаси ижт. фанларда жинс мавзусини ўрганишда янгича ёндашув шаклланган паллада, яъни 50-й.лардан киритилган. Бу давргача «жинс» тушунчаси одамнинг анатомик, физиологик хусусиятини англатган ҳолда инсониятни эркак ва аёл жинсларига ажратишнигина назарда тутарди. Жинс (яъни биологик хусусиятлар) эркак ва аёллар ўртасидаги фарқнинг асоси ва бирламчи сабаби, деб талқин этиларди. Лекин одамлар ўртасида биологик фарқлардан ташқари, уларнинг ижт. вазифалари, хулқи, руҳияти ва ҳиссиётида ҳам муайян тафовут мавжуд эди.

«Гендер» атамаси илмий атама сифатида 1968 й.да америкалик психолог олим Столлер томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, «жинс» маъносини билдиради. Г.м. илгари ҳам психологияда фаол ўрганилган бўлсада янги атаманинг пайдо бўлиши ижт. фанларда янги оқимларни юзага келтирди. «Гендер тарихи», «Гендер психологияси», «Фалсафанинг гендер томонлари», «Гендер антропологияси», «Гендер социологияси», кейинчалик эса «Гендер педагогикаси» каби фан тармоқлари шаклланди. «Гендер» тушунчаси, аввало, эркак ва аёл, ўғил ва қиз болалар муносабатларининг ижт.-психологик ҳамда пед. томонларини қамраб олади. Мазкур тушунча янги ижт. қарашлар ва маданиятга боғлиқ. Гендер деганда турли ж-ятларда яшовчи эркак ва аёллар хулқини белгиловчи ижт. ва маданий вазифалар меъёрлари мажмуаси тушунилади. Тадқиқотларда турли жинс вакиллари хулқ-атворидаги фарқ (мас., шахснинг психологик сифатлари, хулқ шакллари, ф-ят турлари, эркак ва аёллар шуғулланадиган касблар) биологик асосдан кўра кўпроқ ижт.-маданий меъёрлар б-н белгиланиши аниқланган. Гендер эркак ва аёлларга хос ижт. модел сифатида ж-ятда шаклланади ва у орқали эркак ва аёлнинг ж-ят ва унинг турли ин-тларидаги мавқеи белгиланади. Бу оила, таълим муассасалари, маданий ҳаётда яққол намоён бўлади. Эркак ва аёл ҳақидаги умумий тасаввурлар негизида вужудга келган гендер тизими турли ж-ятларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Гендернинг асосий моҳияти унинг икки ёқламалилиги ва ички зиддиятга эгалигидир, яъни гендер ёндашуви асосида ж-ятда мавжуд бўлган жинс мавзусига оид зиддиятли ҳолатлар ўрганилади. Гендер ж-ятдаги ижт. табақаланиш шакли бўлиб, бунда эркак ва аёл ўртасида маълум иерархик муносабатлар ўрнатилади. Инсон туғилган кунидан бошлаб гендер тизими таъсирида бўлади. Анъанавий урф-одатлар таъсири кучли бўлган ж-ятларда туғилиш б-н боғлиқ бўлган турли удумларга риоя этиш, мас., чақалоққа танланаётган кийимнинг рангидан бошлаб ўйинчоқларгача эътибор қаратиш инсонни ёшлик чоғиданоқ гендер тизимига

киритади. оилада фарзандларга бўлган муносабатда ҳам гендер фарқлар кўзга ташланади. Гендер тадқиқотлари, аввало, эркак ва аёл мавқеининг ўзаро нисбати, уларнинг хатти-ҳаракатини белгиловчи хулқ меъёрлари ҳамда уларга асосланган роллар, ана шу ролларнинг шахс шаклланишига таъсир этишини ўрганишга йўналтирилган. Гендер мавзусидаги асосий тушунчалар доирасига қуйидагилар киради: гендер идентификацияси. Бунда эркак ҳамда аёлларга хос бўлган хулқ-атвор шакллари назарда тутилади; гендер мафкураси. Бунга Ўзбекистон ж-ятида гендер фарқларни асослаб берадиган ғоялар ва меъёрлар киради; гендер табақалашуви. Бу табиий тарзда мавжуд бўлган жинсий тафовутларнинг ижт. мазмун касб этишида намоён бўлади; гендер роллари. Бунда эркак ва аёллар томонидан ж-ятдаги ижт. талабларни ўзига хос тарзда бажариш назарда тутилади.

Асрлар давомида шаклланган ва инсоннинг ф-ят йўналишини белгилаб берадиган ижт. меъёрлар турли жинс вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатни изга солган ҳолда ж-ят аъзолари турмушини енгиллаштиради, гендер муаммоларини тезликда ҳал этиш имкониятини яратади, энг асосийси, ҳар бир жинсга хос вазифаларни англаш жараёни миллий, маданий қадриятларнинг ўзлаштирилишига хизмат қилади. Бунда таълим-т-я жараёни алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки таълим-т-я жараёнида ўғил ва қиз болалар ўзларига хос хусусиятларни англайдилар, мос ролларни ўзлаштиради ва гендер тафаккур асосларини эгаллайдилар.

ГЕНДЕР ПЕДАГОГИКАСИ – ўқувчиларга мактабда ўзларини қулай ҳис қилишлари, ижт.лашиш муаммоларини ечишга лаёқатли бўлишлари, ўзларини ўғил ва қиз бола сифатида ҳис эта олишларига кўмаклашишга қаратилган ёндашувлар мажмуини ифодаловчи бирлик.

Г. п.нинг асоси ўғил ва қиз болалар таълимининг ўзига хос жиҳатларини қуруқ тавсифлаш эмас, балки гендер табақалаштириш воситасида шакллантириладиган ўқув, ижт. кўникмалардир. Г. п.нинг асосий мақсади ўқувчи шахсининг мойиллигини таъминлаш учун уларга гендер стереотипларининг таъсирини яхшилашдан иборат.

Гендер ёндашувлар ўғил ва қиз болаларнинг т-ясидаги фарқлар уларнинг физиологик, биологик, анатомик хусусиятлари б-ншна эмас, балки ижт.-маданий омиллар орқали белгиланади. Бундай конструктив ёндашув гендер соҳасидаги салбий стереотипларни бартараф этиб, ж-ят аъзолари онгини ўзгартириш орқали уларни янгилаш имконини беради. Шу тарика, пед. гендер ёндашувларга таянган ҳолда таълим-т-я жараёнини такомиллаштиради.

Таълим жараёнида гендер ёндашувининг асосий ғояси – ўғил ва қиз болаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш ҳамда ўқув-т-я жараёнида амал қиладиган барча омилларни ҳисобга олишдан иборат. Бунда таълим мазмуни, ўқитиш мет.лари, мактаб ҳаётини ташкил қилиш усуллари, пед. мулоқот, ўқув предметлари мажмуи кабилар ҳисобга олинади.

Пед. ва гендер орасидаги муносабатларни аниқлашнинг мақсади мураккаб ижт. ҳамда илмий категория сифатида «таълимда гендер ўлчов» тушунчасини қўллашни талаб қилмоқда.

Таълим жараёнида гендер ўлчов тушунчаси остида ўқитувчиларнинг таълимий қувватлари таъсирининг қиз ва ўғил болаларнинг ҳолати ва ривожлани-

шининг окибати ҳамда натижалари тушунилади. Шу тарика, улар ўзларининг айнан ўхшашликлари, тенгликларини англаб етишади. Ўқувчилар хаётий мақсад ва идеалларни танлаш, таълим муассасаси жамоасида ўз мавкеларини эгаллаш, биологик жинслари б-н боғлиқ ҳолда тенгдошлари гуруҳидан ўрин эгаллаш имкониятига эга бўлишади.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш вазифаларини муваффакиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан таълим мазмунини мунтазам модернизациялашга боғлиқ. Пед. фанида гендер муаммоларига алоҳида эътибор каратила бошланғани натижасида мазкур соҳада турли жинсга мансуб болаларни ўкитиш ва ривожлантириш муаммолари б-н шуғулланувчи алоҳида тармоқ – Г.п. шаклланди.

Аждодларимиз пед.да гендер муаммосига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Хусусан, «Авесто», Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда ҳам гендер хусусиятларини ҳисобга олувчи эътирофга арзигулик ёндашувлар илгари сурилган. 20-а. нинг бошларигача ўғил ва қиз болаларга уларнинг ўзига хосликлари ва хусусиятларига кўра, алоҳида-алоҳида ёндашилган ҳолда таълим-т-я берилган. Қизлар учун алоҳида мактаб ва мадрасалар мавжуд бўлиб, уларда ўзига хос таълим турлари жорий этилган. Ўғил болалар учун ҳам алоҳида мактаб ва мадрасаларда уларнинг ривожланиш имкониятлари ҳамда ижт. функцияларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ўзига хос таълим турлари жорий этилган. Бироқ собиқ совет тузуми даврида «барча тенг» шиори остида таълим-т-я жараёнидаги гендер ўзига хослик ва тафовутларга эътибор каратилмаган. Таълим дастурлари ва техн.ида ўғил ва қиз болалар орасидаги психологик фарқлар, яъни таълим-т-янинг мақсади, вазифалари, мет.ларини белгилашда турли жинс вакилларининг имкониятлари ҳисобга олинмаган.

Мустакиллик йилларида пед. тафаккур тубдан ўзгарди. Шахсни шакллантиришда унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ёндашиш зарурлиги, ўқувчиларнинг гендер хусусиятларини ҳисобга олиш эҳтиёжининг кучайганлиги педагоглар томонидан тобора чуқурроқ англанмоқда. Г.п. ўғил ва қиз болалар таълим-т-ясининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Шунинг учун ҳам ушбу соҳа пед.нинг жадал ривожланаётган тармоғи сифатида эътироф этилмоқда.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ТАФОВУТЛАР – ўғил ва қиз бодаларнинг барчаси учун умумий ҳамда уларнинг ҳар бирига хос бўлган алоҳида-алоҳида белгилар, хусусиятлар ва ижт. ролларнинг ифодаланишини англатувчи тушунча. Жинсий мансублик шахснинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир таълим олувчи муайян жинс вакили сифатида шаклланади ва ривожланади. Ҳар бир шахс ўғил ёки қиз бола сифатида жинсий ўзига хослик, ўхшашлик ва тенгликка эга.

Бугунги кунда пед. фанида эришилаётган энг муҳим ютуқлар Г.т. ва т. асосида таълим бериш имкониятларининг очилаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳодиса таълимни гуманитарлаштириш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида қимматга эга.

Гендер назарияси эркаклар ва хотин-қизларга хос хусусиятларни фарқлаш масаласига турли нуқтаи назардан ёндашади. Жинслар ўртасидаги асосий фарқлар эркак ва аёлнинг ижт. ўзига хослигида намоён бўлади. Ушбу фарқлар ж-ятда ижтимоий ин-тлар, меъёрлар ва маданий қарашлар воситасида шаклла-

ган. Бунда гендер фарқларнинг ижт. жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга. Гендер табақалаштириш ж-ят ва таълим тизимида ижт.-пед. жиҳатдан инсонпарварлик принципини ривожлантиришга асос бўлади. Ж-ятнинг ижт.-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ривожланиш босқичидаги ўқув жараёнини шахснинг Г.т. ва т. асосида ташкил этиш муаммоси ҳам пед. жараённинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Шу боис ҳам замонавий шароитда ўқув-билув жараёнида гендер фарқлар ва ўзига хосликларни ҳисобга олиш, пед. нуқтаи назаридан табиий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда. Ўқув-билув жараёнида гендер фарқларга оид ўзига хосликларни ҳисобга олмасдан туриб таълим натижасининг самарадорлигини таъминлаш мумкин эмас. Пед. фанида Г. т. ва т.ни ҳисобга олиш тамойили устувор бўлмоғи керак. Бу устуворликни таъминлашнинг ўзига хосликлари қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади: а) ўқув материалини танлашда ўғил ва қиз болалар орасидаги ўзига хосликни фарқлаш; б) ўғил ва қиз болаларнинг алоҳида ўзига хос ф-ятини ривожлантириш; в) муайян жинсга мос келадиган ўқув ф-ятини ташкил этиш; г) ҳар бир жинснинг ўзига хос ф-ят турини шакллантиришга хизмат қиладиган ўқув материалларини танлаш; д) таълим жараёнида дидактик жиҳатдан шаклланган гендер омиллар талқинини қўллашга йўналтирилган пед. ф-ятни шакллантириш.

Таълим жараёнида ўғил ва қиз болаларга меҳнат таълими бериш ҳамда уларни касбга йўналтиришнинг барқарор пед. тизимини вужудга келтиришда ўқувчиларнинг гендер жиҳатдан ўзига хос бўлган шахсий сифатларини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун таълим жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур: а) ўғил ва қиз болалар орасидаги фарқларни нейтраллаштириш ва унинг талқинига қаратилган ўқув ҳаракатларини ташкил этиш; б) уларни гендер ўхшашликни намоён қилиш руҳида т-ялаш; в) ўғил ва қиз болаларнинг алоҳида-алоҳида ўкитишни жорий қилиш; г) ўғил ва қиз болаларнинг шахсий қизикишларига мувофиқ келадиган ўқув ф-яти турларини ташкил этиш; д) аниқ ўқув вазиятини ҳисобга олган ҳолда ф-ят кўрсатишни таъминлаш.

Ўғил ва қиз болаларнинг ҳар бири қандай бўлиши, қандай ф-ят турини эгаллаши таълим сифатига боғлиқ. Таълим жараёнида гендер ижт.лаштиришнинг муайян асоси, меҳнат тақсимоти ва ж-ятда қабул қилинган маданий меъёрлар, ижт. ф-ят турлари, уларнинг ижт. мавқеи орқали ифодаланади. Таълим жараёнида гендер ижт.лаштиришнинг муҳим белгилари сифатида ўқувчиларни касбга йўналтириш, ўқув меҳнатини тўғри тақсимлаш, уларда гендер ўзига хосликка асосланган шахсий сифатларни қарор топтиришдан иборат.

Ихтисослаштирилган таълим – ўқувчиларни гендер ижт.лаштиришнинг муҳим пед. имкониятлардан биридир. Шунга кўра, ихтисослаштирилган таълимни ташкил этиш гендер пед.сида муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилади. Бу муаммо таълим жараёнида гендер толерантлик тушунчасини тавсифлаш, уни шакллантиришнинг илмий асосларини жорий этиш, гендер толерантликни қарор топтириш жараёни моделини яратиш ва қўллаш б-н боғлик. Касбий жиҳатдан ўз-ўзини камол топтириш ҳар бир ёшда ўқувчиларнинг руҳий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунда аниқ шакл ва

мет.лардан фойдаланилади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг шахсий имкониятлари ва кобилиятларини назарда тутиш, уларни касб танлашга йўналтириш, умумий, хусусий жиҳатларини аниқлаш ва ривожлантириш зарур. Ўқувчиларни касбни тўғри танлашга йўллаш, уларга меҳнат турлари, касблар тўғрисида билим беришни тўғри ташкил этишга қаратилган пед. ф-ятни амалга ошириш лозим. Бунда Г.т. ва т.ни ҳисобга олиш принципи устувор ўрин эгаллаши керак.

Матлаб Тилавова

ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАР (юн. genesis – келиб чиқишга оид) – организм ирсияти, ўзгарувчанлиги қонуниятлари ҳамда уларнинг бошқариш усулларига оид тушунча. Генетика фан сифатида генлар кашф этилганидан кейин (Мендель, 1866) шакллана бошланган. 20-а. охирларида инсон генетикаси соҳасида кенг кўламли изланишлар амалга оширилган.

Ген – наслдан-наслга ўтадиган бирлик бўлиб, инсон жисмининг муайян хусусиятларига таъсир кўрсатади. Бу хусусиятлар кузатилади ва ўлчанади. Генларнинг мукобил шакллари хромосомаларга таъсир кўрсатади. Улар аллеля атамаси б-н ифодаланиб, хромосомаларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини ифодалайди.

Инсон характери генетик асосларга эга. Унга самарали таълим-т-я бериш учун худди мана шу генетик асосларга таяниш талаб этилади. Инсоннинг руҳий ўзига хослигини англашда унинг иқтидори, ёши ва жинси муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг Г.х. шундан далолат берадики, унинг ҳаётий ф-яти ривожланиши жараёнида муайян генетик омиллар намоён бўлиб, киши руҳиятига таъсир кўрсатади. Бунда, биринчи навбатда, инсон жисмининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллайдиган биологик омилларга эътибор қаратиш лозим. Чунки биологик омиллар инсоннинг олий асаб тизими ва мия ф-ятида сезиларли ўрин эгаллайди. Мас., инсон терисининг ранги, сочлари, кўзлари, юз киёфаси, бўйи, вазни, турли анализаторларни сезувчанлик даражаси, иқтидори, мияси муайян қисмларининг таркибий тузилиши генларнинг ҳаракати орқали авлоддан-авлодга ўтади.

Кўрсатиб ўтилган ҳодисалар психик характерга эга бўлиб, шахс руҳиятига ташқи ҳамда ички жиҳатдан таъсир кўрсатади. Инсон ёшининг улғайиши б-н унда физиологик ҳамда руҳий ўзгаришлар вужудга келади. Психологик ёш – шахснинг ўзига хос ривожланиш даври ҳисобланади. Мазкур ҳодиса «Ёш психологияси»да ўрганилади. Унга кўра, инсон ҳаёти қуйидаги ёш даврларига бўлинади: туғилгунга қадар бўлган давр. Перинатал давр ҳисобланадиган мазкур давр психологик тадқиқотлар кўламига қаратилмаган; туғилиш арафасидаги ёш даври бу давр таниқли психолог С. Грофф томонидан ҳар томонлама ўрганилган; бола туғилганидан бошлаб 1 ёшга етгунига қадар бўлган давр. Бу чақалоқлик, гўдаклик даври ҳисобланади. Бу ёш даврига хос бўлган хусусиятлар юришнинг бошланиши, нейрофизиологик жиҳатдан шаклланишдан иборат бўлиб, болада жисмоний толиқишни вужудга келтиради. Турли буюм ва нарсаларни сўз воситасида ифодалашга бўлган эҳтиёж туфайли бола ақлий жиҳатдан зўриқишга дуч келади. Бу унинг мунтазам тарзда норозилик билдиришида намоён бўлади; 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган давр. Бу давр 3 ёшда ниқироз б-н якунланиб, болани буюмлар ёрдамида ф-ят кўрсатиш жараёни б-н боғлайди. Мазкур ниқироз ёркинрок

ифодаланади; 3 ёшдан 6–7 ёшгача бўлган давр – бу мактабгача болалик даври ҳисобланади. У боланинг 7 ёшидаги инкироз б-н якунланиб, бу инкироз мактабда ўкишга киришиш жараёнида вужудга келган ижт. ўзгаришлар б-н боғлик; 6–7 ёшдан 10 ёшгача бўлган давр кичик мактаб ёши ҳисобланади. Мазкур даврда боланинг ўз-ўзини англашини ривожлантириш учун атрофдагилар, яъни ота-оналари, ўкитувчиларининг муносабатлари ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шу асосда бола ижт.-меъёрий хулк-атвор кўникмаларини эгаллайди; 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр – ўсмирлик даври. Бу даврда инсон ҳаётидаги энг сезиларли инкирозлар вужудга келади. Бунда асосий омил сифатида шахснинг жинсий етилганлиги намоён бўлади. Ўсмирлик даврида жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижт. ривожланиш жадаллашади. Унинг жисми, ўз-ўзини англаши, атрофдагиларга бўлган муносабати қайта шаклланади. Ўсмирнинг улғайганлигини ҳис этиши ижт. ҳамкорлик жараёнида қийинчиликларга дуч келишига асос бўлади; 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган давр – бу эрта ёшлик даври дейилади. Бу даврда йигит ва қизлар ҳаётда ўз ўрнини топиш учун жадал ҳаракатланадилар. Улар ҳаётнинг моҳиятини англашга интиладилар. Уларда моддий борликдаги барча ҳодисаларга нисбатан ўзига хос муносабат тажрибаси таркиб топа бошлайди. Бундай муносабат моддий борлик манзарасини ўзига хос тарзда тушуниш натижасида вужудга келади; 17 ёшдан 21 ёшгача бўлган давр – ёшлик даври деб аталади. Бу ёшда улар ўз кувватлари ва лаёқатларини муайян соҳаларда синаб кўришга интиладилар. Ижодий ҳаётий ф-ятнинг аник соҳаларида куч-кувватларини намоён қилганларида ёшларда касбий жиҳатдан ўз мавкеини аниқлаш амалга ошади; 21 ёшдан 35 ёшгача бўлган давр – ёшлик ёки дастлабки улғайиш (катталик) даврида инсон ўз имкониятларининг юкори чўккисини намоён этади. Унга эришишнинг асосий омили ва кўлами 30 ёшдаги инкироз ҳисобланади. Бу касбий ўз-ўзини аниқлаш, оилавий ҳаётдаги мажбуриятлар б-н боғлик; 35 ёшдан 60 ёшгача бўлган давр – бу етуклик даври ҳисобланади. Бу даврда инсон ўз имкониятларининг юкори чўккисини намоён эта олмайди, балки унинг муайян миқдордаги барқарор даражасини эгаллашга муваффак бўлади. 40 ва 50 ёш мазмун-моҳиятига кўра, бир-бирига яқин бўлиб, умидсизликка тушиш, эскиликдан норозилик, жамоа багридан кутулиб ўз турмушига интилиш, бу даврда турғунлик кўлами кенгаяди; 60 ёшдан 75 ёшгача бўлган давр – кексалик даврида инсонда рухий сокинлик вужудга келади. Бу ёшда эришиш мумкин бўлган нарсаларни кўлга киритиш учун куч-кувватларни сафарбар қилиш ёки тушкунликка тушиб тезгина инкирозга юз тутиш ҳоллари кузатилади. Мазкур инкироз инсоннинг ўз ҳаётий ф-яти якунланиши б-н боғлик; 75 ёшдан 90 ёшгача бўлган давр – карилик даври ҳисобланади; 90 ёшдан кейинги давр – улар узок умр кўрувчилар ҳисобланадилар. Инсоннинг ҳар бир ёш даврида ички рухий ўзгаришлар вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг ижт. хулк-атвори ва ф-ятига таъсир кўрсатади.

Инсоннинг психогенетик хусусиятларини психогенетика ҳам ўрганади. Бу фан ўзининг бутун тараққиёт даврида психологик билимлар тизимига кирган. У умумий психология ва пед.нинг

методологик ва методик асосларини бойитишга алоҳида ҳисса қўшган. Бу таълим олувчилар шахсининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўқув-т-я жараёнини ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга.

Феруза Юсупова

ГЕНИАЛЛИК (лот. genialis – истеъдодли, генийга хос, самарали) – 1) мисли-из истеъдодлилик, заковатлилик; 2) доҳиёна, баркамол, доно, ақл-заковатли, доҳиймаид, ақлли одам. Г. – юксак даражадаги истеъдод, инсон ижодий кучларининг олий даражада намоён бўлиши, ижод, илм-фан соҳасида маълум бўлмаган кашфиётлар очишни ифодаловчи атама.

Талантлиликнинг юкори босқичи Г. деб аталади. Ижт. ҳаёт, таълим-т-я, фан, ад., санъат ва ижод ҳамда ф-ятнинг бошқа соҳаларида принципиал равишда янги бўлган бирор нарса яратган кишилар генийлар ҳисобланади. Г. – шахснинг энг юксак даражадаги ижодиёт б-н ўзини намоён қилиш ҳодисаси.

ГЕНИЙ (лот. genius – даҳо, улуғ истеъдод, талант, заковат эгаси) – 1) Рим мифологиясида дастлаб маъбуд, уруғнинг бобокалони, кейинчалик эркаклик ҳудоси, эркак ботиний кучи ва қобилиятларининг мужассами. Ҳар бир эркак ўз Г.сига эга, деб ҳисобланган. Г. эркак феълатворини шакллантирадиган, уни умр давомида муҳофаза киладиган эзгу куч саналган. Римликлар Г. тимсолида оила, ж-ят, шаҳар ва бутун Рим халқининг ҳомийларини ҳам эъзозлаганлар; 2) олий даражадаги ижодий қобилият соҳиби.

Г. – ҳар томонлама тараққий этган, авлодлар тажрибасини ижодий ўзлаштирадиган, уни ўз даврига татбиқ этиб, янги билим ва тажриба б-н бойитадиган, мустақил фикрлар асосида яратувчилик, ижодкорлик хусусиятига эга бўлган шахслардир. Г. шахслар гармоник ривожланган шахслар бўлиб, ижт. ҳаёт воқеалари, илм-фанни ҳар томонлама ва чуқур ўзлаштирган бўлишади. Улар фан соҳаларига қизиқиб, ҳаётдаги воқеалар ривожи, келажакни олдиндан кўра билади. Г. шахслар ўта меҳнатсевар ва кучли ирода эгасидир. Г.лик даражасига кўтарилган шахс ўз ф-яти оркали ж-ят учун катта ютуқларнинг кўлга киритилишига сабаб бўлади ва бу ҳол ўша шахснинг даражасини янада улуғлаб, номини абадийлаштиради.

Г. иктидорлиликнинг юқори даражаси бўлиб, шахснинг бетакрор лаёқати сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда ижодий шаклланиш, тасвирлаш, шунингдек, мазкур иқтидорларнинг эгаси бўлган шахс Г.ликнинг таркибий қисмларини ифодалайди. Г. ижтимоий нуқтаи назардан шахснинг юқори даражада ривожланган ижодкорлигини англатади. Шунинг учун ҳам болаларнинг ёшлигидан бошлаб улардаги иқтидор куртакларини аниқлаш, эҳтиёт қилиш, т-ялаш ва ривожлантириш пед. фани ва педагогларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Феруза Юсупова

ГЕНОФОНДНИ САҚЛАШ, генетик фонд (юн. genos – пайдо бўлиш, лот. fundus – асос) – миллатнинг асосий ирсий белгилари; бир типдаги организмларга хос бўлган хусусиятлар мажмуи. Г.с. эса муайян миллатнинг ўзига хос бўлган ирсий белгиларининг софлиги учун курашиш маъносини ифодалайди.

Инсон ер юзидаги энг олий мавжудотдир. Қисқа муддат ичида у ҳаётни таъминловчи воситалар мажмуини яратишга муваффак бўлди. Бугунги кунга

келиб унинг ҳаёти кўп жиҳатдан атроф-муҳитнинг ҳолатига боғлиқ бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш воситалари ривожланиши натижасида инсон фақат табиий воситаларнинг истеъмолчиси эмас, балки атроф-муҳитни фаол тарзда ифлослантирувчи ҳамдир. Бу, ўз навбатида, унинг ўзи учун оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Табиатдан узоқлашиш натижасида инсон тажовузкор муҳитда яшай бошлади. Бундай муҳит унинг ўз ф-яти натижасида юзага келмоқда. Ушбу муҳит ўзида кучли мутаген омилларни мужассамлаштирган. Мутаген омиллар ҳамма жойда – сувда, ҳавода мавжуд. Улар инсоннинг заҳарлантирувчи ф-яти натижасида вужудга келган. Радиациянинг ортиб бориши, саноат ва ишлаб чиқаришдаги зарарли чиқиндилар миқдорининг кўпайиши, сунъий тарзда вужудга келтирилган кучли электромагнит майдонлар, фукаро ва ҳарбий мудофаа саноатининг ривожланиши катта майдондаги атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Ахб. майдонлари ҳам мутаген муҳитни юзага келтирмоқда. Бунга турли тўлқинларни киритиш мумкин. Фазовий омилларни ҳам ҳисобга олганда барча омиллар инсонни ўзгартирмоқда. Натижада, турли тажовузлар, касалликлар, истеъмолчилик, инсоннинг ўзўзи, атроф-муҳит ва табиатни уйғунлаштиришга лаёқатли эмаслиги жадал тарзда оммавий тус олмоқда. Барча омилларнинг ҳаракати инсонга ноодатий тезлик б-н таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳодиса натижасида инсон ҳаёти ва ж-ятнинг барча соҳаларида Г.с. зарурияти туғилмоқда.

Шу боисдан бугунги кунда кўплаб дастурлар яратилиб амалиётга татбиқ этилмоқда. Уларнинг асосий мақсади Г.с., насл тозалигига интилиш, инсонни турли тажовузлардан муҳофаза қилишдан иборат. Экологик таълим-т-я кўламини кенгайтириш, жисмоний т-я ва спортга алоҳида эътибор қаратиш, соғлом бола парваришини дав. сиёсати даражасига кўтаришга кенг йўл очилиши ҳам ана шу мақсад йўлидаги илдам қадамлардандир.

Санжар Ибрагимов

ГЕОГРАФИЯ ХОНАСИ – геогр. фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ – 1) геогр. таълими назарияси ҳамда мет.си бўйича талабаларга муайян БКМ ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) хусусий пед.нинг соҳаларидан бири.

ГЕОГРАФИЯ ЎҚУВ ФАНИ – ўқувчиларга ернинг географик қобиғи, унинг структура ва динамикаси, алоҳида компонентларининг ҳудудлар бўйича ўзаро таъсири ва тақсимланиши ҳақида у.ў.т. доирасида билим беришга ихтисослашган ўқув фани.

ГЕОГРАФИЯ ЎҚУВ ФАНИДАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – геогр. таълим мазмуни ва ушбу ўқув фани бўйича ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган БКМларга қўйилган талабларни дав. томонидан тасдиқланган эталони, модели.

ГЕОМЕТРИЯ ЎҚУВ ФАНИ (лот. гео – ер ва метрия – ўлчайман) – мактаб ўқув фани, геометрия дарсида мат.нинг предмет шакллари ва шаклий муносабатларини ўрганадиган бўлими.

ГЕРАСИМОВА Светлана Ивановна (1951.2.2, Тошкент) – Ўзбекистон

Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). ТДПУнинг рус тили ва ад. ф-тини тамомлаган (1974). 1974 й.дан Тошкент ш.даги 187-, 64-, 50-мактабларда рус тили ва ад.и ўқитувчиси, 50-мактабда директор ўринбосари, 1987 й.дан директор. Г. гимназия учун тайёрланган алоҳида ўқув-методик режалар ва бошланғич синфлар учун тайёрланган кун тартиби қўлланмалари муаллифидир. Физика, мат., кимё, биология йўналишидаги махсус режалар ҳам бевосита унинг раҳбарлигида ишлаб чиқилган. Г. мактаб моддий-техник базасини мустаҳкамлашда алоҳида жонбозлик кўрсатган; мактабни пед. кадрлар б-н таъминлаш ишини яхши йўлга қўйиш максадида пед. ўқув юртлари б-н узвий алока ўрнатган.

ГЕРБАРТ (Herbart) Иоганн Фридрих (1776.4.5, Ольденбург – 1841.14.8, Гёттинген) – немис файласуфи, психологи, педагоги, ассоциатив психология тарафдорларидан бири. Плюрализм намоёндаси. Унинг фикрича, дунё ўзгармас энг оддий моҳиятлар – реалликлардан тузилган. Г. ассоциатив психология тарафдорларидан. Г. талқинида фал. – тушунчаларни ишлаб чиқиш б-н шуғулланади.

У болалар т-яси жараёнини 3 қисмга бўлади: болаларни бошқариш, т-явий таълим ва ахлоқий т-я. Унинг пед. қарашларида т-явий таълим асосий ўринни эгаллаган. Психологияни метафизика, тажриба ва мат.га асосланган систематик фан деб ҳисоблаган. У мавҳум тафаккур, ҳиссий ф-ят, ирода каби муаммоларнинг психологик жиҳатларини тадқиқ этган. Тўрт босқич (аниқлик, ассоциация, тизим, услуб)ли таълим назариясини илгари сурган.

Г. «Тарбия максадларидан келиб чиққан умумий педагогика» (1806), «Психология дарслиги» (1816), «Психологияни педагогикага татбиқ этиш тўғрисидаги хатлар» (1831), «Педагогикага оид маърузалар очерки» (1835) каби асарларида ахлоқий т-я ўқувчиларнинг руҳиятига бевосита таъсир кўрсатиб, уларнинг ҳиссиётлари, истаклари, хатти-ҳаракатларини йўналтиришини баён килган.

Г.нинг пед. соҳасидаги дастлабки иши И. Г. Песталоцци ф-ятига бағишланган. Йирик пед. ишлари мажмуи «Педагогика бўйича дастлабки маърузалар», «Умумий педагогика» аниқлиги б-н алоҳида ажралиб туради. Г. биринчилардан бўлиб пед.да методологик инструментарийни кўра олган мутахассис эди. Натижада, у ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларини аниклашга муваффак бўлган. Г.нинг буюк хизмати шундан иборат эдики, у пед. фанининг мустакил фан сифатида шаклланиши учун курашди. Унинг таъбирича, пед. амалий фал., этика ва психологияга таяниши лозим. Этика ёрдамида пед. максадлар белгиланади. Психология ёрдамида эса уларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилади.

Г. пед. назарияга асосланган ҳолда пед. амалиётнинг муваффақиятини таъминлаш мумкинлигини таъкидлайди. У педагоглар кенг кўламдаги фал. нуқтаи назарга эга бўлишлари зарурлигини уқтириб, уларнинг машаққатли меҳнатлари ва шахсий тажрибалари шундагина самара бериши мумкинлигини таъкидлайди. Ўқитувчилар пед. маҳоратни кундалик ф-яи жараёнида эгаллаши натижасида улар таълим-т-я назариясини тез ва чукур ўзлаштиришга муваффак бўладилар деб ҳисоблайди.

Пед. назарияни ўргана туриб ўқитувчи турли вазиятларда қўллаш учун тайёр

режалар, лойиҳаларга эга бўлмайди, албатта. Бирок у пед. ҳодисаларни тўғри идрок этиш, тушуниш ва баҳолашга ўзўзини тайёрлаб боради. Чунки у бундай вазиятларга ўқитувчи пед. ф-яти жараёнида мунтазам дуч келади, деб ҳисоблайди.

Г.нинг таъбирича, ўқитувчи томонидан пед. назариянинг эгалланиши ўқувчиларни баҳолашда хатоларга йўл қўймаслик, уларнинг хулқ-атвори, майл ва йўналишларини тўғри белгилаш, мавжуд хатти-ҳаракатларининг моҳиятини аниқлаш имконини беради.

ГИМНАЗИЯ (гимнасийдан) – 1) қад. Грецияда таълимни гимнастика б-н кўшиб олиб борувчи ўқув-т-я муассасаси; 2) Ўзбекистон ва айрим хорижий мамлакатларда у.ў.т. берадиган ўқув муассасаси; 3) ўқувчиларнинг майл ва қобилиятларига кўра чуқурлаштирилган, касбий табақалаштирилган таълимга йўналтирилган қўшимча ўқув дастурлари асосида ўқитиладиган у.ў.т. муассасаси. Дастлаб Францияннинг Страсбург ш.даги ўрта мактаб (1538) Г. деб аталган.

Ўрта Осиёда Г.лар 19-а.нинг сўнгги чорагида пайдо бўлган. 1876 й.да Тошкентда ўғил ва қиз болалар учун рус прогимназиялар (тўлиқсиз Г.лар) очилиб, 1881 й.да Г.га айлантирилган. Уларда бадавлат маҳаллий аҳолининг фарзандлари ўқиган. Дастлабки йилларда маҳаллий аҳоли болалари рус тили б-н яхшироқ шуғулланишлари учун лотин тилини ўрганишдан озод қилинган. 1894 й.да лотин тили ўқитилмайдиган реал Г. очилган. 1900 й.дан кейин Самарқанд, Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона), Чоржўй ва б. шаҳарларда ҳам қиз ва ўғил болалар Г.лари ташкил этилган. Буларда ҳам дарслар фақат рус тилида олиб борилган. 1917 й.да Тошкентда 4 та Г. бўлган. Г.лар 1918 й. тугатилиб, уларнинг ўрнига ягона меҳнат мактаблари ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Г.лар қайта ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ АЛ ҳамда КҲҚлари тармоғи кенгайиб бориши муносабати б-н Г.лар сони камайиб бормоқда ва ихтисослаштирилган мактабларга айлантирилмоқда. 2013–14 ўқув й.ида Ўзбекистон Республикасида 195 та Г. ф-ят кўрсатган.

ГИМНАСИЙ (юн. gymnasion) – қад. Грециядаги дав. ўқув-т-я муассасаси. Шунингдек, Г.лар – Юнонистон шаҳарлари ва эллинистик Шарқда дав. ўқув-т-я муассасаси ҳамдир. Г.ларнинг пайдо бўлган вақти ҳақида аниқ маълумот йўқ. Мил. ав. 5–4-а.ларда кенг тарқалган. Г. аввал жисмоний машқлар б-н шуғулланадиган маскан саналган. Кейинчалик ёшларнинг мусиқий (ақлий ва эстетик) ҳамда гимнастик (ахлоқий ва жисмоний) ривожланишини таъминловчи, шу б-н бирга бир-бирлари б-н мулоқотда бўлиш марказига айланган. Г. дав. назоратидаги мактаб бўлган. Унга зодагон қулдорлар оиласининг палестра (Юнонистондаги 12–16 ёшли болаларнинг гимнастика мактаби)ни тугатган 16 ёшли фарзандлари қабул қилинган. Улар Г.да 18 ёшгача, асосан, гимнастика б-н шуғулланишган ҳамда адабий, фал. ва сиёсий таълим олишган. Г.да таълим олаётган болаларнинг қанчалик чиниққан, чидамли, соғлом, жисмонан ва руҳан бақувватлиги дав. томонидан назорат қилинган. Г.ларда мамлакатдаги таниқли кишилар фал., ад., сиёсатдан таълим беришган. Г.лар ичида Платон ўз шогирдлари б-н суҳбат ўтказган Академия ва Аристотель ташкил этган Ликей

(к. Лицей) машҳур бўлган. Г.ни тугатган йигитлар эфебия мактабида ҳарбий билим олишган.

ГИПЕРАКТИВЛИК – ҳаддан ташқари ҳаракатчанлик, фаоллик, импулсивлик. У болалик даврида учрайдиган ташқи белгилар мажмуи таъсирида вужудга келади. Унинг асосини кенг қўламли руҳий ҳамда ҳаракат фаоллиги ташкил этади. Г.нинг аниқ чегарасини белгилаш ўта мураккаб иш. Г. ўз диққатини жамлай олмайдиган, юқори даражадаги таъсирчан болаларда ташхислаш натижасида аниқланади. Бундай болалар тезгина чалғиб, уларни ҳафа қилиш ва қувонтириш жуда осон. Улар учун тажовузкорона хулқ-атвор хосдир. Бундай шахсий хусусиятга эга бўлган ҳар томонлама фаол болаларни муайян вазифаларни бажаришга сафарбар этиш ўта мураккаб. Мас., улар уй вазифаларини бажариш жараёнида узоқ вақт кунт б-н ўтира олмайдилар. Ота-оналар ва ўқитувчилар бундай ўқувчилар б-н мулоқот ўрнатишда қийинчиликларга дуч келадилар. Ўқитувчилар ва ота-оналар норози бўлган ҳолатларда болаларга Г. ташхиси қўйилади. Бундай вазиятларда болалар ўта ҳаракатчан бўлиб, бир жойга ўтира олмайдилар ва ўзларини салбий томондан намоён этадилар. Бундай ҳолатни тўлиқ аниқлаш учун тестлар, бошқа пед. ва психологик инструментарийлар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам Г.ни ташхислаш натижалари ҳар доим ҳам бир кўрсаткичга эга бўлиш имконини бермайди. Аксарият ҳолларда болада бундай фаоллик чақалоқлик даврида ёки 2–3 ёшида пайдо бўлади. Бундай ҳолат натижасида боланинг уйқуси бузилади. Бола каттиқ чарчаганда эса унинг Г.ги чуқурлашади. Бунда Г. б-н бир қаторда, диққатнинг камёблиги аломати кузатилади. Унинг асосий белгиси боланинг ўз эътиборини бир нуқтага жамлай олмаслигида намоён бўлади. Г.нинг белгилари сирасига беихтиёр чалғишни ҳам киритиш мумкин.

АҚШда Г. аломати мактаб ёшидаги болаларнинг 3–5 фоизида учраши аниқланган. Диққатнинг камёблиги б-н боғлиқ бўлмаган Г. ҳам мавжуд. Қизларга нисбатан ўғил болаларда Г. 4 баробар кўпроқ учрайди. Бунинг сабаблари текширилганда Г.нинг турли-туман омиллар натижасида вужудга келиши аниқланган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бунга онанинг ҳомиладорлик даврида бош мияга таъсир қиладиган омиллар алоҳида ўрин эгаллайди. Булар сирасига турли инфекциялар, жароҳатлар, муддатидан олдин ёки қийин кечган туғруқларни киритиш мумкин. Оналардаги гиёҳвандлик, ҳомиладорлик даврида заҳарли, токсин дориларни қабул қилиши, қўрғошиндан заҳарланиш, нотўғри овқатланиш кабилар ҳам шулар жумласидандир.

Г. наслий характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Г. интеллектуал жиҳатдан меъёрда ривожланиш б-н уйғунлашиб, ақлий заифлик ва ҳиссий бузилишларга олиб келиши ҳам мумкин. Мунтазам тарзда асаб тизими ва руҳиятдаги бузилишлар туфайли жароҳатланиш ва мия касалликлари натижасида камдан-кам ҳолларда Г. вужудга келади. Бундай вазиятларда болаларни даволашда уларнинг ўзига хос хусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим, мас., тиббий даво муолажаларини пед.-психологик тадбирлар б-н уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш кутилган самарадорликкка эришиш имконини беради.

ГИПЕРМЕДИА КИТОБЛАР – мультимедиа китобларининг такомиллашган

шакли. Бунда фойдаланувчи асосий матндан ташқари турли қўшимча манбаларга ҳам (шарҳлар, атамаларнинг изоҳлари, тузатишларига) мурожаат қилиши мумкин бўлган дарслик ёки китоблар.

Гипермедиа атамаси Т. Нельсон томонидан 1965 й.да истеъмолга киритилган. У дастлаб мазкур сўзни ўзининг «Complex information processing: a file structure for the complex, the changing and the indeterminate» китобида қўллаган. Гипермедиа – гиперматн бўлиб, унинг таркибидан чизмалар, товуш, видео бирликлар, матнлар, ҳаволалар жой олган. Гипермедиа номунтазам ахб.лар муҳитини яратиш учун татбиқ этилган. Гипермедиа мультимедияга алоқадор бўлиб, интерактив бўлмаган, тадрижий маълумотларни тасвирлайди. У шу жиҳати б-н мультимедиага ўхшайди.

ГИПНОПЕДИЯ (юн. hupnos – уйқу, paideia – ўқитиш) – табиий туш кўриш вақтида овоз воситасида ахб. узатиш йўли б-н ўқитиш. Г. мет.нинг самарадорлиги пед.да етарлича асосланмаган. Мазкур мет.дан чекланган миқдордаги ўқув материалларини ўзлаштириш имкониятини яратишда фойдаланиш мумкин. Шу сабабли ҳам Г. муайян пед. жараён ўрнини эгаллай олмайди.

Г.дан, асосан, чет тилларни ўргатишда чекланган миқдорда фойдаланилади. Чунки мазкур усул ҳар бир таълим олувчи учун маълум даражадаги уйқу даражаси муайян самара бериш имкониятига эга. Бироқ зарур уйқу даражаси, чуқурлигига эришиш ва уни маълум муддат сақлаб туриш ўта мураккабдир.

Г. мет.ини қўллашда бир-биридан тубдан фарқ қиладиган фанларни дарс жадвалига кетма-кет жойлаштириш орқали яхши самарага эришиш мумкин. Билимларни ўзлаштириш, идрок қилиш ва қайта ишлашдаги шахсий фарқлар ўзлаштириш тезлиги ва мустаҳкамлигининг асосий омиллари ҳисобланади. Ақли заиф ўқувчилар бу жараёнда жуда кам миқдордаги билимларни ўзлаштирадилар.

Г. соҳасидаги дастлабки уринишлар АҚШ да Д. А. Финне (1823) томонидан амалга оширилган. Россияда А. М. Свядошч томонидан олиб борилган тажрибасинов ишлари (1936) натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Г. муаммосида муайян давр ичида унинг ўқувчи жисмига кўрсатадиган таъсири аниқланмаган. Шу нарса аёнки, Г. табиий тарзда ташкил этилган пед. жараён ўрнини боса олмайди. Ундан фақатгина ўқувчи хотирасида муайян ахб.ларни мустаҳкамлаш мақсадидагина фойдаланиш мумкин.

20-аснинг 60-й.ларида Г. бир қадар жонланди. Шунга қарамасдан Г.нинг пед. табиати бугунги кунга қадар очилмаган. Кўпчилик педагоглар Г. характеридаги туш ҳеч қайси жиҳати б-н амалдаги физиологик тушдан фарқланмайди, деб ҳисоблашади. Бироқ электроэнцефалография натижалари бу соҳада қарама-қарши маълумотларни беради. Г. сеансларидан кейин таълим олувчиларда толиқиш ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолат одатдаги тушдан кейин кузатилмаслиги мутахассислар томонидан аниқланган. Аксарият хорижлик гипнопедлар (мас., Ч. Саймон) Г.нинг моҳияти очилган деган даъвони илгари сурадилар. В. Райков, Д. Кэртис каби мутахассислар эса Г.ни гипноз ҳолатига тенглаштиришади ва бунга асос сифатида энцефалограмма натижаларини кўрсатишади.

ГИПОТЕЗА (юн. hypothesis – асос, тахмин, фараз) – муайян объектив ҳо-

дисанинг номаълум, ноаниқ сабаби ҳақидаги билим, илмий билишни ривожлантириш усули. Г. нарсалар, алоқалар, ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида илгари сурилган, аммо ҳақиқатлиги илмий далиллар, маълумотлар б-н ҳали исботланмаган и. т. методи, объектив борлиқни билиш шаклларидан бири.

Г.дан табиий ва ижт.-тарихий фанлар каби пед.да ҳам кенг фойдаланилади. Объектив пед. ҳодисаларнинг номаълум хусусиятларини мавжуд бўлган назария асосида тушунтириш мумкин бўлмаганлиги сабабли фараз, тахминий билимлардан фойдаланилади. Г. пед. тадқиқотларда ҳам мантиқий мукаррарлик б-н мавжуд билимлар, янги экспериментал далилларга асосланиб тахминий билимни шакллантиради. Шу тарика ноаниқ, номаълум пед. ҳодисани асослаш имконияти вужудга келади. Муайян тахмин ва фаразлар пед. ҳодисаларнинг моҳияти, боғланиш сабаб ва қонуниятларини ўрганиш учун асос яратиб, умумийлик, зарурийлик, барча учун мажбурийлик характерига эга эмас. Г.ни асослаш ва уни ривожлантиришда мавжуд билим ва қарашлар рад этилиши, улар ўрнига далиллар б-н исботланган янги назария ҳамда билимлар илгари сурилиши мумкин. Янги далил, асос ва фаразлар негизида шаклланган билимлар тизими номаълум далил ҳамда қонуниятларни изоҳлаш имконини беради. Билиш жараёнининг пед. имкониятларини кенгайтиради.

Ҳар қандай пед. Г. тажриба-синов натижаларига асосланиб, объектив воқеликнинг муайян жиҳатини ифодалайди. Шунинг учун ҳам Г. пед. ҳодисаларнинг сабаблари ҳақидаги фараз, тахминий фикр сифатида фаннинг ривожланишида катта аҳамият касб этади. Пед. фанида қонун, қонуниятлар, янги усул, мет. ва техн.ни кашф этишда илгари сурилган далилларни текшириш мақсадида илмий фаразлар ўртага ташланади. Уларнинг ҳаққонийлигини аниклаш ҳамда илмий-пед. назарияга айлантириш бу соҳадаги тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади.

Муайян Г.лар тажриба-синов жараёнини ўтагандан кейин пед. назарияга айланади. Қолганлари эса ўзгартирилади, аниклаштирилади ёки умуман рад этилади. Мазкур билимларнинг нисбий характерга эгалиги шахснинг билиш ф-ятини кенгайтириш имконини беради. Г. муайян талаблар асосида текширилади. Г.ни текшириш мақсадида ташкил этилган тажриба-синов жараёнлари эмпирик ҳамда мантиқий (назарий) даражаларга ажратилади. Эмпирик текширувда Г. тажриба-синов ишлари, унда қўлланиладиган методик инструментарий ҳамда тадқиқотнинг бошқа усуллари ёрдамида аникланади.

Назарий фаразларнинг тажриба-синов жараёнидан ўтиши пед. жараёнларга алоқадор бўлмаган ҳар қандай тахминларни рад этиш имконини беради. Мураккаб Г.лар қадимда ҳам, ҳозир ҳам билвосита мантиқий хулосаларга асосланиб текширилган ва текширилади. Г.ларни мантиқий (назарий) исботлаш ва уни тажриба-синов ёрдамида асослаш илгари сурилган фаразлардаги ноаниқликлар, турли тахминларни бартараф этишга имкон беради. Айрим ҳолларда барча томонидан тан олинган илмий қонуният ва Г. орасидаги фарқлар шартлилик характерига эга бўлади.

Билиш жараёнида Г.лар муайян изчиллик асосида бир-бири б-н алмашинади, янгиланади. Бу эса пед. воқеликни, ундаги боғланишларни ҳар томонлама

ва чуқурроқ билиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, янги пед. назарияларнинг вужудга келишига асос бўлади. Г. муайян изчилликда шаклланган пед. билимлар негизида вужудга келади. Шунинг учун ҳам у аниқ далилларга асосланиши, пед. фанида мавжуд бўлган ва тан олинган қонуниятлар, назарияларга зид бўлмаслиги лозим. Бироқ пед. фанининг ривожланиши янги қонуниятлар ва назарияларнинг кашф этилиши б-н боғлиқ ҳолда амалга ошади. Шу нуқтаи назардан Г. пед. фанининг ютуқларига таяниб, унинг тараққиётини таъминлайдиган илмий фаразларни илгари суришни тақозо этади. Шу боисдан ҳам Г. билиш жараёнининг таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Роҳат Сафарова

ГИПОТЕТИК МУЛОҲАЗА – ҳаққонийлиги асосланмаган, номаълум гипотеза ва билим (асос)лардан хулоса чиқаришга қаратилган фикрлаш мет.и. Г.м.да хулоса асослардан дедуктив мет. асосида келтириб чиқарилганлиги учун у баъзан гипотетик-дедуктив мулоҳаза юритиш ёки қисқача гипотетик-дедуктив мет. деб аталади. Г.м.нинг уч тури мавжуд. Биринчи тури асос, гипотезалар ва эмпирик умумлашмалардан иборат бўлиб, улар фикрлаш объекти ҳақидаги тасаввурларга зид келмайди, лекин чиқарилган хулоса барибир эҳтимолий тусга эга бўлади. Бу мет.дан муҳокамалар жараёнида кўпроқ фойдаланилади. Г.м.нинг иккинчи тури хулоса чиқариш асослари қайд этилган далиллар ёки мавжуд назарий қоидаларга зид фикрлардан иборат бўлади. Табиийки, улардан чиқариладиган хулосалар ҳам маълум бўлган далилларга зид келади. Бу усулдан, одатда, баҳс-мунозара жараёнида оппонент фикрининг хатолигини кўрсатиш мақсадида фойдаланилади. Г.м.нинг учинчи турида хулоса чиқариш учун асос сифатида кўпчилик томонидан эътироф этиладиган фикрлар, ишонч-эътиқодга зид бўлган мулоҳазалар олинади. Улардан келиб чиқадиган натижалар хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилинганда ўзининг мантиқий кийматига кўра тўғри ёки нотўғри бўлиши мумкин. Чунки кўпчилик томонидан эътироф этиладиган, уларнинг ишонч-эътиқодига айланган билимларнинг ҳаққонийлиги ҳар доим ҳам ўз исботини топавермайди. Улар кундалик тажриба натижаларини индуктив йўл б-н умумлаштириш ёрдамида ҳосил қилинган ва шунинг учун ҳам эҳтимолий мулоҳаза бўлиши мумкин.

Г.м. мет.и антик давр фал.сида таҳлил қилина бошланган. Унга баҳс-мунозара жараёнида рақибни ўз фикридан қайтариш ёки уни қайта кўриб чиқиш, аниқлаштиришга мажбур қиладиган мантиқий мет.лардан бири сифатида қаралган. Г.м. 17–18-а.ларда илмий-назарий билишда кенг қўлланила бошланган. И. Ньютоннинг «Натурал фалсафанинг математик асослари» асарини Г.м. мет.ида баён қилинган иш сифатида баҳолаш мумкин.

Г.м. мет.и шахсга йўналтирилган пед.да муҳим ўрин эгалламоқда. Ўқув-т-я жараёнини баҳс-мунозара мет.и асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда пед. назарияларнинг гипотетик тизимлар шаклида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда мантиқий жиҳатдан кучли бўлган гипотезалар етарлича асосланмаган фаразлардан келтириб чиқарилади. Табиий-илмий назариялар, ўз навбатида, ўзининг мантиқий тузилишига кўра гипотеза-

лар занжиридан иборат. Методология нуқтаи назаридан қараганда Г.м. мет.и турли даражадаги умумийликка эга. Демак, у турли хил мантиқий кучли гипотезаларни ҳамда уларнинг ўзаро алоқаларини ўрганишга имкон беришдан қолмасдан, балки уларнинг эмпирик маълумотлар б-н тасдикланишига ҳам йўл очади. Гипотетик-дедуктив тизимда турли Г.м. ўзаро алоқадорлиги учун ҳам улардан бирини тасдиклаш у б-н билвосита боғланган мулоҳазаларни ҳам тасдиқлашдан иборат, деб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Г.м. мет.и пед.да самарали қўлланилмоқда. Мас., баҳс-мунозара дарслари Г.м. чиқариш имкониятини яратиши б-н алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ундан таълим олувчиларнинг билиш ҳамда ижодий фаоллик кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида эвристик восита сифатида фойдаланилмоқда. Таълим жараёнида Г.м. мет.дидан фойдаланиш таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари ва мустақил фикрлаш усулларини эгаллашлари учун замин яратади.

ГИСТОГРАММА (юн. histos – устунча ва грамма, яъни устунчали диаграмма) – текширилувчи белгиларнинг частотали таксимланишининг «устунли» диаграммаси. Г.ларни қуришда абциссалар ўқида ўрганиладиган катталик кўрсаткичи жойлаштирилади. Ординаталар ўқида эса частоталар ёки текширилаётган танловда ушбу диапазон катталикларида учрайдиган нисбий частоталар ўрин олади. Агарда Г.да нисбий частоталар акс эттирилса, унда ҳамма устунлар майдони бирга тенг бўлади.

Г. муайян катталикнинг миқдор жиҳатдан статистик тасвирланишини ифодаловчи бирликдир. Шунинг учун ҳам пед. тадқиқотларда тажриба-синов натижаларига статистик ишлов бериш ва уларни умумлаштиришда Г.лардан фойдаланилади. Г. ўзаро аралаш учбурчаклар йиғиндисидан иборат. Улар битта тўғри чизиқ доирасида жойлашган бўлади. Улардан ҳар бирининг майдони пропорционал тарзда тўғри бурчак бўйлаб муайян интервалнинг қисмларидан иборат қилиб жойлаштирилган. Шу маънода, Г. пед. тажриба-синов жараёнида қўлга киритилган статистик маълумотларни чизма шаклида ифодалаш усулидир. У устунча шаклидаги диаграммалар кўринишига эга. Г. алоҳида ўлчовларнинг тақсимланишини ифодалайди. Г.лар ўлчанаётган ҳодисаларнинг қисмларини ифодалайди.

Г.ларнинг афзаллик жиҳатлари шундан иборатки, улар пед. тажриба-синов натижасида қўлга киритилган маълумотларни кўргазмали тарзда ифодалаш имкониятига эга. Уларнинг тақсимланишини кўриб аниқ идрок этиш мумкин. Г. марказни тезкорлик б-н аниқлаш, тасодифий катталикларни қисмларга ажратган ҳолда сочиб ташлаш ва тақсимлаш имкониятини яратади. Пед. тадқиқотларда Г.лардан ўлчанадиган параметрларнинг интервалларини аниқ ҳисобга олиш мақсадида фойдаланилади.

ГЛОБАЛ ТАРМОҚ (фр. global – умумий, лот. globus – шар) – дунёнинг барча дав.ларидаги комп.лар ва локал комп. тармоқларини ўзида бирлаштирувчи бош тармоқ. Бу тармоққа асосан INTERNETдан фойдаланиш жараёнида мурожаат қилинади. Ахб.ларни катта масофага узатиш эҳтиёжи унинг усуллари, мет. ва воситаларини ишлаб чиқиш зарурлигини вужудга келтирди. Г.т.нинг асосий мақсади муайян масофада жойлашган комп.ларни бирлаштириб, дунёвий ахб. ресурсларидан умумий тарзда

фойдаланиш эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Бугунги кунда Г.т.да алоқаларни таъминлаш учун интернетдан фойдаланишга оид ягона қонун-қоидалар ва техн. ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардан иборат: алоҳида комп.лар ва локал тармоқларни Г.т.ка улашнинг ягона усули; маълумотларни узатишнинг ягона қоидаси; комп.ни тармоққа улаш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизими ва б. Мазкур техн.ни вужудга келтиришда бир қатор мақсадлар назарда тутилган. Улардан асосийси зарарланишларга бардошли бўлган тармоқни яратишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишнинг йўлларидан бири – тармоқдаги ахб.ларга марказлаштирмаган ҳолда ишлов беришдир. Ахб.ларга марказлаштирилмаган ҳолда ишлов беришга қуйидагича эришилади. Г.т. қобиргаси комп.нинг алоқани таъминловчи кучли тармоғидир. Улар тармоқ фойдаланувчилари орасида ахб.ларнинг мунтазам алмашинувини таъминлайди. Махсус комп.лар ўзаро телефон тармоқлари орасида вужудга келтирилган алоқа воситасида боғланади. Бу алоқалар оптик толали ёки симсиз космик алоқа орқали амалга оширилади. Махсус комп.лар мажмуи халқаро телекоммуникацион тармоқлар орқали алоқага киришади. Бирорта шохобча ёки комп.нинг бузилганда бошқа комп. лар орасида ахб. алмашиниш имконияти сақланади. Маълумотлар пакети муқобил йўналишлар бўйича керакли манзилга жўнатилади. Ахб.дан фойдаланувчилар учун ахб.лар қайси йўл б-н комп.ларига етиб келганлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Замонавий глобал телекоммуникатив тармоқлар ўнлаб, ҳатто юзлаб махсус комп.ларни бирлаштиради. Мазкур тармоқларда минг-минглаб ўқувчи ҳамда талабалар ўзлари учун зарур бўлган ахб. ларни олиш мақсадида ишлайдилар. Муайян тармоқ орқали фойдаланувчиларга кўрсатиладиган хизматлар тармоқли дастурлаштирилган таълим имкониятларига боғлиқ. Бундай дастурлар махсус комп.ларга ўрнатилади. Тармоққа уланган комп.лар б-н мулоқот қилиш учун махсус тил зарур. Тармоқ б-н ишлаш қоидалари тасвирланган комп. тилида тармоққа хос бўлган қарорлар тўплами мавжуд.

Кўплаб Г.т. умумий характердаги телефонлар ёки телеграфлар асосида қурилади. Бироқ уларнинг тезлиги жуда паст бўлади. Шунинг учун Г.т.ларнинг хизмати аниқ вақт мобайнида файлларни узатишни таъминлай олмайди. Фақатгина off-line режимида электрон почта хизматидан фойдаланиш орқали ахб.ларни жадал тарзда олиш мумкин. Шу боис барча таълим муассасаларидаги комп.ларнинг off-line режими асосида ишлашини таъминлаш ахб.ларни узатиш, саралаш ва қайта ишлаш имкониятларини кенгайтиради.

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ (фр. global – умумий, лот. globus – шар) – 1) бутун ер шарини қамраб олувчи таълим; 2) ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал таълим. Г.т. бу бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг интеллектуал, ҳиссий, жисмоний, ахлоқий ва руҳий хусусиятларини ривожлантириш ёрдамида уларни тез ўзгарувчан, жуда мураккаб, кўп миллатли ва ўзаро алоқадор ҳаётга бирмунча сифатлироқ тайёрлашга йўналтирилган мажмуавий ёндашув.

Г.т. мактаб, олий таълим муассасаларида ўқитиш назарияси ва амалиётидаги йўналишлардан бири. Ғояси 20-а. нинг 70-й.ларида АҚШда вужудга кел-

ган. 1992 й.да Россияда Рязан пед. ун-ти ҳузурида Г.т. маркази ташкил этилган.

Г.т. модели америкалик олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Г.т. доирасида ўқувчиларга таълим-т-я бериш шакл ва метлари ҳамда унинг ғояси б-н боғлиқ барча қоидалар бутун дунё ўқитувчилари томонидан қўллаб-қувватланди ва у аксарият ўқитувчилар учун пед. нуқтаи назарга айланди. Чунки Г.т. модели катта имконият ва истиқболларга эга. Бу айниқса, Ўзбекистондек кўпмиллатли, турли маданиятли халқлар истиқомат қилувчи дав. учун ниҳоятда зарур таълим модели ҳисобланади.

Г.т. ғояси таълим олувчилар шахсини ҳар томонлама эркин, ижодкор шахс сифатидаги имкониятларини очиш ҳамда уларда тез ўзгарувчан ҳаётда масъулият ҳиссини т-ялашга сафарбар этилган. Г.т. – пед. техн.ларни инсонпарварлаштиришнинг муҳим воситаси. Гуманитар туркумдаги ўқув фанларининг мазмунини инсонпарварлик принципи асосида танлаш, фанлараро алоқадорликни чуқурлаштириш имконини беради. Г.т. таълим олувчиларга ўз маданияти негизида турли даражадаги катта-кичик халқларнинг маданиятларини ўрганиш имконини беради.

Г.т. кўпмаданиятлилик йўналишига эга. Шунинг учун ҳам Г.т. жараёнида ўқувчи ҳамда талабаларда миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши курашчанлик ҳисси шакллантирилиб, уларда миллатлараро ва маданиятлараро мулоқот, толерантлик кўникмалари таркиб топтирилади. Чунки миллатлараро муносабатлар ж-ятда барқарорликни таъминловчи омиллардан бири бўлгани учун Г.т. янада кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ёшларида бошқаларнинг нуқтаи назарлари, урф-одатларига толерант нуқтаи назарни шакллантириш, шу асосда ўзбек халқи маданиятининг ўзига хослигини кўра олиш, ўзи ва дунё халқлари маданияти негизида оламнинг мураккаб муносабатлар майдони эканлигини ҳис этиш, мазкур муносабатларнинг бузилиши чексиз фалокатларга олиб келишини англаш кўникмаларини шакллантириш Г.т.нинг асосий вазифаларидандир.

ГНОСЕОЛОГИК РЕЛЯТИВИЗМ (юн. gnosis – билим, лот. relativus – нисбий) – дунёда ҳамма нарса ўткинчи, ҳақиқат дунёвий даражада ҳам, илмий даражада ҳам бизнинг олам ҳодисалари ҳақидаги билимимиз фақат шу пайтдаги билимимизни ифодалайди, деб таъкидловчи қарашни ифодаловчи атама. Кеча ҳақиқат деб ҳисобланган нарса бугун нотўғри бўлиб чиқади ва хато деб тан олинади. Ҳақиқатнинг ҳам амал қилиш муддати мавжуд. Нисбий мушоҳадалар эса ҳақиқатдан кўра камроқ муддат амал қилади. Бу айниқса, ижт. ҳаёт, инсоннинг ахлоқ меъёрлари ва эстетик дидларида яққол намоён бўлади. Кеча шак-шубҳасиз эътироф этилган нарсалар бугун инкор этилади. Баҳолар, муносабатлар ҳам вақт ўтган сари ўзгаради. Шунинг учун ҳам инсоннинг барча билимлари нисбий характерга эга. Бу ҳақиқат антик даврдаёқ аниқланган эди. Дунёда ҳамма нарса шу қадар тез ўзгаради-ки, унда мутлақо ўзгармас бўлган ҳеч нарса мавжуд эмас, деб ҳисоблаган юнон файласуфи Кратил таълимоти чин маънода Г.р.га мисол бўлиши мумкин. Барча билимларни фақат нисбий деб ҳисоблаш моҳиятан билишда ўзбошимчалик ҳукм суришини тан олиш б-н баробардир.

Билиш назариясида мутлақ релятивизм – тафаккур «бойлиги»нинг намоён бўлиш шаклларидан биридир. Бу наза-

рияга кўра ҳақиқат, албатта, мутлақлик характерига эга, акс ҳолда у ҳақиқат эмас. Бу фикр замирида нафақат нисбий, балки мутлақ ҳақиқатга ҳам ишончсизлик ётади. Г.р. намояндалари, одатда, ҳақиқий деб ҳисобланган қоидалар кейинчалик сохта деб инкор этилган ва аксинча, сохта деб ҳисобланган қоидалар фан ривожланиши жараёнида ҳақиқий деб эътироф этилган ҳоллар фан тарихида кўп эканлигига ишора қиладилар. Илмий билишнинг ҳаракат йўли амалда тўғри чизиқ эмас, балки кесимларида янглишиш ҳоллари юз бериши мумкин бўлган эгри чизиқдан иборат. Бирок бу бизнинг барча билимларимиз сафсата эканлигини исботламайди. Релятивист «билимда нисбийлик унсури мавжуд», деган тўғри қоидани «билим доимо нисбийдир», деган янглиш қоидага алмаштиради.

ГНЕСЕОЛОГИК ПЕДАГОГИК НЕГИЗ – пед. назариясининг ижт.-сиёсий, табиий, маданий-маънавий борликка муносабати ва уни акс эттириши.

ГНЕСОЛОГИЯ (юн. gnosis – билим, logos – таълимот) – билиш назарияси – илмий билишнинг манбалари, шакллари, мет.лари ва унинг тўғрилигини ўрганадиган фал. таълимот. Эпистемологиядан фаркли тарзда Г. билиш жараёнини субъектларнинг объектга нисбатан нуктаи назаридан тахлил қилади. Худди мана шу жихатига биноан пед. б-н уйгунлашади. Шунга кўра, Г.да ҳам, пед.да ҳам субъект-объект муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Билиш жараёнини тахлил қилишнинг асосий Г. чизмаси субъектни қамраб олиб, билиш ва продага бўлинган ҳамда унга карши турадиган табиат объектларини ўз ичига олади. Субъектларнинг онги ва иродасидан қатъи назар улар б-н фақатгина билиш муносабатлари орқали боғланади. Г. муаммолари доирасига билиш объект ва субъектлари интерпретацияси, билиш жараёнининг таркиби, табиийлик ва унинг мезони, билиш шакл ва мет.лари кабилар киради. Антик нуктаи назардан буюм б-н у ҳақидаги билимга оид тасаввурлар характерли бўлса, шунингдек, билиш жараёнида буюмларнинг конфигурацияси аҳамиятли ҳисобланса, билимлар мазмунининг предметли асосида функционал жиҳатдан кўчиришга эътибор каратилади. Ўрта асрлар схоластикасида Г. муаммоси табақалашган ҳолда ривожланиш имкониятига эга бўлди. Шу тарика, мумтоз Г.нинг илмий аппаратини ташкил этадиган кўплаб элементлар ўзаро фаркланди. Бу даврда Аристотель таълимотини христиан догматикаси б-н уйгунлаштиришга бўлган уринишлар амалга оширилган. Схоластиканинг реализм, номинализм, концептуализм каби йўналишлари билиш жараёнининг турли моделларини вужудга келтирди. Тажрибага асосланган табиатшуносликнинг шаклланиши табиий билимларни кўлга киритиш зарурлигини янада долзарблаштирди. Бу эса сенсуализм б-н рационализм орасидаги ўзаро курашнинг майдонга келишига асос бўлди. Кейинчалик эса шундай кураш эмпиризм б-н рационализм орасида вужудга келди.

Шахснинг билиш жараёнида фаол мавкеи эгаллаши зарурлиги муаммоси алоҳида долзарбликка эга. Кантнинг таъбирича, Г. билишнинг субъектив асосга эгалиги алоҳида аҳамият касб этади. Бу натуралистик эпистемологияга оид кадриятли қоидаларни бартараф этишда муҳим ўрин эгаллаган. Шунингдек, Г. мутлақ табиийликка эришишга каратилган билиш мақсадини катъийлаштиради. Фал. метафизик кури-

лишларга танқидий ёндашишни ҳам назарда тутади. Метафизикадан воз кечиш бир томондан табиий фанларнинг жадал ривожланишини таъминлаган бўлса, бошқа томондан оламга нисбатан билишга асосланган муносабатда бўлиш гоясини илгари сурди.

Г. муаммолари неокантчилик ва позитивизм учун шакллантирувчи асос бўлиб хизмат қилди. Мумтоз Г.нинг билиш ф-ятининг асоси сифатида намоён бўлиши ихота (имкониятлари чекланган) қилинган субъект б-н боғланганлигидадир. Бундай субъектнинг онги ўз-ўзи учун шаффоф бўлиб, ишончлиликнинг охирги манбаи ҳисобланади. Билимларнинг табиийлиги ва унинг мазмунини шу тарзда талқин этиш шахс онги доирасининг чегараланганлигидан далолат беради. Бу билимларнинг категориал тавсифини аниқлашга тўсқинлик қилади. Бу эса ўз навбатида, психологизм, яъни субъективизмнинг келиб чиқишига асос бўлади. Абстракцияни бартараф этишга уриниб, мутахассислар формал-онтологик фараз ва принципларни қабул қилишлари ёки ўз моҳиятини билиш тушунчасини вужудга келтириш лозим эди. Шу тариқа, унга онтология мавқеини беришлари керак бўлган. Бу жараёнда асосий ўринни гуманитар фанларни методологик таҳлил қилиш масаласи эгаллаган. Чунки гуманитар фанларда тадқиқот объекти ва тадқиқотчиларнинг ўзаро муносабатлари табиий фанлардан кўра бошқача тарзда ташкил этилиши лозим эди. Мумтоз фал. асосларини танқид қилиш 19-а.нинг охиридан бошланиб, бугунги кунга қадар давом этмоқда. Бу, ўз навбатида, анъанавий Г.ни бузиб, ўз моҳиятини тушунувчи шахсдан воз кечишга олиб келди. Билиш назариясига оид замонавий тадқиқотлар субъект-объект муносабатларини чегаралашни чеклаш зарурлигини таъкидлаб, илк тушунчалар сифатида янгича таркибий қисм ва абстракцияларни киритганлар. Улар предметли ф-ят, маданий меъёрлар ва тил меъёрлари ва б. Анъанавий Г. муаммолари бу доирада кенг кўламли ижт.-маданий ҳодисалар таркибига уйғунлашади. Шунинг учун ҳам улар катта миқдордаги кенг кўламли тушунчаларни ўзида мужассамлаштиради. Г. доирасида марказий мавкени фанлар методологияси ва эпистемология эгаллайди. Бу мустақил фан сифатида пед. учун ҳам хосдир.

ГНОЗИЯ (юн. gnosis – билиш, билим) – қўшма сўз таркибий қисми, «билим» маъносини англатадиган атама. Г. турли модалликлар тизимидаги умумлаштирувчи тушунча (мас., кўриш, эшитиш гнозиси ва б.). Г. ҳис этишга нисбатан юқорирок даражадаги тушунча. Бунда сўзнинг нафақат моҳияти, балки рамзий маъноларини билиш ҳам назарда тутилади. Тушунчанинг бундай табиатга эгалиги нарса ва буюмларни пайпаслаш, ушлаб кўриш орқали билиш имконини беради. Кейинчалик эса кўриш гнозиси тушунчаси нарсаларни кўриш орқали билиш имконини беради. Неврологияда билишнинг турли жиҳатлари зарарланиши ҳақида фикр юритилади. Бу агнозия сифатида намоён бўлади (қ. Агнозия).

ГНОСТИК КЎНИКМА – бўлажак мутахассис шахсини касбий ф-ятни ижодий жиҳатдан амалга оширишга йўналтириш, унинг тадқиқотчилик лаёқатини ифодаловчи кўникма.

ГНОСТИЦИЗМ (юн. gnostikos – билувчи) – фикрлаш қобилиятига эга бўлган инсонгина борликдаги нарса-ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини билиши мумкинлигини эътироф этувчи фал.

таълимот. Г. табиат, ж-ят ҳақидаги билимлар, тушунчалар, ғоялар борликнинг инъикоси эканини, ўз навбатида, улар борликка фаол таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлайди. Ушбу таълимот ижт. борлик, инсон ва улар ўртасидаги муносабатларни ўзгартиришга қаратилган ҳамда бу таъсир инсоннинг назарий ва амалий ф-яти жараёнида намоён бўлишини эътироф этади.

ГОМОГЕН СИНФЛАР (юн. homogenes – бир жинсли) – ривожланиш даражаси, ўқиш майллари ва қизиқишлари, ахлоқи, бир хил сифатлар йиғиндисига эга бўлган ўқувчилар гуруҳи. Бундай синфларни бошқариш осон бўлиб, улар тезкорлик б-н уюшиш имкониятига эга. Чунки улар ички қувватларига таянган ҳолда жадал ривожланадилар. Бундай ўқувчилар ташки шароитларга тез ва муваффақиятли мослашадилар. Табақалаштирилган таълим доирасида гомоген синфлар ташкил этилади.

ГРАММАТИКА МАКТАБИ – 1) қад. Афинада 7–12 ёшдаги ўғил болалар учун ташкил этилган бошланғич мактаб. Унда ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, ҳарфларни қўшиб сўз ясаш кўникмалари шакллантирилган; 2) қад. Рим патрицийлар (қад. Римнинг дастлабки туб жой аҳолиси) фарзандлари ва чавандозлар учун юқори даражадаги бошланғич мактаб. Унда грамматика, Рим ад.ти ва юнон тилидан таълим берилган; 3) Буюк Британия ҳудудида ОЎЮга киришга тайёрлайдиган ўрта умумтаълим мактаблари; 4) Россияда 17-а.да айрим монастирларда юнон ва лотин грамматикаси, қад. дунё ад.тини ўрганиш учун ташкил этилган мактаб.

Англияда Г.м.лари 7-а.да оқсуякларининг фарзандлари учун очилган. Мактаб ҳақидаги қонунга кўра, 1902 й.да грамматика мактаблари дав. мактаблари тизимига киритилган. Г.м.нинг мақсади – миллатнинг интеллектуал жиҳатдан етук фарзандларини жамлаш ҳамда уларга биринчи даражали таълим беришдан иборат. Бошланғич мактабни битирганларнинг фақатгина 20 фоизи Г.м.га киради. Мазкур мактабларда ўқиш 7–8 йил давом этсада, 70 фоиз таҳсил олувчилар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари 5 й. ўқиганларидан кейин таълим муассасасини тарк этишади. Чунки улар одатий даражадаги умумий таълим олганликлари ҳақида имтиҳон топширишади. Таҳсил олувчиларнинг кўпчилиги турли муассасаларга кичик маъмурий ходим сифатида ҳизматга отланади. Тахм. 25–30 фоиз ўқувчилар мазкур мактабда 2–3 й. ўқиб юқори даража учун имтиҳонлар топширади. Шундан кейингина улар ОТМга киради. Улар ун-тларга кириш имтиҳонларидан озод қилинади. Уларнинг жуда камчилиги стипендияларга сазовор бўлиш мақсадида юқори даражалар учун имтиҳон топширади. Дастлабки 2–3 й. мобайнида барча таълим олувчилар одатий дастурлар асосида ўқийди. 3–4-синфдан бошлаб улар махсус ўқув режасига асосланган ҳолда алоҳида ўқув фанлари бўйича таҳсил ола бошлайди. Дастлабки ўқув йилидан бошлаб 6-синфгача ўқувчилар гуманитар, табиий-мат., ижт.-иқтисодий, техник, хўжалик юритиш бўлимларидан бирини танлайди. Ўқувчилар индивидуал режа асосида шуғулланиб, мустақил ф-ят кўрсатишга ўрганади. Юқори синфларда тьютор (tutor) лавозими ўрнатилган бўлиб, улар ўқувчиларнинг мустақил ишларига раҳбарлик қилади. Мазкур таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ахлоқий т-ясига алоҳида эътибор берилган ҳамда ибодатхоналар томонидан назорат қилинган. Ўқувчиларнинг эсте-

тик ва жисмоний т-асига ҳам алоҳида эътибор каратилган. Англияда 1960 й.да 1460 та грамматика мактаблари ф-ят кўрсатган. Уларда 781 544 нафар таълим олувчилар таҳсил олишган.

Роҳат Сафарова

ГУЛИСТОН УНИВЕРСИТЕТИ, Ғафур Ғулом номидаги Гулистон давлат университети – илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган ОЎЮ. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1992 й. 15 мартда Гулистон ш.да Сирдарё пед. ин-ти (1966 й. асос солинган) негизида ташкил этилган. Унга 1966 й. 17 июлда Ғафур Ғулом номи берилган. 23 каф., 19 илмий ва ўқув лаб., устахона, гербарий, ботаника боғи, зоология, тарих ва ад. музейлари, маънавият хонаси, спорт майдони ва зали, тил ўрганиш маркази, бизнес мактаби, кутубхона, Хўжамушкент ўқув дала амалиётлари базаси, Навбаҳор ўқув тажриба участкаси мавжуд. Ун-т қошида 2 АЛ ва малака ошириш ин-ти, босмахона бор. Газета ва жур. чоп этилади. Интернет асосида 10 дан ортиқ ривожланган мамлакатларнинг илмий марказ ва ўқув юртлари б-н алоқа ўрнатган. 20 ихтисослик (ўзбек филол.си, рус филол.си, инглиз тили ва ад.и, қозоқ филол.си, тарих, дав. ҳуқуқи, мат., амалий мат. ва информатика, физика, кимё, биол., экология, пед. ва БТ услубиёти, чизмачилик ва тасвирий санъат, умумий техника ва меҳнат, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, жисмоний маданият, иқтисод, агрокимё ва тупроқшунослик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бўйича мутахассислар тайёрлайди. Г.у.да 1993–2012 й.лар аспирантура бўлими ф-ят кўрсатган. 5 та йўналиш бўйича магистрлар тайёрланади. Ф-яти И. Ахметов, О. Аюпов, Р. Х. Жўраев, К. Йўлдошев, А. Каттабеков, Р. Маҳмудов, Н. Мамадиёров, Ш. Ниёзов, А. Парпиев, А. Позилов, В. Раҳмонов, Ғ. Самадов, Б. Тўйчибоев, У. Ўлжабоев, А. Қулжонов, Ҳ. Қаршибоев каби раҳбарлар ва проф.-ўқитувчилар номи б-н бевосита боғлик. СОРОС, Аденауэр, Акселс, Тасис каби халқаро жамғармалар б-н ҳамкорлик қилади. Ун-тда турли йўналишларда илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Ун-тнинг ривожланишида Темпус томонидан тақдим этилган халқаро грантлар муҳим аҳамият касб этмоқда. И.т. ин-глари ва халқаро ташкилотлар б-н яқин алоқалар ўрнатган. Ломоносов номидаги Москва ДУ, Санкт-Петербург, Ставрополь, Саратов, Новосибирск, Кемерово дав.ун-тлари б-н ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ҳар йили 3–4 нафар талабани Германия, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Малайзия ва Сингапур каби мамлакатларга ўқиш ва тажриба орттириш учун юборади.

Ун-тнинг Филология, Физика-мат., Пед., Табиатшунослик ва Ижт.-иқтисодий ф-тлари, 21 каф.да 320 ўқитувчи меҳнат қилади. Улардан 7 нафари фан д-ри ва 100 дан ортиғи фан номзодлари.

Г.у.нинг халқаро ташкилот ва ин-тлар б-н мустаҳкам алоқаларини ривожлантиришда «Халқаро алоқалар» бўлими ўзининг қиска ф-яти давомида Россия ФА ҳузуридаги Генетика ва эволюцион таълимот ин-ти, Кама дав. муҳандислик иқтисод академияси, Санкт-Петербург дав. политехника ун-ти, Н. И. Вавилов номидаги ўсимликшунослик Бутунроссия и.т.ин-ти, Россия ФА Зоология ин-ти, шунингдек, Биосалин халқаро аграр маркази каби халқаро ин-т ва ташкилотлар б-н ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Ун-тда таълим жараёнига янги усулларни қўллаш, замонавий дастурларни жорий этиш ва комп.лаштириш бўйича

мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Талабаларнинг Интернет тармоғидан фойдаланишлари ва ун-т доирасида локал электрон кутубхонани татбиқ этиш учун кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Г.у.да 30 комп. синф бўлиб, уларда 700 дан ортиқ комп. мавжуд. Мазкур комп.ларнинг 400 таси Интернет тармоғига уланган.

Ун-тнинг ахб. техн. ва АРМда ф-ят олиб бораётган ишчи гуруҳ маълумотлар базасини электронлаштириш ва комп. лаштиришда фаоллик кўрсатмоқда. Ҳар йили ун-т олимлари томонидан ўртача 250 дан ортиқ илмий мақола (шулардан, 30 таси хорижда) 5 монография, 4 ўқув қўлланма ва 512 услубий қўлланма чоп этилади. АРМнинг маълумотлар базасида 4 мингдан ортиқ электрон китоб ва ўқув қўлланмалари мавжуд.

Г.у.да мавжуд лаб.ларнинг умумий майдони 2008 кв мни ташкил этади. 25 ўқув хонаси лаб. сифатида жиҳозланган, 1 ўқув хонасига лингафон тизими жорий этилган.Ун-тда таълим сифатини оширишда ташкил этилган «Педагогик инновациялар маркази», «Мантиқавий тадқикотлар маркази» ҳамда «Ёш олимлар кенгаши» ва б. марказларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Мазкур марказлар ёш олимларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Ун-тнинг иккита талабалар турар-жойи тўлиқ таъмирланиб, замонавий усулда жиҳозланган. Уларнинг умумий сиғими 1153 кишини ташкил этади. Г. у. олимларининг эришган ютуқлари нафақат МДҲ мамлакатлари, балки Германия, Франция каби ривожланган мамлакатлар мутахассисларининг ҳам эътиборини тортмоқда.

«ГУЛХАН» – адабий-бадиий, безакли болалар жур. муассислари: Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахб. агентлиги, Ўзбекистон Республикаси ХТВ, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. Ойда 1 марта нашр этилади. Дастлаб «Ёш куч» (1929–41) номи б-н чиққан. 1941–45 й.ларда 2-жаҳон уруши туфайли жур.ни чоп этиш вақтинча тўхтатилган. Сўнгра «Пионер» (1952–57) номи б-н нашр қилинган. 1957 й.дан ҳоз. номда. Жур. саҳифаларида Ўзбекистондаги болалар ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари, шунингдек, бадиий ад., санъат, халқ оғзаки ижоди, турли спорт ўйинлари мунтазам ёритилиб борилади. «Гулхан» кутубхонаси сериясида болалар ижодидан китобчалар ҳам чиқарилади. Жур.га турли й.ларда Ғани Жаҳонгиров, Жуманиёз Жабборов, Тўлқин Қозоқбоев, Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Сафар Барноев, Омон Матжон ва б. муҳаррирлик қилган. Адади 70000 (2013).

ГУМАНИЗМ (лот. humanus – инсоний) – инсонни улуғловчи фал. таълимот, шахс сифатида инсон қадрияти, унинг эркин камол топиш ва ўз қобилиятларини намоён қилиш ҳуқуқларини эътироф этиш, ижт. муносабатларнинг баҳо мезони сифатида киши бахт-саодатини қарор топтириш. Г. тушунчаси Шарқ мутафаккирлари ижодида ўз аксини топган ва уларнинг асарларидаги ғоялар Европа мутафаккирлари ижодига таъсир ўтказган. Г.нинг дастлабки кўринишлари аждодларимиз томонидан асосланган бўлиб, у Авестода «Эзгу фикр», «Эзгу сўз», «Эзгу амал» шиори остида намоён бўлган. Уйғониш даврига келиб Г. ғоялари баркамол шахс т-ясига оид қарашларда ривожлантирилган. Ибн Сино, Форобий, Беруний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Накшбанд, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мазкур ғоя тарафдорлари бўлишган. Фақатгина 15–19-а.лар-

дагина Г. Ғарб илм-фани намояндалари томонидан асосланган.

Тор маънода – Уйғониш даври (13–16-а.лар)да схоластика ва черковнинг маънавий ҳукмронлигига қарши турган дунёвий ҳурфикрлилик ифодасидир. Ғарбий Европадаги бир неча мамлакатларда Г. ижт. тафаккур соҳасида, ад., санъат ва илм-фанда католицизм ва шахснинг қуллигига қарши қаратилган илғор ҳаракат сифатида намоён бўлган. Назарий асосланган гуманистик ғоялар, инсонни ҳимоя қилиш зарурати ҳақидаги асарлар 15–19-а.ларда вужудга келган (Т. Мор, Т. Кампанелла, Ш. Фурье, К. А. Сен-Симон, Р. Оуэн ва б.). Г.нинг илмий асосларини машҳур француз маърифатпарварлари – Ф. Вольтер, Ш. Монтескье, Д. Дидро, П. Гольбах, К. Гельвеций ва Ж. Ламетрилар яратишган. Улар инсоният ўз ҳаёти давомида уч асосий тамойил – озодлик, тенглик ва бирodарликка суяниши керак, деган фикрни илгари сурганлар. Улар худди шу уч тамойил дунёнинг барча бурчакларида яшаб турган ҳар бир инсон зотига унинг миллати, ирқи, жинси, сиёсий қарашлари, динидан қатъи назар тегишли эканлигини исботлаб, барчага бирдай инсоний муносабатда бўлишга даъват қилганлар. Инсоният ўз тарихий тажрибаси асосида Г. тамойилларининг ҳаёт ва фан ривожига татбиқ этилиши зарурлигини англаб етди. Г. сиёсий чақириқ ва олийжаноб ғоя ҳолатидан ҳаётий тамойилга айлана бошлади. Г. замонавий дав. қуриш ва ж-ят ҳаётини барпо этиш, шахсга таълим-т-я бериш ва уни ривожлантиришнинг муҳим принципи эканлиги б-н умуминсоний аҳамият касб этди. Ҳоз. даврда БМТ, ЮНЕСКО ва б. нуфузли халқаро ташкилотлар ўз ф-ятларида Г. тамойилига таянишади ва ҳар бир халқаро муаммони ҳал қилишда Г. талабларига риоя қилишни зарурий шарт деб билишади.

Г. инсонпарварлик тамойилларининг устуворлиги барча тузум, дав. ва ж-ятлар учун асосий ф-ят мезони бўлиши лозимлигини ифодалайдиган ҳодисадир. Аксарият Ғарб мутахассислари Г.нинг «антропоцентризм» (инсон борлиқ моҳиятининг асосига қўйилиши) ғоясига таянишини эътироф этадилар. Ўрта аслардаги Г.нинг ривожланиш йўлини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин: 1) илк Г. – 14-а.нинг 30–90-й. лари; 2) Г.нинг юксалиш даври – 14-а. нинг 1-ярми; 3) бевосита гуманистик талқиндаги неоплатонизмнинг таркиб топиши – 15-а.нинг 2-ярмидан 16-а. бошларигача; 4) Г. ғоялари мазмунидан чекинишлар ва Г. ҳаракатининг сўниш даври – 16-а.нинг 2-ярми.

Илк гуманистлар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига эътибор қаратиб, уни борлиқ марказига қўйган. Бу даврда инсон ҳақидаги илмлар, айниқса, шеърият ва ахлоқ илмига қизиқиш кучайган. Қад. юнон ва Рим алломалари яратган мерос жиддий ўрганилган. Бу давр мутафаккирлари ердаги моддий ҳаёт фақат инсон учун яратилган, уни эзгулик ва адолатнинг табиий қонунларига мувофиқ равишда тартибга солиш ҳам инсоннинг ўзига боғлиқдир, деган ғояни илгари сурган. 15-а.нинг 2-ярмидан бошлаб гуманистлар неоплатонизм ғояларини янгича талқин этишга киришган. Неоплатончилар инсоннинг тангрига бўлган муносабатини талқин этишда ибтидоий тасаввурлардан воз кечиб, борлиқни яхлит тизим сифатида тушуниб, табиат ва илоҳий моҳиятнинг ўзаро ички боғлиқлигига эътибор қаратган. Улар ўрта асрларга хос тарки дунёчилик кайфияти-

дан юз ўгириб, ёруғ дунё гўзаллигини илоҳийлаштирган. Ж-ят ижт.-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар таъсирида инсон шахси борлиқ асосига қўйилиб, уни улуғлашга йўналтирилган қарашлар мажмуи сифатида талқин этила бошланди. Шу маънода, Г. тушунчаси турли тарихий давр ва ҳудудларда тарқалган таълимотлар ва дунёқараш тизимларига татбиқан ҳам қўлланади.

Ўзбек тилига кенг маънодаги Г. тушунчаси «инсонпарварлик» деб ўгирилган. Кейинчалик фанга «Антик давр гуманизми», «Шарқ гуманизми», «Христиан гуманизми», «Ислом гуманизми» каби тушунчалар кириб келган. Г. бугунги кунда маънавият талаб ва тамойилларини амалга ошириш усули ва воситаси сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Роҳат Сафарова

ГУМАНИЗМ ҒОЯЛАРИ – мазмун-моҳиятига кўра башариятга хос бўлган, инсонни инсон қиладиган, унинг ҳаётини теран маъно-мазмун б-н бойитадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этадиган қараш ва таълимотларни англатувчи тушунча. Г.ғ.га кўра, ҳар бир инсоннинг асосий фазилати табиий эҳтиёжларини қондириш б-н эмас, балки меҳнат қилиш, ақл-идрок ва тафаккурга эга бўлиш, фикрлай олиш, билимлар ҳамда ўз халқининг маданияти, маънавиятини эгаллаш б-н белгиланади.

Бозор иқтисодиёти ҳамда глобаллашув жараёни ж-ят ҳаётининг барча соҳаларига кириб бораётган шароитда инсон қадр-қиммати масаласи долзарб мавзуга айланиб бормоқда. Маълумки, ж-ятдаги иқтисодий, ижт.-сиёсий муносабатлардаги туб ўзгаришлар инсон тафаккури ва ф-ятига таъсир кўрсатиб, уни янада фаолроқ ҳаракат қилишга ундайди. Бу эса, ўз навбатида, ж-ят тараққиёти механизмларининг такомиллашувига олиб келади. Ана шу жараёнда инсонпарвар ғоялардан самарали фойдаланиш гоят муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашувнинг шаклланиши узоқ тарихий тажрибалар б-н узвий боғлиқ бўлиб, унинг мазмун-моҳияти Г.ғ.нинг муайян бир даврда ж-ят ва шахс тараққиётига кўрсатадиган таъсирида намоён бўлади.

Азалдан Г.ғ. табиий-илмий, фал., ахлоқий, эстетик, ижт.-сиёсий қарашлар б-н мутаносиб равишда ривожлантирилган. Мас., Ғарбда Г.ғ. шаклланишида қад. Шарқ фал. тафаккури ва ҳурфикрлилик анъаналари, юнон ва рим маданияти, материя ва руҳнинг абадийлиги, ақлнинг фаоллиги, ирода эркинлиги каби ғояларнинг аҳамияти беқиёс бўлган. 13–17-а.лар давомида Италияда Г.ғ. ривожида Леонардо да Винчи, Жордано Бруно, Галилео Галилей, Макиавелли; Францияда 15–16-а.ларда яшаб ижод этган Монтень, Раме, Шаррон, Леферд Этаплъ, Доле; Германияда 6–12-а.ларда Мюнцер, И. Рейхлин, Гуттен, С. Франк, Кеплер; Англияда 16–17-а.ларда Томас Мор, Ф. Бэкон; Голландияда Э. Роттердамский, Польшада Н. Коперник ва унинг издошлари; Швейцарияда Парацелс; Чехияда Н. Компенский каби мутафаккирларнинг Г.ғ. муҳим аҳамият касб этган. Шарқ фал. тафаккурида Г.ғ. улуғ аждодларимизнинг қарашларида ўз аксини топган. Жумладан, Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Адаб ал-муфрад» («Одоб дурдоналари»), Имом Термизийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») асарларида Г.ғ.нинг мазмун-моҳияти илм эгаллаш, ота-она ва фарзандларнинг бир-бирини ҳурмат қилиши, таълим-т-я, хулқ-одоб қоидалари, ҳалоллик, поклик, саҳийлик, адолат, инсоф ва б. инсоний

қадриятларда ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг «Сунани Термизий» асарлари ўн икки асрдан буён миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури б-н мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келаётгани ҳақида тўхталиб, бу улуғ зотларнинг «...асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб даврмизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиши б-н эътиборга моликдир», – дея таъкидлаган.

Форобийнинг таъкидлашича, инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа ҳақиқатан фазилатли, етук, хосиятли жамоадир. Инсоннинг келажаги, унинг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш, қайғу-аламига шерик бўлиш ҳисси ўзгаларда, биринчи навбатда, дав. арбобида шаклланган бўлмоғи лозим. Мутафаккир инсон камолоти муаммосини илм б-н боғлайди. Унинг фикрича, воқелик сир-асроридан боҳабар бўлмасдан, Аллоҳ инъом этган ақл неъматидан мавжуд имконият даражасида фойдаланмасдан туриб, етук инсон мартабасига эришиб бўлмайди. Чунки инсон дунё тараққиётининг энг мукаммал ва етук якунидир.

Ибн Синонинг инсон тўғрисидаги қарашларида илм ва ахлоқий фазилат муштараклиги, инсоннинг донишманд ва олийжаноб шахс даражасига кўтарилиши мумкинлиги таъкидланади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, кишилардаги фазилатлар шахсий ва ўзгалар тажрибаси, аждодлар анъаналари, таълим-т-я натижасида шаклланади ва муайян ижт. мавкега эришади.

Маҳмуд Қошғарий эса инсонларга яхшилик қилиш, ўзаро ҳурмат, меҳр-шафқатли бўлиш, ночорларга саховат кўрсатиш каби фазилатлар ҳақида сўз юритади. «Халққа яхшилик қил, – дейди мутафаккир, – уни сув остига ташласангда, сув устида кўрасан».

Юсуф Хос Ҳожибнинг инсонпарварлик руҳи б-н суғорилган илғор ғоялари Г.ғ.нинг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Аҳмад Югнакийнинг ижодий меросида ҳам инсон ва унинг фазилатларига алоҳида эътибор қаратилган. Аллома саҳийлик, яхшилик, меҳр-шафқат, дўстлик, камтарлик, тавозеъ каби инсоний хислатларни юксак баҳолайди. «Яхши яроқли ошингни кишига едир, яроқли нарса (кийимлик) топсанг, ялағочларнинг йиртилган кийимини бутла»,– дейди мутафаккир.

Халқимиз маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зот Ҳазрат Алишер Навоийнинг Г.ғ. ривожига қўшган ҳиссаси ҳам беқиёсдир. Унинг оқиллик, одиллик, саҳийлик, иффатлилик, шижоатлилик, поклик каби туйғуларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, ҳаром-хариш, риёкорлик, ҳазар қилиш ҳақидаги ғоялари халқимиз, жамики инсониятнинг маънавий юксалиши, ж-ятимизда юксак фазилатларни қарор топтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Кейинги даврларда яшаб ижод этган мутафаккир ва адиблар ижодида ҳам инсонпарварлик ғоялари ўз даврдаги ижт.-сиёсий ўзгаришлар б-н узвий боғлиқ тарзда ифодаланган. Мас., Юсуф Қорабоғий ижт. ҳаёт муаммолари, ахлоқ-одоб масалаларига эътибор қаратиб, ж-ятдаги адолатсизлик, зўравонлик, ўзбошимчалик, шафқатсизлик, инсонга нисбатан беҳурматлик ва манманликни

коралайди, ақл-заковат раъйига кулоқ тутиш, бахт-саодат, жисмоний ва руҳий-маънавий камолот сари интилишни инсон хаётининг мазмуни, деб билади.

Бобур, Машраб, Нодира, Анбар Отин асарларида ҳам Г.ғ. б-н уйғунлашган қарашлар илгари сурилган ҳамда тенглик, адолат, инсоф, одамгарчилик каби фазилатлар тараннум этилган. Ижт.-фал., пед. тафаккур тарихида илгари сурилган инсонпарварлик ғоялари орқали инсон, таълим-т-я ва ж-ятнинг ҳар бир даврга хос мақсад-муддаолари, орзу-умидлари ва дунёқараши ўз ифодасини топган.

Роҳат Сафарова

ГУМАНИСТ (лот. humanus – инсоний, одамий) – гуманизм тарафдори; гуманизм руҳи б-н суғорилган инсонпарвар шахс.

ГУМАНИСТИК МУНОСАБАТЛАР – *инсонпарварлик*ка оид; инсонни улуғлаш ғоялари б-н суғорилган муносабатлар. Г.м. – инсонийлик, одамгарчилик чегарасида амалга ошириладиган ишлар, одамга ярашадиган, унга зеб бўладиган, шахсини улуғлайдиган фазилатни, ҳаёт, одамзод тақдирига гуманистик муносабатни англатадиган тушунча. Г.м. ғоялари узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ёркин ифодаси бўлган ижод намуналари, реал далил ва мисоллар халқ оғзаки ижодиёти, бадиий ад., диний ва фал. таълимотлар, турли халқларнинг тарихи, маданий меросида асрлар давомида яшаб келмоқда. Шарқнинг буюк мутафаккирларидан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз сиймоларнинг асарларида инсон эркинлиги, унинг қадр-қиммати, шахслараро муносабатлар, устоз-шогирд орасидаги мулокот каби гуманистик ғоялар илгари сурилган. Хусусан, Алишер Навоий ижодида дунёдаги энг катта бойлик ҳазрати инсондир, деган ғоя бадиий сўз орқали асослаб берилган. Унинг фикрича, бутун борлик, ундаги мавжудотлар, инсон, унинг бахт-саодати, равнақи учун хизмат қилиши лозим. «Одамий эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами», – дея таъкидлаган эди буюк мутафаккир. Шоирнинг биргина шу байтида унинг ижодида гуманизм ғояси шахслараро инсоний муносабатлар нақадар катта ўрин эгаллаганлиги намоён бўлади.

Бошқа улуғ аждодларимиз ижодида ҳам Г.м. ва инсонийлик ғоялари устувор ўрин эгаллаган. Шарқ халқларининг пед. тафаккури тараққиётида инсонийлик ғоялари кенг тарқалган бўлиб, аждодларимизнинг кўп мингйиллик тарихи давомида мазкур қарашлар сайқалланиб юксалиб борган. Европада эса Г.м. яхлит дунёқараш тизими сифатида илк бор Ғарб Уйғониш даври (15–17-а.ларда) Шарқ халқларининг гуманистик тафаккури таъсирида шаклланган. Ўрта асрларда худо ва дин номидан камситиб, хақоратлаб, минглаб инсонларни инквизиция гулханига ташлаган (яъни, одамларни қийнаб, суд ҳукмига тортган) шафқатсиз диндорлар ва уларни қўллаб-қувватлаган черков ҳокимиятига қарши, Европада Г.м.га оид ғоялар ўзига хос кураш дастури сифатида намоён бўла бошлаган. У ижт. фикрни кенг қамраб олиб, ад., фал., санъат, таълим-т-я ва б. соҳалар ривожига янгича мазмун ва рух касб этган. 14–17-а.ларда инсонийлик ғоялари дастлаб Италияда, кейинчалик эса Европанинг бошқа мамлакатларида тарқала бошлаган. Инсониятнинг шундан кейинги тараққиёти давомида Г.м.га оид ғоялар тадрижий тарзда ривожлан-

ди. Жаҳон илмий, сиёсий, ижт., фал. ва пед. фикр тараққиётида инсонпарварлик «гуманизм» номи б-н ривожланди. Бу атама илм-фанда биринчи марта 19-а. бошларида қўлланилган ва 20-а.нинг ўрталаригача ж-ятдаги адолатсизлик ва тенгсизлик кўринишларини танқид қилиш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилди.

Инсониятнинг 15-а.дан 20-а.нинг ўрталаригача бўлган тарихи аста-секин Г.м.га оид ғояларни ўзлаштиришга асос бўлди. Мазкур ғояни инкор этиш эса инсониятни кандай катта фожиаларга ундаши мумкинлигини кўрсатди. Шу асосда 2-жаҳон урушидан кейинги даврда дунё тараккиётида туб ўзгаришлар юз берди. Бу даврга келиб гуманистик муносабатларга оид тажрибаларни ўзлаштириш йўлида муҳим кадамлар қўйилди. Буни БМТ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг вужудга келганлиги, бошқа соҳалар қатори гуманитар масалалар ҳам сиёсий муҳокама мавзусига айланганида кўриш мумкин.

Г.м.га киришиш ўзбек халқи миллий менталитетининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Г.м. барча даврларда ўзбек халқи ҳаёти ва ф-ятида муҳим ўрин эгаллаган. Шунинг учун ҳам Г.м. мутафаккир аждодларимиз қарашларининг асосини ташкил қилган. Гуманистик ғоялар юртимиз ва ўзбек халқи онгига ташқаридан киритилган эмас, балки унинг тафаккури, ижодкорлик даҳоси маҳсулидир. Бу жараён мустақиллик йилларида янада жадаллашди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси барча соҳаларда, шу жумладан, Г.м.га кенг йўл очиш борасида ҳам инсонпарварликнинг юксак мезони ва талаблари асосида сиёсат олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шу жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам, аввало, инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги, ўзбек халқи маънавияти, миллий кадрият ва анъаналаримиз ривожига берилаётган эътибор ва ушбу йўналишдаги кенг кўламли ишларда ўз ифодасини топган.

Роҳат Сафарова

ГУМАНИСТИК ПЕДАГОГИКА – 20-а.нинг 50–60-й.ларида АҚШда пайдо бўлган, психологиянинг инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган таълимт-я назарияси ва сиёсатининг йўналиши, эркин, баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган пед. қарашлар мажмуини ифодаловчи атама. Г.п.нинг диққат марказида шахснинг бетакрор яхлитлиги туради. Г.п. тарафдорларининг таъкидлашича, бундай инсон ўз имкониятларини максимал даражада намоён қилишга интилади. У янги тажрибаларни идрок этиш учун очиқ бўлади, мараккаб ҳаётий вазиятларда зарур танловларни амалга оширади. Шундай сифатларга эга бўлган шахсни шакллантиришга йўналтирилган гуманистик пед. жараён ўқувчиларга тайёр билимларни узатишга асосланган анъанавий пед.дан тубдан фарқ қилади.

Г.п. тарафдорлари ўз олдиларида турган муҳим вазифа шахсни шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат деб ҳисоблайди. Бунда улар Г.п.нинг усулларини гуманистик психотерапия б-н ҳамкорлик қилишда кўради. Г.п. анъанавий ўқув-т-я жараёнини инкор қилиб унинг бефарқликка асосланган характери ва ҳодисаларидан воз кечиш зарурлигини таъкидлаб, қатъий режим асосида ниқобланган ҳолда ўқувчиларга тақдим этилган билимларни уларнинг ижт. тажрибасига кирмаслигини қаттиқ танқид қилади. Шунингдек, улар таъ-

лимнинг ижт. буюртмани бажаришга йўналтирилишини ҳам танқид қилади. Бунинг учун ўқувчиларда шаклланти-риладиган кўрсатмалар доирасида билимлар танланишини нотўғри деб ҳисоблайди. Г.п. талаблари доирасида мактаб ўқувчиларининг ўз қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондириш заруриятини англаган ҳолда билимларни ўзлаштиришлари учун қулай шароит яратишга сафарбар қилиниши керак. Бу жараёнда хато қилиш, мустақил тарзда ижодий изланиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим. Ўқитувчилар эса уларни баҳо ёки жазо б-н тўғри йўлга йўналтирмасликлари, аксинча, манфаатдорлик асосида қўллаб-қувватлашлари керак. Г.п. ўқитувчилардан ўқувчиларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишларини талаб этади. Ўқитувчилар ўзларини ўқувчи ўрнига қўйишга ҳаракат қилишлари, уларнинг ҳис-туйғулари ва кечинмаларига кириб боришлари, самимий ва очиқ бўлишлари лозим. Бундай вазиятда ўқувчини ҳар қандай шаклдаги ўқув ф-ятига жалб этиш учун қулай шароит яратилади. Бундай шароитда ўз-ўзидан юзага келадиган, мослашувчан вазиятдан қатъий тартибда ташкил этилган жараёнга қадар шаклланади. Бунинг учун ўқув-т-я жараёни ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва танловларига мувофиқ келиши керак.

Г.п. доирасидаги изланишлар таълимни ўқувчининг ҳиссий кечинмалари ва эҳтиёжлари б-н уйғунлаштириш асосида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу б-н бир қаторда, синфда зарур психологик муҳитни вужудга келтириш, ўқув-т-я жараёнида ўқувчиларга психологик-пед. маслаҳатлар бериш, уларни мақсадга мувофиқ тарзда йўналтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Г.п.нинг ташкилий-методик тавсиялари «аралаштириб ўқитиш» концепциясида ўз ифодасини топган. АҚШда Ж. Браун томонидан ишлаб чиқилган мазкур концепцияга кўра, аралаштириб ўқитиш БТ жараёнида амалга оширилади. Концепциянинг асосини таълимнинг ҳиссий ҳамда билиш йўналишларини ўзаро қориштириш ташкил этади. Бунда «кўрсатмасиз таълим» тизимига амал қилиш тавсия этилади ва К. Рожернинг мазкур йўналишдаги кўрсатмаларига амал қилинади. Унинг вазифаси ўқувчиларга ўз шахсиятларининг ўзига хослигини англатишга кўмаклашишдан иборат. Г.п. тарафдорлари таълим жараёнини фаоллаштиришнинг турли шакл ва мет.ларидан фойдаланади (саҳналаштириш, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш мақсадида ўқув шартномаларидан фойдаланиш, гуруҳли ва якка тартибда лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорликда таълим олиш ва б.).

Г.п. ғоялари халқаро миқёсида эътироф этилган. Улар узлуксиз таълим жараёнида алоҳида ўқув курслари мазмунини танлашга таъсир кўрсатади ҳамда бир қатор халқаро дастурларда ўз ифодасини топган («Акл-идрок ва олам тарбиясида» ва б. Ғ. 20-а.нинг 60-й.лари ўртасида АҚШда т-яни инсонпарварлаштириш бўйича миллий консорциум амал қилган. У таълим тизимининг турли бўғинларида ф-ят кўрсатадиган педагогларнинг ташкилоти сифатида ҳаракат қилган. Бугунги кунда Г.п.нинг илғор ғоялари шахсга йўналтирилган таълим концепциясида ўз ифодасини топмоқда.

Роҳат Сафарова

ГУМАНИТАР ТАЪЛИМ (фр. humanitaire, лот. humanitas – инсон та-

биати) – 1) инсон шахси, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига мансубликни англатувчи тушунча ва билимлар; 2) ижт. фанлар соҳасидаги махсус таълим; 3) ижт. фанларга оид, шахс ва унинг маданиятини ўрганадиган тушунчани ифодаловчи атама, мас., гуманитар таълим, гуманитар фанлар (пед., психология, фал., филол., тарих, санъатшунослик ва б.).

Г.т. – умумий таълимнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, узлуксиз таълимнинг муайян босқичида ўқитиладиган ўқув фанлари мажмуидан иборат. Г.т. тарих, она тили, ад., тасвирий санъат, мусиқа маданияти каби ўқув фанлари мисолида, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида эса фал., социология, иқтисодиёт, тарих, этика ва эстетика каби фанлар мисолида амалга оширилади. Мазкур ўқув фанларининг ўзига хос жиҳати – инсоннинг ижт. табиатига оид билимлар асосларини қамраб олганлигидадир. Шунингдек, бадиий маданият ва унинг тили ҳам мазкур ўқув фанлари мазмунида ўз ифодасини топади.

Таълим мазмунини гуманитарлаштириш табиий фанларда ишлаб чиқилган мет.ларни ижт. фанларда қўллашни ҳам ифодалайди. Бу ҳолат образли тафаккур б-н боғлиқ.

ГУРУҲЛИ ФАОЛИЯТ ТЕХНОЛОГИЯСИ – таълим олувчиларнинг ягона гуруҳга бирлашиб ўқув жараёнларини биргаликда бажаришларига йўл очадиган техн. Г.ф.т.да ўқувчиларга турли йўллар, усуллар, техн. воситасида самарали таълим бериш имконияти мавжуд (устоз-шогирд тизими асосида касбий лаёқатни ривожлантириш, тренинглар, семинарлар, конференциялар, маърузалар, видеосеминарлар, савол-жавоб кечалари, онлайн-тренинглар, масофавий таълим бериш ва б.). Мазкур мет.лар гуруҳли ва индивидуал иш усулларига ажратилади. Индивидуал ф-ят усулларига *репетиторлик*, *устоз-шогирд* муносабатлари, индивидуал коучинглар (ўқувчиларнинг эҳтиёж ва талабларига кўра улар б-н якка тартибда ишлаш), масофавий ҳамда онлайн-курсларни киритиш мумкин. Гуруҳли иш шакллари тренинглар, маърузалар, ишчан ўйинлар, семинарлар, ҳамкорликда ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш, гуруҳли психотерапиялар, дискуссиялар, дебатлар тарзида ташкил этилади. Г.ф.т. ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш, шахслараро муносабат ва ҳамкорликка ўргатиш, ижт.лаштириш имконини беради ҳамда уларнинг нутқи, мулоқот маданияти, тафаккури ва интеллектининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Г.ф.т.ни қўллаш натижасида юқори даражадаги самарадорликка эришиш мумкин. Шу жиҳати б-н у ўқитишнинг анъанавий фронтал шаклидан устун туради. Г.ф.т.ни қўллаш жараёнида кичик гуруҳларни шакллантиришда бир қатор хусусиятларга эътибор қаратиш лозим. Бунда турли-туманлик принципига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув даражасига кўра бир хил имкониятга эга бўлган ўқувчилар гуруҳини шакллантиришда кучли ўқувчилар янада кучлироқ, заифлар янада заифроқ бўлишади. Бунда ўқув ютуқлари орасидаги бўшлиқ кенгаяди. Гетероген (турли ўзлаштириш даражасига эга бўлган ўқувчилар) гуруҳларда ўқиш эса бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни ўртача даражага кўтариб, ўртача ва кучли ўзлаштириш имкониятига эга бўлган ўқувчилар ф-ятини тўғри йўналишга солади. Гуруҳларни шакллантиришда ўқитувчилар ўқувчиларда турли-туман ўқув қизиқишлари, кўникма ва малакалари бўлишига эътибор қаратишлари

керак. Бунда ўқувчиларнинг ижт.-руҳий жиҳатдан ранг-баранглиги ҳамда психологик бирдамликлари ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим.

Кичик гуруҳлардаги ўқувчилар сони 4 кишидан ортмаслиги керак. Бундай гуруҳнинг ф-яти улар осонгина иккита жафтликларга бўлиниши ҳамда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун қулайлик туғдириши натижасида махсулдор бўлиб, ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот қилишлари учун қулай ҳисобланади.

Г.ф.т. бир неча босқичларда амал қилинади: янги ўқув материалларини ўрганишга қадар бўлган босқич; янги ўқув материалларини ўрганиш босқичи; янги ўқув материалларини амалий қўллаш босқичи.

Янги ўқув материалларини ўзлаштиргунга қадар бўлган босқичда эса анъанавий фронтал савол ва карточкалар б-н махсус тайёрланган топшириқлар асосида кичик гуруҳларда ишлаш тавсия этилади. Бунда ўқувчилар б-н ҳамкорликда лаб. машғулотлари ёки кичик тадқиқотлар ўтказилади. Мазкур босқичда таълимнинг асосий мақсади – биргаликдаги амалий ҳаракатлар воситасида гуруҳ аъзоларида мавжуд бўлган БКМ ва амалий тажрибаларни янги ҳосил бўлган билимлар б-н боғлашдан иборат.

Янги ўқув материалларини ўзлаштириш босқичида асосий мақсад – муайян эмпирик формула ва бирликларни назарий жиҳатдан асослаш ҳамда далиллар ёрдамида исботлашдан иборат бўлиб, мазкур кўникмаларни гуруҳ аъзолари олдинги босқичда ўзлаштирган бўлишади.

Ўрганилган ўқув материалларини амалиётда қўллаш босқичида эса муайян машқлар ва тест топшириқларини бажариш кўринишидаги ўқув ф-яти амалга оширилади. Шундан кейингина гуруҳ бўлиб, уй вазифаси ёки муайян лойиҳани бажариш жараёни амалга оширилади. Бу жараёнда ўқувчилар гуруҳининг ўзи мустақил тарзда ишлаш тартибини аниқлайди. Улар гуруҳ аъзолари ўртасида топшириқларни тақсимлаб олади. Бунда гуруҳнинг ҳар бир аъзосидан уй вазифасининг муайян қисмини қандай бажаришни билиш талаб қилинади. Шундан кейингина улар ечимларни муҳокама қилиш учун бир жойга тўпланади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси уй вазифаси доирасидаги ҳар бир топшириқнинг бажарилишини билиши лозим. Шу асосда улар бир-бирларига саволлар беришлари, нотўғри ечимларга тузатишлар киритишлари, ўқитувчига текшириш мақсадида тақдим этиш учун якуний натижаларни расмийлаштиришлари керак. Гуруҳли ф-ят жараёнида бажарилган уй вазифаларини текширишда ўқитувчи гуруҳнинг алоҳида аъзоларини танлаб олган ҳолда ўз ҳузурига чорлаб савол бериш ва топшириқ таркибидаги муайян вазифаларни бажаришини изоҳлашини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу ўринда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бажарилган иш натижаси учун масъул ҳисобланади. Натижада, ўқувчилар уй вазифаларини онгли тарзда бажаришга йўналтиради. Гуруҳ аъзоларининг масъулиятини ошириш учун гуруҳли тарзда бажариладиган уй вазифаларини индивидуал топшириқлар б-н уйғунлаштириш талаб этилади.

Ўқувчиларнинг гуруҳли ф-ятлари муайян усуллар ёрдамида баҳоланади. Ўқувчилар ф-ятини гуруҳли тарзда баҳолашнинг асосий мақсади – уларнинг гуруҳ ф-яти натижалари учун масъуллигини ошириш б-н бир қаторда, ўзларининг мустақил тарзда қўшган

улушларини ҳис этишларига ҳам кўмаклашади. Ҳар бир ўқувчи ўқув жарёнида ўзининг ривожланганлигини ҳам аниқ ҳис эта олади. Гуруҳли ўқув натижаларини баҳолаш жараёни баллар ёрдамида ифодаланиб ўқувчилар гуруҳининг ютуқларини намоён этади.

Г.ф.т.ни қўллаш ўқитувчидан махсус касбий тайёргарликни талаб қилади. Бундай тайёргарликнинг зарурлиги ўқув жараёнида аниқ намоён бўлади. Жумладан: ташкилий характердаги қийинчиликлар; психологик характердаги қийинчиликлар. Мас., кучли ўзлаштириш даражасига эга бўлган ўқувчилардан ташкил топган гуруҳларда улар муҳокамалар жараёнида мунтазам тарзда етакчиликни қўлга олади. Мазкур ўқувчилар бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг фикрларини писанд қилмайди, баъзида эса уларга кўмаклашишни ҳам хоҳламайди. Бундай вазиятларда ўқитувчи гуруҳ аъзолари б-н норасмий учрашувлар ўтказиши, қийинчиликларга дуч келаётган ўқувчиларга маслаҳатлар бериши, ўқувчиларнинг эътиборини гуруҳ ва аъзоларининг ижобий жиҳатларига қаратиши, психологик мувофиқликни вужудга келтириши талаб этилади. Ўқувчиларда мулоқот кўникмаларини шакллантиришга ўқитувчилар алоҳида эътибор қаратишлари керак.

Г.ф.т. ўз таркибига бир қатор мет. ларни бирлаштиради. Дунёнинг илғор мамлакатларида кенг тарқалган мет.лардан бири – ютуққа эришувчи гуруҳларда ўқитиш. Ўқув мусобақаси мет.и асосидаги ишлар янги материалларни ўзлаштиргандан кейин амалга оширилади. Мусобақада турли жамоаларнинг аъзолари бўлган ўқувчилар учрашади. Уларнинг ўзлаштириш даражалари бир хил бўлиши лозим. Бундай мусобақалар ҳафтада бир марта йирик ўқув мавзулари ўтилгандан кейин ўтказилади. Турли жамоалардан жамланган ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлашда кучлилар, ўртача ўзлаштирувчилар ва бўш ўзлаштирувчилар алоҳида-алоҳида жамланади. Уларнинг ҳар бири камида 30 тадан савол ёзилган рақамланган карточкалар б-н таъминланади. Г.ф.т. ҳамкорликка асосланган пед. жараённинг ўзига хос тарзда намоён бўлишини ифодалайди.

Роҳат Сафарова

ГУРУҲЛИ ЎҚИТИШ – ўқувчиларни ўзаро ҳамкорлик асосида ишлаш ва гуруҳли фикрлашга ўргатиш, уларнинг тафаккурини шакллантириш усулларидан бири – уларнинг гуруҳ бўлиб ҳамкорликда фикрлаш ф-ятларини ривожлантириш усули. Гуруҳли иш усули шундай ташкил этилиши керакки, ўқитувчи ўқувчилар орасида ўзаро биргаликда ф-ят кўрсатиш муҳитини вужудга келтириши лозим. Бунинг учун синфдаги барча ўқувчилар ўз олдиларига қўйилган топшириқларни ечиш йўлларини биргаликда излашлари, тадқиқот ва таҳлиллар ўтказишлари керак.

Г.ў.нинг асосий мақсади – ўқувчиларнинг фикрлашларини ривожлантиришдан иборат. Г.ў. усулининг самарадорлиги топшириқларни ечиш жараёнини тезлаштириш, ўқувчиларнинг ўз мавқеларини аниқлашлари учун қулай пед.-психологик муҳит яратиш, ташкилотчилик кўникмаларини шакллантириш, таҳлилий лаёқатларини ривожлантиришда намоён бўлади. Г.ў. усулини жорий қилиш учун ўқув жараёнига гуруҳли иш усулини татбиқ қилиш; ўқув материалларидан ўқувчиларнинг билиш

ф-ятларини ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш; ташхислаш асосида ўқувчиларнинг фикрлаш даражаларини аниқлаш ва унинг ривожланишини мунтазам назорат қилиш; ўқувчиларда назарий таҳлил қилиш лаёқатини шакллантириш талаб этилади.

Г.ўнинг асосий моҳияти – ўқувчи тафаккури, айниқса, жамоавий фикрлашни жадаллаштиришдан иборат. Жамоавий фикрлаш мулоқотга киришиш, ўзаро бир-бирини тушуниш, фикрлашга ундовчи турли машқлар устида ишлаш, ўзаро бир-бирига муҳолифлик қилиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоялаш, изчил назарий фикрлаш имконини беради.

ГУРУҲНИ ЖИПСЛАШТИРУВЧИ ТРЕНИНГЛАР – умумий иш б-н таништириб чиқишдан бошлаб уни ривожлантиришгача бўлган жараённи ифодаловчи таълим техн.си. Мазкур техн.нинг мақсади – педагогларнинг ўз ҳаракатларини касбдошлари ф-ятига мувофиқлаштиришга кўмаклашишдан иборат. Г.ж.т. мулоқот соҳасида муайян БКМларни ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув жараёнининг махсус шакли ҳисобланади. Бу усул мулоқот кўникмаларини яхшилаш, такомиллаштириш усули ҳамдир.

Гуруҳли тренингларнинг кўплаб шаклларини иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: 1) ўқувчиларнинг ижт. кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган тренинглар. Мас., мунозарага киришиш, шахслараро зиддиятларни бартараф этишга қаратилган тренинглар; 2) ўқувчиларнинг мулоқот вазиятларини таҳлил қилиш тажрибаларини ривожлантиришга йўналтирилган тренинглар, жумладан, ўзини мос тарзда таҳлил қилиш кўникмасини ривожлантириш, мулоқотдошининг фикрларини таҳлил қилиш, гуруҳли вазиятларни яхлит тарзда таҳлил қилишга қаратилган тренинглар.

Гуруҳли тренинг мет.идан гуруҳли мунозара ва ўйин мет.лари ажратиб олинади. Гуруҳли тренинглардан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида ҳам кенг фойдаланилади. Гуруҳли тренинглардан зиддиятлар ривожини бартараф этиш, ота-оналар ва фарзандлар орасидаги муносабатларни яхшилаш, ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг ижт.-психологик жиҳатдан мослаштиришда самарали фойдаланилади.

Д

ДАБИРИСТОН (форс. – мирза, котиб, ўқитувчи, устоз) – 1) Ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Эрон шаҳарларидаги мактаб. Унда болалар муайян даражада дунёвий билимлардан умумий маълумот олган. Ўқув-т-я жараёнида таълим олувчилар машҳур шоирларнинг девонларини мутолаа қилишган, ёзув ва ҳисоб бўйича зарур билимларни эгаллашган; 2) подшоҳ ва хонлар ҳузурида иш юритган мирзахона. Бу ерда махсус котиблар (дабирлар) томонидан дав. миқёсидаги мактуб, ҳужжатлар тузилган ва таҳрир қилинган, ҳисобчилар ҳисоб-китоб ишлари б-н шуғулланишган.

В. В. Бартольднинг фикрича, Туркистонда қуйи мактаблар, савод мактаблари форсча «Дабиристон» деб аталган. Бу атама Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳам учрайди. Адиб асарнинг 18-фаслини «Дабиристон аҳли зикрида» деб атайди. Бунда у устоз-мураббийлар ф-ятининг салбий жиҳатларини кўрсатади. Алишер Навоий асарларида «дабиристон» атамасига нисбатан «мактаб» сўзи кўпроқ қўлланилган.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги таълим муассасаси – раҳбар ходимларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи, уларнинг малакасини оширувчи ўқув-услубий ва илмий марказ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 й. 19 апр.даги фармонига мувофиқ ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 й. 10 апр.даги ПФ–4435-сонли фармонига биноан «Давлат бошқаруви академияси» номи б-н қайта ташкил этилган. Унинг асосий мақсади республика ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил қилиш, шунингдек, дав. ва ж-ят бошқаруви соҳасига оид фундаментал ҳамда амалий и.т.лар олиб боришдан иборат.

Академияда таълим икки йўналишда амалга оширилади: тингловчиларни 2 й. ўқитиш орқали уларга Д.б.а. йўналишлари бўйича магистрлик даражасини бериш; раҳбар ходимларни 4 ойлик курсларда малакасини ошириш. Шунингдек, хорижий мутахассислар иштирокида 5–10 кунлик семинарлар йўлга қўйилган. Ўқув дастурлари АҚШ, Япония, Германия, Франция ва б. мамлакатларнинг таълим тизимлари андазаларига мувофиқ тартибда ишлаб чиқилган. Дастурлар 4 модулдан иборат: асосий курслар; мутахассислик курслари; информацион бошқариш тизими; магистрлик дисс.лари лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш. Каф.ларда 2012 й.га қадар кундузги, сиртқи аспирантура ва докторантураларда илмий ходимлар тайёрланган. Бугунги кунда катта илмий ходим-изланувчилар инти ф-яти йўлга қўйилган. Ўқув жараёнларини ташкил қилиш ишларига етук ўқитувчи-проф.лар жалб этилган. Асосий илмий йўналишлар ислоҳотлар жараёни концепцияларини яратиш, таълим тизимини ислоҳ қилиш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш, раҳбар кадрлар тизимини тайёрлашда илмий тавсиялар б-н иштирок этишга қаратилган. Акаде-

мия кўплаб хорижий ташкилотлар б-н алоқалар ўрнатган. Ўқув жараёнларида АҚШ, Япония, Германия, Италия, Франция, Россия, Молдова, Эрон, Малайзия, Жанубий Корея, Хитой ва б. дав. элчихоналарининг раҳбарлари маъруза, суҳбат ўтказади ва амалий машғулотларда қатнашади. Ўқитувчи, тингловчи ва тадқиқотчиларни малака ошириш, тажриба алмашиш учун хорижий давлат таълим муассасаларига юбориш ёки у ерлардан малакали мутахассисларни таклиф этиш йўлга қўйилган.

Академияга тингловчилар қабул комиссияси томонидан қабул қилинади. Мутахассислар тайёрлаш манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар б-н тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Бошқа давлат фуқаролари ҳам шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.

Академия ҳузурида ил.т. ва ўқув-услубий муассасаси – Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ташкил қилинган (1996 й. сент.). Марказ 3 жилдли «Ўзбекистоннинг янги тарихи» («Туркистон чор мустамлакачилиги даврида», «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида», «Мустақил Ўзбекистон тарихи»), «Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти» китобларини тайёрлаб чоп эттирган (2000). Академия нашриёти илмий, илмий-оммабоп ва б. турдаги нашрлар, «Жамият ва бошқарув» журнини чоп этади, ҳар 3 ойда бир марта ахб. бюллетенини чиқаради. Академиянинг 25 мингдан ортиқ адлар б-н таъминланган замонавий кутубхонаси, комп. маркази, меҳмонхонаси, тиббиёт бўлими, ресторан, спорт, тренажёр заллари мавжуд.

Д.б.а.нинг асосий вазифаси фуқаролик ж-ятн ин-тларини янада ривожлантириш ва кўппартиявийлик тизими шароитида жамият бошқаруви соҳаси, дав., тармоқ, минтақавий, шунингдек, корпоратив бошқарув соҳаси учун раҳбар кадрлар тайёрлаш (қайта тайёрлаш)дан иборат.

Д.б.а. қуйидагиларни амалга оширади: раҳбар кадрларни икки йиллик таълим дастурлари бўйича тайёрлаш, магистр даражасини тақдим этиш ҳамда «Давлат бошқаруви» (Master of Public Administration – MPA) ва «Ижтимоий бошқарув» (Master in Public Sector Management – MPSM) ихтисосликлари бўйича магистратурани тугатганлиги тўғрисида дав. намунасидаги диплом бериш; дав. ва ж-ят бошқаруви соҳаси бўйича раҳбар кадрлар, шунингдек, дав. хизмати захирасида турган ишчиларни қайта тайёрлаш; ўқув, услубий, ил.т. ва таҳлилий ф-ятнинг барча турларини амалга ошириш.

ДАВЛАТ ГРАНТИ АСОСИДА ЎҚИТИШ – ОЎЮга кириш синовларида юқори балл тўплаган билимли ва иқтидорли талабаларнинг таълим олишини дав. томонидан молиялаштирилган тарзда амалга ошириш шакли.

ДАВЛАТ ИМТИҲОНИ – Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим муассасаларида жорий этилган битирув имтиҳонлари. ОЎЮда битирувчилар Д.и. топшириш б-н бир қаторда, бакалаврлар битирув-малакавий иши, магистрлар магистрлик диссларини ҳимоя қилишади. Барча таълим муассасаларида Д.и.лари махсус тузилган Д.и. комиссияси томонидан қабул қилинади. Комиссия таркибига қуйидагилар киради: раис – Д.и. олинадиган соҳа бўйича йирик мутахассис ёки олим (мазкур ўқув юртида ишламайдиган) ва комиссия аъзолари – проф. ҳамда доц.лар, мутахассис ўқитувчилар. Д.и.га ўқув режасининг барча талабини

бажарган таълим олувчилар қўйилади. Д.и.да қўйилган баҳо комиссиянинг ёпиқ мажлисида кўпчилик овоз б-н тасдиқланади. Таълим муассасасини битирувчига тегишли мутахассислик ёки дав. нусхасидаги ҳужжатни бериш масаласи Д.и.ни топшириш асосида ҳал қилинади.

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ – Ўзбекистон Республикасида дав. томонидан молиялаштирилиб, Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, шунингдек, тармоқ вазирликлари томонидан тасарруф этиладиган ва илмий-методик жиҳатдан таъминланадиган ўқув-т-я муассасалари. Улар ОТМлари, КҲК, АЛлар, у.ўт. мактаблари, малака ошириш ин-тлари, МТМ, мактабдан ташқари таълим муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар, махсус мактаб-интернатлари, «Меҳрибонлик уйлари», болалар санъат ва мусиқа мактаблари, «Камолот» ЁИҲ ташкилотлари, музейлар ва б.

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ – дав. томонидан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган меъёрий талаб, таълимнинг зарур, етарли даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий дав. талаблари мажмуаси. ДТС дав.нинг таълим даражасига қўйган меъёри сифатида қабул қилинадиган асосий параметрлар тизимидан иборат бўлиб, муайян шахснинг таълим тизимидаги мавжуд имкониятлари ва уларни идеал даражага етказишга эришишни назарда тутади.

ДТСни тайёрлаш ва қабул қилиш масаласи илк бор 1997 й. 29 авг.да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида назарда тутилган. Чунончи, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида ДТС умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилаши ва ДТСни бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида КТМДни амалиётга жорий қилиш босқичлари доирасидаги вазифаларнинг дастлабкиси ДТСни белгилашдан иборат қилиб қўйилди.

1999 й. 16 авг.да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 390-сонли қарори асосида 23 та ўқув фанлари бўйича у.ўт. ДТС амалиётга жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 окт.даги 400-сонли қарори б-н Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари тасдиқланган. Олий таълим ДТС эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. 16 авг.даги 343-сонли қарори б-н тасдиқланган.

Мактабгача ҳамда мактабдан ташқари таълим, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун дав. талаблари жорий этилган. ДТС таълим олувчиларнинг умумтаълим тайёргарлиги, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

ДТС таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини ҳам белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида

ф-ят кўрсатаётган турли муассасаларда (дав. ва нодав.) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. ДТС ўз моҳиятига кўра, ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва б. меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ДТС ўзининг таркиби ва мазмунига кўра дав., ҳудуд, таълим муассасаси манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради. Энг асосийси, таълим олувчилар шахси, уларнинг интилишлари, эҳтиёжлари, иқтидорлари, қобилият ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқади.

ДТСни бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ф-ят кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади. ДТСни ишлаб чиқишда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий асосларга таянилган. Улар: «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-т-я ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш б-н боғлиқ фармонлари, фармойишлари, қарор ва асарлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 5 янв.даги «Узлуксиз таълим тизими учун ДТСни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли ҳамда 1998 й. 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарорлари; ЎзРСТ 1.0–92. Ўзбекистон Республикасининг дав. стандартлаштириш тизими; ЎзРСТ 1.1–92. Ўзбекистон Республикасининг дав. стандартлаштириш тизими. Ўзбекистон Республикаси стандартини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби; ГОСТ 1.5–93. Давлатлараро стандартлаш ишларини олиб бориш қоидалари. Стандартларнинг тузилиши, баёни, расмийлаштирилиши ва мазмунига бўлган талаблар; ЎзРСТ 1.9–95. Ўзбекистон Республикасининг дав. стандартлаштириш тизими. Тармоқлар стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби каби ҳужжатларни ўз ичига олади.

ДТСларини ишлаб чиқишда қуйидаги принципларга таянилган: ДТСнинг дав. ва ж-ят талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги; ўқув дастурлари мазмунининг ж-ят ижт.-иқтисодий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши б-н боғлиқлиги; у.ў.т.нинг бошқа таълим турлари ва босқичлари б-н узлуксизлиги ҳамда таълим мазмунининг узвийлиги; таълим мазмунининг инсонпарварлиги; таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудларда бирлиги ва яхлитлиги; таълимнинг мазмуни, шакли, воситa ва усулларини танлашда инн-он техн. га таяниш; пед. тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар б-н «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларда ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги; илғор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларидан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ва б.

Миллий ривожланиш омиллари, шахс, дав., ж-ят, фан, ишлаб чиқариш, техника ва техн.ларнинг тараққиёти б-н боғлиқ ҳолда ДТСга ҳар 4 й.да тузатишлар киритилиб такомиллаштирилади, шу асоеда ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмуни модернизациялаштирилади.

Роҳат Сафарова

ДАВОЛАШ ПЕДАГОГИКАСИ – пед. фанининг касалманд ёки даволаш муассасаларида муолажа олаётган болаларни ўқитиш, уларга тиббий-пед. ёрдам бериш масалалари б-н шуғулланадиган алоҳида тармоғи. Д.п. ўзида руҳий жиҳатдан тўлақонли ривожланмаган болаларга таълим бериш ва уларни т-ялашга йўналтирилган мет.лар мажмуасини мужассамлаштиради. Мазкур мет.лар махсус даволашга ихтисослаштирилган таълим муассасаларида қўлланилади. Улар сирасига ёрдамчи мактаблар, болалар асаб касалликлари шифохонасининг махсус бўлимлари кабиларни киритиш мумкин.

Д.п. пед. фанининг махсус бўлими сифатида пед. жараённинг ўзига хос жиҳатларини реконструкциялаш, муайян мет. ва воситаларни болаларни соғломлаштириш мақсадида кучайтириш б-н шуғулланади. Д.п. – руҳий ва жисмоний жиҳатдан чекланган болаларни ривожлантириш, уларга таълим бериш, т-ялаш ҳамда ўз ф-ятларини амалга оширишга йўлларини ишлаб чиқувчи пед.дир. Бу жараёнда пед. воситалар дори-дармон вазифасини ўтайди. Д.п. бемор болаларни ижтлаштириш ҳамда катталарни касбий реабилитациялаш имконини беради. Д.п.нинг мет. ва шакллари, тавсиялари болалар касалликларининг тури ва даражаларига мувофиқ келиши керак. Д.п., ўз моҳиятига кўра, кўмакдан маҳрум бўлган, заиф, эҳтиёжманд болаларга кўмаклашувчи пед.дир.

«ДАВОМ ЭТТИРИНГ» ЎЙИНИ – муайян ўқувчининг фикрини бошқа ўқувчи давом эттиришига асосланган дидактик ўйин тури.

ДАВОНИЙ Жалолиддин (тўлиқ исми Жалолиддин Муҳаммад ибн Асад ас-Сиддиқий ад-Давоний) (1427 – Давон қишлоғи, Эрон – 1502) – Шарқ мутафаккири, файласуф ва т-яшунос. У ёшлигидан илм-фанга, ҳуқуқий т-я масалаларига қизиққан. Мактабни битиргач, Шерозга келиб мадрасада таҳсил кўрган ва Шероз шаҳар қозиси сифатида ф-ят кўрсатган. Д. қозиликдан истеъфога чиққач, мударрислик б-н шуғулланган. У умрининг охирида ўз қишлоғига қайтиб, илмий иш б-н банд бўлган.

Д. Эрон, Ҳиндистон, Ироқнинг кўп шаҳарларида бўлиб, олим ва шоирлар б-н учрашган. Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий ва б.ларнинг дунёқарашини ўрганган, Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган мутафаккирлар асарларидан унумли фойдаланган. У фал., ахлоқий т-я, мантиқ, фиқҳ, фалакиёт, риёзиёт ва ҳандаса фанлари муаммоларига оид асарлар ёзган. Д. ўз асарларида инсон ва унинг камолоти, илм-фан ва унинг ж-ятдаги ўрни, касб-ҳунар, юксак инсоний фазилатларни эгаллаш ҳақида фикр юритган. Асосий асарлари: «Ахлоқи Жалолий», «Рисолат ул-ҳуруф» («Ҳарфлар ҳақида рисола»), «Рисолайи исботи вожиб» («Заруриятнинг исботи ҳақида рисола»), «Рисола ул-муфрадот» («Моддалар ҳақида рисола»), «Рисолайи фи тавжих ул-ташбиҳ» («Мажоз талқини ҳақида рисола»), «Рисола дар элм ун-нафс» («Руҳшунослик тўғрисида рисола»), «Тариқати тарбият ул-авлод» («Болаларни тарбиялаш усули»). Д.нинг «Ахлоқи Жалолий» асарида ҳуқуқий т-я ва ҳуқуқий маданият масалаларига кенг ўрин ажратилган.

Д.нинг таълим ва ахлоққа оид қарашлари Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийнинг ижт. фикрлари б-н кўп жиҳатдан ҳамоҳангдир. Д.нинг бу даражага етишишида Самарқанд, Ҳирот илмий муҳитининг таъсири катта бўлган.

Чунки илм-фан 14–15-а.ларда ана шу икки йирик шаҳарларда тараққий этган. Д.нинг форс тилида ёзилган «Ахлоқи Жалолий» асари кўп тилларга таржима қилинган ва шуҳрат қозонган. Мазкур асар 1470–78 й.ларда яратилиб, ғарбий Эрон ҳокими Узун Ҳасан Оққўюнлига бағишланган. Асар 1839 й.да В. Томпсон томонидан инглиз тилига таржима қилиниб, 1911 й.да Калькуттада нашр қилинган. 1948 й.да Эшонжон ибн Муҳаммадхўжа томонидан ўзбек тилига қисқача таржима қилинган.

Асар 3 қисмдан иборат; 1-қисм – ахлоқ фани; 2-қисм – «Одамнинг ички ҳолати» оилавий ҳаётга бағишланган; 3-қисм «Шаҳар (дав)ни бошқариш ва подшоҳлар сиёсати» деб аталиб, унда муҳим ижт.-сиёсий масалалар хусусида фикр юритилган. Асарда илм тараққиётининг ж-ятда тутган аҳамияти баён этилади. Д. инсоннинг комиллик даражаси бошқалар б-н муносабатига ҳам боғлиқ эканини таъкидлар экан: «Ж-ятда адолат ҳукмрон бўлса, инсон бахт-саодатга эришиши мумкин», – дейди. Шунинг учун у «Ахлоқи Жалолий» асарида ж-ятни адолатли – фозил ва жоҳил шаҳарга бўлади. Д.: «Фозил шаҳар бошқарувчисида ўнта энг яхши фазилат мужассам бўлиши керак, дейди. Булар: ҳукмдор одамларни эъзозлаш; дав. ишларини адолатли бошқариш; ҳирс ва шаҳватга берилмаслик; ҳукмдорликда шошма-шошарлик ва ғазабга йўл қўймаслик, балки шафқат ва мурувватга асосланиш; халқнинг эҳтиёжини қондириш учун ҳудонинг иродасидан келиб чиқиш; халқ манфаатига оид ишларни бажаришга ҳаракат қилиш; халққа нисбатан одил бўлиш; ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кенгашиб ҳал этиш; ҳар бир кишини қобилиятига қараб лавозимга тайинлаши, қобилиятсиз кишиларга юқори лавозим бермаслик; адолатли фармонлар чиқариш, қонунни бузишга йўл қўймаслик кераклиги, шунингдек, ақлий ва ахлоқий т-я, инсонда ижобий хислатларни шакллантириш масалалари асарда батафсил ёритилган. Д. ўз асарида инсонга ижт. мавжудот сифатида қарайди, инсон фақат ж-ятда, кишилар орасида, улар б-н муносабатда шаклланади деган фикрни илгари суради. Д. асарларида бола яхши фазилатларни таълим-т-я натижасида эгаллаши қайд этилган. Д. бола ўта таъсирчан ва тақлидчан бўлишини таъкидлар экан, яхши фазилатни ҳам, ёмон фазилатни ҳам тезда қабул қилиши мумкинлигини алоҳида уқтириб ўтади. Д. бола қалбини нақш солинадиган, суратларни осонликча тушириш мумкин бўлган тахтага ўхшатади. Д.нинг фикрича, боланинг таълим-т-я натижасида одобахлоқли бўлиши унинг истиқболдаги ҳаётини белгилайди. Чунки бола ҳар куни кўрадиган, мулоқотда бўладиган одамлар ва буюмлар унинг ҳулқига таъсир этади. Д.нинг таъкидлашича, ота ва она бола т-яси учун баб-баравар масъулдирлар.

«Бола тарбиясида ота-она б-н бир қаторда мактабга чиққандан сўнг муаллим ҳам жавобгар саналади», – дейди олим. Бунинг учун муаллимнинг ўзи ҳам яхши т-я топган бўлиши шарт. Шу ўринда, Д. ўқитувчининг шахсий сифатлари, бола ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратади. Олим ўқитувчини маънавий ота сифатида улуғлайди. «Чунки ота болани жисман ҳаётга келтириб, жисмонан т-яласа, ўқитувчи уни маънавий жиҳатдан камол топтиради», – дейди олим. Руҳ қанчалик баданга яқин турса, ўқитувчи ҳам т-я бо-

расида ота-онага шунчалик якинлигини кўрсатади. Бола т-ясида ота-она б-н ўкитувчини таккослар экан, устознинг т-ялаш усули, метлари ота-онаникидан юкори туриши кераклигини айтади. Чунки ота-она бу борада ўкитувчи каби куролланмаганлигини уктиради.

Д.нинг фикрича, акл ижт. ҳаётнинг барча соҳасида фаол қатнашади. Унинг мазкур қараши, яъни ақлий билишни устун қўйиши илм-фан, маърифат, таълим-т-я ва ахлоқ масалаларини талқин этишида яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Д. бола таълим-т-ясида ақлий т-яга алоҳида ўрин ажратади. «Илм кишиларни ёмон одатлардан, разил ишлардан сақлайди, илм эгаллаш б-н шуғулланиш доимий характерга эга бўлиши керак», – дейди у. Д. бирор касб б-н шуғулланмайдиган кишиларни қаттиқ танқид қилади, касб-ҳунар эгалламайдиган ёшларни қоралайди. Олим касб-ҳунар эгаллаш зарурлигини тарғиб қилар экан, меҳнатни инсон камолоти ва бахт-саодати манбаи деб ҳисоблайди.

Мутафаккир инсоннинг шахсий сифатларини икки гуруҳга ажратади: туғма ва инсоннинг ижт. ф-яти давомида вужудга келган сифатлар. Туғма хусусиятларга шахснинг ақлий-ахлоқий сифат ва қобилиятларини киритади (мас., инсоннинг фараз қилиши, ўзаро бир-бирини тушуниши ва б.). Д. ижт. ф-ят жараёнида эгалланадиган сифатларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатади. Бундай сифатлар инсонда ёшликдан, таълим-т-я натижасида, кишилар б-н ўзаро муносабатларда ҳосил бўлади. Инсоннинг шахсий сифатлари такомиллашади ва бойиб боради.

Роҳат Сафарова

ДАВРА СТОЛИ АТРОФИДА ИШЛАШ – унча катта бўлмаган ўкувчилар гуруҳи аъзоларининг бир хил мавкеда туриб суҳбатлашиш вазиятларини ифодаловчи тушунча. Бу жараёнда маърузачи-ўкитувчи вазиятнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади. Д.с.а.и. аксарият ҳолларда ўкувчиларга таниш ёки уларга якин мавзуларда ўтказилади. Бундай суҳбатларнинг мавзулари, режалари, саволлари ўкувчиларга бир неча кун олдин тарқатилади. Бунда ўкувчилар учун мустақил тайёргарлик кўриш, бир-бирлари б-н аввалдан ўзаро фикр алмашиш, кутубхона, интернетдан зарур маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, кичик матн тузиш имконияти яратилади. Д.с.а.и.нинг афзаллиги шундаки, ҳар бир ўкувчи унга алоҳида тайёргарлик кўради, ўкитувчилар ҳам, ўкувчилар ҳам мазкур суҳбатни ўтказишда тайёр ҳолда пед. вазиятга киришади. Бундай вазиятларни ўкитувчи, баъзан эса етакчи ўкувчилар ҳам бошқаришлари мумкин.

Д.с.а.и. дарс жалвали асосида олдиндан режалаштирилган ҳолда ташкил қилинади. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, ҳар бир ўкувчи ўз билими, огзаки нутки, шахсий фикрини эркин намойиш этишига шароит яратилади. Бу жараёнда ўкувчилар ҳамда ўкитувчининг шахсий масъулияти ортади, ўқиш-ўрганиш ф-яти уйғунлаштирилади. Ўкувчиларда материални ўқиб-ўрганиш, ўзаро фикр алмашиш, ўзлаштиришга нисбатан майллар ортади.

ДАДИЛЛИК – жисмонан ва руҳан ўзига ишонганлик, бақувватлик; довюраклик, тетиклик. Болаларда Д.ни жуда ёшликдан бошлаб шакллантириш лозим. Болаларга инсоний фазилат – Д. ҳақида илк тушунчаларни бериш оиладан бошланади. Натижада уларда Д. инсоний фазилатлардан бири эканлиги, дадил инсон ҳаётда муносиб ўрин топишини билиб олишади. Дадил бўлиш учун мустақил

фикрга эга бўлиш, жисмоний т-я ва спорт б-н шуғулланиш, чиниқиш, ўз фикр ва қарашларини ҳимоя қила олиш, кўп ўқиб ўрганиб, нима тўғри-ю, нима нотўғри эканлигини фарқлаш лозимлигини тушунишади.

Ёшлар ж-ят ривожига муносиб ҳисса қўшиш учун яхши ишларни Д. б-н қилиш лозимлигини англаб етишлари муҳимдир. Д. сифати шаклланган ўқувчилар аълочи, фаол шахс сифатида намоён бўлади, ўз нуқтаи назарларини ҳар доим ҳимоя қилишга интилади. Уларда мустақил ва танқидий фикрлаш ривожланган бўлади.

ДАЙЖЕСТ (инг. digest – қисқа баён, резюме; лот. digerere – қисмларга ажратиш) – илмий, илмий-услубий, ўқув даврий адлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар (муассасалар) ф-ятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр маъносини англатувчи атама.

Д. мақолалар ёки чоп этилган ишларнинг мазмуни ҳақида ахб. берувчи маҳсулот бўлиб, унда ишнинг асосий мазмуни, қизиқарли жиҳатлари баён этилади. Унинг формати тадқиқотнинг мазмуни ва ундаги янгиликлар б-н танишиш учун қулай ҳисобланади. Д., кенг маънода, турли манбалардан муайян мавзуга оид танлаб олинган материаллар мажмуи ҳисобланади.

ДАКТИЛОГРАФИЯ (юн. daktylos – бармоқ + grapho – ёзаман) – бармоқлар ёрдамида ифодаланадиган ёзув. Саводи бўлган кишининг кар ёки кар-соқов, кўзи ожизлар б-н дактилогия, Брайл шрифти, имо-ишоралар тили каби усуллардан ташқари ёрдамчи муомала қилиш воситаси. Кар-соқов, кўзи ожиз-кўзи ожиз б-н мулоқот қилишда сўзлар оддий ҳарфлар б-н қўл кафтига бармоқлар б-н ёзилади. Агар кар-соқов кишининг оғзаки нутқи ривожланмаган бўлса, у ҳам ўз фикрини суҳбатдошининг қўл кафти ёки бошқа текис сатҳ (стол усти, китоб муковаси, тахта ва бошқа)га бармоқлари б-н ёзиб ифода этади.

Д. ҳар қандай саводли шахснинг карлар, кар-соқовлар ёки кўзи ожизлар б-н самарали мулоқот қилиш усулидир. Бундай усуллар сифатида дактилогия, Брайл шрифтлари, имо-ишоралар киради. Кар-соқовлар б-н мулоқот қилиш жараёнида уларга мурожаат этиш учун кафтига ҳарфлар ёзилади. Саводли кар-соқов ҳам суҳбатдошига мурожаат қилиш учун унинг кафти ёки махсус тахтачага ёзади. Д.дан саводи чиққан карларга суҳбатдоши б-н ёзма ёки оғзаки мулоқоти мураккаблашганда ҳам фойдаланилади.

ДАЛИЛЛАШ – билим олишда исботлаш мантиғи ва қоидаларидан фойдаланиш маҳоратини ифодаловчи тушунча.

ДАЛОИЛ УЛ-ХАЙРОТ («Яхши амалларга ҳужжат») – далоилхонада ўқилган асосий китоб. 15-а.да мусулмон ақоидшуноси Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий (?–1466) араб тилида ёзган. Муҳаммад (с.а.в.)га атаб ўқиладиган салавот ва мадҳиялардан иборат. У 7 қисмга бўлинган бўлиб, ҳар бир қисм ҳафтанинг маълум кунида ўқишга мўлжалланган. Китобда мусулмонларга тавсия этилган кундалик салавот айтиш услублари кўрсатиб берилгани учун диндорлар ундан мунтазам фойдаланган. Хорижий Шарқ мамлакатларида Д. ул-х. ҳозир ҳам кенг тарқалган. Унинг шарҳлари ва туркий тилга қилинган таржималари ҳам мавжуд.

ДАЛОИЛХОНА (араб. далоил – далиллар) – Ўрта Осиёнинг йирик ша-

ҳарларидаги эски диний мактаб. Д.га саводи чиққан болаларгина қабул қилинган. Унда дастлаб (тахм. 1–2 ой) болаларга Қуръоннинг айрим сура ва оятлари, сўнгра асосий китоб – «Далоил ул-хайрот» ёдлатилган. Д.да ўқиш муддати аниқ белгиланмаган. Қобилиятли, хотираси кучли талабалар китобни 2–3 ой давомида ёд олишган.

ДАЛЬТОН-ПЛАН (РЕЖА) – индивидуаллаштирилган таълим тизими. АҚШнинг Массачусетс штатидаги Дальтон ш.да яратилган таълим муассасасида таълим-т-я ишларини тизимлаштиришдан иборат режа. У якка тартибдаги таълим тамойилига асосланганлиги учун Ғарбдаги таълим муассасалари тизимида кенг қўлланилган. У 20-а.да АҚШ халқ таълими намояндаси бўлган Е. Паркхерст томонидан таклиф этилган. Бу режа «Дальтон-план» деб номланиб, у таълимни индивидуаллаштириш ва ҳар бир ўқувчини ўқитишда мустақиллик ҳамда жадалликни белгиловчи таълим тури ҳисобланади. Бунда ўқувчилар умумий синф ишида бир-бирлари б-н алоқада бўлишмайди. Уларга алоҳида фанларни ўрганишда топшириқларни ўзлари танлашлари, ўзлаштириш учун ўқув фанларини танлаш кетма-кетлигини мустақил белгилаш учун эркинлик берилган. Ўқитувчи б-н ҳар бир ўқувчи ўртасида ўқув материалининг мустақил ўзлаштирилишини билдирувчи «шартнома» тузилган. Ўзлаштирилган ўқув материаллари юзасидан назорат ишлари мураккаб тарзда тузилган карточкалар ёрдамида олинган.

Д.-п. таълим суръатини ўқувчиларнинг имкониятларига мослаштириш, таълимнинг рационал метларини излашга ундайди.

20-а.нинг 20-й.ларида Д.-п.нинг айрим ғояларидан таълимнинг гуруҳли ва амалий турларида фойдаланилган. Бу шакл синф ёки гуруҳнинг жамоавий ишини ҳар бир ўқувчининг индивидуал иши б-н мувофиқлаштирганлиги жиҳатидан Д.-п.дан фарқ қилган. Д.-п. элементлари АҚШдаги айрим мактабларда сақланиб қолган.

ДАМ ОЛИШ ДАҚИҚАЛАРИ – ҳордиқ чиқариш – ақлий ёки жисмоний меҳнат қилиб толиққан организм чарчоғини йўқотиш ёки иш қобилиятини тиклашга ёрдам берадиган ф-ят. Меҳнат ва дам олиш одамнинг ўқиш, ишлаш ва ф-ятининг бошқа соҳалари б-н узвий боғланган. Етарли дам олмаслик эса ҳаддан ортиқ чарчашга олиб келади. Натижада организмнинг ҳимоя кучи сусаяди ва ишчанлик қобилияти пасаяди. Меҳнат ва дам олишни тўғри йўлга қўйиш саломатлик ва иш ф-ятини узоқ вақт сақлаб қолишга имкон беради.

Уйқу дам олишнинг энг самарали тури бўлиб, уйқу пайтида, биринчи навбатда, мия ҳужайраларида тикланиш жараёни жадаллашади. Бир хил ишдан бошқасига ўтиш, ақлий ф-ятни енгил жисмоний меҳнат б-н навбатма-навбат алмаштириб туриш чарчоқни йўқотади. Бу ҳам дам олишнинг ўзига хос тури ҳисобланади.

Оқилона дам олиш тартиби кўп омиллар, хусусан, меҳнат шароитлари, ўқув жараёнларининг тўғри ташкил этилиши, шахснинг ёши кабиларга боғлиқ. Бола қанча ёш бўлса, озгина меҳнат қилиб узоқроқ дам олиши керак. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар кун давомида бир неча марта оз-оздан дам олишлари, бунда бадан тарбия ва кўл бармоқлари машқи б-н шуғулланишлари мақсадга мувофиқ. Ўқиш жараёнида бир неча дақиқа бўлса ҳам дам олган бола анча тетиклашади. 6–7 ёшли болалар

ярим соат, ундан каттароқ болалар эса салкам бир соат ишлаганларидан кейин 10–15 дақиқа дам олишлари, бунда фаол ҳаракат ва жисмоний машқлар б-н шуғулланишлари лозим. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар 2–3 соат ишлаганларидан кейин камида ярим соат фаол дам олишлари, бунда уларнинг очиқ ҳавода кўпроқ бўлишларига эътибор қаратиш зарур.

Юқори синф ўқувчилари 4–5 соат ўқиганларидан кейин 2–3 соат давомида дам олишлари, Д. о. д.нинг маълум бир қисмини спорт ва қизиқарли ўйинларга ажратишлари ўсмирларнинг ўқув меҳнати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади, уларнинг дадилликларини таъминлайди. Кундалик дам олиш жараёнида болаларни кўпроқ кино, театр, концерт ва турли бадиий кўргазмаларга олиб бориш мақсадга мувофиқ. Ёзги таътил даврида ўқувчиларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, табиат қўйнидаги ер участкасида ишлашга одатлантириш, спорт б-н кўпроқ шуғулланишларига шароит яратиш, табиат қўйнида сайр қилдириш ниҳоятда фойдали. Умуман, оилада ота-оналар фарзандларининг бўш вақтларини тўғри ташкил қилишлари, уларнинг китоб ўқишлари, оммавий ахб. воситаларининг материаллари б-н яқиндан таништиришлари, жисмоний т-я ва спорт б-н шуғулланишлари, фойдали ижт. ф-ят тажрибасини эгаллашлари, ўз маънавий оламини бойитишлари учун қулай муҳитни вужудга келтиришлари лозим.

ДАРС (араб. – сабоқ, маъруза) – 1) узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли; 2) ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантиқий тугалланган, яхлит ўқув-т-явий жараённинг аниқ вақт б-н чекланган қисми. Д. муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби б-н қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбирдир. Д. инсоният томонидан минглаб йиллар мобайнида орттирилган ҳаётий тажрибаларни ўқувчиларга жуда қисқа вақтда ўргатишнинг энг самарали усули. Таълимнинг Д. шакли Туркистонда узоқ замонлардан буён қўлланиб келинган. Д.ни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини таъминлашда ўқитувчининг ўрни беқиёс бўлган. Туркистон мактабларида таълимнинг ташқи шаклий жиҳатларига эмас, балки моҳиятига ҳам эътибор берилган. Чунончи, ўқувчиларнинг тайёрлигини аниқлаш, уларни гуруҳларга ажратишда болаларнинг ёши ва мактабда қанча вақт ўқиганлигига эмас, балки ўтилган машғулотларни нечоғлик ўзлаштирганликларига таянилган. Туркистон мактабларида таълимнинг Д. шакли бўлганлиги б-н машғулотларни синф-Д. тизими тарзида уюштириш тажрибаси бўлмаган. Шунингдек, Д.нинг давомийлиги, ўқув фанларининг жойлашуви, кундалик машғулотларнинг миқдори сингари таълимий чегаралар ҳар бир ўқитувчининг ўзи томонидан белгиланган. Д. қадимий туркий маориф тизимида олий ва ўрта таълим бўғинларини ифодалаган мадраса таълимида ҳам билим олишнинг асосий шакли ҳисобланган. Мадрасаларда Д. белгиланган тартиб асосида уюштирилган. Айни вақтда, мадраса Д.ларида талабаларнинг мустақил ўзлаштиришларига катта эътибор қаратилган. Қад. таълим муассасалари учун Д.нинг жамоа ва индивидуал шаклларининг уйғунлиги хос бўлган.

Д. таълимнинг жамоа бўлиб амалга оширилиш тарзи сифатида ижт. аҳамият касб этади. Шунингдек, Д. мактаб ёшидаги болаларни ялпи ўқитишни осон-

лаштиради, уларни жамоа сифатида т-ялаш учун қулай шароит яратади, болаларда ижт. фаоллик ва муомала маданиятини шакллантиради. Д.да ўқув машғулотларининг индивидуал, гуруҳли ва умумсинф шаклларидан фойдаланилади.

Ҳар қандай ж-ятда Д. Дав. ва ж-ят томонидан таълим олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун хизмат қилади. Д.нинг вазифалари таълим жараёнининг қонуниятлари ва муайян ж-ятнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига кўра баркамол шахс борасидаги тушунчалари б-н қатъийлашади.

Янгиланаётган пед. тафаккур талабларига кўра замонавий Д. ўқув муассасасининг мулкий мансублигидан қатъи назар, қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим: таълимнинг т-явий мақсадларга бўйсундирилганлиги; ўқувчиларнинг баркамол шахс сифатида шакллантиришга йўналтирилганлиги; илмийлиги ва изчиллиги; т-яланувчининг фаоллиги ва мустақиллигини таъминлашга қаратилганлиги; инсонпарварлик ва демократия йўналишига эгалиги; тизимлилиги; билимларни онгли равишда ўзлаштиришга қаратилганлиги; амалий аҳамиятга эгалиги ва х. к.

Замонавий таълим тажрибасида бир Д. учун белгиланган стандарт вақт мавжуд. Бу вақт таълим муассасаларининг табиати, таълимнинг босқичлари ва ўқувчилар имкониятидан келиб чиқиб, 45, 40, 35 ва 30 дақиқани ташкил этиши мумкин.

Таълим тизимида Д. ва уй вазифаси муносабатлари ўта муҳим ҳисобланади. Замонавий таълим тизимининг турли босқичларида ўқувчиларга уй вазифаси берилиши ёки берилмаслиги, унинг миқдори сингари жиҳатлар ўқув муассасаларининг низомларида акс эттирилган.

Пед. фани ва амалиёти учун Д.нинг таркиби масаласи ҳам долзарб муаммо ҳисобланади. Узоқ вақт давомида ҳар бир Д. янги мавзунинг баёни, уни ўқувчи хотирасида мустаҳкамлаш, билимларни амалиётда қўллаш каби қисмлардан иборат бўлиши шарт деб ҳисоблаб келинган. Ўқув жараёни мантиқан бундай қатъий таркибни талаб этмайди. Ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш ҳамиша мавзуни мустаҳкамлашнинг манбаи бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бу масала Д.нинг асосий таркибий қисмини ташкил қилади. Бир неча Д.ни янги мавзунинг баёнига бағишлаш, айримларини лаб. топшириқларини бажаришга ажратиш ҳам мумкин. Муҳими, ўтилаётган мавзу ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиб, уларда кўникма пайдо бўлиши ва бу кўникмаларни амалиётда қўллаб, малакага айлантира билишдадир.

Д. таркиби масаласи уни таснифлаш, яъни типология б-н боғлиқ. Пед. адларда Д. мазмун, дидактик мақсад, ўтиш йўллари, таълим жараёнининг хусусиятлари ва унинг қисмларига кўра таснифи қилинган. Одатда, Д. кириш, янги билим бериш, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш, билимларни амалиётда қўллаш, назорат қилиш ва аралаш Д. каби турларга бўлинади. Ўқитиш тажрибасида бир Д. жараёнида бир ёки бир неча Д. турлари умумлаштирилган ҳолда иш олиб бориладиган аралаш Д. кўп учрайди.

Д. – белгиланган вақт мобайнида бир хил ёшдаги таълим олувчилар б-н ҳамкорликда режалаштирилган мақсадни ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширишга мўлжаллаган пед. жараён ҳисобланади.

Роҳат Сафарова

ДАРС-АУКЦИОН – машғулотлар аукцион тарзда ўтказиладиган дарс тури.

ДАРС ЖАДВАЛИ – ўқув режасига кўра хафтанинг ҳар бир кунида ўқув фанларининг синфлар бўйича пед. жиҳатдан максадга мувофиқ кетма-кетлигини белгиловчи ҳужжат.

ДАРС ИНТИЗОМИ – дарсда ўқувчи-талабаларнинг қатъий риоя қилиши зарур бўлган тартиб-коидалар мажмуи. Аксарият ўқитувчида дарсни ўтиш жараёнида интизом б-н боғлиқ муаммолар вужудга келади. Д.и. муаммоси, айниқса, у.ўл. жараёнида долзарб аҳамиятга эга. Бунга ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларидаги ўзига хослик сабаб бўлади. Чунки бу ёшда ўқувчиларни бошқариш мураккаблашади. Уларнинг айримлари ўқитувчини тинглашни хоҳламайдилар. Чунки улар, кўпинча, ўзларига қўйилган талабларни бажаришни истамайди. Бундай ҳолларда Ди. б-н боғлиқ бўлган муаммоларни қандай ечиш лозим деган савол ҳар доим ўқитувчиларни ўйлантиради. Бунинг учун бошқариш мураккаб бўлган ўқувчилар б-н ишлаш усулларини тўғри танлаш талаб этилади. Бунда, биринчи навбатда, ўқитувчи ўзи б-н синфдаги ўқувчилар орасида масофани ўрната олиши, бу масофани ўзгартириш коидаларига тўғри амал қилиши лозим.

Ўқитувчи дарсни режалаштирар экан, унинг босқичларини аниқ чегаралаши зарур. Ташкилий дақиқаларда дарснинг максад ва вазифалари б-н ўқувчиларни таништириш талаб этилади. Дарсда вақтнинг тўғри йўналтирилган ҳолда тақсимланиши ўқувчиларда масъулият ҳиссини оширади. Дарсда қўлланиладиган воситалар ва мет.ларнинг ранг-баранг бўлиши интизомни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Агар дарс қизиқарли бўлса, у ўқувчиларни ўзига кўпроқ жалб этади. Натижада улар бошқа ишлар б-н шуғулланишмайди.

Дарснинг гуруҳли шакллари ўқув ф-ятини ташкил этишда алоҳида самарадорликка эга. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг аксарият қисмини фаоллаштириш, фақатгина кучлилар б-н эмас, балки бўш ўзлаштирувчилар б-н ҳам бирдай шуғулланиш дарс интизомини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда, биринчи навбатда, ўқитувчи ўқувчиларни ҳурмат қилиши, уларнинг манфаатлари устуворлигига эътибор қаратиши керак. Уларга нисбатан камситувчи сўз ва ҳаракатларни қўллаш мумкин эмас.

Интизом б-н боғлиқ муаммолар вужудга келганда хис-туйғуга берилмасдан, босиқлик ва осойишталик б-н уни бартараф этиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўқитувчи, аввало, ҳар бир ўқувчини алоҳида шахс – инсон сифатида ҳурмат қилиши уларнинг Д.и.га амал қилишларини таъминловчи муҳим омилдир.

ДАРС ЛОЙИҲАСИ – дарснинг модели – унинг яхлит манзарасини ифодаловчи атама. Д.л. унинг режаси каби ўз мазмунига кўра максади, вазифалари, асосий босқичларини қамраб олади. Д.л. ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий ф-ят шакли бўлиб, у кенг кўламли ва серкирра пед. ҳодисадир. Шунинг учун ҳам дарс лойиҳаси ўзининг қурилишига нисбатан алоҳида ёндашувни талаб қилади. Бунда ўқитувчи, биринчи навбатда, дарснинг максади ва воситаларини аниқлаши, унда фойдаланадиган жиҳозлар, техник воситаларни танлаши лозим. Ўқитувчи Д.л.ни тайёрлар экан, ўқитиш шакллари ва мет.ларини танлаши зарур.

Д.л.ўз таркибига кўра, қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши лозим: дарс

мавзусининг долзарблигини очадиган материаллар; дарснинг батафсил баёни ёзилган конспект; ўқувчиларнинг ишлари, хулосалар ва метик тавсиялар; ўқувчилар ўзлаштирган кўникмалар, чунончи, ўқувчилар далилларни излашлари, таҳлил қила олишлари ва умумлаштиришлари, ҳужжатлар б-н ишлай олишлари, ҳодисаларни киёслашлари, интервьюлар ола билишлари ва х.к.; ўқитувчининг ўрни, жумладан, муайян пед. муаммони ечишда қўлланиладиган ҳаракат усулларини белгилаш, дарсни ташкил этиш йўналишларини тўғри танлаш, методик тавсиялар ишлаб чиқиш, истиқболдаги муаммоларни ифодалаш ва б.

Ўқитувчи ф-ятининг асосий хусусияти шундаки, унинг ўзи ҳам тажриба ва танловларда иштирок этади. Унинг асосий иши дарсни ташкил этиш ва уни амалга оширишда иштирок этишдан иборат. Бу жараёнда ўқитувчи дарс конспектини тузиши лозим. Дарс якунида ўқитувчи лойиҳани таҳлил қилиши, хулосалар чиқариши, методик тавсиялар тузиши лозим.

ДАРС РЕЖАСИ – ўқув материалини ҳисобга олган ҳолда ушбу дарс ўтиладиган таълим олувчиларнинг тайёргарлик савиясига қараб тузиладиган ҳужжат. Бунинг учун, аввало, ўқув материаллари ва маълумотлар, шунингдек, дарсни ўтишдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳисобга олинган ҳолда унинг шакли ҳамда ўқув материалларини тақдим этиш усули танлаб олинади.

Д.р. кириш, асосий қисм ва хулоса босқичларидан иборат бўлиб, унда таълим берувчи ва таълим олувчилар ф-яти орасидаги узлуксиз жараён ифодаланади.

ДАРС ТАҲЛИЛИ – ўқув жараёнини бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлакларга бўлиб баҳолаш.

ДАРС ТУРЛАРИ – узлуксиз таълим тизимида амалга ошириладиган дарснинг турларини ифодаловчи атама. Узлуксиз таълим тизимида қуйидаги Д.т. амал қилади: маъруза (кириш, мавзули, умумлаштирувчи) дарслар; семинар (билимларни мустаҳкамловчи, янги билимларни мустақил эгаллашга мўлжалланган) дарслар; модулли (якка тартибдаги, икки ўқувчига ва кичик гуруҳларга мўлжалланган модул дастурларидан фойдаланиладиган) дарслар; муаммоли дарслар (тафаккур бўрони, ақлий ҳужум); дидактик ўйин (сюжетли-ролли, ижодий, ишбилармонлар ўйини, конференциялар, ўйин-машқлар) дарслари; мунозара (мавзули, эркин фикрлаш) дарслари; синов дарслари; ўқув фильмларидан фойдаланиладиган дарслар; суҳбат дарслари; мустақил ишлаш дарслари; аралаш дарслар.

Ўқитувчи ўрганилаётган боб ва мавзунинг таълимий, т-явий ва ривожлантирувчи мақсади ҳамда таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда самарали дарс турларини танлайди.

ДАРС ШАКЛЛАРИ – дарснинг кўриниши, шаклини ифодаловчи атама.

ДАРСЛИК – дав. томонидан тасдиқланган ДТС асосида муайян фанга доир билим асосларини маълум тартибда баён этадиган ва юқори маънавий-ғоявий, илмий-услубий савияда ёзилган ўқувчи ва талабалар учун мўлжалланган ўқув ад.нинг асосий ва етакчи тури.

Д.лар икки асосий гуруҳга бўлинади: ўқувчилар ва талабалар учун Д.лар. Ўзбекистонда ўқувчилар учун мўлжалланган Д.лардан у.ў.т. мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар, АЛлар, КҲКлари, махсус таълим муассасалари ўқувчилари; талабалар учун нашр этилган Д.лардан ОЎЮ талабалари мустақил

ҳамда ўқитувчилар раҳбарлигида фойдаланишади.

Дарслар муайян фанга оид асосий далиллар, илмий тушунча, қонун ва назариялар мазмунини тегишли ўқув юртининг дастури ҳажмида таълим вазифалари ҳамда ўқувчи (талаба)ларга мувофиқ тарзда очиб беради. Дарслар таълим-т-я вазифаларининг имконият даражасида ҳал этилиши, яъни билимнинг мунтазам, мустаҳкам ва онгли ўзлаштирилиши, ўқувчи (талаба)ларда фаннинг муайян соҳасига қизиқиш уйғотиш, уларда илмий тафаккурнинг таркиб топишига ёрдам беради. Дарснинг тили равон ва тушунарли бўлиши, ўқувчилар нутқининг ўсишига ёрдам бериши лозим.

Дарслар тарихи қадим замонлардан бошланади. Шарқда, хусусан, Фурот ва Дажла дарёлари оралиғида яшаган қад. шумерлар даврида сопол тахтачаларга битилган матнлар мил. ав. 2-мингйилликка оид бўлиб, улар «қўлланма» ва «дарсликлар» вазифасини ўтаган. Кейинчалик бошқа Шарқ халқларида, улардан кейин эса қад. дунёда папирус ёки пергаментга битилган қўлёзма ўқув китоблари вужудга кела бошлаган ва улар маълум бир соҳа, касбга ўргатиш учун асосий манба вазифасини ўтаган. Китоб нашр этиш иши юзага келгач, Дарслар ҳаммабоп бўла бошлаган. Пед. ва психология фанларининг тараққиёти б-н Дарснинг мазмуни ва методик тузилиши тобора мукаммаллашиб борди.

Ўрта Осиёни Россия босиб олгунга қадар бу ерда мавжуд бўлган мактаб ва мадрасалардаги таълим-т-янинг асосий мазмуни ислом таълимотини ўргатишдан иборат бўлган. Уларда араб, форс, эски турк тилларида ёзилган диний китоблар Д. вазифасини ўтаган. Бу Дарслар Қуръоннинг оят ва суралари, бошқа диний китобларнинг турли қисм ва парчаларидан иборат бўлган. Мактабхоналарда «Ҳафтияк», «Чор китоб» ва б.лар ўқитилган. Мадрасаларда ҳам мусулмон диний қоидалари тўплами – «Аввали илм» (форс тилида савол-жавоб тарзида тузилган), араб тили грамматикасига оид «Бидоя», «Қофия» каби қўлланмалардан фойдаланилган. Баъзи мадрасаларда талабалар қад. китобларни мустақил ўқиб ўрганиши натижасида геогр., астрономия, тиббиёт ва б. фанларга оид айрим маълумотлардан хабардор бўлиб боришган, мумтоз шоирларнинг асарлари б-н танишишган.

Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин рус услубчилари таъсирида маҳаллий тилларда мактаб Дарслари яратила бошланди. 19-а.нинг 70-й. ларидан Тошкентда рус ва рус-тузем мактаблари учун айрим Дарслар нашр этилган. 1875 й.да А. А. Терентьевнинг «Русская азбука для школ Средней Азии» («Ўрта Осиё мактаблари учун рус алифбоси»), 1885 й.да В. П. Наливкиннинг «Азбука для русско-мусульманских школ оседлого населения Туркестанского края» («Туркистон ўлкасидаги ўтроқ аҳолига мўлжалланган рус-мусулмон мактаблари учун алифбо») номли Дарслари пайдо бўлди. 1887 й.да В. П. Наливкиннинг «Терма китоб» номи б-н ўзбекча-тожикча хрестоматияси, 1896 й.да унинг «Туркистон вилоятининг Тошканд шаҳридаги семинария деган мадрасада ўқийдурган терма китоб» асари нашр қилинган. 1898 й.дан С. М. Граменицкийнинг 3 қисмдан иборат «Книга для чтения» («Ўқиш китоби») китобидан фойдаланилган.

20-а.нинг бошларида янги усул мактабларининг айрим маърифатпарварлари, айниқса, жадидлар ҳам ўз иш тажрибаларини умумлаштириб, ўқув китоблари

туза бошлашган. Мас., 1902 й.да Тошкентда Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал» алифбеси, 1903 й.лда Алиаскар Калининнинг «Муаллими соний» хрестоматияси, Рустамбек Юсуфбек ўғлининг «Таълими аввал» ва «Таълими соний», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», Ҳамза ва б.ларнинг ўқув қўлланмалари босилиб чиққан. Лекин физика, геометрия сингари кўпгина фанлардан ўзбек тилида Д.лар йўқ эди. 20-а. нинг 20-йилларида барча ўқув фанлари бўйича Д.лар тузиш ишига жадал киришилган. Мас., Шокиржон Раҳимийнинг 1919 й.да чиқарилган «Совға» алифбеси, М. Қодиров ва б.ларнинг 1920 й.да катта ёшли кишилар учун чиқарилган «Катталарга ўқиш» алифбеси, И. Ҳусанхўжаев ва Ф. Эргашевнинг мактаб ёшидан ўтган ўсмирлар учун чиқарилган «Ўсмир» алифбеси, озарбайжон тилидан ўзбекчага таржима қилинган «Ҳандаса», «Физика» китоблари, В. Флеровнинг 1918 й.да «Ясное утро» («Му - сафо тонг») номи б-н чиқарилган икки ўқиш китоби, Е. Д. Поливанов ва Л. И. Пальмининг «Мак» («Лолақизғалдоқ») номли ўқиш китоби, К. А. Воскресенская, Н. П. Архангельский, О. Ф. Тополькаяларнинг Ўрта Осиёдаги русча бўлмаган мактаблар учун «Мак» номи б-н чиқарилган биринчи русча алифбеси, шунингдек, мазкур муаллифларнинг Ўрта Осиёдаги 1-босқич мактаблар учун чиқарилган «Маленький туркестанец» («Ёш туркистонлик») ўқиш китоби Окт. тўнтаришидан кейинги дастлабки даврларда чиқарилган Д.лар ва ўқув қўлланмалари шулар жумласидандир. О. Шарафиддинов ёзган «Алифбе» 1938–70 й.лар 1-синф ўқувчиларининг асосий ўқув қўлланмаси бўлиб келган. 1970–71-ўқув й.идан О. Шарафиддиновнинг К. Абдуллаева б-н ҳаммуаллифликда ёзган янги «Алифбе» китоби қўлланила бошланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, таълим муассасаларида қўлланилаётган Д.ларни қайта ишлаш ва такомиллаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. 1997 й.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. янв. да қабул қилинган «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари б-н таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Етук мутахассислар томонидан бир қатор Д.лар мазмунан қайта ишланди. Жумладан, тарих, география, физика, кимё, она тили, ад., иқтисод асослари, мат.дан янги мазмундаги Д.лар яратилди ва амалиётга жорий этилди. Шу давргача у.ў.т. тизимининг ўқув режасида бўлмаган ўқув фанлари (табиият, одобнома)дан янги Д.лар яратилди.

2001 й.дан Д.лар яратишнинг тендер тизими жорий этилди. Республикамизда 1-синф учун мўлжалланган Д.лар ҳар йили Президент совғаси сифатида ўқувчиларга тақдим этилади. 2–4-синф Д.лари ҳар 2 й.да, 5–9-синф Д.лари ҳар 4 й.да 7 тилда (ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ тилларида) нашр этилади.

Республика таълим тизимида Д.лардан фойдаланишнинг ижара тизими жорий этилган. Айрим ўқув фанлари («Тасвирий санъат», «Мусика маданияти», «Меҳнат таълими»)дан Д.ларнинг эркин савдога асосланган нашрлари йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда Д.ларни нашр этиш янги техн. асосида амалга оширилмоқда.

2013 й.да Ўзбекистонда у. ў. т. Мактабларининг 1-, 2-, 3–9-синфлари учун 605 номда 34 525 427 млн нусхада дарслик чоп этилган (2014).

Асқарали Сулаймонов

ДАРСЛИК ЁКИ МАНБА (КИТОБ) БИЛАН ИШЛАШ – материални оғзаки баён қилиш мет.ларидан бири. Бу мет. ОТМ амалиётида кўпроқ қўлланилади.

ДАРСНИ ЖИҲОЗЛАШ – ўтиладиган дарс мавзусига кўра ўқув-дидактик материаллар, кўлланма, мультимедиа, ўқув воситалари кабиларни танлаш ва тартибга келтиришни ифодаловчи тушунча.

ДАРСХОНА (араб. – дарс + хона) – дарс ёки машғулотлар ўтиладиган хона; аудитория.

ДАСТУРЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ – ўқув материалини босқичма-босқич қисмларга бўлиб, ҳар бир қисмнинг ўзлаштирилганлигини назорат қилган ҳолда ўрганиш тех.си. Д.т. – ўқув жараёнини муайян тартиб (дастур) асосида ташкил этишни англатади. Д.т. кибернетика, информатика, мат. логика ва ҳисоблаш техникасининг самарали тамойиллари ва мураккаб тизимларидаги бошқариш воситаларининг пед.да жорий этилиши натижаси бўлиб, 20-а.нинг 50-йилларида вужудга келган. Д.т. ўқув материалини кичик-кичик қисмларга бўлиш, уни муайян тартибда баён этиш, ушбу қисмларнинг биридан иккинчисига ўтиш тартиби (қоидалари)ни белгилаш, хусусан, ҳар бир қисмни ўзлаштириш юзасидан аниқ кўрсатмалар, топшириқлар бериш, ўзўзини назорат қилишни таъминлаш каби йўллар б-н амалга оширилади.

Д.т.нинг дастури, яъни ўргатувчи дастур (ўргатувчи алгоритм) махсус ўргатувчи курилмалар (машинали дастурлаштирилган таълим) ёки дастурлаштирилган дарсликлар (электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма ва ҳ.к.)га киритилади.

Бугунги кунда Д.т. ўргатувчи ва ўрганувчи субъектлар ф-ятини илмий асосда ташкил этиш тизими сифатида қаралади. У баъзи ҳолларда анъанавий таълимнинг ўрнини эгаллайдиган пед. тизим сифатида намоён бўлади. Айрим ҳолларда кибернетик дидактика, таълимнинг янги мет.и ёки мустақил ишлашнинг алоҳида тури сифатида баҳоланади. Бундан қатъи назар Д.т.нинг мақсади таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнларини қулайлаштиришдан иборат.

ДАСТУРЛИ МАЪРУЗА-МАСЛАҲАТ – талабаларни муаммо муҳокамасида фаол иштирок этишга ундайдиган маъруза тури. Д.м.м.нинг афзаллиги шундаки, у дарс мазмунини талабаларнинг қизиқишларига яқинлаштириш, ўқитиш жараёнини ҳар бир талабанинг ўқув материалини ўзлаштиришини ҳисобга олган ҳолда индивидуаллаштиришга хизмат қилади.

ДАФТАР (араб. юн. – қоғоз ўрами) – 1) тикилган, муқоваланган, ёзиш ёки расм чизиш учун тайёрланган бир неча варақли тоза қоғоз; 2) Ўрта Осиё хонликларининг дав. девонларида олиб борилган кирим-чиқим ёзувлари «Дафтари олий» деб ҳам юритилган. Қадимда Д. узун қоғоз ўрамларидан иборат бўлиб, пойгир ёки тумор деб ҳам аталган ва халқдан ниҳоятда сир тутилиб, дафтардор (хонликлар девонларида киримчиқим ёзувларини олиб борувчи ва Д.ни ўзида сақловчи сарой хизматчиси) қўлида сақланган.

ДАҲО (араб. – зийраклик, заковат; айёрлик) – фавқулодда кучли ақл, хотира ва ижодий истеъдод эгаси; билим савия-

си, дунёқарашига кўра ўз даври даражасидан илгарилаб кетган шахс. Д.лар фан-техника, маданият, хусусан, бадиий ижодиёт соҳасида муайян миллат, дав. микёсида эмас, балки умумбашарият, жаҳон микёсида муҳим кашфиётлар қилиш, илмий, бадиий асарлар яратишга қодир бўлишади. Мас., Ибн Сино (табобат), Форобий (фал.), Беруний (мат.), Улуғбек (фалакиёт), Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий (тасаввуф) каби беназир алломалар илм-фанда, эътиқодда буюк кашфиётлар яратишган. Амир Темур, Бобур инсоният тарихида ўчмас из қолдирган ва ижт. тараққиётни янги босқичга кўтарган салтанатларга асос солишган.

Д.лар яратган асарлар муайян соҳада бурилиш ясаган, янги юқори босқичга ўтиш учун хизмат қилган. Чунки улар илгари илм-фан, ижод учун мутлақо номаълум бўлган янгиликларни очган. Мас., Алишер Навоий асарлари туркий халқлар ад.и ва тили тараққиёти учун бурилиш нуқтаси бўлган. Унинг «Хамса», «Чор девон», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва б. асарлари жаҳон маданияти тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган.

Д.лик буюк иқтидор ва юксак ижт. онг маҳсулидир. Д.лар доҳий деб ҳам айтилади. Қадимда Д.лик (гениаллик) илоҳий марҳамат сифатида баҳоланган (Платон, неоплатонизм ва б.). 19–20-а. ларда даҳолик ва ижодкорликнинг турли томонларини психологик ҳамда ижт. жиҳатдан тадқиқ қилиш ривожланган.

Д.лик истеъдоднинг шундай олий чўққисики, у туфайли инсон ҳар қандай шароитда ўзининг хатти-ҳаракатини аниқ ва самарали бошқаради, зарур пайтда энг оқилона фикрни айтади, керакли режани амалга ошира олади. Бу ишларни у ҳеч бир зўриқишсиз, шошилмасдан, босиқлик, илҳом б-н, ички кувонч ва завқ-шавқ б-н бажаради. Инсондаги бундай фавқулодда истеъдод, одатда, муайян давр талабига мос равишда намоён бўлади. Шу сабабли инсоният тарихида улкан аҳамиятга эга даврлар даҳоларга эҳтиёж сезади ва уларни етиштиради. Мас., Уйғониш даврида иқтисодий зарурат, ижт. ва маънавий эҳтиёж туфайли Ф. Петрарка, Леонардо да Винчи, Микеланжело каби ўнлаб Д.ларнинг дунёга келишига сабаб бўлган.

Д.ликнинг асосий кўрсаткичлари: сифат жиҳатидан бутунлай янги илмий қадриятлар ярата олади; бошқаларга нисбатан беҳаловат ва қашшоқликда ҳаёт кечиришга тўғри келса ҳам, мўъжиза яратишга доимо ҳаракат қилади.

Д.нинг асосий хислатлари: ўзининг улуғвор мақсад йўлида хизмат қилаётганига ишонади; ақл-идроки тиниқ бўлади; уларда кўз воситасида идрок қилиш кучлироқ бўлади.

Д.лик жиҳатлари (омиллари): ҳар бир нарсани эътибордан четда қолдирмайди, улар учун майда ва иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ; улар сезги аъзоларининг барчасидан юксак даражада фойдаланиш иқтидорига эга; уларда сезги аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик юқори даражада ўрнатилган; уларда «замон–макон–истеъдод» уйғунлиги кучли бўлади.

Д.лик хусусиятлари: оригиналлик; тафаккурнинг кенглиги; хаёлпарастлик; реалистик танқидчилик вазифалари ўртасидаги мувозанат сақланади; синчковлик; инсоният ҳаёти учун энг муҳим глобал масалаларни кун тартибига кўя олади; ўта қизиқувчан ва ҳиссиётлар жўшқинлиги юқори бўлади; нафақат ўз касбий ф-яти, балки бошқа соҳаларни ҳам яхши билади.

ДЕ БРЕФИНГ – амалга оширилган пед. ф-ятни ўрганиш ва фикрлаш даври.

ДЕБАТЛАР (фр. дебат – бирор мажлис ёки йиғилишда фикр алмашиш, музокара қилиш) – икки қарама-қарши, ўзаро мусобақалашаётган команда (гуруҳ) иштирокчиларининг олдиндан тайёрланган чиқишларига асосланган расмий муҳокама. «Дебат» дастури (технологияси) «Очиқ жамият» халқаро ин-ти томонидан ишлаб чиқилган. Д. француз тилида бирор мажлис ёки йиғилишда фикр алмашиш маъносини ҳам англатади.

Д. амалиёти маданий ҳодисага ҳиссий-эмоционал тус бериш, уни ижт. мазмун б-н бойитиш санъатини билдиради. Бунда амалиёт ижт.-маданий, риторик, ҳиссий йўналишга эга бўлади.

Д.лар иштирокчилар онгининг турли даражадаги тузилмаларига кучли таъсир ўтказади. Бу жараёнда шахс ва ж-ят ўртасидаги муносабатлар, ижт. муаммолар таҳлил қилинади. Д. ўзига хос мақсад ва хусусиятларга эга.

Глобал мақсадлар: Д.лар ўз фикрини мустақил баён қилиш ва ҳимоялашга хизмат қилади; у демократик фикрлаш тарзи: толерантлик (бағрикенглик), ҳамкорлик муносабатлари, мунозара маданияти, танқидий тафаккур кабиларни ривожлантиради; Д. таълим олувчиларда турли масалалар юзасидан бўладиган муҳокама ҳамда мунозараларда қатнашиш иштиёқини кучайтиради; ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирлари ҳамда ўқитувчи б-н ҳамкорликка чорлайди.

Д.нинг хусусий пед. мақсадларига: ўқувчиларда мантикий ва танқидий тафаккур; ўз фикрини эркин баён қилиш кўникмалари; оғзаки ва ёзма фикр баён қилиш кўникмалари; толерантлик (бағрикенглик) ва эмпатия; ўз-ўзига ишонч; гуруҳ таркибида ишлай олиш кўникмаси; муаммо моҳиятини англаш лаёқати; оммавий чиқишларда ўзини тута билишни шакллантириш кабилар киради.

Д.нинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: таълим олувчиларни ижтлаштириш ва идентификациялашга оид вазифаларнинг мавжудлиги унинг иштирокчилари нуткида бевосита ижт. мавжудликни қўллаб-қувватлашнинг ифодаланиши, ўз тажрибаларига оид турли жиҳатларни сўзлаш асносида реал муаммоларнинг кўтарилиши; таълим жараёни субъектларининг ўзаро тенглигининг эътироф этилиши; ўқув жараёни субъектларининг фаоллиги, ўзаро бир-бирларининг фикрларини тан олишлари, вокеликни аник идрок этишлари, бир-бирларининг фикрларини зиддиятларга йўл қўймасдан бағрикенглик б-н қабул қилишлари; ахлок-одоб меъёрлари доирасида турли-туман қарашлар ва нуқтаи назарлар мавжудлигининг эътироф этилиши; ўзаро муносабатларда шахс олий қадрият эканлигининг эътироф этилиши; фикрларнинг ривожланиши учун қулай пед. вазиятларнинг яратилиши.

Д. таълим техн.си икки қисмдан ташкил топади: шахсий Д. ўйинлари ва Д.ларнинг дарс ва дарсдан ташқари ф-ятга татбиқ этилиши.

Янги пед. техн.нинг муҳим таркибий қисми сифатида Д.лардан фойдаланиш шахсга йўналтирилган таълим жараёни самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

ДЕВИАНТ ХУЛҚЛИ ЎҚУВЧИЛАР – ж-ятда қабул қилинган меъёрларга зид бўлган алоҳида хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мойил ўқувчилар.

«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК» («Туркий сўзлар девони») – Маҳмуд Кошғарийнинг

туркий тиллар ҳақидаги қомусий асари (1071–72). Бу асарда 11-а.нинг 2-ярмида Марказий Осиё ва Ғарбий Хитой ҳудудида истиқомат қилган туркий уруғ ва қабилалар, уларнинг ижт. аҳволи, тили, тарихи, геогр.си, метрологияси ва астрономиясига оид қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган. «Д.л.т.»нинг қўлёзмаси 1914 й.да Туркиянинг Диёрбакр ш.дан топилган. 319 саҳифали бу қўлёзма ҳозир Истанбулда сақланади. Бу нусха «Д.л.т.» ёзилганидан салкам 200 й. кейин, яъни Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қўли б-н ёзилган нусхадан 1266 й.да кўтиб Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Фотиҳ ал-Совий ал-Дамашқий томонидан кўчирилган. «Д.л.т.» араб тилида ёзилган, 8 мингдан ортиқ туркий сўзларни тўғри талаффуз қилиш мақсадида арабча ҳаракатлар (ҳарфлардаги ост-уст ишоралар)дан фойдаланилган. Муаллиф арабча ҳарфлар б-н туркий товушларни ифодалашда қийинчиликларга дуч келган. Туркий тилдаги чўзиқ ва қисқа унлилар, юмшоқ ва қаттиқ товушлар учун Маҳмуд Кошғарий махсус белги (ҳаракат)ларни қўллаган. «Д.л.т.»да, аввало, отлар, сўнг феъллар изоҳланади. Сўзлар тартиби уларнинг таркибидаги ҳарфларнинг орта боришига (2 ҳарфдан 7 ҳарфгача) қараб амалга оширилган.

Маҳмуд Кошғарий «Д. л. т.»га ўзи тузган дунё харитаси (дунёнинг доира шаклидаги тасвири)ни илова қилган. Харитада мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, денгиз, кўл, дарё ва ҳ.кларнинг номлари ёзилган. Харитага ёзилмай қолган бир қанча номлар асар матнида изоҳланган. Харита, асосан, ҳоз. шарқий ярим шарга тўғри келади. Асарда 11-а.даги шаҳарлар, қишлоқлар, денгизлар, кўллар, туркий қабила ва уруғлар ҳақида, уруғларнинг ижт. аҳволи, келиб чиқиши, номланиши, ички уруғ ва тоифалари, уларнинг жойлашиши, урф-одатлари, тил хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бундан ташқари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, уларнинг номлари баён қилинган. «Д.л.т.»да, айниқса, қабила ва уруғ тилларига оид лингвистик маълумотлар батафсил берилган. Асарда сўз маънолари (полисемия, омоним, синоним, антоним ва архаик сўзлар) чуқур таҳлил қилинган, айрим сўзларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлар билдирилган, товушлар таҳлил қилинган, сўз туркумлари, уларнинг ясалиши ва ўзаро боғланиши ҳақидаги фикрлар баён этилган. «Д.л.т.»да 250 дан ортиқ мақол ва маталлар, ўнлаб шеърий парчалар келтирилган. Улар халқ оғзаки ижоди намуналари бўлиб, ўзига хос т-явий аҳамиятга эга.

«ДЕВОРСИЗ МАКТАБ» УСУЛИ – театр, музей, суд зали, кўргазма, лаб. ҳамда ишлаб чиқариш устахоналарида ташкил этиладиган ўқув жараёни.

ДЕДУКЦИЯ (лот. deductio – пайқаб олиш; хулоса чиқариш) – мантиқ қоидаларига кўра хулоса чиқаришга ундовчи мет. Дастлаб формал мантиқда умумийликдан хусусийлик, айримлик томон муҳокама юритиш Д. деб аталган. Д. индукциянинг зиди ҳисобланади. Мантиққа оид ад.ларда «Д.» атамасини биринчи марта римлик мантиқшунос файласуф Боэций (480–524) қўллаганлиги баён қилинган. Бироқ бу таълимот силлогизм (юн. syllogismos – ҳисоблаш, ҳисобга олиш, хулоса чиқариш) шаклида илк бор Аристотелнинг «Биринчи аналитика» асарида таҳлил этилган. Кейинчалик Д. тушунчасини Р. Декарт, Г. Лейбниц каби файласуфлар ривожлантирган, Ўрта аср араб фал.сида Киндий, Розий, Ғаззолий, Ибн Рушд томонидан

Д.га алоҳида эътибор берилган. Улар Д. мет.ига янги билим бериш воситаси сифатида қарашган. Форобий, Ибн Сино Аристотелнинг дедуктив мантиғига янгилик киритиб, мантиқнинг силлогизм шаклинигина эмас, балки шартли, айирувчи каби шаклларини ишлаб чиқишган. Улар шу асосда хулоса чиқаришнинг янги усулларини яратишган.

Бугунги кунда Д. мет.и пед.да кенг қўлланилади. Айниқса, назарий умумлашмалар яратиш ва тажриба-синов натижалари асосида умумлашган хулосалар чиқаришда Д. мет.идан муҳим восита сифатида фойдаланилади. Агар асос қилиб олинган ҳукм ҳақиқий ва Д. қонунларига риоя қилинган бўлса, ундан чиқариладиган хулоса ҳам ҳақиқий бўлиши пед. илмида ҳам тан олинган.

Д. – пед. тажриба-синов натижалари самарадорлигини исботлашнинг асосий воситасидир. Шунинг учун ҳам пед. назариялар дедуктив мет. орқали исботланади. Дедуктив мет.дан пед. изланишлар натижасида далилий материаллар тўпланганидан кейин уларни чуқур таҳлил қилиш, тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Шунинг учун ҳам Д. психология ва пед.да алоҳида аҳамиятга эга. Д. пед. ва психологияда ўқувчи-талабаларнинг билиш, мустақил фикрлаш жараёнларини ўрганади. Пед. да дедуктив мет. турли шакллар, хусусан, аксиоматик мет., шунингдек, гипотетик-дедуктив мет. шаклида намоён бўлади. Мавжуд далилий материаллардан дедуктив мет. ёрдамида пед. назарияларни яратишда асос бўладиган фикрлар, ғоялар, далиллар танлаб олиниб, улардан умумлашмалар ҳосил қилинади, асосли хулосалар чиқарилади.

Дедуктив хулоса – пед. характердаги умумий ҳукмлардан якка ҳукмлар чиқариш орқали мантиқий хулосаларга келишдан иборат бўлган мет. ҳисобланади.

ДЕКАН (лот. decanus – ўнбоши) – ОЎЮда ф-т раҳбари. Ўзбекистонда ОЎЮ ректори буйруғи б-н фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлган проф.-ўқитувчилар орасидан тайинланади. Санъат ва маданият, дизайн ин-ти, Ўзбекистон дав. консерваторияси каби ОТМда истисно тарзда илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ўз касбий ф-яти давомида ижодий ютуқларни қўлга киритган мутахассислар ҳам Д. сифатида ф-ят кўрсатишлари мумкин. Д. ф-тдаги ўқув, таълим-т-я ва илмий ишларни бошқаради, ф-т илмий кенгашининг раиси ҳисобланади.

ДЕМЕНЦИЯ (лот. dementia – ақлсизлик) – ақли заифликни ифодаловчи атама. Д. ҳолатида билиш ф-ятининг пасайиши, илгари ўзлаштирилган билимлар ва амалий кўникмаларни муайян даражада унутиш, янгиларини ўзлаштиришнинг имконсизлиги ёки мураккаблиги кузатилади. Д. ҳолатида ақлий жиҳатдан орқада қолиш (олигофрения)дан фарқли тарзда ақли заифлик туғма ёки болаликда эгалланган камчилик сифатида намоён бўлади. Д.да бола психикасининг етарли тарзда ривожланмаганлиги кузатилади. Д. психик функцияларнинг парчаланиши бўлиб, миянинг жароҳатланиши натижасида кузатилади. Бундай ҳолат, одатда, қариликда кузатилади.

Д. натижасида хотира, тафаккур, ҳулқ-атвор ва лаёқатларнинг бажарадиган кундалик ҳаракатларида инқироз ҳолати вужудга келади. Д., асосан, кекса ёшдаги одамларда кузатилса-да, у қариликнинг меъёрий кўрсаткичи эмас. Дунёда 35 млн дан ортиқроқ кекса ёшдагиларда Д. ҳолати кузатилади.

Д. одамларга жисмоний, психологик, ижт.-иктисодий таъсир кўрсатади. Чунки уларга онла ва ж-ят томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш талаб этилади. Д. натижасида инсоннинг мустакил фикрлаш ф-ятида инкироз ҳолати вужудга келади. Бу, асосан, одатий кексайиш жараёнида кузатилади. Д. ҳолатида ҳотира, тафаккур, тушуниш, нутк, йўналиш олиш лаёкатлари, санаш, ҳисоблаш, билиш, одамларни таниш, ҳукмлар чикариш ф-яти инкирозга учрайди. Д. инсоннинг онгига таъсир кўрсатмайди. Инсондаги мустакил фикрлаш ф-ятининг бузилиши тез-тез учраса-да, баъзи ҳолдардагина ҳиссий ҳолатларни назорат килиш ёмонлашади. Шу б-н бир қаторда, инсоннинг ижт. хулк-атвори ва майллари инкирозга учрайди.

ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАР – таълим жараёни субъектларига ўз-ўзини ривожлантириш, ўз ф-ятларини бошқариш ва мавқеларини аниқлаш учун муайян даражада эркинлик бериш ғоясини англатади. Таълим жараёнини демократлаштириш принципини амалга ошириш бир қатор қоидаларга амал қилишни талаб этади: ижт. назорат ва пед. жараёнга таъсир кўрсатиш учун очикликни таъминлаш; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзларини ноҳуш таъсирлардан ҳимоя қилишлари учун улар ф-ятини ҳукукий жиҳатдан таъминлаш имкониятини яратиш; ўқувчиларнинг мустакил билим олишлари, ривожланишлари ва т-яланишларига имкон берадиган ўз-ўзини мустакил бошкариш ф-ятларига кенг йўл очиш; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида ўзаро ҳурмат кўрсатишлари, бардошли, сабр-тоқатли бўлишларини таъминлаш ва б. Мазкур принципни пед. амалиётга татбик этиш ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг имкониятларини кенгайтириш, таълим мазмунини модернизациялаш, самарали таълим технологиясини танлаш имконини беради. Таълим жараёнини демократлаштириш кўламини кенгайтириш мазкур жараённинг мавжуд жиҳатларига эътибор каратишни такозо этади.

Таълимни Д. п. асосида ташкил этиш тизимини яратишда 2 та йўналишга асосланиш лозим: 1) демократия учун таълим; 2) таълимни демократлаштириш.

Демократия учун таълим ўзида билимларни янги вазиятларга кўчириш, муайян кўникмаларни шакллантириш, қадриятлар руҳида т-ялаш, демократик ҳаёт кечириш тажрибасини таркиб топтириш кабиларни мужассамлаштиради.

Таълимни демократлаштириш эса таълимий имкониятлар тенглиги принципини амалиётга татбик килиш, эркин таълим ғоясининг эвристик имкониятларидан фойдаланиш, таълим жараёнини бошқаришнинг демократик принципларини қўллаш, ўкитишда демократик мет. лардан фойдаланишга асосланади. Ушбу йўналишларнинг ҳар иккаласи ўзаро алоқадорликда амал қилади.

Ўқувчиларнинг ҳукукларини амалда рўёбга чиқариш учун қулай пед. шарт-шароитларни яратиш уларнинг ўзлари ҳак-ҳукукларини билганларида, улардан амалда фойдаланиш усулларини эгаллаганларида, бошқаларнинг ҳак-ҳукукларини ҳурмат қилганларида кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Шунинг учун ҳам таълим тизимини демократлаштириш муаммоси ўқувчиларни демократик кадриятлар руҳида т-ялагандагина ўз ечимини топади.

ДЕМОКРИТ (Demokritos) [тахм. 460 – Абдери (Фракия) – 370] – юнон файла-

суфи, мутафаккири, атомистик назария асосчиларидан бири. У фал., мантиқ, физика, мат., техника, ахлоқий т-я, мусиқа каби соҳаларда асарлар яратган. Бизгача бу асарлардан айрим парчаларгина етиб келган. Билиш назариясида Д. моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлаган, билиш жараёнида сезги ва тафаккурнинг аҳамиятини кўрсатган. Унинг фикрича, сезгилар (кўриш, эшитиш, маза билиш ва б.) орқали олинган билим «қоронғи», у оламнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Ақл орқали олинган билим «ёруғ», у ҳақиқий билимдир. Бу ўринда Д. ҳодиса ва моҳиятни тушунганлиги, ҳиссий билиш б-н мавҳум тафаккурни фарқ қила олганлигини намоён этган. Лекин у сезгилар орқали билишни ақл орқали билишдан ажратиб қўйган. Д.нинг бу фикри Ж. Локк томонидан илгари сурилган нарсаларнинг бирламчи ва иккиламчи сифати тўғрисидаги таълимотига асос бўлган. Д. ахлоқ соҳасида атараксия (юн. ataraxia – хотиржамлик) таълимотини ривожлантирган. Д. илгари сурган ғоялар узоқ йиллар давомида кўплаб соҳалар, шу жумладан, пед. ва психологиянинг тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

ДЕТЕРМИНАНТ (лот. determinans – аниқловчи) – 1) дастлабки асос, фикр, нуқтаи назар; 2) математик тушунча.

ДЕТЕРМИНИЗМ (лот. determino – аниқлайман) – барча ҳодисаларнинг ўзаро объектив қонуний алоқадорлиги ва сабабий боғланиши тўғрисидаги фал. таълимот. Бу таълимотга кўра, борлиқдаги барча (моддий ва руҳий) нарса ва ҳодисалар бир-бири б-н боғлиқ ҳамда ўзаро бир-бирини тақозо этади. Д. таълимоти мазмунини бир ҳодиса (сабаб) бошқа ҳодиса (оқибат ёки натижа) га зарурий боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя ташкил этади. Нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши доимий бўлиб, улар бирор сабаб орқали амалга ошади. Фал. Д. бутун борлиқ, ундаги қисмларнинг ўзаро боғланишини ўрганади. Ўрта Осиё мутафаккирлари: Форобий, Ибн Сино, Беруний, Аҳмад Дониш каби алломалар борлиқнинг мавжудлиги тўғрисидаги ғоянинг ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Пед. ҳодисалар орасидаги алоқа ва муносабатларни ўрганишда ҳам Д. таълимоти муҳим ўрин эгаллайди.

ДЕФЕКТОЛОГИЯ (лот. defectus нуқсон + logos – таълимот) – пед.нинг жисмоний ва руҳий нуқсонли болаларнинг ривожланиш хусусиятлари, уларга махсус таълим-т-я бериш ва улардаги нуқсонларни бартараф эта бориш қонуниятларини ўрганувчи бўлими. Кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар, кар ва гунглар, ақли заифлар, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони борлар, нутқ камчилигига эга бўлган болаларга таълим-т-я бериш жараёни Д.нинг объекти ҳисобланади. Шунга кўра, Д. 4 та алоҳида соҳага бўлинади: сурдопед. (карлар, гунглар ва заиф эшитувчи болаларни ўқитиш, т-ялаш усулларини ўрганади), тифлопед. (кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларни ўқитиш ва т-ялаш масалаларини тадқиқ этади), олигофренопед. (ақлий ривожланишдан орқада қолган ва ақли заиф болаларни ўқитиш, т-ялаш қонуниятларини тадқиқ қилади), логопедия (нутқида камчилиги бўлган болаларни ўқитиш ҳамда т-ябиялаш назарияси ва амалиёти б-н шуғулланади). Дастлаб сурдопед. ва тифлопед. вужудга келган (1770 й.да карлар учун Испанияда, 1784 й.да кўрлар учун Парижда махсус таълим муассасалари очилган). Кейинчалик логопедия ва оли-

гофренопед.га асос солинган. Нуксонли ва психофизик камчилиги бор болаларнинг рухиятларини ўрганувчи махсус психология, шунингдек, уларга таълим-т-я бериш, нуксонларни тузатиш, тиклаш воситаларини ишлаб чикувчи сурдотехника ва тифлотехника ҳам дефектологияга киради. Дефектология анатомия, физиология, патофизиология, неврология, невропатология, эшитиш, кўриш ва нутк патологияси, мактаб гигиенаси, умумий ва пед. психология, пед., тилшунослик, болалар психологияси ва б. фанлар б-н узвий боғлиқ.

Д.нинг асосий вазифаси – нуксонли болаларни аниклаш, ташхис усулларини ишлаб чиқиш, улар учун махсус ва мужассамлаштирилган таълим-т-яни ташкил этиш, ақлий ва жисмоний камчиликларни бартараф этиш воситаларини излаб топиш, амалда қўллаш, уларни ҳаётга тайёрлаш, ижт. фойдали ф-ятга жалб этишдан иборат.

Буюк аллома, шоир ва мутафаккирлар, хусусан, Ибн Сино, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий ва б.лар Д.ни изчил ва атрофлича муайян йўналишда ўрганмаган бўлсалар ҳам, ўз асарларида дефектологик ҳолатларнинг акс этиши, намоён бўлиши, ривожланиши, ўзгаришлари ҳақида кимматли фикрлар билдиришган.

Ўзбекистонда Д.нинг илмий-назарий, методик ва амалий тадқиқотлари б-н Г. Ш. Айтметова, Е. Д. Гордиенко, Л. Р. Мўминова, Р. Шомаҳмудова, Ф. Пўлатова, Г. Шоумаров ва б.лар шуғулланишган. Жисмоний ва рухий нуқсонли болаларни ж-ятга фойдали кишилар қилиб т-ялаш учун Ўзбекистонда махсус МТМ, махсус мактаблар, махсус интернат мактаби ва инклюзив таълим муассасалари мавжуд. ТДПУнинг пед. ва Д. ф-тида махсус мактаб ва муассасалар учун дефектолог кадрлар тайёрланади (1967 й.дан).

ДЕФИНИЦИЯ (лот. definition – таъриф; аниқ кўрсатиш) – муайян пед. тушунча ҳақидаги қисқача таъриф.

ДЕЦЕНТРАЦИЯ (лот. de – олд қўшимча – узоқлашиш + centrum – марказ) – шахсдаги ҳудбинликни бартараф этиш механизмини ифодаловчи атама. Бунда шахсдаги ҳудбинликни бартараф этиш механизми унинг нуқтаи назарини ўзгартиришдан иборат. Бунинг учун унинг шахсий нуқтаи назаридан фарқ қиладиган бошқа нуқтаи назар б-н қиёслаш, тўқнаштириш ва уйғунлаштириш усулидан фойдаланилади. Д. тушунчаси Ж. Пиаженинг генетик эпистемология (билим ҳақидаги таълимот) концепциясининг таянч асоси ҳисобланади. Мазкур тушунчадан шахсни ижтлаштириш жараёнини таҳлил қилиш, уни когнитив ва ахлоқий ривожлантиришда фойдаланилади. Д.нинг асосий манбаи сифатида бошқалар б-н бевосита ёки интериоризация (ички) асосидаги мулоқот намоён бўлади. Бу жараёнда ўзаро қарама-қарши нуқтаи назарларнинг тўқнашуви амалга ошади. Натижада шахсни ўз фикрлари, тушунча ва тасаввурларини қайта шакллантиришга ундалади. Д. кўникмаларини шакллантириш шахснинг бошқалар ўрнига ўзини қўя олиши асосида намоён бўлади. Бу эса шахсдаги когнитив эмпатия даражасига боғлиқ. Шахсдаги когнитив эмпатиянинг мавжуд даражаси мулоқот самарадорлигини аниқлашнинг асосий омили ҳисобланади. Шахснинг Д.га лаёқатлилиги унинг турли ёш даражаларида ўзгаришини таъминлайди. Бу лаёқат жуда ёшликдан бошлаб етуклик давригача ривожланиб, кексаликда

пасаяди. Д. шахснинг турли ф-ятида турлича кўриниш касб этади. Касбий муносабатларда Д. оилавий турмушдагидан кўра самаралирок кечади. Педагоглар таълим-т-я жараёнида МТМдаёк болаларнинг ҳудбинликни енгишларига кўмаклашадиган т-явий ф-ят механизмларини қўллашга алоҳида эътибор каратишлари лозим.

ДИАГНОСТИКА, т а ш х и с л а ш (юн. diagnostikos – аниқлашга қодир) – таълим тизимида ўқитувчи ҳамда ўқувчи ф-ятининг муайян киррасини ўрганиш максадида амалга ошириладиган текшириш жараёни. Д. пед.нинг бўлими бўлиб, таълим-т-я жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлиги, пед. ходимларнинг касбий тайёргарликлари, БКМ ва маҳоратлари, таълим олувчиларнинг ўқув фанларини ўзлаштиришлари ва т-яланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш б-н шуғулланади.

Пед. Д. ўқитувчиларнинг ф-ят тизими бўлиб, у ўқув жараёни ҳолати ва натижаларини текширишдан иборат. Д. ўқув жараёнини коррекциялаш имконини беради. Ундан кўзда тутиладиган асосий мақсад эса ўқув жараёни сифати ҳамда педагогларнинг касбий малакасини оширишдан иборат. Д. таълимий ф-ятнинг таркибий қисми бўлиб, у ўқув жараёнини самарали бошқаришга йўналтирилган.

Д. жараёнида натижалар аниқланади. Д. ўқувчиларнинг ўзлаштирган БКМ ҳамда таълим жараёнининг боришини назорат қилиш, баҳолаш, маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш имконини беради. Янги ютуқларга эришиш усулларини аниқлашга хизмат қилади.

Ўқувчилар ҳамда талабалар пед. Д.нинг объектидир. Ўқувчи ва талабалар жамоалари ҳам пед. Д.нинг объекти ҳисобланади. Д.ни амалга ошириш учун таълим олувчилар ва уларнинг оилалари ҳақида демографик маълумотлар тўпланади. Таълим олувчиларнинг жисмоний, руҳий саломатликлари, уларнинг билиш лаёқатлари, хулқ-атворлари ва майллари ҳам Д. учун муҳим аҳамиятга эга. Пед.да Д.нинг кўплаб мет.лари мавжуд (кузатиш, анкеталаштириш, тестлаштириш, суҳбатлар, ижодий ишлар таҳлили ва б.).

Д.нинг субъектлари сифатида ўқитувчилар ҳамда тестлаштирувчи педагоглар намоён бўлишади. Улар илмий-пед. тадқиқот муассасаларида қўшимча билимлар б-н қуролланади.

Д. жараёнининг муҳим босқичи назорат, ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш даражалари, БКМларини кузатиш ҳисобланади. Назорат ўқувчилар ф-ятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот олиш имконини беради. Ўқув максадларига эришишни назарда тутган ҳолда самарали мет.ларни қўллаш жараёни ҳам назорат қилинади. Назорат бир неча турларга бўлинади (мас., олдиндан назорат қилиш, оралиқ назорат, мавзу доирасидаги назорат, даврий назорат, якуний назорат ва б.). Назорат турли шаклларда амалга оширилади: якка тартибда, гуруҳли ва ёппасига амалга ошириладиган назорат ва б.

Назоратнинг турли мет.ларидан фойдаланган ҳолда пед. Д. шахс таркиби ва унинг ўзига хос жиҳатларини, жумладан, шахснинг интеллектуал, ижодий лаёқатлари, хотирасининг кўлами, диққатининг ривожланганлик даражаси кабиларни самарали ўрганиш имконини беради.

ДИАЛЕКТИКА (юн. dialektike – суҳбат олиб бориш, баҳслашиш санъати) – борликнинг вужудга келиши, унинг тараққиёти ҳақидаги фал. таълимот ҳамда воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур услуби. «Д.» тушунчаси фал. тарихида дастлаб ҳоз.ги маъносидан бошқача талқин этилган. Юнон фал.сида Д. мунозара орқали ҳақиқатни топиш санъатини англатган. Кейинчалик бу усул табиат ҳодисаларига татбиқ этила бошланган, билиш услубига айланган.

Диалектик тафаккур воқеликни билиш жараёни сифатида инсон, ж-ят б-н боғлиқликда пайдо бўлган. Воқеликни билиш ва уни инсон манфаатлари йўлида ўзгартиришнинг Д. услубини англашга интилиш қадим замонларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам у пед. фанининг методологик асоси ҳисобланади. Бу интилиш дастлаб Шарқда пайдо бўлиб, антик даврда ўз такомилига етган. «Д.» сўзи илк бор Сукрот томонидан қўлланилган. У Д.ни бир-бирига зид, қарама-қарши фикрлар тўқнашуви орқали ҳақиқатни топиш санъати деб билган. Гераклит ижодида Д. ўзининг антик даврдаги энг ёркин кўринишига эга бўлган. Гераклитнинг фикрича, Д. – қарама-қаршиликлар бирлигидан иборат. Ўрта асрлардан 18-а.гача Д. мактабда ўқитиладиган мантиқ илми сифатида тушуниб келинган.

Д. таълимотига кўра, оламдаги барча нарса ва ҳодисалар, шунингдек, улар ҳақидаги тушунча ва билимлар доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлади. Табиий ҳодисалар, ижт. ҳаёт ва тафаккур жараёнларини диалектик нуқтаи назардан таҳлил қилиш уларнинг объектив алоқадорлиги, зарурий боғланишлари, ўзгариш ва ривожланиш қонуниятларини очиб бериш, истиқболни аниқлаш, тараккиётга эришишнинг самарали йўллари ҳамда воситаларини ишга солиш имконини яратади.

ДИАЛЕКТИК ФИКРЛАШ – инновацияларнинг ривожланиш жараёни, меъёрий асосларининг изчил ривожланишини тавсифловчи тушунча. Шу нуқтаи назардан педагогик инновациялар мавжуд ўқитиш анъаналари орасида ижодий зиддиятларни вужудга келтиради, улар асосида амалга оширилади ва ривожлантирилади. Бу тизимнинг узлуксизлиги таълим муассасасининг инн-он ривожланиш кўрсаткичини белгилайди.

ДИАЛОГ (юн. dialogos – суҳбат) – нутқ тури; икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир-бирига қаратилган нутқини ифодаловчи атама. Мас., ўқитувчи ва ўқувчилар, ўқувчи б-н ўқувчи орасидаги мулоқот. Драмада характер ва воқеалар ривожини ифодалашнинг асосий воситаси; насрда (баъзан назмда) бадиий ифода усули. Д. мустақил публицистик ва фал. жанр маъносини ҳам ифодалайди.

ДИДАКТИЗМ – пед.нинг таълим ва унинг метлари ҳамда ташкилий шакллари ҳақидаги бўлими.

ДИДАКТИКА (юн. didaktikos – ўргатувчи, таълим берувчи) – 1) пед.нинг ўқитиш назарияси б-н шуғулланадиган тармоғи; 2) таълим назарияси. «Д.» атамаси илк бор Европада 17-а.да ўқитиш ва таълим жараёни ҳақида асарлар яратган олимлар томонидан қўлланила бошланган. Чех педагоги Я. А. Коменский ўзининг «Буюк дидактика» асари (1657)да болалар ва ўсмирларни маълумотли қилиш ва уларга таълим беришнинг дидактик жиҳатларини ишлаб чиққан. Немис педагоги А. Дистервег «Немис ўқитувчиларини маълумотли қилишга раҳбарлик» (1834–35) асарида Д.нинг пед.да таълим назариясини баён

этувчи алоҳида қисми эканлигини таъкидлаган. Шундан кейин Д.га таълим назарияси ҳақидаги фан сифатида қараш тажрибаси шаклланган. 19-а.нинг охири ва 20-а.нинг бошларида Д.га оид махсус монографиялар пайдо бўлган.

Ҳоз. замон пед.сида Д. таълим бериш ва ўқитиш назарияси б-н шуғулланадиган алоҳида соҳа сифатида қаралади. Таълим мазмунини аниқлаш, таълим жараёни конуниятларини очиш ҳамда ўқитишнинг энг самарадор усул ва йўлларини топиш Д.нинг асосий муаммолари сирасига киради. Д.нинг моҳиятини белгилаш, йўналишини аниқлашда фал.-назарий асос алоҳида аҳамиятга эга.

Д. педагогик психология, ёш психологияси ҳамда билиш назарияси б-н алоқадорликда ривожланади. Д. муайян ўқув предмети мазмунини белгилаш, таълим жараёнида аниқ техн.дан фойдаланиш принциплари, қонуниятлари, йўлларини аниқлаш ва назарий жиҳатдан асослаш б-н шуғулланади.

Шарқ мутафаккирларининг асарларида Д.га оид қарашлар илгари сурилган бўлса-да, уларда Д. атамаси қўлланилмаган. Аждодларимиз таълим жараёнини ташкил этиш принцип ва қонуниятларини аниқлаш соҳасида жуда катта илмий мерос қолдиришган. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Марғиноний, Давоний, Алишер Навоий, Мунис, Абдулла Авлоний, Мунаввархори Абдурашидхонов, Элбек, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурий, Абдурауф Фитрат сингари мутафаккир ва маърифатпарварларнинг таълим жараёнини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш, ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини йўлга қўйиш, дарсликлар яратиш, ўқувчиларнинг тил ўрганишлари учун қулай шароитларни вужудга келтириш, уларнинг билимларини баҳолаш, ўқитиш жараёнида муайян усул ва мет. ларни қўллаш ҳақидаги фикрлари бизнинг бой дидактик меросга эгалигимиздан далолат беради.

Муайян ёшдаги болаларни гуруҳ тарзида бир жойга тўплаб ўқитиш самарадорлиги дастлаб Ибн Сино томонидан асослаб берилган эди. Унинг таъбирича, устоз муаллим ўзида инсоний сифатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Бу фикрлар Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий томонидан ривожлантирилган. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд таълимда суҳбат мет.ига алоҳида эътибор қаратган, устоз-шогирд муносабатларининг аҳамиятига юксак баҳо берган. Марғиноний эса билимларни ўзлаштиришни ташкил этиш соҳасида умумий тавсиялар ишлаб чиққан. У билимларнинг ўқувчилар хотирасида мустаҳкам ўрнашишини таъминлаш усулларини ишлаб чиққан.

Дидактик фикрларнинг тараққиётида жадид маърифатпарварларининг таълим-т-явий ёндашувлари алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, Абдулла Авлоний, Мунаввархори Абдурашидхонов, Абдуқодир Шакурий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Саидрасул Саидазизовлар ўзлари ёзган дарслик, қўлланмалар, мақолаларда Д.га оид муҳим фикрларни баён этишган, ўзларининг пед. ф-ятларида мазкур фикрларни амалий жиҳатдан асослашга муваффақ бўлишган.

Мустақиллик йилларида ўзбек олимлари томонидан Д. соҳасида кўплаб изланишлар амалга оширилиб, янги илмий ёндашувлар ўртага ташланди. Дидактик тадқиқотлар натижалари асосида ДТСнинг назарий асослари, уни белги-

лаш принцип ва қонуниятлари, мазмунини аниқлаш параметрлари, таълим мазмунини модернизациялаш йўналишлари ишлаб чиқилди. Пед. прогностикага оид концептуал ёндашувлар вужудга келди, фанларни ўқитиш концепциялари ишлаб чиқилди, дарсликларнинг янги авлодини яратиш принциплари, ўқув материалларини лойиҳалаш йўллари, ўқув жараёнини ижодий ташкил этиш шарт-шароитлари, шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш имкониятлари, таълимни инсонпарварлаштириш, ўқувчиларнинг билиш ф-ятларини жадаллаштириш йўллари, уларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолаш техн., ўз-ўзини баҳолаш ва ташхислашнинг пед. шарт-шароитлари, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш йўллари, ўқувчиларнинг мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, уларда миллий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш асослари вужудга келди.

Мустақиллик йилларида Д.нинг муҳим тармоғи бўлган хусусий Д. соҳасида ҳам салмоқли изланишлар амалга оширилди. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш, уни лойиҳалаш, бу жараёнда ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини янги босқичга кўтариш, пед. жараёнларга инн-он техн.ни татбиқ этиш, ўқитувчининг касбий компетентлилигини такомиллаштириш, ҳамкорлик пед. сини ривожлантириш, ўқув вазиятлари кўламини кенгайтириш, ўқувчиларнинг билиш ф-ятларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш Д.нинг етакчи масалалари сирасига киради.

Шуҳрат Неъматов

ДИДАКТИК АДАБИЁТ – 1) ахлоқий-таълимий, илмий-фал., диний билим ва ғоялар бадиий талқин қилинган панднасиҳат йўналишидаги китоб; 2) ўқув адабиёти. Д.а. маънавий, ахлоқий, диний, сиёсий, фал., т-явий ёки илмий қарашлар бадиий шаклда ибратомуз йўсинда баён этилган асарлар мажмуи ҳисобланади. Мусулмон мамлакатларида ёзма бадиий ад. дастлаб дидактик ад. шаклида пайдо бўлган. Д.ада китобхонни тўғри йўлга бошлаш, унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига ёрдам бериш мақсади устувор ўрин эгаллайди. Кайковуснинг «Қобуснома» асари ўз даври турмушининг барча масалалари юзасидан ёшларга насиҳат тарзида ёзилган. Лекин унда шунчаки насиҳат қилиш эмас, балки айтилган гапларнинг таъсирчанлигига эришиш учун бадиий ифоданинг ўзига хослигига ҳам эътибор қаратилган. Бундай асарлар жаҳон халқлари тажрибасида ҳам кўплаб учрайди (ҳинд эпоси намуналари бўлган «Калила ва Димна», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», «Бўстон»и ва б. асарлар). Бевосита таълим-т-я масалаларини акс эттиришга бағишланган бадиий асарлар ҳам Д. а. намуналари ҳисобланади.

Маҳорат б-н ёзилган ҳамда муаммоларнинг бадиий тадқиқига бағишланган дидактик асарлар ўз даври ва кейинги замонлар учун ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳайрат ул-аброр», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний», Гулханийнинг «Тошбақа билан чаён», Ҳамзанинг «Ёлғончи бола» асарлари Д.ининг етук намуналари сирасига киради.

Д.а. намуналарини оила даврасида ўқиб, муҳокама қилиш аждодларимиз тажрибасида кенг ўрин эгаллаган. Улар шу йўл б-н ёшларни баркамол шахс сифатида шакллантириш муаммосига ечим топишган.

20-а. бошларида жадид маърифатпарварларининг асарларида ҳам панднасиҳатга кенг ўрин ажратилган. Уларнинг мактаблар учун ёзган қўлланмалари ва пед. характердаги мақолаларида Д.а.дан олинган кўплаб таълим-т-явий фикрлар келтирилган.

ДИДАКТИК БИЛИМДОНЛИК – ўқитувчиларнинг функционал билимдонлигини ифодаловчи тушунча. Мазкур тушунча ўз таркибига ўқитувчиларнинг касбий билимдонлик даражалари, унинг мазмуни, дидактик билимларни амалда қўллаш техникаси кабиларни мужассамлаштиради.

ДИДАКТИК БИРЛИК – қўшиш, кўпайтириш, конспектлаштириш, санаш ва сўзларни эсда сақлаб қолиш, тест ўтказиш, оптималлаштириш усуллари мажмуини ифодаловчи тушунча. Д.б. – ўқув материали мазмунини ифодаловчи элементлардан иборат бўлиб, белгиланган тартибда ўқув дастурида акс эттириладиган тушунчаларни ифодаловчи атама. Д.б. тушунчаси ўзининг меъёрий аниқловчиларига эга эмас. Мазкур тушунча пед. билимлар доирасига киради. Меъёрий-ҳуқуқий ҳодисаларни таҳлил қилар эканмиз, мазкур тушунчани изоҳловчи луғавий бирликнинг мазмунини қуйидаги сўзларда мужассамлаштириш мумкин. Д.б.лар умумтаълим дастурлари ва касбий таълим соҳасидаги пед. ад.ларда қўлланилади. Д.б.лар – предметга оид мавзулардан бири бўлиб, муайян соҳада таҳсил олаётган мутахассислар учун яратиладиган ўқув ад.ларида қўлланилиши мажбурий бўлган атамадир. Ўқув фани мазмунини танлаш жараёнида ҳар бир мавзу ёки бўлим доирасида қўлланиладиган Д.б.лар тавсия этилади. Параграфнинг рақами, мавзунинг номи, унинг бўлимларини кўрсатишда Д.б.лардан фойдаланилади. Ўқувчи ва талабаларнинг умумлашган билимларига қўйиладиган талаблар, ўқув материалларининг мазмуни, лаб. ҳамда амалий машғулотларда Д.б.дан фойдаланилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур, тасаввур, нутқ, кузатувчанликни ривожлантиришда йириклаштирилган Д.б.лардан фойдаланиш тавсия этилади. Бошланғич синф ўқувчиларига табиатни ўргатиш жараёнида нафақат алоҳида тушунчалар шакллантирилиши керак бўлади, балки улар орасидаги алоқадорликни ҳам идрок этиш кўникмалари таркиб топтирилади. Ўқувчилар нафақат муайян тушунчаларни эслаб қолишлари, ўқитувчининг изоҳларини шунчаки тинглашлари эмас, балки билимларни мустақил ўзлаштиришлари, улар устида фикрлашлари, ўзларининг шахсий билиш ф-ятларини олдиндан лойиҳалаштира олишлари талаб этилади.

Табиат ҳақидаги ҳар бир тушунча айни вақтда йириклаштирилган Д.б. ҳисобланади. Тушунчалар тизимини ўзлаштириш таълим олувчиларга ўзлаштирган билимларини амалиётда, ҳаётий ф-ятлари жараёнида қўллаш, ҳодисалар ва улар орасидаги алоқадорликни таҳлил қилиш имконини беради.

Тушунчаларнинг ҳар қандай тизими тафаккурнинг идрок этилган табиат ҳодисалари устида ишлаши натижасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам ҳар бир тушунчалар тизими муайян даражада тасаввурларга эга бўлишни тақозо этади.

Атроф-олам ҳақидаги тушунча йириклашган Д.б. бўлиб, улар сирасига: объектив борлиқ ҳодисалари ҳақидаги далиллар; табиатшуносликка оид тасаввурлар ва улар орасидаги алоқадорлик; табиатшунослик ҳақидаги тушунчалар

ва улар орасидаги муносабатлар, шунингдек, тушунчалар тизими; табиатдаги муайян конуниятлар ва улар орасидаги муносабатлар киради.

Йириклаштирилган Д.б.ларнинг асосий гояси билимларнинг яхлитлигини таъминлашдан иборат бўлиб, унга муайян машқлар тизими ёрдамида эришиш мумкин.

ДИДАКТИК ВАЗИЯТЛАР – ўқувчиларда ютуқларга эришиш, уларда ўқиш майлларини ҳосил қилиш механизмини англатувчи тушунча. Шахсга йўналтирилган Д.в. ўқувчиларнинг янги ахб.лар б-н танишиш имкониятларини таъминлайди, ижодий ф-ят кўрсатиш усулларини эгаллашларига хизмат қилади, ўқув материалларини ўзлаштириш усулларини эгаллашлари учун қулай шароит яратади, ҳар бир ўқувчининг ижодий натижаларни қўлга киритиши учун имконият беради. Бундай натижавийликка дидактик цикллар ҳисобига эришилади. Уларнинг асосини эса доимий равишда амалга ошириладиган дидактик машқлар ташкил этади.

Дидактик циклнинг самарадорлиги ўқувчиларнинг боскичма-боскич ўқув материалларини ўзлаштиришларига боғлиқ. Бундай узлуксизлик ўқувчиларнинг ўз ижодкорликлари ва мустакилликларини намоён этишлари учун шароит яратади.

Ҳар бир дидактик цикл ўзининг аник тавсифига эга: муаммо б-н танишиш боскичи. Ушбу боскичда ўқувчилар қўйилган муаммо б-н танишадилар, дастур доирасида муайян ўқув материалларини ўрганадилар. Бу жараёнда улар ўқув материалларидан унумли фойдаланишга интилиб, улардан ўзлари учун аҳамиятли ва қизиқарли бўлгапларини ажратиб олишади. Ўқувчилар ўқув материалларини ўзлаштиришга ижодий ёндашади. Кейинги боскичларда ахб. ларни ижодий ўрганишга каратилган ф-ят мустаҳкамланади; ижодий топшириқларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, уларни ишлаб чиқиш таркибини аниклаш боскичи. Мазкур боскичда ўқувчилар ижодий топшириқларнинг ўзига хос жиҳатлари устида фикрлай бошлайди.

Ўқув жараёнининг асосий таркибий қисми Д.в.дан ташкил топади. Бу эса унинг муайян замон ва макондаги ҳолатини ойдинлаштиради. Д.в. ҳар доим аник характерга эга бўлиб, улар ўқитувчи томонидан вужудга келтирилади ёки маърузалар, амалий ҳамда лаб. машғулотлари жараёнида ҳосил бўлади. Ўқув жараёнини тасвирлаш ва чегаралаш учун Д.в.нинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Уларда пед. жараённинг ютук ва камчиликлари мувофиклашади.

Ўқув жараёнининг динамик характерга эгалиги ўқувчининг мустакил ривожланиши ва ютукларга интилиши учун Д.в.ни таъминлайди ва мослаштиради. Шу нуқтаи назардан пед. жараённи ўзаро узвий боғланган, узлуксиз давом этадиган ҳодиса сифатида баҳолаган ҳолда Д.в.ни ўзаро давом эттириш имкониятига эга бўлган ҳодиса сифатида талқин этиш мумкин. Бу ўзига хос тарзда ҳаракатланувчи, тезкор, ўқув жараёни элементларининг жадал ўзгаришига шароит яратадиган ҳодисадир.

Д.в.нинг таркиби жуда оддий. Унинг таркибига ўкитувчи, ўқувчилар, уларнинг ҳиссий-интеллектуал муносабатлари киритилади. Бироқ бундай оддийлик барқарор характерга эга эмас. Унда ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ички оламлари, акл-идроки, ҳис-туйғулари ўзаро ҳамкорликка киришади.

Д.в. мақсадга йўналтирилган тарзда ёки ўз-ўзидан вужудга келиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар кенгайиши, чуқур ўйланган ҳолда лойиҳалаштирилиши ҳамда пед. жараённинг иштирокчилар қизикишларига мувофик келиши ва уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Д.в. ҳар доим муайян муаммога қаратилади. Ҳар қандай пед. муаммо объектив тарзда пед. назария ёки амалиётда вужудга келади. Улар умумий характерга эга бўлиб, пед. жараён б-н узвий тарзда богланади. Унинг таркибий қисмлари эса ўқув жараёнида вужудга келади. Пед. муаммолар ўз ечимини талаб қилади. Бироқ улар ҳар доим ҳам тезкорлик б-н ечилавермайди.

Муаммоли Д.в.ни ечиш воситаси ўқув топшириқларидир. Улар пед. муаммо сифатида намоён бўлиб, ф-ят мақсади ва ҳосил бўлиш усулларига мувофиқ бўлади. Мужассамлашган шарт-шароитлар Д.в.ни ойдинлаштиради. Улар ёрдамида пед. вазифалар ечилади. Бу шароитлар топшириқларнинг муваффакиятли ечилишига имкон бериши ёки тўсқинлик қилиши мумкин. Пед. вазифалар – ўқитувчи томонидан Д.в.ни яхлит тарзда тушуниш махсулидир. Ечимга олиб келадиган асосий натижалар эса БКМ шаклидаги янги бирликларни ифодалайди. Улар сирасига ҳаракат усуллари, ҳулқ-атвор шакллари, ф-ят турлари ва шахснинг ўзига хос сифатларини киритиш мумкин. Ўқувчи билмасликдан билиш томон ривожланган сари унинг олдида янгидан-янги вазифалар ҳосил бўлади. Пед. топшириқларнинг ечимини амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, унинг натижаси турлича аҳамият касб этади. Мазкур муносабат ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари доирасида амалга ошади.

Такидлаш жоизки, у ўқитувчи томонидан чуқур англанган Д.в. бўлиб, бу вазиятдан чиқиш учун ўқувчилар ўз имкониятлари доирасида қўйилган вазифаларга ечимлар излашади. Пед. вазифаларни ечишда ўқув жараёнини қуришнинг турли вариантлари таклиф қилинади. Уларни намунага асосланган (репродуктив) ҳамда маҳсулдор усулларга бўлиш мумкин. Репродуктив усуллар қуйидаги босқичларга бўлинади: а) вазифаларнинг қўйилиши ва уларнинг англаниши; б) ҳодиса ва далилларнинг идрок этилиши; в) фикрлаш; г) тушуниш; д) эслаб қолиш; е) ўзлаштириш; з) қўллаш. Бу босқичларнинг ҳар биридан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш орқали Д. в.нинг самарадорлигини таъминлаш мумкин.

Роҳат Сафарова

ДИДАКТИК ВОСИТАЛАР – тарқатма материаллар, муайян фанни ўқитишда зарур бўлган жиҳозлар, комп.ли воситалар, моделлар, макетлар, кўргазмалар, техник воситалар, асбоб-ускуна ва махсулотлар мажмуи.

ДИДАКТИК ЖАРАЁН – бўлажак ўқитувчиларнинг шаклланиш жараёнини ифодаловчи тушунча. Стандартлашган Д.ж. таълим мақсадини амалга оширишга хизмат қилиши керак. Бу жараён барча таълим муассасаларида педагоглар учун энг муҳими ҳисобланади. Д.ж. шахснинг танловни амалга ошириши учун муҳим йўналиш ҳисобланади. Мазкур жараёнда муайян ўқув воситалари ўзлаштирилади ва қўлланилади. Д.ж.нинг таркиби 3 та ўзаро алоқадор қисмлардан иборат: 1) ўқувчиларни йўналтирувчи; 2) ўқувчиларнинг шахсий билиш ф-ятларини амалга оширувчи;

3) ўқитувчи томонидан мазкур ф-ятнинг бошқарилишини таъминловчи қисмлар. Ушбу қисмлар барча Д.ж.ларда бирдай амал қилади.

ДИДАКТИК МАТЕРИАЛ – ўқувчиларга билим ва таълим-т-я беришга мўлжаллаб танланган махсус ўқув материаллари.

ДИДАКТИК МАШҚЛАР – ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқи, товуш ва ҳарфларни идрок этиш, сўзларни ўз ўрнида қўллаган ҳолда матн тузиш, нутқ кўникмалари, идроки, хотираси, нутқ товушларини тинглаш ва ҳарфларни кўриб идрок эта олиш лаёқати, тафаккурини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш, улар нутқида учрайдиган хатоларни бартараф этишга қаратилган дидактик материаллар устида ишлаш имконини берадиган топшириқларни ифодаловчи тушунча. Д.м. ўқув жараёнининг мураккаб босқичи ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ўқувчиларнинг ёзма нуткидаги хатолар миқдори ортиб бормоқда. Хатоларнинг аксарияти ўқувчиларнинг эътиборсизликлари туфайли юзага келмоқда. Бундай хатоларнинг асосий сабаби ёзувнинг мураккаб жараёнларини акс эттирувчи ақлий жараёнларнинг етарлича ривожланмаганлигидадир. Ёзма нутқни эгаллаш мураккаб ақлий ф-ят бўлиб, муайян даражада кўплаб психик функцияларнинг етилишини тақозо қилади. Турли анализаторлар орасидаги ўзаро муносабат ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай муносабатлар сирасига нутқни тинглаш, нутқ ҳаракати, кўриш ҳамда ҳаракатлантирувчи кабиларни киритиш мумкин. Анализаторлардан бирининг шаклланмаганлиги ўқувчиларда ёзув ф-ятининг бузилишига олиб келади.

Таълимий функцияларига кўра Д.м.ни 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Фонетик жараёнларни ривожлантириш учун танланадиган машқлар воситасида ўқувчиларда: а) нутқ товушларини идрок этиш кўникмаларини ривожлантириш; б) тинглаш ва биринчи ҳамда охирги ҳарфни ажрата олиш кўникмасини ҳосил қилиш; в) товушларнинг миқдорига кўра сўзларни танлаш кўникмасини шакллантириш; г) тинглаш ва сўздаги товушлар сонини аниқлай олиш кўникмасини таркиб топтириш каби таълимий масалалар ҳал этилади.

2. Аниқ артикуляция ва мактабда муваффақиятли ўқиш учун зарур бўлган товушни ҳосил қилувчи машқлар. Улар тез айтишлар, ритмик матнларни ўқиш, шеърларни ёдлаш, айтилганларни аниқ идрок этиш, нутқ ритми ва маромини ҳис этишга кўмаклашадиган ишлар мажмуидан иборат.

3. Нутқни ҳаракатлантирувчи кичик моторикаларни ривожлантириш жараёни бармоқлар машқи ҳамда режали тарзда узлуксиз ҳаракатлар, металлар устида ишлашни тақозо этади. Бундай ишлар ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатларини яхшилайди, хотирани машқлантиради, ёзув жараёнида хатоларни тузатиш имконини беради.

4. Ҳарфларни образли тасаввур қилиш ва кўриб идрок этишга ўргатувчи машқлар.

Д.м.да ўқувчиларнинг ёзув ф-ятларида учрайдиган хатоларни бартараф қилишга йўналтирилган амалий материаллар тақдим этилади. Ушбу машқлар ёрдамида ўқувчиларнинг хотираси, диққати, идроки, тафаккури, нутқи, нутқ анализаторлари ривожланиб, ҳиссий ҳолатлари барқарорлашади.

Ўқувчилар нуткида учрайдиган хатоларни бартараф этиш ва уларга кўмаклашиш б-н бир қаторда, дидактик машқлар ёрдамида қуйидаги вазифалар ҳам ечилади: 1) ўқувчиларнинг сўз бойлигини кенгайтириш ва ривожлантириш; 2) ўқувчиларда оғзаки ўқув жараёнини фаоллаштириш; 3) ўқувчиларнинг ёзма нутқи ва товуш таҳлилига оид кўникмаларини такомиллаштириш; 4) ўқувчиларда оғзаки нутқни фонетик идрок этиш лаёқатини ривожлантириш; 5) ўқувчиларда қўл ва бармоқ ҳаракатларини ривожлантириш ва б.

ДИДАКТИК МАҚСАД – ўқитувчи ўқувчиларга ўргатадиган ҳодисага эришиш натижаларини ифодаловчи тушунча. Д.м. машғулотларнинг тури, таркиби ва мазмунида ўз ифодасини топади. Д. м. б-н боғлиқ ҳолда машғулот турлари белгиланади: а) янги материални тақдим этишга йўналтирилган машғулотлар; б) ўқувчиларнинг БКМларини мустаҳкамловчи машғулотлар; в) ўқувчиларнинг билимларини умумлаштирувчи ва тизимлаштирувчи машғулотлар; г) якунловчи ва назорат қилувчи машғулотлар; д) уйғунлаштирилган машғулотлар.

Дарс мақсадлари максимал жиддий бўлиши керак. Дарс лойиҳаси ва режаларида унинг учта мақсади кўрсатилиши лозим: дидактик, таълимий мақсадлар; ривожлантирувчи мақсад; т-яловчи мақсад.

Дарснинг Д. м.и таълим олувчиларда янги тушунчалар ва ҳаракат усулларини шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

ДИДАКТИК ОМИЛЛАР – ўқув жараёни ва унинг натижасига таъсир киладиган ҳар қандай ҳолат, икки ва ундан ортиқ дидактик ўзгаришни ўз ичига олганлиги боис, дидактик жараён таҳлили натижасида аникланган ўзгаришлар, ўқув жараёнининг ўзига хос сабабларини ифодаловчи тушунча. Д.о. умумий, хусусий, асосий сабаблар мажмуини ташкил этади. Ҳар қандай омил сабабдан иборат бўлиб, у айни бир гуруҳга мансуб бўлган камида иккита табиий ҳамда сунъий сабабларнинг уйғунлашувини ўз ичига олади. Бу ўринда алоҳида омиллардан умумий омил вужудга келади. Умумий Д.о. ўз ичига муайян даражадаги табиий маҳсулдор сабабларни қамраб олади. У бир қанча Д.о.ни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг уйғунлашуви жараёнида табиий маҳсулдор сабабларни мужассамлаштирувчи алоҳида ҳамда умумий омиллар бирлаштирилади. Мазкур тизимда энг юкори ўринда умумий омиллар туради. У муайян гуруҳга мансуб барча табиий ҳамда сунъий сабабларни қамраб олади.

Ўзига хос омиллар ҳам мавжуд бўлиб, бундай омилларни муайян сабабга кўра бирорта муайян даражада мужассамлашган сабаблар сирасига киритиш мумкин эмас. Улар умумий, мужассамлашган омиллар таркибига киритилади. Ўзига хос омиллар бетакрорлиги, алоҳидалиги б-н ажралиб туради. Табиий мужассамлашган сабаб ва омилларнинг ажратилиши кўплаб дидактик муаммоларга самарали ечим топиш имконини беради. Уларни ажратишдан кўзда тутилган асосий мақсад эса билишнинг истикболли имкониятларини таъминлаш, маҳсулдор таълим тизими орқали унга эришишга кўмаклашади. Бу эса юкори даражадаги илмий назарияларнинг вужудга келишига асос яратади. Бундай назариялар дидактик жараённи ташхислаш, башоратлаш имконини беради. Ҳар бир алоҳида сабабнинг таъсири ва уларнинг яхлит тарзда мужассамлашиши ҳақидаги би-

лимга таянилади. Д.о. ҳақида сўз кетганда 4 та ҳудди шундай омиллар мавжудлигини таъкидлаш лозим: ўқув материали; ташкилий-педагогик таъсир; ўқувчиларнинг ўкимишлилик даражаси; вакт.

ДИДАКТИК ПРИНЦИПЛАР – ўқув-т-я жараёнини ташкил этиш, унинг мазмунини танлаш ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг ақлий, бадиий, ижодий, ахлоқий, меҳнат ва жисмоний ф-ятларини ташкил этишда таяниладиган қонуниятлар. Д.п. таълим муассасасидаги ўқув жараёнининг мазмуни, уни ташкил этиш шакл ва метларини аникловчи ҳодиса бўлиб, унда таълим-т-янинг умумий максадлари ҳамда ўқув жараёни қонуниятларига таянилади. Д.п.нинг ҳар томонлама чукур ва аник ифодаланиши пед. ва унга ёндош илмларнинг тараққиёт даражасини ойдинлаштиради.

Д.п. таянч ғоялар бўлиб, таълимнинг барча даражалари ва таркибий кисмларининг жадал ривожланишига имкон беради ҳамда уларнинг тизимли тарзда яхлитлигини таъминлайди. Улар муайян ўқув предметларини ўкитиш жараёнида якколрок намоён бўлади.

Д.п. – тарихий ҳодиса ҳисобланади. Бу шундан далолат берадики, унинг мазмуни умумий характерга эга эмас, балки муайян тарихий шарт-шароитларга мувофиқлашган. Ижт. ҳаётнинг турли даврларида Д.п.нинг мазмуни ва миқдори турли даражадаги ўзгаришларга учраган. Улар ижт. буюртма б-н боғлиқ тарзда вужудга келиб ривожланган. Шунинг учун ўзбек дидактикасининг тарихий тараккиёт йўли таҳлил килинганида, турли даврларда турлича Д.п.нинг амал қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Уларнинг энг асосийлари: онглилик ва фаоллик; кўргазмалилик; тизимлилик, изчиллик ва кетма-кетлилик; мустаҳкамлик; илмийлик; қулайлик; назария ва амалиёт бирлиги ва б.

ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР УЙҒУНЛИГИ – ўқитувчиларни ўқувчилар ўқув ф-ятини бошкариш, машғулотларни уюштириш ва ўтказиш жараёнига уйгун тарзда ёндашувини ифодаловчи тушунча.

ДИДАКТИК ТИЗИМ – таълим мазмуни, уни ташкил этишнинг шакл, мет., жараёнлари ва ўқитиш мақсадларидан иборат тизим. Д.т. таълимни амалга оширишнинг яхлит тарзда шаклланган таркиби бўлиб, у муайян мавке ва нуктаи назарларга эга бўлган ўзига хос мезонлар б-н фаркланувчи пед. ҳодиса. 3 та ўзаро бирбиридан фаркланувчи Д.т. мавжуд. Улар турли тарихий даврларда кўлланганлиги б-н ажралиб туради. Улардан бири немис файласуфи ва педагоги И. Гербарт томонидан ишлаб чикилган. Мазкур тизим кўплаб камчиликларга эгалиги, ўқув жараёни ҳақидаги нотўғри тасаввурларни ўзида ифодалаганлиги, авторитар характер касб этганлиги б-н ажралиб туради. И. Гербарт томонидан асосланган Д.т., асосан, 19-а.да кўлланилган. Ушбу тизим этика (ахлок) ва психология назариясига таянади. Унинг асосий мақсади кучли ирода эгаси бўлган шахсни шакллантиришдан иборат бўлган. И. Гербарт томонидан ишлаб чикилган асосий ғояларга, унинг таъбирича, т-я назарияси асосланиши керак. Улар: 1) такомиллашиш ғояси. Бу шахсни шакллантиришнинг асосий йўналишлари ва мақсадини ўзида мужассамлаштириши керак; 2) ҳайрихоҳлик ғояси. Бу ўзаро келишган ҳолда ҳамкорлик килиш ва мулокотга киришишга ўз ғоялари ва интилишларини бўйсундиришни назарда тутади; 3) ҳуқук ғояси. Бунда ҳар бир кишининг ҳуқук ва

бурчларини аниклаган ҳолда одамлар орасидаги муносабатни тартибга солиш назарда тутилади; 4) ҳаққонийлик ғояси. Мазкур ғояга кўра кимгадир ноҳакликка асосланган ҳаракатнинг амалга оширилиши жазога тортиш б-н қопланиши лозим; 5) ички мустақиллик ғояси. Бунда инсоннинг иродавий қувватларини танлаш ва йўналтириш унинг ўз шахсий йўналишлари доирасида бўлиши керак.

И. Гербарт томонидан илгари сурилган Д.т.да таълим ва т-я орасидаги алоқадорлик назардан четда қолган. Унинг тасаввурича, таълимнинг вазифаси ўқувчиларнинг интеллектуал ва жисмоний ривожланишларини таъминлашдан иборат. Таълим жараёнига раҳбарлик килиш ўқув режаси асосида ўқитувчи томонидан қатъий тарзда амалга оширилиши керак. Ўқувчилар эса тартиб-интизомга риоя қилган ҳолда ўқитувчини сўзсиз тинглашлари керак деган ғоя илгари сурилади. Ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар, биринчи навбатда, кучли ирода эгасини шакллантиришга йўналтирилиши лозим. Ўқувчилар эса ўқув материаллари баёнини сўзсиз тинглашлари ва уни ўзлаштиришлари керак. Бу жараёнда ўқувчиларга ўз ижодий лаёқатларини намоён қилишлари учун рухсат берилмайди. Мазкур тизим доирасида айни бир гуруҳдаги ўқувчилар тенг ҳисобланган, яъни ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Ўқитувчи эса ўқув жараёнини қўшимча материаллар б-н бойитиш ҳуқуқига эга эмас. Бу жараёнда интизомни қўллаб-қувватлаш мақсадида чекловлардан фойдаланишга рухсат берилган, чегараланган тарзда ўқувчилар жазоланган. И. Гербарт томонидан илгари сурилган Д.т.да ўқувчиларнинг амалий кўникма ва малакаларига ўрин ажратилмаган. Шунинг учун ҳам мазкур Д.т. ўқувчиларни кундалик ҳаётий ф-ятга тайёрлаш имкониятига эга эмас эди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, И. Гербарт тизими ўқув жараёнида самарадорликни таъминлаш имконини бермади. Мазкур тизимдаги камчиликлардан хулоса чиқарган ҳолда мутахассислар бошқа Д.т.ни асослашга муваффақ бўлишди. Ҳудди шундай Д.т.лардан бири америкалик файласуф, психолог ҳамда педагог Д. Дьюи томонидан илгари сурилган. Бу тизим И. Гербарт тизимига мукобил тарзда вужудга келган.

Д. Дьюи томонидан асосланган Д.т. марказида ўқувчи туради. Таълимнинг самарадорлиги эса уларни билиш ва ф-ятларининг жадаллашишига боғлик эканлиги исботланган. Таълимнинг вербал мет.лари И. Гербарт дидактикасида эътибордан четда қолган эди. Д. Дьюи дидактикасида эса унга алоҳида ўрин ажратилган. Бу жараёнда ўқитувчи ёрдамчи, маслаҳатчи мавкеига эга бўлиб, ўқув жараёни йўналишларини белгилашга сафарбар этилган. Д. Дьюининг таъбирича, БКМларни ўзлаштириш жараёни ўқувчиларнинг амалий ф-ятлари натижасидагина самарали кечиши мумкин. Ўқувчиларнинг муаммоларни бартараф этишлари учун ўқитувчи ўқув режаси б-н боғлиқ ҳолда қулай шароитлар яратиши керак. Қўйилган муаммолар эса ўқувчиларнинг таянч билимлари ва ёш хусусиятларига мос келиши лозим. Муаммоларни ечиш жараёнида ўқувчиларнинг бир неча босқичларни ўтишлари талаб этилади (муаммоларни ҳис этиш, аниклаш, таклиф этилмаган ечимларни шакллантириш, мазкур ечимларни амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилиш ва б.).

Д. Дьюи Д.т.нинг асосини таълим олувчиларнинг амалий ф-ятлари ташкил этади. Назарий билимлардан эса минимал даражада фойдаланилади. Ўқув режаси аниқ дидактик таркибга эга бўлмасдан, фақатгина муайян йўналишлардаги йўналтирувчи маълумотларни ўзида ифодалайди. Д. Дьюи ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва мойилликларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг ўзи ўқув режасини шакллантириши мумкин, деб ҳисоблайди. Д. Дьюининг Д.т.и илғор демократик характерга эга бўлиб, унда шахсга йўналтирилган дидактик ёндашув муайян ўрин эгаллаган. Мазкур тизимга оид дастлабки пед. ҳаракатлар 19-а.нинг 2-ярми, 20-а.нинг 1-ярмида Америка таълим тизимида амал қилган. Бироқ мазкур тизим назарий жиҳатдан етарлича асосланмаган. Шунинг учун ҳам у ўқувчиларни илмий билимлар б-н тизимли тарзда таъминлаш имкониятига эга эмас. ва шу сабабли ушбу тизим ўқувчиларда қийинчиликларни бартараф этиш учун муайян изланишларни амалга ошириш кўникмаларини етарлича ҳосил қила олмайди.

Замонавий Д.т. аввалги ҳар иккала тизимнинг хатоларини чуқур таҳлил қилиш натижасида вужудга келган. Шу боис у замонавий пед. амалиётнинг асосини ташкил қилади. Замонавий дидактиканинг илғор йўналишларидан бири – таълим олувчиларни кашфиётларни амалга оширган ҳолда ўқитишдан иборат. Бундай тизим америкалик психолог ва педагог Д. Брунер томонидан илгари сурилган. Мазкур Д.т.нинг асосини ўқувчиларнинг шахсий кашфиётларни амалга оширган ҳолда билимларни ўзлаштиришларига эришиш ташкил этади. Бунда улар ўзлари эгаллаган назарий билимларга таянишлари назарда тутилади. Ўқитишнинг бундай йўли ўқувчиларни фаол фикрлаш, ҳукмлар чиқариш, ўйлаш, тажрибалар ўтказиш, ф-яти натижаларини шакллантириш ва умумлаштириш, зарур кўникма ҳамда малакаларни эгаллашларини назарда тутади.

Замонавий дидактика бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Улардан бири унинг методологик асосидир. Бу методология фал. билишнинг назарий асосларига таянади. Ўқитиш мет.ларини ишлаб чиқишда асосий эътибор шахсни уйғун ривожлантириш назарияси ва амалиётига қаратилади.

Роҳат Сафарова

ДИДАКТИК ТОПШИРИҚЛАР – ўқувчиларнинг ўқув-билув ф-ятини бошқариш вазифаларини ифодаловчи тушунча. Д.т. деганда чуқур ўйланган дидактик вазиятлар тушунилади. Ўқувчилар синфи, даражаси, типига боғлиқ бўлмаган ҳолда барча Д.т. умумий ўзига хосликка эга бўлади. Шу б-н боғлиқ тарзда ижт. бошқариш топшириқлари ҳисобланади. Шу муносабат б-н Д.т.ни ечиш жараёнини таҳлил қила туриб унинг мақсадига хусусий ҳамда билиш вазифаларини ечиш орқали эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Мазкур хусусий топшириқлар Д.т.ни ечиш босқичлари ҳисобланади. Бундай босқичлар 4 га бўлинади: 1) муайян вазиятлар ва шарт-шароитларни таҳлил қилган ҳолда ўқувчилар олдига Д.т.ни қўйиш; 2) пед. ҳамкорлик усулларини лойиҳалаш; 3) Д.т.ни амалиётда ечиш режаларини амалга ошириш; 4) Д.т.ни ечиш натижаларини таҳлил қилиш.

Топшириқлар назариясида уларни ечиш усуллари ва жараёнларини фарқлаш назарда тутилган. Топшириқларни ечиш усуллари – кетма-кет бажариладиган операциялар тизими бўлиб, уларни ечишга

олиб келади. У алгоритм характеридаги ҳамда уларга ўхшайдиган шаклдаги қатъий турларини ифодалайди. Аксарият Д.т. учун ечимларнинг квазиалгоритмик усули характерли ҳисобланади.

Мазкур вазиятларда билиш ва ҳақиқатни қайта шакллантириш б-н боғлиқ мақсадлар ўз ифодасини топади. Ўқитувчининг касбий пед. ф-ятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш ва уни қайта тайёрлашда Д.т.нинг таснифи масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Улар стратегик, тактик ва амалий қобилардан иборат бўлади.

Стратегик характердаги Д.т. ўзига хос олий даражадаги топшириқлар бўлиб, ижт. ривожланиш б-н боғлиқ бўлган ўзига хос эҳтиёжларни акс эттиради. Аниқ пед. жараёнларда стратегик топшириқлар тактик топшириқлар сифатида қайта шакллантирилади. Таълимнинг якуний натижаларида ўзининг йўналишларини ифодалаган ҳолда стратегик топшириқларни ечишнинг муайян босқичида аниқ белгиланади.

Тактик топшириқлар оралиқ, якунлаштирувчи топшириқлар бўлиб, ўқитувчи амалий ф-ятининг алоҳида ҳолатларида унинг олдида туради. Пед. жараённинг яхлитлиги ҳақидаги тасаввурларга мос тарзда Д.т. тушунчаси т-явий топшириқларга ёндошдир.

Д.т. ўқувчиларнинг ўқув-билув ва ўрганиш ф-ятларини бошқариш имконини беради. Унинг келиб чиқиши ва истиқболи орасида муайян зиддиятлар мавжуд.

ДИДАКТИК ТУШУНЧА – дидактиканинг асосий тушунчаларини ифодаловчи бирлик. Улар сирасига дидактик категориялар, дидактика, унинг предмети, пед. жараён, ўқитиш, таълим, таълим мазмуни, ўқитиш қонунлари, қонуниятлари, принциплари, қоидалари, мет.лари, методик усуллар, мет.и, техн.си, саволлар, топшириқлар, муаммолар, муаммоли вазиятлар, шунингдек, таянч сигналлар, ўқитишни ташкил этиш шакллари ва б.лар киради.

ДИДАКТИК ЭКСПЕРИМЕНТ МЕТОДИ – пед. вокеликни ўзгартириб, унинг ички қонуниятларини ўрганиб, унга таъсир этишнинг самарадор усулларини аниқлашга қаратилган тадқиқот мет.

ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР – таълим олувчиларнинг ЬКМларини ривожлантиришга қаратилган махсус таълимий ўйинлар. Д.ў. ўқув машғулотининг тури бўлиб, ўқув ўйинлари шаклида ташкил этилади. Д.ў. ўйинга асосланган фаол ўқитиш принципларига таянади. Улар муайян қоидаларнинг мавжудлиги, ўйин ф-яти таркибининг қайд этилиши, баҳолаш тизимига эга бўлган фаол ўқитиш мет.дир. Д.ў. жамоавий, максадга йўналтирилган ўқув ф-яти бўлиб, ҳар бир ўқувчи ва бутун жамоа аъзолари аниқ вазифани ечиш максадида бирлашади. Жараён иштирокчилари бўлган ўқувчилар ўз хатти-ҳаракатларини ғалаба қозонишга йўналтиради. Д.ў. фаол ўқув ф-яти бўлиб, ўрганилаётган тизилар, ҳодисалар, жараёнларни ижт. ҳаётдагига ўхшатиб моделлаштирилган шаклидир.

Д.ўнинг ўзига хос фарқли жиҳати ўйин вазиятларининг мавжудлигидир. Бундай вазиятлардан ўйин мет.нинг асоси сифатида фойдаланилади. Ўйин жараёнида иштирокчиларнинг ф-яти шакллантирилган бўлиб, муайян қоидалар ва баҳолашнинг қатъий тизими мавжудлиги б-н изоҳланади. Унда ҳаракатлар тартиби ва қатъий режим мавжуд. Таъкидлаш керакки, Д.ў. ишчан ўйинлардан ечимлар занжирининг мавжуд эмаслиги б-н фарқланади.

Маълум Д.ў. турлари сирасига муайян вазиятларни таҳлил қилиш, ўйинга асосланган лойиҳалаштириш, раҳбарнинг ишчан почтасини таҳлил қилиш кабиларни киритиш мумкин. Бугунги кунда ўқитишнинг ижт. ўйин техн.си ҳам кенг қўлланилмоқда.

Замонавий инженерлик-техник ва бошқарув тизимлари юқори даражадаги мураккаблиги, технологиклиги, кўп омиллилиги, ахб.ларга ишлов бериш жадаллигининг ошиши б-н изоҳланади. Муайян вазиятларни таҳлил қилиш мет.и юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда кўп жиҳатдан самарали ҳисобланади. Мазкур мет. негизини ўқувчиларнинг муаммоли топшириқларни жамоа бўлиб ҳамкорликда ечишлари ташкил этади. Топшириқлар техник, ижт., бошқарув характерида бўлиши мумкин. Мазкур топшириқлар муайян ечимларни топишни талаб қилади. Муайян ҳаракатлар мажмуини аниқлаш орқали ҳам ўқувчилар мураккаб вазиятлардан чиқишлари мумкин. Бундай вазифалар анъанавий ўқув топшириқларидан фарқли тарзда улар аниқ материаллар негизида қурилиб ягона ечимга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Уларни ечишда ахб.ларнинг ортиқча ёки етишмаслиги ҳам кузатилади. Худди мана шу омил уларнинг муаммоли характерга эгалигини кўрсатади.

Ўзбекистондаги узлуксиз таълим муассасаларининг аксариятида муаммоли, ижодий топшириқлардан нафақат фаол ўқитиш техн.и таркибида, балки таълим олувчиларнинг фикрий ф-ятларини фаоллаштирувчи мустақил дидактик восита сифатида ҳам фойдаланилади.

Ўйинга асосланган лойиҳалаштириш ф-яти деганда конструкциялаш, лойиҳалаштириш, ф-ятни ишлаб чиқариш техн. ини яратиш тушунилиб, улар ўйин шаклида амалга оширилади. Мазкур мет. бир қатор ўзига хос белгиларга эга. Хусусан: мураккаб характердаги инженерлик ҳамда ижт. вазифалар; гуруҳли ишлар; ҳаётий вазиятларни имитация қилинганлиги ва б.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини оширишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Бундай усулларнинг энг самаралиси Д.ў.дир. У ўз моҳиятига кўра мураккаб, кўпқиррали ҳодисадир. У ўқитиш мет. сифатида намоён бўлиши мумкин. Чунки Д.ў. бир қатор пед. вазифаларни бажаради.

Таълимий – вазифасига кўра мазкур Д.ў. ўқувчиларда дунёқарашни шакллантириш, назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш, уларнинг билим доирасини кенгайтириш, мустақил билим олиш лаёқатини ривожлантиришга кўмаклашади. Ривожлантирувчи – ушбу вазифа ўқувчиларнинг тафаккурларини ривожлантириш, фаолликка ундаш, ўз фикрларини баён қилиш лаёқатини кенгайтириш, уларнинг билишга нисбатан қизиқишларни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Тарбияловчи – бу ўқувчиларни жамоавийлик руҳида т-ялаш, шерикларига нисбатан хайрихоҳлик ва ҳурмат б-н муносабатда бўлиш, бағрикенглик кўникмаларини шакллантириш имкониятига эга. Йўналтирувчи – мазкур вазифа ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш, ташаббускорлик кўрсатиш, мустақилликни шакллантириш, жамоавий ҳамкорликка сафарбар қилишга ундайди. Ўйинлар воситасида ўқитувчиларда ўқувчиларни назорат қилиш, ўқув жараёнининг бориши ва натижаларини ташхислаш, унга зарур ўзгартиришлар киритиш имконияти вужудга келади. Бундай вазиятларда ўйин

назорат қилувчи ва тузатувчилик вазифасини бажаради.

Д.ў. ўқитиш шакли ҳам бўлиши мумкин. Чунки у ўзининг ташкилий таркибига эга. Бу, ўз навбатида, ўқитувчи б-н ўқувчиларнинг ўзаро келишувига асосланган ф-ят тури сифатида намоён бўлади.

Д.ў. ўқув воситаси ҳамдир. Чунки у билимларни эгаллаш ва кўникмаларни шакллантириш манбаидир. Ўйинлар ўқувчиларнинг билиш қизиқишларини ҳосил қилади ва қўллаб-қувватлайди, ўқув материалларининг кўргазмалилигини таъминлайди. Д.ўдан барча турдаги дарсларда фойдаланиш мумкин. Ўқитувчилар муайян дарс мавзуси доирасида ўйинларни танлашда чекланмаган имкониятларга эга. Ўйин доирасидаги топшириқларни ўқитувчи мустақил ёки ўқувчилар б-н ҳамкорликда танлаши мумкин. Танланган вазифалар амалий-ижодий машқ ва топшириқлар ўқувчилар учун мароқли бўлиши, уларнинг мантиқий, образли тафаккурини ривожлантириши ҳамда тасаввурларини кенгайтиришга кўмаклашиши лозим.

Ўйин жараёнида ўқувчилар йўл қўйган хатолари учун маънавий жиҳатдан масъулиятни ҳис қилишади. Ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш ва ҳамкорлик муҳитининг мавжудлиги туфайли ўқувчиларнинг ўз-ўзини англашлари учун қулай асос вужудга келади. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг хулқ-атворларини мақсадга йўналтирилган ҳолда тузатиш ва яхшилашга эришади. Натижада ўқувчиларда маънавий қадриятларни эгаллашга нисбатан тўғри йўналиш юзага келади. Д.ўнинг замон ва макон б-н боғлиқ хусусиятлари ўқув ўйин ф-ятининг динамик ва сермазмунлилик характер касб этишини таъминлайди.

Д.ў. доирасидаги дидактик вазифалар ўқувчилар учун яширин характер касб этиб, уларнинг эътиборини ўйин ҳаракатларини бажаришга қаратади. Бу жараёнда ўқувчилар ўқув вазифаларини англамайди. Буларнинг барчаси ўйинларни ўқитишнинг алоҳида шакли сифатида намоён бўлишига олиб келади. Ўйинлар туфайли ўқувчилар БКМларни атайлаб ўрганишни хаёлларига келтирмайди. Бу жараёнда ўқувчилар ва ўқитувчи орасидаги муносабат ўқув вазиятлари сифатида намоён бўлмайди, балки ўйин ёрдамида ифодаланади.

Ўйин жараёнида ўқувчиларда ўз фикрларини жамлаш, тўғри мўлжални ола билиш, мустақил фикрлаш, диққатни ривожлантириш, билимларни ўзлаштиришга интилиш таркиб топади. Ўқувчилар ўйинларга қизиққанликлари туфайли ўқиётганликлари ва билим олаётганликларини сезмай қолишади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўйинлардан кенг ва унумли фойдаланиш алоҳида пед. аҳамиятга эга.

Феруза Жумаева

ДИДАКТИК ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – таълим жараёнида дидактик ўйинли дарс шаклларини ифодаловчи тушунча. Ушбу дарсларда ўқувчиларнинг билим олиш жараёни ўйин ф-яти б-н уйғунлаштирилади. Шу сабабли ўқувчиларнинг билим олиш ф-яти ўйин ф-яти б-н уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар деб аталади.

Инсон ҳаётида ўйин ф-яти орқали қуйидаги вазифаларни амалга оширади: 1) ўйин орқали шахснинг маълум бир ф-ятга бўлган қизиқиши ортади; 2) ўйинлар шахснинг коммуникатив – мулоқот маданиятини эгаллашга ёрдам беради; 3) шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намо-

ён этишига имкон яратади; 4) ҳаётда ва ўйин жараёнида дуч келадиган турли кийинчиликларни енгишга тайёрлайди, мўлжални тўғри олиш кўникмаларини ҳосил қилади; 5) ўйин жараёнида ижт. меъёрларга мос хулқ-атворни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади; 6) шахснинг ижобий сифат ва фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди; 7) инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса, ижт., маънавий-маданий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади; 8) ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

Ўйин б-н боғлиқ дидактик ф-ят ўзининг тўрт хусусиятига кўра ажралиб туради: эркин ривожлантирувчи ф-ятнинг вужудга келиши. Бунда ўйин иштирокчилари роллар, вазифаларни танлаши, ўз ф-ятидан қониқиши назарда тутилади; ижодий муҳитнинг таркиб топиши. Бунда ўйин иштирокчилари тегишли ижодий ва мустақил ф-ятга эга бўлишади; ҳис-ҳаяжонли вазиятнинг пайдо бўлиши (ўйин давомида мусобақа, рақобат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келади); ўйин давомида белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилиниши (ўйин мазмуни, бориши, мантиқий изчиллиги, вақт мувофиқлиги таъминланади).

Ўйин таркибига қуйидагилар киради: а) ўйиннинг сюжети; б) муайян роллар, вазифалар; в) ушбу ролларни амалга ошириш учун бажариладиган амаллар (усуллар); г) аниқ ўйинлар ёки шартли равишдаги ўйин воситаларидан фойдаланиш; д) ўйин иштирокчилари ўртасидаги муносабат, мулоқот.

Ўйинли техн.ни қўллашда ўқитувчи қуйидагиларни амалга ошириши керак: ўйиндан кўзда тутилган мақсадни аниқлаш, лойиҳалаш; ушбу мақсадни амалга ошириш йўлларини белгилаш; олинган натижаларни таҳлил қилиш; ўйин таркибига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Дидактик ўйинли дарсларни ўқувчиларнинг билим олиш ва ўйин ф-ятининг уйғунлигига қараб сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлик ўйинлари, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи аввал ўқувчиларни индивидуал, сўнгра гуруҳли ўйинларга тайёрлаши ва самарадорликка эришилгач, уларни оммавий ўйинларга тайёрлаши лозим. Чунки ўқувчилар дидактик ўйинли дарсларда фаол иштирок этишлари учун зарурий БКМларга эга бўлишлари, синф жамоаси ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

Ўқитувчи дидактик ўйинли дарсларни ўтказишда дидактик ўйинли дарслар дастурда қайд этилган таълимий, т-явий, ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши; ўйинлар муҳим муаммоларга бағишланиши ва улар ўйин давомида ҳал қилиниши; баркамол инсон шахсини т-ялаш принциплари, шарқона одоб-ахлоқ меъёрларига мос келиши; ўйин таркибида мантиқий кетма-кетлик таъминланган бўлиши каби дидактик талабларга амал қилиши лозим.

Мазкур дарсларда дидактик принципларга амал қилиши ва энг кам вақт сарфлаган ҳолда кафолатланган натижага эришиш имконини бериши керак.

ДИДАКТИК ҚОБИЛИЯТ – ўқитувчининг ўқув материали, кўргазмали қуроллар, воситаларни тайёрлаш, ўқув материалини аниқ, ифодали, изчил баён қилиш ҳамда маънавий, ҳиссий

истакларни рағбатлантириш, фаоллаштириш маҳоратини ифодаловчи ту шунча. Д.қ.лар – таълим олувчиларнинг ўқув-билув ф-ятларини бошқаришда, турли вазиятларда кўзланган максаднинг мазмуни, моҳияти, унга эришиш йўллари ва мазкур йўналишдаги вазифаларни ўқув жараёнининг барча субъектларига аниқ, равшан, тушунарли қилиб етказа олиш, уларда мазкур вазифаларни бажаришга масъулият ҳисси ҳамда қизиқиш уйғота олиш, шунингдек, кўйилган мақсадга эришишни таъминлай оладиган қобилиятлардир.

Д.қ.га эга бўлган ўқитувчилар турли вазиятларда шароитдан келиб чиқиб, таълим муассасасида вужудга келадиган муаммоли ҳолатлар ва уларни ҳал қилишга вазиятли ёндашув асосида ф-ят кўрсатади. Ўқитувчилар ўзларининг Д.қ.ларига таянган ҳолда синфдаги ўқувчилар ўқув ф-яти ва руҳиятига самарали таъсир кўрсатади.

ДИДАКТИК ҚОИДАЛАР – ўқитишнинг муайян принциплари доирасида алоҳида жиҳатини очиб берадиган қонун-қоидалар мажмуи. Д.қ. пед. ф-ятни тасвирловчи умумий принципларга хос бўлган муайян вазиятларда аниқ мақсадга эришишга қаратилган қоидалар мажмуидир. Дидактик принципларнинг моҳиятини очишда уларни амалга ошириш учун қулай бўлган қоидалар келтирилади. Кўргазмалилик принципини амалда татбиқ қилувчи қоидалардан бири – унинг турли жиҳатларидан фойдаланишдан иборат. Бироқ уларнинг сони б-н қизиқмаслик талаб қилинади.

Дидактика пед.нинг ўзига хос соҳаси сифатида ўқитиш ва таълим беришнинг илмий асосларини тадқиқ этади. Кенг маънода дидактика таълим назарияси бўлиб, ўқувчиларнинг билимларни мақсадга мувофиқ тарзда тақдим этиш шакллари, усуллари, мет.лари ва техн.ини излаб топиш ва қўллашга йўналтирилади. Д.қ. тизимида асосий ўринни таълим олувчиларга билимларни тақдим этиш учун яратиладиган махсус шарт-шароитлар эгаллайди. Мазкур шарт-шароитлар таълим тизимининг ф-ят кўрсатиш жараёнида амалга оширилади. Унинг таркибий қисмлари оилалар ва узлуксиз таълим муассасаларидир.

Дистервегнинг буюк хизматларидан бири шундаки, у дидактикага ривожлантирувчи таълим назариясини олиб кирди. Бу назария муайян қонун-қоидаларда ўз аксини топган. У пед. назариясига ўзининг умумлаштирувчи дидактик қоидалари б-н алоҳида ҳисса қўшган. Бу қоидалар ўқув материалларининг кўргазмалилиги, қулайлиги, билимларни онгли тарзда ўзлаштириш, таълим жараёнида ўқувчиларининг қизиқувчанлик ва фаолликларини таъминлашга йўналтирилган. Бундай қоидалар сирасига: 1) ўрганиш ва таълим жараёни субъектларига алоқадор бўлган ўқитиш қоидалари; 2) ўқув материали, объектига тааллуқли ўқитиш қоидаларини киритиш мумкин.

ДИЁНАТЛИЛИК (араб. – дин, эътиқод, диний таълимот, ишониш, тўғрилик, инсоф) – маънавий хусусият, гуноҳ қилмаслик, савоб ишларни амалга ошириш, имон-эътиқодли, софдил ва мард бўлиш, қонун-қоидаларга қатъий риоя этиш, тақводорлик, виждонлилик, инсофлилик каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчани ифодаловчи атама. Диёнатли одам ҳаромдан ҳазар қилади, бировнинг зарарига иш қилмайди, ҳамиятли, номусли, ориятли, тўғрисўз, ҳақгўй бўлади. Ватанпарвар-

лик, халқпарварлик, фидойилик каби фазилатлар ҳам «диёнат» тушунчасининг асосий жиҳатларини ифода этади. Шунинг учун ҳам таълим-т-я жараёнида ўқувчиларда Д. сифатларини шакллантириш, аждодларимиз мероси воситасида уларни диёнатли бўлишга ундаш педагогларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

ДИКТАНТ (лот. dicto – айтиб туриб ёздираман) – ўқувчиларга имло ва тиниш белгиларига доир қоидаларни ўргатишда ҳамда бу қоидалар юзасидан ҳосил қилинган БКМларни текшириш мақсадида ташкил этиладиган ёзма иш тури. Маълумки, дидактикада Д.ларнинг таълимий ва назорат турлари мавжуд. Таълимий Д. қандай ўтказилишига қараб огоҳлантириладиган, изоҳли ва тушунтириладиган Д.ларга бўлинади. Огоҳлантириладиган Д.да имло қоидалари ва тиниш белгилари матн ёзишдан олдин, изоҳли Д.да матнни ёзиш жараёнида, тушунтириладиган Д.да нотаниш сўзлар матнни ўқувчилар ёзиб бўлгунларига қадар, имло қоидалари эса матн ёзиб бўлингач тушунтирилади. Таълимий Д.нинг танлаб олинадиган, ижодий, эркин ва сайланма турлари мавжуд. Назорат қилувчи Д.лар ўқувчилар БКМларини текширишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам улар катта таълимий аҳамиятга эга. Мазкур Д.ларни ёзиш жараёнида ўқувчилар ўзлари эгаллаган БКМларини намоён этишади. Назорат қилиш характерига эга бўлган Д.ларда ўқувчиларнинг саводхонлик даражалари текширилади. Шунинг учун ҳам барча турдаги Д.лар алоҳида дидактик аҳамиятга эга.

ДИКЦИЯ (лот. dictio – талаффуз) – сўзларни аниқ, равшан талаффуз этиш, сўзлаш усули. Д. инсон нутқ маданиятининг таркибий қисмини ташкил этади. Д. педагоглар, актёрлар, хонандалар, нотиқлар, суҳандонлар, шоир ва ёзувчилар учун муҳим аҳамиятга эга.

Юқори даражадаги нотиқлик маҳоратини эгаллаш учун Д. муҳим бўлиб, тингловчиларга баён қилинаётган фикрни осон англаш имконини беради ва фикр тиниқлигини таъминлайди. Яхши Д. дудукланиш, манқалик, ҳарфларни қориштириб айтишдан холи бўлади.

ДИЛОЗОРЛИК (форс. – дилга озор, ранж етказувчи, дилни яраловчи) – кўнгилга озор етказиш, дилтанглик келтирувчи хатти-ҳаракат, салбий хусусиятни англатувчи тушунча. Д. қўполлик, жаҳлдорлик оқибатида кишини ранжитувчи сўз ёки хатти-ҳаракат орқали жисмонан ва маънан озор берувчи ахлоқсизлик кўринишидир. Д. – бадхулқлик, муайян ахлоқ меъёрларидан четланиш б-н кишига ноҳушлик етказишдир. Д.нинг одат тусига айланиши инсонни аста-секин ахлоқан тубанлашувига олиб келади. Д.ни ўзига касб қилиб олганларнинг кўнгли зулм етказиш, ўзгаларга салбий муомалада бўлиш орқали ҳузур-ҳаловат топади. Д. сабабли кишиларнинг бир-биридан кўнгли қолади, гина, араз, низо, ҳасад, гаразгўйлик каби салбий ҳолатлар пайдо бўлади.

Оилалар, маҳаллалар, таълим муассасаларидаги салбий ҳолатлар таҳлил этилса, кўпинча уларнинг келиб чиқиши оқибатини ўйламасдан, ҳуда-беҳудага атрофдагиларни ранжитиш, уларга озор беришга бориб тақалади. Диловарлик, ҳалимлик, хушмуомалалик, инсонпарварлик каби ижобий хусусиятлар Д.ка зид бўлиб, ўқувчи ҳамда талабаларга уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ёшликдан бошлаб мунтазам англатиб бориш лозим. Оромбахш сўзлар эса яхши-

лик, осойишталик, бағрикенглик, меҳр-оқибатлиликнинг қалити ҳисобланади. Д. бундай салбий сифатга эга бўлган ҳар бир шахсни яккаланишга, атрофдагиларнинг нафратига дучор бўлишга олиб келади. Д. туфайли одамлар орасидан ҳурмат, файз, хушмуомалалик, оиладан эса барака кўтарилади. Д.ка самарали таълим-т-я, аждодларимиз тажрибасида синалган панд-насиҳатлар, бағрикенглик, вазминлик, кечирувчанлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар орқали барҳам бериш мумкин. Инсон ўз қалби орқали пок ёки нопок бўлиши мумкин. Инсоннинг тили эса унинг поклиги ёки мунофиқлигини намоён этади. Д. инсоний фазилатларнинг кушандаси ҳисобланади. Буни ўз вақтида ёшлар онгига етказа олиш керак.

Инсондаги Д. сифати турли шаклларда намоён бўлиши мумкин (гап-сўзи орқали ранжитиш, жисмонан озор бериш, шахснинг инсоний ҳуқуқларини поймол қилиш, атрофдагиларга паст назар б-н қараш, совуқ муомала қилиш, моддий зарар етказиш ва б.). Д.ни ўз вақтида Низомулмулк «Сияр ул-мулк» («Сиёсатнома») асарида батафсил очиб берган.

Баъзи ҳолларда инсон ўзи хоҳламаган ҳолда Д.ка йўл қўяди. Бундай ҳолларда шахс виждон азобига дучор бўлади. Агар у ўз вақтида бундай хатти-ҳаракатидан пушаймон бўлса, ўз хатосини тузатиши мумкин. Акс ҳолда Д. феълатворига сингиб кетган инсонда ижобий характердаги ахлоқий сифатларни шакллантириш, уни т-ялаш анча мураккаб кечади. Бундай вазиятда педагоглардан катта куч-қувват, сабр-бардош, билим ва маҳорат талаб қилинади. Д. ж-ят аъзоларини бир-биридан йироқлаштириш б-н бир қаторда, уларнинг ижт. фойдали, ўқиш ва ижодий ф-ятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам аждодларимиз Д.ка йўл қўймаслик соҳасида алоҳида тажриба мактабини яратишган. Ҳадиси шарифлар, халқ мақоллари, ҳикмат ва қўшиқларда Д. каттиқ қораланган.

ДИЛШОД ОТИН, Барно, Дилшоди Барно (таҳаллуслари; асл исм-шарифи Дилшод Раҳимқул сўфи қизи) (1800, Ўратепа – 1905/06, Қўқон), – педагог, маърифатпарвар, шоира. Мактабдорлик қилиб хотин-қизларга хат-савод ўргатган. Анбар Отин Д.О.нинг иқтидорли талабаларидан бўлган. Д.О. муаллималик, шоиралик б-н бир қаторда, хотиржамлик ҳам қилган. «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») асарида хотин-қизларни маърифатли, эркин, ж-ятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлишга чорлаган. Шунингдек, асарда Ўратепа ва Қўқонда яшаган 30 дан ортиқ шоир ва шоиралар ижоди ҳақида маълумот келтирилган. Д.О. асарлари қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №1207).

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик ж-яти равнақи йўлида хизмат қилишини англатадиган тушунча. Ҳоз. вақтда бу эзгу ғоя нафақат диндорлар, балки ж-ятнинг барча аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни назарда тутади.

Азалдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динларига эътиқод қилувчилар ёнма-ён яшаб келмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ҳам республикамизнинг барча шаҳарларида масжидлар, черковлар, синагогалар бир хилда ф-ят кўрсатмоқда. Уларда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўз диний эътиқодларини эркин,

виждон амри б-н амалга оширмоқда. Шу боис ҳам энг мураккаб вазиятларда Ўзбекистонда яшовчи халқлар орасида диний зиддиятлар вужудга келмаган. Бу ўзбек халқининг Д.б. борасида улкан тажриба ва аждодлар меросига алоҳида садоқат б-н қарашидан далолатдир. Худди мана шу тажрибани ёш авлод онгига етказишнинг янада самарали усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар ф-ят кўрсатмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўқувчи-ёшларга дунёдаги барча динлар инсонларни эзгулик руҳида т-ялашни тарғиб қилишини тушунтириш, шу оркали уларни бағрикенглик, ҳалоллик, поклик, ўзаро меҳр-муҳаббат, биродарликка даъват этишини англатиш зарур. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, савобли ишларни амалга оширишдан иборатлиги, ҳақиқий диний қарашлар негизини Д.б. ташкил қилишини ҳар бир ёш тушуниб етиши лозим.

ЮНЕСКО ҳам Д.б. масаласига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, 1995 й.ни БМТнинг Бағрикенглик йили деб эълон қилган эди. Худди шу йилнинг 16 нояб.да 185 дав. иштирокида Парижда Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси қабул қилинган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Д.б.ни тарғиб қилиш соҳасида алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ж-ятнинг барча қатламларига татбиқ этилди. Пед. ва таълим жараёнига Д.б. ғояси олиб кирилди, мазкур йўналишда дастлабки и. т. ишлари амалга оширилди. Бу муаммо фал., социологияда кенг кўламда тадқиқ этилган бўлиб, пед.да ҳам дастлабки қадамлар қўйилган.

Республикамизда икки мингдан зиёд диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозияти, Тошкент Ислом ун-ти, Тошкент Ислом ин-ти, 10 мадраса ва 2003 масжид, Рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Православ семинарияси, Рим католик черкови, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, тўлиқ Инжил христианлар маркази, Христиан семинарияси, Ўзбекистон Библия ж-яти, 162 христиан черкови, 8 яҳудий ва 8 баҳрий жамоаси, Кришнани англаш ж-яти, буддист ибодатхонаси дав. рўйхатидан ўтган.

ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ – илоҳий ва дунёвий тушунча ва тасаввурлар муштараклигини ифода этувчи маърифий караш. Д.д.нинг ўзига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижт. ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан эмас, балки табиатдан ташқарида Аллоҳнинг қудратига боғлаб ҳамма нарса ва ҳар ерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўъжизавий кучи бор деб тушунтиради.

Таълим-т-я жараёнининг муҳим вазифаларидан бири – ўқувчи ҳамда талабаларга эзгуликни тарғиб қилишга асосланган дунёкарашни сингдиришдан иборат. Инсон ва маънавият, одам ва олам, макон ва замон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш Исломий дунёкарашда турли эътикодлар, хилма-хил қараш ва муносабатларни уйғунлаштириш ғоялари, унга кўра

ж-ятни барқарорлаштириш масаласи инсоннинг маънавий-руҳий етуклиги ва баркамоллиги б-н боғлиқ ҳолда талқин этилади. Таълим-т-я жараёнида ёшларда шакллантириладиган диний-маърифий дунёқараш ж-ят тараққиётининг муҳим омилидир.

ДИНИЙ МАРОСИМЛАР – ж-ят аъзоларининг диний таълимотлар, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний ф-ят ва хатти-ҳаракатларини ифодаловчи тушунча. Д.м. диний эътиқод, ибодатнинг амалдаги кўринишидир. Д.м. барча динниинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Улар диний тасаввур ва сиғинишлар орқали вужудга келган. Қадимда одамлар ғайритабиий кучларга турли маросимлар орқали ижобий ёки салбий таъсир этиш мумкин, деб ҳисоблашган. Д.м.ни бажаришда коҳинлар, кейинчалик руҳонийлар бошчилик қилишган. Улар ўз маросимларини аста-секин муайян диннинг талаби, хусусияти, ақидаси ва эҳтиёжига мослашган. Ислом динида ақиқа, амри маъруф, хатна, рўза тутиш ва рамазон ҳайити, қурбонлик қилиш ва қурбон ҳайити, намоз, ҳаж, жаноза, суннат, никоҳ, дафн ва б. маросимлар бор. Болаларга ёшликдан бошлаб худди мана шу маросимларнинг асл моҳиятини англатиш, уларни амалга оширишда турли бидъат ва дабдабабозликларга йўл қўймасликнинг зарурлигини тушунтириш ота-оналар, педагоглар ҳамда ҳар бир фуқаронинг инсоний ва миллий бурчи ҳисобланади.

Ўзбекистонда Д.м.нинг эркин ўтказилиши Конституция б-н таъминланганлигини ўқувчи ҳамда талаба ёшлар онгига етказиш муҳим т-явий аҳамиятга эга. Аммо бунда қонунлар, жамоат тартиби бузилмаслиги ва фуқароларнинг ҳуқуқига дахл қилинмаслиги талаб этилади. Д.м.да қатнашиш фуқароларнинг шахсий иши эканлиги ва ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармаслигини ҳам ҳар бир инсон яхши билиши лозим. Д.м. ибодатхоналар, диний ташкилот муассасалари, зиёратгоҳлар, қабристонлар, фуқароларнинг уйларида ўтказилади. Белгиланган жойдан ташқарида Д.м. ёки оммавий ибодатлар ўтказиладиган ҳолатларда бу ҳақда маҳаллий ҳокимият огоҳлантириб қўйилиши ва бундай тадбирлар қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши зарурлигини фуқароларга мунтазам тушунтириб бориш лозим.

ДИНИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ – руҳонийлар тайёрловчи мактаблар. Д.ў.ю. диний маросим ва одатлар хилма-хил тусга кириб кўпайиб кетгач, уларни билиб олишга эҳтиёж туғилганлиги муносабати б-н пайдо бўлган. Дастлабки Д.ў.ю. мил. ав. 2-мингй.ликда қад. Миср ва Бобил ибодатхоналарида коҳинлар тайёрлаш учун очилган. Мил. ав. 1-минг й.ликнинг ўрталарида Ҳиндистон ва Марказий Осиё қулдорлик дав.ларида будда монастирларида пайдо бўлган. Ҳиндистонда монастирлар б-н бир қаторда браҳман мактаблари ташкил топган. Христианлик пайдо бўлгач, Искандарияда биринчи католик мактаби (2-а. охири). Қуддус, Рим ва Рим империясининг шаҳарларида епископ мактаблари, экзегетлар («Қадимги аҳд» ва «Янги аҳд» китобларини шарҳловчи) мактаблари каби диний-ўқув муассасалари вужудга кела бошлаган. Ун-тлар вужудга келиши (11–12-а.лар) б-н уларда илоҳиёт ф-тлари очилган. Кейинроқ махсус диний ун-тлар, академиялар, семинариялар, коллеж ва коллегиумлар пайдо бўлган.

Ислом динида мадрасалар илк Д.ўю. ҳисобланиб, улар диний ва тарихий асарларда 9-а.дан тилга олина бошланган. Уларда кўп асрлар мобайнида илоҳиёт, тил ва шариат дарслари б-н бир қаторда фал., амалий фанлар ҳам ўқитилган. Кейинчалик мадрасаларда, асосан диний, таълим берилган. Фақат айрим мусулмон дорилфунунларида таълим диний ҳамда дунёвий шаклларда амалга оширилган.

Жаҳондаги кўп мамлакатларда олий, ўрта ва бошлангич маълумот берувчи кўплаб Д.ўю. мавжуд. Ислом мамлакатларида мадрасалар асосий Д.ўю. ҳисобланади. Миср Араб Республикасида ал-Азҳар, Тунисда Зайтун, Ҳиндистонда Алигарх, Покистонда Панжоб, Туркияда Анкара диний ун-тлари мавжуд. Ўзбекистонда ҳам бир қатор диний таълим муассасалари ф-ят кўрсатмоқда (Имом ал-Бухорий номидаги Ислом ин-ти, Ислом ун-ти, Хадичаи Кубро, Тошкент; Мир Араб мадрасаси, Жўйбори Калон аёл-қизлар ислом ўрта махсус билим юртлари, Бухоро; Мулла Қирғиз, Наманган; Фахриддин ар-Розий, Урганч; Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Нукус; Саид Муҳиддин Маҳдум ислом ўрта махсус билим юртлари, Андижон ва б.). Диний мутахассисларнинг малакасини мунтазам ошириш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент ислом ун-ти б-н ҳамкорликда махсус курслар ташкил килган.

Ўзбекистонда дин дав.дан ажратилганлиги учун ҳам диний характердаги таълим муассасалари дав. халқ таълими тизимига кирмайди.

ДИПЛОМ (фр. diplome, юн. diploma – икки буклаган) – 1) шахснинг ўрта махсус ёки ОТМни тугатганлиги ёхуд илмий даражага эга эканлигини тасдикловчи расмий ҳужжат; 2) муассаса, ташкилот ёки айрим шахсларга муайян ҳаракатни амалга ошириш ҳуқукини берадиган ҳужжат; 3) турли танлов, фестивал, мусобақа, кўргазма ва б. тадбирларда юқори кўрсаттичларга эришганлик учун мукофотланганлигини тасдикловчи ҳужжат.

ДИПЛОМ ИШИ – Ўзбекистон Республикасида КҲКлари ёки ОТМларини битирувчиларининг ўқув тадқиқот характеридаги якунловчи иши. Д.и.да ўқувчи ёки талаба ўзи танлаган мутахассислигидан КҲК ёки ОЎЮда муайян каф. томонидан тасдикланган мавзуни мустакил тадқик этади. Д.и.га илмий раҳбар, лозим бўлган тақдирда илмий маслаҳатчи тайинланади. Шу асосда таълим олувчиларнинг мустакил ишлашга қай даражада тайёрлиги, назарий билимлари ва амалий малакаларига баҳо берилади. Санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг битирувчилари спектакллар, бадиий ҳужжатли кинофильмларда рол (режиссёр, актёр)лар ҳамда телевизион материал (кино ва телетасвирчи)лар, рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, кино ва видеофильм, театр декорацияси, бадиий лойиҳалаштириш асарлари (рассом, ҳайкалтарош ва дизайнерлар) яратиш асосида диплом ишини ҳимоя килишади. Олий техника ўқув юртларининг айрим мутахассисликларида диплом лойиҳаси ўрнига назарий-экспериментал характерга эга бўлган Д.и. ҳимоя қилинади. Д.и. ОЎЮларида дав. имтиҳон комиссияси йиғилишларида ҳимояланади. Д.и.ни ҳимоя килган ва ижт.-сиёсий фанларнинг биридан дав. имтиҳони топширган битирувчиларга муайян ихтисосликни

эгаллаганликлари ҳақида диплом берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997)га мувофик 2000–01-ўқув й.идан олий таълим тизимида Д. и. ва диплом лойиҳаси ўрнига бакалаврлар учун битирув малакавий иш, магистрлар учун илмий ёки илмий-техникавий мазмундаги магистрлик дисс.сини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилган.

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ – ўрта махсус, ОТМларини битирувчиларининг якунловчи мустақил иши. Д.л. назарий-экспериментал тадқиқот, чизма ҳамда унинг ҳисоблаш-тушунтириш қисми ва б.дан иборат бўлади. Д.л. мавзуси муҳандис (техник) ишлаб чиқаришда дуч келадиган асосий масалаларни ўз ичига олади. Унда ўқувчи-талабаларнинг ўқиш даврида олган назарий билим ва амалий кўникмалари намоён бўлади. Д.л. олий ўқув юртларида дав. имтиҳон комиссияси, КҲКларида дав. ихтисослик комиссияси йиғилишларида ҳимоя қилинади. Д.л. ҳимояси мавзунинг илмий-назарий ёки амалий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда муайян корхона ва муассасаларда ҳам ташкил этилиши мумкин. Айрим ихтисосликлар (асосан техн.)да Д.л. ОЎЮларининг каф.ларининг қарори асосида диплом иши б-н алмаштирилиши мумкин.

ДИСКУРСИВ (лот. diskursus – мулоҳаза) – ҳиссий, бевосита интуитив билимдан фаркли тарзда муҳокама б-н ҳосил қилинадиган мантиқий далил-исботли билим; ўқувчиларда ўқиш лаёқатлари сақланган ҳолда матнларни ўқиш кўникмаларининг бузилганлигини ифодаловчи атама. Ҳақиқатларнинг бевосита (интуитив) ва билвосита (далил-исбот асосида қабул қилинадиган) ҳақиқатларга бўлиниши Платон ва Аристотель асарларида ўз ифодасини топган. Мазкур атама Фома Аквинский асарларида ҳам келтирилган.

Д. – Рудольф Берлин томонидан 1887 й.да илмий муомалага киритилган. Бугунги кунда Д.нинг турли аниқловчилари мавжуд. Улардан бири – халқаро Д. ташкилоти томонидан таклиф қилинган.

Д. ўқишнинг ўзига хос бузилиши бўлиб, у неврологик табиатга эга. Унинг характерли жиҳати сўзни тез ва тўғри танимаслик, фаркламаслик б-н изоҳланади. Натижада тўғри ёзиш, имло кўникмаларига путур етади. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларда товушларни англаш кўникмасининг барча қисмлари тўлақонли тарзда шаклланмаганлигидан далолат беради. Ўқувчиларда бошқа когнитив лаёқатларнинг сақланганлиги, ўқиш учун зарур шароитларнинг мавжудлигига қарамасдан уларда Д. ҳолати кузатилади. Бунинг натижасида матнни тушунишнинг бузилиши ҳам вужудга келади. Сўз захирасининг камлиги ва ўқиш тажрибаларининг етишмаслиги содир бўлади. Мутахассислар Д.ни аниклашда иккиёқлама ёндашув тажрибасига эга: 1) пед. бундай ёндашув асосида логопедияга оид қўлланмаларда Д.га аниқликлар киритилади ва тавсиялар берилади. Д. ўқиш кўникмаларининг қисман бузилиши бўлиб, олий асаб тизими ф-яти функцияларининг етарлича шаклланмаганлиги б-н изоҳланади; 2) клиник-психологик. Мазкур илмий ёндашувга мувофиқ келадиган аниқловчилар ўқишнинг ўзига хос тарзда бузилиши, шунингдек, Д. ҳолати, унинг асосий кўриниши ўқиш кўникмаларини эгаллашга лаёқатсизликдан иборат. Гарчанд ўқувчининг интеллектуал ривожланиши етарли даражада бўлсада, эшитиш ва кўриш анализаторларидаги бузилишлар ва таълимнинг қулай шаклларининг мавжуд

эмаслиги туфайли Д. ҳодисаси вужудга келади. Бунда кўзга ташланадиган асосий ҳолат сўзларнинг бирикишини тушунмаслик ва яхлит сўзларни ўқиш малакаларининг мавжуд эмаслиги б-н белгиланади. Натижада ўқувчилар сўз маъноларини тўлиқ англаб етишмайди. Асабийлашиш натижасида ўқувчиларда мияга оид жараёнларнинг бузилиши вужудга келиб, ўқиш кўникмалари устқурмасига зиён етади.

Мутахассислар Д. б-н ўқиш кўникмаларидаги қийинчиликлар орасидаги фаркни аниқлашга ҳаракат қилишган. Бу қийинчиликлар бошқа бир қатор сабаблар б-н ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (мас., ақлий заифлик, кўриш ва тинглашдаги етишмовчиликлар). Бундай ҳолатларни ўқиш кўникмалари бузилишининг иккинчи даражаси сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Д. улардан бузилишнинг барқарорлиги, танлаш хусусиятига эгалиги б-н фарқланади.

Д. атамаси ўқиш ва ёзишнинг турли қисмларида қийинчиликка учрайдиган ўқувчилар гуруҳини англатади. Бироқ мутахассисларнинг гувоҳлик беришича Д. нафақат ўқишнинг бузилиши, балки ёзишнинг ҳам бузилишини англатади. Логопедияда ёзишнинг бузилиши мустақил тарзда номланади ҳамда дисграфия ва дисорфография деб аталади. Д. инсоннинг нейробиологик ўзига хослиги бўлиб, у руҳий касаллик ҳисобланмайди. Бошқа кўплаб ф-ят соҳаларида бола фавқулотда лаёқатга эга бўлиши мумкин. Д.нинг асосий аломатлари секин ўқиш, ҳарфлаб ўқиш, бўғинлаб ўқиш, хатоларга йўл қўйиб ўқиш, қориларча ўқиш кабиларда намоён бўлади. Ўқувчиларнинг ўқилган матнларни тушуниш даражасидаги бузилишлар турлича кўринишга эга. Мазкур атамани Рудольф Берлин ўқиш ва ёзишда қийинчиликка учраган ўқувчига нисбатан қўллаган. Ушбу бола ўз ф-ятининг бошқа барча кўринишларида ўзининг интеллектуал ва жисмоний лаёқатларини намоён эта олган.

ДИСКУССИЯ (лот. discussio – кўриб чиқиш, тадқиқ этиш) – бирор масалани тўғри ҳал қилиш учун матбуот, илмий йиғинлар ёки дарс жараёнида ўтказиладиган эркин, оммавий муҳокама, мунозара. Д. – баҳс-мунозаранинг шундай турики, унинг доирасида муайян муаммо кўриб чиқилади, тадқиқ этилади, муҳокама қилинади. Бу жараёндан кўзланадиган асосий мақсад ўзаро келишувга асосланган ва барча учун аҳамиятли бўлган ечимга келишдан иборат. Д. жараёни иштирокчилари муҳокама қилинаётган масала ҳақида зарур билим ва тушунчаларга эга бўлишлари лозим. Улар ечимларни қабул қилиш ёки муайян ечимлар ҳақида тавсиялар бериш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Д. жараёнида иштирокчилар муайян кетма-кетликка амал қилган ҳолда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрларини баён этиш имкониятига эга бўлади. Бу орқали эса муҳокама учун зарур бўлган алоқадорликни таъминлашга эришилади. Аксарият ҳолларда Д. мавзуси у бошлангунга қадар ўқитувчи томонидан шакллантирилади. Бу эса иштирокчи таълим олувчиларга муҳокама учун асосли тарзда тайёрланиш имконини беради.

Баҳснинг бошқа турлари, айниқса, полемикадан фарқли тарзда Д. ўзининг мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда фойдаланиладиган воситалари б-н ажралиб туради. Ҳар қандай Д.нинг асосий мақсади – иштирокчиларнинг муҳокама қилинадиган масала бўйича имкон қадар келишувга эришишларини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам Д. ўзида

маълум даражада муросага келиш имкониятини мужассамлаштиради. Чунки Д., асосан, изланиш, табиийликни тасдиклаш ҳамда мақбул ечимни топишга йўналтирилган. Шунга кўра, мақбул ечимлар ўзаро алоқадор бўлган фикрларни мужассамлаштириш имконини беради. Д. жараёнида қўлланиладиган воситалар барча иштирокчилар томонидан тан олиниши керак. Д.да бошқа воситаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Д.нинг якуни баён қилинган нуқтаи назарлар мажмуидан иборат эмас. У муҳокама қилинаётган нарса ёки ҳодисанинг зарур жиҳатларини уйғунлаштира олиши лозим. Д.нинг натижаси кўп ёки кам даражада ҳукмларда ўз ифодасини топиши керак. Бу натижани Д. иштирокчиларининг аксарият қисми қўллаб-қувватлаши зарур. Шу маънода Д.да муаммонинг ечими аниқ шаклга эга бўлади. Бу жараёнда алоҳида ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳининг фикри бошқалар томонидан маъқулланади ва асосли тарзда объектив моҳият касб этади.

ДИСПУТ (лот. disputare – баҳс, мунозара қилмоқ) – 1) ўқувчи ёки талабалар ўртасида ўтказиладиган илмий мунозара; 2) илмий даража олиш учун ёзилган ишни ўз ҳамкасблари, маслакдошлари ўртасида очиқ муҳокама қилиш жараёни.

Д. жараёнида бошловчи мавзуни эълон қилиб, иштирокчиларга (баъзан олдиндан тайёрланган кишига) сўз беради. Д. йўналишини, одатда, ўқитувчи белгилайди, лекин кўп ҳолларда у муҳокама жараёнида вужудга келади. Д. ҳиссий характерга эга.

ДИССЕРТАНТ – илмий даража олиш учун и.т. ишини очиқ ҳимоя қилувчи шахс.

ДИССЕРТАЦИЯ (лот. dissertatio – тадқиқот, мулоҳаза) – илмий даража олиш учун тақдим этилган ва жамоатчилик олдида якка тартибда ҳимоя қилинадиган илмий асар. Д.ни ҳимоя қилиш дастлаб ўрта асрларда немис тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг ун-тларида пайдо бўлган. 16–17-а.ларда бу тажриба бошқа мамлакатларга ҳам таркала бошлаган. Ўзбекистонда 1934 й.дан фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини олиш учун Д. ҳимоя қилиш жорий этилган. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинадиган Д. янги илмий-амалий хулоса ва тавсияларни ўз ичига олиши, унинг муаллифи танланган мутахассислик бўйича чуқур илмий-назарий билимга эга эканлигини кўрсатиб бериши лозим эди. Фан доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинадиган Д. фан ва техниканинг муайян соҳасидаги катта илмий-назарий муаммони ҳал қилиши, фан ва амалиётнинг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилиши лозим. Номзодлик ва докторлик Д.лари ОЎЮ ёки и. т. ин-тларида ташкил этилган ихтисослаштирилган илмий кенгашларда ҳимоя қилинган. Ҳимояга тақдим этилган Д.нинг асосий мазмуни алоҳида китоб тарзида монографиялар сифатида ҳамда махсус белгиланган жур.лар, илмий тўплам ва б. нашрларда эълон қилиниши лозим. Уларнинг сони ва ҳажми ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК томонидан белгиланади. Шунингдек, муҳим ихтиро ва кашфиётлар, айрим шахс ёки жамоа томонидан янги машина, бошқариш тизими, турли асбоблар, қурилма ва техн. жараёнлар яратишдаги тугалланган ишлар, бир муаллиф томонидан тайёрланган мустақил илмий ёки илмий-мет. асар даражасида бўлган оригинал дарсликлар ҳам илмий маъруза шаклида Д. ўрнида ҳимояга тақдим этилиши мумкин. Д.

ҳимоясидан бир ой олдин унинг асосий мазмуни ва хулосалари ёзилган, Д. материаллари асосида нашр қилинган илмий ишлар кайд этилган автореферат эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасида 2012 й. 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ 4456-сонли фармони асосида илмий даражалар беришнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Унга кўра, илмий изланишнинг натижаси докторлик дисс.си сифатида ҳимояга тақдим этилади.

Докторлик Д.сини ҳимоя қилган шахсларга дав. томонидан тасдикланган намунадаги диплом берилади. Д.лар ҳимоя қилинган илмий муассаса кутубхонаси ва ОАК томонидан белгиланган кутубхоналарда сақланади, ЗИЁНЕТ порталида жойлаштирилади. Ўзбекистон Республикасида 2000–01-ўкув й.идан олий таълим тизимида магистрлар учун илмий ёки илмий-техникавий мазмундаги магистрлик Д.сини ҳимоя қилиш тизими ҳам жорий этилган.

ДИССИМИЛЯЦИЯ (лот. dissimilatio – ўхшамаслик, ўхшашликнинг йўқолиши) – нутқий ҳодиса. Муайян сўздаги бир-бирига ўхшаган ёки қисман ўхшаш товушлардан бирининг ҳосил бўлиш ўрни, усулига кўра фарқланувчи бошқа товушга ўхшашини ифодалайди. Д. ассимиляцияга қарама-қарши фонетик ҳодиса бўлиб, у ассимиляция даражасида кенг тарқалган эмас, чунки кўп ҳолларда унда сонор (шовқин б-н айтиладиган) товушларга эга бўлган сўзларгина Д.га учрайди. Д. ўзбек адабий тилига нисбатан шеваларда кўпрок учрайди. Ўқитувчилар Д. ҳодисасини билишлари, унинг икки турини ўзаро фарқлай олишлари ва ўқувчиларга тушунтиришлари лозим: а) контакт Д. (мас., трамвай – транвай); б) дистакт Д. (мас., зарар – зарал, автобус – аптобус).

ДИСТЕРВЕГ Фридрих Вильгельм Адольф (1790.29.10, Зиген, Вестфалия, – 1866.7.7, Берлин) – немис демократ педагоги. У ўрта мактабни тугатиб Герборн ун-тига (1808) ўқишга кирган ва мат., фал. ва тарихни ўрганган. Ўқишни Тюбинген ун-тида давом эттириб, уни 1811 й.да тамомлаган. У «Немис муаллимларининг муаллими» деган фахрий унвонга сазовор бўлган.

Д. умумтаълим мактабларида физика ҳамда мат.дан дарс берган (1812–20). Мёрс (1820–32) да ҳамда Берлин (1832–47) да ўқитувчилар семинариясининг директори бўлган. У ўз ф-яти давомида немис ўқитувчиларини бирлаштиришга ҳаракат қилган. Берлинда 4 та ўқитувчилар ж-ятини ташкил этган (1831–41). «Немис ўқитувчилари иттифоқи»нинг раиси лавозимига сайланган (1848). Д. «Rheinische Blätter für Erziehung und Unterricht» (1827–66) номли пед. жур.ни нашр эттирган. Йиллик «Pädagogisches Jahrbuch» (1851–66) тўпламини жорий қилган.

Д. таълим соҳасидаги табақалаштириш ва чеклашларга қарши чиққан. Диний таълим ҳамда черковнинг мактаб устидан назорат қилишини ҳам ёқламаган. У ёшларни диний тоқатсизлик руҳида т-ялашга қарши турган. 1848 й.да Германияда амалга оширилган инқилобдан кейин у ўзининг эркин ўйлари туфайли лавозимидан бўшатилган. Бирок у ўзининг илмий-ижодий ф-ятини давом эттирган.

Д. – кўплаб дарсликлар ва қўлланмаларнинг муаллифи бўлиб, улар мат., немис тили, табиатшунослик, геогр.,

астрономия йўналишларидаги таълим жараёнида кенг қўлланилган. «Немис ўқитувчиларининг таълимига раҳбарлик» (1835) асари машҳур. Асарларида Песталоццининг қарашларини ривожлантирган ҳамда уни немис ўқитувчилари орасида оммалаштирган. Д. таълим-т-ининг асосий принципи сифатида табиатни ва маданиятни англаш, мустақил ф-ят кўрсатишни асослаган.

Д. ривожлантирувчи таълим назариясини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган. У ривожлантирувчи таълимнинг асосий талабларини 33 қонун сифатида шакллантирган. Д. кўргазмали ўқитишга бағишланган бир қатор талабларни ҳам илгари сурган. У бир турдаги ўқув предметлари орасида алоқа ўрнатиш, ўқитишнинг тизимлилиги, изчиллиги, ўзлаштирилган билимларнинг мустаҳкамлиги, ўқитишнинг т-яловчилик характери кабиларни асослашга муваффақ бўлган.

Д.нинг пед. ғоялари, дарсликлари ўз вақтида Германияда халқ таълимининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. 19-а.нинг 60-й.ларидаёқ илғор педагоглар П. Г. Редкин, Н. Ф. Бунаков, Н. А. Корф ва И. И. Паульсон Д. таълимотига юқори баҳо берган. Д.нинг таъбирича, таълим-т-ининг энг олий мақсади – ёшларни табиийлик ва эзгулик учун мустақил ф-ят кўрсатишга ўргатишдан иборат. Ўқувчиларни ақлий ривожлантиришга йўналтирилган таълим – уларнинг ақлий қувватлари ва лаёқатларини ривожлантириш имконини беради. Германияда ўқитувчилар учун Д. номидаги медаль таъсис этилган.

ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ (фр. differentiation, лот. differentia – айирма, фарқ; фарқланиш) – бир бутун нарсанинг турли хил қисмлар, шакллар, турлар, босқичларга ажралиши, бўлиниши, табақаланиши; бутуннинг қисмларини ўзаро фарқлаш, ажратиш, табақалашни англатувчи атама.

Д. функционал ҳамда таркибли характерга эга. Функционал Д. доирасида ривожланаётган тизим элементлари бажараётган вазифаларнинг доираси кенгаяди. Жумладан, Д.лаштирилган ўқув жараёнининг функциялари ҳудди шундай кенгайиш характерига эга. Таркибли Д. доирасида эса тизим таркибида микротизимлар ажратилади. Чунончи, ўқув жараёни доирасида ўқув вазиятлари вужудга келтирилади. Мазкур тизимлар муайян ўқув вазифаларини бажаради. Д. атамаси фаннинг барча соҳаларида кенг тарқалган. Уни илмий жиҳатдан асослаш Спенсердан бошланган. Бугунги кунда ҳам таълимни Д. ва интеграция принциплари асосида ўқитиш мутахассисларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Бунда ўқув жараёнининг оддийдан мураккабга қараб ривожланиб бориши принципига таянилади. Ривожланиш жараёнларини пед. таҳлил қилишда Д. ва интеграция механизмлари ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда қўлланилиши лозим. Д. натижасида ажратилган қисмларнинг тўла мустақиллиги таъминланиши б-н бир қаторда, интеграциялаш ҳисобига дидактик ҳодисалар орасидаги янгича алоқалар вужудга келади.

Янгича ёндашувга асосланган ҳолда Д.га асосланган таълимни жорий этишда ички ҳамда ташқи омиллар ҳисобга олинади. Ўзбекистонда 2006 й.да илк бор Д.лаштирилган (табақалаштирилган) таълим концепцияси ишлаб чиқилган. Мазкур концепцияда Д.лаштирилган таълимнинг методологик асослари ва уларни ташкил этиш йўллари кўрсатиб

берилган. Шунингдек, муайян ўқув предметлари бўйича Д.га асосланган таълим мазмунини танлаш ва ўқув режаси таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги назарий хулосалар илгари сурилган.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва Д.лаштириш ўта мураккаб ижт.-пед. ҳодисадир. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва Д.лаштириш ҳодисалари орасидаги алоқадорликни ҳам назарий жиҳатдан асослаш лозим. Д.га асосланган таълимни жорий этишда ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур. Бироқ аксарият ҳолларда ўқувчилар гуруҳининг ўзига хос жиҳатларигина ҳисобга олинган.

Д.лаштириш индивидуаллаштиришнинг турли кўринишларида намоён бўлишидир. Д.га асосланган таълим жараёнида ўқувчилар у ёки бу жиҳатларига кўра гуруҳланган ҳолда таълим олишади. Ўқув жараёнини дифференциялаштиришни турлича нуқтаи назардан ёндашган ҳолда талқин этиш лозим: ўқув жараёнини Д. асосида ташкил этиш, таълим мазмунини Д.лаштириш.

Мутахассислар ҳар доим Д. ҳодисасига унинг бир томонини ҳисобга олган ҳолда ёндашишган. Ўқув жараёнини Д. асосида ташкил этиш ўқувчиларни муайян ўзига хос жиҳатларига кўра алоҳида ўқитиш имконини берувчи гуруҳларга ажратиш демакдир.

Ўқув жараёнини Д.лаштириш индивидуаллаштиришнинг махсус тайёрланган шаклидир. Мазкур йўналишдаги пед. ёндашувлар ва амалий тажрибаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришда ўқитишнинг жамоавий шаклидан кўра, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштириш кўп жиҳатдан самаралидир. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва Д.лаштириш бўйича хорижий педагогларнинг назарий ёндашувлари алоҳида аҳамиятга молик. Жумладан, АҚШ таълим тизимида қўлланиладиган барча пед. шакл ва метлар ўқув жараёнига ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда татбиқ этилади. Англия мактабларида ўқув жараёни Д.лаштириш тамойили асосида ташкил этилган. Ўқувчилар БТ босқичини ўтагандан кейин уч хил йўналишдаги мактабларга бўлинади. Улар: грамматик йўналишдаги мактаблар, замонавий ўрта мактаблар ва техника соҳасидаги ўрта мактаблардир. Бу мактабларнинг ҳар бирига ўқувчилар ақлий қобилиятлари ва умумий ривожланиш даражаларига кўра тақсимланади.

Бугунги кунга келиб Д.лаштириш шакллари тубдан ўзгармоқда. Ўқув жараёнини Д.лаштириш ўқувчиларнинг ақлий қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Д. асосланган таълимнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан унинг индивидуаллаштирилган таълим б-н қай даражада боғланганлиги б-н белгиланади. Бунда ўқув жараёнига босқичма-босқич режалар ва ўқув дастурлари татбиқ этилади. Иқтидорли ўқувчилар учун алоҳида индивидуал ўқув машғулотлари йўлга қўйилади. Бундай ўқув машғулотларнинг мавзулари ўқув дастурларида акс этган бўлиши лозим.

Ўқув жараёнини Д.лаштиришга оид ёндашувларда ўқувчининг ўзига хослиги ҳисобга олинади. Уларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва тажрибалари ифодаланади. Уларнинг БКМлари, одатлари, ҳиссий-баҳоловчи муносабат тажрибаси ҳамда турли-туман

ф-ятлари бунга мисол бўла олади. Ўқувчининг бундай ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бир қадар осон кечади ва ноанъанавий ўқув жараёнининг имкониятларини кенгайтиради, ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётини таъминлайди. Шу тарика ўқувчиларнинг муҳим шаклланиш ҳамда ўзаро яқин бўлган ривожланиш чегаралари аниқланади.

Ўқув жараёнини Д. асосида ташкил этиш қуйидагиларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Длаштирилган таълим – бу ўқув жараёнини ташкил этишнинг шундай шаклики, унда ўқитувчи ўқувчилар гуруҳи б-н уларда мавжуд бўлган ва ўқув жараёни учун муҳим аҳамият касб этган сифатларига кўра белгиланган таълим мазмуни асосида ишлайди; умумдидактик тизимнинг муайян қисми ўқувчиларнинг танлаб олинган турли гуруҳлари учун ўқув жараёнининг ихтисослаштирилишини таъминлайди; Длаштириш ўқув жараёнини индивидуаллаштиришнинг алоҳида ўзига хос шаклидир.

Роҳат Сафарова

ДИҚҚАТ (араб. – аниқлик, синчковлик, позиклик) – инсон ф-ятининг бирор объект ёки ҳодисага жалб қилинишини англатувчи атама. У ҳар қандай онгли ф-ят самарадорлигининг зарур шартидир. Бош мия пўстлоғининг муайян қисмларидаги оптимал қўзғалиш манбалари Д.нинг физиологик асосини ташкил қилади. Д. икки турга бўлинади: ихтиёрсиз (суст) ва ихтиёрий (фаол) Д. Ихтиёрсиз Д. бирор ташқи сабаб таъсирида киши хоҳишидан қатъи назар ҳосил бўлади. Бундай Д. одамдан иродавий кучни талаб қилмайди. Д.ни жалб қилиш учун қўзғатувчининг кучи катта аҳамиятга эга. Мас., нарсанинг чиройлилиги, ёркинлиги, ўткир ҳидлилиги ва б. хусусиятлари инсон Д.ини беихтиёр ўзига тортади. Ихтиёрий Д.да психик ф-ят олдиндан белгиланган мақсад б-н муайян нарсага онгли равишда жалб этилади. Д.нинг ушбу тури инсондан ирода кучини талаб қилади; шунинг учун бундай Д. иродавий Д. деб ҳам аталади. Инсоннинг барча онгли ҳаракатлари, шу жумладан, ўқув-билув ф-яти ҳам ихтиёрий диққат воситасида амалга оширилади.

Инсон Д.и барқарорлик, кўчувчанлик, бўлинувчилик каби хусусиятларга эга. Д.нинг барқарорлиги унинг ягона, умумий (мас., китоб ўқиш, масала ечиш ва б.) ишга хизмат қилувчи нарса ёки ҳодисага узоқ муддат жалб бўла олишидан иборат. Бунда ҳаракат объектлари (мас., китоб матни, масалада берилган сонлар ва б.) ҳамда ҳаракатнинг ўзи (мас., масалани ечиш йўллари) ўзгариб туриши мумкин, лекин ф-ятнинг умумий йўналиши ўзгармай сақланиши лозим. Кўчувчан Д. бир ф-ят ёки нарсадан бошқа ф-ят ёки нарсага тез жалб бўлади. Бу хусусият Д.нинг аввалги нарсага қай даражада қаратилганлиги ва янги ф-ятнинг хусусияти (унинг Д.ни қанчалик қарата олиши)га боғлиқ. Д.нинг бўлинувчанлик хусусияти бир вақтнинг ўзида 2 ёки ундан ортиқ иш-ҳаракатни бажаришда акс этиб, аксарият касб эгалари (мас., ўқитувчи, ҳайдовчи, учувчи) учун катта аҳамиятга эга. Бу хусусият бир ф-ятни бажариш автоматлашиб, иккинчи ф-ят кўникмаси ҳосил бўлгандан кейин таркиб топади.

Д. кўлами унинг энг қисқа вақт ичида ўз доирасига сиғдира олиши мумкин бўлган нарсалар миқдори б-н белгиланади. Шу жиҳатига кўра, Д. кенг ёки тор кўламли бўлиши мумкин. Одатда,

кенг кўламли Д. яхши Д. ҳисобланади. Д. кўлами идрок қилинаётган нарсалар ҳамда уларга Д.и жалб қилинаётган шахснинг вазифаси ва хусусиятига боғлиқ.

Д.нинг акси паришонхотирликдир. Бунда одам Д.ини бирор нарсага тўплай олмай, ҳамма вақт бошқа нарсаларга чалғийверади. Бундай ҳолат киши қаттиқ чарчаганда, унинг учун аҳамиятсиз жуда кўп қўзғатувчилар мавжуд бўлганда ёки, аксинча, битта ҳам қўзғатувчининг одам учун аҳамияти бўлмаганда рўй беради. Машқлар ёрдамида паришонхотирликка барҳам бериш мумкин. Инсон Д.и б-н боғлиқ бўлган бундай хусусиятларни ўқитувчилар яхши билишлари ва ўз ф-ятлари давомида бунга амал қилишлари керак.

Д.нинг турлари ва хусусиятлари инсоннинг ёшлик давридан бошлаб ривожланади ва ҳаёти давомида ўзгариб, мураккаблашиб боради. Д. ақлий жараёнларнинг сифатини таъминлайдиган ички фаолликдир. Д. боладаги ўйин, ўқиш ф-ятининг ҳам зарурий шартидир. Ўқувчиларнинг дарс материалларини муваффақият б-н ўзлаштиришлари уларда Д.нинг таркиб топганлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ва ота-оналар ўқувчилари ва фарзандларининг Д.ини барқарорлаштириш устида мунтазам ишлашлари лозим.

ДИҚҚАТНИ ЖАМЛАШ – боланинг эътиборини муайян буюм, ҳодиса ёки топшириқларга жалб этиш орқали уларнинг диққатини барқарорлаштириш. Ўқитувчилар ҳар доим кичик ёшдаги ўқувчиларнинг диққатини жамлашни мураккаб жараён эканлигини таъкидлашади. Бу жараёнда ўқувчига имкон қадар ёрдам кўрсатиш зарур. Бунинг учун улар бир қатор қоидаларга амал қилишлари керак: ўқувчиларни камроқ танқид қилиш, унга камроқ танбеҳ бериш, уларнинг эътиборини қизикарли нарсаларга эътиборларини қаратиш, дарсларнинг жонли ўтишини таъминлаш, ўйин технологияларидан кўпроқ фойдаланиш ва б.

Маълумки, БТ жараёнида ўқувчи шахсига бўлган талаб кескин ортади. Агар ўқитувчилар ўқувчилардан уларнинг ота-оналари ёки бошқа педагоглардан шикоят қилса, болалар қаттиқ изтиробга тушади. Ўқитувчи ота-онага унинг фарзандида диққатининг етишмаслигини таъкидлаб айтса, улар янада изтиробга тушади.

Таъкидлаш керакки, боладаги диққатнинг етишмаслиги ҳолатини фақатгина психологлар, врачлар, нейропсихологлар аниқлашлари мумкин. Бунинг учун улар диққатнинг мувофиқлашиши, барқарорлиги ва кўламини таъминлаш устида тадқиқотлар олиб боришлари лозим.

Агар ўқувчи изтиробга тушган бўлса, у ўз диққатини бир нуқтага жамлай олмайди. Болага унинг ўз диққатини бошқаришида муаммолар борлигини ўқитувчи ётиғи б-н тушунтира олиши керак. Болаларнинг диққатни жамлай олмасликларининг асосий сабаби, улар бундай қила олмасликларида эмас, балки шундай иш тутиш улар учун қийинлигини англатиш зарур. Чунки диққатини жамлай олмайдиган ўқувчилар учун ўйин ва машғулотлар жараёнида топшириқларни бажаришда қийинчиликлар вужудга келади. Улар учун ўз диққатларини муайян ҳодиса атрофида жамлаш, топшириқ ва кўрсатмаларни бажариш бир қадар мураккаб ҳисобланади. Бундай болалар улар учун мароқли бўлган нарсаларга беихтиёр эътибор қаратишади. Бироқ улар учун янги ва нотаниш бўлган топшириқлар атрофида ўз диққатларини

мувофиқлаштириш ниҳоятда қийин кечади.

Ўқувчилардаги диққатни жамлай олмасликни бартараф этишда амал қилиниши талаб этиладиган муайян қоидалар мавжуд. Улар: 1) диққатни жамлай олмайдиган ўқувчилар учун аниқ кун тартиби ниҳоятда зарур. Бу жараёнда уларнинг кун тартибидан чекинишларига йўл қўймаслик талаб этилади. Ўқувчиларни, биринчи навбатда, толиқтирмаслик лозим. Акс ҳолда, уларда ўз ф-ятини назорат қилиш пасаяди, чалғиш ҳолатлари кучаяди; 2) ўқувчининг диққатини жамлай олиши ота-оналарнинг манфаатлари ва қизиқишлари б-н ҳам бевосита боғлиқ. Ўқитувчилар ва ота-оналар дастлабки кунларда ўқувчиларнинг муваффақиятларига кўпроқ этибор қаратишлари зарур. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга нисбатан ижобий муносабат моделларини қўллаш лозим. Зарур вақтларда уларни мунтазам мақташ, муваффақиятларини қўллаб-қувватлаш, ф-ятнинг барча турларида рағбатлантириш талаб этилади. Бундай ўқувчилар б-н кублар, конструкциялар ёрдамида ўйин ташкил қилиш, уларни моделлар йиғишга жалб этиш, кичик-кичик матиларни ўқитиш, эртаклар, ҳикоялар сўзлаб бериш, аудиовизуал воситалардан фойдаланган ҳолда эртаклар тинглашларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ; 3) алоҳида эътибор қаратиладиган ҳолатдан бири – ўқувчи бир топшириқни бажариб бўлганидан кейингина унинг олдига иккинчи вазифани қўйиш; 4) дарс жараёнида навбатма-навбат мураккаб топшириқларни нисбатан осонлари б-н алмаштириб туриш ўқувчилар диққатини жамлашда алоҳида аҳамиятга эга; 5) ота-оналар ўқувчиларга уй вазифаларини бажаришларида кўмаклашиш жараёнида уларнинг мустақилликларини таъминлашга эътибор қаратиши лозим. Мазкур жараёнда болаларда топшириқларни ўзлари мустақил бажариш иштиёқи ҳосил бўлиши керак.

ДОКТОРАНТ (нем. doktorant – докторлик илмий даражасини олишга тайёрланаётган; лот. doktorantis – таълим олаётган) – 2012 й.га қадар фан номзоди илмий даражасига эга бўлган ва олий таълим, и. т. муассасаларининг докторантурасида маълум мутахассислик бўйича докторлик дисс.си устида илмий иш олиб бораётган изланувчи.

ДОКТОРАНТУРА – 1) 2012 й.га қадар мос йўналишлар бўйича илмий даража олиш учун жорий этилган икки босқичли таълим тизимининг иккинчи босқичи. Д.га фан номзоди илмий даражасига эга бўлган мутахассислар 3 й.гача муддатга қабул қилинган. Д. олий малакали илмий ва илмий-пед. кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондириш, шахснинг ижодий таълим, касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган; 2) таълим тизимининг олий малакали илмий ва илмий-пед. кадрлар тайёрлашга йўналтирадиган аспирантурадан кейинги таркибий қисми.

2012 й. 24 июлдан Ўзбекистон Республикасида юқори малакали илмий ҳамда илмий-пед. кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими жорий этилиб Д. катта илмий ходим-изланувчилар ин-ти, докторант эса катта илмий ходим-изланувчи атамалари б-н алмаштирилди. Д. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ва олий босқичи сифатида эътироф этилган.

ДОКТРИНА (лот. doctrina – таълимот) – муайян тизимга келтирилган (одатда

фал., сиёсий ёки мафкуравий характердаги) таълимот, илмий-фал. назария таркибий қисмлари бир-бири б-н чамбарчас боғланган концепция, тамойиллар йиғиндиси. Сўнгги йилларда кўпгина ривожланган мамлакатларда узоқ муддатли таълим Д.лари вужудга келди. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «2004–09 й.ларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» ҳам ўз моҳияти ва характерига кўра таълим Д.си ҳисобланади.

ДОЛИМОВ Субутой (1907.23.01 – Тошкент – 1991.24.5) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1946), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967). Тошкент пед. ин-тини тамомлаган (1939). Пед. фанлари илмий тадқиқот ин-тида илмий ходим, шўъба мудири (1943–57), ТошДУда ўқитувчи (1957–62), доцент (1963 й.дан). Ўрта мактаблар учун дарслик («Ватан адабиёти», 1965) ва услубий қўлланмалар («Ўзбек адабиёти тарихини ўқитиш методикаси» 1976; «Адабиёт ўқитиш методикаси», 1978) муаллифи. Огаҳий (Ғ. Каримов б-н ҳамкорликда), Алмаий, Лутфий («Гул ва Наврўз»), Гулханий («Зарбулмасал») асарларини, фольклорга оид «кенг уйнинг келинчаги»ни (1976) нашрга тайёрлаган. «Қобуснома»ни ўзбек тилига таржима қилган (1986). «Ватан адабиёти» ва «Адабиёт ўқитиш методикаси» ад. ўқитиш мет. бўйича яратилган дастлабки илмий-мет. манбалардан бўлиб, Ўзбекистонда ад. ўқитиш мет.сининг фан сифатида шаклланишида муҳим қадам бўлган.

ДОЛИМОВ Улуғбек (1939.05.11, Тошкент) – пед. фанлари д-ри (2008), доцент (1986). Субутой Долимовнинг ўғли. ТошДУнинг филол. ф-тини тамомлаган (1962). Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги мактабларда ўқитувчи (1963–66), ТошДУнинг ўзбек филол. ф-ти аспиранти (1967–70). Маърифатпарвар шоир Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти ва ижоди жадид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

Д. илмий жамоатчиликка Ўзбекистон ва хорижда эълон қилинган 200 дан ортиқ илмий ишлари, жумладан, «Маърифат дарғалари», «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» (ҳаммуаллифликда), «Туркистонда жадид мактаблари», «Миллий уйғониш педагогикаси» каби монография ва дарсликлар муаллифи. Д. илмий ҳамда эксперт кенгашларининг аъзоси, «Жадид педагогикаси: шаклланиши ва ривожланиши», «Жадид мактаблари тараққиёти тарихи» мавзусидаги дав. фундаментал лойиҳаларининг раҳбари сифатида ўзбек халқи маърифий-пед. фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

ДОМЛА – 1) олий ва ўрта мактаб ўқитувчиси; илмий раҳбар, устоз; 2) диний мактаб муаллими; 3) ҳар қандай илмли кишига ҳурмат билан мурожаат этиш шакли; 4) дин ва шариат пешвоси; 5) дуохонлик, иссиқ-совуқ қилиш билан шуғулланувчи шахс.

ДОНОЛИК (форс. – билувчи, билимдон, донишманд) – ақлу заковатга эгалик, билимдонлик, донишмандлик маъноларини англатадиган атама.

ДОРИЛФУНУН (араб. – фанлар уйи, маскани) – Яқин Шарқ мамлакатларида билим юртларининг номи. Баъзи мамлакатлар, мас., Эронда ўрта таълим маскани, Туркияда эса ОЎЮ (ун-т) маъносида қўлланилади. Д. 1920–30-й.

ларда Ўрта Осиёда ҳам ун-т маъносида ишлатилган.

ДОЦЕНТ (лот. dosens – таълим берувчи) – ОЎЮнинг белгиланган талабларга мос кўрсатгичларга эга бўлган ўқитувчиларига бериладиган илмий унвон. Д. атамаси 1863 й.дан ун-тларда тизимга кўра қўлланила бошлаган. Ўзбекистонда Д. унвони каф. мудири ва б. лавозимларга танлов бўйича сайланган ёки шу лавозимларда шартнома асосида ишлаётган, ОЎЮнинг ректори (ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори), малака ошириш ин-ти ва унга тенглаштирилган таълим муассасаларининг директори (директор ўринбосари) лавозимларини эгаллаб турган, уларда ўқув йили давомида муваффақиятли ф-ят кўрсатган, ОЎЮ ёки малака ошириш ин-тларида камида 3 й. педагог бўлиб ишлаган ҳамда пед. амалиётда фойдаланилаётган, шу жумладан, дисс. ҳимоясидан кейин матбуотда эълон қилинган илмий ва ўқув-мет. ишларга эга бўлган фан д-рлари ва номзодларига берилади. ОЎЮда камида 5 й.лик пед. иш стажига эга, коллеж, лицей, гимназия, ўрта махсус билим юртлари учун дарслик ёки ўқув қўлланмалар ва у.ў.т. мактаблари учун дарсликларнинг якка муаллифлари бўлиб, танлов бўйича ёки шартнома асосида каф. мудири, доц. лавозимига тайинланган ва мазкур лавозимларда ўқув йили давомида муваффақиятли ишлаган олий маълумотли юқори малакали мутахассисларга ҳам илмий даражаси бор-йўқлигидан қатъи назар, Д. илмий унвони берилиши мумкин. Д. илмий унвонини республика ОЎЮ ва и.т. муассасалари илмий (илмий-техника) кенгашларининг тавсиясига биноан ЎзР ВМ ҳузуридаги ОАК беради. Д.ларга белгилаб қўйилган намунадаги аттестатлар топширилади. Ўзбекистонда ОАК ташкил этилганидан бери (1992) 2002 й. 1 янв.гача 3088 киши Д. илмий унвонига эга бўлган. Шунингдек, ОЎЮларида Д. лавозимлари ОТМлари томонидан ўтказиладиган танлов асосида эгалланадиган тўлиқ ёки ўриндошлик асосидаги лавозим ҳамдир.

ДРОЗДОВА Галина Владимировна (1955.13.1, Тошкент) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТДПУни тамомлаган (1988). 1976 й.дан Тошкент ш.даги 3-кечки, 151-мактабда рус тили ва ад.и ўқитувчиси, 1979 й.дан Ўзбекистон Маориф вазирлигида меҳнат таълими ва касбга йўналтириш бўйича катта методист, 1982 й.дан 103-мактаб-интернатда ўқитувчи-дефектолог. У меҳнат дарсларида ўқувчиларга тикишбичишдан назарий билимлар бериш б-н бир қаторда, уларга эгалланган билимларни амалда қўллашни ўргатади. Ноанъанавий ҳамда ижодий дарс шаклларидан унумли фойдаланади. Ёрдамчи мактабларнинг 4–9-синфлари учун «Меҳнат таълими» дастури муаллифи.

ДУАЛИЗМ (лот. dualis – икки ёклама) – бир-бири б-н бирлаштириб бўлмайдиган ҳолатлар, фикрлаш тарзи, дунёқараш, интилиш ва гносеологик принциплар ёнма-ён мавжудлигини тарғиб қилувчи таълимот. Д. плюрализм кўринишларидан бири. Д. атамасини немис файласуфи Х. Вольф (1679–1754) илмий муомалага киритган. Д. қуйидаги жуфт тушунчаларни ифодалайди: ғоялар дунёси ва вокеий дунё (Платон), худо ва иблис (яхшилик ва ёмонлик), худо ва дунё, рух ва материя, табиат ва рух, жон ва тан, объект ва субъект, билим ва эътиқод, у дунё ва бу дунё, табиат салтанати ва илоҳий марҳамат салтанати ва б. Д. фал., ди-

ний, антропологик, ахлоқий шаклларда намоён бўлиши мумкин. Д.га оид таълимотни тарғиб қилиш ва ривожлантиришда Р. Декарт, Д. Локк, Д. Юм, И. Кант каби олимлар томонидан илгари сурилган назариялар муҳим аҳамият касб этган.

Қад. даврда диний-ахлоқий Д. «Авесто»да учрайди. Унда дунё тараққиёти жараёни бир томондан яхшилик, ҳақиқат, ёруғлик, иккинчи томондан, ёмонлик, жаҳолат, зулмат ўртасида абадий кураш сифатида тасаввур қилинади. Ўқувчи-ёшларга ахлоқий Д.нинг туб моҳиятини тушунтириш, уларда соғлом дунёқарашни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки Д. Декарт томонидан ишлаб чиқилган психологиядаги психофизик параллелизм назариясига асос бўлган ва кейинчалик эзгуликнинг гнесеологик асосларини т-явий жиҳатдан талқин этишга замин яратган.

ДУДУҚЛИК – тутулиб гапириш, дудукланиш хусусияти мавжудлигини англатувчи атама. Д. нутқнинг бузилиши, овоз пайларининг қисқариши натижасида баъзи ҳарф ёки сўзнинг айрим бўғинларини талаффуз қилишда тутилиб қолишни ҳам билдиради. Д., одатда, 2–5 ёшдан бошланади. Кўпинча, кўркиш (камдан-кам ҳолларда тақлид), баъзан ички секреция безлари ф-ятининг бузилиши ва б. касалликлар натижасида пайдо бўлади. Д. уялганда, ҳаяжонланганда, айниқса, якқол намоён бўлади. Ўз вақтида даволанмаса, бола мактабга борганида Д. янада кучайиши мумкин. Чунки нутқи равон тенгдошлари орасида бола ҳаяжонланади. Бола уялиб, имкон қадар кам гапириш, фикрини қўл ва бош ҳаракатлари б-н тушунтиришга уринади.

Д. ёш улғайган сари йўқола боради (кексаларда жуда кам учрайди). Баъзи ҳолларда Д. умрбод сақланиб қолиши ҳам мумкин. Дудукланадиган бола б-н оилада тўғри гаплашиш, масхара қилмаслик, қўрқитмаслик, уялтирмаслик, қўркинчли воқеаларни айтиб бермаслик керак. Бола тутилиб қолганида ҳеч нарса сезмагандек бемалол гаплашавериш, қийналган сўзларини тўғри талаффуз қилишга ёрдамлашиш лозим. Шунда Д. нисбатан енгил ва тез ўтиб кетади.

Д.нинг сабаблари пед.нинг махсус соҳаси – логопедия томонидан ўрганилади. Шунинг учун фарзандида Д. аломатлари сезила бошлаган ҳолатларда ота-она логопед-мутахассисларга мурожаат қилишлари, соҳага оид методик манбалардан мустақил тарзда фойдаланиб, болалардаги Д.нинг сабабини аниқлаш ва уни коррекциялаш чораларини кўришлари лозим.

ДУНЁВИЙЛИК (араб. – жаҳон, олам) – инсоннинг маънавий мезонларни дунёга нисбатан ўлчаб яшашини англатадиган тушунча. Ҳадиси шарифдаги «Сизларнинг яхшиларингиз дунёни деб охиратни, охиратни деб дунёни унутмаганларингиз», деган ҳикматнинг мазмун-моҳиятини англаб, ҳаётга татбиқ этиш, дунё ва охират ишини уйғунлаштириш, дунё охират экинзори, охират учун амалиёт манба эканини тушуниш тамойили мўътадил йўлдир.

ДУНЁВИЙ ҒОЯЛАР (араб. – бутун жаҳон, реал ҳаётга оид) – 1) диний қарашлардан фарқ қиладиган муайян ғояларни ифодалаш учун қўлланадиган тушунча; 2) ж-ят ва инсонни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуи. Бу ғояларни мазмун-моҳиятига кўра, умуминсоний, илмий, фал. каби бир неча турларга бўлиш мумкин. Д.г. маълум бир миллат, дав., халқ ва ж-ят эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари,

манфаатларини амалга ошириш тамойилини ҳам ўзида мужассамлаштиради, дунё мамлакатларининг ривожланиш йўлини белгилаб олишга доир долзарб ғояларни ташкил этади.

Ўзбекистонда бу ғоялар, асосан, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократик тамойиллар ва б. ҳаётий ҳақиқатлар сифатида намоён бўлмоқда. Д.ғ. адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик рухи, тараққиёт йўлидаги олийжаноб мақсад-муддаоларни ифода этиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Улар ҳурфикрлилик, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, билими ва кучига ишониб яшайдиган, ўзининг мустақил қарашларига эга бўлган кишилар ж-ятининг етакчи ғояларидир. Шунинг учун ҳоз. вақтда демократик, умуминсоний мазмундаги ғоялар, ирқи, миллати ва жинси, диний эътиқодидан қатъи назар, инсонлар кўплаб мамлакатлар ҳаётига чуқур кириб бориб, уларнинг асосий ғояларига айланиб бормоқда. Демократия асосида шакллантирилган ижт. бағрикенглик ва адолат ҳам унинг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бу ғоялар дунёвий дав.даги турли миллат ва дин вакилларининг эркин ф-яти, ҳамжиҳатлиги ва ҳак-ҳуқуқларини кафолатлайди. Д.ғ. эзгулик йўлида бутун ж-ят аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутади, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида ўқувчи ҳамда талабаларни Д.ғ. б-н қуроллантириш таълимнинг етакчи мақсадларидан бирига айланган.

ДУНЁНИНГ ИЛМИЙ МАНЗАРАСИ – дунёнинг ташкил топиши, ўзгариши ва ривожланиши масалаларини ўз ичига оладиган илмий, назарий, фал. қарашлар, билимлар тизимини ифодаловчи тушунча. У турли фанларнинг ютуқлари асосида шаклланиб, дунёнинг яхлит тимсоли ҳақида тасаввур берадиган илмий билимлар мажмуидир. Дунёнинг фал., мифологик, диний ва мумтоз, илмий манзараси тушунчалари ҳам мавжуд. Дунёнинг диний манзараси оламнинг Худо томонидан яратилгани, илоҳий кучлар таъсирида ривожланиши ҳамда боқий дунё мавжудлигини эътироф этади. Айрим файласуфлар Д.и.м.ни ҳақиқий билимлар тизими, объект ҳақидаги мукаммал концепция сифатида идрок этади. Гносеологик нуқтаи назардан Д.и.м. объектив реалликнинг фан томонидан ўзлаштирилган умумий тимсолидир. Методологик нуқтаи назардан Д.и.м. илмий тафаккур ривожланишининг муайян босқичида қўлланадиган тушунчалар тизими, концептуал аппарат сифатида тушунилади. Д.и.м. тизимлаштирилган билимларнинг олий даражаларидан биридир. У барқарор фундаментал тамойил ва тасаввурлар йиғиндисини ифодалаб, фан тараққиёти даражасига мос ягона билим тизимни яратади, айни пайтда, илмий билим ривожининг якуни ва янги билимлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Д.и.м. моддий оламни ифодаловчи илмий билимлар тизими сифатида намоён бўлади. У икки принципга – ягоналик ва тараққиёт принципига асосланади. Ягоналик принципининг ўзига хос хусусиятлари: 1) Д.и.м. билишнинг назарий даражасида акс этиб, табиатнинг яхлитлигини ифода этишида намоён бўлади; 2) Д.и.м. яхлит манзараси ва назарий билимларнинг асосини инсон тажрибаси ва оламнинг объектив бир бутунлиги ташкил қилади; 3) инсон томонидан объектив оламнинг бир бутун,

яхлит моделининг яратилиши, унинг фикрлаш ф-яти ва психикаси табиати б-н боғлиқлиги ҳақидаги назарияларда намоён бўлади. Тараққиёт принципига кўра, Д.и.м.ни мукаммал ўрганиш бир бутунлик ва тараққиёт принципларининг узвий боғлиқлиги маҳсулидир. Д.и.м. ўзига хос билимлар тизими сифатида фаннинг турли соҳаларидаги хусусий, илмий ёндашув ва қарашлар ёрдамида шаклланади ҳамда ривожланади.

ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ – жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабатлари б-н боғлиқ ҳолат, хусусият ва ф-ятини яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча. Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этса-да, ундаги минтақа ва дав.лар, миллат ва халқлар тарихий шарт-шароит, геогр. жойлашув, геостратегик ҳолатига кўра турли мавқега эга.

Дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврда мафкуравий манзара зиддиятли тус олади. Шунинг учун ҳар бир дав., ж-ятнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуллари бўлади. Зеро, жаҳоннинг кўплаб дав.ларида турли сиёсий кучлар, партиялар, дин ва диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар ф-ят кўрсатмоқда. Улар ўзаро фарқланадиган, баъзан бир-бирига зид бўлган манфаатларга эга. Айнан мана шу манфаатлар ўзга халқлар, турли минтақалар, дав.ларнинг аҳолиси ёки ижт. гуруҳлар онги, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, уларни муайян ғояларга бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради. Бундан кўзланган асосий мақсад эса муайян жойдаги кишиларга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашларни сингдириш орқали ўз манфаатларини таъминлашга интилишдир. Бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли кўзланган мақсадга олиб келмаганда бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш, мавжуд вазиятни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли б-н бўлса ҳам, ижт. беқарорликни юзага келтиришга ҳаракат қилинади.

Д.м.м.га назар ташланса, аксарият илғор дав.ларда умуминсоний қадриятлар ва демократик принципларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ва ж-ят камолотига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар устувордир. Инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган ҳоз. даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилиш, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, иркчилик ва экстремизм мафкуралари, «оммавий маданият» тарғиботи шулар жумласидандир. Хусусан, турли шаклларда намоён бўлаётган террорчилик кучли молдий асосга эга бўлиб, мафкуравий хавф-хатарга эга. Бундан ташқари, эътиқод умумийлигига асосланиш (мас., панисломизм), этник бирликка урғу бериш (мас., панславизм, панэронизм, пантуркизм) ва ягона ижт.-иқтисодий ҳамда сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқлик асосида (мас., пансоветизм) якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш ва шу йўл б-н жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бироқ булар дунёдаги мафкуравий жараёнларни тўла-тўкис акс эттира олмаслиги,

уларнинг асл мақсад ва шакллари ҳақида ўқувчи ҳамда талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш орқали Д.м.м.ни идрок этишга уларни тизимли тарзда ўргатиб бориш алоҳида долзарблик касб этади.

ДУНЁҚАРАШ (араб. – жаҳон, олам + қараш) – таълим олувчиларнинг дунё ва инсоннинг ундаги ўрни, ўз атрофидаги воқелик ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими. Д. шахснинг эътиқоди, идеали, билиш ва ф-ят тамойилларини ифодалайди.

Шахс Д.ини шакллантириш узлуксиз жараён бўлиб, у умр бўйи давом этади. Д.нинг бошланғич элементлари болада мактабгача таълим жараёни ва оилада шакллантирилади. Оила ва МТМида болалар ота-оналари ва т-ячилари ёрдамида табиатдаги мавсумий ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисалар, она Ватан ҳақидаги тушунчаларни билиб оладилар.

Бошланғич синфларда ўқиш жараёнида ўқувчиларга ўқитувчи ва ота-оналар кўмагида табиат ва ж-ятдаги дастлабки тасаввурлар, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишлар тушунтирилади. Шунинг учун боланинг Д.и, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук ва энг тажрибали мураббийлар бириктириб қўйилади.

Д.ни таркиб топтириш жараёни ўқувчилар умумий ривожланишидаги доимий ва узлуксиз ўзгаришлар б-н боғлиқ бўлганлиги учун атроф тўғрисидаги тасаввурлар, тушунча ва ғоялар тизими ҳам уларнинг мактабдаги ўқиш ва т-яланишининг турли даврларида ҳар хил бўлади. Ўсмирлик ёшида Д.нинг ривожланиши интеллектуал, ҳиссий ва амалий ҳаракатлар доирасидаги алоқадорликка асосланади. 5–9-синф ўқувчиларида Д.ни шакллантириш муайян психологик-пед. шароитларни тақозо этади. Буларнинг энг муҳимлари қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, ўқувчилар Д.ни шакллантириш бўйича мактабда олиб бориладиган ишнинг умумий тизимида ҳар бир ўқув фанининг ўрнини белгилаш, фанлараро алоқани ўрнатиш, ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар ўқув материалини ўқишдан ташқари ва мустақил ишда чуқур, пухта ўзлаштириш асосида таърифлай оладиган асосий фал., ижт.-сиёсий ва ахлоқий ғояларни ажратиб олишлари муҳим. Ўқитувчи ажратиб олинган ғояларни ўқувчиларга тушунтира бошлайди, уларни ўқув фанларини ўрганиш даврига изчиллик б-н тақсимлайди. Бирор лойиҳани ривожлантиришнинг ҳар бир босқичи муайян ёшдаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг шахсий тажрибалари б-н боғланган бўлиши лозим. Шу тарзда ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш усуллари, ўқитишнинг шакл ва услубларини белгилаб, улар ёрдамида таълим олувчиларнинг ўқиши, уларда миллий ғояга асосланган Д. негизларини қарор топтиришни бошқара олади.

Иккинчидан, табиат ва ижт. ҳаётнинг билиш мумкин бўлган ҳодисаларига ўқувчиларнинг шахсий муносабатини шакллантириш. Д. ғояларини идрок этишда ўқувчиларнинг улар мазмунига муносабати турлича бўлиши мумкин. Ўқувчи идрок этилаётган ғояга ижобий муносабатда ёки унга нисбатан бефарқ бўлиши ва салбий ёндашиши мумкин. Ўқувчиларнинг Д. ғояларини ўзлаштиришга фаол ва ижобий муносабати ғояларнинг ҳаққонийлигига ишонч туғдиради, уни «ички ҳаракат»га айлантиради.

Учинчидан, олинган билимларни ўзлаштириши ва қўллашнинг бирли-

ги. Агар билимлар танқидий фикрлаб олинган, амалда текширилган бўлса, улар ақлий бисотнинг «пассив ашёси» эмас, балки шахсий Д. моҳиятига айланади. Шу ва бошқа омиллар таъсирида ўқувчи теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларни англаш, ўзининг кундалик тажрибалари доирасидан ташқарига чиқадиган дунёни шахсий тушунишни қарор топтиришга интилади. Д.ни т-ялашда бола шахсияти ҳар томонлама очилади. Худди шу вақтда маънавий бой, ғоявий, психологик ва мет. тайёргарликдан ўтган мураббий-педагог, билим даражаси, шахсий қарашлари кенг киши болага ёрдам бериши керак. Бунда т-ячининг оддий, дўстона, самимий, дилкаш сўзлари, унинг шахсий эътиқоди ва миллий ғоя б-н қуролланганлиги энг муҳим аҳамият касб этади.

ДЎСТЛИК (форс. – шафқатли ўртоқ, ёр, ошно, маҳбуб) – ижт.-ахлоқий ва психологик тушунча. Д. ўзаро ҳурмат, ёқтириш, манфаатларнинг умумийлиги, яқинлик, бир-бирини тушунишга асосланган кишилар ўртасидаги муносабат шаклини ифодалайди. Кишиларнинг мулоқот шакли сифатидаги Д. қон-қардошлик, ўртоқлик, биродарлик тушунчаларига яқин, лекин психологик нуқтаи назардан эса улардан ўзининг алоҳидалиги, танлаш хусусияти, ҳис-туйғунинг ифодаланиши б-н фарқ қилади. Д. пед.-психологик ҳодиса ва шахсий хислат сифатида инсоннинг ёши (болалик, ўсмирликдаги дўстлик) ва шаклланиши (мактаб, талабалик йиллари, армиядаги дўстлик) баробарида ўзгариб боради. Ижт.-ахлоқий муҳит, кишиларнинг турмуш тарзи Д.нинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Ўзаро манфаатдорлик (Эпикур, утилитаризм намояндалари), «табиий ёқтириш» ҳисси (А. Смит), бахтга эришишга кўмаклашиш (18-а. фр. маърифатпарварлари) кабиларга Д.нинг асоси сифатида қаралган. Ҳақиқий, мустаҳкам Д. юксак, ижт. аҳамиятга эга бўлган мақсад ва идеаллар муштараклигини англаш асосида шаклланади. Д. миллат ва халқлар ўртасидаги ижобий алоқаларда ҳам ўз ифодасини топади. Бугунги кунда кўп миллатли Ўзбекистоннинг ривожланиши учун халқлар ўртасидаги Д. ниҳоятда муҳим. Халқлар, миллат ва элатлар ўртасидаги Д. Ўзбекистонда ижт. барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини ўқувчи-ёшлар онгига болаликдан бошлаб сингдириш лозим. Уларга Д., инсонлик орасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг муҳим шакли эканлигини тушунтириш ниҳоятда зарур. Бунда аждодларимизнинг Д. ҳақидаги қарашлари, тажрибалари, халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шарқ мутафаккирлари ҳам доимо Д.ни, одамлар ўртасидаги яқинлик, «бир ёқадан бош чиқариб, аҳил яшаш» тартибини тарғиб этиб келганлар. Алишер Навоий ўз асарларида шахслар ва миллатлараро Д.ни улуғлаган. Д. инсоннинг нафақат шахсий ҳаёти, балки ижт. мавқеини мустаҳкамловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўғил болаларга нисбатан қизларда Д. ҳиссига бўлган эҳтиёж эртароқ бошланиши пед.-психологик жиҳатдан асосланган. Бир хил ёшдаги дўст ўсмирларда бироз каттароқ ёшдагилар б-н тенг муносабатда бўлиш, дўстлашиш, улардан ҳимоя кутиш эҳтиёжи кучлироқ бўлади. Ўсмирлик, йигитлик давридаги Д. астасекин инсоннинг улғайиши, ижт. ф-ят б-н банд бўлиши, унинг шахсий ҳаётида бошқа аҳамиятли инсонларнинг пайдо

бўлиши баробарида мазмунан ва шаклан ўзгариб бойиб боради. Д. инсонга муайян даражада ўзининг ички, шахсий борлигини намоён килиш имконини беради. Чунки ички дунёсини очиш оркалигина инсон шахсий баркамолликка эришиши мумкин. Бошқа томондан эса Д. муносабатларнни ўрнатиш ва ўзаро дўстона алокалар ўрнатиш оркали инсон ўзида мавжуд бўлмаган айрим жиҳатларни дўстларида кўради, унинг шахсида учрамайдиган баъзи хислатларни яна бошқаларда кузата бошлайди. Шунинг учун ҳам Д. инсоннинг шахс сифатида шаклланиши ва камол топишида муҳим аҳамиятга эга.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РУҲИ – ижт. муносабатларнинг шахслараро, дав.лараро ва тамаддунлараро алоқаларда намоён бўладиган, уларнинг узвийлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган маънавий-т-явий омил. Дунёдаги кўплаб халқларнинг миллати, диний эътиқоди, дунёкараши, турмуш тарзидаги тасодифий ҳолатларга қарамасдан, уларнинг ижт. тараққиётга эришганлиги Д. ва ҳ.р. б-н белгиланади. Шу боис ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни дунёда ижт. муносабатларнинг барча жабҳаларида айнан худди мана шу омилни барқарорлаштиришга ундаш лозим. Айникса, ж-ят ва тузумлар, сиёсий қарашлар ҳамда мафкуралар ўртасида зиддиятлар юзага келганда Д. ва ҳ.р. тинчлик ва тотувликни саклашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Илмий нуқтаи назардан дўстлик, инсон калбидан чуқур жой олган туйғу сифатида шахслараро муносабатларнинг барча жабҳаларини камраб олиши кийин бўлса, ҳамкорлик омили ўз хусусиятига кўра, ижт.-пед. муносабатларнинг барча йўналишларида ўз ифодасини топади. Шу маънода ҳар иккала омил бир-бирини тўлдириши, бойитиши, бир-бирининг ўрнини босиши мумкин. Мас., муносабатларнинг барча турларида (шахслараро, гуруҳлараро, дав.лараро ва б.) дўстлик руҳининг устуворлигига эришиш кийин бўлган сабабли, кўпинча, ўзаро манфаатдорлик маҳсули бўлган ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Д. ва ҳ.р.нинг ўзаро уйғунлашувига эришиш учун ижт. муносабатлар тизимини такомиллаштириш б-н бир қаторда, уларнинг маънавий қадриятлар тизими б-н муштараклигини таъминлаш лозим. Турли даражадаги ижт. жараён ва муносабатлар маънавий қадриятларга таянгандагина Д. ва ҳ.р.нинг жонланиши, ривожи ва такомиллашувига имконият туғилади. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларида ўқувчилар орасида ўзаро дўстона муносабатлар ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига алоҳида эътибор каратиш лозим.

Е

«ЕЛПИҒИЧ – ВЕЕР» УСУЛИ – ўқувчи ва талабаларда танқидий, таҳлилий, аниқ, мантиқий фикрлаш тарзини ривожлантириш, уларга мавзунинг турли йўналишлари бўйича ахб.лар бериш ва бу ахб.ларни муҳокама қилишга йўналтирилган техн. Мураккаб, кўптармокли, имкон қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган мазкур техн.нинг пед. моҳияти шундан иборатки, ўқувчиларга мавзунинг турли йўналишлари бўйича ахб. берилади ва уларнинг ҳар бири алоҳида муҳокама қилинади. «Елпиғич – Веер» техн.си таълим олувчига ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда баён этиш ҳамда ҳимоя қилишга имконият яратади.

Ушбу техн.дан ўқув мавзусини ўрганишнинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин: дастлаб ўз билимларини эркин фаоллаштириш; мавзуни ўрганиш жараёнида унинг моҳиятини чуқур идрок этиш ва англаш; якунловчи босқичда ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш ва б.

Асосий тушунчалар: йўналиш (нуқтаи назар) б-н предмет, ҳодиса ва тушунча текширилади; афзаллик – бирор нарса б-н қиёслангандаги устун жиҳатлари белгиланади; фазилат – ижобий сифатлар намоён бўлади; нуқсон – қоидалар, мезонларга мувофиқ келмайдиган жиҳатлари аниқланади; хулоса – муайян бир фикр, мантиқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш тушунилади.

Мазкур техн.дан т-явий жараёнларда ҳам фойдаланиш мумкин: жамоа бўлиб ёки гуруҳларда ишлаш кўникмаларини шакллантиришда; таълим олувчиларни муаммоли вазиятларда муайян масалаларни турли нуқтаи назардан ёндашган ҳолда муҳокама қилишга одатлантиришда; мақбул ечимларга келиш имкониятларини излашда; ўзгалар фикрига ҳурмат б-н қарашга ўргатишда; ишчан мулоқотга киришиш, хушмуомалалик, тавозеъ б-н мурожаат қилиш кўникмаларини шакллантиришда; фаолликка ундашда; ишга ижодий ёндашиш кўникмаларини ҳосил қилишда; муаммога нисбатан ўз диққатини жамлай олиш кўникмаларини таркиб топтиришда мазкур техн.дан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

ЕРМАНОВ Мурадбай Ерманович – (1947.23.10, Учқудуқ тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тининг мат. ф-тини тамомлаган (1969). 1969 й.дан Учқудуқ туманидаги 6-мактабда мат. ўқитувчиси, 1990 й.дан мактаб директори ўринбосари. Е. намунали мат. ўқув хонасини ташкил қилган, дарсларда кўргазмали қуроллар, техник воситалардан унумли фойдаланган. Унинг тажрибаларидан туманда кенг фойдаланилган.

ЕСБЎЛАЕВ Амангелди Қушекбаевич (1945.14.2, Томди тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Ўзбекистон жисмоний т-я ин-тини тамомлаган (1968). 1968 й.дан Томди туманидаги 1-мактабнинг жисмоний т-я ўқитувчиси. У ўз ўқувчиларининг ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб ривожланишлари учун дарсларда турли машқлардан фойдаланган. Жисмоний т-я ва спортни тарғиб қилишда алоҳида фа-

олдик кўрсатган. Унинг илғор иш усуллари туман жисмоний т-я ўқитувчилари орасида кенг оммалаштирилган.

ECTS КРЕДИТ ТЕХНОЛОГИЯСИ (инг. European credit transfer system – Кредитларни кўчириш ва тўплаш Европа тизими технологияси) – талабаларнинг ўқув ишларини ҳисобга олишнинг умумевропача тизими. Ундан ўқув дастурлари ва курсини ўзлаштиришда фойдаланилади. ECTS тизими таълим амалиётида Европа иттифоки доирасида талабаларнинг бир ОЎЮдан иккинчисига ўтишида фойдаланилади. Мазкур тизимни қабул қилган Европа малакатларида ҳам унга амал қилади. Бир ўқув йили 60 ECTS-кредитга мувофик келади. Бу 1500–1800 ўқув соатидан иборат. Бакалавр даражасини олиш учун талаба 180 дан 240 ECTS-кредитгача тўплаши лозим. Магистр даражасини олиш учун эса талаба 300 ECTS-кредитгача тўплаши талаб этилади. 2004 й. 14 дек.да Маастрихда ўтказилган кенгашда Европадаги 32 мамлакатнинг таълим ва касб таълими вазирлари ECTS кадрлар тайёрлаш ва касб таълими Европа тизимининг (ECVET) таркибий қисмига айланиши ҳақида келишиб олишди.

ECTS тизими талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолашнинг мав жуд миллий шкалалари асосида аниқлашини назарда тутади. Қўшимча тарзда ECTSни баҳолашнинг статистик тизими тавсия этилади. Талабанинг рейтингдаги ўрни б-н боғлиқ ҳолда унга ECTS тизими бўйича қуйидаги баҳолар қўйилади:

A – яхши 10 %
B – навбатдаги 25 %
C – навбатдаги 30 %
D – навбатдаги 25 %
E – навбатдаги 10 %

Fx ва F – ёмон баҳо олганлик, меҳнати самарасиз натижа берганлигини ифодалайди.

ЕТАКЧИЛИК – таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларга бошчилик, раҳбарлик, йўлбошчилик қилиш. Ўзбекистонда таълим муассасаларида «Камалак», «Камолот» ЁИҲ етакчилари мавжуд. Ҳар бир синфда етакчи ўқувчилар бўлади. Улар лидерлар сифатида ўзларини намоён этишади. Етакчи гуруҳ аъзоларига бирйўла таъсир кўрсатади. Ижт. психологияда иккита етакчилик роли мавжуд. Ишчан етакчилик роли гуруҳ аъзолари олдига қўйилган вазифани бажаришга йўналтирилади. Мас., ўқув ф-ятини амалга ошириш, ўқув топшириқларини бажаришда, кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида улар орасида ҳамкорлик ўрнатиш асосида гуруҳ аъзолари олдида турган вазифаларни ечишда масъулиятли етакчининг мавқеи намоён бўлади. Ҳиссий етакчининг мавқеи гуруҳ аъзолари орасидаги шахслараро мулоқотни уюштириш ҳаракатлари орқали кўринади.

Етакчилар авторитар иш услубига эга бўлганларида гуруҳ аъзолари орасида родларни қатгиққўллик б-н тақсимлайди. Бошқаришнинг демократик услубини қўллайдиган етакчилар эса гуруҳ аъзолари б-н мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилади. Бу жараёнда гуруҳ аъзоларига ташаббус кўрсатиш, қарорлар қабул қилиш ҳаракатларини амалга оширишда мустақиллик беради. Либерал иш услубига эга бўлган етакчилар эса гуруҳ аъзоларини фаол бошқаришдан чекланиб, уларга ўз ҳаракатларини амалга оширишлари учун чекланмаган даражада эркинлик яратади.

Етакчилар аҳамиятли вазиятларда гуруҳ аъзоларининг хулқ-атворларига сезиларли таъсир кўрсатишга лаёқатли

бўлади. Е. ва раҳбарлик тушунчалари ўзаро мувофиқ келмайди. Раҳбардан фаркли тарзда етакчига норасмий тарзда гуруҳ аъзоларидан бирига масъулият юкланади. Бироқ у гуруҳнинг ҳолатига жавобгар бўлмайди.

ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ – формал мантиқнинг асосий қонунларидан бири. Е.а.қ. доирасида ҳар қандай ҳаққоний фикр ёки унинг ҳаққонийлиги олдиндан асосланган бўлиши керак. Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г. Лейбниц (1646–1716) таърифлаган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. Фикрлаш жараёнида нарса ва ҳодисалар ҳақида ҳаққоний муҳокама юритибгина қолмасдан, унинг ҳаққонийлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун исботлаш, асослашга ҳаракат қилинади. Ҳар бир нарса ва ҳодиса реал асосга эга бўлгани каби уларнинг инъикоси ҳисобланган фикр ва мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак. Бунинг учун ҳаққонийлиги олдиндан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган мулоҳазаларга асосланилади. Е.а.қ. доирасида ўқувчи ҳамда талабаларда тўғри тафаккур юритиш, ҳукмлар чикариш, объектив ҳодисаларни аниқлаш мақсадида баҳс-мунозараларга киришиш тавсия этилади. Мазкур қонун таълим жараёнида бошқа дидактик қонуниятлар б-н ўзаро алоқадорликда амал қилади. Турли ўқув вазиятларида фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг ҳаққонийлигини асослаш учун келтирилган объектив фикр ва далиллар мантиқий натижа сифатида баҳоланади. Мантиқий асос б-н объектив, ҳакиқий асосни аралаштириб юбормаслик керак. Асос ва натижа орасидаги мантиқий боғликликни сабаб ва окибат алоқадорлигидан фарклаш зарур.

Етарлича асосланган фикрларнинг объектив манбаи фақат сабаб-окибат муносабатинигина эмас, фикрнинг изчиллиги, асосланганлиги, исботланганлиги, яъни объектив мазмуни сабаб-окибат муносабатларидан ташқаридаги барча муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб дидактик жараён бўлиб, унда бир ёки бир неча ўзаро боғланган муҳокамалар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани асослаш деганда, шу мулоҳазанинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ишончли далилларнинг мавжудлиги тушунилади. Бундай далилларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: эмпирик ва назарий асослар. Эмпирик асослар инсоннинг ҳиссий билиш тажрибасига таянса, назарий асослар эса шахснинг аклий билиш ф-яти – тафаккурига асосланади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир. Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замон тушунчалари б-н чегараланган бўлиб, унинг сезгилари берган маълумот ҳамма вакт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамасдан, мулоҳазаларни эмпирик асослаш алоҳида пед. аҳамиятга эга. Чунки билиш жонли ҳиссий мушоҳада, бевосита кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташқи олам б-н боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик асоснинг устқурмаси ҳисобланади. Фикрларни назарий асослашда кўп фойдаланиладиган мет.дан бири – дедуктив мет., яъни объектив мулоҳазаларга таянишдир. Берилган мулоҳазани мантиқий (дедуктив) мет. орқали бошқа ҳаққоний мулоҳазалар ёрдамида асослаш мумкин

бўлса, унда берилган мулоҳаза ҳаққоний, яъни асосланган бўлади. Бунда фикрлар ўртасидаги боғланиш умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик ўртасидаги ўзаро боғликликни ифодалайди. Мас., тўғри тафаккур қонунларининг объективлигини барча илмий қонунларнинг объектив характерга эгалиги ҳақидаги умумий ҳаққоний мулоҳаза ёрдамида асослаш мумкин. Умумий объектив мулоҳазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидалари, тушунчалар таърифларидан ҳамда аксиомаларидан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг унумли ёки намойиш қилишга асосланган усуллари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш мет.ининг асосини ташкил этади. Шунингдек, асослашнинг субъектив характерга эга бўлган ва бевосита тажриба натижалари ёки назарий фикр юритишга тааллукли бўлмаган мет.лари ҳам мавжуд. Интуиция, эътиқод ва урф-одатларга асосланиш шундай мет. жумласига киради. Мазкур мет.дан кўпроқ кундалик ф-ятда фойдаланилади. Фикр-мулоҳазаларнинг ҳаққонийлигини асослаш тафаккурнинг зарур шартларидан бири бўлиб, етакчи асос қоидаларига амал қилиш фикрнинг мантиқли, тартибли, ишонарли бўлиши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

ЕТТИ ЙИЛЛИК МАКТАБ – тўлиқсиз ўрта маълумот берган 7 й.лик умумий таълим мактаби. Ўзбекистонда 1926–27-ўқув й.идан очила бошлаган. 1958 й.дан 8 й.лик умумий мажбурий таълим жорий қилиниши муносабати б-н 7 й.лик мактаблар 8 й.лик мактабларга айлантирилган.

1928–29-ўқув й.ида Ўзбекистонда 107 та 7 й.лик мактаб бўлиб, уларда 43 минг ўқувчи таҳсил олган. Бу мактабларни битириш 1930 й.дан бошланган. «Бошланғич ва ўрта мактаб тизими ҳақида»ги қарор (1934 й. 15 май) асосида у. ў. т. мактаблари бошланғич (1–4-синф), тўлиқсиз ўрта (1–7-синф) ва ўрта (1–10-синф) мактаб турларига ажратилган. Шунингдек, 1934–35-ўқув й.идан босқичма-босқич йиллик мажбурий политехника таълими ҳам жорий қилинган. 7 й.лик политехник таълим 1934–35-ўқув й.идан йирик шаҳарларда, 1937–38-ўқув й.идан қишлоқ жойларда амалга оширилган. 7 й.лик мактабларни тугатганлар умумий ўрта маълумот олиш ёки ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишган.

ЕТУКЛИК – (қ. Баркамоллик).

ЕТУКЛИК ГУВОҲНОМАСИ – умумий ўрта таълим мактабини битирганлик ҳақидаги ҳужжат.

ЕТУК КАДР – билимли, илмли, жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган шахс, мутахассис.

Ё

ЁВУЗЛИК – маънавият тамойиллари ва талабларининг бузилишидан ҳосил бўладиган, адолат ва инсонпарварлик тамойиллари ва талабларига қарши жиноят, ф-ят ва хусусиятни англатувчи тушунча. Ё. ўзининг окибати, ижт. ёмонлик йўналишларига кўра ижт. бузилишни ифодалайдиган жараён ва хатти-ҳаракатдир.

Ё. эзгуликнинг акси, ахлоқий бузилиш ва маънавий жаҳолат шаклларидан биридир. Ё.нинг мазмуни хилма-хил тарзда намоён бўлиши мумкин (мас., тинч аҳолини қирғин қилиш, бегуноҳ одамларни қириб юбориш, одам савдоси, террорчилик, қотиллик, ўғрилик, алдамчилик, иккиюзламачилик, сотқинлик, мунофиқлик, «оммавий маданият»ни тарғиб қилиш ва б.). Ё.ни икки гуруҳга бўлиш мумкин: махсус тайёрланган, яъни чуқур ўйланган ёки олдиндан режалаштирилмаган. Ё. ва эзгулик ўртасидаги муносабат яхшилик ва ёмонликнинг кураши каби абадий кураш сифатида намоён бўлади.

«Ё.»нинг яна бир ўзига хос томони шундаки, у ёрдамида инсоннинг тубанлиги, ғайриахлоқий ф-яти аниқ кўринади. Чунончи, Чингизхон, Гитлер, Усама Бин Ладиннинг ёвуз инсонлар дейилиши бежиз эмас. Илм-фанда ҳозирга қадар «ёвузлик» тушунчаси ўлчовли тушунчалар сирасига киритилмаган. У фақат ёмонликка маънодош тушунча тарзида таҳлил этиб келинмоқда. Ё.нинг кўпгина жиҳатлари ёмонлик билан, ёмонликнинг баъзи элементлари эса ёвузлик б-н мувофиқ келиши мумкин. Аммо Ё. ва ёмонлик айнан бир хил нарса, бир тушунчалар эмас. Улар ўртасида муайян фарқ мавжуд: Ё. ижт. хусусиятга эга, ёмонлик эса, асосан, шахснинг одоби, хулқига боғлиқ бўлган салбий ҳодисадир. Мас., ёлғончилик ёмонликдир, жаҳолат – Ё. Чунки ёлғончилик ўткинчи хусусиятга эга. Таълим-т-я жараёнида «Ё»нинг моҳияти, унинг ижт. хавфлилик даражасини ёшларга англатиш орқали уларни эзгулик, атрофдагиларни қадрлашга ундаш мумкин.

ЁЗУВ – 1) муайян бир тилда қабул қилинган ва кишилар ўртасидаги мулоқотга хизмат қиладиган ёзма белгилар ёки тасвирлар тизими; 2) график белгиларнинг тасвири, ҳарфлар; 3) ёзилган нарса, матн, хат; 4) магнитофон ёзуви – магнитофонга ёзилган матн.

Ё. – кишилик ж-ят.и маданий тараққиётининг том маънодаги ибтидоси, башариятнинг узоқ ва мураккаб тадрижий такомили жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири. Ёзув тилдан анча кейин пайдо бўлган (товуш тили 400–500 минг йиллар илгари юзага келган, ёзувнинг пайдо бўлганига эса 4–5 минг й.лар бўлган). Оғзаки нутқнинг замон ва макон нуқтаи назаридан чекланганлиги ва бу камчиликни бартараф этиш эҳтиёжи ёзувнинг пайдо бўлишига асос бўлган. Оғзаки нутқ фикрни баён қилиш вақтидагина, шу б-н бир қаторда масофа чегарасидаги (товуш тўлқинлари етиб бориши мумкин бўлган) шахс учунгина амал қилади. Шунинг учун ҳам фикр ифодалаш эҳтиёжи пайдо бўлиши б-н инсонлар мазкур эҳтиёжни қондириш йўлларини излашган. Натижада белгилар тизимидан иборат Ё. вужудга келган.

Ё.нинг пайдо бўлиши ва мунтазам такомиллашуви ж-ят ривожи, шунингдек, муайян масофадаги кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжи, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва эстетик характердаги ахб.ларни тўплаш, сақлаш, ўзаро узатиш, келгуси авлодларга қолдириш зарурияти б-н бевосита боғлиқ. Дав.ларнинг вужудга келиши кишилар орасидаги нутқий алоқа доирасини кенгайтирди ва такомиллаштириш эҳтиёжини кучайтирди.

Ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ўзаро савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланиши ёзма алоқалар, ёзишмалар кўламини ҳам кенгайтирди, бошқа халқ ва дав.лар б-н ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва б. шартномалар тузилди; қонунлар пайдо бўлди ва такомиллашди; диний қарашлар ва мафкуранинг бошқа турли кўринишлари шаклланди; халқларнинг ўз тарихини билишга бўлган эҳтиёж кучайди. Буларнинг барчасини турли ёзишмалар орқали амал ошириш мумкин эди.

Ё. оғзаки нутқга нисбатан иккиламчи, қўшимча алоқа воситаси бўлсада, унга нисбатан кўпроқ афзалликларга эгалигини тажрибалар кўрсатди. Нутқнинг асосий вазифаси – шахслараро мулоқотни таъминлашдан иборат. Тилнинг коммуникатив вазифаси Ё.сиз амалга ошиши мумкин эмас. Тилнинг эстетик, гносеологик (дунёни билиш) каби асосий вазифалари ҳам Ё. ёрдамида бажарилади. Айниқса, нутқ воситасида мавжуд тажриба ва билимларни сақлаш, тўплаш ҳамда ўзаро узатиш вазифаси бевосита Ё. орқали амалга оширилади. Инсоният томонидан яратилган билимлар, тўпланган тажрибалар, кашфиётлар, сўз санъати дурдоналари, йилномалар, умуман, маданий мерос намуналари авлодлардан авлодларга Ё. орқали етиб боради.

Дастлабки манбаларда Ё.нинг келиб чиқишини илоҳиётга боғлаш ҳоллари учрайди. Бу аслида Ё.нинг чексиз имкониятларини тасаввур эта олмаслик, ёзув магияси («Ёзув сеҳрли қудратга эга» деган ишонч) натижасида келиб чиққан жўн тасаввурлар маҳсулидир.

Ё. кишилик ж-ятининг зарурий эҳтиёжи асосида пайдо бўлган ва ривожланган. У бугунги шаклини олгунга қадар узоқ ва мураккаб тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Инсон ақли Ё.дай мукаммал алоқа воситасини кашф қилгунча узоқ изланган. Энг қад. даврларда дунё халқларининг деярли барчасида кенг тарқалган «эслатувчи» белгилар ана шу изланишларнинг илк кўринишлари бўлган. Мас., муайян миқдорни ифодалаш учун турли тошлар, чиғаноқлардан фойдаланилган, таёқлар, дарахтларга ҳар хил иплар боғлаш, тугунлар тугиб қўйиш ва б. воситалар б-н муайян ахб.ни эсда сақлаш ёки маълум масофага юборишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, бир хабарни узоқ масофага етказиш учун тутун, гулхан, барабан овозидан фойдаланилган. Хабарни узоқ вақт сақлаш учун рамзий маъно берилган буюмлар қўлланилган: қўрғон – марҳум кўмилган жой белгиси; славян қабилаларида нон-туз – дўстлик белгиси; ҳиндуларда чилим тутқазиш – тинчлик, судҳ белгиси ва б.

«Буюмли ёзув» номи б-н юритиладиган бундай ахб. воситаларининг қолдиқлари ҳозирда ҳам баъзан сақланган. Бирор фикрни эсдан чиқариб қўймаслик учун рўмолчанинг учини тугиб қўйиш бунга мисол бўла олади. Расмли ёзув (пиктография) ёзув яратиш йўлидаги биринчи қадам бўлган. Расм б-н ёзув ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам

кўриш орқали идрок қилинади. Пиктографик ёзувни ибтидоий тасвирий санъат ичида юзага келган дейиш мумкин. Археологларнинг бундан жуда кўп минг йилликлар илгари инсонлар томонидан чизилган турли расмларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлари маълум. Тошлар, суяклар, ғор деворларига ўйиб ишланган хилма-хил ҳайвонларнинг расм лари, умумий мазмун доирасида бирлашувчи тасвирий лавҳаларнинг барчаси пиктографик Ё.нинг асосларидир. Ана шу ибтидоий тасвирий санъат икки йўналишда – умуман, расмлар ва муайян ахб. воситаси, яъни ёзув сифатида шаклланган. Буни дунё тилларининг жуда кўпчилигидаги «ёзмоқ» маъносидаги сўзларнинг этимологиясига эътибор қилганда ҳам билиш мумкин. Бундай сўзларнинг этимологиясида асосий мазмун расм чизиш жараёни б-н боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Мас., қад. туркий тилларда «ёзмоқ» тушунчаси «бит(и)моқ» феъли («битик» – ёзув, китоб) б-н ифодаланган. Бу феълнинг ўзаги хитойча «би» (мўйқалам) сўзи б-н алоқадор бўлиб, дастлабки маъноси «ўймоқ, ўйиб безамоқ», ундан кейин «ёзмоқ» демакдир. Славян тилидаги «писати» (рус. «писать» – «ёзмоқ») феълининг маъноси ҳам дастлаб мўйқаламда расм чизиш б-н боғлиқ бўлган (рус. «живопись» – рангтасвир сўзи б-н қиёсланг). Бу феълнинг ўзаги лот. «pengere» (расм солмоқ) сўзи б-н алоқадордир, «писати» феълининг дастлабки маъноси, «расм солмоқ», «безамоқ»дан иборат бўлган. Готча (кичик қабилалар – готлар) «meliап» (ёзмоқ) феълининг дастлабки маъноси ҳам мўйқаламда «расм солмоқ» бўлиб, бу феъл ҳоз. немис тилида «malen» шаклида ва «расм солмоқ» маъносида қўлланади. Юнон тилидан кўпгина тилларга ўтган «графика» сўзи ҳам этимологик жиҳатдан ўйиш, тирнаш тушунчаларини ифодалайди. Бу мисоллар ёзувнинг расм б-н бениҳоя боғлиқ эканлигини яққол кўрсатади, Ё. жараёни механикасини ҳам очиб беради.

Расмлар ёрдамида муайян фикр – ахб.ни ифодалаш, юбориш мумкин эканлигини одамлар жуда қад. даврларда англаб етганлар. Шунинг учун ҳам расмли Ё. (пиктография) дунёда мавжуд барча Ё.ларнинг келиб чикиши учун асос бўлган дейиш мумкин. Пиктографиянинг огзаки нутқ б-н боғлиқ бўлмаганлиги унинг турли миллат вакиллари томонидан ҳам тушунилишини таъминлаган, аммо унда ифодаланган мазмуннинг турлича, ихтиёрий талқин этилишига йўл қўйилган, абстракт тушунчаларни бундай Ё. орқали ифодалаш деярли мумкин бўлмаган. Дав.чилик ривожланиб, турли ёзишмалар ва бу ёзишмаларнинг айни бир хил талқин қилинишига бўлган эҳтиёж кучайиб борган сари пиктографик Ё.нинг ожиз томонлари кўпроқ кўрина бошлаган. Бу ҳол пиктографик Ё.нинг тараққиёти, идеографик ва иероглиф Ё.нинг шаклланишига олиб келган.

Расмларнинг соддалашуви, уларнинг ўзлари ифода этган буюмларнинг номи, рамзига айланиши ва аста-секин бу рамзларнинг огзаки нутқ б-н мунтазам богланиши ёзувнинг такомиллашиб боришини белгилаб беради. Ё. белгилари иероглиф белгилар сифатида муайян сўзларнинг ифодасига айланади. Бу Ё. «сўз ёзуви» ёки «логографик ёзув» номи б-н маълум бўлган. Энг қад. логографик Ё. тизимлари (миср иероглификаси, шумер миххатлари (Ё.лари), хитой иероглификаси ва б.) мил. ав. 4-мингй.ликнинг охиридан мил. ав. 2-мингй.ликларнинг бошларигача бўлган даврда шаклланган.

Ҳақиқий маънодаги ёзув дастлаб Қад. Шарқда вужудга келган.

Ё.нинг кейинги тараққиёт босқичи бўғин Ё.и бўлиб, у мил. ав. 2-минг.ликларнинг ўрталарида пайдо бўлган. Тилдаги сўзлар сонига қараганда бўғинлар сони анча кам, шунинг учун ҳам бўғин Ё.и логографик Ё.га нисбатан сезиларли даражада озроқ белгилар тизими б-н иш кўрган. Мас., деванагари (ҳинд) Ё.и бўғин Ё.идир.

Ҳарф-товуш Ё.нининг шаклланиши бутун Ё. тараққиёти тарихида инқилоб бўлган. Бу йўналишдаги илк Ё. финикий ёзувидир. Финикий алифбосининг пайдо бўлиши инсоният учун Ё.ни такомиллаштириш борасида олға қўйилган қадам бўлган. Биринчи марта соф товуш Ё.и, саноқли ҳарфлардан иборат мукаммал алифбонинг юзага келиши ж-ятдаги Ё.ни биладиган кишилар доирасини кенгайтириб юборган. Шунинг учун ҳам финикий Ё.и жуда тезлик б-н бошқа халқлар орасида ҳам тарқалган. Бу жараён мил. ав. 9-а.дан бошланган. Финикияликлар б-н иқтисодий ва маданий алоқада бўлган қўшни халқлар мазкур Ё. б-н танишиб, тез орада уни ўз тилларига мослаштириб олганлар. Ҳоз. кунда бизга маълум бўлган ҳарф-товуш тизимидаги Ё.ларнинг 4/5 қисмидан кўпроғи финикий Ё.идан келиб чиққан.

Нутқни энг кичик бўлакларга – товушларга ажратиб тасаввур қилиш, идрок этиш дастлабки пайтларда у қадар осон бўлмаганлиги сабабли ҳарф-товуш Ё.и ёки алифболи Ё.нинг пайдо бўлиши жараёни узоқ давом этган. Бунда инсон дастлаб нутқни сўзлар, кейин бўғинлар, ундан кейин эса товушларга ажратиб тасаввур қила олиш каби мураккаб ва узоқ йўлни босиб ўтган. Тилдаги товушларни алоҳида-алоҳида идрок қилиш товуш Ё.нинг ибтидосидир. Ҳарф-товуш Ё.инининг муҳим афзаллиги унинг кам миқдордаги, яъни 20–30 атрофидаги белгилар б-нгина иш кўра олишидир. Ҳарф-товуш Ё.и дунё халқлари орасида жуда тез тарқалган ва бу жараён, асосан, ўзлаштириш, у ёки бу тилнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда мослаштириш йўли б-н бўлган.

Ўрта Осиёдаги халқлар, жумладан, ўзбек халқи турли Ё.лардан фойдаланиб келган. Мазкур Ё.лар Авесто, паҳлавий, Ўрхун-Энасой (руник), туркий (уйғур), суғд, араб, кирилл, лот. Ё.ларидир. Ё. б-н нутқ ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бирор тилни шу тилнинг Ё.ини ўрганмасдан ёки, аксинча, бирор Ё.ни шу ёзув тегишли бўлган тилни билмасдан ўрганиш мумкин эмас. Аммо Ё. оғзаки нутқни айнан акс эттира олмайди. Зотан, Ё. шундай хусусиятга эга бўлганида, имло қоидалари, талаффуз меъёрларига мутлақо эҳтиёж сезилмаган бўларди. Такомиллаштирилган алифбодаги муайян бир ҳарф муайян бир товушни ифодалаши, бир товуш аниқ бир ҳарф б-н ифодаланиши лозим. Аммо дунёда бундай алифбо йўқ. Ана шундай алифбога фин алифбоси бирмунча яқинлашади. Ҳоз. инглиз, француз ва б. тиллар алифболари бундай мукаммалликдан йироқ. Мана шу ҳолат дунё тилларининг барчасида хилма-хил ва жуда кўплаб график ва имло қоидаларининг ишлаб чиқилишига сабаб бўлган.

Ё. б-н тил ўртасида, алифбо ва тилнинг товуш тизими ўртасида бундай фарқли ҳолатларни юзага келтирган сабаблар хилма-хил. Аввало, дунёдаги ҳозирда мавжуд алифболарнинг деярли ҳаммаси ҳам мустақил ва тегишли тил хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда яратилган эмас. Кўпчилик халқлар ўз Ё.ларини бошқа тил Ё.ини ўз тиллари-

га имконият даражасида мослаштириш йўли б-н яратганлар. Бу ҳол Ё. ва тил муносабатларида ўз изини қолдирган.

Айни пайтда, Ё. ва тилнинг тараққиёти бир хил, бир-бири б-н тўла мос келадиган жараён эмас. Тилнинг тараққиёти-тарихий ва узлуксиз жараён. Одамлар тилга атайлаб, онгли равишда бирор-бир ўзгартириш кирита олмайди. Тилдаги у ёки бу ўзгариш тадрижий равишда, астасекин вужудга келади. Одамлар ёзувни тил хусусиятларига янада мослаштириш учун унга турли ўзгартишлар киритади, ислоҳотлар қилади, бир Ё.тизимини бошқаси б-н алмаштиради. Мас., ўзбек халқи асрлар давомида араб алифбосига асосланган ўзбек алифбосидан фойдаланиб келган, 1923–26 й.ларда бу Ё.ни ўзбек тили товуш қурилишини тўлароқ ифодалашга мослаштириш мақсадида бир қатор ҳарфий ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистонда 1929 й.дан лотин Ё.и асосидаги ўзбек алифбосига ўтилган, 1940 й.дан эса кирилл Ё.и жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 й. 2 сент.да «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Бу қонунга ва уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарорига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 й. 6 майда ўзгартишлар киритадиган қонун қабул қилди. Бу ҳужжатга кўра, лотин Ё.ига асосланган янги ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар қўшилмасидан иборат.

Ё. тараққиёти тилнинг табиий тараққиётидан анча орқада юрганлиги учун муайян сўз ёки сўз шаклининг ёзилиши б-н талаффузи айнан мос келавермайди. Бу табиий ва қонуний ҳол бўлиб, Ё. ва оғзаки нутқ ўртасидаги бундай номувофиқликларни имло қоидалари тартибга солиб туради. Дунёдаги алифболарнинг барчасида ҳам ҳарфлар сони тегишли тилдаги товушлар (фонемалар) сонидан сезиларли даражада кам. Табиийки, бу ҳол Ё.ни ўзлаштиришни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам алифболардаги асосий тамойил ундаги ҳарфлар сонини имкон қадар камайтиришдан иборат.

Роҳат Сафарова

ЁЗУВ ДАФТАРИ (юн. – варақнинг 4 дан 1 қисми) – ахб.ларни ташувчи, ёзувни амалга ошириш учун ишлатиладиган буюм. У оқ қоғоздан иборат варақларни бириктирган ҳолда ҳосил қилинади. Дафтар варақлари катакчалардан иборат, бир (қатта) чизиқли ёки икки (кичик) чизиқли бўлиши мумкин. Ўқувчилар дафтарларида ҳошиялар чизилган бўлади. Дафтарлардан, асосан, мактаб, КҲКлари, АЛларнинг ўқувчилар фойдаланади. Дафтарлардан илмий амалиётда ҳам фойдаланилади. Бироқ улар лаб. жур.лари тарзида номланади. Тиббий амбулатория хариталари ҳам дафтарлардан иборат бўлади. Дафтарлар муайян шакл ва ҳажмга эга.

Мил. ав. 7 а.дан бошлаб одамлар дафтар ўрнини босувчи турли воситаларга (мас., мол териси, тахтачалар, дарахт пўстлоқлари, тошлар ва б.) ҳар хил битиклар битишган. Дафтарлар тузилишига кўра рисолаларга ўхшаш бўлади.

Дафтар варақлари турли усуллар ёрдамида тикилади. Улар металл симлар, скрипкалар ёки елимлар б-н бириктирилади. Дафтарлардаги варақлар сони турлича бўлиши мумкин: 12, 16, 24, 32, 48, 96 варақ ва х. к. Энг кенг тарқалган дафтарлар 16, 32 варақли дафтарлардир. Кўп варақли дафтарлар умумий дафтарлар деб номланади.

ЁЗУВ ДОСКАСИ (лот. discus – доира, айлана товок) – хат ёзиш, расм чизиш, умуман, ўқув машғулотлари учун мослаб ясалган синф (аудитория) жиҳози. Ё.д.нинг қора ва тўқ жигарранг тусга бўялганларидан кенг фойдаланилган.

ЁЗУВ СТОЛИ – ёзув ишларини амалга оширишга мўлжалланган, тўғри, текис сатҳга эга бўлган стол. Ё.с.лари дастлаб 17-а.нинг охирида Франция ва Нидерландияда пайдо бўлган. Ё.с.нинг икки тури мавжуд: жавончасиз, парта шаклидаги Ё.с.лари; бир жавонли Ё.с.лари. Бундай жавончалар ўтириш жойидан чапда ёки ўнг томонда жойлашиши мумкин.

Инсонлар Ё.с.ларидан уйда ва иш жойларида фойдаланишади. Мактабда ҳам, уйда ҳам ўқувчилар Ё.с.ларида ёзма топшириқларни бажаришади. Ё.с.ларидан инсонлар ф-ятнинг барча турларида фойдаланишади. Уларнинг нақш, ўймакорлик ва бўртма-қадама безаклар ишланган, мебелсозликнинг санъат даражасида ясалган Ё.с.лари ҳам мавжуд.

ЁЗМА ИШЛАР – назарий характердаги ўқув материалларининг таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини текшириш ва унга тузатишлар киритишнинг асосий усули. Ўқув жараёнида имтиҳонлар ва назорат ишлари б-н бир қаторда, Ё. и. амалиёти ҳам мавжуд.

Ё.и. ўқув топшириқларининг мустақил шакли бўлиб, ўқитувчининг кўрсатмалари асосида бажарилади. Ё. и.дан таълим жараёнининг барча босқичларида фойдаланилади. Дидактик мақсадларга кўра, Ё.и.ни бажариш усуллари ўқувчиларнинг мустақиллик даражаларга кўра турли-туман бўлиши мумкин. Ё.и.нинг энг содда усули кўчириб ёзишдан иборат бўлиб, ўқувчиларнинг она тили ва бошқа тиллардаги ёзув кўникмаларини ўзлаштиришларига хизмат қилади. Машғулот ишлари ҳам Ё.и.нинг асосий қисмини ташкил этади. Бундай ишларнинг мақсади ўқувчилардаги саводхонлик кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

Ё.и. ёрдамида ўқувчилар эгаллаган билимларни қайд этиш, кузатиш, текшириш, мустаҳкамлаш имконияти вужудга келади. Ё.и. ўқувчиларнинг тафаккурлари, қизиқишлари ва лаёқатларини шакллантиришда муҳим дидактик аҳамиятга эга. Ёзма ишларни бажарганда ўқувчилар ўзлари учун зарур бўлган усул ва мет.лардан фойдаланиш б-н бир қаторда, билиш вазифаларини ечишнинг янги усулларини ҳам кашф этишади.

Бажариш шакли ва техникасига кўра Ё.и. ўзаро бир-биридан фарқланади: лаб. ҳамда амалий ишларнинг ҳисоботи, масала ва мисолларни ечиш, машқларни бажариш, диктант, баён, иншо, мулоқот матнлари, тақризлар, рефератлар, чизма ишлари, хариталар ёрдамида бажариладиган топшириқлар шаклида бўлиши мумкин. Ё.и.нинг самарадорлиги ўқувчиларнинг топшириқ мақсадини канчалик англаб етганликларига боғлиқ. Бу жараёнда ўқувчиларнинг иш ҳажми ва кўламидан келиб чиққан ҳолда ўз-ўзини назорат қилиш усулларидан қанчалик тўғри фойдаланганликлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи навбатма-навбат ёзма ишларнинг ҳар хил турларидан фойдаланиши лозим. Бу жараёнда у синфдаги барча ўқувчиларнинг жамоавий ф-яти б-н алоҳида ўқувчиларнинг ишларини уйғунлаштира олиши керак. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражалари ва лаёқатларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи Ё.и.ни табақалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим.

ЁЗМА НУТҚ – нутқнинг ёзув орқали ифодаланадиган алоҳида шакли. У ўз таркибига ёзиш ва ўқишни мужассамлаштиради. Нутқ ёзма психологик, психолингвистик асосларга эга. Ё.н. ўзининг коммуникатив табиатига кўра монологик характерга эга. Ёзма шаклдаги диалогик характерга эга бўлган ёзма мулоқот ҳам вужудга келган.

Ёзув тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, Ё.н. инсон хотирасининг ўзига хос ифодаси сифатида намоён бўлади. У дастлаб содда, осон эслаб қолинадиган белгилардан ҳосил бўлган.

Инсоният тарихининг муайян даврида одамлар ахб.ларни ёза бошлашган. Улар ўз фикрларини муайян усуллар ёрдамида ифодалашга муваффақ бўлишган. Усуллар ўзгаради, бироқ ахб. ларни сақлаш ва авлоддан-авлодга узатиш мақсади ўзгармасдан қолади. Ёзув ривожланишининг дастлабки босқичи ёрдамчи воситаларни қўллаш б-н характерланади.

Ё.н. муайян таълим жараёнида шаклланиб, ўқувчилар фикр ифодалашнинг барча воситаларини ўзлаштиришлари натижасида шаклланади. Ё.н. шаклланишининг дастлабки босқичида унинг асосий воситаси сўзлар ва уларни тўғри ёзишдан иборат. Ё.н.да фикрни тўғри баён этиш муҳим аҳамиятга эга

ЁЛҒОНЧИЛИК – ж-ятда, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўладиган салбий иллат. Ё. сўзи азалдан барча халқлар томонидан туҳмат, бўҳтон, чақимчилик, манманлик, кўрслик, кўрқоқлик, бепарволик сингари иллатлар сифатида қораланиб келинган. Ёлғон хабар натижасида оилалар, таълим муассасаларида салбий оқибатларга олиб келиши, кишилар орасига нифоқ солиши, оилаларнинг бузилиши, ж-ятда пароканда-ликнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, ахб.-коммуникация воситалари, техника ва техн. тараққий этган ҳоз. даврда ёлғон хабарнинг қанчалик машъум, бузғунчи аҳамият касб этиши, халқаро муносабатларда алғов-далғовларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ёлғон сўз, Ё., ёлғон хабар ўзининг мазмун-моҳияти б-н кишилар ўртасидаги, ж-ятдаги ҳамжиҳатликка раҳна солиши, шахслараро муносабатларга путур етказиши ва салбий ҳолатларга сабабчи бўлишини болаларга жуда ёшлигидан бошлаб тушунтириш, уларни Ё.дан сақланишга даъват этиш ота-оналар, педагоглар, психологлар, т-ячилар, умуман, катталарнинг асосий вазифаларидандир. Шу маънода, Ё. – адолат, ҳақиқат, тинчлик, осойишталик, ж-ятдаги бунёдкорлик ва яратувчанлик, ташаббускорлик ва тараққиётга тўсқинлик қиладиган, маънавиятга зид иллат эканлигини ўз вақтида ўқувчиёшлар онгига етказиш талаб этилади.

ЁМОНЛИК – яхшиликнинг зиди бўлиб, шахс, инсон камолига, маънавият ривожи ва ж-ят тараққиётига тўсқинлик қиладиган иллат; ёлғончилик, пасткашлик, мунофиқлик, беҳаёлик, раҳмсизлик, номардлик, хиёнат кабилар орқали намоён бўладиган тушунча. Ё. инсондаги ихтиёр эркинлигидан нотўғри ва нопок мақсадда фойдаланишнинг оқибатидир. Ад.ларда ёмонлик инсондаги шайтоний ва ҳайвоний хислатларнинг ифодаси тарзида талқин этилади. Ё. орқали инсон ф-яти баҳоланади. Ё.ни англаш орқали яхшиликнинг қадри билинади. Ё. манфаат ва уни қондириш, ўз мақсадига етишиш йўлидаги ножўя хатти-ҳаракатнинг ифодаси ҳамдир. Ё. зарарли иллат бўлиб, ж-ят тараққиёти учун тўсқинлик қилади. Инсон ўзи ҳамда оиласи учун раво

кўрмайдиган Ё.ни бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги лозим. Ё. бор жойда хиёнат, ғазаб, кибр, ҳасад, қасд, мунофиқлик каби иллатлар ёнма-ён юради. Ўзгаларга Ё. Истовчилар – тубан, кибр-ҳавога берилган, ўзини бошқалардан устун қўйиш туйғуси б-н юрадиган мунофиқ кишилардир. Ё. яхшилик б-н карама-қарши бўлган, у б-н ёнма-ён юрадиган салбий хислатдир. Бундай хислат ахлоқи, феъл-атвори бузуқ, энг тубан шахсга хос бўлиб, у бошқаларнинг иқболини ўйламайди, лекин ўз манфаати йўлида ҳеч қандай ҳаракат ва тубанликдан тоймайди. Бадхулқ, ўзгаларга Ё. истовчи киши биргина кўнгилсизлик натижасида барча яхшиликларни унутади. Ҳасад ва ғиво бор жойда Ё. бўлади, уни ўзгаларга раво кўрувчи инсоннинг ўзи ҳам обрў-эътибор топмайди. Ё. истовчи киши жамоани бузади, одамлар ўртасига нифоқ солади, таълим-т-яни издан чиқаради. Ё.нинг ҳар қандай кўриниши келажак авлодни юксак маънавият руҳида т-ялашга тўсиқ бўлади. Буни ўқувчи-ёшлар онгига етказиш педагоглар ва ота-оналарнинг энг асосий вазифаларидандир.

ЁМОН ХУЛҚ – маънавият ривожланишига тўсқинлик қиладиган, кишиларнинг ахлоқий идеаллари, улар эъзозлайдиган қадриятларга зид келадиган, одамлар орасидаги муносабатларда салбий ҳодиса тарзида намоён бўладиган, инсонийлик талабларига мос келмайдиган хусусиятлар ва хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчалар йиғиндиси. Одатда, ёмон хулқ кишига одат бўлиб қолган, такрорланиб турадиган салбий ҳаракатлар, яъни одат, қилиқларда намоён бўлади. Ё. х.ли одам деганда ўзининг феъл-атвори, қилган ишлари б-н атрофдагиларга зарар етказувчи, ахлоқан нопок кишиларни тушунамиз.

Халқимиз шарм-ҳаёсиз, дангаса, димоғдор, тамагир, хушомадгўй, бетгачопар, дилозор, ёлғончи кишиларни Ё.х. эгалари сифатида қоралайди, уларни кискагина қилиб «ёмон одамлар» деб баҳолайди. Ё.х.нинг зиди одоб-ахлоқли бўлишдан иборат эканлигини болалар онгига ёшликдан етказиш лозим. Чунки шарқона ахлоқ мезонлари кишиларни ёмонликдан тийилишга даъват этишга асосланади.

«ЁПИҚ КИТОБ» УСУЛИ – муайян фан бўйича матн материалини қўллаш усулларидан бири. Мазкур усул ўқувчи-талабалардан матнда бор маълумотни эслаб қолиш, лекин мунозара пайтида матнни қайтадан баён этмасликни талаб қилади. Ушбу усул ҳам бошқа усуллар б-н биргаликда қўллаш ва ўқувчи-талабалар ўкишда фақат «қайта баён этиш» б-н чегараланмасликларини талаб қилади.

ЁПИҚ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ – муайян вақт оралиғида ташқи муҳитдан ажратилиб, болаларга таълим-т-я бериладиган таълим муассасаси.

ЁРДАМЧИ МАКТАБ – ақли заиф болалар ўқийдиган махсус у.ў.т. муассасаси. Ўзбекистонда дастлаб 1935 й.да Тошкент ш.да очилган. Асосан, ақли заиф (олигофрениянинг дебиллик даражасидаги) ҳамда кейинчалик турли касалликлар туфайли ақли заиф бўлиб қолган болалар қабул қилинади. Махсус таълимга муҳтож болалар тиббий пед.-психологик комиссия томонидан белгиланади. Ё.м.даги ақли заиф болалар учун махсус таълим-т-я Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997) асосида амалга оширилади. Ё.м.лар ЎзР ХТВ тизимига киради. Ё.м.ларда ақли заиф болаларга махсус таълим ДТСларига мувофиқ мактабларнинг бошланғич синфи ҳажмига тўғри

келадиган ва киёман у.ўт.ни амалга оширувчи махсус таълим дастури, режаси ва дарсликлар асосида амалга оширилади. Ўқиш муддати – 9 й. Ё.м.га ҳар синфга 10–12 нафар ўқувчи қабул қилинади. Мактабдаги ўқув вақтининг 1/3 қисми (4-синфдан бошлаб) меҳнат таълимига ажратилади. Ёрдамчи мактабларда таълим олувчиларга дурадгорлик, каштачилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги ишлари ўргатилади.

Ё. м.ларнинг асосий мақсади болаларни ақлий жиҳатдан коррекциялаш (тузатиш) ва жисмоний жиҳатдан соғломлаштириш, т-ялаш, шунингдек, болаларни ёрдамчи мактаб дастури ҳажмида БКМлар б-н қуроллантириш, уларни амалий ф-ятга тайёрлаш, нуқсонларни тузатиш ҳамда ижт. ҳаётга мослаштиришдан иборат. Ё.м.да таълим-т-я ишларини олигофренопедагог мутахассислар олиб боришади. Ё.м.ларда врач-психоневролог, тиббиёт ҳамширалари ҳам ишлайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 19 та Ё.м. ва 32 та ёрдамчи интернат мактаби ф-ят кўрсатмоқда.

ЁТСИРАШ – ўзини бегона тутиб, тортиниб аралашмай турмоқ.

ЁШЛАР – 1) навқирон йигит-қизлар; 2) ўринбосарлар; дублёрлар. Ё. ж-ятдаги ижт.-демографик гуруҳ, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етукликнинг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашиш каби ўзига хос хусусиятлар б-н тавсифланадиган тушунча. Ёшлик чегараси беқарор ва аниқ ажратилиши қийин, лекин педагог ва психологлар, кўпинча, уни 18–30 й. б-н ўлчайдилар. Ёшлар ўзларининг баъзи умумий хусусиятлари б-н тавсифланади: улар замонавий ва билимли; янги касблар ва янгича турмуш тарзига интилувчан; ижт. жиҳатдан ҳаракатчан қатлам ҳисобланади. Ё.да қадриятларни қайта баҳолаш лаёқати кучли тарзда намоён бўлиб, улар катталарга нисбатан ўзгачароқ фикрлайди. Шунинг учун ҳам улар эҳтиёж ва идеаллар, ахлоқий меъёрларни фаол ўзлаштиради, таълим олиш, янгиликларни ўрганиш ва ўзлаштиришга интилади. Ё. ўз тенгдошлари б-н мулоқот ва ҳамкорлик қилишга кучли эҳтиёж сезади. Ё. ўзаро мулоқотга киришиш, маданий ривожланиш, билим олиш ва меҳнат қилиш, ҳордиқ чиқариш, янгиликларни тезкор ўзлаштиришга мунтазам тарзда интилади. Бу эса, ўз навбатида, Ё.нинг интеллектуал-маданий даражасининг ривожланишига сабаб бўлади.

Жинси, ёши, маълумот даражаси, касбий бандлик соҳаси, маданий-сиёсий манфаатлари ва б.ларга боғлиқ ҳолда ёшлар алоҳида гуруҳларга ажралади. Таълим турини танлаш ва уни эгаллаш, меҳнат жараёнига киришиш, янги оилани вужудга келтириш, касбий ривожланишга интилиш ёшларнинг асосий мақсадларини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 й. 20 нояб.даги «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунида ёшларга бериладиган ижт.-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий кафолатлар белгилаб қўйилган. Шунингдек, бу қонуннинг қабул қилиниши ёшларга оид дав. сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган ташкилий тадбирларни ҳам кўзда тутади. Қонуннинг 1-моддасида: «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат ф-ятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўлатўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий

жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир», – деб ёзиб қўйилган. Мазкур қонун изчиллик б-н ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ё.нинг ҳар томонлама ривожланиши ва ўз лаёқатларини санъат, ад., спорт соҳасида намоён қилишлари учун Ўзбекистон Республикаси томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Турли танловлар, уч боскичли спорт мусобақаларининг ташкил этилиши, «Зулфия», «Ниҳол» каби дав. мукофотларининг таъсис этилганлиги, кўплаб кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказиб турилиши ёшларнинг янги-янги қирраларини очишда муҳим омил бўлмоқда.

ЁШ ДАВРИ – шахс ва организм шаклланишига хос махсус қонуниятлар йиғиндиси б-н изоҳланувчи инсон ривожланишининг муайян боскичи.

ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ – боланинг турли ёш даврларида рўй берадиган ўзгаришлар ва ўзига хос хусусиятларни ифодаловчи тушунча. Бу хусусиятлар – боланинг фикрлаш қобилияти, кизиқишлари, эҳтиёжлари, лаёқатлари ва иқтидорларини назарда тутган ҳолда амалга ошириладиган таълим-т-я уларни билиш-ўрганишга рағбатлантиради, ўқишнинг муваффақиятини таъминлайди, ўқитувчи ва ўқувчилар ф-ятини ижодий характердаги ҳамкорлик жараёнига айлантиради. Ё.х.даги фарқни билиш, камол топаётган шахснинг ҳаёт ф-ятини мақсадга мувофик тарзда йўналтириш, унинг қобилиятлари ва иқтидорини рўёбга чиқариш учун қулай пед. шарт-шароитлар яратиш, унга таълим-т-явий таъсир кўрсатишнинг самарали воситаларини танлаш имконини беради.

Ё.х., айниқса, болалик ва ўсмирлик, ўспиринлик даврларида ёркин намоён бўлади. Бу даврларда болалар тез ўзгаради, айрим ҳолларда ота-оналар уларнинг ёшларидаги янги хусусиятларга мослашиб улгурмайди. Бу ўринда болани назорат қилиш ва у б-н мулоқотда ота-она томонидан тўпланган тажрибанинг ўзи камлик қилади. Кичкинтой бола камдан-кам ҳолларда ота-онасини ранжитади. У ота-онасига қулоқ соладиган, очиқ, самимий ва оила аъзоларига қаттиқ боғланган бўлади. Лекин улғайгани сари уларда янги хусусиятлар пайдо бўла бошлайди. Ота-она ва педагоглар боланинг худди мана шу хусусиятларини тўғри англаб, унга муносиб ёндашишлари лозим. Шундагина болаларнинг турли ёш даврларида учрайдиган инкирозларни улар б-н ҳамжиҳатликда бартараф этиш имконияти вужудга келади.

Пед.да «ёш хусусиятлари» тушунчаси б-н бир қаторда «ёш имкониятлари» тушунчаси ҳам мавжуд. У самарали таълим-т-я шароитидагина ҳар бир ёшдаги бола эришиши мумкин бўлган барча натижаларни қамраб олади. Баркамол шахсни шакллантиришда, биринчи навбатда, боланинг ёш имкониятларини билиш талаб этилади.

«ЁШ КУЧ» – ўсмирларнинг ижт. адабий-бадиий журнали. Муассиси – Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижт. ҳаракати. Тошкент ш.да ойда 1 марта чиқади. Дастлаб Самарқанд ш.да болаларга мўлжалланган биринчи ижт.-сиёсий ва адабий-бадиий жур. сифатида ташкил этилган (1929), сўнг жур. таҳририяти Тошкент ш.га кўчирилган (1934). Туркистонда ёш авлодни замон талабига мос тарзда т-ялаш мақсадида махсус болалар нашрлари ташкил этишга бўлган саъй-ҳаракатлар 20-а.нинг 10-й.ларида бошланган. «Ё.к.»нинг ташкил этилиши ана шу саъй-ҳаракатларнинг маҳсулидир. «Ё.к.», айниқса, болалар ва ёшлар нашрларининг

услубини шакллантиришга муҳим ҳисса қўшган. Жур.нинг 1940–41 йларидаги сонларида кўпгина адабий асарлар, адабий-танқидий мақолалар ёритилган. Хусусан, Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати б-н бир қатор мақолалар, шоир адабий меросидан намуналар берилган. Низомий, Фузулий каби улкан адибларнинг асарлари, шарқшунос олим Е. Э. Бертельснинг бир неча илмий мақолалари, Тўхтасин Жалоловнинг «Хамса талқинлари» номли туркум мақолалари илк бор «Ё.к.» саҳифаларида ёритилган. 2-жаҳон уруш бошланганлиги туфайли 1941 й.да кўпгина нашрлар қатори «Ё.к.» ф-яти ҳам тўхтатилган. 1986 й. июлда яна қайта тикланган.

ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ – психология фанининг турли ёшдаги одамлар ҳусусиятлари, бир ёш даври (болалик, ўсмирлик, ўспиринлик)дан бошқасига ўтишда уларнинг психик ривожланиш қонуниятларини, одам психикасида содир бўладиган сифат ўзгаришлари динамикасини ўрганувчи бўлими. Ё.п. одамнинг туғилганидан бошлаб то кексайгунига қадар бўлган давр (онтогенез)да амалга ошадиган руҳий ривожланиши ва шаклланиши босқичларини ўрганади. Ё.п. мустақил фан сифатида 19-а.нинг охирларида шаклланган. У дастлаб болалар психологияси сифатида юзага келган. Ё.п. узоқ вақт бола руҳий ривожланиши механизмларини ўрганиш б-н чекланиб келган. Бироқ инсоният тараққиётининг кейинги даражалари одам онтогенетик ривожланишини янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишни тақозо қилганлиги муносабати б-н бу фаннинг тадқиқот доираси кенгайган. Натижада Ё.п.нинг болалар психологияси, етуклик даври психологияси, геронтопсихология (кексалик психологияси) каби соҳалари юзага келган.

Пед. ва психологияда одамларнинг, айниқса, таълим олиш ёшидаги болаларнинг руҳий ривожланиш босқичлари конуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бола шахсининг умумий психологик хусусиятлари б-н бир қаторда улар б-н олиб бориладиган таълимий ва т-явий ишларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади. Боланинг индивидуал типологик хусусиятидаги айрим жиҳатлар (идрок, хотира, сезги, фикрлаш ва б.)нинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларидаги ўзига хосликларини ҳамда ўзига монанд таълимий ёндашувлар шундай жиҳатлар сирасига киради. Бу, ўз навбатида, боланинг билим олиш, психик жиҳатдан ривожланиши учун мавжуд эҳтиёжлар, қизиқишлар, табиий мойилликлар, ф-ят мотивларини тўғри йўналтириш, унинг хатти-ҳаракатларини янги сифатларни шакллантиришга сафарбар қилиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўқувчи-талабаларга мақсадга мувофиқ тарзда пед. ёндашувни амалга ошириш учун ўқитувчилар Ё.п.га оид билимлар б-н қуролланган бўлишлари лозим.

ЁШ ФИЗИОЛОГИЯСИ – физиология фанининг онтогенетик ривожланиш жараёнида инсон организми, алоҳида тана қисмлари, функциялари ҳамда ривожланиш қонуниятларини ўрганишга қаратилган махсус тармоғи. Таълимда бу қонуниятларни билиш ҳамда турли ёш даврларидаги ривожланиш жараёнларида уларга асосланиш таълим ва т-яни, айниқса, ўқувчиларнинг жисмоний, ақлий ривожланишини тўғри ташкил этишнинг муҳим шартидир. Болаларни жисмоний ривожланиш босқичлари физиологик жиҳатдан гўдаклик (туғилганидан бир ёшгача), илк ёш (1–3), мактабгача

таълим ёши (3–7), кичик мактаб ёши (7–12 гача), ўсмирлик (11–15 гача) ҳамда ўспиринлик (14–18 гача) даврларига бўлинади. Яна шуни кайд этиш лозимки, айрим болаларда аклий-физиологик ривожланишнинг муайян боскичида олдинги боскичида шаклланиши ниҳоясига етиши лозим бўлган жараёнлар давом этса, айримларида шу боскичда кейинги боскичда шаклланиши лозим бўлган айрим сифатлар намоён бўла бошлайди, яъни айрим болаларнинг индивидуал хусусиятига кўра Ё.ф. қонуниятларида белгиланган айрим меъёрлардан оғиш ҳолатлари кузатилади. Шунинг учун ҳам таълим-т-я жараёнида болаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади.

ЁШ САЙЁҲЛАР ВА ЎЛКАШУНОСЛАР МАРКАЗИ – Ўзбекистонда халқ таълими тизимида ўқувчи-ёшларга тўгарак, клуб, сайёҳлик гуруҳлари орқали қўшимча таълим-т-я берувчи болалар муассасаси. У ўқувчи-ёшларнинг қизиқишлари, интилишлари, иқтидорларига мос тўгарак ишларига жалб этади, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишни уюштиради. Болалар истеъдодларини аниклаш, уни тўғри т-ялаш орқали касб-ҳунар танлашларига ёрдам беради. Марказ экскурсия, саёҳат, сафар, экспедиция, сайёҳлик юришлари уюштириб, улар орқали ўқувчи-ёшлар дунёқарашини бойитади, билим доираларини кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, жисмонан бақувват, ҳар томонлама баркамол инсон қилиб етишишларига ҳисса қўшади. Шунингдек, ўқувчи-ёшларни табиат б-н тўғри муносабатда бўлишга ўргатади, спортчи-альпинистлар, қутқарув хизмати мутахассислари, ўқитувчи-т-ячи каби касб асосларини беради.

Ўзбекистонда дастлабки Ё.с.ў.м. Болалар сайёҳлик базаси номи б-н 1936 й.да ташкил этилган. ЎзР ХТВга қарашли Республика Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. ва вилоятлардаги 43 та Ё.с.ў.м. ф-ятини мувофиқлаштиради ҳамда уларга мет. ёрдам кўрсатади. Ўзбекистондаги Ё.с.ў.м.да тўгараклар йўналишлари сони 22 та (2013) бўлиб, уларда ҳар йили минглаб болалар шуғулланишади, турли экскурсия, экспедиция, сайёҳлик юришларида иштирок этишади.

ЁҚУБОВ Пўлат (1937.1.4, Паркент тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). ТДПУнинг расм ва чизмачилик ф-тини тамомлаган (1961). 1960–61-й.ларда Тошкент ш.даги 73-мактабда, 1961 й.дан Паркент туманидаги 1-мактабда ўқитувчи, 1988 й.дан методист-ўқитувчи, 1994 й.дан олий тоифали мутахассис. Ё. республика, вилоят пед. ўқишларида ўқитишнинг янги услубларига бағишланган маърузалари б-н қатнашган. 1998–99-ўқув йили мактаблар учун чизмачилик ва тасвирий санъат фанлари бўйича синов дастурини мактабда синаб, ушбу дастурнинг яратилишига ўз ҳиссасини қўшган.

ЁҚУБОВА Марям (Урганч ш., 1931. 12.5) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1978), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Хоразм пед. ин-тининг физика-мат. ф-тини тамомлаган (1952). 1952 й.дан Урганч ш.даги 1-мактабда физика-мат. ўқитувчиси, 1958–62 й.ларда Урганч ш. халқ таълими бўлими мудири, 1962–92 й.ларда Урганч ш.даги 94-мактаб-интернат директори. Ё. раҳбарлик қилган мактаб-интернат бу даврда республикадаги намунали таълим-т-я масканларидан бирига айланган.

МАҚОЛАЛАР МУАЛЛИФЛАРИ

АТАҚУЛОВА Наргиза
АЪЗАМОВА Малоҳат
БОЛТАЕВА Онажон
ЖУМАЕВА Феруза
ЖЎРАЕВ Рисбой
ИБРОҲИМОВ Санжар
ИНОЯТОВА Муҳайё
КУДАЙНАЗАРОВ Айдост
МАЪМУРОВ Баҳодир
НЕЪМАТОВ Шуҳрат
ОЛИМОВ Ширинбой
РЎЗИЕВ Фарҳод
САФАРОВА Роҳат
САЪДУЛЛАЕВ Баҳодир
СУЛАЙМОНОВ Аскарали
СУЛАЙМОНОВА Гулчеҳра
СУЛАЙМОНОВА Нигора
ТИЛАВОВА Матлаб
ТУРДИҚУЛОВ Эшбой
ШАМСИЕВ Баҳодир
ЮСУПОВА Ҳабиба
ЮСУПОВА Феруза
ЎТАНОВ Ўткир
ҚАЛАНДАРОВА Мехрибон
ҚОСИМОВА Дилдора

ПЕДАГОГИКА

энциклопедия

I ЖИЛД

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2015.
Тошкент – 129. Навоий кўчаси, 30.

Муҳаррир *Л. Сулаймонов*
Бадиий муҳаррир *А. Ёқубжонов*
Техник муҳаррир *У. Сапаев*
Саҳифаловчилар *У. Саидов, Д. Хасанова*

Нашриёт лицензияси AI № 160, 14.08.2009-й.

2015.01.22 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100$^{1}/_{16}$.
«Times» гарнитураси, кегли 11. 25,80 шартли босма табок. 21,0 нашриёт-ҳисоб табоги.
Адади 1000. Баҳоси шартнома асосида. 8-сонли буюртма.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти,
Тошкент – 129. Навоий кўчаси, 30.

«AVTO-NASHR» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., 8-март кўчаси, 57-уй.

25000c



ISBN 978-9943-07-339-5